АБУ ИЙСО МУҲАММАД АТ-ТЕРМИЗИЙ



СУНАНИ ТЕРМИЗИЙ

АЛ-ЖОМИЪ АС-САҲИҲ

Ҳадислар тўплами
таржимаси

Тўлдирилган қайта нашр

I
ЖИЛД

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2012

УДК 297
ББК 86.38
Т 27

Таҳрир ҳайъати:

МУФТИЙ УСМОНХОН АЛИМОВ: таҳрир ҳайъати раҳбари.

ШАЙХ АБДУЛАЗИЗ МАНСУР: масъул муҳаррир.

УБАЙДУЛЛА УВАТОВ: Имом Бухорий халқаро маркази директори.

АКМАЛ САИДОВ: юридик фанлари доктори, профессор.

АНВАР ҚОРИ ТУРСУНОВ: Тошкент шаҳри имом-хатиби.

ҲАЙДАРХОН ЙЎЛДОШХЎЖАЕВ: Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти ректори.

САЙФИДДИН РАФИДДИНОВ: Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти катта илмий ходими.

БАҲРИДДИН УМУРЗОҚОВ: Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими.

Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи:
Мирзо КЕНЖАБЕК

31703/1
№1 4ф

Т–27 Абу Ийсо Муҳаммад ат-Термизий. Сунани Термизий. Мирзо Кенжабек таржимаси. – Т.: «SHARQ», 2012. –528 б.

УДК 297
ББК 86.38

ISBN 978-9943-00-456-6

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2329-рақамли тавсияси билан нашр этилди.

ISBN 978-9943-00-456-6

2013/8
A 507
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

© М.Кенжабек (Кенжабоев М.Т.), 2012 й.
© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2012 й.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

❊ ❊ ❊

«Ушбу китобни тасниф қилганимдан кейин уни Ҳижоз, Ироқ ва Хуросон уламоларига тақдим этдим. Улар розилик билдириб, қабул қилдилар. Кимнинг уйида бу китобдан бор бўлса, ўша хонадонда ҳазрати Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) гапираётгандек бўладилар».

Абу Ийсо Муҳаммад ат-Термизий

❊ ❊ ❊

Улуғ устоз Имом Бухорий ўз шогирди Имом Термизийни алқаб, айтдилар:

«(Эй Абу Ийсо Термизий!) Сен мендан баҳраманд бўлганингдан ҳам кўра мен сендан кўпроқ баҳраманд бўлдим» *(«Ал-Мирқот»).*

❊ ❊ ❊

Бир устозим айтдилар: «Муҳаммад ибн Исмоъйил ал-Бухорий вафот этганларида Хуросонда эдим. У кишининг ортидан илм, ҳифз, вараъ ва зуҳд бобида Абу Ийсо Термизийдек бошқа бир зот қолмади. Термизий йиғлайверганларидан кўзларидан жудо бўлиб қолдилар ва бир неча йил аъмо (кўрмас) ҳолатда яшадилар».

Ал-Ҳоким Абу Аҳмад

❊ ❊ ❊

«Менинг учун Имом Термизийнинг китоби Имом Бухорий ва Имом Муслим китобларидан кўра фойдалироқ. Чунки уларнинг китобларидан фақат теран илмли мутахассис олимларгина истифода этади. Термизийдан эса ҳар ким фойдаланиши мумкин».

Шайхул-Ислом Абу Исмоъйил ал-Ансорий

❊ ❊ ❊

Машойихлар: «Бу китоб қайси уйда бўлса, ўша уйга муҳтожлик ва қашшоқлик кирмайди», дебдурлар.

«Саҳиҳи Термизий» танланган ҳадислар китобидан

❁ ❁ ❁

«(Абу Ийсо Муҳаммад ат-Термизий) ҳадис илмида кўпгина асарлар тақдим этди. Унинг ушбу «Ал-жомиъ ас-саҳиҳ» китоби бу асарлар орасида фойдаси энг кўп, тартиби энг ихчам, такрори энг оз китобдир. Унда бошқа ҳадис китобларида учрамайдиган хусусиятлар бор:

– мазҳаблар ва истидлол (далил келтириш ва гувоҳлик) жиҳатлари эътиборга олинган;

– саҳиҳ, ҳасан ва ғариб деб ҳадис турлари аниқ белгиланган;

– жарҳ ва таъдилга (нуқсон ва таққос жиҳатлари, ровийнинг қиёфаси, бирор сифати, айби ёки фазилати, ишончли ёки ишончсиз экани ҳақидаги фикрларга) ўрин ажратилган;

– китоб охирида иллатларга доир махсус бир боб илова қилинган.

Хуллас, бу китобда улкан фойдалар жамлангандир. Китобни мутолаа қилган кишилар бунга тан берадилар».

Аллома Тошкўпрулузода

Улуғ муҳаддис Имом Термизийнинг «Сунани Термизий» («Ал-жомиъ ас-саҳиҳ») асари янги нашри Миср/Қоҳира нусхасига асосланди, Байрут, Риёз нусхалари билан қиёсланди. Боблар ва ҳадис рақамлари арабий аслиятга мослаб чиқилди. Асар Ҳанафий фиққи асосида диёримиз китобхонлари манфаатларига мос зарур илмий шарҳ ва изоҳлар билан тақдим этилмоқда.

Азиз китобхонлар таржимадаги камчилик ва нуқсонларни афв қалами ила ислоҳ айлаб, холис фикр-мулоҳазаларини билдирадилар ва эзгу дуоларда бўладилар, деб умид қиламиз.

Қуръони карим оятларининг ўзбекча матнларини танлашда Шайх Абдулазиз МАНСУР таржимасидан истифода этилди

ИМОМ АТ-ТЕРМИЗИЙ БАРАКОТИ

«Сунани Термизий» таржимасининг янги нашрига сўзбоши

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Аллоҳ таолога чексиз ҳамду санолар бўлсин. Унинг Расули ва ҳабиби – севикли Пайғамбаримиз ҳазрати Муҳаммад Мустафога сўнгсиз салоту саломлар бўлсин.

Муқаддима. Аллоҳга беҳисоб шукрлар бўлсинки, биз истиқлол неъмати туфайли улуғ аждодларимизнинг бебаҳо хазиналаридан, илмий-маърифий меросларидан баҳраманд бўла бошладик. Муҳтарам юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаб айтганларидек: «Биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандия таълимоти, Термизий ўгитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз». Ҳақ таоло ато қилган бу имконлар, бу ютуқлар, бу неъматлар учун Яратганга қанча шукроналар айтсак, шунча оз.

Аллоҳ таоло ўз муқаддас Каломида ҳазрати Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га хитобан: **«Албатта, Сиз буюк хулқ узрадирсиз»** («Қалам», 4) дея марҳамат қилади. Жаҳонда мўътабар ҳисобланган «Руҳул-баён» тафсирида айтилганидек, Ояти каримада Аллоҳнинг Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) «энг гўзал ахлоқларни ўзларида жамлаган» зот эканликлари таъкидланмоқда. Ул зоти бобаракотнинг Қуръоний ахлоқлари ҳадиси шарифларида равшан кўринади. Шу боис муборак ҳадисларни инсонларга етказиш дунёдаги энг шарафли ишлардандир. Бу йўлда умрини фидо қилган аҳли байт ва саҳобаи киромлардан Аллоҳ рози бўлсин, ул зотнинг ҳадисларини жамлаш ва инсониятга етказишда буюк эҳтимом, ғайрат-шижоат кўрсатган улуғ муҳаддисларга Аллоҳнинг сўнгсиз раҳматлари ёғилсин.

Ҳадис ва суннат тушунчалари. Илм аҳлига маълумки, муҳаддислар, хусусан, кейинги уламолар «ҳадис» ва «суннат» бир маънодаги сўзлардир, деган фикрга тўхталганлар. Ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзлари, феъл-атворлари ёки бирор тақрирлари, яъни бирор масаладаги розиликлари, тўхтамлари ёхуд бирор сифатларининг ифодаси, умуман олганда, шаръий ҳукмлар ҳадис ёки суннат дейилади.

Асли эътибори билан «ҳадис» ва «суннат» истилоҳлари муҳаддислар наздида бир маънода қўлланилиб, ҳазрати Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сийратлари, яъни ҳаёт йўлларини англатса-да, аммо

бу истилоҳлар ўртасида ўзига хос жиддий фарқли жиҳатлар ҳам борки, кўплаб ихтилофлар олдини олишда буни англаш ва англатишнинг аҳамияти улкандир. Ҳадис ва суннат иккови бири иккинчисидан буткул жудо эмас, яъни икковида қарама-қаршилик нисбати йўқ, магар икковининг орасида тенглик нисбати ҳам йўққи, «Суннат ва ҳадис» китобида бу хусуслар етарли далиллар билан кўрсатилган.

Имом Термизий ҳақларида қисқа сўз. Муҳаммад ибн Ийсо ибн Савра ибн Мусо ибн Аз-Заҳҳок Абу Ийсо ас-Суламий аз-Зарийр ал-Буғий ат-Термизий ҳижрий 209 (милодий 824) йилда кўҳна Термиз шаҳрига яқин манзилда таваллуд топдилар.

Муҳаммад ат-Термизий ёшлик чоғларидан Термиз, Самарқанд, Марв ҳамда Марказий Осиёнинг бошқа шаҳарларида яшаган машҳур аллома ва муҳаддисларнинг асарларини қунт билан ўргана бошладилар. Балх ва Ҳайратон илм аҳллари билан илмий муносабатларнинг ўрнатилишида ҳисса қўшдилар. Илму маърифатга, хусусан, ҳадис илмига бўлган иштиёқ ва муҳаббат у зотни узоқ хорижий мамлакатларга сафарга ундади. У зот фақат ҳадис илми билан кифояланиб қолмасдан, қироат, баён, фиқҳ, тарих ва бошқа илм-фан соҳаларидан ҳам сабоқлар олиб, жаҳоннинг улуғ алломаси даражасига етдилар.

Ат-Термизий 20 ёшга етганларида Хуросон шайхларидан Исҳоқ ибн Роҳвайҳ Марвазий ва бошқалардан илм ўрганган бўлсалар, 25-26 ёшларида Ироққа бориб, у ердаги алломалардан дарс олдилар. Ундан сўнг Ҳижозга кетиб, Маккаи мукаррама, Мадийнаи мунавварада туриб, у жойларда кўплаб уламолар, муҳаддислар билан мулоқотда бўлдилар, улардан таълим олдилар, қизғин илмий баҳс ва мунозараларда иштирок этдилар.

Абу Ийсо Муҳаммад Термизий ўз даврининг кўплаб машҳур муҳаддисларидан таълим олдилар. Булар орасида «Кутуби ситта», яъни олти мўътабар ва муътамад ҳадис китоблари мусанифларидан Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Абу Довуд ва булардан ташқари, бу зотларнинг ривоятларида қатнашган шайхлардан Муҳаммад ибн Башшор Бундор, Муҳаммад ибн ал-Мусанно Абу Мусо, Зиёд ибн Яҳё ал-Ҳассаний, Аббос ибн Абдул-Азим ал-Анбарий, Абу Саъид ал-Ашаж Абдуллоҳ ибн Саъид ал-Киндий, Абу Ҳафс Амр ибн Али ал-Фаллос, Яъқуб ибн Иброҳим ад-Даракий, Муҳаммад ибн Маъмар ал-Қайсий ал-Боҳроний, Наср ибн Али ал-Жаҳдамий каби зотларни ифтихор билан зикр қиламиз. Имом Термизий булардан олдинроқ ўтган шайхлардан Абдуллоҳ ибн Муъовия ал-Жумаҳий, Али ибн Ҳужр ал-Марвазий, Сувайд ибн Наср ибн Сувайд ал-Марвазий, Қутайба ибн Саъид ас-Сақофий Абу Ражо, Муҳаммад ибн Абдулмалик ибн Абуш-Шавориб, Иброҳим ибн Абдуллоҳ ибн Хотам ал-Ҳаравий, Исмоъийл ибн Мусо ал-Фазорий ас-Суддий каби зотлардан ҳам ҳадис ривоятидан баҳраманд бўлганлар.

Саёҳат ва изланишлари кўп йиллар давом этди. Йигирма йиллар давомида Аллоҳнинг Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг муборак изларидан юриб, ўзга юртларда ҳадислар ўрганиб, йиғиб юрдилар.

Ҳадис бобидаги қобилият ва истеъдодлари. Имом Термизий ёшликдан ўзларини қизиқтирган ҳадисларни тўплашга алоҳида эътибор қилганлар. Бу борада ҳар қандай қийинчиликларга бардош берганлар. Ўзлари китобдан ўқиган ёки бирорта ровийдан эшитган ҳадиснинг асли ва иснодини диққат ва огоҳлик билан аниқлаб, қайта-қайта текшириб, тўғрилигига тўлиқ ишонч ҳосил қилгандан кейин, уларни алоҳида қоғозларда қайд этиб борганлар. Ўзларига шубҳали туюлган ҳадисларни эса бошқа алоҳида қоғозларга тартиб билан ёзиб борганлар. Ана шу тариқа саҳиҳ ва шубҳали ҳадисларни табақаларга бўлиб, саҳиҳ, ҳасан, заиф, ғариб каби сифат ва хилларга ажратганлар. Хуллас, ҳадис тўплаш иштиёқи у зотнинг табиатларида ёшликдан кучли бўлган.

Имом Термизийнинг зеҳни ўткирлиги, ёдлаш қобилияти ҳамда қувваи ҳофизаси – хотирада сақлаш истеъдодининг кучлилиги ҳақида тарихий манбаларда кўплаб ҳаётий мисоллар учрайди. Хусусан, ҳадис бобидаги истеъдод Имом Бухорий, Имом Термизийдек зотларга Аллоҳдан бир каромат қилиб берилган, десак хато бўлмас. Араб тарихчиси Шамсуддин аз-Заҳабийнинг «Тазкиратул-ҳуффоз» («Ҳофизлар ёдномаси») номли асарида қуйидаги воқеа нақл этилади:

Абу Ийсо Муҳаммад ат-Термизий Маккаи мукаррамага – ҳажга кетаётиб, йўлларда кўп машҳур муҳаддислар билан учрашадилар, мулоқот ва суҳбатда бўладилар. Ана шундай олимлардан биридан ҳадисдан сабоқ беришни илтимос қиладилар. У олим: «Бўлмаса, қоғоз-қалам олинг», дейди. Аксига олиб, шу маҳал ат-Термизий қалам топа олмайдилар ва олимнинг рўпарасига ўтириб, эшитган ҳадисларини ёзиб олаётгандек қўлларини қоғоз устида ҳаракатлантириб турадилар. Олим эса олтмишга яқин турли-туман ҳадислардан баён этади. Шу аснода олим қоғозга қараб, унда ҳеч нарса ёзилмаганини кўриб, аччиқланади ва: «Нима, сен менинг вақтимни зоеъ қилмоқчимисан?» – деб койийди. Ат-Термизий эса бамайлихотир: «Сиз сўзлаган ҳадисларни ёддан айтиб берайинми?» дейдилар ва ҳозиргина олимдан эшитган ҳадисларнинг ҳаммасини бир-бир айнан баён этадилар. Устоз-олим эса ат-Термизийнинг хотираси кучлилигидан ҳайратланиб, ёқа ушлайди.

Шунга ўхшаган бир воқеа Имом Термизийнинг ўз тилларидан ҳам нақл қилинади. Ўшанда у кишига қирқта ҳадис баён қилган Шайхнинг барча ҳадисини ат-Термизий бир-бир айнан айтиб берадилар ва Шайх тан бериб: «Сенга ўхшаганини ҳеч қачон кўрмаган эдим», дейди. Дарҳақиқат, Имом Бухорий, Имом Термизийдек азиз ватандошларимизнинг ҳадис ёдлаш ва йиғиш истеъдодлари ўзларига хос Аллоҳнинг марҳамати эди.

«Сунани Термизий»нинг муҳим фазилатлари. Бу асар ҳадис бобида тасниф этилган «кутуби ситта» - олти ҳадис китобининг учинчиси бўлиб, «Ал-жомиъ ас-саҳиҳ» («Ишонарли тўплам»), «Ал-жомиъ ал-кабир» («Катта тўплам») «Сунан» деб юритилади. Ибнул-Асийр «Тарих» китобида айтганларидек, Ат-Термизий бебаҳо асарлар тортиқ қилганлар.

«Ал-жомиъ ал-Кабир» (яъни, «Сунани Термизий») бу асарларнинг энг мукаммалидир.

Мусанниф (раҳматуллоҳи алайҳ) асарнинг «Таҳорат китоби»ни шундай муборак ҳадис билан бошлайдиларки, у таҳоратга ҳам, намозга ҳам, закот-садақага ҳам, ҳалол йўл билан мол топиш фарзлигига ҳам тегишлидир. Ҳазрати Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Таҳоратсиз кишидан намоз ва ҳаром пулдан садақа қабул қилинмайди». Ҳаннод ўз ривоятида: «илло битуҳурин», яъни «намоз фақат таҳорат билангина қабул қилинади», деди. Имом Термизий: «Бу ҳадис ушбу бобда ворид бўлган ҳадисларнинг энг саҳиҳи ва энг ҳасанидир», дейдилар.

Дарҳақиқат, бу машҳур ҳадис Имом Муслим, Имом Абу Довуд ва Имом Ибн Можа китобларида ҳам қайд этилган. Арабий матндаги «ғулул» деган сўз хиёнат, ҳийла-алдов, пора ва суиистеъмол қилиш йўли билан топилган пул маъносидадир. Бу ўринда таржимон мазкур сифатларнинг ҳаммасини жамлаб, «ҳаром пулдан» деб танлаши тўғри бўлган деб ўйлаймиз. Бу ҳадис шарҳида Қози Абу Бакр ал-Арабий айтадилар: «Таҳоратсиз ҳолда намоз қабул қилинмай, жазони тақозо этганидек, ҳаром молдан берилган садақа ҳам қабул бўлмайди ва жазони тақозо этади». Яъни, Аҳли суннат вал-жамоат эътиқодига кўра: «Ҳалолига ҳисоб бор, ҳаромига азоб бор». Асарнинг бу ҳадиси шариф билан бошланиши китобхонни бошдаёқ ҳушёр торттиради ва ўз ҳаётини поклик асосига қуришга ундайди.

«Сунани Термизий» фазилатларга бой баракотли китоб. Бу бебаҳо асарнинг энг муҳим фазилатларидан бири шуки, унда мазҳаб жиҳатлари ҳисобга олинган, турли фиқҳий масалаларда мазҳаб имомларининг фикр-қарашлари қайд этиб борилган, ер юзи мусулмонлари фойдаланиши учун қулай ва осон қилинган. Имом Аъзам мазҳаби фатволари эса «Куфа аҳли»нинг қавли (ёки фикри) деб таъкидланган. Яна ҳар бир бобда Имом Термизийнинг изоҳоти, турли ровийлар исми, мужтаҳид зотларнинг ҳукм ва хулосалари таъкидлаб борилган.

Имом Термизийнинг ўзлари китоб ҳақида бундай дейдилар: «Ушбу китобни тасниф қилганимдан кейин уни Ҳижоз, Ироқ ва Хуросон уламоларига тақдим этдим. Улар розилик билдириб, қабул қилдилар. Кимнинг уйида бу китобдан бор бўлса, ўша хонадонда ҳазрати Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) гапираётгандек бўладилар».

Бу муборак сўздан англаш мумкинки, «Сунани Термизий» ўз соф ва саҳиҳ мазҳабларига эҳтиром сақлаб, уни мустаҳкам тутиб, унда собит қадам бўлган бутун дунё мусулмонлари учун, жумладан, Имом Аъзам мазҳабига изчил риоя қиладиган Ўзбекистон мўъмин-мусулмонлари учун ҳам илмлар хазинаси бўлган дастурил-амал асардир. Зеро, Ҳижоз, Ироқ ва Хуросоннинг зикр қилиниши бежиз эмас.

Бу сўзнинг иккинчи муҳим жиҳати шуки, бу улуғ китобга эҳтиром сақлаш Аллоҳнинг Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жанобимизга

ҳурмат кўрсатиш бўлади. Чунки, «Кимнинг уйида бу китобдан бор бўлса, гўё ўша хонадонда ҳазрати Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) гапираётгандек бўладилар».

Ўзбекча нашрнинг хусусиятлари. «Сунани Термизий»нинг биринчи жилди таржимаси илк бор 1999 йилда «Адолат» нашриётида эътиборли жамоатчилик кенгаши назоратида чоп этилган эди. Нашрга таниқли олим, Қуръони карим таржимони, бир қанча ҳадис ва фатво китоблари мутаржими ва мусаннифи Абдулазиз Мансур масъул муҳаррир бўлган.

Таржимон биродаримиз Мирзо Кенжабек олдин Тошкент Давлат университети (ҳозирги Миллий университет)нинг журналистика факультетини (1974-1979) ўқиб битирган, кейин эса Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институтида (1999-2001) таълим олган, диний билимларини ошириб, илмий-ирфоний ишларга ўзини ҳозирлаган. У бир қанча адабий, маърифий ва фиқҳий китоблар муаллифи, бир қанча эътиқодий, фиқҳий, тасаввуфий ва ирфоний асарлар таржимонидир.

У «Сунани Термизий»ни янги нашрдан олдин қайтадан анча жиддий кўздан кечирди. Олдинги нашрда йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни тузатишга уринди. У янги нашрнинг баъзи хусусиятлари қуйидагилардан иборат.

Биринчи. Мутаржим қалам аҳлидан бўлгани ҳамда олдин «Саҳиҳи Бухорий» таржимаси жилдликларига муҳаррирлик қилиб, ҳадис олами билан анча танишгани сабабли ўзбекча ҳадис китобларидаги сўз бойликларидан, ифода усулларидан унумли фойдаланган.

Иккинчи. Ўзбекча таржимага Қоҳира шаҳридаги «Ал-Маданий» нашри нусхасига асосланган Истанбул (1971) нашри асос қилиб олинган. Кейин зарурий шарҳ ва изоҳлар киритилиб, баъзи иловалар билан бойитилган.

Учинчи. Шарҳ ва изоҳларни танлашда Шайх Абдуссалом ал-Муборакфурийнинг «Сунани Термизий»га ёзган шарҳларидан, Мисрнинг собиқ қозиси Аҳмад Муҳаммад Шокир, қисман Ал-Азҳар Университети мударриси Абдул-Ваҳҳоб Абдул-Латиф ҳамда қисман Абдурраҳмон Муҳаммад Усмоннинг шарҳ ва таҳқиқларидан фойдаланилган эди. Мазкур шарҳлар асосан Имом Шофиъий мазҳаби асосида бўлгани сабабли Имоми Аъзам фиқҳи асосидаги шарҳларни излаш ва улардан фойдаланиш зарурияти бор эди. Таржимада Имом Аъзам мазҳабининг фидойи алломаларидан ҳазрати Мулла Али ал-Қорий (раҳматуллоҳи алайҳ) шарҳларидан ҳам келтирилган, албатта. Ушбу янги нашрда эса атоқли ҳанафий уламоларидан Шайхул-Ҳадис Саъийд Аҳмад Болонпурийнинг урдуча шарҳларидан (Ёрқинжон Қори Фозилов ёрдамида), баъзи ўринларда Шайх Банурийнинг араб тилидаги шарҳидан зарурий намуналар келтирилди.

Эски нашрдаги изоҳларнинг кўпи баъзан ўринли қисқартирилди, баъзан эса Имом Аъзам мазҳабига мос қўшимчалар билан бойитилди.

Шунингдек, кўплаб ўринларда «Ҳидоя»и шариф, «Мухтасар», «Шарҳи Мухтасари Виқоя» фатволари, Имом Нававий, Саййид Маҳмуд Торозийнинг баъзи фоида-шарҳлари қайд этиб ўтилган. Бу ҳаракатлар Ўзбекистон мўъмин-мусулмонлари, айниқса, ёшлар ҳадисларга фиқҳ асосида тўғри амал қилишлари ва баъзи ихтилофли ҳадиси шарифлар маъносини тўғри тушунишлари учундир.

Тўртинчи. Таржимон биродаримиз «Сунани Термизий»нинг янги нашрини таёрлашда устозлар ва олим дўстлар билан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси уламолари кенгаши аъзолари билан, айтиш мумкинки, шахсан биз билан доим маслаҳатлашиб турди. Баъзи ҳадислар таржимаси учун сўз танлашда, қавслар орасида маънони очадиган изоҳ-иловалар киритишда, уларнинг шарҳини ҳозирлашда эҳиёткорлик йўлини тутди. Масалан, бир ҳадиси шарифга бизнинг диққатимизни тортдики, уни азиз китобхонларга ҳам баён қилмоқчимиз.

Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Кун қаттиқ қизиб кетганда пешин намозини салқин тушириб ўқингизлар. Чунки жазирама иссиқнинг шиддати жаҳаннам нафасидандир».**

Бу ҳадисни Имом Термизий ҳасан-саҳиҳ деганлар. Таржимон «жаҳаннам нафасидандир» деган иборани «жаҳаннам ёлқинидандир», «алангасидандир», «уфуришидандир» каби сўзлар билан ифодалаш мумкинлигини айтди. Анча маслаҳатдан сўнг бу сўзларнинг бирини матнда бериб, қолганини изоҳга олишга тўхталдик. Бу биринчи жиҳат.

Иккинчи жиҳат эса, мутаржим «бамисоли», «кабидир», «янглиғдир» сингари сўзларни ишлатиш-ишлатмаслик хусусида сўз очди. Чунки вақтида устоз Шайх Аҳмаджон Маҳдум Ҳанафий-Нақшбандий (раҳматуллоҳи алайҳ): «Бу ўринда «бамисоли»га ўрин йўқ, шубҳасиз, жазирама иссиқнинг шиддати жаҳаннам ёлқинидандир», деган эканлар. Дарҳақиқат, шундай. Аллоҳ таоло бандаларини охират аҳволларидан огоҳ этиш учун бу аломатни зоҳир қилган. Шунга қарамай, буни мажозий бир таъбир деб таъвил қилганлар ҳам бор. Ҳар ҳолда, матн орасида «бамисоли», «каби», «янглиғ» деган сўзларни қўллашдан қатъиян тийилиб, зарур изоҳни саҳифа остида беришга ва жазирама иссиқ жаҳаннам аломатидан эканини шарҳда билдиришга қарор қилдик. Ана шу илмий ҳақиқатга мувофиқдир.

Хуллас, китобни кўп жиҳатдан бугунги китобхон манфаатига мос ҳолда нашрга тайёрлашга ҳаракат қилинди.

Албатта, «Саҳиҳи Бухорий», «Сунани Термизий» каби мўътабар асарлар таржимаси дарҳол мукаммал бўлиб қолмайди. Асар нашрдан-нашрга такомиллашиб боради. Бу борада таржимонларимиздан илм-ирфон, ўқиш-изланиш, меҳр-муҳаббат, завқ-шавқ, куч-ғайрат талаб қилинади. Таржимон биродаримиз Мирзо Кенжабекка «Сунани Термизий»нинг кейинги жилдларини ҳам таржима қилиб халқимизга етказишда Аллоҳ таолодан ғайрат, мадад ва муваффақият тилаб қоламиз.

Хотима. Кўп шукрки, Аллоҳ таоло Ўзбекистон халқига кўп улуғ неъматлар ато қилди. Азизларимизнинг мақбаралари қайтадан бунёд қилиниб ёки кўнгилдагидек таъмирланиб, халқимизга файзли зиёратгоҳ қилиб берилди. Таълим, Фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро Ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилинди. Бу бутун Ўзбекистонга берилган шарафли баҳодир. Тошкентдаги Ҳазрати Имом мавзейи зиёратгоҳ ва сайргоҳ мажмуага айлантирилди. Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан Ҳазрати Имом масжиди Республикада назири йўқ ҳолда қурилиб, халқимизга туҳфа қилинди. Бароқхон мадрасаси, ҳазрати Абу Бакр Қаффоли Шоший мақбараси ғоят дид ва иҳтимом билан таъмирланиб, ватан ва жаҳон зиёратчилари учун беназир ёдгорлик қилинди. Юз йиллик тарихда биринчи марта Ўзбекистон мусулмонлари идораси қурилиб, Ўзбекистон Президентининг оқ фотиҳаси билан фойдаланишга топширилди. Бу хайрли ишлар халқимизни, илму маърифат аҳлини тобора якдилликка, ғайрат-шижоатга, бунёдкорликка, илм ва ижодга ундайди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарияти ва уламолар ҳайъати ҳам барча хайрли ишларда халқимиз билан, юртбошимиз билан биргадир, елкама-елкадир ва ҳамиша дуойи хайрдадир. Идорамиз Уламолари кенгаши «Саҳиҳи Бухорий»нинг зарур шарҳ ва изоҳлардан иборат янги нусхасини нашрга таёрлашга киришган, яна бир қанча тадбир ва илмий-маърифий ишларни режалаштирмоқда. «Сунани Термизий» ҳам эзгу ният билан нашрга тайёрланди. Бундай мўътабар хазинанинг қадрига етиш, унга эҳтиром кўрсатиш ҳар бир мўъмин-мусулмоннинг, ҳар бир диёнатли китобхоннинг бурчидир.

Ҳақ таоло бутун дунёда ва юртимизда тинчлик-осойишталикни ҳамиша барқарор ва бардавом айласин.

Аллоҳ таолога сўнгсиз ҳамду санолар бўлсин.

Унинг Расули ҳазрати Муҳаммад Мустафо (алайҳис-салоту вас-салом) жанобимизга чексиз салоту саломлар бўлсин.

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ.

Усмонхон АЛИМОВ,
Ўзбекистон Мусулмонлари идораси
уламолар кенгаши раиси, муфтий.

ТАҚДИМ

Қутлуғ Ўзбекистонимизнинг истиқлолга эришуви натижасида она халқимиз ўзининг бой маънавий мероси хазинасидан эркин баҳраманд бўла бошлади. Жумладан, Имом Бухорий, Имом Термизий каби улуғ ватандошларимиз тўплаган ҳадисларни ўз она тилимизда ўқишга муваффақ бўлдик.

Ҳадислар дунёси фиқҳ бобида, инсон ҳақ-ҳуқуқлари мавзуида жуда муҳим манбаъ бўлиб, асосан, ахлоқий, маданий, маънавий-маърифий негизни ташкил этади. Ундан турли соҳа олимлари – ҳуқуқшунос ва жамиятшунос олимлар, табобат олимлари, биолог, кимёчи ёки адабиётшунос олимлар, шубҳасиз, ўз соҳаларига доир янги қирраларни кашф этадилар.

Улуғ ватандошимиз Абу Ийсо Муҳаммад Термизийнинг қўлингиздаги «Сунани Термизий» китоби «Ал-жомиъус-саҳиҳ» («Ишонарли тўплам»), «Ал-жомиъул-кабир» («Катта тўплам») ёки «Саҳиҳи Термизий» номлари билан ҳам машҳур. Аммо ҳазрати Имом Термизий ҳадис илмида «сунан» йўналишига асос солган муҳаддислардан бўлганлари учун бу китоб «Сунани Термизий» номи билан шуҳрат қозонган.

Азиз ва муҳтарам китобхон! Фиқҳ илми, яъни Ислом ҳуқуқшунослиги энг шарафли илмлардандир. Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Мингта жоҳил обиддан кўра битта фақиҳ яхшироқ»,** деб марҳамат қилганлар. Чунки инсон фақиҳ бўлса, уни ҳеч нарса чалғита олмайди, у ҳар қандай оқим ва гуруҳларга ўзини урмайди. Аксинча, ўз эътиқодида собитқадам бўлади. Фиқҳнинг энг улуғи эса соғлом эътиқоддир. Бинобарин, Ҳанафий мазҳабининг асосчиси ҳазрати Имоми Аъзам (раҳматуллоҳи алайҳ) эътиқод илмини «фиққул-акбар», яъни «улуғ фиқҳ» деб таърифлаганлар.

Маълумдирки, Ер юзи мусулмонларининг кўпчилиги ҳазрати Имоми Аъзам мазҳабларига риоя қиладилар. «Сунани Термизий» китобида эса худди ана шу мазҳаб жиҳатлари эътиборга олинган. Ҳанафий мазҳабининг фикр-қарашларини Имом Термизий «Куфа аҳли»нинг фикр-қарашлари тарзида баён қилганлар. Азиз китобхонлар ана шу жиҳатга эътибор бермоқлари мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, китобнинг ушбу ўзбекча нусхасида Ҳанафий мазҳабига доир фатволар, илова ва изоҳлар тақдим этилганки, булар ўқувчи тўғри амал қилмоғи учун фойдалидир.

Албатта, ҳадис соҳасининг ўз атамалари, илмий истилоҳлари бор. Ана шундай ифода ва истилоҳларни тушунмоқлари учун ўқувчиларга кўмак тариқасида «Китобхонга ёрдам» рукнида алоҳида мақола тақдим этилди.

Ўзбек диёридаги тинчлик-осойишталик шарофати билан юртбошимиз И.А.Каримов раҳбарлигида маънавият ва маърифат соҳасида ҳам хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Қўлингиздаги «Сунани Термизий» китоби таржимаси ана шундай хайрли ишлардан бири бўлиб, маънавий-ахлоқий камолот ва комил инсонни тарбиялаш йўлида муносиб хизмат қилади, деган умиддамиз.

Шайх Абдулазиз МАНСУР,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раисининг ўринбосари.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

АБУ ИЙСО МУҲАММАД ТЕРМИЗИЙНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛЛАРИ

Бутун оламлар Рабби Аллоҳ таъолога беҳад ҳамду санолар бўлсин! Аллоҳнинг бандаси ва Расули Ҳазрати Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламга, бутун хонадони аҳлига ва саҳобаларига сўнгсиз салоту саломлар бўлсин! Ҳақ йўлига юриб, Исломга кўнгил боғлаган барча инсонларга Ҳақ таолонинг раҳмати ва саломлари бўлсин!..

Исм ва насаблари

Исм ва насаблари – Муҳаммад ибн Ийсо ибн Савра ибн Мусо ибн аз-Заҳҳок ас-Суламий ал-Буғий ат-Термизий. Куняси эса – Абу Ийсо (яъни, Ийсонинг отаси)дир.

Термизийнинг насаби кўпгина манбаъларда ана шундай зикр қилинган. У зотнинг насаби ҳақида яна икки хил қавл бор. Биринчиси – Муҳаммад ибн Ийсо ибн Савра ибн Шаддод. Иккинчиси – Муҳаммад ибн Ийсо ибн Язид ибн Савра ибн ас-Сакан.

Таваллуд вақтлари

Термизий ҳижрий 209 йилда (милодий 824-825 йилда) таваллуд топдилар. Ҳофиз аз-Заҳабий «Мийзонул-иътидол» китобида Термизийнинг ҳижрий 279 йилда вафот этганларини зикр қилиб: «Вафот этган вақтларида етмиш ёшда эдилар», дейди. Аллома Мулла Али ал-Қорий ҳазратлари ҳам «Аш-шамоил» асари шарҳида худди шу гапни айтади.

Ватанлари

Имом Термизийнинг туғилган ватанлари бугунги Ўзбекистондир. Термизий Термиз шаҳридан олти фарсах (тақрибан 40 км.) нарида жойлашган Буғ қишлоғида таваллуд топдилар. Ал-Буғий деб Буғ қишлоғига нисбат этилишлари бу қишлоқда туғилганлари ёки у ерда яшаб, вафот этганлари сабаблидир. Мулла Али ал-Қорий ҳазратлари Термизийнинг ўзларидан бундай деганларини нақл этади: «Бобом, Лайс ибн Сайёр даврида Марвазда яшар эдилар. Кейин Термизга кўчганлар»[1].

Термиз эски Жайҳун, ҳозирги Амударё ёқасида жойлашган жуда қадимий ва жуда ажойиб шаҳардир. (Жайҳун баъзи манбаъларда «Балх дарёси» деб зикр қилинган.)

Ислом илмларининг тараққий этишида Туркистон шаҳарлари ичида Термиз кенти улкан аҳамият касб этган. Самарқанд ва Бухорони Балх

[1] «Шарҳуш-шамоил»: 136-саҳифа.

каби қадимий илм маркази билан боғловчи шаҳар Термиз эди. Шунинг учун ҳам бу ерда кўплаб алломалар етишиб чиқди. Шулардан бири Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Бишр Ҳаким Термизий-дирлар (245-320 ҳижрий, 859-932 м.й.). Манбаъларда айтилишича, у зот 300 дан ортиқ асар тасниф этганлар. Шулардан 57 таси бизнинг замонамизгача етиб келган.

Саёҳат ва изланишлари

Имом Термизий 20 ёшга етганларида Хуросон шайхларидан Исҳоқ ибн Роҳвайҳ Марвазий ва бошқалардан илм ўргандилар, сўнг 25-26 ёшларида Ироққа (Басрага) бориб, у ердаги алломалардан дарс олдилар. Ундан сўнг Ҳижозга кетдилар. Лекин манбаъларда ул зотнинг Бағдод, Миср ва Шомга борганлари ҳақида хабар келтирилмаган. Бунга ўша вақтда бу юртлардаги нотинчлик сабаб бўлган, деган фикр бор.

Бу саёҳатлари кўп йиллар давом этди, имом Термизий Термизга 250 ҳижрий (864 м.й) йилдагина қайтиб келдилар. Шунга қараганда, тахминан 20 йил давомида ўзга юртларда ҳадисларни ўрганиб, йиғиб юрганлар. Имом Бухорий билан Нишопурда (250 ҳижрий йил) учрашиб, кўп ҳадислар хусусида музокаралар олиб борганлари ҳақида маълумотлар бор. Шундан сўнг «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» («Сунани Термизий») китобларини ёза бошлаганлар.

Устозлари ва шогирдлари

Термизий олдинги имомларнинг кўплари билан кўришганлар ва улардан баҳраманд бўлганлар. Термизий даври – ҳижрий 3-аср ҳадис илмларида буюк юксалиш бўлган давр эди. Кутуби ситта – олти энг машҳур ҳадис китоби муаллифи бўлган имомлар, яъни олти энг улуғ муҳаддис ана шу олтин даврда яшаб камол топдилар. У зотларнинг таваллуд ва вафот йиллари қуйидагича:

1. Муҳаммад ибн Исмоъийл Абу Абдуллоҳ ал-Бухорий – ҳижрий 194–256 (ийди рамазон куни), милодий 810-869 йиллар.

2. Муслим ибн Ҳажжож ал-Қушайрий Абул Ҳусайн – ҳ. 204–261, м. 819 (820) – 874 (875) й.

3. Абу Ийсо Муҳаммад ат-Термизий – ҳ. 209–279, м 824 (825) – 892 (893) й.

4. Абу Довуд Сулаймон ибн ал-Ашъас ас-Сижистоний – ҳ. 202–275, м. 817 (818)-888 (889) й.

5. Аҳмад ибн Шуайб Абу Абдурраҳмон ан-Насоий – ҳ. 215-303, м. 830 (831)- 915 (916) й.

6. Ибн Можа Муҳаммад ибн Язид ибн Можа Абу Абдуллоҳ – ҳ. 209-273, м. 824 (825)-886 (887).

Ушбу олти имомдан олтовларининг ҳам ривоятларида иштирок этган шайхлар қуйидагилар:

1. Муҳаммад ибн Башшар Бундор – ҳ. 167–252, м. 783 (784)-866 й.

2. Муҳаммад ибн ал-Мусанна Абу Мусо – ҳ. 167–252, м. 783 (784)-866 й.

3. Зиёд ибн Яҳё ал-Ҳассоний – вафоти ҳ. 254, м. 868 йил.

4. Аббос ибн Абдулазим ал-Анбарий – вафоти ҳ. 246, м. 860 (861) й.

5. Абу Саъид ал-Ашаж Абдуллоҳ ибн Саъид ал-Киндий – вафоти ҳ. 257, м. 870 (871) й.

6. Абу Ҳафс Амр ибн Али ал-Фаллос – ҳ. 160-249, м. 776 (777) – 863 (864) й.

7. Яъқуб ибн Иброҳим ад-Даракий – вафоти ҳ. 166-252, м. 782 (783)-866 й.

8. Муҳаммад ибн Маъмар ал-Қайсий ал-Боҳроний – вафоти ҳ. 256, м. 870 й.

9. Наср ибн Али ал-Жаҳдамий – вафоти ҳ. 250, м. 865 й.

Имом Термизий бу шайхлардан кўра олдинроқ ўтган шайхларни ҳам кўрганлар ва ушбу «Сунан» китобида улардан ҳадис ривоят қилганлар. Ўша шайхлардан баъзилари қуйидагилардир:

– **Абдуллоҳ ибн Муъовия ал-Жумаҳий** – ҳ. 243, м. 857 (858) йилда юз ёшида вафот этган.

– **Али ибн Ҳужр ал-Марвазий** – ҳ. 244, 858 (859) йилда юз ёшга яқинлашиб вафот этган.

– **Сувайд ибн Наср ибн Сувайд ал-Марвазий** – ҳ. 241, м. 855 (856) йилда 91 ёшда вафот этган.

– **Қутайба ибн Саъид ас-Сақофий Абу Ражо** – ҳ. 150-242, м. 767- 856 (857) й.

– **Муҳаммад ибн Абдулмалик ибн Абу Шавориб** – ҳ. 244, м. 858 (859) йилда вафот этган.

– **Иброҳим ибн Абдуллоҳ ибн Хотам ал-Ҳаравий** – ҳ. 178-244, м. 794 (795)- 858 (859) й.

– **Исмоъил ибн Мусо ал-Фазорий ас-Суддий** – ҳ. 245, м. 859 (860) йилда вафот этган.

Термизий яна бошқалардан, Имом Бухорий шайхларининг кўпидан ҳам ҳадис ривоят қилганлар. У киши асосан Имом Бухорийнинг шогирди бўлиб, ижозатлари у зотдандир. Ҳадис илмини у зотдан олдилар ва у кишининг ҳузурларида ўқиб, баҳра олиб, камол топдилар.

Ҳадис илмига тааллуқли баъзи ишларда устоз билан мунозара қилдилар. Ўша давр олимларида бу хусусият бор эди. Тақлидни тан олмас эдилар. Тақлиддан қочиш ва ҳамиша Ҳаққа, ҳақиқатга тобеъ бўлиш уларнинг одатлари эди.

Масалан, Имом Термизий ушбу «Сунан» китобининг 17-ҳадисида ровийлар ихтилоф қилаётганини кўриб: «Мен ўзим Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмондан сўрадим: «Бу ҳадисда Абу Исҳоқдан қилинган ривоятларнинг қайси бири саҳиҳроқ?» десам, ҳеч қандай ҳукм билдирмади.

Буни Муҳаммад (ал-Бухорий)дан сўрадим, у ҳам бирор ҳукм билдирмади», дейдилар. Яъни икки имом ҳам ривоятлардан бирортасини устун қўймайдилар.

Кейин Имом Бухорий ривоятлардан биттасини танлаб, «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» китобига киритганларини Термизий баён этадилар. Лекин Термизий бу фикрга тақлид қилмасдан, ўз далилларига таяниб, бошқа ривоятни афзал кўриб, китобга киритадилар.

Абу Ийсо Муҳаммад Термизийнинг ўлкаларни кезиб, Хуросон, Ироқ, Ҳижоз олимларини тинглаганлари «Ат-Таҳзиб» китобида баён этилган. Мисрнинг аввалги шариат қозиси Аҳмад Муҳаммад Шокир: «Термизий Бағдод шаҳрига борган, деб тахмин қилмайман. Чунки Бағдодга кирган бўлса эди, муҳаддисларнинг улуғи ва пешқадами саналмиш Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳанбалдан (164-241) ҳадис эшитган бўларди ва Ҳофиз Абу Бакр ал-Хатийб «Тарихул-Бағдод» китобида бу ҳақда ёзган бўларди», дейди.

Термизийдан ҳадис ривоят қилган кишилар кўп. «Тазкиратул-ҳуффоз» («Ҳофизлар ёдномаси») ва «Ат-Таҳзиб» китобларида булардан айримлари зикр қилинган.

Ал-Маҳбубий Термизийдан ҳадис ривоят қилган зотларнинг энг биринчиларидандир. Ибнул-Имод у зот ҳақида бундай дейди: «Абул-Аббос ал-Маҳбубий; Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Маҳбуб ал-Марвазий, Марв ўлкасининг муҳаддиси, шайхи ва раисидир. 346-ҳижрий йилнинг Рамазон ойида 97 ёшида вафот этди. «Сунани Термизий» китобининг муаллифидан (яъни Термизий ҳазратларидан) ҳадислар ривоят қилган зотдир»[2].

Кўп ҳадисли саҳобалар

Ҳазрати Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳаётлик даврларида ҳадислар жамланган эмас. Аммо омонатдор ровийларнинг ҳиммати, ғайрат-шижоати билан ҳадислар тилдан-тилга ўтиб, кейинчалик ҳадис китобларини таълиф этиш бошланган. Ҳижрий III асрда эса ҳадис илмида «муснад», «саҳиҳ» ва «сунан» деган сифатлар, яъни йўналишлар вужудга келди. Ислом тарихида қайси саҳобаи киромнинг қанча ҳадис ривоят қилганигача аниқ ҳисоблаб чиқилган. Чунончи, «Муксирини саҳоба», яъни энг кўп ҳадис ривоят қилган саҳобалар (розийаллоҳу анҳум) орасида мингдан ортиқ ҳадиси бўлган зотлар қуйидаги етти кишидир:

1. Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу) 5374 та ҳадис ривоят қилганлар. Шундан 335 таси «Саҳиҳайн»да, яъни Имом Бухорий билан Имом Муслимда, 93 таси фақат Имом Бухорийда, 189 таси фақат Имом Муслимда, қолган 4757 та ҳадис бошқа мусаннифларнинг китобларида зикр қилинган.

2. Абдуллоҳ ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо) 2630 та ҳадис ривоят қилганлар. Шундан 170 таси «Саҳиҳайн»да, 81 таси фақат Бухорийда, 31 таси фақат Муслимда, 2348 таси бошқа китобларда.

[2] «Шазаротуз-заҳаб».

3. Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу) 2286 та ҳадис ривоят қилганлар. Шундан 168 таси «Саҳиҳайн»да, 83 таси фақат Бухорийда, 71 таси фақат Муслимда, 1964 таси бошқа китобларда.

4. Уммул-муъминийн ҳазрати Оишаи Сиддиқа онамиз (розийаллоҳу анҳо) 2210 та ҳадис ривоят қилганлар. Шундан 174 таси «Саҳиҳайн»да, 54 таси фақат Бухорийда, 68 таси фақат Муслимда, 1914 таси бошқа китобларда.

5. Абдуллоҳ ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо) 1660 та ҳадис ривоят қилганлар. Шундан 75 таси «Саҳиҳайн»да, 28 таси фақат Бухорийда, 49 таси фақат Муслимда, 1508 таси бошқа китобларда.

6. Жобир ибн Абдуллоҳ ал-Ансорий (розийаллоҳу анҳумо) 1540 та ҳадис ривоят қилганлар. Шундан 58 таси «Саҳиҳайн»да, 26 таси фақат Бухорийда, 126 таси фақат Муслимда, 1330 таси бошқа китобларда.

7. Абу Саъид ал-Худрий (розийаллоҳу анҳу) 1170 та ҳадис ривоят қилганлар. Шундан 43 таси «Саҳиҳайн»да, 26 таси фақат Бухорийда, 52 таси фақат Муслимда, 1049 таси бошқа китоблардадир[3]4. Ҳадис ривоят қилган саҳобаи киромларнинг ҳаммаларидан Аллоҳ таоло рози бўлсин.

Имом Бухорий билан Имом Термизий ўртларидаги илмий-амалий ҳамкорлик. Имом Бухорий билан Имом Термизий ҳазратларининг устоз-шогирдлик фаолияти, беқиёс дўстликлари хусусида бир оз тўхталмоқчимиз. Чунки бу муносабат ва дўстлик илму маърифат оламига, ҳадис оламига, ислом оламига кўп улуғ самаралар берган.

Бу икки беназир зотнинг устоз-шогирдлик ва дўстлик фаолиятида уч муҳим жиҳат кўзга ташланади.

Биринчи. Диннинг поклиги ва ҳадислар саҳиҳлигини сақлашда ҳамкорлик қилиш, устозлик ҳурматини сақлаш, вафо ва садоқат кўрсатиш, устоз сўзига эҳтиром ва эътимод билан қараш, ҳар бир ихтилофли масалада, ҳадислар исноди ва сифати масалаларида ҳузури дил билан маслаҳатлашиш.

Иккинчи. Устознинг ҳукми ва хулосасига эҳтиром сақлаган ҳолда ўз асарида мустақил йўл танлаш, баъзи ўринларда устоз билан баҳс-мунозарага киришиш, устозни такрорлашдан ва тақлид қилишдан қочиш.

Учинчи. Камтарлик, холислик, бир-бирини қадрлаш ва маънавий мададкор бўлиш.

Биринчи жиҳатга мисол қилиб айтиш мумкинки, «Сунани Термизий»нинг юзлаб ўринларида Имом Термизийнинг «Муҳаммад (ал-Бухорий)дан сўрадим», ёки: «Муҳаммад (ал-Бухорий) айтди» ёхуд: «Муҳаммад ибн Исмоъийл (ал-Бухорий)дан эшитдим» каби у зотнинг исмига ишорат қилиб, илмига ҳавола этадиган ўринлар учрайдики, бу устознинг илми ва истеъдодига, ҳукми ва хулосасига қанчалик улуғ эътибор ва эътимод билан қараганларини кўрсатади. Масалан, намоз вақтлари мавзуйининг давоми бўлиб келган 151-ҳадис шарҳида Имом Термизий

[3] Зайнуддин Аҳмад ибн Аҳмад ибн Абдил-Латиф аз-Забидий «Саҳиҳи Бухорий Мухтасари тажриди сариҳ», 1-жилд, Turk Tarih Kurumi Basimevi - Анкара-1984, 25-26 бетлар.

201-98
A 509
nomidagi
O'zbekiston MK

ушбу сўзни қайд этадилар: «Муҳаммад (ал-Бухорий)дан эшитдим, айтдики: «Намоз вақтлари борасида Ал-Аъмашнинг Мужоҳиддан қилган ривояти Муҳаммад ибн Фузайлнинг Ал-Аъмашдан қилган ривоятидан кўра саҳиҳроқдир». Бу мисол икки улуғ муҳаддис ҳадисларнинг энг саҳиҳини танлашда ҳамкор эканликларига далилдир.

Ёки яна бир мисол: Имом ат-Термизий «Жунублик ва ҳайз ҳолатида Қуръон ўқилмайди» деган мавзудаги 98-бобдаги ҳадис шарҳида ровийлардан бири ҳақида ушбу сўзни қайд этадилар: «Муҳаммад ибн Исмоъийл (ал-Бухорий)дан эшитдимки, бундай деди: «Исмоъийл ибн Аййош, Ҳижоз ва Ироқ аҳлидан мункар (ёлғон) ҳадислар ривоят қилади». Имом Термизий айтадилар: «(Ал-Бухорий) мазкур Исмоъийлнинг Ҳижоз ва Ироқ аҳлидан ёлғиз ўзи қилган ривоятини заиф деб топади ва бундай деб давом этади: «Исмоъийл ибн Аййошнинг (ушбу) ривояти фақат Шом аҳлидандир». Яъни, Имом Бухорий ҳадис ровийларидан бўлган Исмоъийл ибн Аййошнинг Шом аҳлидан ривоят қилган ҳадисларини саҳиҳ ва фойдаланиш учун яроқли, деб ҳисоблайдилар. Имом Термизий ўз ўрнида улуғ устознинг сўзларини қайд этадилар. Бу мисол икки улуғ муҳаддиснинг ҳадис бобидаги талабчанлиги, қаттиққўллиги, ҳақиқатни юзага чиқариш учун шубҳалардан нақадар сақланганлигига чиройли далилдир.

Иккинчи жиҳатга шуни мисол қилиш мумкин: Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган 341-ҳадисда у киши айтадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Машриқ билан мағриб ораси қибладир», дедилар.

Худди шу ҳадис «Сунан»да яна бошқа ровийдан – Яҳё ибн Мусодан, Муҳаммад ибн Абу Маъшардан ҳам ривоят қилингани айтилади. Имом Термизий айтадилар: «Абу Ҳурайранинг ҳадиси у кишидан бир қанча важҳлардан ривоят қилинди. Баъзи илм аҳли Абу Маъшарни хотираси жиҳатидан танқид қилган. Абу Маъшарнинг исми Нужайҳ (Нажийҳ), Бани Ҳошимнинг мавлоси (озод этилган қули)дир». Шундан сўнг устознинг хулосасига ўтадилар: «Муҳаммад (ал-Бухорий) айтади: «Мен ундан (Абу Маъшардан) бирор нарса ривоят қилмайман, аммо бошқалар ундан ривоят қилган». Муҳаммад (ал-Бухорий яна) айтади: «Абдуллоҳ ибн Жаъфар ал-Махрамийнинг: «Машриқ билан мағриб ораси қибладир» деган ҳадиси Усмон ибн Муҳаммад ал-Ахнасийдан, Саъид ал-Мақбурийдан, Абу Ҳурайрадан, (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан) ривоят қилинган».

Кўриниб турибдики, ҳасан-саҳиҳ бўлган бир ҳадис ҳақида икки муҳаддис баҳс юритмоқдалар, иснодни пухта тадқиқ қилмоқдалар ва Имом Термизий танқидий қарашларни қабул қилган ҳолда, ўз мустақил ривоятини етказмоқдалар.

Бу илм аҳли учун улуғ ибрат ва сабоқдир. Ибрат эканлиги фақат шогирднинг «мунозара»си ва тақлиддан қочгани учун эмас, балки устоз ҳам кенгфеъллик ва илмий ҳақиқат учун бу ҳолатларни талаб этгани учундир.

Учинчи жиҳатга Имом Бухорийнинг ушбу машҳур сўзларини келтириш кифоя; у зот ўз шогирдлари Имом Термизийни ғоят қадрлаб, камта-

ринлик билан: «Сен мендан баҳраманд бўлганингдан ҳам кўра мен сендан кўпроқ баҳраманд бўлдим», дейдилар. Бу сўз Термизийга берилган улкан баҳо бўлиши билан бирга, Имом Бухорий ҳазратларининг улуғ қалбли, меҳрибон, адолатли устоз ва самимий дўст эканликларга далилдир.

Бу икки зотнинг муносабати, самимияти ва меҳр-муҳаббати оламдаги илм аҳлига ибрат бўлгулик улуғ воқеадир.

Термизийнинг шахси ва асари ҳақида уламоларнинг фикрлари

Улуғ устоз Имом Бухорий ўз шогирди имом Термизийни алқаб, камтаринлик билан: **«Сен мендан баҳраманд бўлганингдан ҳам кўра мен сендан кўпроқ баҳраманд бўлдим»,** дейди. Бу Термизийга берилган жуда катта баҳо эди. («Ал-Мирқот», 1-жилд, 22-бет.)

Ҳофиз Абул-Фазл Муҳаммад ибн Тоҳир ал-Мақдисий, Ҳасан ибн Аҳмад Абу Муҳаммад ас-Самарқандийдан, Абу Бишр Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Амрдан, Ҳофиз Абу Саъид Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ал-Идрисийдан нақл этиб, бундай дейди: **«Ҳофиз ва аъмо** (кўзи ожиз) **Муҳаммад ибн Ийсо ибн Савра Термизий – ҳадис илмида иқтидо этиладиган** (эргашиладиган) **имомлардан биридур. «Ал-Жомиъ», «Ат-Таворих» ва «Ал-Ҳол» китобларини олим ва дироятли** (дониш-идрок ва тажрибали) **бир инсон сифатида қаламга олган. Ҳофизаси кучлилиги жиҳатдан ўрнак қилиб кўрсатилар эди»**[4].

Самъоний «Ал-Ансоб» китобида Термизийни бундай тавсиф этади: **«Муноқашасиз, у ўз асрининг имоми бўлиб, турли таснифлар соҳибидир».**

Ибн Ҳалқон ҳам у зотни: **«Ҳадис илмида иқтидо этиладиган имомлардан биридир»,** деб тавсифлайди.

Аллома Тошкўпрулизода «Мифтоҳус-саъода» китобида бундай дейди: **«Уламоларнинг ҳофиз ва аълamларидан бири эди. Фиққда қимматли асарлари бор. Ҳадисни имомлардан ташкил топган бир жамоатдан эгаллади. Биринчи табақа шайхларини кўрмоққа муяссар бўлди».**

Ибнул Имод ал-Ҳанбалий «Шазаротуз-заҳаб» китобида: **«Акронларидан** (замондош ва ёшдош яқинларидан) **устун, ҳифз ва итқон** (хотира, устиворлик ва мустаҳкамлик) **бобида бир мўъжиза эди»,** дейди.

Ал-Ҳоким Абу Аҳмад, ўз устозларидан биттаси Термизий ҳақларида бундай деганини баён этади: **«Муҳаммад ибн Исмоъийл ал-Бухорий вафот этганларида Хуросонда эдим. У кишининг ортидан илм, ҳифз, вараъ ва зуҳд бобида Абу Ийсо Термизийдек бошқа бир зот қолмади. Термизий йиғлайверганларидан кўзларидан жудо бўлиб қолдилар ва бир неча йил – аъмо** (кўрмас) **ҳолатда яшадилар».**

«Ат-Таҳзиб» китобида Ҳофиз Юсуф ибн Аҳмад ал-Боғдодий Термизий ҳақларида бундай дейди: «Термизий умрларининг охирига бориб кўздан қолди».

[4] «Мажмуъату фавоидаи ҳадисиййа». Қадим қўлёзма асарлардан.

Бу ўринда уламонинг Термизий ҳақларидаги таъриф ва тавсифларидан фақат бир қисминигина баён этдик. Энди Термизийнинг китоби борасидаги фикр-мулоҳазалардан ҳам бир қадар сўз юритайлик.

Термизийнинг «Сунан» китоби ҳақидаги фикрлар Ибнул-Асийр ўз «Тарих»ида бундай дейди: **«(Термизий) имом ва ҳофиз эди. Бебаҳо асарлар тортиқ қилди. «Ал-Жомиъул-кабир» («Катта тўплам», яъни «Сунани Термизий») бу асарларнинг энг мукаммалидир».**

«Кашфуз-Зуннун» китобида «Сунани Термизий» асари борасида бундай дейилади: **«Бу ҳадис бобида тасниф этилган кутуби ситта (олти улуғ китоб)нинг учинчисидир. Бу китоб «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» дейилади, шунингдек «Сунан» ҳам деб аталади. Аммо биринчи номи кўпроқ қўлланади».**

Ҳофиз Абул-Фазл ал-Мақдисий айтади: «Ҳиротда имом Абу Исмоъйил ал-Ансорийдан эшитдим. У ўз мажлисида Термизий ва унинг китоби борасида сўз кетганида бундай деди: **«Менинг учун Термизийнинг китоби имом Бухорий ва Имом Муслим китобларидан кўра фойдалироқ. Чунки уларнинг китобларидан фақат теран илмли мутахассис олимларгина истифода этади. Термизийдан эса ҳар ким фойдаланиши мумкин».**

Аллома Тошкўпрулузода Термизийнинг таржимаи ҳоли ҳақида бундай дейди: **«(Термизий) ҳадис илмида кўпгина асарлар тақдим этди. Унинг ушбу «Ал-жомиъ ас-саҳиҳ»китоби бу асарлар орасида фойдаси энг кўп, тартиби энг ихчам, такрори энг оз китобдир. Унда бошқа ҳадис китобларида учрамайдиган хусусиятлар бор: – мазҳаблар ва истидлол (далил келтириш) жиҳатлари эътиборга олинган; – саҳиҳ, ҳасан ва ғариб деб ҳадис турлари аниқ белгиланган; – жарҳ (журҳ) ва таъдилга (нуқсон ва таққос жиҳатлари, ровийнинг қиёфаси, бирор сифати, айби ёки фазилати, ишончли ёки ишончсиз экани ҳақидаги фикрларга) ўрин ажратилган; – китоб охирида иллатларга доир махсус бир боб илова қилинган. Хуллас, бу китобда улкан фойдалар жамлангандир. Китобни мутолаа қилган кишилар бунга тан берадилар».**

Ҳофиз Абул-Фазл ал-Мақдисий, Термизийнинг китобини ўта танқидий назар билан тадқиқ этганидан кейин, бундай дейди: «Абу Ийсо (Термизий)нинг китобида тўрт қисм ҳадислар ўрин олган;

1) саҳиҳ экани қатъиян қабул қилинган ҳадислар қисми; бу қисмда Бухорий ва Муслимга мувофақат қилинган ҳадислар ўрин олган:

2) учлик шартига асосланган ҳадислар қисми;[5] бу қисмдаги ҳадислар толий (иккинчи) даражададир;

3) зиддият қисми, бу қисмдаги ҳадисларнинг иллатлари очилган ва бу борада қаттиқ талабчанлик намоён қилинган;

4) тўртинчи қисм ҳадислар борасида (Термизий): **«Ушбу китобимда фақатгина фақиҳлар амал қилган ҳадисларни тахриж қилдим»** дейди. Бу шартнинг ҳудуди кенг. Шу асосга таяниб, Термизийнинг ҳужжат сифатида қабул қилган ёки керак бўлганда амал қилган ҳадисни унинг санади хоҳ

[5] Учлик: Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можа назарда тутилган.

саҳиҳ бўлсин, хоҳ бўлмасин, лекин ўзи ҳақида сўз юритилишига имкон қолдирмаганини кузатамиз. Яъни, тахриж этилган ҳар бир ҳадис ҳақида керакли изоҳни бериб, кўнгилларни хотиржам қилади.

Термизийнинг ўзлари ўз китоби ҳақида бундай дейдилар: **«Ушбу китобни тасниф қилганимдан кейин уни Ҳижоз, Ироқ ва Хуросон уламоларига тақдим этдим. Улар розилик билдириб, қабул қилдилар. Кимнинг уйида бу китобдан бор бўлса, ўша хонадонда ҳазрати Пайғамбар** (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) **гапираётгандек бўладилар».**

Термизийнинг бошқа асарлари

Олимлар, Имом Термизий турли асарлар тортиқ этганларини таъкидлашади. Уларнинг фикрига кўра, у зотнинг асарлари қуйидагилардир:

1. «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» («Сунани Термизий»).
2. «Аш-Шамоил» («Шамоили Муҳаммадия»).
3. «Ал-Ҳол».
4. «Ат-Тарих».
5. «Аз-Зуҳд».
6. «Ал-Асмоъ ва ал-куно» («Исмлар ва кунъялар»).

Термизийнинг бошқа асарлари ҳам бўлиши мумкин. Бунда зикр қилинган китобларни айрим манбаъларга таяниб баён этдик[6].

«Сунани Термизий» китобида ҳадис мартабаларининг белгиланиши

«Сунани Термизий» китобида ҳадисларнинг даражаларини белгилашда икки ибора қўлланган. Ноаниқ ва мубҳам қолмасин деб бу икки иборани муҳтарам ўқувчига баён қилиб ўтмоғимиз лозим:

Биринчиси – «Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ» деган ибора; иккинчиси – «Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ-ғариб» деган ибора.

Имом Термизий айрим ҳадисларни «ҳасан-саҳиҳ» ёки «ҳасан-ғариб» деб, ёки «саҳиҳ-ғариб» ва ёхуд «ҳасан-саҳиҳ-ғариб» деб атайдилар. Лекин бу бирикмаларни таърифламайдилар. Масалан, бир ҳадисни фақатгина «саҳиҳ» деб ёки «ғариб» деб атаганларида, бунинг таърифини келтирмаганлар. Балки булар муҳаддислар наздида тушунарли бўлгани учун таърифни лозим кўрмагандирлар. Аммо ажабки, фақатгина «ҳасан»нинг таърифини келтирадилар. Бу номаълум бир ифода ёки янги бир истилоҳ бўлгани учун таърифга эҳтиёж ҳис этган бўлсалар керак, деган фикрдамиз.

Ҳадисни уч қисмга бўлиш Термизийнинг ижоди эканини юқорида таъкидлаган эдик. Термизийдан олдинги муҳаддисларнинг асарларида «ҳасан» иборасига дуч келган бўлсак-да, аммо ҳадисни «ҳасан, саҳиҳ ва заиф» деб уч қисмга бўлган ва «ҳасан» иборасини илк маротаба илмий истилоҳ сифатида қўллаган зот Термизийнинг ўзларидир.

[6] Аҳмад Муҳаммад Шокирнинг Термизий китобига ёзган «Муқаддима»сидан олинди. 90-саҳифа.

Термизий «ҳасан» иборасини ўз китобида бундай таърифлайдилар: «Ушбу китобимизда «Бу ҳадис ҳасан» деган пайтимизда биз санадининг ҳасан эканини назарда тутганмиз. Чунки ровийси ёлғончи деб тахмин қилинмаган ҳар бир ҳадис, деярли бошқа сабабдан ривоят қилинса ва шоз(з) (ажралган, ёлғизланган ва якка) бўлмаса, у ҳадис, бизнинг фикримизча ҳасандир».

Ибн Салоҳ «Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ» деган ибора ҳақида бундай дейди: «Термизий ва бошқалар – Яҳё ибн Моъин, Ибну Абу Шайба, Абу Али ат-Тусий ва шулар сингари бошқа муҳаддисларни назарда тутмоқда – қўллаган «бу ҳадис ҳасан» деган иборада ишкол (шакллар, боғлиқликлар) бор. Чунки «ҳасан»нинг мартабаси маълум сабабга кўра «саҳиҳ»нинг мартабасидан пастдир. Бир ҳадисда бу икки истилоҳни жам қилмоқ ўша қусурнинг (айб-нуқсоннинг) ҳам нафйи, ҳам исботи (рад ва исботи) демакдир». Шундан кейин бу ишкал борасида бундай жавоб қайтаради: «Ушбу иборанинг қўлланиши санадга тегишлидир. Ҳадис икки иснод билан ривоят қилинади. Агар иснодларнинг биттаси ҳасан, иккинчиси саҳиҳ бўлса, бу ҳадисни «ҳасан-саҳиҳ» деб айтиш тўғри бўлади. Яъни, ҳадис бир иснодга кўра ҳасан, иккинчи иснодга кўра саҳиҳдир. Бу ўринда «ҳасан» сўзининг луғавий маъносини кўзда тутган бўлишини ҳам инкор этиб бўлмайди. Кўнгил мойил бўлган ва қалб қабул қилган нарса ҳасан дейилади. Бу тақдирда «ҳасан» ибораси истилоҳий маъносидан бошқа маънода қўлланган бўлади».

Ибн Салоҳ жавобининг биринчи қисмига эътироз билдирилган. Чунки Термизий фақат биттагина исноди бўлган ҳадисга нисбатан ҳам «ҳасансаҳиҳ» таъбирини қўллаганлар. Демак, «ҳасан» сўзи бу ўринда луғавий маъносида қўлланганини таъкидлаш ишкалнинг олдини олиш учун энг мувофиқ йўлдир. Бу орада «саҳиҳ-ҳасан» ибораси «ҳасан» билан «саҳиҳ» орасидаги бир мартаба эканини иддао қилганлар ҳам бор.

«Ҳасан-саҳиҳ-ғариб» иборасига келсак, ҳасан ҳадис бир сабабдан ривоят этилса, ғариб бўлади. Ҳасан ҳадис ҳам шу сингаридир.

Абу Ийсо Муҳаммад ат-Термизий китобининг уч хусусияти

«Сунани Термизий» асарини бошқа ҳадис китобларидан фарқлаб, ажратиб турган учта хусусиятни таъкидлаб ўтмоқчимиз, чунки бу уч хусусият «Кутуби ситта», яъни олтита энг машҳур ҳадис тўпламининг ҳеч бирида учрамайди.

1. Имом Термизий ҳар бир бобга кирган ҳадисни зикр қилганидан кейин, худди шу бобга тегишли ҳадис ривоят қилган саҳобаи киромларнинг исмларини санаб ўтади. Хоҳ улар ривоят қилган ҳадислар Термизий келтирган ҳадис маъносига мос бўлсин, хоҳ бошқа маънода бўлсин, хоҳ унга зид маънода бўлсин, ҳар ҳолда яқиндан ёки узоқдан алоқадор бўлса, кифоя! Ана шу хусусият Термизий китобининг шарҳини кучайтириб юборган жуда муҳим унсурдир. Айниқса, ҳадис олимлари кибри-

ти аҳмардек – мис ва қалайни тилло қиладиган иксирдек нодир бўлиб қолган кейинги даврлар учун бу ўта муҳим хусусиятдир. Термизий ишорат этган барча ҳадисларни санадлари ва матнлари билан тахриж қилмоқ, яъни асослаб юзага чиқармоқ бир умрни талаб қиладиган ишдир. Шайх Муборакфурий Термизий китобини шарҳлаганда бу ишни бажармоқчи бўлди, аммо барча ҳадисларни тахриж этишга муваффақ бўла олмади, ўз тахрижларида эса бошқа алломаларга эргашиш билан кифояланди.

2. Термизий фиққий масалаларда фақиҳларнинг фикр-қарашларини кўп бор зикр қилади, далилларга ишорат этиб, худди ўша масалада бир-бирига зид ҳадисларни шарҳлайди. Бу хусусият қай даражада аҳамиятли, муҳим ва улуғ бир мақсадга мувофиқ экани очиқ-равшандир. Асосан, ҳадис илмларининг ҳақиқий ғояси ва мақсади далил келтириш ҳамда бекаму кўст эргашиш ва амал қилиш учун асос бўладиган ҳадисларни аниқлаб, тайин этишдир.

3. Имом Термизий ҳадислар таълилига (иллатли жиҳатларига) жуда кучли эътибор беради. Ҳар бир ҳадиснинг саҳиҳ ва заифлик даражасини аниқлайди. Ҳадиснинг иллатлари ҳақида, ровийлар борасида батафсил ва аҳамиятли изоҳлар беради. Термизийнинг бу йўналиши билан ҳадис илми қоидаларининг, айниқса, таълил илмининг амалий бир татбиқи намоён бўлади. Хуллас, бу олимлар ва мутааллимлар учун энг фойдали бир китоб эканини иддао қилишимиз мумкин. Чунончи, Ҳофиз Абул-Фазл Муҳаммад ибн Тоҳир ал-Мақдисий, Термизий ҳақида бундай дейди: «Ҳиротда Имом Абу Исмоъийл Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Ансорийдан[7] эшитдим. У ўз мажлисида Термизий ва унинг китобидан гап кетганида айтдики: «Менинг учун Термизийнинг китоби Имом Бухорий ва Имом Муслим китобларидан кўра фойдалироқ. Чунки уларнинг китобларидан фақат теран илмли мутахассис олимларгина истифода этади. Термизийнинг китобидан эса ҳар ким фойдаланиши мумкин»[8].

Термизий эса ўз китоби ҳақида бундай дейди: «Бу китобни тасниф қилганимдан кейин уни Ҳижоз, Ироқ ва Хуросон уламоларига тақдим этдим. Улар розилик билдириб, қабул қилдилар. Кимнинг уйида бу китобдан бўлса, ўша хонадонда ҳазрати Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) гапираётгандек бўладилар»[9].

Таржимон

---

[7] Абу Исмоъийл ал-Ансорий, Ҳиротлик аллома Шайхул-Ислом, «Манозилус-соирийн» номли китоб муаллифи. Ҳирот эски Хуросон давлатининг пойтахти, ҳозир Афғонистон ҳудудидаги бир шаҳар.

[8] Ал-Мақдисийнинг «Шурутул-Аиммати Асҳобил-кутубис-ситтати» номли қўлёзма асаридан.

[9] «Тазкиратул-ҳуффоз» («Ҳофизлар ёдномаси»): 2/188 «Таҳзибут-таҳзиб»: 9/389 ва «Мифтоҳус-саъода» («Саъодат калити»): 2/11.

ҲАДИС ИЛМИНИНГ ИСТИЛОҲЛАРИ

ҲАДИС ВА СУННАТ

Муҳаддисларнинг, хусусан, кейинги олимларнинг фикрича, «ҳадис» ва «суннат» бир маънодаги икки сўздир. Ҳадис ёки суннат Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзлари, феъл-атворлари ёки бирор тақрирлари (бирор масаладаги розиликлари) ёхуд бирор сифатларининг ифодасидир, яъни шаръий ҳукмлардир. Аммо бу икки лафзнинг тарихи ва луғавий асосларига диққат қилинса, қўлланиши борасида луғат ва истилоҳ жиҳатидан нозик фарқлари борлиги кўзга ташланади.

Ҳадис – сўзлашув ва хабар бериш маъносида келган нақлнинг (баён ва ифоданинг) номидир. Кейин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзлари ёки феъллари ёхуд тақрирлари (бирор масаладаги тўхтамлари) ҳадис дейилган. Айрим олимлар, «ҳадис» тушунчасида «янгилик» деган маъно бор деб, бу сўзни «қадим» сўзининг муқобили сифатида қўллашган. «Қадим» деганда Аллоҳ таолонинг Китоби Қуръони каримни, «ҳадис» деганда эса Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзларини назарда тутганлар. Шу сабабдан уламоларнинг кўпчилиги Аллоҳ таолонинг каломини ҳадис деб аташдан сақланганлар.

«Суннат» асли эътибори билан «ҳадис» лафзига баробар эмас. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам келтирган диний йўл «суннат» деб аталар эди. Чунки «суннат»нинг луғавий маъноси «йўл» деганидир. Бу жиҳатдан «ҳадис» Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзлари ва феълларини ифода этса, «суннат» эса фақатгина у зотнинг феълларига хосдир. Бу икки лафз-тушунча орасидаги ана шу фарқ туфайли баъзан муҳаддислар: «Бу ҳадис қиёсга, суннатга ва ижмоъга зиддир» ёки «ҳадисда имомдир, суннатда имомдир; ҳадис ва суннатда имомдир» каби ибораларни қўллашган. Бу икки сўз орасидаги ўзига хосликни ана шундай ифода ва иборалар мазмунидан англаймиз.

Шайхул-Ҳадис Саъийд Аҳмад Болонпурий айтадилар: «Ҳадис ва суннат иккиси бири иккинчисидан буткул жудо эмас, яъни икковида қарама-қаршилик нисбати йўқ, магар икковининг орасида тенглик нисбати ҳам йўқ, балки ҳадис ва суннатда умум ва хусус «мин важҳин» нисбати бор. Қаерда мана шу нисбат топилса, уларда икки нарса алоҳида-алоҳида бўлиши мумкин ва гоҳида жамланиши ҳам мумкин. Гоҳида ҳадис бошқа бўлади, у суннат бўлмайди ва гоҳида суннат бошқа бўлади, у ҳадис бўлмайди ва гоҳида иккови жамланади, у ҳадис ҳам, суннат ҳам бўлади.

Аллоҳ таъоло айтади: **«Айтинг: «Мана шу менинг йўлимдир. Мен басират билан** (билган, ишонган ҳолда, очиқ далил ила) **Аллоҳга даъват қилурман ва менга эргашганлар ҳам** (шундоқдир)» (Юсуф сураси, 108-оят).

Ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Мен сизларга икки нарсани қолдириб кетяпман. Икковини маҳкам ушласангизлар, ҳаргиз**

гумроҳ бўлмайсизлар: (булар) **Аллоҳнинг Китоби ва менинг суннатим** (йўлим, тариқим)**дир».**

«Айтинг: «Мана шу менинг йўлимдир» (Юсуф сураси, 108) оятидаги ана шу йўлнинг номи **СУННАТ**дир. Ана шу йўлда юрувчилар **Аҳли суннат вал-жамоатдир**. Мана шундан тўрт имомга эргашувчилар номи чиқади: улар **Аҳли суннат вал-жамоат**дир, яъни суннатни ва мусулмонлар ижмоъини қабул қилганлардир» (Урдучадан Ёрқинжон Қори Фозилов таржимаси).

ХАБАР ВА АСАР

«Таҳдис» (яъни, баён қилиш ёки сўзлаб бериш) дегани «хабар» маъносида келади. Шунга кўра, «хабар» лафзи маъно жиҳатдан «суннат» сўзидан кўра «ҳадис» сўзига яқинроқ. Чунки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадислари у зотга оид бўлган хабардан иборат. Аммо тарих ва шунга ўхшаш илмлар билан шуғулланадиган олимлар «ихборий» (яъни хабар қилувчилар) деб номланган, суннат билан шуғулланадиган олимлар эса «муҳаддис» деб аталган ва шу боис тарихчиларнинг ривоятлари «хабар» деб, муҳаддисларнинг ривоятлари эса «ҳадис» деб ном олган. Иккала сўз орасида умумий, хусусий ва мутлоқ жиҳатлар бор. Яъни, ҳар қандай ҳадис хабардир, лекин ҳар қандай хабар ҳадис эмас. Ваҳоланки, «ҳадис» ва «хабар» лафзлари маънодош, деган фикрга эга бўлган муҳаддислар, бу икки сўзнинг луғавий жиҳатдан бир хил маънода эканининг энг аввало ушбу томонини мулоҳаза этишади. Ровийлар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга оид ҳадисларни ривоят қилиш билангина чекланиб қолмайдилар, айни вақтда мавқуф ва мақтуъ тарзидаги ҳадисларни ҳам ривоят қилишади. У ҳолда фақатгина Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг эмас, балки саҳобаларнинг ва тобеъийннинг сўзларини ҳам ривоят этишадики, ривоят икки ўринда ҳам хабардир. Хуллас, ҳадисни «хабар» деб ва хабарни «ҳадис» деб аташнинг зарари йўқ.

Муҳаддислар «асар» сўзига ҳам шу нуқтаи назардан қараб, бу лафз «хабар», «суннат» ва «ҳадис» лафзлари билан маънодош эканини айтадилар. Чунончи, «асар»ни саҳобаларга ва тобеъийнга оид қавллар (сўзлар) ва феълларгагина хос деб ҳисоблашни тақозо қиладиган бирор сабаб йўқ. Гарчи хабар билан асар орасида фарқ бор, деб мулоҳаза қилганлар бўлсада[10], лекин биз умумий кўпчиликнинг фикрига эргашиб, бу истилоҳлар умуман «таҳдис» ва «ихбор» маъносини ифода этишда баробар деб қабул қиламиз. Ҳадис усули илмида баҳсга сабаб бўлган асос ана шудир.

ҲАДИСИ ҚУДСИЙ

Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам баъзан саҳобаларига Аллоҳу таолодан нақл этиб, бир сўз айтардилар. Бу сўз, бу мавъиза ваҳйи жалий, яъни очиқ-равшан ваҳй эмаслиги учун Қуръон эмас. Шунинг-

[10] Баъзи муҳаддислар марфуъ ва мавқуф ҳадисни асар деб қабул қилишади. Хуросон фуқаҳоси эса мавқуфни — асар, марфуъни — хабар деб ҳисоблашади.

дек, Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бевосита ўз сўзлари эмаслиги учун ҳадиси Набавий ҳам эмас. Бунинг услуби Қуръони каримнинг услубидан тамоман бошқача. Аммо шу билан бирга, унда қудсий (илоҳий) оламдан бир нафҳа (бир муборак, хуш ис), ғайб оламидан бир нур, жалол ва икром соҳиби бўлмиш Аллоҳ таолодан бир ҳайбат бор! Ана шу турдаги ҳадислар ҳадиси қудсий, яъни қудсий ҳадислар ёки илоҳий ҳадислар дейилади. Ҳадиси қудсий «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ таолодан нақл қилиб айтдиларки...» деб бошланади. Шунинг учун айрим олимлар, ҳадиси қудсийда лафз, яъни сўз Аллоҳ таолодан эканини таъкидлайдилар. Ҳолбуки, уламоларнинг кўпчилиги лафз (яъни ифода) Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламдан, маъно эса Аллоҳ таолодан деб ҳисоблайдилар. Абул-Бақо ана шу фикрни илгари суради ва буни очиқ-ойдин таъкидлаб, бундай дейди:

«Қуръон лафзи ва маъноси ошкор ваҳй билан Аллоҳ ҳузуридан нозил бўлган каломдир. Ҳадиси қудсий эса, лафзи Расули Акрамдан ва маъноси илҳом ёки туш йўли билан Аллоҳу таолодан келган каломдир»[11].

МУСНИД, МУҲАДДИС, ҲОФИЗ

Ҳадис илми билан шуғулланган зотлар (шу илм атамаларига мувофиқ) турли номлар билан аталганлар. Булардан энг машҳурлари қуйидагилар:

Муснид – ҳадисни санади (ровийларнинг узлуксиз тартиб-рўйхати) билан ривоят қилган ровий. Унинг ҳадис соҳасида билими бўлиши шарт эмас. Фақатгина ҳадисни матни ва санади билан эшитган кишисидан айнан нақл этади.

Муҳаддис – ҳадисларнинг санадларини, иллатларини, ровийларнинг аҳволини билган, имкони борича ҳадис ёдлаган, кутуби ситтани (олти машҳур ҳадис китобини), Аҳмад ибн Ҳанбалнинг «Муснад»ини, Байҳақийнинг «Сунан»ини, Табаронийнинг «Мўъжам»ини тинглаган (сабоқ олган) ва буларга ҳадис жузъларидан минг жузъгача қўша олган кишидир[12].

Ҳофиз – ҳадис билан шуғулланган зотлар орасида даражаси энг баланд ва мақоми энг юксак бўлган киши. Ҳофиз турли тарзларда таъриф этилган. Бир уламо фикрича, ҳофиз Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатини билган, йўлларини эгаллаган, санадларини бир-биридан тозалаган, саҳиҳлиги иттифоқ қилинган ҳадислар билан ижтиҳод сабабидан «мухталифун фийҳ» бўлган ҳадисларни ёд билган, жарҳ ва таъдил истилоҳларидан воқиф бўлиб, ҳар бири орасидаги фарқни ажрата олган, ҳадисда мавҳум ва саҳиҳ бўлган лафзларни таниган, ҳадис матнларига киритилиб, уларнинг бир парчаси ҳолига келган лафзларни фарқлаб ажрата оладиган ва ровийларнинг аҳволидан энг яхши тарзда воқиф бўлган ҳадис олимидир[13].

[11] «Куллиёту Абил-Бақо», 288-бет.

[12] «Тадрибур-ровий», 6-саҳифа.

[13] «Ал-Жомиъ ли-ахлоқир-ровий». 150:8. Саҳифа 2.– («Улумул-ҳадис ва мусталаҳуҳу», 76-саҳифа).

Айримлари эса ҳар бир даврда ва маконда нодир, камёб бўлган кишилар ҳофиз деб аталишини ва бундай кишилар борлиги ҳали-ҳамон мутаъаззир, яъни узрли, истисно ҳолат эканини уқтирадилар. Зеро, бир ҳадис олимининг ҳофиз деб номланиши учун кенг қамровли илм билан бирга нодир сифатларнинг унда мужассам бўлиши шарт қилинган. Ҳоким «Ал-Мадҳал» асарида бундай дейди: «Бир ҳофизнинг хотирасида ярим миллионта ҳадис сақланар эди»[14].

Аммо Фатҳуддин ибн Саййидиннос бу даъвонинг нисбий эканини ва ҳар бир даврнинг ўзига хос бир истилоҳ ва таҳдиди борлигини таъкидлаб айтади: «Уламои мутақаддимийндан (қадимги олимлардан) дафтарида йигирма минг ҳадис ёзилмаган кишини муҳаддис деб ҳисобламаганлари ривоят қилинади. Ҳолбуки, уларнинг бу тушунчалари ўз даврларига кўрадир»[15].

Имом Бухорий бундай деганлар: «Хотирамда юз минг саҳиҳ ҳадис ва икки юз мингта ғайри саҳиҳ ҳадис бордир»[16].

Ҳофизлар гарчи юз минглаб ҳадисларни ёд олган бўлсалар-да, шундан фақат жузъий миқдорини ривоят қилганлар. Бу бир парҳезкорлик, эҳтиёткорлик масаласи экани маълум. Чунки муҳаддислар Исломдан бўлмаган бирор сўзни Исломга тақаб қўйишдан қаттиқ ҳазар қилганлар. Ал-Аъмаш ровийларнинг ҳадисларнинг ҳар бир сўзи устида кўрсатган талабчанлик ва ҳасосликларини тасвирлайди ва уларнинг бу ҳаракатини мақтаб, бундай дейди: «Илм шундай зотларнинг қўлида эдики, уларнинг ҳар бири учун шариат илмига бironта «вов», «алиф» ёки «дол» қўшиб қўйишдан кўра осмондан ерга қулаб тушиш осонроқ эди. Энди эса, илм балиқнинг катта ёки кичиклиги борасида ҳам қасам ичаверадиган кишилар қўлида қолди»[17].

ҲАДИСЛАРНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ВА РАД ЭТИЛИШИ ЖИҲАТИДАН ТУРЛАРГА БЎЛИНИШИ

Ҳадис ё мақбул (қабул қилинадиган) ёки мардуд (қабул қилинмайдиган) бўлади. Мақбул ҳадис – саҳиҳ, мардуд ҳадис эса – заифдир. Ҳадисларнинг табиий тақсими ана шудир. Бундай тақсим, яъни бўлиниш ортида ровийларнинг ва ҳадис матнларининг аҳволлари ўзгариши билан бирга, саҳиҳлик ёки заифлик жиҳатидан ўзгарган бир қанча қисмлар бор. Бироқ муҳаддислар уч қисмга бўлиш борасида келишиб, бу учга бўлиш иккига бўлишдан кўра афзал деб санашган. Шундай қилиб, ҳадис саҳиҳ, ҳасан ва заиф тарзида уч турга бўлинган.

[14] «Тадрибур-ровий», 8-саҳифа.
[15] Шу манбаъ, 7-саҳифа.
[16] Шу манбаъ, 8-саҳифа.
[17] «Ал-Кифоя», 178, Ал-Аъмаш, у Сулаймон ибн Муҳрондир; 148-ҳижрий йилда вафот этган.

Мавзуъ ҳадис бу турларга кирмайди. Чунки мавзуъ дегани Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга ёки саҳобалардан ва тобеъийндан бирор кишига тақалган гап бўлиб, аслида тўқима ва уйдирмадир. Ваъз қилаётган киши наздида бу ҳадис ҳукмида бўлса-да, лекин мавзуъ эканининг исбот этилиши ундан «ҳадис» деган сифатни кетказади. Бироқ то бу масала исбот этилмагунича, уни ҳадис деб аташ мумкин. Агар бирон бир китобда «Бу ҳадис мавзуъдир» деган иборага кўзингиз тушса, шуни билингки, ўша ўринда «ҳадис» сўзининг ишлатилиши мазкур сўзни ҳадис сифатида нақл этиш ва ривоят қилиш ҳаром эканини билдириш учун бўлади. Энди тартиби билан шу уч тур ҳадисни қисқача изоҳлаб ўтайлик.

1. САҲИҲ

Саҳиҳ ҳадис – ишончли ва ақл-идрокли киши ишончли ва ақл-идрокли кишидан ривоят қилган, санади бошидан охиригача узилмай муттасил бўлган, шоз(з) (ажралган, ёлғизланган ва якка) бўлмаган ва муаллал бўлмаган (узилмаган ва нуқсонсиз) муснад ҳадисдир.

Санаднинг мунтаҳоси – тўхталган жойи (таянч нуқтаси) Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бўладилар. Шунингдек, бирор саҳоба ва тобеъийн ҳам бўлиши мумкин. Баъзи уламоларнинг муснад билан муттасил орасини ажратган ҳоллари ҳам учрайди. Улар, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга кўтарилган ҳадисни муснад, санади туташган ҳадисни эса муттасил деб айтадилар. Уларнинг фикрича, муттасил ҳадис марфуъ ҳам, мавқуф ёки мақтуъ ҳам бўлиши мумкин, муснад ҳадис эса фақатгина Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ўзларига кўтарилган ҳадисдир.

Саҳиҳ ҳадиснинг турлари

Саҳиҳ ҳадис мутавотир, оҳод, машҳур, мустафиз, азиз ва ғариб каби турларга бўлинади.

Мутавотир – ақлан ва одатан ёлғон нарса устида иттифоқ қилишлари мумкин бўлмаган бир жамоатнинг санад боши, ўртаси ва охирида худди шундай сифатга эга бўлган бир жамоатдан ривоят қилган саҳиҳ ҳадисдир[18] .

Бу жамоатнинг саноғини белгилаш борасида турли ва қарама-қарши фикрлар илгари сурилган. Биз бу фикрларга тўхталмаймиз ва айни вақтда, мутавотир лафзи ва маъносига кўра икки қисмга бўлинишини ҳам шарҳлаб ўтирмаймиз. Саҳиҳ ҳадис – «саҳиҳ лизотиҳи» ва «саҳиҳ лиғойриҳи» каби икки турга ажралади. Бу борада ҳам тўхталмай ўтамиз. Чунки мақсадимиз ҳадис истилоҳлари ҳақида таълим бериш эмас, балки таржимамизда учрайдиган айрим илмий истилоҳларни тушуниб олишда ёрдами тегадиган муҳим маълумотни етказишдир.

Оҳод – бундай ҳадисларнинг ҳар биттаси «хабари воҳид» дейилади. «Хабари воҳид» – луғавий маъносига кўра, битта киши ривоят қилган

[18] «Шарҳун-нуҳба», 3-саҳифа.

ҳадис, дегани. Истилоҳий маъносига кўра, тавотур даражасига етмаган ҳадисдир.

Бу таърифдан маълум бўладики, қўйидаги ҳадис турлари «хабари воҳид»нинг алоҳида-алоҳида хилларидир.

Машҳур – сиқа (ишончли) бир имомдан жамоат (иккитадан ортиқ киши) муштарак тарзда ривоят қилган ҳадисдир. Аниқлиқ, очиқравшанлик касб этгани боис бундай ҳадислар машҳур деб номланган. Айрим фиққ имомлари бундай ҳадисни айни вақтда мустафиз деб атайди. Ҳолбуки, машҳур ҳадис билан мустафиз ҳадис ўртасида фарқ бор.

Мустафиз – ёйилмоқ, тарқалмоқ маъносида келадиган «истифоза» сўзидан келиб чиққан исми фоил (феълдан ясалган от)дир. Машҳур ҳадисни «мустафиз» дейдиган фиққ имомлари сўзнинг луғавий маъносини назари эътиборга олган бўладилар. Истилоҳий маъноси эса, бошида ва охирида ровийлар саноғи тенг бўлган ҳадисдир; бунда ровийлар саноғи иккитадан ортиқ бўлиши шарт қилинган.

Азиз – икки киши ривоят қилган, аммо ҳамиша, ҳар қайси даврда ровийлар саноғи иккитадан кам бўлмаган ҳадисдир. Бундай ҳадисларнинг азиз деб аталишига сабаб, ё нодир бўлгани учун ёки бошқа йўлдан келиши билан қувват касб этгани учундир.

Ғариб ва фард – саҳобадан кейин санадининг ҳар қандай бир жойида битта ровий якка ҳолда ривоят қилган ҳадис[19]. «Ғариб» ва «фард» сўзлари орасида луғат ва истилоҳ жиҳатидан муштарак ўхшашлик бор. Бу боғлиқлик фақат якка-ёлғизлик ва тоқлик маъносида бўлиб, ҳадис олимларидан айримлари бу хил ҳадисларни баъзан «фард», баъзан «ғариб» деб аташларининг сабаби шудир.

2. ҲАСАН ҲАДИС

Ҳасан ҳадис – одил, сидқ – тўғрилик ва омонатда машҳур, аммо қамровда саҳиҳ талаби даражасига кўтарилмаган ровий ривоят қилган, санади муттасил бўлиб, тобеъийндан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламгача етиб борган, шузуз (нотўғрилик) ва иллатдан саломат бўлган ҳадисдир[20].

Кўриниб турибдики, саҳиҳ ҳадис билан ҳасан ҳадис ўртасидаги фарқ фақатгина қамров (забт, яъни эгаллаш, ишғол этиш) саҳиҳда тугал, тўлиқ, «ҳасан»да эса бир оз қуйироқ мартабада бўлишидан иборат.

«Сунани Термизий» ҳасан ҳадисларни аниқлашда асос-манбаъдир. «Ҳасан» истилоҳини кашф этган, ҳадисларни саҳиҳ, ҳасан ва заиф тарзида уч қисмга бўлган зот Термизийнинг ўзидир. Ундан аввал муҳаддислар заифни икки хил тарзда қабул қилишарди. Биринчиси – ўша ҳадис асосида амал қилиниши жоиз бўлган заиф ҳадис бўлиб, бу Термизий истилоҳида келган ҳасан ҳадисга ўхшашдир. Иккинчиси – тарк этиш вожиб бўлган,

[19] «Шарҳун-нуҳба», 6-саҳифа.

[20] «Шарҳун-нуҳба», 11-саҳифа; «Ал-Фуййутус-Суютий», 42-ҳошия.

ўта заиф маъносида келган, «ваҳй» (қулоққа шивирланган сўз) деб номланган ҳадис эди[21].

Муҳаддислар саҳиҳ билан ҳасан ўртасида муштарак бўлган баъзи лафзларни зикр қилганлар. Мақбул ва мўътабар ҳадис борасида қўлланган бу лафзлар: жайиид, мужаввад, қавий, собит, маҳфуз, маъруф, солиҳ ва мустаҳзан сингари сўзлардир. Буларнинг ишлатилишида истилоҳий маънодан кўра луғавий маъноси кўпроқ мулоҳаза қилинади. Чунончи, мужаввад билан жайиид, собит билан қавий сўзлари бир-бири билан қиёсланганда бу лафзлар таъбирда фарқли маънода қўллангани равшан бўлади.

3. ЗАИФ ҲАДИС

Заиф – таркибида «саҳиҳ» ва «ҳасан» ҳадисларнинг сифати бўлмаган ҳадис[22]. Учинчи тур ҳисобланган заиф ҳадиснинг энг мувофиқ таърифи ана шудир.

Заиф ҳадиснинг кўпгина турлари бор. Булардан ўзига хос номга эга бўлган хилларини қуйида изоҳлаймиз.

Заиф ҳадиснинг турлари

Мурсал – санадидан саҳоба тушириб қолдирилган ҳадис.

Масалан, тобеъийнлардан бўлмиш Нофиъ: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар» ёки «Бундай қилдилар» ёхуд «У зотнинг ҳузурида бундай қилинди» дейди ёки шунга ўхшаш бир таъбирни қўллайди. Дейлик, бу ўринда ҳадис иттисолни (боғлиқликни) йўқотгани учун – заиф; ровийси томонидан саҳоба тушириб қолдирилгани учун – мурсал бўлади. Мурсал ҳадис дин бобида ҳужжат ҳисобланмайди. Муҳаддисларнинг қарори ана шу. Лекин кўпчилик уламолар бир саҳоба мурсал тарзида ривоят қилган ҳадисни ҳужжат деб қабул қилишади ва бундай ҳадисларни заиф деб ҳисоблашмайди. Чунки ўша саҳоба мурсал тарзида ривоят қилган шу ҳадисни мутлоқ бошқа бир саҳобадан эшитганки, у саҳоба аҳволининг ноаниқлиги ҳадисни заиф деб ҳисоблашга асос бўлолмайди. Суютий «Саҳиҳайн»да бу хилдаги ҳадислар жиддий бир саноқни ташкил этишини айтади.

Мунқотиъ – санадида бир ровий тушириб қолдирилган ёки санадида мубҳам (номаълум) бир кишига ўрин берилган ҳадис[23].

Мунқотиъ ҳадис ҳам худди мурсал ҳадисдек санадида иттисолни (боғлиқликни) йўқотгани туфайли заифдир.

Ҳофиз ал-Хатийб ал-Бағдодий «Ал-Кифоя фий илмир-ривоя» номли асарида бундай дейди: «Мунқотиъ мурсал кабидир. Фақат бу истилоҳ кўпинча санадида тобеъийн тушириб қолдирилган ривоят ҳақида қўлланилади»[24]. Ҳофиз ал-Хатийбнинг «кўпинча» деган таъкиди билан

[21] «Қавоидут-таҳдис», 83-саҳифа.
[22] «Ат-тадриб», 59-саҳифа.
[23] «Ихтисору улумил-ҳадис», 53-саҳифа.
[24] «Ал-Кифоя», 21-саҳифа.

мунқотиъ борасида биз келтирган таъриф орасида ҳамма жиҳатдан мутаносиблик йўқлиги аён. Ал-Хатийбнинг сўзи мунқотиъ ҳадисларда кўпинча намоён бўладиган бир сифатга нисбатан алоҳида истилоҳдир. Ҳақиқий таъриф юқорида биз тақдим этган таърифдир.

Муъдал – санадидан икки ёки кўпроқ ровийси тушириб қолдирилган ҳадис[25].

Муъдал махсус важҳ асосида мунқотиънинг бир қисми ҳисобланади. Бу ўринда ҳам заифнинг сабаби, худди мурсал ва мунқотиъда бўлганидек, санадида иттисол (боғлиқлик)нинг йўқолганидир. Агар бу уч истилоҳ орасида бир ўлчов-даража қўядиган бўлсак, муъдалнинг аҳволи мунқотиъдан кўра ёмонроқ, мунқотиънинг аҳволи эса мурсалдан кўра ёмонроқ деб айтишимиз мумкин. Демак, муъдалнинг мунқотиъдан кўра ёмонроқ экани – инқитоъ, яъни узилиш санадининг бир жойида бўлгани учундир. Мабодо, инқитоъ, яъни узилиш санадининг икки жойида ёки янада кўпроқ жойида бўлса, унда муъдалнинг аҳволидан фарқи қолмайди.

Мудаллас – айби яширинган ҳадис. Шу маънони билдирадиган мудаллас иккига бўлинади:

а) **Иснод тадлиси.** Бир ровийнинг ўзи билан бир даврда яшаган ва учрашган кишидан, эшитмаган ҳолда ундан ҳадис ривоят этмоғи ёки бир даврда яшаган, лекин ўзи билан учрашмаган бир кишидан, худди унинг оғзидан эшитгандек қилиб ҳадис ривоят қилмоғи иснод тадлиси дейилади. Ибнус-Салоҳ мудаллас ҳадисни ана шундай таърифлайди. Тадлис борасида бошқа таърифлар ҳам зикр қилинган. Бу таърифларнинг ҳаммаси бир шайхдан эшитмаган ҳадисни худди ундан эшитгандек қилиб ривоят қилиш ҳолатига асосланган.

б) **Шайхлар тадлиси.** Бир шайхдан эшитган ҳадисни ундан ривоят қилганда, ўша шайхнинг танилмаслиги учун унинг таниқсиз бир исми ёки куняси (тахаллуси) билан аталмоғи ёки шайхини ёхуд шайхининг шайхини таниқсиз бир сифат билан сифатлантирмоғи – шайхлар тадлисидир.

Айрим муҳаддислар тадлисни кенгроқ қилиб, атф тадлиси, қатъ тадлиси, тасвия тадлиси, сукут тадлиси, таврия тадлиси, истидрок тадлиси ва шу каби бошқа атамалар ила турли хилларга ажратишган. Бу хилларнинг ҳаммаси «иснод тадлиси» қисмига тегишли.

Муъаллал – зоҳиран иллатсиз кўринса-да, саҳиҳлигига футур етказадиган бир иллати юзага чиқарилган ҳадис. Имом Бухорий, Имом Термизий ва Ҳоким ибораларида қўлланганидек, бу ҳадис «маълул» ҳам дейилади. «Муъолл» деб аталса, янада яхшироқ.

Музтариб – бошқа-бошқа ва бир-бирига яқин важҳлардан ривоят қилинган ҳадис. Имом Нававийнинг фикрича, таъриф шу. Борди-ю, ривоятлардан биронтасини бошқасидан устун қўйиш мумкин бўлса, унда бу ҳадис «музтариб»лик ҳолатидан чиқади. *Изтироб* кўп марта санадда ва баъзан матнда юз беради, агар изтироб фақат матнда юз берса, у ҳадис камдан-кам «музтариб» деб номланади. Изтироб ҳам санадда, ҳам матнда учраши-да воқедир.

[25] «Ат-Тадриб», 73-саҳифа.

Шайх Болонпурий айтадилар: «Музтариб шундай ҳадиски, унинг санадида ёки матнида ўзгариш ва алмашиш бўлгани сабабли сиқа (ишончли) ровий тарафидан ихтилоф пайдо бўлиб қолади. Икковлари ҳам сиқа (ишончли) ровий бўла туриб, иккаласи бир ҳадисни икки хил ривоят қилади. Икки ривоятдан бирортасини таржиҳ қилиш (устун қўйиб танлаш) нинг имкони бўлмайди. Агар таржиҳ қилишнинг имкони бўлса, рожиҳи мақбул бўлиб, маржуҳи ғайри мақбул бўлиб кетаверади, натижада изтироб барҳам топади» («Туҳфатул-алмаъийй» муқаддимасидан).

Мақлуб – ровийлардан биронтаси матнда бирор сўз ўрнини ёки санадда бирор ровий номини ёки насабини аниқ тутмасдан, орқага олиниши лозим бўлган сўз, ном ёки насабни олдинга ўтказиши, ном ёки насабни орқага олиши ёхуд бир нарсани бошқа бир нарсанинг ўрнига қўйиши тарзида ривоят қилган ҳадис. (Қисқаси, мақлуб – матнда бирор сўз ўрни ёки санадда бирор ровий номи ёки насаби ўрни алмашиб қолган ҳадис). Мақлуб – ўзгартирмоқ маъносида келадиган «қалб» сўзидан ясалган исми мафъул (феълдан ясалган от)дир.

Таърифдан англашиладиган важҳи билан «қалб» (ўзгариш) иснодда ҳам, матнда ҳам бўлиши мумкин.

Шоз(з) – ривояти мақбул бўлган ровий ўзидан кўра мақбулроқ бўлган ровийга мухолиф (қарши) тарзда ривоят қилган ҳадис[26]. Ҳофиз ибн Ҳажар шоз(з) (ажралган, ёлғизланган ва якка) ҳадисга ана шу таъриф муносиб эканини айтади.

Мункар – заиф ровий сиқа (ишончли) ровийга мухолиф (қарши) тарзда ривоят қилган ҳадис. Мункарнинг энг ихчам таърифи шу. Мункар ҳадис ровийсининг заиф эканлиги жиҳатдан шоз(з) ҳадисдан фарқланади. Чунки шоз(з) ҳадиснинг ровийси – сиқа (ишончли) киши, мункар ҳадиснинг ровийси эса заифдир. Шуни ҳам таъкидлаб ўтайликки, «мункар»нинг муқобили – «маъруф», шоз(з)нинг муқобили – «маҳфуз»дир.

Матрук – ҳадисда ёлғончилиги тахмин қилинган ёки хоҳ феъли, хоҳ сўзи билан фосиқлиги аён бўлган ёки беҳад ғафлатда қолган ёки ваҳмхаёли кўп бўлган ровий ривоят қилган ҳадис.[27]

Бу навли ҳадислар «матрук» дейилиб, «мавзуъ» дейилмаслигига сабаб шуки, фақат ёлғончилик тахмини туфайли бир ҳадис мавзуъ деб ҳукм қилинмайди, ёлғончилиги феълан собит бўлиши керак.

САҲИҲ, ҲАСАН ВА ЗАИФ ҲАДИСЛАР ОРАСИДАГИ МУШТАРАК ИСТИЛОҲЛАР

Ушбу бўлимда юқоридаги уч турли ҳадислар орасида муштарак бўлган айрим истилоҳлар устида тўхталамиз.

Марфуъ – қавл (сўз), феъл ёки тақрир сифатида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламгача кўтарилган ҳадис. Хоҳ саҳоба, хоҳ тобеъийн, хоҳ

[26] «Шарҳун-Нуҳба», 14-саҳифа.
[27] «Ал-Фиййатус-Суютий», ҳошия.

улардан кейингилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламгача юксалтирган ҳадис марфуъ дейилади.

Бундан шу маъно чиқадики, марфуъ ҳадис ҳамиша ҳам муттасил бўлавермайди. Баъзан санадидан саҳоба тушиб қолиб, мурсал бўлади.

Баъзан ровийлардан бири тушиб қолиб ёки санадида мубҳам бир киши зикр этилиб, мунқотиъ бўлади. Баъзан икки ёки ундан кўп ровий тушиб қолиб, буткул муъдал бўлиб қолади. Айтилганидек, бу уч ҳолатда ҳадис заиф деб сифатланади.

Муснад – санади Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламгача марфуъ тарзида, ровийсидан то интиҳосига қадар муттасил етиб борган ҳадисдир.

Муттасил – санади бошидан охирига қадар муттасил етиб борган ҳадис. Бунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламгача юксалган бўлиши шарт эмас. Саҳобада ёки ундан кейинги ровийда мавқуф бўлган (тўхтаган) бўлиши мумкин. Бу ҳадис айни вақтда мавсул деб аталади.

Мавқуф – қавл (сўз), феъл ёки тақрир сифатида саҳобага изофа қилинган ҳадис.

Мақтуъ – қавл (сўз), феъл ёки тақрир сифатида тобеъийнга изофа қилинган ҳадис.

Муаллақ – санадининг бошидан бир ёки бир неча ровий кетма-кет тушириб қолдирилган ҳадис.

Ғариб ва фард – саҳобадан кейин санадининг ҳар қандай бир жойида битта ровий якка ҳолда ривоят қилган ҳадис.[28]

«Ғариб ва фард» сўзлари орасида луғат ва истилоҳ жиҳатидан муштараклик бор. Бу боғлиқлик фақат якка-ёлғизлик ва тоқлик маъносида бўлиб, ҳадис олимларидан айримлари бу хил ҳадисларни баъзан фард, баъзан ғариб деб аташларининг сабаби шудир.

Олий – санадида ровий саноғи оз бўлганидан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга яқин бўлган ҳадис.

Нозил – санадида ровий саноғи кўп бўлганидан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан узоқлашган ҳадис.

Тобиъ ва шоҳид – бир ҳадиснинг бошқа бир ҳадисга мувофиқ келишидир.

Агар мувофақат лафзда бўлмай, фақат маънода бўлса, бу ҳадис **шоҳид** дейилади. Агар мувофиқлик ҳам лафзда, ҳам маънода бўлса, бундай ҳадис **тобиъ** ёки **мутобиъ** дейилади.

[28] Ғариб ва фард ҳадисни юқорида машҳур, азиз ва мустафиз ҳадислар билан бирга саҳиҳ ҳадиснинг турлари сифатида зикр қилгандик. Дарвоқе, бу навли ҳадислар «ақсоми салоса», яъни **саҳиҳ, ҳасан** ва **заиф** каби уч турдаги ҳадислар орасидаги муштарак ҳадислардир. Саҳиҳ бўлганидек, ҳасан ҳам, баъзан заиф ҳам бўлиши мумкин. Чунончи: **«Илм талаб этмоқ ҳар бир мусулмон эркак ва аёлга фарздир»** деган ҳадис машҳур бўлиши билан бирга ҳасан ҳамдир. **«Қалблар ўзларига яхшилик қилганларни севгувчи қилиб яратилгандир»** деган ҳадис машҳур ва заифдир. Шунингдек, марфуъ, мақтуъ ва мавқуф ҳадислар орасида машҳур бўла туриб, асли (асоси) бўлмаган бир қанча ҳадислар ҳам бор.

Агар мувофақат ровийнинг шайхидан то санаднинг охирига қадар бутун санадда мавжуд бўлса, бундай ҳадис **мутобаайи тамма** дейилади. Агар санаднинг бир қисмида бўлса, **ноқиса** дейилади.

Агар ҳадиснинг лафзида ҳам, маъносида ҳам мувофиқлик учрамаса, бу **фард** ва **ғариб** дейилади.

Мудраж – матнида ёки санадида асли ўзида бўлмаган бирор қўшимча топилган ҳадис.

Саҳиҳ ва ҳасан ҳадисларнинг ровийлари оз ва оддий (содда) бўлса ҳам, ўз ҳадисларида учрайдиган иловаларга диққатни тортадилар ва бу қўшимчанинг кимга оид эканини аниқ белгилайдилар. Токи бегона бир сўз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзларига аралаштирилмасин ва у киши айтмаган бирор сўз у зотга изофа қилинмасин. Идрож, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисида ўтган баъзи тушунилмаган сўзларни тафсир қилмоқ мақсадида ёки бир шаръий ҳукмни изоҳламоқ мақсадида қилинади.

Мусалсал – бир сифат ё бир ҳол ёки бир кайфият борасида ровийлари иттифоқ қилган ҳадис.

Мусалсал – занжирдек (силсиладек) бир-бирига боғлиқ бўлган нарса, дегани. Бу ўриндаги тасалсул ҳар бир ровийнинг ҳадисни ривоят қилганда муайян бир сўз ё ҳаракати ёки кайфияти санадда ўзидан олдин келган ровийдан айнан нақл этилмоғидир[29]

Мусалсалнинг турли хиллари бор.

Мусаҳҳаф – нуқталари ўзгартирилиб, бир ёки бир нечта ҳарфи ўзгарган, аммо ёзма шакли боқий қолган ҳадис.

Мабодо, ёзма шакли ўзгарса, у муҳарраф дейилади.

Ибн Ҳажар мусаҳҳаф ва муҳаррафни ана шундай таърифлаган. Аслида булар *мутародиф (маънодош) сўзлардир. Бинобарин, айрим муҳаддислар* бу икки лафз орасини ажратмаганлар.

[29] «Луқотуд-дурар» ҳошияси, 136-саҳифа.



АЛ-ЖОМИЪ АС-САҲИҲ



СУНАНИ ТЕРМИЗИЙ

ТАРЖИМАСИ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ПОКЛИК КИТОБИ

Ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан (ривоят қилинади)[1]

1-БОБ. ПОКЛИКСИЗ ҲЕЧ БИР НАМОЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНМАЙДИ

١- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ، حَدَّثَنَا أَبُو عَوَانَةَ، عَنْ سِمَاكِ بْنِ حَرْبٍ ح وحَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنْ إِسْرَائِيلَ، عَنْ سِمَاكٍ، عَنْ مُصْعَبِ بْنِ سَعْدٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لاَ تُقْبَلُ صَلاَةٌ بِغَيْرِ طُهُورٍ، وَلاَ صَدَقَةٌ مِنْ غُلُولٍ».

قَالَ هَنَّادٌ فِي حَدِيثِهِ: «إِلاَّ بِطُهُورٍ».

1. *Ҳазрати Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:* **«Покликсиз бирор намоз қабул қилинмайди ва ҳаром пулдан садақа ҳам қабул қилинмайди».** Ҳаннод ўз ривоятида: «(намоз) **фақат таҳорат билангина қабул қилинади»**, деди[2].

Абу Ийсо (ат-Термизий) деди(лар):

Бу ҳадис ушбу бобда ворид бўлган ҳадисларнинг энг саҳиҳи ва энг ҳасанидир.

Бу бобда яна Абул-Малиҳдан, унинг отасидан, Абу Ҳурайра ва Анасдан (розийаллоҳу анҳум) ҳадис ривоят қилинган. Абул-Малиҳ ибн Усоманинг номи Омир бўлиб, Зайд ибн Усома ибн Умайр ал-Ҳузалий деб ҳам аталади.

[1] «Ҳазрати Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва салламдан (ривоят қилинади)» деган ифода билан Имом Термизий (раҳматуллоҳи алайҳ) ушбу китобда фақатгина марфуъ ва муснад ҳадислар, яъни қавл, феъл ёки тақрир сифатида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламгача кўтарилган, ровийлар санади узилмаган ҳадислар зикр қилинишига, мавқуф ва мақтуъ, яъни қавл, феъл ёки тақрир сифатида саҳоба ва тобеъинларга изофа қилинган ҳадислар баён қилинмаслигига ишора қиладилар (Шайх Банурий, Шайх Болонпурий).

[2] Бу ҳадисни Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Имом Насоий ва Имом Ибн Можа ҳам ривоят қилганлар.

ШАРҲ. «Ғулул» – хиёнат, ўғрилик, ҳийла, пора ва суиистеъмол қилиш йўли билан топилган ҳаром молдир. (Ўзбекча таржимада «ғулул»нинг умумий маъноси бўлган «ҳаром» сўзи танланди). Қози Абу Бакр ибн ал-Арабий бу ҳадис тафсирида айтади: «Таҳоратсиз намоз қабул қилинмай, жазони тақозо этганидек, ҳаром молдан берилган садақа ҳам шундайдир».

Шайх Болонпурий айтадилар: **«Бирор намоз покликсиз қабул қилинмайди».**

Бу ўриндаги қабул сўзининг икки маъноси бор: қабул дурустлик, яъни саҳиҳ бўлиш маъносида ҳам, ризо (хушнудлик) маъносида ҳам келади. Масалан, ҳадиси шарифда: **«Бирорта балоғатга етган қизнинг намози ёпинчиқсиз қабул қилинмайди»,** дейилади. Бунда қабул саҳиҳлик (дурустлик) маъносидадир. Қабул қилинмайди деганлари, яъни, бошини ёпмаса, намози дуруст эмас, деяптилар. Яна бир ҳадисда келадики: **«Кимки коҳин** (фолбин)**нинг олдига келса ва ундан бирор** (ғайб) **нарсаларни сўраса, унинг намози қирқ кунгача қабул қилинмайди».** Бунда қабул ризо (хушнудлик) маъносидадир. Яъни, бунинг намозидан Аллоҳ рози бўлмайди.

Ҳадиси шарифдаги салот барча намозларни ўз ичига олади. Яъни, бирорта намоз покликсиз қабул қилинмайди. Шу ҳукмга барча имомлар иттифоқ қилганларки, мукаммал намоз, яъни рукуъ, саждалик намоз покликсиз саҳиҳ бўлмайди. Тўрт имомнинг наздида саждаи тиловат ва намози жаноза учун ҳам таҳорат, яъни вузуъ зарурийдир. Демак, булар ҳам таҳоратсиз қабул қилинмайди. Ва саждаи тиловатни агарчи салот деб айтилмаса-да, магар сажда намознинг бир рукнидир. Демак, бу ҳам намози жанозанинг ҳукмида бўлади. Чунки жаноза намозида ҳам намознинг битта рукни – қиём бор, холос.

Яна бир муҳим изоҳ. Соҳибайн (Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад) айтадиларки: «Инсон на суви ва на таяммумга ярайдиган нарсаси йўқ жойга тушиб қолса, намоз вақти чиқиб кетгунича топишга умиди ҳам бўлмаса, нима қилади? У ўзини намоз ўқувчига ўхшатади ва кейинчалик намозларининг қазосини ўқийди». Яъни, ҳозир намозни ўқимайди, албатта, намознинг шаклини ясаб, пок жойда туриб, юзини қиблага қаратиб, такбири таҳримага қўлини кўтаради, рукуъ, сажда қилади, салом беради, илло ҳеч нарса ўқимайди, ўзини намоз ўқиганга ўхшатади, холос. Кейин қазосини ўқийди», деганлар. Фатво соҳибайённинг қавларига бўлган.

Ҳадиснинг иккинчи бўлагида: «Хиёнати йўл билан топилган молдан садақа қабул қилинмайди», дейилди. Бу ўринда мурод оммдир, умумийдир, яъни, ҳаром мол ҳам ғулул ҳукмидадир. Ҳадисда келганки: **«Аллоҳ таоло покдур, пок молнигина қабул қилади».** Бу ўринда қабул ризо бўлиш, хушнуд бўлиш маъносидадир. Аммо фиқҳ китобларида масала борки, агар бирор кишининг қўлида ҳаром мол бўлса, ундан ўзини олиб қочиш, ундан кечиш, яъни, ўзидан уни дафъ қилиш зарурдир, дейдилар. Ундан ўзини қутқаришнинг сурати шуки, савобни ният қилмасдан у молни ғарибга (муҳтожга) бериб юборади. Бунинг далили эса Осим ибн Кулайбдан ривоят қилинган ҳадисдир. Яъни, ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам **«эгасидан ижозат сўрамасдан олинган эчкининг гўштидан тайёрланган овқатни асирларга едир»**ишни буюрганлар. Бу ҳадисдан

собит бўладики, ҳаром молни зоеъ қилинмас экан, балки ғарибларга берилар экан. Ва иллат олгувчининг ғариб, яъни муҳтож эканидир, дини эмасдир, деганлар. Хоҳ мусулмон бўлсин, хоҳ мусулмон бўлмасин, ҳар қандай ғарибга бериш дурустдир. Лекин савобни ният қилмасдан берилади. Чунки, ҳаром молни Аллоҳ таоло қабул қилмайди, яъни, унга савоб иноят этмайди.

Яна бир фонда. Ибн Қайюм (раҳматуллоҳи алайҳ) ёзадиларки: «Ҳаром молни садақа қилганига-ку савоб тегмайди, магар банда амрга бўйсунгани, яъни шаъриат ҳукмига мувофиқ бу молни ўз мулкидан чиқариб юборгани (ўзини ундан қутқаргани) ва ғарибга бергани учун савоб олади». Яъни, ҳаром мол учун эмас, балки шариат ҳукмига бўйсуниб, у молни зоеъ қилмагани учун савоб олади. Бундан яна бир масалани тушуниб олиш мумкин: банкдан тегадиган фойдаларни олиш ва ғарибларга (муҳтожларга) бериш вожибдир». Ҳаром молдан берилган садақалардан савобни ният қилинмайди» *(«Туҳфатул-алмаъий»)*.

2-БОБ. ТАҲОРАТНИНГ ФАЗИЛАТИ

٢ – حَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ مُوسَى الأَنْصَارِيُّ، حَدَّثَنَا مَعْنُ بْنُ عِيسَى [الْقَزَّازُ]، حَدَّثَنَا مَالِكُ ابْنُ أَنَسٍ ح وحَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، عَنْ مَالِكٍ، عَنْ سُهَيْلِ بْنِ أَبِي صَالِحٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ: قَالَ رسول اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا تَوَضَّأَ الْعَبْدُ الْمُسْلِمُ، أَو الْمُؤْمِنُ، فَغَسَلَ وَجْهَهُ خَرَجَتْ مِنْ وَجْهِهِ كُلُّ خَطِيئَةٍ نَظَرَ إِلَيْهَا بِعَيْنَيْهِ مَعَ الْمَاءِ، أَو مَعَ آخِرِ قَطْرِ الْمَاءِ – أَو نَحْوَ هَذَا – وَإِذَا غَسَلَ يَدَيْهِ خَرَجَتْ مِنْ يَدَيْهِ كُلُّ خَطِيئَةٍ بَطَشَتْهَا يَدَاهُ مَعَ الْمَاءِ، أَو مَعَ آخِرِ قَطْرِ الْمَاءِ حَتَّى يَخْرُجَ نَقِيًّا مِنَ الذُّنوبِ».

2. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар:* **«Мусулмон – ёки мўъмин – банда таҳорат олаётиб, юзини ювганида кўзлари билан қараб қилган ҳар бир гуноҳи таҳорат суви билан ёки сувнинг охирги томчиси билан – ёки шунга ўхшаш таъбир қўлладилар – юзидан ювилиб тушади; қўлларини ювaётганида қўллари билан содир қилган ҳар бир гуноҳи сув ёки сувнинг сўнгги қатраси билан қўлларидан тўкилади ва, ниҳоят, банда гуноҳлардан покланиб чиқади».**

Абу Ийсо (ат-Термизий) деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Бу ҳадисни Молик Суҳайлдан, отасидан, Абу Ҳурайрадан ривоят қилган.

Абу Солиҳ Суҳайлнинг отасидир, Абу Солиҳ ас-Саммон деб танилган бу зотнинг исми Заквон. Абу Ҳурайранинг исми масаласида эса ихтилоф қилинди. Баъзилар: «Абдушамс» деб айтишди.

Баъзилар: «Абдуллоҳ ибн Амр», деб айтади. Хуллас, Муҳаммад ибн Исмоъийл (ал-Бухорий): «Энг тўғриси шу!» дейди. (Яъни, Абдуллоҳ ибн Амр эканига ишорат қиладилар.)

Бу бобда Усмон ибн Аффон, Савбон, Ас-Сунобиҳий, Амр ибн Абаса, Салмон ва Абдуллоҳ ибн Амрдан ҳам (розийаллоҳу анҳум) ҳадис ривоят қилинган.

Ас-Сунобиҳий Абу Бакр Сиддиқдан ривоят қилган, аммо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитган эмас. Асли исми Абдурраҳмон ибн Усайла, куняси Абу Абдуллоҳ бўлган Ас-Сунобиҳий Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўриш учун йўлга чиққан эди, у ҳали йўлда эканида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этдилар. У киши Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бир қанча ҳадислар ривоят қилган.

Пайғамбар алайҳиссалломнинг саҳобаларидан бўлган Ас-Сунобиҳ ибн ал-Аъсар ал-Аҳмасий ҳам Ас-Сунобиҳий деб юритилади. Унинг ҳадиси эса мана бундай: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитдим, айтадиларки: **«Мен бошқа умматларга нисбатан сизларнинг кўплигингиз билан фахрланаман. Бинобарин, мендан кейин бир-бирларингизга қарши уруш қилиб кетмангизлар!»**[3]

ИЗОҲ. Суютий ибн Абдилбаррдан нақл этиб, бундай дейди: «Сунобиҳийнинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадислари борасида Ибн Моиндан сўралди, у бундай жавоб қилди: **«Бу ҳадислар мурсалдир»**. Сунобиҳий саҳоба эмас, аммо тобеъийнларнинг энг олдингиларидандир».

3-БОБ. НАМОЗНИНГ КАЛИТИ ТАҲОРАТДИР

٣- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ وَهَنَّادٌ وَمَحْمُودُ بْنُ غَيْلَانَ، قَالُوا: حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنْ سُفْيَانَ ح وحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ [بْنُ مَهْدِيٍّ]، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مُحَمَّدِ ابْنِ عَقِيلٍ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ الْحَنَفِيَّةِ، عَنْ عَلِيٍّ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مِفْتَاحُ الصَّلَاةِ الطُّهُورُ، وَتَحْرِيمُهَا التَّكْبِيرُ، وَتَحْلِيلُهَا التَّسْلِيمُ».

3. *Ҳазрати Али (карромаллоҳу важҳаҳу)дан ривоят қилинди; Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:* **«Намознинг калити – таҳорат, таҳрими – такбир, таҳлили эса саломдир»**.

Абу Ийсо (ат-Термизий) деди(лар): Бу ҳадис ушбу бобда ворид бўлган ҳадисларнинг энг саҳиҳи ва энг ҳасанидир.

[3] Бу ҳадисни Имом Аҳмад «Муснад» китобида 4/351 рақам билан ва Ибн Можа «Сунан» китобида 2/240-241 рақам билан ривоят қилганлар.

Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Ақийл тўғрилиги билан танилган киши бўлса-да, айрим муҳаддислар унинг хотирасини танқид қилганлар. Муҳаммад ибн Исмоъийл (ал-Бухорий)дан эшитдим, айтдики: «Аҳмад ибн Ҳанбал, Исҳоқ ибн Иброҳим ва Ал-Ҳумайдий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Ақийлнинг ҳадисини ҳужжат сифатида қабул қилар эдилар». Муҳаммад ҳадис бобида унинг ўрта мартабада эканини қайд этади.

Бу бобда Жобир ва Абу Саъиддан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

٤- [حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرٍ مُحَمَّدُ بْنُ زَنْجَوَيْهِ الْبَغْدَادِيُّ وَغَيْرُ وَاحِدٍ، قَالَ: حَدَّثَنَا الْحُسَيْنُ بْنُ مُحَمَّدٍ، حَدَّثَنَا سُلَيْمَانُ بْنُ قَرْمٍ، عَنْ أَبِي يَحْيَى الْقَتَّاتِ، عَنْ مُجَاهِدٍ، عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ رسول اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مِفْتَاحُ الْجَنَّةِ الصَّلَاةُ، وَمِفْتَاحُ الصَّلَاةِ الْوُضُوءُ».

4. *Жобир ибн Абдуллоҳ (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; у деди:* Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Жаннатнинг калити – намоз, намознинг калити таҳоратдир».**

ИЗОҲ. Яъни, намоз уйининг калити – таҳорат, эшиги таҳорат билан очилади, ифтитоҳ такбири (такбири таҳрима) билан ичкарига кирилади ва салом бериш билан намоздан чиқилади.

4-БОБ. ҲОЖАТХОНАГА КИРИШДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

٥- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ وَهَنَّادٌ، قَالَا: حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنْ شُعْبَةَ، عَنْ عَبْدِ الْعَزِيزِ بْنِ صُهَيْبٍ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ، قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا دَخَلَ الْخَلَاءَ قَالَ: «اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ» قَالَ شُعْبَةُ: وَقَدْ قَالَ مَرَّةً أُخْرَى: «أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْخُبْثِ وَالْخَبِيثِ، أَوِ الْخُبُثِ وَالْخَبَائِثِ».

5. *Ҳазрати Молик (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳожатхонага кираётиб: «Аллоҳума инний аъувзубика»** («Аллоҳим, Ўзингдан паноҳ тилайман»), **дер эдилар. Шуъба айтади: «Бир гал эса: «Аъузубика минал-хубси вал-хобийси»** («Ифлос ва тубан нарсалардан (асрамоғингни сўраб) Сендан паноҳ тилайман») **ёки: «Ал-хубуси вал-хобоиси»** («Эркак ва урғочи шайтонлардан асрамоғингни сўраб, Ўзингдан паноҳ тилайман») **дедилар».**

Бу бобда Ҳазрати Али, Зайд ибн Арқам, Жобир ва Ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Анаснинг ҳадиси бу бобда ривоят қилинган ҳадисларнинг энг саҳиҳи ва энг ҳасанидир.

Зайд ибн Арқам ҳадисининг иснодида изтироб бор. Ҳишом ад-Дастувоий ва Саъд ибн Абу Аруба Қатодадан ривоят қилишди. Саъид: «Ал-Қосим ибн Авф аш-Шайбонийдан, Зайд ибн Арқамдан» деган бўлса, Ҳишом ад-Дастувоий: «Қатодадан, Зайд ибн Арқамдан» деди. Шуъба ва Маъмар ҳам бу ҳадисни Қатодадан, Ан-Назр ибн Анасдан ривоят қилдилар. Шуъба: «Зайд ибн Арқамдан» деган бўлса, Маъмар эса: «Ан-Назр ибн Анасдан, отасидан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан» деди. Бунинг сабабини Муҳаммад (ал-Бухорий)дан сўрадим. У: «Қатода ҳар икковидан ҳам ривоят қилган бўлиши эҳтимол», деб жавоб берди.

ИЗОҲ. Ал-Хаттобий «Маъолимус-сунан» китобида «Ал хубуси вал хобоиси» иборасини бундай шарҳлайди: «Аслида, араб тилида «хубс» сўзи «ифлос, ёмон ва мурдор нарса», дегани. Бу сифат агар сўз борасида қўлланса, сўкиш ва ҳақоратдир, Қавмлар, миллатлар ҳақида қўлланса, «кофир» маъносида келади, агар овқат ҳақида бўлса, «ҳаром» маъносида, агар ичкилик хақида қўлланса, «зарарли» маъносида келади...

٦- أخبرنا أَحْمَدُ بْنُ عَبْدَةَ الضَّبِّيُّ الْبَصْرِيُّ، حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ، عَنْ عَبْدِ الْعَزِيزِ بْنِ صُهَيْبٍ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا دَخَلَ الْخَلَاءَ، قَالَ: «اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْخُبُثِ وَالْخَبَائِثِ».

6. *Ҳазрати Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳожатхонага кираётганларида: «Аллоҳумма, инний аъузубика минал-хубси вал-хабоиси» – «Аллоҳим, ёмон нарса ва ёмон ишлардан** (асрамоғингни сўраб) **Ўзингдан паноҳ тилайман!» дер эдилар.**[4]

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

5-БОБ. ҲОЖАТХОНАДАН ЧИҚҚАНДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

٧ - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ إِسْمَعِيلَ، حَدَّثَنَا مَالِكُ بْنُ إِسْمَعِيلَ، عَنْ إِسْرَائِيلَ [بْنِ يُونُسَ]، عَنْ يُوسُفَ بْنِ أَبِي بُرْدَةَ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهَا، قَالَتْ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا خَرَجَ مِنَ الْخَلَاءِ قَالَ: «غُفْرَانَكَ».

[4] Бу ҳадисни Аҳмад ибн Ҳанбал, Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можа ҳам ривоят қилганлар.

7. *Ҳазрати Оиша онамиз (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳожатхонадан чиққанларида: «Ғуфронака»** («Ўзингдан мағфират тилайман») **дер эдилар».**[5]

Абу Ййсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

Бу ҳадисни фақатгина Исроил, Юсуф ибн Абу Бурдадан ривоят қилгани бизга маълум. Абу Бурда ибн Абу Мусонинг номи Омир ибн Абдуллоҳ ибн Қайс ал-Ашъарийдир.

Бу бобда Оиша онамиз розийаллоҳу анҳо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган шу ҳадисдан бошқа ҳадисни билмаймиз.

6-БОБ. КАТТА ЁКИ КИЧИК ҚАЗОИ ҲОЖАТ ҚИЛГАНДА ҚИБЛАГА ҚАРАБ ЎТИРИШДАН ҚАЙТАРУВ

٨- حَدَّثَنَا سَعِيدُ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الْمَخْزُومِيُّ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ عَطَاءِ بْنِ يَزِيدَ اللَّيْثِيِّ، عَنْ أَبِي أَيُّوبَ الأَنْصَارِيِّ قَالَ: قَالَ رسول اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا أَتَيْتُمُ الْغَائِطَ فَلاَ تَسْتَقْبِلُوا الْقِبْلَةَ بِغَائِطٍ، وَلاَ بَوْلٍ، وَلاَ تَسْتَدْبِرُوهَا، وَلَكِنْ شَرِّقُوا، أَوْ غَرِّبُوا». فَقَالَ أَبُو أَيُّوبَ: فَقَدِمْنَا الشَّامَ فَوَجَدْنَا مَرَاحِيضَ قَدْ بُنِيَتْ مُسْتَقْبَلَ الْقِبْلَةِ فَنَنْحَرِفُ عَنْهَا وَنَسْتَغْفِرُ اللَّهَ.

8. *Абу Аййуб ал-Ансорий (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;* Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Ҳожатга борганингизда хоҳ катта, хоҳ кичик қазои ҳожат қилсангизлар, қиблага қараб ўтирмангизлар, қиблага орқа ҳам ўгирмангизлар. Лекин кунчиқарга ёки кунботарга қараб ёки орқа қилиб ўтиринглар!»**

Абу Аййуб айтадики: «Шом (шаҳри)га келганимизда, (айрим) ҳожатхоналарнинг қиблага қаратиб қурилганини кўрдик. Бу ҳожатхоналарга кирганимизда (имкон қадар) қибладан бурилиб ўтирар эдик ва чиққач, Аллоҳга истиғфор айтар эдик».

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Ҳорис ибн Жазъ аз-Зубайдий, Маъқил ибн Абул Ҳайсам – уни Маъқил ибн Абу Маъқил ҳам дейдилар – Абу Ҳурайра ва Саҳл ибн Ҳунайфдан ҳадис ривоят қилинган.

(Абу Ййсо айтдилар:) Абу Аййубнинг ҳадиси бу бобда ривоят қилинган ҳадисларнинг энг ҳасани ва энг саҳиҳидир.

[5] Бу ҳадисни Аҳмади ибн Ҳанбал, Абу Довуд, Ибн Можа ва Абу Дарамий ҳам ривоят қилганлар. Шунингдек, бу ҳадис Ибн Ҳаббон, ибн Ҳузайма, Ибнул-Жоруд ва Ал-Ҳоким томонидан тахриж қилинган. Абу Ҳатим, саҳиҳ деб қайд этади. Ан-Нававий «Шарҳул-муҳаззаб» китобида: «Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ», дейди. Ғариб эканига сабаб эса, Юсуф ибн Абу-Бурдадан буни фақат Исроил ривоят қилган. Лекин Исроил сиқа (ишонарли) киши ва ҳужжатдир (Аҳмад Муҳаммад Шокир).

Абу Аййубнинг исми – Холид ибн Зайд. Аз-Зуҳрийнинг исми – Муҳаммад ибн Муслим ибн Убайдуллоҳ ибн Шиҳоб аз-Зуҳрий, куняси эса – Абу Бакр.

Абул Валид ал-Маккий айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: **«Хоҳ катта, хоҳ кичик қазои ҳожат қилсангизлар, қиблага қараб ўтирмангизлар, қиблага орқа ҳам ўгирмангизлар»** деган ҳадисларнинг маъноси ҳақида Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрийс аш-Шофиъий бундай дейди: «Бу фақат қирларда ва очиқ ерлардадир. Ёпиқ жойларда эса қиблага қараб ўтиришга рухсат бор». Исҳоқ ибн Иброҳим ҳам шундай деган.

Аҳмад ибн Ҳанбал бундай дейди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рухсатлари киши катта ёки кичик қазои ҳожат пайтида орқасини қиблага қилиб ўтириши мумкинлигига оиддир. Қиблага қараб ўтириш масаласига келсак, бундай қилмаслик керак (бунга рухсат йўқ)».

(Аҳмад ибн Ҳанбал), на очиқ ерларда, на пана жойларда қиблага қараб ўтирмаслик керак, деган фикрда экани англашилади.

ИЗОҲ. Бу ҳадисдаги ҳукм Мадина аҳолиси учун ҳамда қибласи кунчиқар ёки кунботар томонда бўлмаган юртлар учундир. Мурод қиблага қараб қазои ҳожат қилмасликдир.

7-БОБ. ҚИБЛАГА ҚАРАБ ЎТИРИШГА РУХСАТ БОРЛИГИ

٩ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ وَمُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى، قَالاَ: حَدَّثَنَا وَهْبُ بْنُ جَرِيرٍ، حَدَّثَنَا أَبِي، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِسْحَقَ، عَنْ أَبَانَ بْنِ صَالِحٍ، عَنْ مُجَاهِدٍ، عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ، قَالَ: نَهَى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ نَسْتَقْبِلَ الْقِبْلَةَ بِبَوْلٍ، فَرَأَيْتُهُ قَبْلَ أَنْ يُقْبَضَ بِعَامٍ يَسْتَقْبِلُهَا.

9. *Жобир ибн Абдуллоҳ (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Набий алайҳиссалом бизларни кичик қазои ҳожат қилганда қиблага қараб ўтиришдан қайтарган эдилар. Вафотларидан бир йил олдин ўзларининг қиблага қараб ўтирганларига кўзим тушди»**[6].

Бу бобда Абу Қатода, Оиша онамиз, Аммор ибн Ёсир (розийаллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Жобирнинг бу бобдаги ҳадиси ҳасан-ғариб.

ИЗОҲ. Қазои ҳожат қилганда қиблага қараб ўтириш мумкинлиги ҳақидаги ҳадис ҳадисдир, **аммо суннат эмасдир.** Бу ўта узрли заруриятга

[6] Бу ҳадисни Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Имом Абу Довуд, Имом Ибн Можа, Имом Баззор, Имом Ибн Жоруд, Имом Ибн Ҳузайма, Имом Ибн Ҳаббон, Имом Ал-Ҳоким ва Имом Ад-Доруқутний ҳам тахриж қилганлар.

асосланади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматни бундан қайтарганлар (8-ҳадис). Бу ҳадисни Ал-Баззор «ҳасан» деб, Ибнус Сақан эса «саҳиҳ» деб қайд этганлар. Очиқ ва ёпиқ жойларда қиблага қараб ўтириш ёки орқа қилиш жоиз эканини айтган олимлар шу ҳадис билан сўзларини далиллайдилар. Ҳофиз ибн Ҳажар эса «Ат-Талхис» асарида бундай дейди: «Бу ҳадис билан буни исбот қилиш изоҳталаб масаладир. Чунки, бу ҳаммага тегишли бўлмаган бир феълни нақл этади. Балки бу феъл бирор узрга ёки мақбул бир сабабга асослангандир». Қози Аш-Шавқоний «Ан-Найл» асарида айтади: «Усул илмида (Усули динда) собит ва муқаррар бўлганки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг феъли бизга тегишли бўлган сўзларига зид эмас, яъни **Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларни, кичик ёки катта қазои ҳожат қилганда қиблага қараб ўтиришдан ёки орқа қилиб ўтиришдан қайтарганлар. Бу қайтарув барчамиз учун жорий бўлган»**.

١٠ وَقَدْ رَوَى هَذَا الْحَدِيثَ ابْنُ لَهِيعَةَ، عَنْ أَبِي الزُّبَيْرِ، عَنْ جَابِرٍ، عَنْ أَبِي قَتَادَةَ: أَنَّهُ رَأَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَبُولُ مُسْتَقْبِلَ الْقِبْلَةِ، حَدَّثَنَا بِذَلِكَ قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا ابْنُ لَهِيعَةَ.

10. *Ушбу ҳадисни Ибнул-Лаҳийъа Абу Зубайрдан, Жобирдан, Абу Қатодадан ривоят қилиб:* **«У** (Абу Қатода) **Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қиблага қараб пешоб қилаётганларини кўрди»,** дейди. Қутайба бу ҳадисни бизга нақл этиб: «Бизга буни Ибнул-Лаҳийъа хабар қилди», деди.

Жобирнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадиси Ибн-Лаҳийъа айтган ҳадисдан кўра саҳиҳроқ.

Ибн-Лаҳийъа муҳаддислар наздида заифдир. Яҳё ибн Саъид ал-Қаттон ва яна бошқалар унинг хотира жиҳатидан заиф эканини қайд этганлар.

١١ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا عَبْدَةُ [بْنُ سُلَيْمَانَ]، عَنْ عُبَيْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ يَحْيَى بْنِ حَبَّانَ، عَنْ عَمِّهِ وَاسِعِ بْنِ حَبَّانَ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ قَالَ: رَقِيتُ يَوْمًا عَلَى بَيْتِ حَفْصَةَ فَرَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى حَاجَتِهِ مُسْتَقْبِلَ الشَّامِ مُسْتَدْبِرَ الْكَعْبَةِ.

11. (Абдуллоҳ) Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди: **«Бир куни Ҳафса** (опам)**нинг уйи томига бир юмуш билан чиққан эдим, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам юзлари Шом** (шаҳри)**га ва орқалари Каъбага қараган ҳолда қазои ҳожат қилаётганларига кўзим тушди»**[7]

(Абу Ийсо айтдилар:) Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

[7] Бу ҳадисни Имом Аҳмад (ибн Ҳанбал), Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Имом Насоий ва Имом Ибн Можа ва бошқа муҳаддислар ҳам тахриж қилганлар – ҳаммалари Абдуллоҳ ибн Умардан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қиладилар. Абдуллоҳ Ҳафса онамизнинг укасидир. (Бу ҳадис шарҳи учун олдинги изоҳга қаранг.)

8-БОБ. ТИК ТУРИБ ПЕШОБ ҚИЛИШДАН ҚАЙТАРУВ

١٢- حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، أخبرنا شَرِيكٌ، عَنِ الْمِقْدَامِ بْنِ شُرَيْحٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: مَنْ حَدَّثَكُمْ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَبُولُ قَائِمًا فَلَا تُصَدِّقُوهُ، مَا كَانَ يَبُولُ إِلَّا قَاعِدًا.

12. *Ҳазрати Оиша (онамиз розийаллоҳу анҳо) айтдилар:* **«Кимки сизларга, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам тикка туриб пешоб қилдилар, деб ҳадис айтса, асло уни тасдиқ қилмангизлар. У киши фақат ўтириб бавл қилар эдилар»**[8]

Бу бобда Ҳазрати Умар, Бурайда ва Абдурраҳмон ибн Ҳасана (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ййсо деди(лар:) Оишанинг ҳадиси бу бобда ривоят қилинган ҳадисларнинг энг ҳасани ва энг саҳиҳидир.

Ҳазрати Умарнинг ҳадиси эса фақатгина Абдулкарим ибн Абул-Мухориқнинг Нофиъдан, Ибн Умардан, Умардан (розийаллоҳу анҳум) қилган ривояти тариқасида келган.

Ҳадис ушбудир: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менинг тик туриб пешоб қилаётганимни кўрдилар ва: «Ё Умар! Тик туриб бавл қилма!» дедилар. Шундан сўнг бирор марта ҳам тикка туриб пешоб қилмадим».**

(Абу Ййсо айтдилар:) Бу ҳадисни фақат Абдулкарим ибн Абул-Мухориқ кўтарган (сўзлаган) бўлиб, у муҳаддислар наздида заифдир. Айюб ас-Сахтиёний унинг заиф эканини қайд этиб, танқид қилган.

Убайдуллоҳ, Нофиъдан, Ибн Умардан ривоят қилган, у айтадики: **«Умар** (розийаллоҳу анҳу)**: «Мусулмон бўлганимдан бери тик туриб пешоб қилмадим» дедилар».**

Бу ҳадис Абдулкаримнинг ҳадисидан кўра саҳиҳроқ. Бурайданинг бу бобдаги ҳадиси эса маҳфуз эмас (рожиҳ эмас).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тик туриб пешоб қилишни манъ этганлари таъдиб (адаб) учундир, таҳрим (манъ қилиш) учун эмас. Чунончи, Абдуллоҳ ибн Масъуддан мана бундай деганлари ривоят қилинган: **«Одобга зид бўлган ҳаракатлардан бири тик туриб пешоб қилишдир».**

ИЗОҲ. Имом Термизий: «Оишанинг ҳадиси бу бобда ривоят қилинган ҳадисларнинг энг ҳасани ва саҳиҳи» деганда, бу ҳадиснинг энг оз заиф

[8] Бу ҳадисни Аҳмад (ибн Ҳанбал), Насоий ва Ибн Можа ҳам ривоят қилганлар. Бу ҳадис Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тик туриб пешоб қилмаганларига далилдир. Одати санниййалари ўтириб бавл қилмоқлик эди.

эканини ва ушбу бобдаги бошқа ҳадислардан устун эканини билдиришни қасд этганлар (Муборакфурий).

Ҳазрати Умар розийаллоҳу анҳунинг: **«Мусулмон бўлганимдан бери тик туриб пешоб қилмадим»** деган ҳадисини Ал-Ҳайсамий «Мажмаъу-з-завоид» китобида (1:206) нақл этган ва уни Ал-Баззорга нисбат берган. Ровийларнинг ишончли кишилар экани алоҳида таъкидланган.

9-БОБ. ТИК ТУРИБ ПЕШОБ ҚИЛИШ РУХСАТИ

١٣ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنِ الأَعْمَشِ، عَنْ أَبِي وَائِلٍ، عَنْ حُذَيْفَةَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَتَى سُبَاطَةَ قَوْمٍ فَبَالَ عَلَيْهَا قَائِمًا، فَأَتَيْتُهُ بِوَضُوءٍ، فَذَهَبْتُ لأَتَأَخَّرَ عَنْهُ، فَدَعَانِي حَتَّى كُنْتُ عِنْدَ عَقِبَيْهِ، فَتَوَضَّأَ وَمَسَحَ عَلَى خُفَّيْهِ.

13. *Ҳузайфа (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир қавмнинг супуриндилар ташланадиган жойига келиб қолдилар-да, тик туриб пешоб қилдилар. У кишига таҳорат суви келтирдим. Четланиш учун орқамга қайтиб кетаётган эдим, мени** (ёнларига) **чақирдилар.** (У кишига) **шу қадар яқинлашдимки, худди товонларининг ёнида эдим. Таҳорат қилдилар ва маҳсилари устига масҳ тортдилар»**.

Абу Ийсо деди(лар): Ал-Жоруднинг шундай деганини эшитдим: «Вакиъ бу ҳадисни Ал-Аъмашдан ривоят қилганини ва кейин бундай деганини эшитдим: **«Бу ҳадис Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан масҳ тортиш борасида нақл қилинган энг саҳиҳ ҳадисдир».**

Абу Аммор Ҳусайн ибн Ҳурайсдан ҳам эшитдим: «У ҳам «Вакиъдан эшитдим», деди ва худди шу ҳадисни зикр қилди».

Мансур ҳамда Абу Убайда аз-Зоббий бу ҳадисни Абу Воил орқали Ҳузайфадан, худди Ал-Аъмашнинг ривоятидек ривоят қилишди. Ҳаммод ибн Абу Сулаймон ҳамда Осим ибн Баҳдала эса бу ҳадисни Абу Воилдан, Муғийра ибн Шуъбадан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилдилар. Абу Воилнинг Ҳузайфадан қилган ривояти янада саҳиҳроқ.

Илм аҳлидан айримлари тик туриб пешоб қилишга рухсат берганлар.

Иброҳим Нахаий (ҳадисни) Убайда ибн Амр ас-Салмонийдан ривоят қилганки, бу киши тобеъиннинг энг олдингиларидандир. Убайдадан бундай деб нақл этгани ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафотларидан икки йил олдин мусулмон бўлдим».

Иброҳимнинг биродари бўлган Убайда аз-Зоббийнинг исми Убайда ибн Муаттиб аз-Заббий, куняси эса Абу Абдулкаримдир.

ШАРҲ. Бу ҳадисни айни пайтда Имом Аҳмад (ибн Ҳанбал), Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Имом Ан-Насоий ва Имом Ибн Можа ривоят қилганлар. Шунга кўра, ўтиришга ҳеч имкон топилмаган ўта узрли ва мажбурий ҳолда тик туриб пешоб қилиш жоиз, дейилади. (12-ҳадис ва унинг изоҳларига қаранг.)

Шайхул-Ҳадис Саъийд Аҳмад Болоншурий айтадилар: «Тикка туриб пешоб қилиш ҳусндан эмас, яъни гўзал иш эмас. Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаётларида бир қавмнинг ахлатхонасида тикка туриб пешоб қилганлари ҳақида ҳадис ҳадисдир, **аммо бу суннат ҳам эмас, диний йўл ҳам эмасдир.** Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳамиша ўтириб пешоб қилар эдилар, ана шу суннатдир. Бу зарурий ҳол масалани англатиш учун эди, холос. Гоҳо инсонга шундай мажбурлик дуч келадики, ўтира олмайди. Масалан, ахлатхона ифлос жой бўлганидан ёки бир беморлик сабабидан ўтира олмайди, шундай мажбурликда тик туриб пешоб қилиш жоиз бўлади. Йўқса, тик туриб пешоб қилиш суннатга хилофдир. Бу биздан бошқаларнинг йўлидир. Ундай бўлса, суннат нима? Суннат – ҳазрати Оиша онамиз розийаллоҳу анҳо баён қилган ҳадисдаги ҳукмдир (12-ҳадис).

Бундан суннат билан ҳадиснинг фарқи маълум бўлади. Демак, ҳар бир ҳадис ҳам суннат бўла олмас экан. «Мен аҳли ҳадисман» деб, ҳадиснинг сабаби, шарҳи ва ҳикматига диққат қилмасдан, одамларни гумроҳликка солиб қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ» *(Туҳфатул-алмаъий)*.

10-БОБ. ҚАЗОИ ҲОЖАТ ВАҚТИДА АВРАТНИ ТЎСИШ

١٤ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ السَّلَامِ بْنُ حَرْبٍ [الْمُلَائِيُّ]، عَنِ الْأَعْمَشِ، عَنْ أَنَسٍ، قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا أَرَادَ الْحَاجَةَ لَمْ يَرْفَعْ ثَوْبَهُ حَتَّى يَدْنُوَ مِنَ الْأَرْضِ.

14. *Ҳазрати Анас (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қазои ҳожат қилмоқчи бўлганларида ерга чўккаламасдан олдин этакларини юқори кўтармас эдилар».**

(Абу Ийсо дедилар:) Бу ҳадисни Муҳаммад ибн Рабиъа – Ал-Аъмашдан, Анасдан шу тарзда ривоят қилган.

Вакиъ билан Абу Яҳё ал-Ҳиммоний бу ҳадисни Ал-Аъмашдан, Ибн Умардан ривоят қиладилар: «Ибн Умар дедики: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қазои ҳожат қилмоқчи бўлганларида ерга чўккаламасдан этакларини юқори кўтармас эдилар».**

Ҳар иккала ҳадис ҳам мурсалдир. Ал-Аъмаш на Анасдан, на Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бошқа саҳобаларидан эшитган, ҳеч биридан эшитмагани айтилди. Ҳолбуки, Анас ибн Моликни (Ал-Аъмаш) кўрган. «Уни намоз ўқиётганида кўрдим», дейди ва намоз борасида ундан бир воқеани нақл этади.

Ал-Аъмашнинг исми – Абу Муҳаммад Сулаймон ибн Миҳрон ал-Коҳилий. Ўзи Ал-Коҳилийларнинг мавлоси (яъни, озод этилган қулидир).[9] Отаси ҳақида бундай дейди: «Отам бир асранди (қарамоқдаги) киши эди. Масруқ уни ўзига меросхўр қилди».

11-БОБ. ЎНГ ҚЎЛ БИЛАН ИСТИНЖО ҚИЛИШ (ПОКЛАНИШ) МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

١٥ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ أَبِي عُمَرَ الْمَكِّيُّ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ، عَنْ مَعْمَرٍ، عَنْ يَحْيَى بْنِ أَبِي كَثِيرٍ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي قَتَادَةَ، عَنْ أَبِيهِ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى أَنْ يَمَسَّ الرَّجُلُ ذَكَرَهُ بِيَمِينِهِ.

15. *Абу Қатодадан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам кишининг ўнг қўл билан закарни ушламоғини манъ этдилар»**.

Бу бобда Оиша, Салмон, Абу Ҳурайра ва Саҳл ибн Ҳунайф (розийаллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ. Абу Қатода ал-Ансорийнинг исми – Ал-Ҳорис ибн Робиъ.

Барча илм аҳли наздида амал шу ҳадис асосидадир. Ўнг қўл билан истинжо қилишни макруҳ деб топганлар.

ИЗОҲ. Бу ҳадисда закарни ўнг қўл билан ушлашни манъ этиш қатъиян ворид бўлган. Имом Бухорий билан Имом Муслимда эса бу пешоб қилиш ҳолати билан боғланган. Толқ ибн Али (розийаллоҳу анҳу) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан жинсий аъзоларга қўл теккизиш ҳукмини сўраганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«У сенинг бир парчангдир, холос»**, деганлар. У ҳолда бу ҳадис закарга қўл теккизиш жоиз эканлигига далолат қилади. Лекин Абу Қатодадан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисда эса пешоб қилиш ҳолати кўзда тутилганки, унда бу макруҳдир.

12-БОБ. ТОШ БИЛАН ИСТИНЖО ҚИЛИШ

١٦ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ، عَنِ الأَعْمَشِ، عَنْ إِبْرَاهِيمَ، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ يَزِيدَ، قَالَ: قِيلَ لِسَلْمَانَ: قَدْ عَلَّمَكُمْ نَبِيُّكُمْ [صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ] كُلَّ شَيْءٍ حَتَّى الْخِرَاءَةَ، فَقَالَ سَلْمَانُ: أَجَلْ، نَهَانَا أَنْ نَسْتَقْبِلَ الْقِبْلَةَ بِغَائِطٍ، أَوْ بَوْلٍ، وَأَنْ نَسْتَنْجِيَ بِالْيَمِينِ، أَوْ [أَنْ] يَسْتَنْجِيَ أَحَدُنَا بِأَقَلَّ مِنْ ثَلَاثَةِ أَحْجَارٍ، أَوْ أَنْ نَسْتَنْجِيَ بِرَجِيعٍ، أَوْ بِعَظْمٍ.

[9] Шайх Муборакфурий «мавло» сўзи кўпинча қул маъносида келишини айтган.

16. *Абдурраҳмон ибн Язиддан ривоят қилинди, у киши деди:* **«Салмонга айтилдики: «Сизларнинг Пайғамбарингиз сизларга ҳамма нарсани, ҳатто, қазои ҳожат қилиш** (одоблари)**ни ҳам ўргатди-я!» Салмон деди: «Ҳа, шундай!** (Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам) **бизларни, катта ёки кичик қазои ҳожат қилганда қиблага қараб ўтиришдан, ўнг қўл билан истинжо қилишдан, учтадан оз тош билан покланишдан, тезак ёки суяк билан артинишдан қайтардилар!».**

Бу бобда Оиша, Хузайма ибн Собит, Жобир, Халлод ибн Соиб ва унинг отаси (розийаллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Салмоннинг бу бобдаги ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Ва бу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан бўлмиш илм аҳлининг ва саҳобаларидан кейинги уламолардан аксариятининг сўзидир: Вақтики, пешоб ва ахлат асарини (юқини) буткул кетказадиган бўлса, гарчи сув билан истинжо қилмаса ҳам, тош билан истинжо қилишни жоиз санадилар. Саврий, Ибн Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

13-БОБ. ИККИТА ТОШ БИЛАН ИСТИНЖО ҚИЛИШ

١٧ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ وَقُتَيْبَةُ، قَالاَ: حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنْ إِسْرَائِيلَ، عَنْ أَبِي إِسْحَقَ، عَنْ أَبِي عُبَيْدَةَ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ: خَرَجَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِحَاجَتِهِ، فَقَالَ: «ائْتِنِي بِثَلاَثَةِ أَحْجَارٍ» قَالَ: فَأَتَيْتُهُ، بِحَجَرَيْنِ وَرَوْثَةٍ فَأَخَذَ الْحَجَرَيْنِ وَأَلْقَى الرَّوْثَةَ، وَقَالَ: «إِنَّهَا رِكْسٌ».

17. *Абдуллоҳ (ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қазои ҳожат учун чиқдилар ва шунда: «Менга учта тош топгин», дедилар. У кишига иккита тош ва битта тезак келтирдим. Иккита тошни олиб, тезакни ташладилар ва: «Бу нажасдир», дедилар.**

Абу Ийсо деди(лар): Қайс ибн ар-Робиъ бу ҳадисни Абу Исҳоқдан, Абу Убайдадан, Абдуллоҳдан худди шундай тарзда, айнан Исроил ривоятидек ривоят қилган.

Маъмар ва Аммор ибн Рузайқ бу ҳадисни Абу Исҳоқдан, Алқамадан, Абдуллоҳдан ривоят қилишди. Зуҳайр эса Абу Исҳоқдан, Абдурраҳмон ибн ал-Асваддан, отаси Ал-Асвад ибн Язиддан, Абдуллоҳдан ривоят қилган. Закариё ибн Абу Зоида ҳам Абу Исҳоқдан, Абдурраҳмон ибн Язиддан, Ал-Асвад ибн Язиддан, Абдуллоҳдан ривоят қилди.

Бу ривоят тарзида изтироб[10] бор бўлган бир ҳадисдир. Амр ибн Мурра айтадики, Абу Убайда ибн Абдуллоҳдан: «Абдуллоҳдан бирон нарса эслайсанми?» деб сўрасам, «Йўқ» деди.

(Абу Ийсо дедилар): Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмондан сўрадим: «Бу ҳадисда Абу Исҳоқдан қилинган ривоятларнинг қайси бири саҳиҳроқ?» десам, ҳеч қандай ҳукм билдирмади. Буни Муҳаммад (ал-Бухорий)дан сўрадим, у ҳам бирор ҳукм билдирмади. У Зуҳайрнинг Абу Исҳоқдан, Абдурраҳмон ибн ал-Асваддан, отасидан, Абдуллоҳдан қилган ривоятни мувофиқроқ кўрганидан, «Ал-Жомиъ» китобига киритган.[11]

Менимча, бу ҳадисдаги энг саҳиҳ ривоят Исроил ва Қайснинг Абу Исҳоқдан, Абу Убайдадан, Абдуллоҳдан қилган ривоятидир. Чунки Исроил Абу Исҳоқнинг ҳадисини уларнинг ҳаммасидан кўра яхшироқ сақловчи ва ёд олувчидир. Қайс ибн Робиъ ҳам бу ривоят борасида унга эргашган.

Абу Мусо Муҳаммад ибн ал-Мусаннодан эшитдим: «Абдурраҳмон ибн Маҳдийдан бундай деганини эшитдим: «Суфён Саврийнинг Абу Исҳоқдан қилган ривоятидан нимаики бой берган бўлсам, уни Исроилдан олишимга ишонганим учун бой бердим. Чунки, у (бу ҳадисни) жуда мукаммал тарзда келтирар эди».

Зуҳайрнинг Абу Исҳоқдан қилган ривояти унча (қувватли) эмас. Чунки ундан эшитиши охирги кунларда содир бўлган.

Аҳмад ибн Ҳасан Термизийдан эшитдим, Аҳмад ибн Ҳанбалнинг бундай деганини эшитдим, деди: **«Бир ҳадисни Зоида ва Зуҳайрдан эшитсанг, худди шу ҳадисни бошқалардан эшитмаганингга қайғурма! Фақат Абу Исҳоқдан ривоят қилинган ҳадис бундан ташқаридир».**

Абу Исҳоқнинг исми – Амр ибн Абдуллоҳ ас-Сабийъий ал-Ҳамадоний.

Абдуллоҳ ибн Масъуднинг ўғли Абу Убайда отасидан ҳадис эшитмаган ва у куняси билан танилган бўлиб, исми номаълумдир.[12]

ШАРҲ. Таҳовий бу (17) ҳадисни учта тошнинг шарт эмаслигига далил қилиб келтиради ва: «Агар шарт бўлса эди, учинчисини ҳам топтирар эдилар», дейди. Лекин Таҳовийнинг бу сўзи изоҳга муҳтож. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг учинчи тошни ўзлари олган бўлишлари ёки истинжо қилганда бир тошнинг икки томонини ишлатган бўлишлари эҳтимол, шунда учта тош ишлатган бўладилар *(Муборакфурий).*

Шайх Болоннурий айтадилар: Бу ўринда Аҳмад ибн Ҳанбал: **«Бир ҳадисни Зоида ва Зуҳайрдан эшитсанг, худди шу ҳадисни бошқалардан эшитмаганингга қайғурма!»** дейиш билан «Зоида ва Зуҳайрнинг ҳамма

[10] Музтариб (ҳадис) таърифига қаралсин.

[11] «Саҳиҳи Бухорий», яъни, «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» асари назарда тутилган.

[12] Исми – Омир, лекин куняси билан таниқлидир (Муборакфурий).

ҳадисларига эътимод этавер, аммо икковларининг Абу Исҳоқдан қилган ривоятларига эса, то бошқа ровийдан эшитмагунингча, эътимод қилма», демоқчилар *(«Туҳфатул-Алмаъий»)*.

Илова. Матнда номи келган Термизий – Аҳмад ибн Ҳасан ибн Жунайдиб Термизий бўлиб, сиқа, яъни ишончли ҳадис ҳофизи бўлган *(Ибн Ҳажар Асқалоний, «Тақрибут-таҳзиб»)*. Имом ибн Ҳанбалнинг шогирди бўлиб, дунё кезган ҳадис ҳофизидир. Тақрибан ҳижрий 250-йилда вафот этган *(Ҳазражий, «Таҳзибул-камол»)*.

14-БОБ. ИСТИНЖОДА ФОЙДАЛАНИШ МАКРУҲ БЎЛГАН НАРСАЛАР

١٨- حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا حَفْصُ بْنُ غِيَاثٍ، عَنْ دَاوُدَ بْنِ أَبِي هِنْدٍ، عَنِ الشَّعْبِيِّ، عَنْ عَلْقَمَةَ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ قَالَ: قَالَ رسول اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لاَ تَسْتَنْجُوا بِالرَّوْثِ، وَلاَ بِالْعِظَامِ ؛ فَإِنَّهُ زَادُ إِخْوَانِكُمْ مِنَ الْجِنِّ».

18. *Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Тезак ва суяк билан истинжо қилмангизлар. Чунки булар жинлардан бўлган биродарларингизнинг озуқасидир»**.

Бу бобда Абу Ҳурайра, Салмон, Жобир ва Ибн Умар (розийаллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадисни Исмоъийл ибн Иброҳим ва бошқалар Довуд ибн Абу Ҳинддан, Аш-Шаъбийдан, Алқамадан, Абдуллоҳдан ривоят қилдилар: «Абдуллоҳ жин кечаси (воқеаси)да Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга эди. . .», деган ҳадис тўлиқ зикр этилади.

Аш-Шаъбий айтадики, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Тезак ва суяк билан истинжо қилмангизлар. Чунки у жинлардан бўлган биродарларингизнинг озуқасидир».**

Исмоъийлнинг ривояти Ҳафс ибн Ғиёснинг ривоятидан кўра саҳиҳроқ кўринади.[13]

Илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир. Бу бобда яна Жобир ва Ибн Умар (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

ИЗОҲ. Бу ҳадис тезак ва суяк билан истинжо қилиш жоиз эмаслигига далилдир. Чунки бу икки нарса жинларининг таъоми: суяк ўзларининг, ҳайвон тезаги эса ҳайвонларининг таъомидир. Ҳофиз Ибн Ҳажар: «Ҳайвон тезаги ҳайвонларининг таъоми эканлиги муқаррардир», дейди.

[13] Икки ривоят орасидаги фарқ шуки, Исмоъийлнинг ривояти – мақтуъ (санади узилган), Ҳафснинг ривоят эса, муснад (санади тўлиқ)дир (Муборакфурий).

15-БОБ. СУВ БИЛАН ИСТИНЖО ҚИЛИШ

١٩ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ وَمُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ الْمَلِكِ بْنِ أَبِي الشَّوَارِبِ [الْبَصْرِيُّ]، قَالاَ: حَدَّثَنَا أَبُو عَوَانَةَ، عَنْ قَتَادَةَ، عَنْ مُعَاذَةَ، عَنْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: مُرْنَ أَزْوَاجَكُنَّ أَنْ يَسْتَطِيبُوا بِالْمَاءِ فَإِنِّي أَسْتَحْيِيهِمْ؛ فَإِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَفْعَلُهُ.

19. *Ҳазрати Оиша (онамиз розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди:* **«Эрларингизга айтингизлар, сув билан поклансинлар – мен** (буни айтишга) **улардан ҳаё қиламан – чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай қилар эдилар».**[14]

Бу бобда Жарир ибн Абдуллоҳ ал-Бажалий, Анас ва Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир: сув билан истинжо қилишни ихтиёр қилганлар. Тош билан қилинган истинжони жоиз деб ҳисоблаш билан бирга, сув билан истинжо қилишни мустаҳаб деб биладилар ва афзал санайдилар.

Суфён Саврий, Ибн Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг ҳам қавли шудир.

ШАРҲ. Ал-Айний ушбу мавзуда бундай дейди: «Покланишда тошни ҳам, сувни ҳам ишлатиш афзалроқ. Бутун салаф ва халаф мазҳаблари ва фатво аҳли ана шу хусусда иттифоқ қилганлар: аввал тош билан тозаланиб, кейин сув билан покланади. Шунда қўлига тегадиган нажас озайган ва поклик, тозалик янада мустаҳкамроқ қилинган бўлади. Борди-ю, икковидан биттасини ишлатмоқчи бўлса, сув афзалроқ. Чунки, сув нажосатнинг ўзини ҳам, юқини ҳам кетказади. Тош эса нажосатнинг ўзини кетказиб, юқини кетказмайди».

Бизнинг диёримизда ва бошқа тупроқли юртларда кесак ишлатиш жоиз кўрилган. Сўнг сув билан покланади.

16-БОБ. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ ҚАЗОИ ҲОЖАТ ҚИЛМОҚЧИ БЎЛСАЛАР, УЗОҚҚА БОРАР ЭДИЛАР

٢٠ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الْوَهَّابِ الثَّقَفِيُّ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ عَمْرٍو، عَنْ أَبِي سَلَمَةَ، عَنِ الْمُغِيرَةِ بْنِ شُعْبَةَ، قَالَ: كُنْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي سَفَرٍ، فَأَتَى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَاجَتَهُ فَأَبْعَدَ فِي الْمَذْهَبِ.

[14] Бу ҳадисни Аҳмад ибн Ҳанбал ва Насоий ҳам тахриж қилганлар.

20. Муғийра ибн Шуъба (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди, у киши айтди: **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан сафарда бирга эдим. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам узоққа бориб, қазои ҳожат қилдилар».**

Бу бобда Абдурраҳмон ибн Абу Қурод, Абу Қатода, Жобир, Яҳё ибн Убайд, унинг отаси, Абу Мусо, Ибн Аббос ва Билол ибн ал-Ҳорис (розийаллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.[15]

Яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида бундай ривоят қилинган: **«У киши худди уй қидираётгандек бавллари учун жой қидирар эдилар».**

Абу Саламанинг исми – Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ибн аз-Зуҳрий.

ИЗОҲ. Яъни, кўздан узоқроқ бўлиш учун ҳамда кийимларига пешоб сачрамаслиги учун юмшоқроқ жой қидирар эдилар *(Аҳмад Муҳаммад Шокир).*

17-БОБ. ЮВИНАДИГАН ЖОЙДА ПЕШОБ ҚИЛИШ МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

٢١ – حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ وَأَحْمَدُ بْنُ مُحَمَّدِ بْنِ مُوسَى مَرْدَوَيْهِ قَالاَ: أَخبرنا [عَبْدُ اللَّهِ] بْنُ الْمُبَارَكِ، عَنْ مَعْمَرٍ، عَنْ أَشْعَثَ [بْنِ عَبْدِ اللَّهِ]، عَنِ الْحَسَنِ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مُغَفَّلٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى أَنْ يَبُولَ الرَّجُلُ فِي مُسْتَحَمِّهِ، وَقَالَ: «إِنَّ عَامَّةَ الْوَسْوَاسِ مِنْهُ».

21. *Абдуллоҳ ибн Муғаффалдан ривоят қилинди:* **Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам кишининг ювинадиган жойда пешоб қилмоғини манъ этдилар ва: «Васвасанинг кўпи шундандир», дедилар.**

Бу бобда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир саҳобаларидан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ғариб.[16] Уни марфуъ сифатида фақатгина Ашъас ибн Абдуллоҳнинг ривоятидан биламиз, у аъмо (кўзи ожиз) Ашъас ҳам дейилади.

Илм аҳлидан баъзилари ювинадиган жойда пешоб қилишни макруҳ ҳисоблаганлар ва васвасанинг кўпи шундан бўлади, деб

[15] Бу ҳадисни Ад-Дорамий, Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можа тахриж қилганлар. Абу Довуд ҳадиснинг даражасини белгиламаган. Ал-Мунзирий бу ҳадисни Термизий саҳиҳ деб айтганини нақл этади ва тасдиқлайди.

[16] Бу ҳадисни (21) Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можа ҳам тахриж қилганлар.

айтганлар. Баъзилари эса бунга рухсат берган. Ибн Сирийн ана шулардан биридир. Унга: **«Васвасанинг кўпи ювинадиган жойда пешоб қилишдан келиб чиқади, дейилган»**, деб айтилганда, у: **«Раббим – Аллоҳ, унинг шериги йўқ!»** – деди.

Ибн Муборак айтади: **«Сув оқиб кетадиган бўлса, ювинадиган жойда пешоб қилишга рухсат берилган»**. Ибн Муборакнинг бу сўзини Аҳмад ибн Абда ал-Омулий Ҳиббондан нақл этиб, бизга баён қилди.

ИЗОҲ. Васвасанинг кўпи ювиниш жойида пешоб қилишдан чиқади. Чунки ер ифлосланиб, ювинадиган кишининг қалбига, устимга ифлос сув сачради, деган васваса тушади *(Муборакфурий)*.

18-БОБ. МИСВОК

٢٢– حَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ، حَدَّثَنَا عَبْدَةُ بْنُ سُلَيْمَانَ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ عَمْرٍو، عَنْ أَبِي سَلَمَةَ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ: قَالَ رسول اللّٰهِ صَلَّى اللّٰهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَوْلاَ أَنْ أَشُقَّ عَلَى أُمَّتِي لأَمَرْتُهُمْ بِالسِّوَاكِ عِنْدَ كُلِّ صَلاَةٍ».

22. Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; **Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Умматимни машаққатга қўйишдан хавотирланмасам эдим, уларга ҳар бир намоз олдидан мисвок ишлатишни буюрган бўлар эдим».**

Абу Ийсо деди(лар): Муҳаммад ибн Исҳоқ бу ҳадисни Муҳаммад ибн Иброҳимдан, Абу Саламадан, Зайд ибн Холиддан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиладилар. Абу Саламанинг Абу Ҳурайрадан ва Зайд Ибн Холиддан – иккаласидан ҳам нақлан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳу ва саллам)дан қилган ривояти менинг назаримда саҳиҳдир. Чунки бу ҳадис Абу Ҳурайрадан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бир қанча важҳлардан ривоят қилинган. Абу Ҳурайранинг ҳадиси саҳиҳлиги ана шу кўп важҳлардан ривоят қилингани туфайлидир.

Муҳаммад Ибн Исмоъийл (ал-Бухорий) эса Абу Саламанинг Зайд ибн Холиддан қилган ривоятини янада саҳиҳ деб ҳисоблайди.

Бу бобда Абу Бакр Сиддиқ, Али, Оиша, Ибн Аббос, Ҳузайфа, Зайд ибн Холид, Анас, Абдуллоҳ ибн Амр, Ибн Умар, Умму Ҳабиба, Абу Умома, Абу Айюб, Таммом ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Ҳанзала, Умму Салама, Восила ибн ал-Асқо ва Абу Мусо (розийаллоҳу анҳум) дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

ИЗОҲ. Мулла Али ал-Қорий «Ал-Мирқот» китобида мисвок ишлатишни: **«...яъни, намоз учун таҳорат олаётганда»**, дейди. Негаки, Ибн

Хузайма, Ҳоким ва Имом Бухорий Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан бир ҳадис ривоят қилганлар, унда Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Умматимни машаққатга қўймасам эдим, уларга ҳар бир таҳорат олдидан мисвок** (ишлатиш)**ни буюрган бўлар эдим»**, деганлар. Аҳмад ибн Ҳанбал ва яна бошқалардан бу хусусни қувватлайдиган ривоятлар келган. Шофиъийлар, ҳам намоз олдидан, ҳам таҳорат олдидан мисвок ишлатишни маъқул кўриб, икки ҳадиснинг ҳукмини жамлаганлар. Аммо мисвок ишлатишнинг мустаҳаб экани белгили бир вақтга ва сабабга боғлиқ эмас. Фақат айрим сабаблар эътибори билан, масалан, овқатдан кейин ёки уйқудан турганда мустаҳаблиги аниқ бўлади *(Муборакфурий)*.

٢٣ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا عَبْدَةُ [بْنُ سُلَيْمَانَ]، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِسْحَقَ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِبْرَاهِيمَ، عَنْ أَبِي سَلَمَةَ، عَنْ زَيْدِ بْنِ خَالِدٍ [الْجُهَنِيِّ] قَالَ: سمعت رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «لَوْلاَ أَنْ أَشُقَّ عَلَى أُمَّتِي لأَمَرْتُهُمْ بِالسِّوَاكِ عِنْدَ كُلِّ صَلاَةٍ وَلأَخَّرْتُ صَلاَةَ الْعِشَاءِ إِلَى ثُلُثِ اللَّيْلِ».

23. *Зайд ибн Холид ал-Жуҳаний деди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитдим: «Умматимни машаққатга қўйишдан хавотирланмасам эдим, уларга ҳар бир намоз олдидан мисвок ишлатишни буюрган ва хуфтон намозини кечанинг учдан бирига таъхир этган** (кечиктирган) **бўлар эдим».**

Абу Салама деди: «Зайд ибн Холид худди котиб қаламини қулоғига қистиргандек, мисвокни қулоғининг устига қистирган ҳолда масжидда жамоат намозларига қатнашар, мисвокни ишлатмасдан намозга турмас, кейин мисвокланиб, яна уни жойига қистириб қўяр эди».

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

ИЗОҲ. Қози Абу Бакр ибн ал-Арабий «Аризату-л-аҳвазий» номли Термизийнинг шарҳидан иборат китобида бундай дейди: «Мисвок масаласида уламолар орасида ихтилоф қилинди. Исҳоқ, мисвокни вожиб деди ва кимки мисвок ишлатишни қасдан тарк этса, намозни қайта ўқиши лозим бўлади, деган фикрни илгари сурди, Шофиъий мисвок ишлатиш таҳоратнинг суннатларидан, деди. Молик эса оғиз ўзгарган бир ҳолатда мисвок ишлатиш мустаҳаб эканини айтди. Энди ҳадиснинг зоҳири «мисвок вожиб» деган сўзни бекор қилувчи мазмундадир. Суннат ёки мустаҳаб экани эса ҳар кимга маълумдир. Суннат экани қувватлироқ.

«Мисвокнинг суннат эканлиги мутавотир ҳадислар билан собитдир» *(Шайх Болонпурий)*.

19-БОБ. УЙҚУДАН ТУРГАН КИШИ ҚЎЛИНИ ЮВМАСДАН ТУРИБ ИДИШГА БОТИРМАСИН

٢٤ – حَدَّثَنَا أَبُو الْوَلِيدِ أَحْمَدُ بْنُ بَكَّارٍ الدِّمَشْقِيُّ – [يُقَالُ: هُوَ] مِنْ وَلَدِ بُسْرِ بْنِ أَرْطَاةَ صَاحِبِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ – حَدَّثَنَا الْوَلِيدُ بْنُ مُسْلِمٍ، عَنِ الأَوْزَاعِيِّ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ سَعِيدِ ابْنِ الْمُسَيَّبِ وَأَبِي سَلَمَةَ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا اسْتَيْقَظَ أَحَدُكُمْ مِنَ اللَّيْلِ فَلاَ يُدْخِلْ يَدَهُ فِي الإِنَاءِ حَتَّى يُفْرِغَ عَلَيْهَا مَرَّتَيْنِ، أَوْ ثَلاَثًا ؛ فَإِنَّهُ لاَ يَدْرِي أَيْنَ بَاتَتْ يَدُهُ».

24. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Агар сизлардан бирор киши тунги уйқудан уйғонса,**[17] **қўлини икки марта ёки уч марта сув тўкиб ювмасдан туриб сув идишига ботирмасин, чунки у қўли қаерда тунаганини билмайди».**

Бу бобда Ибн Умар, Жобир ва Оиша (розийаллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ

Шофиъий айтади: «Хоҳ кундузги уйқу бўлсин, хоҳ бошқа уйқу бўлсин, уйқудан турган ҳар бир киши қўлини ювмасдан таҳорат сувига ботирмаслигини хуш кўраман. Мабодо ювмасдан олдин ботирса, буни унинг учун кариҳ деб ҳисоблайман».

Ҳолбуки, қўлни ботириш, агар қўлида нажосат бўлмаса, сувни бузмайди.

Аҳмад ибн Ҳанбал дейди: «Тунги уйқудан турганда қўлини ювмасдан олдин таҳорат сувига ботирса, ўша сувни тўкиб ташлагани маъқулроқ деб ҳисоблайман».

Исҳоқ эса бундай дейди: «Тунги ёки кундузги уйқудан уйғонганида қўлини ювмасдан туриб таҳорат сувига ботирмасин».

ШАРҲ. Имом Нававий Шофиийдан ва бошқа имомлардан нақл этиб, бундай дейди: «Ҳижоз халқи тош билан покланар эди. Иссиқ иқлимда яшаганлари учун ухлаганларида терлаб кетишар ва қўллари нажосат жойларига теккан-тегмаганини билиб бўлмас эди». Турбаштий бу ҳадис тош билан покланганлар ва қўллари нажосат жойларида кезиши мумкин бўлган аҳволда ухлаганлар ҳақида эканини айтади. Кўпчиликнинг фикрига кўра, бу ўринда ворид бўлган наҳй (қайтарув) таҳрим учун эмас, балки танзиҳия (поклик) учундир.

[17] Термизий ва Ибн Можа ривоятларида шундай («тунги уйқудан») деб келган. Бухорий ва Муслим ривоятларида: «Бирортангиз уйқудан уйғонсангиз» дейилиб, «тунги» деб зикр қилинмаган.

20-БОБ. ТАҲОРАТНИ «БИСМИЛЛОҲ» БИЛАН БОШЛАМОҚ

٢٥ – حَدَّثَنَا نَصْرُ بْنُ عَلِيٍّ [الْجَهْضَمِيُّ] وَبِشْرُ بْنُ مُعَاذٍ الْعَقَدِيُّ، قَالاَ: حَدَّثَنَا بِشْرُ بْنُ الْمُفَضَّلِ، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ حَرْمَلَةَ، عَنْ أَبِي ثِفَالٍ الْمُرِّيِّ، عَنْ رَبَاحِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ ابْنِ أَبِي سُفْيَانَ بْنِ حُوَيْطِبٍ، عَنْ جَدَّتِهِ، عَنْ أَبِيهَا قَالَ: سمعت رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «لاَ وُضُوءَ لِمَنْ لَمْ يَذْكُرِ اسْمَ اللَّهِ عَلَيْهِ».

25. *Рабоҳ ибн Абдурраҳмон ибн Абу Суфён ибн Ҳувайтиб (розийаллоҳу анҳу) момоси орқали бобокалонидан (момосининг отасидан)*[18] *ривоят қилади:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бундай деганларини эшитдим: «Таҳоратда Аллоҳнинг исмини айтмаган** («Бисмиллоҳ» деб бошламаган) **кишининг таҳорати йўқ».**

Бу бобда (ҳазрати) Оиша (онамиз), Абу Саъид, Абу Ҳурайра, Саҳл ибн Саъд ва Анас (розийаллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Аҳмад ибн Ҳанбал: **«Бу бобда исноди жаййид** (мустаҳкам) **бирор ҳадисни билмайман»,** деди. Исҳоқ эса: «Бисмиллоҳ»ни қасдан тарк этса, қайта таҳорат олиш керак бўлади, унутиб ёки таъвилга бориб тарк этса, таҳорати жоиздир (мақбулдир)», дейди. Муҳаммад ибн Исмоъийл (Бухорий) эса бундай дейди: **«Рабоҳ ибн Абдурраҳмоннинг ҳадиси бу бобда ворид бўлган ҳадисларнинг энг яхшисидир»**.

Рабоҳ ибн Абдурраҳмон момосидан, (момоси) отасидан (ривоят қилган); момосининг отасининг исми – Саъид ибн Зайд ибн Амр ибн Нуфайл, Абу Сифол ал-Муррийнинг исми эса – Сумома ибн Ҳусайн. Баъзилар бу ҳадисни «Абу Бакр ибн Ҳувайтибдан», деб ривоят қилганлар ва уни бобосига мансуб қилганлар.

ШАРҲ. Таҳоратни Аллоҳ исми билан бошлаш ҳақида мазҳаб имомларининг қарашлари ушбудир: Имом Молик бир қавлида таҳоратнинг бошида «Бисмиллоҳ»ни айтишни бидъат дейди. «Бисмиллоҳ»ни айтиш Имом Абу Ҳанифанинг бир қавлларида мустаҳаб (яъни суннат)дир; лекин жумҳур фуқаҳо ва муҳаддислар наздида суннатдир; Имом Исҳоқ ибн Роҳивайҳ, аллома Ибн Ҳумом ва Довуди Зоҳирий наздларида вожибдир *(Шайх Болонпурий)*.

Шайх Валиюллоҳ Деҳлавий «Ҳужжатуллоҳил-балиғоҳ» асарида бундай дейди: «Бу ҳадис «Бисмиллоҳ»нинг бир рукн ёки шарт эканига далилдир.

[18] Ал-Байҳақий «Сунан» китобида момосининг номи Асмо эканини айтган. Ибн Ҳажар «Ат-Талхис» асарида ҳам Байҳақий ва Ҳокимдан нақл этиб, бу хотиннинг исми Асмо деб қайд этган (Аҳмад Муҳаммад Шокир).

Буни таҳоратдан фақат камол сифатини юксалтириш деб айтиш ҳам мумкин. Аммо мен бундай таъвилни хуш кўрмайман».

Имоми Аъзам мазҳабида таҳоратни «Бисмиллоҳир-Роҳманир-Роҳийм» деб бошлаш таҳоратнинг биринчи суннатидир.

٢٦ – حَدَّثَنَا الْحَسَنُ بْنُ عَلِيٍّ الْحُلْوَانِيُّ، حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ هَارُونَ، عَنْ يَزِيدَ بْنِ عِيَاضٍ، عَنْ أَبِي ثِفَالٍ الْمُرِّيِّ، عَنْ رَبَاحِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي سُفْيَانَ بْنِ حُوَيْطِبٍ، عَنْ جَدَّتِهِ بِنْتِ سَعِيدِ بْنِ زَيْدٍ، عَنْ أَبِيهَا، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مِثْلَهُ.

26. *Абу Сифол ал-Муррийдан, Рабоҳ ибн Абдурраҳмон ибн Абу Суфён Ҳувайтибдан, унинг Саъид ибн Зайд қизи бўлмиш момосидан, унинг отасидан, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинди.* **Ўтган ҳадиснинг мисли.**

21-БОБ. ОҒИЗ ЧАЙҚАШ ВА БУРУНГА СУВ ОЛИБ ЮВИШ

٢٧ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ [بْنُ سَعِيدٍ]، حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ وَجَرِيرٌ، عَنْ مَنْصُورٍ، عَنْ هِلَالِ بْنِ يَسَافٍ، عَنْ سَلَمَةَ بْنِ قَيْسٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**إِذَا تَوَضَّأْتَ فَانْثِرْ، وَإِذَا اسْتَجْمَرْتَ فَأَوْتِرْ**».

27. *Салама ибн Қайс (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қачон таҳорат олсанг, бурнингга сув олиб ювгил, қачон истинжо қилсанг,** (тош ёки кесакни) **тоқ ишлатгил».**

Бу бобда Усмон, Лақут ибн Собира, Ибн Аббос, Ал-Миқдам ибн Маъдийкариб, Воъил ибн Ҳужр ва Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Салама ибн Қайснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳли, оғиз чайқаш ва бурунга сув олиб қоқишни тарк этган киши борасида ихтилоф қилдилар. Улардан бир тоифаси айтдилар: «Таҳорат қилганда оғиз чайқаш ва бурунга сув олиб ювишни тарк этган ҳолда намоз ўқиса, намозни қайтадан ўқийди», дедилар ва бу тарк этиш хоҳ таҳоратда, хоҳ ғуслда бўлсин, баробардир (ғусл ёки таҳоратни қайтадан бажаради), деган фикрга эга бўлдилар. Ибн Абу Лайло, Абдуллоҳ ибн Муборак, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шудир. Аҳмад: **«Бурунга сув олиб ювиш оғизни чайқашдан кўра таъкидлироқ»,** дейди.

Абу Ийсо деди(лар): Илм аҳлидан бир тоифаси эса бундай дейди: **«Таҳоратни қайта олмайди, аммо ғуслни қайтадан қилади».**[19] Суфён Саврий ва Куфа фақиҳларидан баъзиларининг қавли шудир.

Бир тоифа эса бундай деди: «На таҳоратни, на ғуслни қайтадан бажаради, чунки оғиз чайқаш ва бурунга сув олиб ювиш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатидир, шунинг учун хоҳ таҳоратда, хоҳ ғуслда уларни тарк этса, қайтадан адо қилиш вожиб эмас». Молик ҳамда кейинчалик Шофиъий шу қавлга эга бўлганлар.

ИЗОҲ. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг ва у кишига эргашганларнинг қавли ва фатвосига кўра, оғизни чайиш ва бурунни чайиш таҳоратда – суннат, ғуслда бўлса фарздир, бас, ғуслда уларни тарк этса, қайта бажаради.

Яна ҳадисда учта ёки бешта тош ёки кесак билан поклангин, дейилмоқда. Абу Ҳурайранинг ривоятида эса ушбу қўшимча ўрин олган: **«Тош билан покланган киши тошни тоқ ишлатсин. Кимки шундай қилса, яхши иш қилган бўлади. Қилмаса, зарари йўқ».** Бу ҳадисни Аҳмад (ибн Ҳанбал), Абу Довуд ва Ибн Можа тахриж қилганлар. Ҳофиз Ибн Ҳажар, «Фатҳул-борий» китобида бу қўшимчанинг исноди ҳасан эканини таъкидлаб, Абу Ҳанифа ва Молик шу ривоятни олганларига, тош (кесак) билан покланганда саноқ эмас, фақатгина тоқ бўлиши мўътабар (эътиборли) деб айтганларига ишорат қилади.

22-БОБ. ОҒИЗ ВА БУРУННИ БИР ҲОВУЧ СУВ БИЛАН ЧАЙҚАШ

٢٨– حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ مُوسَى، حَدَّثَنَا إِبْرَاهِيمُ بْنُ مُوسَى [الرَّازِيُّ]، حَدَّثَنَا خَالِدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ، عَنْ عَمْرِو بْنِ يَحْيَى، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ زَيْدٍ قَالَ: رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَمَضْمَضَ وَاسْتَنْشَقَ مِنْ كَفٍّ وَاحِدٍ، فَعَلَ ذَلِكَ ثَلَاثًا.

28. *Абдуллоҳ ибн Зайд (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни оғиз ва бурунларини бир ҳовуч сув билан чайқаганларини ва буни уч марта** (такрор) **қилганларини кўрдим».**

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абдуллоҳ ибн Зайднинг ҳадиси ҳасан-ғариб ҳадисдир.

Бу ҳадисни Молик, Ибн Уйайна ва яна бошқалар Амр ибн Яҳёдан ривоят қилдилар, **лекин: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи**

[19] Бу Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ ва тобеъларининг қавлидир.

ва саллам бир ҳовуч сувдан оғиз ва бурунларига сув олдилар» деган жумлани зикр қилмадилар. Бу жумлани ёлғиз Холид ибн Абдуллоҳ зикр этади. Холид ибн Абдуллоҳ эса муҳаддислар наздида сиқа (сўзи ишончли) ва ҳофиздир.

Баъзи илм аҳли бундай дейди: «Бир ҳовуч сувдан ҳам оғизга, ҳам бурунга олиб ювмоқ жоиздир». Баъзилари эса: **«Оғиз чайқаш ва бурунга сув олиб ювишни алоҳида-алоҳида сув билан бир-биридан ажратиб бажармоқ биз учун севимлироқ»,** дейдилар. Шофиъий айтади: «Оғиз чайқаш ва бурунга сув олиб ювишни бир ҳовуч сув билан қилмоқ, бу жоиздир. **Аммо буларни бир-биридан ажратиб алоҳида-алоҳида сув билан бажармоқ, биз учун янада севимлироқдир».**[20]

ШАРҲ. Оғиз ва бурунни чайишни бир ҳовуч сув билан бажаради дегувчиларнинг фикрига кўра, уч гал янги сув олиб, ҳам оғиз, ҳам бурунни бирдан чаяди. Баъзи илм аҳлларининг ва, машҳур қавлга кўра, Шофиъийнинг қавли шундай бўлган. Имоми Шофиъий бошқа фикрга ҳам эга бўлганлар: «**Аммо буларни бир-биридан ажратиб алоҳида-алоҳида сув билан бажармоқ биз учун янада севимлироқдир»,** деганларки, бу сўз Термизий шарҳида ўтди.

Ҳазрати Имоми Аъзам – Абу Ҳанифа, оғиз чайқаш ва бурунга сув олиб ювишни бир-биридан ажратиб, алоҳида-алоҳида сув билан қилиш лозим, деганлар. Абу Ҳанифа бу бу қавлларида ҳадислардаги: **«Уч марта оғизларига ва уч марта бурунларига сув олиб чайдилар»,** деган ибораларга асосланганлар. Бир ҳовуч сув билан оғиз чайқаш ва бурунга сув олиб ювишни билдирган ҳадислар ҳанафий олимларнинг қавлига кўра таъвил этилмоқда ва буларнинг таъвилида икки хил фикр илгари сурилади: биринчи фикрга кўра, ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам оғиз чайқаш ва бурунга сув олиб ювишда икки қўлларини эмас, фақат бир қўлларини ишлатганлар; иккинчи фикрга кўра, оғиз чайқаш ва бурунга сув олиб ювишни фақат ўнг қўл билан бажарганлар.

Бу масалада имомлар ўртасидаги ихтилоф, бир ҳовуч сув билан оғиз-бурун чайишнинг жоиз ёки жоиз эмаслиги борасида эмас, балки афзалият борасидадир. Афзаллик борасида Имоми Аъзам мазҳабининг қавли, яъни ҳар гал янги сув олиб, оғиз ва бурунни алоҳида-алоҳида чайиш мақбул эканлиги жаҳон аҳлига маълум.

Табароний ва Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда, Талҳа ибн Мусаррифдан, унинг отасидан, унинг бобосидан ривоят қилинади: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳорат олдилар, уч мартадан оғизларини ва бурунларини чайдилар, ҳар гал янги сув олдилар».**

Демак, оғиз чайқаш ва бурунга сув олиб ювишни бир-биридан ажратиб, алоҳида-алоҳида сув билан – уч мартадан бажариш афзал экан.

[20] Шофиъийнинг бу масалада икки хил қавли бор: биринчиси, Абу Ҳанифанинг қавлига мувофиқдирки, Термизий бу ўринда шуни нақл этдилар; иккинчиси машҳур бўлган қавлидирки, буни шарҳда баён этдик.

23-БОБ. СОҚОЛНИ ХИЛОЛ ҚИЛИШ (ОРАЛАРИГА СУВ ЕТКАЗИШ)

٢٩- حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ، عَنْ عَبْدِ الْكَرِيمِ بْنِ أَبِي الْمُخَارِقِ أَبِي أُمَيَّةَ، عَنْ حَسَّانَ بْنِ بِلَالٍ قَالَ رَأَيْتُ عَمَّارَ بْنَ يَاسِرٍ تَوَضَّأَ فَخَلَّلَ لِحْيَتَهُ، فَقِيلَ لَهُ - أَوْ قَالَ- فَقُلْتُ لَهُ: أَتُخَلِّلُ لِحْيَتَكَ؟ قَالَ: وَمَا يَمْنَعُنِي، وَلَقَدْ رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُخَلِّلُ لِحْيَتَهُ.

29. *Ҳассон ибн Билолдан ривоят қилинди:* **«Аммор ибн Ёсирни кўрдим, таҳорат олди ва соқолини хилол қилди** (ораларига сув етказди). **Шунда ундан сўралди** – ёки: **мен ундан сўрадим,** – **деди: «Соқолингни хилол қиляпсанми?»** (Аммор) **айтди: «Не монеълик бор? Мен, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам соқолларини хилол қилганларини ўз кўзим билан кўрганман».**

٣٠- حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ، عَنْ سَعِيدِ ابْنِ أَبِي عَرُوبَةَ، عَنْ قَتَادَةَ، عَنْ حَسَّانَ بْنِ بِلَالٍ، عَنْ عَمَّارٍ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِثْلَهُ.

30. *Ибн Абу Умардан, Ибн Уйайнадан, Саъид ибн Абу Арубадан, Қатодадан, Ҳассон ибн Билолдан, Аммордан (розийаллоҳу анҳум), Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинди.* **Ўша ҳадис.**

Бу бобда ҳазрати Усмон, Оиша, Умму Салама, Анас, Ибн Абу Авфа ва Абу Айюб (розийаллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Исҳоқ ибн Мансурдан эшитдим, Аҳмад ибн Ҳанбалнинг Ибн Уйайнадан нақл этиб, унинг бундай деганини айтди: «Абдулкарим хилол қилмоқ ҳадисини Ҳассон ибн Билолдан эшитган». Муҳаммад Ибн Исмоъийл (ал-Бухорий) айтдики: **«Бу бобда ривоят қилинган энг саҳиҳ ҳадис Омир ибн Шақиқнинг Абу Воилдан, Усмондан ривоят қилган ҳадисидир».**

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобеъийнлардан бўлган илм аҳлининг аксарияти қавли ушбудир: **«Соқолнинг орасига сув етказилиши лозим».** Шофиъийнинг ҳам қавли шудир.

Аҳмад: «Соқоли орасига сув етказишни унутган бўлса, таҳорати жоиз (яъни таҳоратли бўлади)», дейди. Исҳоқ эса бундай дейди: **«Унутиб ёки таъвилга бориб тарк этса, таҳорати жоиз, аммо қасдан тарк этса, қайтадан таҳорат олади».**

٣١- حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ مُوسَى، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ، عَنْ إِسْرَائِيلَ، عَنْ عَامِرِ بْنِ شَقِيقٍ، عَنْ أَبِي وَائِلٍ، عَنْ عُثْمَانَ بْنِ عَفَّانَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يُخَلِّلُ لِحْيَتَهُ.

31. *Ҳазрати Усмон ибн Аффон (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам соқолларини хилол қилар** (ораларига сув етказар) **эдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

ИЗОҲ. Соқолни хилол қилиш таҳоратнинг суннатларидандир. Бу амал янги сув олиб, бармоқларини ҳўллаб, соқолларини тараш (орасига киритиш) тарзида бажарилади. Шофиъий, Абу Ҳанифа, Саврий, Аҳмад ибн Ҳанбал, Авзоий, Лайс ва Исҳоқ ҳамда илм аҳлидан кўпчилиги соқолни хилол қилиш ғуслда фарз, таҳоратда мустаҳаб (Имом Аъзам мазҳабида суннат) деган фикрдадирлар. Баъзилари ғуслда ҳам, тааҳоратда ҳам фарз, деган фикрга эга бўлганлар.

24-БОБ. БОШГА ОЛДИДАН (ПЕШОНАДАН) БОШЛАБ ОРҚАГА ҚАРАБ (ЭНСАСИГАЧА) МАСҲ ТОРТМОҚ

٣٢- حَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ مُوسَى الأَنْصَارِيُّ، حَدَّثَنَا مَعْنٌ [ابْنُ عِيسَى] الْقَزَّازُ، حَدَّثَنَا مَالِكُ ابْنُ أَنَسٍ، عَنْ عَمْرِو بْنِ يَحْيَى، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ زَيْدٍ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَسَحَ رَأْسَهُ بِيَدَيْهِ فَأَقْبَلَ بِهِمَا وَأَدْبَرَ، بَدَأَ بِمُقَدَّمِ رَأْسِهِ، ثُمَّ ذَهَبَ بِهِمَا إِلَى قَفَاهُ، ثُمَّ رَدَّهُمَا [حَتَّى رَجَعَ] إِلَى الْمَكَانِ الَّذِي بَدَأَ مِنْهُ، ثُمَّ غَسَلَ رِجْلَيْهِ.

32. *Абдуллоҳ ибн Зайд (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошларига икки қўллари билан масҳ тортдилар:**[21] **Қўлларини олдинга ва орқага юргиздилар:** (аввал) **пешоналаридан бошладилар, кейин энсаларигача суриб бордилар, кейин яна то бошлаган жойларигача қайтариб келдилар, ундан кейин оёқларини ювдилар».**

Бу бобда Муъовия, Ал-Миқдам ибн Маъдикариб ва Оиша (розийаллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абдуллоҳ ибн Зайднинг ҳадиси бу бобда ривоят қилинган энг саҳиҳ ва энг ҳасан ҳадисдир. Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг ҳам қавли шудир.

[21] Ибн Таббоъ ва Ибн Ҳузайма ривоятида: **«Бошларининг ҳаммасига масҳ тортдилар»**, дейилган.

25-БОБ. БОШГА МАСҲ ТОРТИШНИ ОРҚАДАН (ЭНСАДАН) БОШЛАМОҚ

٣٣- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ [بْنُ سَعِيدٍ]، حَدَّثَنَا بِشْرُ بْنُ الْمُفَضَّلِ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مُحَمَّدِ بْنِ عَقِيلٍ، عَنِ الرُّبَيِّعِ بِنْتِ مُعَوِّذِ ابْنِ عَفْرَاءَ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَسَحَ بِرَأْسِهِ مَرَّتَيْنِ بَدَأَ بِمُؤَخَّرِ رَأْسِهِ، ثُمَّ بِمُقَدَّمِهِ وَبِأُذُنَيْهِ كِلْتَيْهِمَا، ظُهُورِهِمَا وَبُطُونِهِمَا.

33. *Муаъввиз ибн Афро қизи Рубаййиъ (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошларига икки марта масҳ тортдилар: аввал бошларининг орқасидан** (энсадан) **бошладилар, кейин олдидан** (пешонадан) **бошладилар: иккала кафтларининг ичи ва сирти билан масҳ тортдилар».**

Бу ҳадис ҳасандир. Абдуллоҳ ибн Зайднинг ҳадиси иснод жиҳатдан бу ҳадисдан кўра саҳиҳроқ ва яхшироқ. Куфа аҳлидан баъзилари бу ҳадисни эгаллаганлар. Воқиъ ибн ал-Жарроҳ шулардан биридир.

ИЗОҲ. Мақбул иш бошга масҳ тортишни олддан (пешонадан) бошламоқдир. Ҳадисдаги «бошларига икки марта масҳ тортдилар» деган сўздан мақсад «аввал бошларининг орқасидан (энсадан) бошладилар, кейин (пешонадан) бошладилар» деган сўз билан изоҳланган. Бу «икки марта масҳ тортиш» маъносида эмас. Ажабки, ҳадиснинг ровийси масҳ тортишда қўлларини олдинга ва орқага юргизганларини «икки марта масҳ тортдилар» деб ифодалаган.

26-БОБ. БОШГА БИР МАРТА МАСҲ ТОРТМОҚ

٣٤- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا بَكْرُ بْنُ مُضَرَ، عَنِ ابْنِ عَجْلَانَ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مُحَمَّدِ بْنِ عَقِيلٍ، عَنِ الرُّبَيِّعِ بِنْتِ مُعَوِّذٍ [بْنِ عَفْرَاءَ] أَنَّهَا رَأَتِ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَتَوَضَّأُ، قَالَتْ: مَسَحَ رَأْسَهُ وَمَسَحَ مَا أَقْبَلَ مِنْهُ وَمَا أَدْبَرَ، وَصُدْغَيْهِ: وَأُذُنَيْهِ مَرَّةً وَاحِدَةً.

34. *Муъаввиз ибн Афро қизи Рубаййиъ (розиллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди:* У Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни таҳорат олаётганларида кўрган, дейдики: **«Бошларига масҳ тортдилар, бошларининг олди ва орқасига, икки чаккаларига ва қулоқларига** (бирдан) **бир марта масҳ тортдилар».**

Бу бобда Ҳазрати Али (карромаллоҳу важҳаҳу) ва Талҳа ибн Мусарриф ибн Амрнинг бобосидан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Рубаййиънинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ ҳадисдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан, бошларига бир марта масҳ тортганлари бир қанча важҳлардан ривоят қилинади.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобеъийндан бўлмиш илм аҳлининг кўпчилиги наздида амал шу ҳадис асосидадир. Жаъфар ибн Муҳаммад, Суфён Саврий, Ибн Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шудир: **«Бошга бир марта масҳ тортилади».**

Муҳаммад ибн Мансур ал-Маккий бизга баён қилди: «Суфён ибн Уйайнадан эшитдим: **«Жаъфар ибн Муҳаммаддан бошга масҳ тортиш ҳақида: «Бир марта кифоями?» деб сўрадим, у: «Аллоҳ ҳақи, албатта!» деди.**

ШАРҲ. «Шарҳус-сунна» китобида бундай дейилади: «Бошга масҳ тортишни такрор қилиш суннатми-йўқми экани борасида ихтилоф қилинди. Илм аҳлининг кўпчилиги ва уч мазҳаб имомлари бошга бир марта масҳ тортилади, деган фикрдалар. Шофиъийнинг машҳур сўзига кўра эса, бошга масҳ уч бармоқ ва уч янги сув билан тортилади. «Ал-Мирқот» китобида ҳам шундай дейилган. Аммо бошга масҳ тортиш борасида Шофиъийнинг икки хил сўзи борлиги англашилади: бир марта ва уч марта. Биринчи қавлни имом Термизий, иккинчисини эса «Шарҳус-сунна» муаллифи баён қилган. «Таслис» тарафдорлари таянган ҳадислар маъқул ва мўътабар бўлиш даражасига кўтарилган эмас» *(Шавконий).*

***Хулоса.* Бошга бир марта масҳ тортилади.** Бошнинг тўртдан бирига янги сув билан кафтни ҳўллаб бир марта масҳ тортиш – фарз, бошнинг ҳаммасига бир марта ва унинг суви билан икки қулоғига масҳ тортиш суннатдир. *(Қаранг: «Шарҳи Мухтасари Виқоя», «Кифоя»).*

27-БОБ. БОШГА МАСҲ ТОРТИШ УЧУН ЯНГИ СУВ ОЛМОҚ

٣٥- حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ خَشْرَمٍ، أخبرنا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ وَهْبٍ، حَدَّثَنَا عَمْرُو بْنُ الْحَارِثِ، عَنْ حَبَّانَ بْنِ وَاسِعٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ زَيْدٍ: أَنَّهُ رَأَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَوَضَّأَ، وَأَنَّهُ مَسَحَ رَأْسَهُ بِمَاءٍ غَيْرِ فَضْلِ يَدَيْهِ.

35. *Абдуллоҳ ибн Зайд (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«У Набий саллоҳу алайҳи ва салламнинг таҳорат олганларини кўрди. У киши қўлларини ювишдан ортган сувдан бошқа** (янги) **сув олиб, бошларига масҳ тортдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Ибн Лаҳиъйа бу ҳадисни Ҳаббон ибн Восиъдан, унинг отасидан, Абдуллоҳ ибн Зайддан ривоят қилди: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳорат олдилар ва қўлларидан ортган сувдан бошқа сув олиб, бошларига масҳ тортдилар».**

Амр ибн ал-Ҳорисниng Ҳаббондан қилган ривояти янада саҳиҳроқ. Чунончи, ушбу ҳадис Абдуллоҳ ибн Зайддан ва бошқалардан бир қанча важҳлардан ривоят қилинган: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошларига масҳ тортиш учун янги сув олдилар».**

Илм аҳлидан кўпчилигининг наздида амал шу ҳадис асосидадир: **бошга масҳ тортиш учун янги сув олинади.**

28-БОБ. ҚУЛОҚЛАРНИНГ ИЧИГА ВА СИРТИГА МАСҲ ТОРТМОҚ

٣٦- حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ إِدْرِيسَ، عَنْ [مُحَمَّدِ] بْنِ عَجْلاَنَ، عَنْ زَيْدِ بْنِ أَسْلَمَ، عَنْ عَطَاءِ بْنِ يَسَارٍ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَسَحَ بِرَأْسِهِ وَأُذُنَيْهِ ظَاهِرِهِمَا وَبَاطِنِهِمَا.

36. *Ато ибн Аббос (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошларига ҳамда қулоқларига – қулоқларининг сиртига ва ичига масҳ тортдилар»**.

Бу бобда Рубаййиъдан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ййсо деди(лар): Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)нинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Илм аҳлининг кўпчилиги наздида амал шу ҳадис асосидадир: **қулоқларнинг ичига ва сиртига масҳ тортилади**, деган фикрдалар.

ИЗОҲ. Бу ҳадисни айни вақтда Насоий, Ибн Можа, Ҳоким ва Байҳақий ривоят қилганлар. Насоийнинг ифодаси бундай: **«Кейин бошларига ва қулоқларига масҳ тортдилар: қулоқларининг ичини шаҳодат бармоқлари билан, сиртини эса бош бармоқлари билан** (масҳ қилдилар)**».**

Бошга масҳ тортганда қулоқларнинг ичига ва сиртига ҳам масҳ тортиш суннатдир. Икки кўрсаткич бармоқни икки қулоқнинг ичига тиқиб, улар билан ич томонига, икки бош бармоқ билан эса сиртига масҳ тортиш суннатдир *(«Шарҳи Мухтасари Виқоя», «Кифоя»).*

29-БОБ. ҚУЛОҚЛАР БОШ ЖУМЛАСИДАНДИР

٣٧- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ، عَنْ سِنَانِ بْنِ رَبِيعَةَ، عَنْ شَهْرِ بْنِ حَوْشَبٍ، عَنْ أَبِي أُمَامَةَ قَالَ: تَوَضَّأَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَغَسَلَ وَجْهَهُ ثَلاَثًا وَيَدَيْهِ ثَلاَثًا، وَمَسَحَ بِرَأْسِهِ، وَقَالَ: «الأُذُنَانِ مِنَ الرَّأْسِ».

37. *Абу Умома (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди, у киши деди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳорат олдилар: юзларини уч марта, қўлларини уч марта ювдилар, бошларига масҳ тортдилар ва: «Қулоқлар бош жумласидандир», дедилар».**

Қутайба айтади: «Ҳаммод бундай деди: «Бу («Қулоқлар бош жумласидандир» сўзи) Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзлариданми ёки Абу Умоманинг сўзиданми эканини билмадим».

Бу бобда Анас (розийаллоҳу анҳу)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ййсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан. Унинг исноди эса унчалик мустаҳкам эмас.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг саҳобаларидан ва тобеъийндан бўлмиш илм аҳлининг кўпчилиги наздида амал шу ҳадис асосидадир: қулоқларни масҳ қилиш бош масҳига дохилдир. Суфён Саврий, Ибнул-Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шундай.

Илм аҳлидан баъзиларининг фикрига кўра, қулоқларнинг олд тарафи юзга, орқа тарафи эса бошга тегишлидир. Исҳоқ айтади: «Қулоқларнинг олд томонини юзни ювганда масҳ этишни, орқасини эса бош билан бирга масҳ қилишни ихтиёр этаман». Шофиъий эса бундай дейди: «Қулоқларни мунфарид (алоҳида) масҳ қилмоқ суннатдир ва уларга янги сув билан масҳ тортилади».

ИЗОҲ. Аҳмад (ибн Ҳанбал) ва Имоми Моликнинг қавли ҳам шундай. **Абу Ҳанифа эса, бошга ва қулоқларга бир сув билан масҳ тортилади, деганлар.** Ибн Абдулбар шу қавл саҳобалар ва тобеъийнларнинг баъзиларидан ривоят қилинганини қайд этади.

Бошга ва қулоқларга (ичи ва сиртига) **бир сув билан масҳ тортиш суннатдир.** Имом Термизий ва Абу Довуд ривоят қилган ҳадис бунга далилдир *(«Шарҳи Мухтасари Виқоя», «Кифоя»).*

30-БОБ. БАРМОҚЛАРНИ ХИЛОЛ ҚИЛМОҚ (ОРАЛАРИГА СУВ ЕТКАЗМОҚ)

٣٨- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ وَهَنَّادٌ، قَالاَ: حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنْ سُفْيَانَ، عَنْ أَبِي هَاشِمٍ، عَنْ عَاصِمِ بْنِ لَقِيطِ بْنِ صَبِرَةَ، عَنْ أَبِيهِ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا تَوَضَّأْتَ فَخَلِّلِ الأَصَابِعَ».

38. *Осим ибн Лақийт ибн Собиранинг отаси (розийаллоҳу анҳу) дан ривоят қилинади;* **Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қачон таҳорат олсанг, бармоқларинг орасига сув етказ».**

Бу бобда Ибн Аббос, Шаддод ал-Фиҳрийнинг ўғли Ал-Муставрид ва Абу Аййуб ал-Ансорий (розийаллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳли наздида амал шу ҳадис асосидадир: таҳоратда оёқ бармоқлари орасига сув етказилади. Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шудир. Исҳоқ айтадики: **«Таҳоратда қўл ва оёқ бармоқларининг орасига сув етказилади».**

Абу Ҳошимнинг исми – Исмоъийл ибн Касир ал-Маккий.

٣٩– حَدَّثَنَا إِبْرَاهِيمُ بْنُ سَعِيدٍ [وَهُوَ] الْجَوْهَرِيُّ – حَدَّثَنَا سَعْدُ بْنُ عَبْدِ الْحَمِيدِ بْنِ جَعْفَرٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ أَبِي الزِّنَادِ، عَنْ مُوسَى بْنِ عُقْبَةَ، عَنْ صَالِحٍ مَوْلَى التَّوْأَمَةِ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «**إِذَا تَوَضَّأْتَ فَخَلِّلْ بَيْنَ أَصَابِعِ يَدَيْكَ وَرِجْلَيْكَ**».

39. *Ҳазрати Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди;* Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Қачон таҳорат олсанг, қўлларинг ва оёқларинг бармоқлари орасига сув етказ».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

٤٠– حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا ابْنُ لَهِيعَةَ، عَنْ يَزِيدَ بْنِ عَمْرٍو، عَنْ أَبِي عَبْدِ الرَّحْمَنِ الْحُبُلِيِّ، عَنِ الْمُسْتَوْرِدِ بْنِ شَدَّادٍ الْفِهْرِيِّ قَالَ رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا تَوَضَّأَ دَلَكَ أَصَابِعَ رِجْلَيْهِ بِخِنْصَرِهِ. قَالَ أَبُو عِيسَى: هَذَا حَدِيثٌ حَسَنٌ غَرِيبٌ لَا نَعْرِفُهُ إِلَّا مِنْ حَدِيثِ ابْنِ لَهِيعَةَ.

40. *Ал-Муставрид ибн Шаддод ал-Фиҳрий (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; у деди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни таҳорат олганларида кўрдим: жимжилоқлари билан оёқ бармоқлари** (ораси)**ни ишқаб ювдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-ғариб. Уни фақатгина Ибн Лаҳийъанинг ривоятидан биламиз.

ШАРҲ. Ибн Саййидиннос «Сунани Термизий» шарҳида бундай дейди: «Биродарларимизнинг фикрича, оёқларни ювганда бармоқлари орасига сув етказиш таҳоратнинг суннатларидандир. Сув ўзи ўтса ҳам,

хилол қилиш суннат бўлади. Аммо сув бармоқлари орасига фақат хилол қилиш йўли билан ўтадиган бўлса, унда хилол қилиш вожиб; фақатгина лизотиҳи эмас, ювиш фарзини адо қилиш учун вожибдир». Шавконий, Ибн Саййидинноснинг сўзини нақл этиб, айтадики: «Хилол қилиш мутлоқ вожиб экани ҳақида ҳадислар сариҳдир (очиқ-равшандир). Бармоқлар орасига сув ўзича етиши ёки хилол қилиш йўли билан тегиши орасида, шунингдек, хилол қилишда қўл ва оёқ бармоқлари орасида фарқ йўқлиги Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳам қавллари, ҳам феъллари билан собитдир. Хилол қилишни фақат оёқ бармоқларига хос деб айтиш ёки сув ўзича тегади деб қайд этиш далилсиз уринишдир».

Хулоса: соқолни, қўл ва оёқ бармоқларини хилол қилиш – бармоқларни киритиш билан ораларига сув етказиш таҳоратнинг суннатларидандир. Ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам оёқ бармоқларининг орасини чап қўлларининг жимжилоқлари (кичик бармоқлари) билан ювганлар (Муборакфурий); ана шу суннатдир *(«Шарҳи Мухтасари Виқоя», «Кифоя»).*

31-БОБ. ДЎЗАХ ОЛОВИДАН ТОВОНЛАРНИНГ ҲОЛИГА ВОЙ!

٤١ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، قَالَ: حَدَّثَنَا عَبْدُ الْعَزِيزِ بْنُ مُحَمَّدٍ، عَنْ سُهَيْلِ بْنِ أَبِي صَالِحٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «وَيْلٌ لِلأَعْقَابِ مِنَ النَّارِ».

41. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;* Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Дўзах оловидан товонларнинг ҳолига вой!»**

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Амр, Оиша, Жобир, Жазъ аз-Зубайдийнинг ўғли Абдуллоҳ ибн ал-Ҳорис, Муъайқиб, Холид ибн Валид, Шуроҳбил ибн Ҳасана, Амр ибн Ос ва Язид ибн Абу Суфён (розийаллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Йисо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

وَقَدْ رُوِيَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ: «وَيْلٌ لِلأَعْقَابِ وَبُطُونِ الأَقْدَامِ مِنَ النَّارِ».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг яна бундай деб айтганлари ривоят қилинади: «Дўзах оловидан товонларнинг ва оёқ тагларининг ҳолига вой!»

(Абу Йисо) айтди(лар): Ушбу ҳадиснинг фиққий ҳукми шуки, **маҳси ёки жавроб**[22] (қалин, таги тери, қўнжи кигиз этик) **кийилмаган ялангоч икки оёққа масҳ тортиш жоиз эмас.**

[22] «Ғиёсул-луғот»да жавроб — этик ва оёққа кийиладиган нарса дейилган.

32-БОБ. ТАҲОРАТ АЪЗОЛАРИНИ БИР МАРТАДАН ЮВМОҚ

٤٢ – حَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ وَهَنَّادٌ وَقُتَيْبَةُ، قَالُوا: حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنْ سُفْيَانَ [ح قَالَ]: وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ، قَالَ: حَدَّثَنَا سُفْيَانُ، عَنْ زَيْدِ بْنِ أَسْلَمَ، عَنْ عَطَاءِ بْنِ يَسَارٍ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَوَضَّأَ مَرَّةً مَرَّةً.

42. *Ҳазрати Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир марта-бир мартадан** (таҳорат аъзоларини ювиб) **таҳорат олдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу бобда Умар, Жобир, Бурайда, Абу Рофиъ ва Ибнул-Фокиҳ (розийаллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинди.

Ибн Аббоснинг ҳадиси ушбу бобда ворид бўлган ҳадисларнинг энг ҳасани ва энг саҳиҳидир.

Ришдийн ибн Саъд ва бошқалар бу ҳадисни Заҳҳок ибн Шуроҳбилдан, Зайд ибн Асламдан, унинг отасидан, Умар ибн Хаттобдан ривоят қилганлар: **«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир мартадан** (таҳорат аъзоларини ювиб) **таҳорат олдилар».**

Бу ривоятнинг сиҳҳатдан насиби йўқ. Саҳиҳ ривоят Ибн Ажлон, Ҳишом ибн Саъд, Суфён Саврий ва Абдулазиз ибн Муҳаммаднинг Зайд ибн Асламдан, Ато ибн Йасардан, Ибн Аббосдан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қилган ривоятларидир.

ИЗОҲ. Ҳадис таҳорат аъзоларини бир мартадан ювиш фарз эканига далолат қилади. Икки ёки уч марта ювиш фарз бўлса эди, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир марта ювиш билан кифояланмас эдилар. Имом Нававий: **«Таҳорат аъзоларини бир мартадан ювиш фарз, уч мартадан ювиш суннат экани борасида бутун мусулмонлар иттифоқ қилганлар»,** дейди.

33-БОБ. ТАҲОРАТ АЪЗОЛАРИНИ ИККИ МАРТАДАН ЮВМОҚ

٤٣ – حَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ وَمُحَمَّدُ بْنُ رَافِعٍ، قَالَا: حَدَّثَنَا زَيْدُ بْنُ حُبَابٍ، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ ابْنِ ثَابِتِ بْنِ ثَوْبَانَ، قَالَ: حَدَّثَنِي عَبْدُ اللَّهِ بْنُ الْفَضْلِ، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ هُرْمُزَ – [هُوَ]: الأَعْرَجُ– عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَوَضَّأَ مَرَّتَيْنِ مَرَّتَيْنِ.

43. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки марта-икки мартадан** (таҳорат аъзоларини ювиб) **таҳорат олдилар».**

Бу бобда Жобирдан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-ғариб. Буни ёлғиз Ибн Савбоннинг Абдуллоҳ ибн ал-Фазлдан қилган ривояти орқали биламиз. Бу эса ҳасан-саҳиҳ бир исноддир.

Ҳаммом (ибн Ҳорис), Омир ал-Аҳвалдан, Атодан, Абу Ҳурайрадан: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уч марта-уч мартадан** (таҳорат аъзоларини ювиб) **таҳорат олдилар»** деб ривоят қилади.

34-БОБ. ТАҲОРАТ АЪЗОЛАРИНИ УЧ МАРТАДАН ЮВМОҚ

٤٤ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ، عَنْ سُفْيَانَ، عَنْ أَبِي إِسْحَقَ، عَنْ أَبِي حَيَّةَ، عَنْ عَلِيٍّ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَوَضَّأَ ثَلاثًا ثَلاثًا.

44. *Ҳазрати Али (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уч марта-уч мартадан** (таҳорат аъзоларини ювиб) **таҳорат олдилар».**

Бу бобда яна ҳазрати Усмон, Оиша (онамиз), Рубаййиъ, Ибн Умар, Абу Умома, Абу Рофиъ, Абдуллоҳ ибн Амр, Муъовия, Абу Ҳурайра, Жобир, Абдуллоҳ ибн Зайд ва Убай ибн Каъб (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ҳазрати Алининг ҳадиси бу бобдаги энг ҳасан ва энг саҳиҳ ҳадисдир. Чунки бу ҳадис ҳазрати Али (розийаллоҳу анҳу)дан бир қанча важҳлардан ривоят қилинган.

Илм аҳлининг кўпчилиги наздида амал шу ҳадис асосидадир: таҳорат аъзоларини бир мартадан ювиш кифоя, икки марта ювиш афзал, энг афзали уч мартадан ювмоқдирки, ундан кейин бошқа нарса йўқдир.

Ибн Муборак айтади: **«Таҳоратда уч мартадан ортиқ ювинса, гуноҳкор бўлади, деб қатъий айтолмайман»**. Аҳмад ва Исҳоқ: **«Фақат васвасали** (иккиланган) **киши уч мартадан ортиқ ювади»,** дейдилар.

35-БОБ. ТАҲОРАТ АЪЗОЛАРИНИ БИР, ИККИ ВА УЧ МАРТАДАН ЮВИШ ҲАҚИДА

٤٥ – حَدَّثَنَا إِسْمَعِيلُ بْنُ مُوسَى الْفَزَارِيُّ، حَدَّثَنَا شَرِيكٌ، عَنْ ثَابِتِ بْنِ أَبِي صَفِيَّةَ، قَالَ: قُلْتُ لأَبِي: جَعْفَرٍ حَدَّثَكَ جَابِرٌ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَوَضَّأَ مَرَّةً مَرَّةً وَمَرَّتَيْنِ مَرَّتَيْنِ وَثَلاثًا ثَلاثًا؟ قَالَ: نَعَمْ.

45. *Собит ибн Абу Сафиййадан ривоят қилинди; Абу Жаъфардан:* **«Жобир сенга Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир мартадан, икки мартадан ва уч мартадан** (таҳорат аъзоларини ювиб) **таҳорат олдилар, деб ҳадис айтганмиди?» деб сўрадим; «Ҳа!», деди.**

٤٦— قَالَ أبو عِيسَى: وَرَوَى وَكِيعٌ هَذَا الْحَدِيثَ عَنْ ثَابِتِ بْنِ أَبِي صَفِيَّةَ، قَالَ: قُلْتُ لأَبِي جَعْفَرٍ: حَدَّثَكَ جَابِرٌ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَوَضَّأَ مرَّةً مَرَّةً(٥) ؟ قَالَ: نَعَمْ.

[و] حَدَّثَنَا بِذَلِكَ هَنَّادٌ وَقُتَيْبَةُ، قَالاَ: حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنْ ثَابِتٍ [بْنِ أَبِي صَفِيَّةَ] .

46. Абу Ийсо (Термизий) айтди(лар): *Вакиъ (розийаллоҳу анҳу) Собит ибн Абу Сафиййадан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилган; Собит дедики:* **«Абу Жаъфардан: «Жобир сенга: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир марта-бир мартадан** (таҳорат аъзоларини ювиб) **таҳорат олдилар», деб ҳадис айтдими?», деб сўрадим; «Ҳа!», деди.**

Бу ҳадисни бизга Ҳаннод ва Қутайба баён қилдилар ва ўзларига эса Собит ибн Абу Сафиййадан Вакиъ сўзлаганини айтдилар.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис Шарикнинг ҳадисидан кўра асаҳҳ (саҳиҳроқ). Чунки (бу ҳадис) айни Вакиънинг ривоятидек қилиб Собитдан бир қанча важҳлардан ривоят қилинган. Шарик эса хатоси кўп кишидир. Собит ибн Абу Сафиййа – Абу Ҳамза ас-Сумолийдир.

36-БОБ. ТАҲОРАТ ОЛГАНДА АЪЗОЛАРДАН БИРИНИ ИККИ МАРТА ВА БИРИНИ УЧ МАРТА ЮВМОҚ

٤٧— حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ أَبِي عُمَرَ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ، عَنْ عَمْرِو بْنِ يَحْيَى، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ زَيْدٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَوَضَّأَ فَغَسَلَ وَجْهَهُ ثَلاَثًا، وَغَسَلَ يَدَيْهِ مَرَّتَيْنِ مَرَّتَيْنِ، وَمَسَحَ بِرَأْسِهِ، وَغَسَلَ رِجْلَيْهِ [مَرَّتَيْنِ].

47. *Абдуллоҳ ибн Зайд (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳорат олдилар: юзларини уч марта ювдилар, икки қўлларини икки мартадан ювдилар, бошларига масҳ тортдилар ва оёқларини икки мартадан ювдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Бошқа ҳадисда: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳорат аъзоларидан баъзисини бир марта, баъзисини эса уч марта ювиб таҳорат олдилар»** деб зикр қилинган.

Баъзи аҳли илмлар бунга рухсат берганлар: кишининг таҳорат аъзоларидан баъзисини уч марта, баъзисини икки марта ёки бир марта ювиб таҳорат олишининг зарари йўқ, деб ҳисоблайдилар.

37-БОБ. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ ҚАНДАЙ ТАҲОРАТ ОЛГАНЛАР?

٤٨- حَدَّثَنَا هَنَّادٌ وَقُتَيْبَةُ[٢]، قَالاَ: حَدَّثَنَا أَبُو الأَحْوَصِ، عَنْ أَبِي إِسْحَقَ، عَنْ أَبِي حَيَّةَ قَالَ: رَأَيْتُ عَلِيًّا تَوَضَّأَ فَغَسَلَ كَفَّيْهِ حَتَّى أَنْقَاهُمَا، ثُمَّ مَضْمَضَ ثَلاَثًا، وَاسْتَنْشَقَ ثَلاَثًا، وَغَسَلَ وَجْهَهُ ثَلاَثًا، وَذِرَاعَيْهِ ثَلاَثًا، وَمَسَحَ بِرَأْسِهِ مَرَّةً، ثُمَّ غَسَلَ قَدَمَيْهِ إِلَى الْكَعْبَيْنِ، ثُمَّ قَامَ فَأَخَذَ فَضْلَ طَهُورِهِ فَشَرِبَهُ، وَهُوَ قَائِمٌ، ثُمَّ قَالَ: أَحْبَبْتُ أَنْ أُرِيَكُمْ كَيْفَ كَانَ طُهُورُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ.

48. *Абу Ҳаййа (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; у деди:* «(Ҳазрати) **Алининг таҳорат олганларини кўрдим: қўлларини** (бандигача) **токи топ-тоза бўлгунича ювдилар, кейин уч марта оғиз чайқадилар, уч марта бурунга сув олиб ювдилар, уч марта юзларини ювдилар, уч марта қўлларини** (тирсаклари билан қўшиб) **ювдилар, бошларига бир марта масҳ тортдилар, кейин оёқларини тўпиқлари билан ювдилар; кейин ўринларидан туриб, таҳоратдан ортган сувни олдилар ва тик турган ҳолда ичдилар. Сўнгра бундай дедилар: «Сизларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг таҳорат олишлари қандай эканини кўрсатгим келди».**

Бу бобда ҳазрати Усмон, Абдуллоҳ ибн Зайд, Ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Амр, Рубаййиъ, Абдуллоҳ ибн Унайс ва Оиша (онамиз розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

٤٩- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ وَهَنَّادٌ، قَالاَ: حَدَّثَنَا أَبُو الأَحْوَصِ، عَنْ أَبِي إِسْحَقَ، عَنْ عَبْدِ خَيْرٍ ذَكَرَ عَنْ عَلِيٍّ مِثْلَ حَدِيثِ أَبِي حَيَّةَ، إِلاَّ أَنَّ عَبْدَ خَيْرٍ، قَالَ: كَانَ إِذَا فَرَغَ مِنْ طُهُورِهِ أَخَذَ مِنْ فَضْلِ طَهُورِهِ بِكَفِّهِ فَشَرِبَهُ.

49. *Абдухайр (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* «У Абу Ҳаййанинг Ҳазрати Алидан ривоят қилган ҳадисини айнан нақл этади, фақат (ҳадис охирида) бундай дейди: **«Таҳоратдан фориғ бўлгач, таҳоратдан ортган сувдан кафтига олиб ичар эдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Абу Исҳоқ ал-Ҳамдоний Ҳазрати Алининг бу ҳадисини, Абу Ҳаййа, Абухайр ва ал-Ҳориснинг ҳар бирлари орқали Ҳазрати Алидан ривоят қилган. Қудома ва яна бошқалар Холид ибн Алқамадан, Абдухайрдан, Ҳазрати Али (розийаллоҳу анҳу)дан таҳорат ҳадисини тўлиқ матни билан ривоят қилганлар.

Ва бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Шуъба бу ҳадисни Холид ибн Алқамадан ривоят қилади. Аммо ҳадисни ривоят қилган кишининг исми ва отасининг исмида янглишгани учун: «Молик ибн Урфутадан, Абдухайрдан, ҳазрати Алидан...» – дейди.

Абу Авонанинг ривоятида: «Холид ибн Алқамадан, Абдухайрдан, Ҳазрати Алидан» дегани ривоят қилиниши билан бирга, худди Шуъбадек у ҳам: «Молик ибн Урфутадан» дегани алоҳида ривоят қилинган. Тўғриси «Холид ибн Алқама»дир.

38-БОБ. ТАҲОРАТДАН КЕЙИН ЭТАККА (ИЧ КИЙИМГА) СУВ СЕПМОҚ

٥٠ – حَدَّثَنَا نَصْرُ بْنُ عَلِيٍّ [الْجَهْضَمِيُّ] وَأَحْمَدُ بْنُ أَبِي عُبَيْدِ اللَّهِ السَّلِيمِيُّ الْبَصْرِيُّ، قَالَا: حَدَّثَنَا أَبُو قُتَيْبَةَ سَلْمُ بْنُ قُتَيْبَةَ، عَنِ الْحَسَنِ بْنِ عَلِيٍّ الْهَاشِمِيِّ، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الأَعْرَجِ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «جَاءَنِي جِبْرِيلُ فَقَالَ: يَا مُحَمَّدُ، إِذَا تَوَضَّأْتَ فَانْتَضِحْ».

50. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Жаброил** (алайҳиссалом) **олдимга келди ва: «Ё Муҳаммад! Қачон таҳорат олсанг, сув сеп!» – деди.**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ғариб.

Муҳаммад (ал-Бухорий)нинг бундай деганини эшитдим: **«Ҳасан ибн Али ал-Ҳошимийнинг ҳадиси мункардир».**

Бу бобда Абул-Ҳакам ибн Суфён, Ибн Аббос, Зайд ибн Ҳориса, Абу Саъид ал-Худрий (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Баъзи муҳаддислар Суфён ибн Ҳакам ёки Ҳакам ибн Суфён дейишиб, бу ҳадис (ривояти)да изтиробга йўл қўйганлар.

ШАРҲ. Қози Абу Бакр ибн ал-Арабий Термизий асарига ёзган «Оридатул-аҳвазий», номли шарҳида бундай дейди: «Уламои киром бу ҳадиснинг шарҳида тўрт хил қавлга эга бўлганлар:

1. Биринчи қавлга кўра ҳадиснинг маъноси бундай: «Таҳорат олаётганда сувни ювиладиган аъзонинг устига қуй ва ювилиши керак бўлган аъзони масҳ қилиш билан кифояланма!».

2. Артиш ва силкитиш билан таҳорат аъзосини қурит.

3. Тош билан покланган киши таҳорат олаётган вақтда сув билан покланмоғи лозим.

4. Закаридан томчи томдими-томмадими, деган васвасани кетказиш учун этагига (ич кийимига) озгина сув сепиши лозим. Ҳадисда қўлланган «**фантазиҳ**» ибораси шу тўрт маънода келгани эҳтимолдир.

Ал-Хаттобий «**Маъолимус-сунан**» асарида бу ибора шу ўринда сув билан истинжо қилиш маъносида келганини айтади. Аммо шайтоннинг васвасасини тўсиш учун этакка сув сепилади, деб таъвил қилиш ҳам мумкинлигини билдиради. Имом Нававий, бу ўринда иккинчи маъно, яъни «этакка сув сепиш лозим», деган маъно қасд қилинганини зикр қилган. Термизийнинг шарҳловчиси Шайх Муборакфурий ҳам шу фикрни таржиҳ қилади ва бундай дейди: «Ҳақиқат шуки, бу ҳадисда ворид бўлган «**интизаҳ**» дейилишидан мурод, закаридан сув томди, деган васвасанинг олдини олиш учун таҳоратдан кейин этакка (ич кийимга) бир оз сув сепишдир. Чунончи, бу бобда ривоят қилинган ҳадисларнинг кўпидаги лафзлар шунга далолат қилади».

39-БОБ. ТАҲОРАТНИ МУКАММАЛ ОЛМОҚ

٥١ – حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، أخبرنا إِسْمَعِيلُ بْنُ جَعْفَرٍ، عَنِ الْعَلاَءِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَلاَ أَدُلُّكُمْ عَلَى مَا يَمْحُو اللَّهُ بِهِ الْخَطَايَا وَيَرْفَعُ بِهِ الدَّرَجَاتِ، قَالُوا: بَلَى يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: «إِسْبَاغُ الْوُضُوءِ عَلَى الْمَكَارِهِ، وَكَثْرَةُ الْخُطَا إِلَى الْمَسَاجِدِ، وَانْتِظَارُ الصَّلاَةِ بَعْدَ الصَّلاَةِ، فَذَلِكُمُ الرِّبَاطُ».

51. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ хатоларни нима билан ювмоғини ва даражаларни нима билан юксалтирмоғини сизларга хабар қилайинми?». Айтишди: «Ҳа, Ё Расулаллоҳ!** (хабар қилинг!)**». Дедиларки: «Қийинчиликларга қарамай таҳоратни тўлиқ олмоқ, масжидлар сари қадамни кўпайтирмоқ, намоздан кейин намозни кутмоқ. Мана, сизлар учун рибот** (Аллоҳга маҳкам боғланиш) **ана шудир!»**

٥٢ وحَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الْعَزِيزِ بْنُ مُحَمَّدٍ، عَنِ الْعَلاَءِ نَحْوَهُ، وَقَالَ قُتَيْبَةُ فِي حَدِيثِهِ: «فَذَلِكُمُ الرِّبَاطُ، فَذَلِكُمُ الرِّبَاطُ، فَذَلِكُمُ الرِّبَاطُ» ثَلاَثًا.

52. *Қутайба худди шу ҳадисни бизга Абдулазиз ибн Муҳаммаддан, Ал-Аълодан, унинг отасидан, Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан айнан баён қилиб берди ва ўз ҳадисида:* **«Мана, сизлар учун рибот ана шудир, мана, сизлар учун рибот ана шудир, мана, сизлар учун рибот ана шудир»,** деб уч марта айтди.

Бу бобда Али, Абдуллоҳ ибн Амр, Ибн Аббос, Обида – уни Убайда ҳам дейишади – ибн Амр, Оиша, Абдурраҳмон ибн Оиш ал-Ҳадрамий ва Анас (розийаллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Ҳурайранинг бу бобдаги ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Ал-Аъло ибн Абдурраҳмон, у – Яъқуб ал-Жуҳаний ал-Ҳуроқийнинг ўғли бўлиб, муҳаддислар наздида сиқа (ишончли киши)дир.

40-БОБ. ТАҲОРАТДАН КЕЙИН СОЧИҚ ИШЛАТМОҚ

٥٣– **حَدَّثَنَا** سُفْيَانُ بْنُ وَكِيعِ بْنِ الْجَرَّاحِ، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ وَهْبٍ، عَنْ زَيْدِ بْنِ حُبَابٍ عَنْ أَبِي مُعَاذٍ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ عُرْوَةَ، عَنْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: كَانَ لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خِرْقَةٌ يُنَشِّفُ بِهَا بَعْدَ الْوُضُوءِ.

53. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо онамиз)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир сочиқлари бор эди, таҳоратдан кейин ўша билан артинар эдилар»**.

Абу Ийсо деди(лар): Оиша (онамиз)нинг бу ҳадиси билан истидлол (далил-исбот) қоим эмас. Бу бобда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қилинган саҳиҳ бир ривоят деярли йўқ.

Муҳаддислар Абу Муъознинг Сулаймон ибн Арқам эканини айтадилар. Бу киши муҳаддислар наздида заифдир.

Бу бобда Муъоз ибн Жабал (розийаллоҳу анҳу)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

٥٤– **حَدَّثَنَا** قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا رِشْدِينُ بْنُ سَعْدٍ، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ زِيَادِ بْنِ أَنْعُمٍ، عَنْ عُتْبَةَ بْنِ حُمَيْدٍ، عَنْ عُبَادَةَ بْنِ نُسَيٍّ، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ غَنْمٍ، عَنْ مُعَاذِ بْنِ جَبَلٍ قَالَ رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا تَوَضَّأَ مَسَحَ وَجْهَهُ بِطَرَفِ ثَوْبِهِ.

54. *Муъоз ибн Жабал (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди, у деди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрдим, таҳорат олганларида юзларини этакларининг учи билан артдилар»**.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ғариб ва исноди заифдир. Ришдийн ибн Саъд ва Абдурраҳмон ибн Зиёд ибн Анъум ал-Ифриқий иккалалари ҳадис бобида заиф эканликлари қайд этилган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобеъийнлардан бўлган илм аҳлларидан бир тоифаси таҳоратдан кейин сочиқ ишлатишга рухсат берганлар. Артишни кариҳ кўрганлар эса: **«Таҳорат** (мезонда) **тортилади»** деган сўзга бинон кариҳ

кўргандирлар. Бу эса Саъид ибн Мусаййаб ва аз-Зуҳрийдан ривоят қилинади; аз-Зуҳрий бундай дейди: **«Таҳоратдан кейин сочиқ ишлатишни макруҳ деб қаралишининг ягона сабаби шуки, таҳорат** (амал тарозусида) **тортилгайдир».**

41-БОБ. ТАҲОРАТДАН КЕЙИН ЎҚИЛАДИГАН ДУО

٥٥ حدثناجعفرُ بْنُ مُحَمَّدِ بْنِ عِمْرَانَ الثَّعْلَبِيُّ الْكُوفِيُّ، حَدَّثَنَا زَيْدُ بْنُ حُبَابٍ، عَنْ مُعَاوِيَةَ بْنِ صَالِحٍ، عَنْ رَبِيعَةَ بْنِ يَزِيدَ الدِّمَشْقِيِّ، عَنْ أَبِي إِدْرِيسَ الْخَوْلَانِيِّ وَأَبِي عُثْمَانَ، عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ قَالَ: قَالَ رسول اللّٰهِ صَلَّى اللّٰهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ تَوَضَّأَ فَأَحْسَنَ الْوُضُوءَ، ثُمَّ قَالَ أَشْهَدُ أَنْ لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللّٰهُ وَحْدَهُ لاَ شَرِيكَ لَهُ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ، اللّٰهُمَّ اجْعَلْنِي مِنَ التَّوَّابِينَ، وَاجْعَلْنِي مِنَ الْمُتَطَهِّرِينَ، فُتِحَتْ لَهُ ثَمَانِيَةُ أَبْوَابِ الْجَنَّةِ يَدْخُلُ مِنْ أَيِّهَا شَاءَ» .

55. *(Ҳазрати) Умар ибн Хаттоб (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Кимки таҳорат олганда чиройли таҳорат қилса ва кейин**: «**Ашҳаду ан-ло илоҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ло шарика лаҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳ. Аллоҳуммажъалний минат-таввобийна важъалний минал-мутатоҳҳирийн**» («**Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, у яккаю ягонадир, шериги йўқдир ва гувоҳлик бераманки, Муҳаммад унинг бандаси ва элчисидир. Аллоҳим, мени** (ҳақиқий) **тавба қилгувчилардан ва поклангувчилардан айлагин!**») **деса, унга жаннатнинг саккиз эшиги очилгайдир ва у хоҳлаган эшигидан киргайдир**!»

Бу бобда Анас ва Уқба ибн Омир (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ҳазрати Умарнинг ҳадисида ровийлардан Зайд ибн Ҳубоба борасида мухолафат қилинган.

Абдуллоҳ ибн Солиҳ ва яна бошқалар бу ҳадисни «Муъовия ибн Солиҳдан, Робиъа ибн Язиддан, Абу Идрийсдан, Уқба ибн Омирдан, (ҳазрати) Умардан» деб ва айни вақтда «Робиъадан, Абу Усмондан, Жубайр ибн Нуфайрдан, Умардан» деб ривоят қилганлар.

Бу ҳадиснинг исноди изтироб бор. Чунончи, бу бобда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан саҳиҳ бир нарса ривоят қилинмаган.

Муҳаммад (ал-Бухорий): «Абу Идрийс (ҳазрати) Умарнинг ўзидан ҳеч бир ҳадис эшитган эмас», дейди.

42-БОБ. БИР МУДД (ТАҚРИБАН БИР ЛИТР) СУВ БИЛАН ТАҲОРАТ ОЛМОҚ

٥٦ – **حَدَّثَنَا** أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ وَعَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، قَالاَ: حَدَّثَنَا إِسْمَعِيلُ ابْنُ عُلَيَّةَ، عَنْ أَبِي رَيْحَانَةَ، عَنْ سَفِينَةَ:

أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَتَوَضَّأُ بِالْمُدِّ، وَيَغْتَسِلُ بِالصَّاعِ.

56. *Сафина (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир мудд сув билан таҳорат олиб, бир соъ сув билан ғусл қилар эдилар».**

(Абу Ийсо) деди(лар): Бу бобда яна Оиша (онамиз), Жобир ва Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Сафинанинг ҳадиси ҳасан саҳиҳ.

Абу Райҳонанинг исми – Абдуллоҳ ибн Матор.

Шундай қилиб, илм аҳлидан баъзилари таҳоратни бир мудд сув билан, ғуслни эса бир соъ сув билан қилинади, деган фикрдалар. Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ бундай дейишади: «**Бу ҳадиснинг маъноси, шундан кўпи ёки ози жоиз эмас**» деган тарздаги бир таҳдид ёки чеклаш эмас, фақат етарли бўладиган миқдорни билдиради, холос.

ИЗОҲ. Мудд – бир бутун учдан бир ратл ёки 675 грамм, ёхуд 0,688 литр, яъни тақрибан бир литр сувга тўғи келадиган Ироқ ўлчовидир. Баъзи Ҳанафий уламолари эса муддни икки ратл (900 грамм) деб айтганлар. Ал-Айний «Умдатул-Қорий» китобида «У – яъни, мудд – Имом Абу Ҳанифа фикрига кўра икки ратл (бир ярим литрга яқин), Имом Шофиъий фикрича, бир бутун учдан бир ратлдир. **Соъ эса** Имом Абу Юсуф фикрига кўра **Ироқ ратлидир**ки, Имом Молик, Имом Шофиъий ва Имом Аҳмаднинг ҳам қавли шудир.

Имом Абу Ҳанифа ва Имом Муҳаммад: **«Бир соъ саккиз ратлдир** (5.0504 литр ёки 5400 грамм)**»**, дейдилар (беш ярим литрдан сал ортиқ). Имом Абу Юсуф эса бир соъни беш бутун ўндан бир ратл (3.0784 литр, яъни тўрт литрга яқин ёки 3.712.05 грамм) деб тўхталганлар.

43-БОБ. ТАҲОРАТДА СУВНИ ИСРОФ ҚИЛИШ МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

٥٧ – **حَدَّثَنَا** مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ الطَّيَالِسِيُّ، حَدَّثَنَا خَارِجَةُ بْنُ مُصْعَبٍ، عَنْ يُونُسَ بْنِ عُبَيْدٍ، عَنِ الْحَسَنِ، عَنْ عُتَيِّ بْنِ ضَمْرَةَ السَّعْدِيِّ، عَنْ أُبَيِّ بْنِ كَعْبٍ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «**إِنَّ لِلْوُضُوءِ شَيْطَانًا يُقَالُ لَهُ: الْوَلَهَانُ، فَاتَّقُوا وَسْوَاسَ الْمَاءِ**».

57. *Убай ибн Каъбдан ривоят қилинди;* «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «**Таҳоратнинг бир шайтони бор, уни Валаҳан дейишади. Сувнинг восвосидан** (яъни, шайтонидан, шубҳага берилиб, сувни исроф қилишдан) **сақланингизлар».**

Бу бобда яна Абдуллоҳ ибн Амр ва Абдуллоҳ ибн Муғаффалдан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Убай ибн Каъбнинг ҳадиси ғарибдир ва бу ҳадиснинг исноди муҳаддислар наздида қувватли ва саҳиҳ эмас. Чунки Хорижадан бошқа бу ҳадиснинг санадини боғлаган (марфуъ тарзида ривоят қилган) кишини билмаймиз.

Бу ҳадис Ҳасандан бир қанча важҳлардан ривоят қилинди. Бироқ, бу бобда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан саҳиҳ бир ҳадис ривоят қилинмаган. Хорижа, биродарларимизнинг назарида, қувватли ровий эмас. Ибн Муборак, Хорижанинг (ҳадис бобида) заиф эканини қайд этган.

44-БОБ. ҲАР БИР НАМОЗ УЧУН АЛОҲИДА ТАҲОРАТ ОЛМОҚ

٥٨- حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ حُمَيْدٍ الرَّازِيُّ، حَدَّثَنَا سَلَمَةُ بْنُ الْفَضْلِ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِسْحَقَ، عَنْ حُمَيْدٍ، عَنْ أَنَسٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَتَوَضَّأُ لِكُلِّ صَلاَةٍ طَاهِرًا، أَوْ غَيْرَ طَاهِرٍ، قَالَ: قُلْتُ لأَنَسٍ: فَكَيْفَ كُنْتُمْ تَصْنَعُونَ أَنْتُمْ؟ قَالَ: كُنَّا نَتَوَضَّأُ وُضُوءًا وَاحِدًا.

58. *Ҳазрати Анас (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам хоҳ таҳоратли бўлсинлар, хоҳ таҳоратли бўлмасинлар, ҳар бир намоз учун таҳорат олар эдилар».** (Ҳумайд) **айтади: «Анасдан сўрадим: «Сизлар қандай қилар эдингизлар?»** (Анас) **деди: «Бизлар бир таҳорат олар эдик** (таҳоратли ҳолда қайта таҳорат олишни лозим санамас эдик)**».**

Абу Ийсо деди(лар): Ҳумайднинг Анасдан қилган ривояти бу важҳдан ҳасан-ғариб. Муҳаддислар наздида машҳур бўлган ривоят Амр ибн Омир ал-Ансорийнинг Анасдан қилган ривоятидир. Баъзи илм аҳли ҳар бир намоз учун (алоҳида) таҳорат олмоқни вожиб эмас, балки мустаҳаб деб ҳисоблайдилар.

٥٩- وَقَدْ رُوِيَ فِي حَدِيثٍ عَنِ ابْنِ عُمَرَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ: «مَنْ تَوَضَّأَ عَلَى طُهْرٍ كَتَبَ اللَّهُ لَهُ بِهِ عَشْرَ حَسَنَاتٍ».

59. *Ҳазрати Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Ким таҳорат устига таҳорат олса, Аллоҳ бу сабабли унга ўн ҳасана** (савоб) **ёзгайдир».**

(Абу Ийсо) деди(лар): Бу ҳадисни Ал-Ифриқий Абу Ғутайфдан, Ибн Умардан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади. Ҳусайн ибн Хурайс ал-Марвазий бу ҳадисни бизга Ал-Ифриқийдан, Муҳаммад ибн Язид ал-Воситий орқали баён қилиб бергандир. Бу иснод заифдир.[23]

Али ибн ал-Мадиний Яҳё ибн Саъид ал-Қаттондан нақл этиб, бундай дейди: «Бу ҳадис Ҳишом ибн Урвага зикр қилинганида: «Бу бир Машриқ иснодидир»[24], деди.

Аҳмад ибن Ҳасандан эшитдим, айтдики: «Аҳмад ибн Ҳанбалнинг: «Менинг кўзларим Яҳё ибн Саъид ал-Қаттон кўргани каби кўрмади», деганини унинг ўзидан эшитдим.

٦٠ - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ وَعَبْدُ الرَّحْمَنِ [هُوَ]: ابْنُ مَهْدِيٍّ - قَالاَ: حَدَّثَنَا سُفْيَانُ [بْنُ سَعِيدٍ]، عَنْ عَمْرِو بْنِ عَامِرٍ الأَنْصَارِيِّ قَالَ: سمعت أَنَسَ بْنَ - مَالِكٍ يَقُولُ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَتَوَضَّأُ عِنْدَ كُلِّ صَلاَةٍ، قُلْتُ: فَأَنْتُمْ مَا كُنْتُمْ تَصْنَعُونَ؟ قَالَ: كُنَّا نُصَلِّي الصَّلَوَاتِ كُلَّهَا بِوُضُوءٍ وَاحِدٍ مَا لَمْ نُحْدِثْ.

60. *Амр ибн Омир ал-Ансорий (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* Анас ибн Моликдан эшитдим, у деди: **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар намоз олдидан таҳорат олар эдилар».** (Анасдан): **«Сизлар нима қилар эдингизлар?» деб сўрадим.** (Анас) **деди: «Биз то таҳоратимиз бузилмагунча, ҳамма намозларни бир таҳорат билан ўқийверар эдик».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ. Ҳумайд Анасдан ривоят қилган ҳадис эса ҳасан-ғариб.

ШАРҲ. (58,59,60-ҳадислар учун.) Ҳатто илм аҳлининг кўпи ҳар намоз учун таҳорат олишни мустаҳаб деб ҳисоблайдилар. Таҳовий «Ал-Осор» шарҳида бундай дейди: «Баъзиларнинг фикрича, муқим кишиларга ҳар намоз учун таҳорат олиш лозимдир. Лекин уламонинг кўпчилиги таҳорат фақат ҳадас (таҳорат бузилиши) туфайли вожиб деб тўхталганлар».

Ҳофиз Ибнул-Ҳажар «Фатҳ-ул-Борий» асарида бундай дейди: **«Қачон намозга турсангизлар, юзларингизни ювингизлар»**, деган ояти карима тафсирида салаф олимлари ихтилоф қилдилар: «Кўплари бу оятда: «**Намозга турмоқчи бўлганингизда агар таҳоратсиз бўлсангиз**» деган маънони бердилар. Баъзилар эса оятнинг зоҳирини олиб, аввалларида ҳар бир намоз учун таҳорат олиш вожиб эканини айтган, кейин эса бу ҳукмнинг насх (бекор) бўлгани ёки истимсор (доимий) бўлгани ҳақида ихтилоф қилганлар...»

[23] Чунки Ал-Ифриқий заиф ва Абу Ғутайф мажҳулдир (Муборакфурий).

[24] Яъни, бу ҳадиснинг ровийлари машриқликлардир (Муборакфурий).

Ижмоъ (олимлар жамоаси иттифоқи) эса: «Ҳар намоз учун таҳорат олиш вожиб эмас, балки фақат мустаҳабдир» деган қатъий фикрдир.

Ибн Раслон айтадики: «(59-ҳадисда келган) «ўн ҳасана»дан мурод – ўн таҳорат савоби эканлиги мувофиқдир. Чунки Аллоҳ таоло бир ҳасанага (яхшиликка) камида ўн ҳасана билан жавоб қайтаришни ваъда қилган». «Шарҳ-ус-Сунна»да айтилишича, агар аввалги таҳорати билан намоз ўқиган бўлса, кейин таҳоратни янгилаш мустаҳабдир, акс ҳолда, баъзилар, бунинг макруҳ эканини айтганлар. Ал-Қорий, макруҳ бўлишига сабаб исроф эҳтимоли борлигидандир, деган.

Ҳофиз ал-Мунзирий «Ат-Тартиб» китобида ҳам: **«Таҳорат устига таҳорат олиш нур устига нурдир» деган сўз Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисидан эканини хотирлай олмайман, балки салафлардан бирортасининг сўзидир»**, дейди.

45-БОБ. НАМОЗЛАРНИ БИР ТАҲОРАТ БИЛАН ЎҚИМОҚ

٦١- حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ، عَنْ سُفْيَانَ، عَنْ عَلْقَمَةَ بْنِ مَرْثَدٍ، عَنْ سُلَيْمَانَ بْنِ بُرَيْدَةَ، عَنْ أَبِيهِ، قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَتَوَضَّأُ لِكُلِّ صَلَاةٍ، فَلَمَّا كَانَ عَامُ الْفَتْحِ صَلَّى الصَّلَوَاتِ كُلَّهَا بِوُضُوءٍ وَاحِدٍ، وَمَسَحَ عَلَى خُفَّيْهِ، فَقَالَ عُمَرُ: إِنَّكَ فَعَلْتَ شَيْئًا لَمْ تَكُنْ تَفْعَلُهُ! قَالَ: «عَمْدًا فَعَلْتُهُ».

61. *(Сулаймон ибн Бурайданинг отаси) Бурайда (розийаллоҳу анҳу) дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар бир намоз учун** (янги) **таҳорат олар эдилар.** (Макка) **фатҳ**(и) **йили эса ҳамма намозларни бир таҳорат билан ўқидилар ва маҳсилари устига масҳ тортдилар. Шунда** (Ҳазрати) **Умар: «**(Ё Расулаллоҳ!) **Илгари қилмаган бир ишни қилдингиз-ку?!» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Буни қасдан қилдим!» дедилар.**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Бу ҳадисни яна Али ибн Козим Суфён Саврийдан ушбу қўшимча билан ривоят қилади: «(Таҳорат аъзоларини) **бир мартадан ювиб таҳорат олдилар»**.

Суфён Саврий айни вақтда бу ҳадисни Муҳориб ибн Дисордан, Сулаймон ибн Бурайдадан ривоят қилади: «**Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар бир намоз учун** (алоҳида) **таҳорат олар эдилар»**.

Вакиъ Суфёндан, Муҳорибдан, Сулаймон ибн Бурайдадан, унинг отасидан шу ҳадисни ривоят қилди. Абдурраҳмон ибн Маҳдий ва бошқалар, Суфёндан, Муҳориб ибн Дисордан, Сулаймон ибн Бурайдадан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шу ҳадисни

мурсал тарзида ривоят қилдилар. Бу ривоят Вакиънинг ривоятидан кўра саҳиҳдир.

Илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир: **таҳорат бузилмагунча, намозларни бир таҳорат билан ўқийверади.** Баъзилари эса мустаҳаб сифатида ҳамда фазилатга эришишни мурод этиб, ҳар намоз учун янги таҳорат олар эди.

Ал-Ифриқийдан, Абу Ғутайфдан, Ибн Умардан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинади: **«Кимки таҳорат устига таҳорат олса, бу таҳоратига жавобан Аллоҳ унга ўн ҳасана** (савоб) **ёзгайдир».** Бу иснод эса заифдир.

Бу бобда Жобир ибн Абдуллоҳдан ушбу ҳадис ривоят қилинган: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам пешин ва аср намозларини бир таҳорат билан ўқидилар».**

46-БОБ. ЭР БИЛАН ХОТИННИНГ БИР ИДИШДАН ЮВИНМОҚЛАРИ

٦٢– حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ، عَنْ عَمْرِو بْنِ دِينَارٍ، عَنْ أَبِي الشَّعْثَاءِ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: حَدَّثَتْنِي مَيْمُونَةُ، قَالَتْ: كُنْتُ أَغْتَسِلُ أَنَا وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ إِنَاءٍ وَاحِدٍ؛ مِنَ الْجَنَابَةِ.

62. *Ҳазрати Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди;* «(Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари) Майму-на (розийаллоҳу анҳо) айтдилар: **«Мен ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жанобатдан покланишда бир идишдан ғусл қилар эдик».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Барча фақиҳларнинг қавли шудир: **«Эр билан хотиннинг бир идишдан ғусл қилишларида зарар йўқ».** Бу бобда Али, Оиша, Анас, Умму Ҳоний, Умму Субаййа ал-Жуҳаниййа, Умму Салама ва Ибн Умар (розийаллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абуш-Шаъсаънинг исми – Жобир ибн Зайд.

47-БОБ. АЁЛ КИШИНИНГ ТАҲОРАТИДАН ОРТГАН СУВ МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

٦٣ – حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلَانَ، قَالَ: حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنْ سُفْيَانَ، عَنْ سُلَيْمَانَ التَّيْمِيِّ، عَنْ أَبِي حَاجِبٍ، عَنْ رَجُلٍ مِنْ بَنِي غِفَارٍ، قَالَ: نَهَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ فَضْلِ طَهُورِ الْمَرْأَةِ.

63. *Бани Гифордан бўлмиш бир кишидан*[25] *ривоят қилинди, у деди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хотин кишининг таҳоратидан ортган сув** (билан таҳорат олиш)**дан қайтардилар».**

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Саржисдан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Айрим фақиҳлар хотин кишининг таҳоратидан ортган сув билан таҳорат олмоқни макруҳ деб ҳисоблайдилар. Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли мана бундай: «Хотин кишининг таҳоратидан ортган сув макруҳ, аммо ичган сувидан ортганининг зарари йўқ».

٦٤– حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ وَمَحْمُودُ بْنُ غَيْلاَنَ، قَالاَ: حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ، عَنْ شُعْبَةَ، عَنْ عَاصِمٍ قَالَ: سمعت أَبَا حَاجِبٍ يُحَدِّثُ عَنِ الْحَكَمِ بْنِ عَمْرٍو الْغِفَارِيِّ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى أَنْ يَتَوَضَّأَ الرَّجُلُ بِفَضْلِ طَهُورِ الْمَرْأَةِ، أَوْ قَالَ: بِسُؤْرِهَا.

64. *Ал-Ҳакам ибн Амр ал-Гифорийдан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам эркак кишини хотин кишининг таҳоратидан ортган сувидан – ёки қолдиғидан – таҳорат олишдан қайтардилар»**.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан. Абу Ҳожибнинг исми – Савада ибн Осим.

Муҳаммад ибн Башшор ўз ҳадисида: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эркакни хотин кишининг таҳоратидан ортган сув билан таҳорат олишдан қайтардилар»,** дейди ва бу хусусда шак-шубҳага бормайди.

48-БОБ. АЁЛ КИШИНИНГ ТАҲОРАТИДАН ОРТГАН СУВГА ТАҲОРАТ ОЛИШГА РУХСАТ БОРЛИГИ

٦٥– حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا أَبُو الأَحْوَصِ، عَنْ سِمَاكِ بْنِ حَرْبٍ، عَنْ عِكْرِمَةَ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: اغْتَسَلَ بَعْضُ أَزْوَاجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي جَفْنَةٍ، فَأَرَادَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يَتَوَضَّأَ مِنْهُ، فَقَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنِّي كُنْتُ جُنُبًا، فَقَالَ: «إِنَّ الْمَاءَ لاَ يُجْنِبُ».

65. *Ҳазрати Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жуфти покларидан бирлари жафнада** (тоғорада) **ғусл қилдилар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўша идишдан таҳорат олмоқчи бўлган эдилар, аёллари**

[25] Ҳофиз ибн Ҳажар бу кишининг Ал-Ҳакам ибн Амр эканлигини айтади.

айтдилар: «Ё Расулаллоҳ! Мен жунуб эдим». Шунда: (Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам)**: «Сув жунуб эмас-ку!» дедилар.**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.
Суфён Саврий, Молик ва Шофиъийнинг қавли шудир.

ШАРҲ. Яъни, жуфти мутаҳҳаралари «Жунуб эдим» дейиш билан: «Бу идишдаги сув менинг ғусл таҳоратимдан ортиб қолган сувдир», демоқчи бўлдилар. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам бунда ҳеч қандай монеълик йўқ эканини билдирдилар.

Бу ҳадисни Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Имом Абу Довуд ва Имом Насоий ҳам тахриж қилганлар. Имом Аҳмад ва Имом Муслим Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жуфти поклари Маймуна (розийаллоҳу анҳо)нинг ғусл таҳоратидан ортган сув билан ювинганларини Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қиладилар. Бу ривоятда ўша жуфтилари ҳазрати Маймуна (розийаллоҳу анҳо) эканлари билдирилмоқда. Шу ҳадисга таяниб, ўтган бобда ворид бўлган наҳй (қайтариш) танзиҳ учун экани айтилган. Шунингдек, бу борада бундай дейилади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам жуфти поклари Маймуна (розийаллоҳу анҳо)нинг ғусл таҳоратидан ортган сувга таҳорат олмоқчи бўлганларида, у кишининг: «Мен жунуб эдим» дейишлари, наҳйнинг (маън этишнинг) анча олдинроқ мавжуд эканига далолат қилади. Бу ҳолатда ижозат ҳадиси тақиқ ҳадисининг ҳукмини насх этувчи – бекор қилувчидир».

49-БОБ. (КЎП) СУВНИ ҲЕЧ НАРСА БУЛҒАЙ ОЛМАЙДИ

٦٦- حَدَّثَنَا هَنَّادٌ وَالْحَسَنُ بْنُ عَلِيٍّ الْخَلَّالُ وَغَيْرُ وَاحِدٍ، قَالُوا: حَدَّثَنَا أَبُو أُسَامَةَ، عَنِ الْوَلِيدِ بْنِ كَثِيرٍ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ كَعْبٍ، عَنْ عُبَيْدِ اللَّهِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ رَافِعِ بْنِ خَدِيجٍ، عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ، قَالَ: قِيلَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَنَتَوَضَّأُ مِنْ بِئْرِ بُضَاعَةَ، وَهِيَ بِئْرٌ يُلْقَى فِيهَا الْحِيَضُ وَلُحُومُ الْكِلَابِ وَالنَّتْنُ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ الْمَاءَ طَهُورٌ لَا يُنَجِّسُهُ شَيْءٌ».

66. *Абу Саъид ал-Худрий (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Айтилдики: «Ё Расулаллоҳ! Бузоъа қудуғидан таҳорат олаверайликми? У қудуқ эса ҳайз латталари, итларнинг ўлиги ва сассиқ нарсалар ташланган бир қудуқдир!» Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Муҳаққақки,** (кўп) **сув покдир, уни ҳеч нарса булғай олмайди!»**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан. Абу Усома бу ҳадисни жайиид (сара) дейди. Абу Саъиднинг Бузоъа қудуғи ҳақидаги ҳадисини Абу Усоманинг ривоятидан кўра ҳасан (чиройлироқ) қилиб ҳеч ким

ривоят қилмаган. Бу ҳадис Абу Саъиддан бир қанча важҳлардан ривоят қилинган, деб топилмоқда.

Бу бобда Ибн Аббос ва Оиша (онамиз)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

ШАРҲ. Бузоъа Хазраж қабиласининг бир уруғи бўлмиш Бани Саида – Саида ўғилларига мансуб бир қавмнинг номидир. Қудуқ (ўра) шу оилага нисбат берилган. Ат-Тоййибий, ўша нопок ва мурдор нарсалар мусулмонлар томонидан қудуққа ташланмаган, балки сел ва шамоллар оқизиб ва учириб келтирган, деган эҳтимолни баён этади. Муборакфурий кўпгина илм аҳллари шундай фикрда эканини билдириб, «Зоҳир ва муқаррар гап шудир!» дейди.

Муборакфурий, Термизий асарларига ёзган **«Туҳфатул-аҳвазий»** номли шарҳида бу ҳадис билан боғлиқ бир қанча фоидани (изоҳ, маълумотни) зикр қилади. Бу ўринда шу фойдаларга мурожаат қилмоқ фойдали бўлар деб ўйлаймиз. Шунинг учун мухтасар қилиб шарҳлаб ўтамиз.

А. Бузоъа қудуғи (ҳовузи) Мадинада таниқли бир чоҳ эди. Кўл эмас, полизларни суғорадиган ҳовуз ҳам эмасди. Шундай бўлса эди, асосан қудуқ (арабча «бийр») деб аталмасди. Қудуқ оғзининг ўлчами (диаметри) олти аршин эди. «Ҳидоя»и шариф муаллифи Бузоъа қудуғи суви полизларга оққанини айтганлар. Шунингдек, Таҳовийнинг: «Полизларга борадиган сув Бузоъа қудуғидан келар эди», деган даъвоси ҳам далилсиз ва асоссиздир.

Б. Сувнинг қатъиян, ҳатто ичига тушган нажосат туфайли ҳам ранги, таъми ёки ҳиди ўзгарса ҳам, булғанмаган деб айтадиган зоҳирийлар, шу бобдаги ҳадис билан далил-исбот қилишади. Зоҳирийлардан бошқа барча мазҳаб соҳиблари бу ҳадиснинг умумий маъносини белгилашган.

Абу Умома марфуъ тарзида ривоят қилган ҳадис билан Ибн Можа томонидан тахриж қилинган бу ҳадис бундай: **«Сувни ҳеч нарса булғай олмайди, фақат ҳидини, таъмини ва рангини ўзгартирса, сув булғанган бўлади».** Моликийлар (Имоми Молик тарафдорлари) шу ҳадисга таяниб, сувнинг ранги ё таъми ёки ҳиди ўзгарса, булғанган бўлади, деб қарор қилишган.

Шофиъийлар бу ҳадиснинг умумий маъносини **«қуллатайн»** (икки қулла) ҳадиси билан белгилашган. У ҳадис саҳиҳдир ва ҳазрати Термизий ушбу бобдаги ҳадиснинг кетидан ўша ҳадисни зикр қиладилар. (**«Қуллатайн»** истилоҳининг изоҳи кейинги ҳадисда келади.) Сув «қуллатайн», яъни икки қулла миқдорида бўлса, ранги, таъми ёки ҳиди ўзгармагунча, булғанмайди, аммо икки қулладан оз бўлса, уч сифатидан бирортаси ўзгармаса ҳам, булғанади.

Ҳанафийлар эса ҳадиснинг умумий маъносини нуқтаи назар ва ижтиҳод билан белгилашган. Нажосат қўшилмаган сувнинг миқдорини аниқлаш ва белгилашда ҳанафийларнинг ўн икки, ҳатто ўн тўрт қавли бор. Имоми Муҳаммад «Ал-Муваттаъ» китобининг 66-саҳифасида бундай дейди: «Ҳовуз катта бўлиб, бир учи чайқатилганда нариги учи тебранмаса, (яъни, ҳовузнинг бир учида пайдо бўлган тўлқин иккинчи учига қадар

етмаса), бу ҳовузга тушган нопок нарса сувни нопок қилмайди; борди-ю, ҳидини ёки таъмини ўзгартирса, унда сув булғанади. Агар ҳовуз кичик бўлса-ю, бир учи чайқатилганда иккинчи учи тебранса, у ҳовуздан итлар сув ичса ёки унга нопок нарса тушса, ундан таҳорат олинмайди. Бу айтганларимнинг ҳаммаси Имоми Абу Ҳанифанинг қавлидир. Ҳанафийлар чайқатиш йўли билан тайин ва таҳдид қилган қавл ана шудир». Улардан олдинги олимлар ана шу қавлга эга бўлишган. Ҳанафий уламолар иттифоқидан кейинги мазҳаблар ўнга-ўн (ъашара фий ъашара – ўн газга ўн газ) деб, белгилашган; бир газ 72 см бўлиб, ҳовузнинг бўйи ҳам, эни ҳам камида 7 метру 20см. бўлиши керак (*Таржимон*).

В. Аҳамиятига кўра қудуқ сувларининг тозалиги ва нопоклиги ҳақида мазҳаблар қавлини бир-бир шарҳлайлик:

1. Зоҳирия мазҳаби. Бу мазҳаб фикрича, қудуқ суви хоҳ оз, хоҳ кўп бўлсин, ранги ёки таъми, ёхуд ҳиди хоҳ ўзгарсин, хоҳ ўзгармасин, ичига нажосат тушгани билан нопок бўлмайди.

2. Моликийлар мазҳабнинг сўзи: Ранги ёки таъми, ҳиди ўзгарса, нопок бўлади, йўқса нопок бўлмайди. Моликийлар сувнинг озлиги ёки кўплигига қарамайди, тозалик ёки нопоклик ҳукмини уч сифатидан бирортаси ўзгариш-ўзгармаслигига қарайди.

3. Шофиъийлар мазҳабининг сўзи: Қудуқ суви қуллатайн (икки қулла) дан оз бўлса, инопок бўлади. Икки қулла ёки ундан кўп бўлса, ранги, таъми ёки ҳиди ўзгармагунича, нопок бўлмайди.

4. Ҳанафий уламоларининг аввалгилари қавли: Сатҳи бир учи ҳаракатлантирилганда бошқа учи тебранмайдиган даражада кенг бўлса, сув нопок бўлмайди, тор бўлса, нопок бўлади.

5. Ҳанафийларнинг кейинги уламолари қавли: «Сатҳи ўн газга ўн газ бўлса, нопок ибўлмайди, йўқса нопок бўлади».

6. Бу олтинчи қавл Имоми Муҳаммаддан ривоят қилинади: «Абу Юсуф билан мен қудуқ сувининг оқар сув ҳукмида бўлиши борасида бир тўхтамга келдик. Зеро, қудуқ суви тагидан қайнаб чиқади ва устидан олинади. Бу ҳолда қудуқ ҳаммом қувурларига ўхшайдики, бир томонидан ичига сув оқиб туради, иккинчи томонидан сув чиқиб туради» *(«Фатҳул-Қодийр»)*.

50-БОБ. ЎТГАН МАВЗУ

(Яъни, кўп сувни ҳеч нарса нопок қилмаслиги)

٦٧- حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا عَبْدَةُ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِسْحَقَ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ جَعْفَرِ بْنِ الزُّبَيْرِ، عَنْ عُبَيْدِ اللَّهِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَهُوَ يُسْأَلُ عَنِ الْمَاءِ يَكُونُ فِي الْفَلَاةِ مِنَ الأَرْضِ، وَمَا يَنُوبُهُ مِنَ السِّبَاعِ وَالدَّوَابِّ، قَالَ: فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا كَانَ الْمَاءُ قُلَّتَيْنِ لَمْ يَحْمِلِ الْخَبَثَ».

67. *Ҳазрати Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди;* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эшитдимки, у зотдан эгасиз ерлардаги йиртқич ва турли ҳайвонлар қўноғи** (булоғи) **бўлган сув ҳақида савол қилинди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Агар сув қуллатайн** (икки қулла) **миқдорида бўлса, у ҳеч нарсадан булғанмайди».**

Абда Муҳаммад ибн Исҳоқдан нақл этиб, бундай дейди: «Қулла» деб катта сув хумлари ва айни вақтда, сув ичиладиган катта пиёлага айтилади».

Абу Ийсо деди(лар): Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шуки, сув икки қулла миқдорида бўлса, ҳиди ёки таъми ўзгармагунича, уни ҳеч нарса нопок қилмайди.

Бу миқдор қариб беш қирба (меш, тулум) эканини айтадилар.

ИЗОҲ. Қулла – улкан куб (хум) маъносидадир. Уламолар икки қуллани беш тулум деб қарор қилганлар. Баъзилар эса беш юз ратл эканини айтишади. Шу нуқтаи назардан, қулла 250 литрлик хумдир. «Ғиёсул-луғот» китобида бундай дейилган: «Қуллатайн – икки улкан хум маъносидадирки, унга бир минг икки юз ироқий ратл (5.400 кг. ёки олти юз литрга яқин) сув сиғади.

Имом Термизий бу (55) ҳадис борасида гапирмаганлар, фақат шу ҳадис билан амал қилган олимларнинг қавлларини келтириш билан кифояланганлар.

51-БОБ. ТУРҒУН СУВГА ПЕШОБ ҚИЛИШ МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

٦٨– حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلاَنَ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ، عَنْ مَعْمَرٍ، عَنْ هَمَّامِ بْنِ مُنَبِّهٍ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لاَ يَبُولَنَّ أَحَدُكُمْ فِي الْمَاءِ الدَّائِمِ، ثُمَّ يَتَوَضَّأُ مِنْهُ».

68. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;* Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «**Сизлардан бирортангиз зинҳор турғун сувга пешоб қилиб, кейин ундан таҳорат олмасин!**»

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Бу бобда Жобирдан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

ИЗОҲ. Ҳадис зоҳирий жиҳатдан умумий маънони ифодалайди. Хоҳ оз бўлсин, хоҳ кўп бўлсин, турғун сув мутлоқ суратда нопок эканига далолат қилади, аммо ҳадиснинг бу умумий ҳукми билиттифоқ белгиланган.

52-БОБ. ДЕНГИЗ СУВИ ПОКДИР

٦٩- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، عَنْ مَالِكٍ ح وحَدَّثَنَا الأَنْصَارِيُّ [إِسْحَقُ بْنُ مُوسَى]، حَدَّثَنَا مَعْنٌ، حَدَّثَنَا مَالِكٌ، عَنْ صَفْوَانَ بْنِ سُلَيْمٍ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ سَلَمَةَ - مِنْ آلِ ابْنِ الأَزْرَقِ - أَنَّ الْمُغِيرَةَ ابْنَ أَبِي بُرْدَةَ - وَهُوَ مِنْ بَنِي عَبْدِ الدَّارِ - أَخْبَرَهُ أَنَّهُ سَمِعَ أَبَا هُرَيْرَةَ يَقُولُ: سَأَلَ رَجُلٌ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّا نَرْكَبُ الْبَحْرَ وَنَحْمِلُ مَعَنَا الْقَلِيلَ مِنَ الْمَاءِ، فَإِنْ تَوَضَّأْنَا بِهِ عَطِشْنَا، أَفَنَتَوَضَّأُ مِنْ [مَاءِ] الْبَحْرِ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «هُوَ الطَّهُورُ مَاؤُهُ، الْحِلُّ مَيْتَتُهُ».

69. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўради: «Ё Расулаллоҳ! Биз денгизда йўл юрамиз ва ўзимиз билан бирга оз сув олиб юрамиз. Ундан таҳорат олсак, сувсиз қоламиз. Шу аҳволда денгиз сувидан таҳорат олсак бўладими?» Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «У** (денгиз) – **суви пок ва ўлимтиги ҳалолдир».**

Бу бобда Жобир ва Ал-Фиросийдан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан бўлмиш фақиҳ зотлардан кўпчилигининг қавли ҳам шудир; улар орасида Ҳазрати Абу Бакри Сиддиқ, Ҳазрати Умар, Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳум) борлар: Денгиз сувида зарар йўқ, деб биладилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан баъзилари эса денгиз сувида таҳорат олишни макруҳ деб ҳисоблаганлар. Ибн Умар ва Абдуллоҳ ибн Амр ана шулардандир. Абдуллоҳ ибн Амр денгиз суви ҳақида: **«У оловдир!»** дейди...

ИЗОҲ. Шайх Муҳаммад ибн Исмоъийл «Субулус-салом» китобида айтади: «Денгизнинг ўлимтиги»дан мурод денгизда ўлган ҳар қандай ҳайвон эмас, балки фақат денгизда яшаган ва охири денгизда ўлган жонивордир. Ҳадиснинг зоҳирий маъноси денгизда яшаб, денгизда ўлган ҳар қандай ҳайвон, ҳатто денгиз кучуги ва денгиз тўнғизининг ҳалол эканига далолат этади», дейди. Ҳолбуки, денгиз тўнғизи ва кучуги масаласи ихтилофлидир. Шайх Муборакфурий, илм аҳллари балиқдан бошқа денгиз ҳайвонлари борасида ихтилоф қилганларини билдириб, кейин баъзи имомларнинг бу масаладаги қарашларини баён қилади.

Ҳанафийлар наздида, балиқдан бошқа денгиз жонзотларининг гўшти ҳаромдир.

Имом Аҳмад фикрича, қурбақа ва тимсоҳдан бошқа барча денгиз жониворларининг гўшти ейилади.

Имом Молик ва Ибн Лайло денгизда яшаган ҳамма нарса (гўшти) мубоҳ эканини айтади.

Имоми Шофиийдан бу масалада бир қанча қавл ривоят қилинган. Ҳофиз ибн Ҳажар «Фатҳул-борий» китобида, балиқнинг барча турлари ҳалоқ экани борасида уламолар орасида ихтилоф йўқлигини, фақат инсон, ит, тўнғиз ва илон сингари қуруқликда яшайдиган жонзодларга ўхшаш денгиз жонзодлари борасида ихтилоф бўлганини айтади. Бошқа бир қавлда эса, Имом Молик денгизда яшаган ҳамма нарса мубоҳ эканини таъкидлайди. Денгиз жонзодларидан қуруқликда ўхшаши борлари ҳақида Шофиъий бундай дегани ривоят қилинади: «Қуруқликда ўхшаши борлари мубоҳ бўлса, унинг гўшти ҳам мубоҳ, агар ҳаром бўлса, унинг гўшти ҳам ҳаром». Имом Аъзам мазҳабида балиқдан бошқа денгиздаги барча жонвор гўшти ҳаромдир.

53-БОБ. СИЙДИК ҲАҚИДА ВОРИД БЎЛГАН ҚАТТИҚ ҲУКМ

٧٠- حَدَّثَنَا هَنَّادٌ وَقُتَيْبَةُ وَأَبُو كُرَيْبٍ، قَالُوا: حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنِ الأَعْمَشِ قَالَ: سمعت مُجَاهِدًا يُحَدِّثُ عَنْ طَاوُسٍ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَرَّ عَلَى قَبْرَيْنِ، فَقَالَ: «إِنَّهُمَا يُعَذَّبَانِ، وَمَا يُعَذَّبَانِ فِي كَبِيرٍ؛ أَمَّا هَذَا فَكَانَ لاَ يَسْتَتِرُ مِنْ بَوْلِهِ، وَأَمَّا هَذَا فَكَانَ يَمْشِي بِالنَّمِيمَةِ».

70. *Ҳазрати Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди;* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки қабр ёнидан ўтдилар ва айтдиларки: «Бу икки қабр** (эгаси) **азобланмоқда ва катта бир ишдан азобланаётгани йўқ. Мана бу** (биттаси) **сийдигидан эҳтиёт бўлмас эди, мана бу** (иккинчиси) **эса чақимчилик қилиб гап ташиб юрар эди».**

Бу бобда Абу Ҳурайра, Абу Мусо, Абдурраҳмон ибн Ҳасана, Зайд ибн Собит ва Абу Бакр (розийаллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Мансур ҳам бу ҳадисни Мужоҳиддан, Ибн Аббосдан ривоят қилади ва санадида «Товусдан» деб айтади. Ал-Аъмашнинг ривояти янада саҳиҳроқ.

Вакиънинг мустамили (котиби) Абу Бакр Муҳаммад ибн Аббон ал-Балхийдан эшитдим; айтдики: «Вакиъдан бундай деганини эшитдим: «Ал-Аъмаш Иброҳимнинг иснодини Мансурдан кўра яхшироқ сақлаган».

ИЗОҲ. Ибн Дақиқ ал-Ийд ҳадисдаги «кабира» иборасини шарҳлаб, бу зикр қилинган ишнинг гуноҳи, шубҳасиз, оғир гуноҳ эканини Пайғамбар

соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадисларига таяниб баён қилади ва бундаги: «Гуноҳи кабирадан азобланаётгани йўқ» сўзидан мурод қабрдаги азобни лозим қилувчи бўлган ўша гуноҳдан сақланиш осон эканлигидир, дейди.

54-БОБ. ЭМИЗИКЛИ БОЛАНИНГ СИЙДИГИ УСТИГА СУВ ТЎКИБ ТОЗАЛАМОҚ

٧١- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ وَأَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، قَالاَ: حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ عُبَيْدِ اللَّهِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُتْبَةَ، عَنْ أُمِّ قَيْسٍ بِنْتِ مِحْصَنٍ ، قَالَتْ: دَخَلْتُ بِابْنٍ لِي عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَمْ يَأْكُلِ الطَّعَامَ فَبَالَ عَلَيْهِ، فَدَعَا بِمَاءٍ فَرَشَّهُ عَلَيْهِ .

71. *Умму Қайс бинти Миҳсан (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; у деди:* «**Эмизикли** (ҳали овқат емайдиган) **ўғилчамни олиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига кирдим. Бола у кишининг** (қўйниларида туриб) **кийимларини ҳўл қилиб қўйди. Шунда** (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам) **сув сўраб келтиртириб, сийдик теккан жойга сепдилар».**

Бу бобда (Ҳазрати) Али, Оиша, Зайнаб, Лубоба бинти Ҳарс, у Абдулмуттолибнинг ўғли бўлмиш Аббоснинг ўғли Фазлнинг онасидир, Абус-Самҳ, Абдуллоҳ ибн Амр, Абу Лайло ва Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, тобеъийнлардан ва табаъи тобеъийндан бўлган илм аҳлларидан бир қанчаларининг қавли шудир. Аҳмад ва Исҳоқ айтадиларки: «Ўғил боланинг сийдиги устига сув тўкилади, қиз боланинг сийдиги бўлса ювиб ташланади».

Бу ҳукм ҳали овқат ея бошламаган эмизикли болаларга оид. Овқат ея бошлаганларида ҳар иккисининг ҳам сийдиги ювилади.

ИЗОҲ. Бу ҳадисни (71) Имом Бухорий ва Имом Муслим ҳам ривоят қилганлар. Фарқи шуки, Термизий гўдак сийдиги устига сув сепганларини айтган бўлсалар, Бухорий ва Муслим сийдик теккан жойга бутунлай сув тўкканларини айтадилар. Ҳофиз ибн Ҳажар икки маъно орасида, яъни «сув сепмоқ» маъносида келган «рошш» сўзи билан, сув тўкмоқ маъносида келган «надҳ» сўзи орасида қарама-қаршилик йўқлигини, чунки аввал томизиб-томизиб тўкишдан бошлаб, кейин оқизиб тўкканларини баён этади. Термизий бу ҳадисни «рошш» ривояти билан тахриж қилган ҳолда, шу бобнинг сарлавҳасида «надҳ» иборасини қўллаётирлар. Таржимада бу хусусни сақлашга ҳаракат қилинди.

Имом Аҳмад ва Имом Исҳоқнинг «Ўғил боланинг сийдиги устига сув тўкилади, қиз боланинг сийдиги бўлса ювиб ташланади» деган қавллари хусусида Ҳофиз Ибн Қаййум «Аъламул-муваққийн» китобида бундай дейди: «Бу масалада фақиҳларнинг уч қавли бор: 1) иккаласининг сийдиги ҳам ювилади; 2) иккисининг ҳам сийдиги устига сув тўкилади; 3) қиз боланинг сийдиги ювилиб, ўғил боланинг сийдиги устига сув тўкилади».

Ибн ал-Қаййум ўғил боланинг сийдиги билан қиз боланинг сийдиги ораси ажратилишига асосан учта сабаб кўрсатади: «Ўғил бола қиз боладан уч жиҳатдан фарқлидир:

1. Ўғил бола қучоқларда кўпроқ айланади ва шу сабабдан сийдигини ювишликда қийинлик ва машаққат пайдо бўлади.

2. Қиз боладек сийдигини бир жойга оқизмайди, у ер-бу ерга оқизади.

3. Қиз боланинг сийдиги ёмонроқ ҳид чиқаради. Бу фарқ эркакнинг ҳарорати ва қиз боланинг рутубати (намчиллиги) туфайли юзага келади. Чунончи, эркакнинг ҳарорати рутубатни қуритади ва сийдикнинг ҳидланишини озайтиради», дейди.

55-БОБ. ГЎШТИ ЕЙИЛАДИГАН ҲАЙВОН СИЙДИГИ

٧٢- حَدَّثَنَا الْحَسَنُ بْنُ مُحَمَّدٍ الزَّعْفَرَانِيُّ، حَدَّثَنَا عَفَّانُ بْنُ مُسْلِمٍ، حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ سَلَمَةَ، حَدَّثَنَا حُمَيْدٌ وَقَتَادَةُ وَثَابِتٌ، عَنْ أَنَسٍ: أَنَّ نَاسًا مِنْ عُرَيْنَةَ قَدِمُوا الْمَدِينَةَ فَاجْتَوَوْهَا، فَبَعَثَهُمْ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي إِبِلِ الصَّدَقَةِ، وَقَالَ: «اشْرَبُوا مِنْ أَلْبَانِهَا وَأَبْوَالِهَا» فَقَتَلُوا رَاعِيَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَاسْتَاقُوا الإِبِلَ، وَارْتَدُّوا عَنِ الإِسْلاَمِ، فَأُتِيَ بِهِمُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَطَعَ أَيْدِيَهُمْ وَأَرْجُلَهُمْ مِنْ خِلاَفٍ، وَسَمَرَ أَعْيُنَهُمْ، وَأَلْقَاهُمْ بِالْحَرَّةِ . قَالَ أَنَسٌ: فَكُنْتُ أُرَى أَحَدَهُمْ يَكُدُّ الأَرْضَ بِفِيهِ حَتَّى مَاتُوا، وَرُبَّمَا قَالَ حَمَّادٌ: يَكْدُمُ الأَرْضَ بِفِيهِ حَتَّى مَاتُوا.

72. *Ҳазрати Анас (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Урайнадан** (баъзи) **инсонлар Мадинага келишди ва бу ер ҳавосини оғир кўришди.** (Қорин оғриғига учраб қолишди)**. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам садақа** (закот) **туяларини уларга қўшиб** (шаҳар ташқарисига) **жўнатдилар ва: «Буларнинг сутидан ва сийдикларидан ичинглар», дедилар. Улар эса** (ичиб, соғайгач) **Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг туябоқарини ўлдиришди, туяларини ҳайдаб кетишди, Ислом динидан чиқишди. Сўнг** (ушланиб) **Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келтирилдилар.**

Шунда (жиноятларининг жазоси ўлароқ) **уларнинг қўл-оёқларини қарама-қаршисига** (ўнг қўл билан чап оёқ ёки чап қўл билан ўнг оёқ тарзида) **кесдилар, кўзларини ўйдилар ва Ҳарро** (деган тошлоқ ер)**га ташлаб қўйдилар. Анас айтадики: «Улардан биттаси оғзи билан ерни қўпораётганини кўрардим. Ниҳоят, ўлдилар»...** *Чамаси, Ҳаммод (ҳадис охирини) бундай баён қилади:* «(Улардан биттаси) **ер тишлаётганини кўрардим. Ниҳоят, ўлдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Анасдан бир қанча важҳлардан ривоят қилинган. Илм аҳлларидан кўпининг қавли ушбудир: «Гўшти ейиладиган ҳайвонларнинг сийдиги

٧٣- حَدَّثَنَا الْفَضْلُ بْنُ سَهْلٍ الأَعْرَجُ [الْبَغْدَادِيُّ] حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ غَيْلاَنَ، قَالَ: حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ زُرَيْعٍ، حَدَّثَنَا سُلَيْمَانُ التَّيْمِيُّ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ: إِنَّمَا سَمَلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَعْيُنَهُمْ لأَنَّهُمْ سَمَلُوا أَعْيُنَ الرُّعَاةِ.

وَسَلَّمَ أَعْيُنَهُمْ لأَنَّهُمْ سَمَلُوا أَعْيُنَ الرُّعَاةِ.

73. *Ҳазрати Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; у деди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам у** (жиноятчи)**ларнинг кўзларини ўйганликларига ягона сабаб шуки, улар туябоқарларнинг кўзларини ўйишган эди».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ғариб. Бу ҳадисни Шайх (Яҳё ибн Ғайлон)дан бошқа киши Язид ибн Зубайрдан ривоят қилганини билмаймиз.

«Жароҳатларга ҳам қасос олинади» деган оятнинг маъноси шудир.

Муҳаммад ибн Сийрийндан бундай дегани ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни бу жазога тортишлари фақат шаръий жазолар нозил бўлишидан олдин содир бўлган эди».

ИЗОҲ. Бу Моида сурасининг 45-ояти бўлиб, тўлиқ маъноси будир: **Биз унда** (Тавротда) **уларга** (Бани Исроилга)**: «Жонга жон, кўзга кўз, бурунга бурун, қулоққа қулоқ, тишга тиш ва** (барча) **жароҳатлар учун** (мисли билан) **қасос олинади. Кимки бу** (қасос ҳаққи)**ни яхшилик қилиб кечиб юборса, у ўзи** (гуноҳлари) **учун каффоратдир. Кимки Аллоҳнинг ҳукми билан** (ёки унга мувофиқ ҳолда) **ҳукм қилмаса, ана ўшалар золимларнинг худди ўзларидир», деб ёзиб қўйдик».**

Яъни, жонга қасд қилганнинг жонига қасд қилинади ва ҳар бир аъзо ва жароҳат учун қасос олинади. Бу ҳукм Бани Исроил борасида зикр қилинган бўлса-да, аммо Қуръонда келгани учун Ислом шариатида ҳам муқаррардир. Қози Байзовий тафсирида бу оят шарҳида бундай дейилади: «Аллоҳ таолонинг мутлоқ ҳокимиятини тан олмаслик ёки ҳукмларини камситиш ва писанд

қилмаслик инкор маъносидаги кофирликдир». Мақсад инкор бўлмаса ҳам, Аллоҳнинг ҳукмлари адолат демакдир, бас, адолатдан ташқари татбиқотлар зулмдир. Айни замонда, 47-оятда келганидек, «фосиқлик» дейилган *(Ибни Касир, Тафсири Самарқандий)*.

Ҳадисда зикр қилинган Ҳарро Мадинадаги маълум бир жойдир. Луғавий маъноси «қора тошли жой» демакдир. Муборакфурий, жиноятчи кимсаларнинг бу ерга ташлаб кетилишларининг сабабига ишорат қилиб: «Чунки улар жиноятларини шу ерга яқин жойда содир этишган эди», дейди. Муҳаммад ибн Сийрийн эса бу қасос воқеасини «шаръий жазолар нозил бўлишидан олдин содир бўлган эди», дейдиларки, Имом Термизий бунга китобхоннинг диққатини тортганлар ва, айни вақтда, бу ҳадисдаги қасос воқеаси Моида сураси, 45-оятининг маъносига мувофиқ эканини таъкидлаб ўтганлар.

56-БОБ. ЕЛ ЧИҚАРГАНДА ҲИДИ СЕЗИЛСА, ТАҲОРАТ ОЛИШ ЛОЗИМ БЎЛАДИ

٧٤- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ وَهَنَّادٌ، [قَالاَ] : حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنْ شُعْبَةَ، عَنْ سُهَيْلِ بْنِ أَبِي صَالِحٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قال: «لاَ وُضُوءَ إِلاَّ مِنْ صَوْتٍ، أَو رِيحٍ».

74. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Фақатгина** (ел туфайли чиққан) **овоз ёки ҳид сабабли таҳорат олиш лозим бўлади».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

٧٥- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الْعَزِيزِ بْنُ مُحَمَّدٍ، عَنْ سُهَيْلِ بْنِ أَبِي صَالِحٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا كَانَ أَحَدُكُمْ فِي الْمَسْجِدِ فَوَجَدَ رِيحًا بَيْنَ أَلْيَتَيْهِ فَلاَ يَخْرُجْ حَتَّى يَسْمَعَ صَوْتًا، أَو يَجِدَ رِيحًا».

75. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Агар сизлардан бирортангиз масжидда бўлиб, икки бути орасидан бирор ҳид сезса, токи ел овозини эшитмагунича ёки ҳидини пайқамагунича чиқиб кетмасин»**.

Бу бобда яна Абдуллоҳ ибн Зайд, Али ибн Толқ, Оиша, Ибн Аббос, Ибн Масъуд ва Абу Саъид (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Умоманинг қавли ушбудир: «Фақат ҳадас (ел чиқиши) туфайли таҳорат олиш лозим бўлади, чунончи ел овозини эшитиши ёки ҳидини пайқаши керак». Абдуллоҳ ибн Муборак бундай дейди: **«Таҳоратим бузилди, деб шубҳа қилса, унда қасам ичадиган даражада аниқ билмагунича, таҳоратини янгилаши вожиб эмас. Хотин кишининг олдидан ел чиқса, таҳорат олиши вожиб бўлади»**. Шофиъий ва Исҳоқнинг ҳам қавли шудир.

ИЗОҲ. Имом Нававий бу ҳадис тўғрисида бундай дейди: «Бу ҳақиқий ҳадислардан биридир ва диний қоидалардан улкан бир қоидадир. Дарвоқе, ҳар нарсанинг хилофи (акс ҳоли) аниқ маълум бўлмагунича, асл ҳоли сақланиб қолган, деб ҳукм қилинади ва бу асл ҳолат шубҳа-гумон ва иккиланиш билан йўқ бўлмайди. Шу қоидага кўра, таҳорат олганини аниқ билиб тургач, таҳоратига шубҳа қилган киши таҳоратлидир, деб ҳукм қилинади».

Абу Ҳанифа, аёлнинг олдидан ел чиқса, таҳорат олиши лозим эмас, деб ҳисоблайдилар. Чунки бу камдан-кам учрайдиган бир ҳолатдирки, инсон буни билишга қодир эмас. Ибнул-Ҳумом: закардан чиққан ел, аслида ел эмас, балки бир ихтилож (андомнинг сакраши) эканини айтиб, «Бу таҳоратни бузмайди» дейди. Шундай қилиб, бу масалада икки хил қавл устида ихтилоф қилинган:

1. «Хотин кишининг ва эркак кишининг олдидан чиққан ел таҳоратни бузади. Чунки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Олд ва орқа йўлларидан чиққан ҳар қандай нарса таҳоратни бузади, деганлар. Сабабнинг хусусиятига эмас, балки лафзнинг умумий маъносига эътибор қилинади. Яъни, ел ҳам бир нарсадир, у ҳам таҳоратни бузади». Шофиъийнинг қавли ана шундай.

2. **«Хотин ёки эркак кишининг олдидан чиққан ел таҳоратни бузмайди. Чунки бу аслида ел эмас, балки бир ихтилождан иборатдир»**. Имоми Аъзам – Абу Ҳанифа ана шу қавлга эга бўлганлар. Амал Имом Аъзамнинг қавли асосидадир.

٧٦- حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلاَنَ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ، أخبرنا مَعْمَرٌ، عَنْ هَمَّامِ بْنِ مُنَبِّهٍ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قال: «إِنَّ اللَّهَ لاَ يَقْبَلُ صَلاَةَ أَحَدِكُمْ إِذَا أَحْدَثَ حَتَّى يَتَوَضَّأَ».

76. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар**: «Сизлардан бирор кишининг таҳорати бузилса, то таҳорат олмагунича намозини Аллоҳ қабул қилмайди»**.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ғариб-ҳасан-саҳиҳ.

57-БОБ. УЙҚУДАН СЎНГ ТАҲОРАТ ОЛМОҚ

٧٧- حَدَّثَنَا إِسْمَعِيلُ بْنُ مُوسَى [كُوفِيٌّ] وَهَنَّادٌ وَمُحَمَّدُ بْنُ عُبَيْدٍ الْمُحَارِبِيُّ - الْمَعْنَى وَاحِدٌ - قَالُوا: حَدَّثَنَا عَبْدُ السَّلَامِ بْنُ حَرْبٍ [الْمُلَائِيُّ] ، عَنْ أَبِي خَالِدٍ الدَّالَانِيِّ ، عَنْ قَتَادَةَ، عَنْ أَبِي الْعَالِيَةِ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ أَنَّهُ رَأَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَامَ وَهُوَ سَاجِدٌ حَتَّى غَطَّ، أَوْ نَفَخَ، ثُمَّ قَامَ يُصَلِّي، فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّكَ قَدْ نِمْتَ، قَالَ : «إِنَّ الْوُضُوءَ لَا يَجِبُ إِلَّا عَلَى مَنْ نَامَ مُضْطَجِعًا ؛ فَإِنَّهُ إِذَا اضْطَجَعَ اسْتَرْخَتْ مَفَاصِلُهُ» .

77. *Ҳазрати Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* **У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сажда қилган ҳолда ухлаб қолганларини кўрдилар. «Ҳатто хуррак отмоққа ёки уфилла**(гандек нафас ол)**моққа бошладилар. Кейин туриб намоз ўқидилар. Шунда мен: «Ё Расулаллоҳ, Сиз ҳақиқатан ухладингизку?» дедим. Айтдиларки: «Фақат ётиб** (чўзилиб) **ухлаган кишига таҳорат олиш лозим бўлади, чунки у чўзилганида бўғимлари** (бўшашиб) **ўзини қўйиб юборади».**

Абу Ийсо деди(лар): Абу Холиднинг исми – Язид ибн Абдурраҳмон.

Бу бобда яна Оиша, Ибн Масъуд ва Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

٧٨- حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ، عَنْ شُعْبَةَ، عَنْ قَتَادَةَ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ، قَالَ: كَانَ أَصْحَابُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَنَامُونَ، ثُمَّ يَقُومُونَ فَيُصَلُّونَ، وَلَا يَتَوَضَّئُونَ .

78. *Ҳазрати Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари** (ўтириб) **ухлашар, кейин туриб намозларини ўқишар, таҳорат олишмас эди».**[26]

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Солиҳ ибн Абдуллоҳдан эшитдим, бундай деди: «Абдуллоҳ ибн ал-Муборакдан ўтирган жойида суяниб ухлаган киши ҳақида сўрадим. «Унга таҳорат лозим бўлмайди», деди.

Саъид ибн Абу Аруба Ибн Аббоснинг ҳадисини Қатодадан, Ибн Аббосдан зикр қилиб, Абу Олияни зикр қилмаган ҳамда ҳадисни рафъ этмаган (Расулуллоҳгача юксалтирмаган).

[26] Абу Довуднинг ривоятида бундай дейилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари хуфтон намозини кутиб, бошлари букилиб кетар, кейин намоз ўқишар, таҳорат олишмасди». Бу ривоятдан саҳобалар ўтирган жойларида ухлаганлари тушунилади. (75-ҳадис изоҳига қаралсин.)

Уламолар уйқу туфайли бўладиган таҳорат масаласида ихтилоф қилдилар. Кўплари, ўтирган жойида ёки тик туриб ухлаган кишига то у ётмагунича таҳорат лозим бўлмайди, деб ҳисоблайдилар. Саврий, Ибн Муборак ва Аҳмаднинг қавли шудир. Баъзилари эса бундай дейди: «Агар ақлига ҳоким бўлмайдиган даражада уйқуга толса, таҳорат олмоғи лозим». Исҳоқнинг қавли шудир. Имоми Шофиъийнинг фикрича ўтириб ухлаган киши, уйқусида туш кўрса ёки мақъади (орқаси) ёки ўриндиғи уйқу таъсирида силжиса, таҳорат олиши лозим бўлади.

ИЗОҲ. «Мухтасари виқоя»нинг ўзбекча шарҳидан: «Ва бир нарсага суяниб ухламоқ, агар суянган нарсани олганда йиқилиб кетиш эҳтимоли бўлса, таҳоратни бузгай. Аммо у суянган нарсасини олганда ўтириб қолса, таҳоратни бузмас. Намозда тик турган ҳолда ва рукуъда ҳамда саждада ухламоқ таҳоратни синдирмагай. Ушбудек, «Муҳит» китобида мазкурдир».

58-БОБ. ОЛОВДА ПИШГАН ТАЪОМ (ЕЙИШ) ТУФАЙЛИ ТАҲОРАТ ЛОЗИМЛИГИ

٧٩– حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ، قَالَ: حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ عَمْرٍو ، عَنْ أَبِي سَلَمَةَ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ: قَالَ رسول اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**الْوُضُوءُ مِمَّا مَسَّتِ النَّارُ وَلَوْ مِنْ ثَوْرِ أَقِطٍ**» [قَالَ] : فَقَالَ لَهُ ابْنُ عَبَّاسٍ: يَا أَبَا هُرَيْرَةَ أَنَتَوَضَّأُ مِنَ الدُّهْنِ؟ أَنَتَوَضَّأُ مِنَ الْحَمِيمِ ؟ قَالَ: فَقَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ: يَا ابْنَ أَخِي إِذَا سَمِعْتَ حَدِيثًا عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَلاَ تَضْرِبْ لَهُ مَثَلاً .

79. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Олов теккан ҳамма нарса, ҳатто пишлоқ парчаси** (ейиш) **туфайли ҳам таҳорат олиш лозим бўлади», деб айтдилар. Шунда Ибн Аббос: «Эй Абу Ҳурайра! Ёғ** (ейиш) **туфайли ҳам таҳорат оламизми? Қайноқ сув** (ичиш) **туфайли ҳам таҳорат оламизми?..» деб сўради. Шунда Абу Ҳурайра айтди: «Эй бирodарзодам! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бир ҳадис эшитдингми, унга мисол топишга уринма!»**.

Бу бобда Умму Ҳабиба, Умму Салама, Зайд ибн Собит, Абу Талҳа, Абу Аййуб ва Абу Мусо (розийаллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Баъзи илм аҳллари, оловда пишган таъом (ейиш) туфайли таҳорат олиш лозим, деган фикрга эга бўлишган. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, то-

беъийнлардан ва табаъа тобеъийнлардан бўлмиш Илм аҳлларининг кўпи эса, таҳорат олиш лозим эмас, деган фикрдалар.

ШАРҲ. Ҳукми бошқа ҳадис билан мансух бўлган ҳадислар суннат бўлмайди, мусулмонлар унга амал қилмайдилар, лекин кейинчалик уни насх қилувчи бўлиб келган ҳадисларга амал қиладилар. Масалан, **«Ўтда пишган нарсани ейдиган бўлсангиз, таҳорат олингиз»,** (79) деган ҳадис аъло даражадаги саҳиҳ ҳадисдир, лекин унинг ҳукми кейинги ҳадис (80) билан мансух бўлган ва кейинчалик бу ҳукмга амал қилиш қолмаган. Кейинига севикли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам, хулафои рошидийнлар, ҳамма саҳобалар ўтда пишган нарсани ер эдилар ва янгитдан таҳорат қилмай, намоз ўқир эдилар *(Шайх Болонпурий).*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам **«Ўтда пишган нарса туфайли таҳорат олиш»** ҳадисини махфий бир бир сабаб ва ҳикмат билан айтганлари китобларда баён қилинади.

Салмон Форсий розийаллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Таъомнинг барокатлик бўлиши ундан аввал ва ундан кейин қўл ювишдадир», деганлар *(Имом Термизий, «Шамойили Муҳаммадийя», 141-ҳадис).*

Бу ҳадисдан таъомдан аввал ва кейин қўл ювмоқнинг матлублиги, мустаҳаблиги тушунилади. Баъзилар: ҳар қандай ёғли таъомдан кейин қўлни ювиш ва оғизни чайиш мустаҳаб», деганлар.

59-БОБ. ОЛОВДА ПИШГАН ТАЪОМ (ЕЙИШ) ТУФАЙЛИ ТАҲОРАТ ЛОЗИМ ЭМАСЛИГИ

٨٠- حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ، قَالَ: حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ مُحَمَّدِ بْنِ عَقِيلٍ: سَمِعَ جَابِرًا قَالَ سُفْيَانُ: وَحَدَّثَنَا[٤] مُحَمَّدُ بْنُ الْمُنْكَدِرِ، عَنْ جَابِرٍ قَالَ خَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَنَا مَعَهُ فَدَخَلَ عَلَى امْرَأَةٍ مِنَ الأَنْصَارِ فَذَبَحَتْ لَهُ شَاةً فَأَكَلَ،وَأَتَتْهُ بِقِنَاعٍ مِنْ رُطَبٍ فَأَكَلَ مِنْهُ،ثُمَّ تَوَضَّأَ لِلظُّهْرِ وَصَلَّى، ثُمَّ انْصَرَفَ، فَأَتَتْهُ بِعُلاَلَةٍ مِنْ عُلاَلَةِ[١] الشَّاةِ فَأَكَلَ، ثُمَّ صَلَّى الْعَصْرَ، وَلَمْ يَتَوَضَّأْ[٢].

80. *Жобир (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди, у деди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам чиқдилар ва мени ёнларига олиб ансорийлардан бўлмиш бир хотиннинг уйига кирдилар. Хотин у кишига бир қўй сўйди ва у киши** (қўй гўштидан) **едилар. Кейин бир идишда янги хурмо келтирди, ундан ҳам едилар. Кейин пешин учун таҳорат олиб, намоз ўқидилар. Намоз ўқиб бўлганларидан сўнг, хотин у кишига қўйнинг қолган гўштидан яна келтирди ва** (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам) **едилар. Кейин эса** (янги) **таҳорат олмасдан аср намозини ўқидилар».**

Бу бобда Абу Бакр Сиддиқ, Ибн Аббос, Абу Ҳурайра, Ибн Масъуд, Абу Рофиъ, Уммул-Ҳакам, Амр Ибн Умайя, Умму Амир, Сувайд ибн ан-Нуъмон ва Умму Салама (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Бакрнинг бу бобдаги ҳадиси исноди жиҳатидан саҳиҳ эмас, ёлғиз Ҳусом ибн Мисокк бу ҳадисни Ибн Сийрийндан, Ибн Аббосдан, Абу Бакрдан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади. Саҳиҳ ҳадис эса Ибн Аббосдан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қилинган ривоятдир. Ҳадис ҳофизлари ана шундай ривоят қилганлар. Чунончи, бу ҳадис Ибн Сийрийндан, Ибн Аббосдан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бир қанча важҳлардан ривоят қилинган. Ато ибн Ясор, Икрима, Муҳаммад ибн Амр ибн Ато, Али ибн Абдуллоҳ ибн Аббос ва яна бошқалар буни Ибн Аббосдан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилдилар ва «Абу Бакр Сиддиқдан» демадиларки, бу ривоят асаҳҳ (янада саҳиҳроқ)дир.

Абу Ийсо деди(лар): Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, тобеъийнлардан ва табаъи тобеъийнлардан бўлган илм аҳлининг кўпи наздида амал шу ҳадис асосидадир. Суфён Саврий, Ибн Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ ҳам шулардандир: **Олов теккан таъом туфайли таҳорат лозим эмас**, деган тўхтамдалар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган икки ҳукмнинг охиргиси шудирки, бу ҳадис биринчи ҳадисдаги: «Олов теккан ҳамма нарса туфайли таҳорат олиш лозим бўлади», деган ҳукмни бекор қилувчи мазмун-моҳиятга эгадир.

60-БОБ. ТУЯ ГЎШТИ (ЕЙИШ) ТУФАЙЛИ ТАҲОРАТ ЛОЗИМ БЎЛИШИ

٨١- حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ، عَنِ الأَعْمَشِ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ [الرَّازِيِّ] ، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي لَيْلَى، عَنِ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ قَالَ: سُئِلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الْوُضُوءِ مِنْ لُحُومِ الإِبِلِ، فَقَالَ: «تَوَضَّئُوا مِنْهَا» وَسُئِلَ عَنِ الْوُضُوءِ مِنْ لُحُومِ الْغَنَمِ، فَقَالَ: «لاَ تَتَوَضَّئُوا مِنْهَا».

81. *Ал-Барро ибн Озиб (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Туя гўшти еганда таҳорат лозим бўладими?» деган савол сўралди. Шунда айтдилар: «Ундан еганда таҳорат олингизлар!»** (Сўнг) **қўй гўштларидан** (еганда) **ҳам таҳорат олинадими?» деб сўралди. Шунда бундай дедилар:**

«Қўй гўштларидан еганда (агар таҳоратли бўлсангизлар) **таҳорат олмангизлар!»**

Бу бобда Жобир ибн Самура ва Усайд ибн Ҳузайрдан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ал-Ҳажжож ибн Артоа бу ҳадисни Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳдан, Абдурраҳмон ибн Абу Лайлодан, Ал-Барро ибн Озибдан ривоят қилади. Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

Убайда Заббий эса Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ Розийдан, Абдурраҳмон ибн Абу Лайлодан, Зул-Ғурро ал-Жуҳанийдан ривоят қилади.

Ҳаммод ибн Салама эса Ал-Ҳажжож ибн Артоадан ривоят қилади ва исмда янглишиб: «Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ибн Абу Лайлодан, унинг отасидан, Усайд ибн Ҳузайрдан», дейди. Саҳиҳ ривоят ушбу: «Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ар-Розийдан, Абдурраҳмон ибн Абу Лайлодан, Ал-Барро ибн Озибдан».

Бу бобда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан иккита ҳадис саҳиҳ бўлиб келган: Ал-Барронинг ҳадиси билан Жобир ибн Самуранинг ҳадиси.

Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир. Тобеъийнлар ва табаъи тобеъийнлардан баъзи Илм аҳллари, туя гўшти туфайли таҳорат лозим бўлмайди, деган фикрда эканлари ривоят қилинган. Суфён Саврий ва Куфа фақиҳларининг қавли ҳам шудир.

ШАРҲ. «Туя гўшти еганда таҳорат лозим бўлиш-бўлмаслиги борасида олимлар ихтилоф қилдилар. Кўплари, туя гўшти ейиш таҳоратни бузмайди, деган фикрга эга бўлганлар. Хулафои рошидийн – Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ, Ҳазрати Умар, Ҳазрати Усмон, Ҳазрати Али, шунингдек, (Абдуллоҳ) Ибн Масъуд, Убай ибн Каъб, Ибн Аббос, Абу Дардо, Абу Талҳа, Омир ибн Робиъа, Абу Умома, (розийаллоҳу анҳум ажмаъийн) тобеъийнларнинг ҳаммаси, Имом Молик, Имом Абу Ҳанифа, Имом Шофиъий ва биродарларининг қавли шудир. Аҳмад ибн Ҳанбал, Исҳоқ ибн Раҳовайҳ, Яҳё ибн Раҳовайҳ, Яҳё ибн Яҳё, Абу Бакр ибн ал-Мунзир ва Ибн Хузайманинг фикрича, туя гўшти таҳоратни бузади. Ҳофиз Абу Бакр Байҳақий ҳам шу қавлни ихтиёр қилган. Булар Ал-Барро ибн Озибнинг ҳадиси билан истидлол (далил-исбот) қилишади.

Бу йўл, жумҳурнинг мухолафатига қарамай, далил жиҳатдан кучлироқдир. **Жумҳур эса, оловда пишган таъом туфайли таҳорат лозим бўлмайди, деган ҳадис билан иттифоқ қилганки, (туя гўшти еганда ҳам таҳорат лозим бўлмайди,) Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган энг охирги ҳукм шудир.** Аммо бу ҳадис ҳадиси омма (умумийдир) ва туя гўшти еганда таҳорат лозим бўлади, деган ҳадис – ҳадиси хосдир *(Имом Нававий).*

61-БОБ. ЗАКАРИГА ҚЎЛ ТЕККИЗГАНДА ТАҲОРАТ ЛОЗИМ БЎЛИШИ

٨٢- حَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ مَنْصُورٍ، قَالَ: حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ الْقَطَّانُ، عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ قَالَ: أَخْبَرَنِي أَبِي، عَنْ بُسْرَةَ بِنْتِ صَفْوَانَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ مَسَّ ذَكَرَهُ فَلَا يُصَلِّ حَتَّى يَتَوَضَّأَ»[1].

82. *Бусра бинти Сафвон (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди;* «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Кимки закарига қўл теккизса, токи таҳорат олмагунича, намоз ўқимасин».**

Бу бобда Умму Ҳабиба, Абу Айюб, Абу Ҳурайра, Арво бинти Унайс, Оиша, Жобир, Зайд ибн Холид ва Абдуллоҳ ибн Амр (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинди.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ. Шунингдек, бу ҳадисни бир қанча кишилар шу тарзда Ҳишом ибн Урвадан, унинг отасидан, Бусрадан ривоят қилганлар.

٨٣ [وَرَوَى أَبُو أُسَامَةَ وَغَيْرُ وَاحِدٍ هَذَا الْحَدِيثَ، عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ، عَنْ أَبِيهِ][2]، عَنْ مَرْوَانَ، عَنْ بُسْرَةَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ [نَحْوَهُ][3]، حَدَّثَنَا بِذَلِكَ إِسْحَقُ بْنُ مَنْصُورٍ، حَدَّثَنَا أَبُو أُسَامَةَ بِهَذَا[4].

83. *Абу Усома ва бошқалар шу ҳадисни Ҳишом ибн Урвадан, унинг отасидан, Марвондан, Бусрадан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан айнан ривоят қилдилар. Шу ҳадисни бизга, Абу Усомадан нақл этиб, Исҳоқ ибн Мансур баён қилиб берди.*

٨٤- وَرَوَى هَذَا الْحَدِيثَ أَبُو الزِّنَادِ، عَنْ عُرْوَةَ، عَنْ بُسْرَةَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، حَدَّثَنَا بِذَلِكَ عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، [قَالَ][1]: حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ أَبِي الزِّنَادِ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عُرْوَةَ، عَنْ بُسْرَةَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ[2] نَحْوَهُ.

84. *Худди шу ҳадисни Абу Зинод Урвадан, Бусрадан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган. Шу ҳадисни бизга Али ибн Ҳужр сўзлаб берди ва айтдики: «Бизга Абдурраҳмон ибн Абу Зинод ўз отасидан, Урвадан, Бусрадан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан келтириб баён қилиб берди». Ўтган ҳадиснинг айнан ўзи.*

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобиъйнлардан бир қанча кишиларнинг қавли шудир. Авзоъий, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шундай. Муҳаммад (ал-Бухорий) айтади(лар): «Бу бобдаги энг саҳиҳ ҳадис Бусранинг ҳадисидир».

Абу Зуръа: «Умму Ҳабибанинг бу бобдаги ҳадиси саҳиҳроқдир», дейди. Бу ҳадис Аъло ибн Ҳорис, Макҳулдан, Анбаса ибн Абу Суфёндан, Умму Ҳабибадан ривоят қилган ҳадисдир.

Муҳаммад (ал-Бухорий) бундай дейди: «Макҳул Анбаса ибн Абу Суфёндан эшитмаган. Макҳул бошқа бир ҳадисни Анбасадан бир ровий орқали ривоят қилаётир». Муҳаммад (ал-Бухорий) бу ҳадисни саҳиҳ деб кўрмагани англашилмоқда.

62-БОБ. ЗАКАРГА ҚЎЛ ТЕККИЗИШ ТУФАЙЛИ ТАҲОРАТ ЛОЗИМ ЭМАСЛИГИ

٨٥- حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا مُلَازِمُ بْنُ عَمْرٍو[٢]، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بَدْرٍ، عَنْ قَيْسِ بْنِ طَلْقِ بْنِ عَلِيٍّ - [هُوَ][٣]: الْحَنَفِيُّ[٤] - عَنْ أَبِيهِ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «وَهَلْ هُوَ إِلَّا مُضْغَةٌ مِنْهُ، أَوْ بَضْعَةٌ[٥] مِنْهُ»[٦].

85. *(Ҳазрати) Али (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «У** (закар) **инсондан бир гўшт парчаси ёки унинг бир қисмидир, холос!».**

Бу бобда Абу Умомадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам-нинг бир қанча саҳобаларидан ва айрим тобеъийнлардан, закарни ушлаганда таҳорат лозим эмас, деган фикрда эканликлари ривоят қилинади. Куфа аҳлининг ва Ибн Муборакнинг қавли шудир.

Бу ҳадис ушбу бобда ривоят қилинган ҳадисларнинг энг ҳасанидир. Аййуб ибн Утба ва Муҳаммад ибн Жобир шу ҳадисни Қайс ибн Толқдан, унинг отасидан ривоят қилганлар. Баъзи муҳаддислар, Аййуб ибн Утба билан Муҳаммад ибн Жобирни танқид қилишади. Мулозим ибн Амрнинг Абдуллоҳ ибн Бадрдан ривоят қилган ҳадиси асаҳҳ ва аҳсан (янада саҳиҳ ва янада ҳасан) дир.

ИЗОҲ. Ал-Хозимий «Китобул-эътибор»нинг 40-саҳифасида бундай дейди: «Илм аҳллари бу масалада ихтилоф қилганлар. Баъзилари Толқ ибн Алининг ҳадисига амал қилиб, закарни ушлаш туфайли таҳорат лозим эмас, деб айтишган. (Ҳазрати) Али ибн Абу Толиб, Аммор ибн Ёсир, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абдуллоҳ ибн Аббос, Хузайфа ибн ал-Ямон, Имрон ибн Ҳусайн, Абуд-Дардо, Саъд ибн Абу Ваққос (икки ривоятдан бирига биноан), Саъид ибн ал-Мусайяб (икки ривоятдан бирига биноан), Саъид ибн Жубайр, Иброҳим Наҳоий, Робиъа ибн Абдурраҳмон, Суфён Саврий, Абу Ҳанифа ва биродарлари, Яҳё ибн Маийн ва Куфа аҳлининг шу тўхтамда эканликлари ривоят қилинган». Булар Толқ ибн Алининг шу бобдаги ҳадиси билан истидлол (далил-исбот) қиладилар. Ибнул-

Ҳумом, Сафвоннинг қизи Бусранинг ҳадиси хақида (ўтган 61-бобнинг ҳадиси) бундай дейди: «Толқ ибн Алининг ҳадиси ундан устундир. Чунки, эркакларнинг хотира ва қамровлари соғломроқ бўлганидан, ривоятлари ҳам кучлироқдир. Ана шу сабаб билан икки аёлнинг шоҳидлиги бир эркакнинг гувоҳлиги мартабасида тутилган».

63-БОБ. ЎПИШ ТУФАЙЛИ ТАҲОРАТ ЛОЗИМ ЭМАСЛИГИ

٨٦– حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ وَهَنَّادٌ وَأَبُو كُرَيْبٍ وَأَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ وَمَحْمُودُ بْنُ غَيْلَانَ وَأَبُو عَمَّارٍ [الْحُسَيْنُ بْنُ حُرَيْثٍ][3]، قَالُوا: حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنِ الأَعْمَشِ، عَنْ حَبِيبِ بْنِ أَبِي ثَابِتٍ، عَنْ عُرْوَةَ، عَنْ عَائِشَةَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَبَّلَ بَعْضَ نِسَائِهِ، ثُمَّ خَرَجَ إِلَى الصَّلاَةِ، وَلَمْ يَتَوَضَّأْ، قَالَ: قُلْتُ: مَنْ هِيَ إِلاَّ أَنْتِ؟ [قَالَ][1]: فَضَحِكَتْ[2].

86. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам жуфти ҳаллолларидан бирини ўпдилар ва таҳорат олмасдан намозга чиқдилар».** (Урва айтади)**: «У сиздан бошқа ким бўларди?!»** – **дедим. Шунда Оиша** (розийаллоҳу анҳо) **кулиб қўйдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобеъийнлардан кўпчилик илм аҳллари шу фикрда эканликлари ривоят қилинган. Суфён Саврий ва Куфа аҳлининг қавли ушбудир: «Ўпиш туфайли таҳорат лозим бўлмайди»[27].

Молик ибн Анас, Авзоий, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ ўпганда таҳорат олиш лозимлигини айтадилар. Бу эса Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобеъийнлардан кўпчилик Илм аҳлларининг қавлидир.

Оиша (онамиз розийаллоҳу анҳо) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадисни биродарларимиз тарк этганининг ягона сабаби – ҳадиснинг иснод жиҳатидан аҳволини саҳиҳ деб кўрмаганларидир.

Абу Бакр Аттор ал-Басрийнинг Али ибн ал-Мадинийдан нақлан бундай деганини эшитдим: «Яҳё ибн Саъид ал-Қаттон бу ҳадисни чиндан заиф деб топди ва унинг йўқ ҳукмида (ҳукми йўқ) эканини айтди. Бошқа томондан, Муҳаммад ибн Исмоъийл (ал-Бухорий) бу ҳадисни заиф деб топганини ва: «Ҳабиб ибн Абу Собит Урвадан эшитган» деганини унинг ўзидан эшитдим.

---

[27] Ҳазрати Али, Ибн Аббос, Ато, Товус ва Абу Ханифа шу қавлга эга бўлганлар. Буни Оиша онамизнинг шу бобдаги ҳадиси билан истидлол (далил-исбот) қиладилар. Бу ҳадис заиф бўлиши билан бирга бир-бирини қувватлайдиган бир қанча йўлдан ривоят қилинган.

Иброҳим ат-Таймийдан, Оиша (онамиз)дан бундай деб ривоят қилинди: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Оишани ўпганлар ва таҳорат олмаганлар».**

Бу ҳадис ҳам саҳиҳ эмас. Чунки Иброҳим ат-Таймийнинг Оиша (онамиз)дан ҳадис эшитганини билмаймиз.

Бу бобда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан саҳиҳ тарзида бирон ҳадис ривоят қилинмаган.

ИЗОҲ. Ибн Масъуд, Ибн Умар ва Аз-Зуҳрий шу қавлга эга бўлганлари ривоят қилинган. Булар «Моида» сурасининг 6-оятида келган: «Ёки хотинларингизга теккан бўлсаларингиз» қавли билан далил-исбот қиладилар. Бу ўринда оятдаги «ламс» ва «муломаса» «қўл билан тегинмоқ» маъносида эканини баён қилмоқдалар. Ҳофиз Имомуддин, имомлар ва муфассирлар бу оят тафсирида икки қавлга эга бўлганларини, бир гуруҳлари «қўл билан тегинмоқ» деб, бир гуруҳлари эса «жимоъ (яъни, хотин билан жинсий муомала қилмоқ)» маъносида деб тафсир қилганларини айтади. Бу орада, Ибн Аббос ушбу оятни «жимоъ» деб тафсир қилгани баён этилганки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг дуосига сазовор бўлган бу зотнинг тафсири ишонч ва эътимод (таянч) бергувчидир. Негаки, Ҳазрати Али (карромаллоҳу важҳаҳу) ва кўпгина саҳобалар шу қавлни ёқлашган. Шайх Муборакфурий ҳам «Туҳфатул-аҳвазий» номли Термизий китобининг шарҳида шу қавлни афзал кўрган.

Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзларига хос бўлган баъзи феълларини бошқа мўъминлар учун суннат бўлмайди, чунончи, жуфти ҳалолларини ўпиб, таҳорат олмай, намозга чиққанлари, ёки камёб ҳол бўлса-да, ҳайзли аёллари билан бир тўшакда ётганлари каби феъллар бошқалар учун суннат эмасдир ва мўъминлар бу ишлардан сақланганлари яхшидир. Ҳазрати Оиша онамиз розийаллоҳу анҳо қачон ҳайзли ҳолда бир тўшакда ётганларини сўзласалар: **«Сизлардан қайси бирингиз ўз хоҳишларини жиловлай оларди?»** – дердилар. Бинобарин, ҳар бир ҳадисни суннат деб ҳисоблаб, гуноҳга мубтало бўлмаслик керак.

64-БОБ. ҚУСГАНДА ВА БУРУН ҚОНАГАНДА

٨٧- حَدَّثَنَا أَبُو عُبَيْدَةَ بْنُ أَبِي السَّفَرِ - وَهُوَ أَحْمَدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ الْهَمْدَانِيُّ الْكُوفِيُّ - وَإِسْحَقُ بْنُ مَنْصُورٍ، قَالَ أَبُو عُبَيْدَةَ: حَدَّثَنَا، وَقَالَ إِسْحَقُ: أخبرنا عَبْدُ الصَّمَدِ بْنُ عَبْدِ الْوَارِثِ، حَدَّثَنِي أَبِي، عَنْ حُسَيْنٍ الْمُعَلِّمِ، عَنْ يَحْيَى بْنِ أَبِي كَثِيرٍ، [قَالَ]: حَدَّثَنِي عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ عَمْرٍو الأَوْزَاعِيُّ، عَنْ يَعِيشَ بْنِ الْوَلِيدِ الْمَخْزُومِيِّ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ مَعْدَانَ بْنِ أَبِي طَلْحَةَ، عَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَاءَ [فَأَفْطَرَ]، فَتَوَضَّأَ، فَلَقِيتُ ثَوْبَانَ فِي مَسْجِدِ دِمَشْقَ فَذَكَرْتُ ذَلِكَ لَهُ، فَقَالَ: صَدَقَ، أَنَا صَبَبْتُ لَهُ وَضُوءَهُ.

ثَوْبَانَ فِي مَسْجِدِ دِمَشْقَ فَذَكَرْتُ ذَلِكَ لَهُ، فَقَالَ: صَدَقَ، أَنَا صَبَبْتُ لَهُ وَضُوءَهُ.

87. *Абуд-Дардо (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қайт қилдилар, шунда рўзаларини очдилар ва** (янгитдан) **таҳорат олдилар».** (Маъдан ибн Абу Талҳа айтадики:) **«Дамашқ** (Шом) **масжидида Савбон билан учрашиб қолдим ва унга бу ҳадисни баён қилдим. «Рост айтибди, мен** (ўшанда) **ул зотнинг қўлларига таҳорат суви қуйиб турган эдим», деди».**

Исҳоқ ибн Мансур: «Маъдан ибн Талҳа» деб айтади.

Абу Йисо деди(лар): Ҳолбуки, «(Маъдан) ибн Абу Талҳа» дейиш тўғрироқ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобеъийнлардан бир қанча илм аҳлининг хулосаси шудир: қусганда ва бурун қонаганда таҳорат лозим бўлади, деган фикрдалар. Суфён Саврий, Ибн Муборак, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

Бошқа бир илм аҳллари эса бундай дейди: «Қусганда ва бурун қонаганда таҳорат (янгилаш) йўқ». Бу эса Молик ва Шофиъийнинг қавлидир.

Ҳусайн ал-Муъаллим бу ҳадиснинг жаййид (бардам) эканини қайд этган. Ҳусайннинг ҳадиси ушбу бобда ворид бўлган ҳадисларнинг энг саҳиҳидир.

Маъмар бу ҳадисни Яҳё ибн Касирдан ривоят қилади ва санадида янглишиб, бундай дейди: «Яъиш ибн Волиддан, Холид ибн Маъдандан, Абуд-Дардодан». Бир томондан, санадда «Ал-Авзоий»ни зикр этмаса, иккинчи томондан «Холид ибн Маъдан» дейди. Ҳолбуки, у «Маъдан ибн Абу Талҳа»дир.

ИЗОҲ. Бурун қонаганда таҳорат кетади, оч рангли қонли (қизғиш ранг) қусуқдан ҳам таҳорат кетади. Оғизни тўлдириб чиққан ҳар бир қусуқ таҳоратни кетказади. Бу қусуқ – овқат, сув, қотиб қолган қон, сафро бўлиши мумкин. *(Қаранг: «Мухтасар», «Кифоя».)*

65-БОБ. НАБИЗ (ХУРМО ШАРБАТИ) БИЛАН ТАҲОРАТ ОЛМОҚ

٨٨– حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا شَرِيكٌ، عَنْ أَبِي فَزَارَةَ، عَنْ أَبِي زَيْدٍ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ قَالَ: سَأَلَنِي النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**مَا فِي إِدَاوَتِكَ؟**» فَقُلْتُ: نَبِيذٌ، فَقَالَ: «**تَمْرَةٌ طَيِّبَةٌ، وَمَاءٌ طَهُورٌ**» قَالَ: فَتَوَضَّأَ مِنْهُ[1].

88. *Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;* Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам мендан: **«Тулумингда нима бор?» – деб сўрадилар. «Набиз», дедим. Шунда: «Покиза хурмо ва тоза сув!» – дедилар. Сўнг шу билан таҳорат олдилар», дейди.**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис фақат Абу Зайддан, Абдуллоҳдан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинди. Абу Зайд эса муҳаддислар наздида мажҳул кишидир. Унинг шу ҳадисдан бошқа ривояти маълум эмас.

Илм аҳлининг айримлари шарбат билан таҳорат олиш мумкин деган фикрдалар. Суфён Саврий ва яна бошқалар шулардандир. Бошқа илм аҳллари эса: «Шарбат билан таҳорат олинмайди», дейдилар. Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

Исҳоқ айтади: «Киши шу вазиятга тушса, шарбат билан таҳорат олишидан таяммум қилмоғи, менимча, янада маъқулроқ».

Абу Ийсо деди(лар): «Шарбат билан таҳорат олинмайди» деганларнинг сўзи Қуръони карим ҳукмига яқинроқ ва мувофиқроқдир: **«Сув топа олмасангиз, пок тупроқ билан таяммум қилингиз...»** деб марҳамат қилинган.

ИЗОҲ. Бу Аллоҳнинг сўзи бўлиб, Моида сурасининг 6-оятидандир; маъноси: «**Агар бемор ёки сафарда бўлсангизлар, ёхуд сизлардан бирор киши қазойи ҳожатдан келган бўлса, ёки хотинларингиз билан** (жинсий) **яқинлик қилган бўлсангизлар-у, шу ҳолда сув топа олмасангизлар, тоза тупроққа** (ният билан) **қасдланингизлар – таяммум қилингизлар, юзларингизга ва қўлларингизга ундан суринглар. Аллоҳ сизларга бир қийинлик пайдо қилишни истамас, ва лекин сизларни** (моддий ва маънавий – баданий ва руҳий жиҳатдан) **поклашни ва сизга** (дин ва дунёнгизга оид) **неъматини мукаммал қилиб беришни истар, токи сизлар шукр қилингизлар»** *(Моида, 6).*

Ҳасан Басрий набиз билан таҳорат олишни макруҳ деганлар. Ато ибн Абу Рабоҳ: «Мен учун набиз ёки сут билан таҳорат олгандан кўра таяммум қилган афзалроқ», деганлар.

66-БОБ. СУТ ИЧГАНДАН КЕЙИН ОҒИЗ ЧАЙҚАМОҚ

٨٩ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا اللَّيْثُ، عَنْ عُقَيْلٍ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ عُبَيْدِ اللَّهِ [بْنِ عَبْدِ اللَّهِ]، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ شَرِبَ لَبَنًا فَدَعَا بِمَاءٍ فَمَضْمَضَ، وَقَالَ: «إِنَّ لَهُ دَسَمًا».

89. *Ҳазрати Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам сут ичдилар ва сув келтиртириб, оғиз чайқадилар, сўнг: «Сутда ёғ бор», дедилар.**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Баъзи аҳли илмлар, сут ичгач, оғиз чайқаш керак, деган фикрдалар. Бизнингча, бу мустаҳабдир. Айримлар эса, оғиз чайқаш лозим, деган фикрга қўшилмайдилар.

67-БОБ. ТАҲОРАТ УШАТАЁТГАНДА САЛОМГА АЛИК ОЛИШ МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

٩٠ – حَدَّثَنَا نَصْرُ بْنُ عَلِيٍّ وَمُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، قَالاَ: حَدَّثَنَا أَبُو أَحْمَدَ وَ [مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ الزُّبَيْرِيُّ]، عَنْ سُفْيَانَ، عَنِ الضَّحَّاكِ بْنِ عُثْمَانَ، عَنْ نَافِعٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ: أَنَّ رَجُلاً سَلَّمَ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَهُوَ يَبُولُ، فَلَمْ يَرُدَّ عَلَيْهِ .

90. *Ҳазрати Ибн Умар (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам пешоб қилаётган эдилар, бир киши салом берди, саломига алик олмадилар»**.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Бизнингча, фақат катта ва кичик қазои ҳожат қилаётган вазиятда бўлса, саломлашмоқ макруҳ. Баъзи муҳаддислар шундай таъвил қилганлар.

Бу ҳадис ушбу бобда ривоят қилинган ҳадисларнинг энг гўзалидир.

Бу бобда яна Ал-Муҳожир ибн Қунфуз, Абдуллоҳ ибн Ҳанзала, Алқама ибн ал-Фағво, Жобир ва Ал-Бароъдан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

ИЗОҲ. Аммо қазои ҳожат қилиб бўлган ва ўрнидан турган бўлса ҳамда ҳожат жойидан нарига кетган бўлса, саломга алик олиш макруҳ эмас. Бу бобда ҳадисга қараб сарлавҳа қўйилди. Термизий эса: «Таҳоратсиз ҳолда саломга алик олмоқнинг макруҳ эканлиги» деб сарлавҳа қўйганлар. Бу ҳолатда сарлавҳа умумий (омма учун), ҳадис эса хосдир.

68-БОБ. ИТНИНГ САРҚИТИ

٩١ – حَدَّثَنَا سَوَّارُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ الْعَنْبَرِيُّ، حَدَّثَنَا الْمُعْتَمِرُ بْنُ سُلَيْمَانَ قَالَ: سمعت أَيُّوبَ «يُغْسَلُ الإِنَاءُ إِذَا وَلَغَ فِيهِ الْكَلْبُ سَبْعَ مَرَّاتٍ أُولاَهُنَّ أَو أُخْرَاهُنَّ بِالتُّرَابِ، وَإِذَا وَلَغَتْ فِيهِ الْهِرَّةُ غُسِلَ مَرَّةً».

91. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Итнинг оғзи теккан идиш етти марта ювилади, биринчи ёки охирги мартаси тупроқ билан ювилади. Мушукнинг оғзи теккан идиш эса бир марта ювилади»**.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир. Бу ҳадис Абу Ҳурайрадан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шу шаклда

ривоят қилинган, аммо: «Мушук ялаган идиш бир марта ювилади» деган жумласи зикр қилинмаган.

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Муғаффалдан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

ИЗОҲ. Итнинг олдидан қолган нарса нажасдир. Ит сув ичган идиш уч марта ювиб ташланади. Идиш ҳам, сув ҳам нажас саналади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Ит ялаган идиш уч марта ювилади».** Ҳанафий уламолари: «Етти марта ювиш ҳақидаги ҳадис Исломнинг аввалида айтилган бўлиб, уч марта ювиш ҳақидаги ҳадис билан мансух бўлган», дейдилар. Тўнғиз ва ёввойи ҳайвонлар олдидан қолган нарсалар ҳам нажасдир *(«Ҳидоя» шариф).*

69-БОБ. МУШУКНИНГ САРҚИТИ

٩٢ – حَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ مُوسَى الأَنْصَارِيُّ، حَدَّثَنَا مَعْنٌ، حَدَّثَنَا مَالِكُ بْنُ أَنَسٍ، عَنْ إِسْحَقَ بْنِ عَبْدِ اللّٰهِ بْنِ أَبِي طَلْحَةَ، عَنْ حُمَيْدَةَ بِنْتِ عُبَيْدِ بْنِ رِفَاعَةَ، عَنْ كَبْشَةَ بِنْتِ كَعْبِ بْنِ مَالِكٍ، وَكَانَتْ عِنْدَ ابْنِ أَبِي قَتَادَةَ: أَنَّ أَبَا قَتَادَةَ دَخَلَ عَلَيْهَا، قَالَتْ: فَسَكَبْتُ لَهُ وَضُوءًا، قَالَتْ: فَجَاءَتْ هِرَّةٌ تَشْرَبُ، فَأَصْغَى لَهَا الإِنَاءَ حَتَّى شَرِبَتْ، قَالَتْ كَبْشَةُ: عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّهَا لَيْسَتْ بِنَجَسٍ؛ إِنَّمَا هِيَ مِنَ الطَّوَّافِينَ عَلَيْكُمْ، أَوِ الطَّوَّافَاتِ».

92. *Каъб ибн Моликнинг қизи Кабшадан ривоят қилинди:* **«У** (Кабша) **Абу Қатоданинг ўғли ҳузурида** (никоҳида) **эди.**[28] **Абу Қатода** (бир куни) **уларнинг уйига кирди.** (Кабша) **айтадики: «У кишига таҳорат суви келтирдим. Шу пайт сувсаган бир мушук келиб қолди.** (Абу Қатода) **идишни эгилтириб, мушукка сув ичирди. Менинг қараб қолганимни кўриб, айтдики: «Эй биродаримнинг қизи,**[29] (бундан) **ажабландингми?» «Ҳа», дедим.** (Шунда) **деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мушук нажас эмас. Чунки у ҳамиша атрофингизда айланиб юрадиган кишилардан – ёки – жониворлардандир», деганлар».**

Баъзилар Кабша Абу Қатоданинг хотини эканини Моликдан ривоят қиладилар. Ҳолбуки, у Абу Қатоданинг ўғли (никоҳи)да бўлгани тўғридир.

Бу бобда яна Оиша ва Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

---

[28] Абу Қатоданинг ўғли ал-Ҳорис Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суворийларидан эди. Ҳаббон, Ал-Ҳориснинг хотини Кабша ҳам саҳобалардан эканини айтади.

[29] Бу ўриндаги «биродарлик»дан мурод – Ислом ва дин биродарлигидир. Бегона бўлса ҳам, бировга: «Эй биродарзодам!» деб ёки «Эй жияним (амакиваччам)» деб хитоб қилиш арабларнинг одатидир (Муборакфурий).

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, тобеъийнлардан ва табаъи тобеъийнлардан бўлмиш кўпчилик илм аҳлларининг қавли шу. Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ шулардандир. Мушукдан қолган сувни зарарсиз, деб ҳисоблайдилар.

Бу ҳадис ушбу бобда ривоят қилинган ҳадисларнинг энг ҳасанидир. Молик бу ҳадисни Исҳоқ ибн Абдуллоҳ ибн Абу Талҳадан энг яхши шаклда ривоят қилган ва буни Моликдан кўра яхшироқ ривоят қилган киши бўлган эмас.

ИЗОҲ. Қудурий айтадилар: «Мушукнинг олдидан қолган нарса тоҳир (пок) макруҳдир». Баъзи олимлар айтадилар: «Унинг макруҳлиги нажосатдан ўзини сақламаслиги сабабидандир». Бу сўз мушукнинг олдидан қолган нарса макруҳи танзиҳий, яъни ҳалолга яқин макруҳ эканига далолат қилади. Агар мушук сичқон еган замон бир нарсага тегса, уни нажас қилади (уч марта ювиш керак), бир соатдан кейин тегса, нажас қилмайди *(«Ҳидоя», «Маслакул-муттақийн»).*

Баъзи уламолар Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам **«товвофийна ъалайкум»,** яъни **«атрофингизда айланиб юргувчи»** деганда нозик балоғат билан Нур сурасининг 58-оятидаги **«товвофуна ъайлайкум» («атрофингизда айланиб юргувчилардир»)** деган гўзал иборага ишорат қилганлар», деб айтадилар. Оятнинг маъноси:

«Эй иймон келтирганлар! Қўлларингизда мулк бўлиб турган кишилар ва сизлардан бўлиб, ҳали балоғатга етмаган (ёш бола)**лар** (ушбу) **уч вақтда** (хонангизга кирмоқчи бўлсалар) **сизлардан изн сўрасинлар: бомдод намозидан олдин, пешинда** (дам олиш учун) **кийимларингизни ечган вақтингизда ва хуфтон намозидан кейин.** (Чунки булар) **сизларнинг устингиз очилиши мумкин бўлган уч** (маҳрамият) **вақтидир. Булардан бошқа** (вақтларда киришларида) **сизларга ҳам, уларга ҳам бир гуноҳ йўқдир.** (Улар хизмат учун) **атрофингизда айланиб юргувчилардир...»**

70-БОБ. МАҲСИЛАР УСТИГА МАСҲ ТОРТМОҚ

٩٣ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنِ الأَعْمَشِ، عَنْ إِبْرَاهِيمَ، عَنْ هَمَّامِ بْنِ الْحَارِثِ قَالَ: بَالَ جَرِيرُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ، ثُمَّ تَوَضَّأَ وَمَسَحَ عَلَى خُفَّيْهِ، فَقِيلَ لَهُ: أَتَفْعَلُ هَذَا؟ قَالَ: وَمَا يَمْنَعُنِي، وَقَدْ رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَفْعَلُهُ، قَالَ [إِبْرَاهِيمُ]: وَكَانَ يُعْجِبُهُمْ حَدِيثُ جَرِيرٍ؛ لأَنَّ إِسْلاَمَهُ كَانَ بَعْدَ نُزُولِ الْمَائِدَةِ، [هَذَا قَوْلُ إِبْرَاهِيمَ؛ يَعْنِي: كَانَ يُعْجِبُهُمْ].

93. *Ҳаммом ибн Ҳорисдан ривоят қилинди, у деди:* **«Жарир ибн Абдуллоҳ пешоб қилди. Кейин таҳорат олди ва маҳсилари устига масҳ тортди. Унга: «Нега бундай қилдинг?» – дейилди. Айтдики: «Бундай қилишимга нима монеълик бор? Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай қилганларини кўрдим». Иброҳим айтади: «Улар**

Жарирнинг ҳадисини яхши кўришарди. Чунки у (Жарир) **«Моида»** (сураси) **нозил бўлганидан кейин Исломга кирган». «Улар Жарирнинг ҳадисини яхши кўришарди» жумласи Иброҳимнинг сўзидир.**

Бу бобда Ҳазрати Умар, Али, Ҳузайфа, ал-Муғийра, Билол, Саъд, Абу Аййуб, Салмон, Бурайда, Амр ибн Умайя, Анас, Саҳл ибн Саъд, Яъло ибн Мурра, Убода ибн ас-Сомит, Усома ибн Шарик, Абу Умома, Жобир, Усома ибн Зайд, Ибну Убода – уни Ибн Имора деб аташади – ва Убай ибн Имора (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ййсо деди(лар): Жарирнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

ИЗОҲ. Моида сураси, 6-оятида Аллоҳ мўъминларни намоз учун турганларида оёқларини ювишга буюрган. Жарир ибн Абдуллоҳ бу оят нозил бўлишидан олдин Исломга кирган бўлса эди ва ўшанда бу ҳадисни эшитган бўлса эди, бу оят маҳсилар устига масҳ тортиш ҳукмини бекор қилган бўлар эди. Аммо бу оят тушишидан кейин мусулмон бўлгани учун, ҳадис оятнинг умумига (тўлиқ) тегишли эканини билдирмоқда. (Яъни, бу ҳадис маҳсига масҳ тортиш мумкин ва бу суннат эканини исботламоқда.)

٩٤ وَيُرْوَى عَنْ شَهْرِ بْنِ حَوْشَبٍ قَالَ: رَأَيْتُ جَرِيرَ بْنَ عَبْدِ اللَّهِ تَوَضَّأَ وَمَسَحَ عَلَى خُفَّيْهِ، فَقُلْتُ لَهُ فِي ذَلِكَ، فَقَالَ: رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَوَضَّأَ وَمَسَحَ عَلَى خُفَّيْهِ، فَقُلْتُ: لَهُ أَقَبْلَ الْمَائِدَةِ أَمْ بَعْدَ الْمَائِدَةِ؟ فَقَالَ: مَا أَسْلَمْتُ إِلَّا بَعْدَ الْمَائِدَةِ.

94. *Шаҳр ибн Ҳавшабдан ривоят қилинди:* **«Жарир ибн Абдуллоҳни кўрдим, таҳорат олди ва маҳсилари устига масҳ тортди. Ундан бу иш ҳақида сўраган эдим, айтдики: «Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрдим, таҳорат олдилар ва маҳсилари устига масҳ тортдилар». Жаридан сўрадим** (дейди ровий)**: «Бу ҳол «Моида»** (сурасидаги оят)**дан олдин бўлганмиди ёки «Моида»дан кейинми?» Шунда у бундай деди: «Мен асли «Моида»** (нозил бўлгани)**дан кейин Исломга кирганман».**

Бу ҳадисни Қутайба бизга Холид ибн Зиёд ат-Термизийдан,[30] Муқотил ибн Ҳаййандан, Шаҳр ибн Ҳавшабдан, Жаридан баён қилди. Бу ҳадис тафсирга (таъвилга) мавзу бўлди. Чунки маҳси устига масҳ тортишни қабул қилмаганлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг маҳсилари устига масҳ тортишлари Моида сураси нозил бўлишидан олдин бўлган деб таъвил қилишади. Жарир ўз ҳадисида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам «Моида» нозил бўлишидан кейин маҳсилари устига масҳ тортганларига гувоҳ эканини билдирмоқда.

[30] *Шарҳда исми келган Холид ибн Зиёд ал-Аздий Абу Абдурраҳмон ат-Термизий Термиз қозиси* бўлган. 101 ёшда вафот этган. Содиқ (ростгўй, ишончли) ровийдир (Ибн Ҳажар Аскалоний).

ИЗОҲ. Мукаммал таҳорат олгандан кейин кийилган маҳсилар устига масҳ тортиш суннат эканлигини таъкидлайдиган бу 93,94-ҳадислар яланғоч оёққа ва терисиз ёки пошнасиз пайпоққа масҳ тортиш мумкин эмаслигини исботлайди. «Fуслни вожиб қилувчи иш рўй берса, маҳсига масҳ тортиш жоиз эмас (ечиб, ғусл қилади)» *(«Ҳидоя», 97-саҳифа).* «Маҳсининг устига оёқ бармоқларининг учи томонидан бошлаб болдиригача қўл бармоқлари билан чизиқ шаклида масҳ тортилади» (99-саҳифа). «Маҳсида уч бармоқ сиғардай тешик бўлса, бу маҳсига масҳ тортиш жоиз эмас, балки маҳсиларини ечиб, оёқларни ювиш билан таҳорати комил бўлади» *(«Мухтасар», 15-саҳифа).*

71-БОБ. МУСОФИР ВА МУҚИМ КИШИЛАРНИНГ МАҲСИ УСТИГА МАСҲ ТОРТМОҚЛАРИ

٩٥– حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا أَبُو عَوَانَةَ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ مَسْرُوقٍ، عَنْ إِبْرَاهِيمَ التَّيْمِيِّ، عَنْ عَمْرِو بْنِ مَيْمُونٍ، عَنْ أَبِي عَبْدِ اللَّهِ الْجَدَلِيِّ، عَنْ خُزَيْمَةَ بْنِ ثَابِتٍ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ سُئِلَ عَنِ الْمَسْحِ عَلَى الْخُفَّيْنِ، فَقَالَ: «لِلْمُسَافِرِ ثَلاَثَةٌ وَلِلْمُقِيمِ يَوْمٌ».

95. *Хузайма ибн Собитдан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан маҳсилари устига масҳ тортиш ҳақида савол қилинди. Шунда айтдилар: «Мусофир учун – уч кун, муқим киши учун – бир кун».**

Хузайма ибн Собитнинг масҳ тортиш ҳақидаги ҳадисини Яҳё ибн Маъйин саҳиҳ, деб айтгани зикр қилинган. Абу Абдуллоҳ ал-Жабалийнинг исми – Абд ибн Абд, унинг Абдурраҳмон ибн Абд экани ҳам айтилади.

Абу Йисо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Бу бобда яна (ҳазрати) Али, (ҳазрати) Абу Бакр, Абу Ҳурайра, Сафвон ибн Ассол, Авф ибн Молик, Ибн Умар ва Жарир (розийаллоҳу анҳум ажмаъийн)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

٩٦– حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا أَبُو الأَحْوَصِ، عَنْ عَاصِمِ بْنِ أَبِي النَّجُودِ، عَنْ زِرِّ بْنِ حُبَيْشٍ، عَنْ صَفْوَانَ بْنِ عَسَّالٍ، قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَأْمُرُنَا إِذَا كُنَّا سَفَرًا أَنْ لاَ نَنْزِعَ خِفَافَنَا ثَلاَثَةَ أَيَّامٍ وَلَيَالِيهِنَّ إِلاَّ مِنْ جَنَابَةٍ، وَلَكِنْ مِنْ غَائِطٍ وَبَوْلٍ وَنَوْمٍ.

96. *Сафвон ибн Ассол (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга сафарда бўлган чоғимизда, уч кеча-кундуз маҳсиларимизни ечмасликни, илло жунуб бўлгандагина ечишни, лекин катта қазои ҳожат, пешоб қилиш ва ухлаганлик туфайли ечмасликни амр қилдилар»**.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Ал-Ҳакам ибн Утайба ва Ҳаммод бу ҳадисни Иброҳим ал-Нахоийдан, Абу Абдуллоҳ Жабалийдан, Хузайма ибн Собитдан ривоят қилишдики, бу ривоят саҳиҳ эмас. Али ибн ал-Мадиний айтадики: «Яҳё ибн Саъид, Шуъбадан нақл этиб, бундай дейди: «Иброҳим Нахоъий Абу Абдуллоҳ Жадалийдан масҳ ҳадисини эшитган эмас».

Зоида Мансурдан нақлан бундай дейди: «Иброҳим ат-Таймийнинг ҳужрасида эдик, Иброҳим Нахоъий ҳам биз билан бирга эди. Иброҳим ат-Таймий бизга масҳ ҳадисини Амр ибн Маймундан, Абу Абдуллоҳ Жадалийдан, Хузайма ибн Собитдан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан нақл этди».

Муҳаммад ибн Исмоъийл (ал-Бухорий) айтадики: «Сафвон ибн Ассол ал-Муродийнинг ҳадиси бу бобда ривоят қилинган ҳадисларнинг энг гўзалидир».

Абу Ийсо деди(лар): Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, тобеъийнлардан бўлмиш илм аҳлларидан кўпларининг ва улардан кейингилардан Суфён Саврий, Ибн Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ каби фақиҳ зотларнинг қавли шудир: **«Муқим киши бир кеча-кундуз, мусофир киши эса уч кун, яъни уч кеча-кундуз маҳсиларига масҳ тортади»,** дейдилар.

Илм аҳлининг баъзиларидан, масҳ тортиш учун вақт тайин қилинмаганлари ривоят қилинади. Абу Ийсо (ат-Термизий) деди(лар): Молик ибн Анаснинг қавли шундай. Аммо тавқит (вақт белгиланган) асаҳҳ (саҳиҳроқ)дир.

Бу ҳадис Осимнинг ривоятидан бошқа важҳдан ҳам Сафвон ибн Ассолдан ривоят қилинган.

ИЗОҲ. Фиқҳда фатво юқоридаги саҳиҳ ҳадис асосидадир. Маҳсига масҳ тортиш муддати, таҳорат бузил(иб масҳ торт)ганидан бошлаб, муқим киши учун бир кун, мусофир учун уч кундир.

72-БОБ. МАҲСИЛАРНИНГ УСТИГА ВА ОСТИГА МАСҲ ТОРТМОҚ

٩٧– **حَدَّثَنَا** أَبُو الْوَلِيدِ الدِّمَشْقِيُّ، حَدَّثَنَا الْوَلِيدُ بْنُ مُسْلِمٍ، أَخْبَرَنِي ثَوْرُ بْنُ يَزِيدَ، عَنْ رَجَاءِ ابْنِ حَيْوَةَ، عَنْ كَاتِبِ الْمُغِيرَةِ، عَنِ الْمُغِيرَةِ بْنِ شُعْبَةَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَسَحَ أَعْلَى الْخُفِّ وَأَسْفَلَهُ.

97. *Муғийра ибн Шуъба (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам маҳсиларнинг устига ва остига масҳ тортдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, тобеъийнлардан ва кейинги фақиҳлардан (фиқҳ аҳлидан) кўпчилик кишиларнинг қавли шудир. Молик, Шофиъий ва Исҳоқ ҳам шу тўхтамга келишган. Ҳолбуки, бу ҳадис маълул (иллатли)дир. Уни Савр ибн Язиддан, Волид ибн Муслимдан бошқаси иснод этмаган (санадини тўлдирмаган).

Абу Зуръа ва Муҳаммад ибн Исмоъийл (Бухорий)дан бу ҳадис ҳақида сўрадим, у: «Саҳиҳ эмас», – деди. – Чунки, Ибн Муборак буни Саврдан, Ражо ибн Ҳайвадан ривоят қилади ва Ражо: «Ал-Муғийранинг котиби томонидан айтиб ўтилдим», дейдики, демак, ҳадис Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан мурсал тарзида ривоят қилинган ва ҳадисда Муғийранинг номи ўтмаган».

73-БОБ. МАҲСИЛАРНИНГ ЮЗИГА МАСҲ ТОРТМОҚ

٩٨- **حَدَّثَنَا** عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، قَالَ: حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ أَبِي الزِّنَادِ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عُرْوَةَ ابْنِ الزُّبَيْرِ، عَنِ الْمُغِيرَةِ بْنِ شُعْبَةَ قَالَ: رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَمْسَحُ عَلَى الْخُفَّيْنِ عَلَى ظَاهِرِهِمَا.

98. *Муғийра ибн Шуъба (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг маҳсиларининг сиртларига масҳ тортганларини кўрдим».**

Абу Ийсо деди(лар): Муғийранинг ҳадиси ҳасан. Ва бу ҳадис Абдурраҳмон ибн Абу Зиноднинг ўз отасидан, Муғийрадан қилган ривоятидир. Урвадан, Муғийрадан ривоят қилганлар орасида **«юзига (сиртига)»** сўзини Абдурраҳмондан бошқа зикр қилган кишини билмаймиз.

Илм аҳлларидан кўпчилик кишиларнинг қавли шудир. Суфён Саврий ва Аҳмад шундай деганлар. Муҳаммад айтадики: «Молик ибн Анас, Абдурраҳмон ибн Абу Зинодни заиф деб кўрсатар эди».

74-БОБ. ЖАВРОБ ВА НАЪЛ (ПОЙАБЗАЛ) УСТИГА МАСҲ ТОРТМОҚ

٩٩- **حَدَّثَنَا** هَنَّادٌ وَمَحْمُودُ بْنُ غَيْلَانَ، قَالَا: حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنْ سُفْيَانَ، عَنْ أَبِي قَيْسٍ، عَنْ هُزَيْلِ بْنِ شُرَحْبِيلَ، عَنِ الْمُغِيرَةِ بْنِ شُعْبَةَ قَالَ: تَوَضَّأَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَمَسَحَ عَلَى الْجَوْرَبَيْنِ وَالنَّعْلَيْنِ.

99. *Муғийра ибн Шуъбадан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳорат олдилар, жавроблари ва пойабзаллари устига масҳ тортдилар»**.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Аҳли илмнинг кўпчилигининг қавли шудир. Суфён Саврий, Ибн Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг ҳам қавли шудир: «Қалин ва маҳкам бўлган тақдирда, жавроблар устига, товонсиз (пошнасиз) бўлса ҳам, масҳ тортилади», дейдилар.

Бу бобда Абу Мусодан ҳадис ривоят қилинган.

Солиҳ ибн Муҳаммад ат-Термизийдан эшитдим; у Абу Муқотил ас-Самарқандийдан эшитганини айтди: «Абу Ҳанифанинг вафотлари билан якунланган беморлик пайтларида у кишининг олдиларига кирдим. Сув келтиртириб, таҳорат олдилар. Оёқларида жавроб бор эди, жавробларининг устига масҳ тортдилар ва кейин бундай дедилар: «Олдин ҳеч қилмаган ишимни бугун қилдим; товонсиз (пошнасиз) бўлгани ҳолда жавробларим устига масҳ тортдим».

ШАРҲ. «Ғиёсул-луғот»га кўра «жавроб» этик ва оёққа кийиладиган нарсадир *(1-жилд, 249-саҳифа)*. Бинобарин, уни пайпоқ деб тушуниш мумкин эмас.

«Қудурий розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ наздларида пайпоққа масҳ тортиш жоиз эмас, илло агар у теридан бўлса ёки таги мунаъъал (пошнали, таги чармли) бўлса, жоиз, деганлар. Имом Муҳаммад ва Абу Юсуф раҳимаҳуллоҳлар айтадиларки: «Агар жавроб қалин, қаттиқ ва маҳкам бўлса, жоиз».

Чунки (Имом Термизий баён қилган 99-ҳадисда) ривоят қилинишича: «Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам жавробларига масҳ тортдилар». Чунки агар пайпоқ сахин бўлса, унда юриш мумкин. «Сахин» деб жавробни ҳеч бир нарса билан боғламай, ўз ҳолига қўйилганда тўпиқдан тушиб кетмаслигига айтилади. Шунинг учун у маҳсига ўхшайди. Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳнинг далиллари эса қуйидагича: «Жавроб маҳси ўрнида эмас, чунки агар у мунаъъал (пошнали, таги чарм) бўлмаса, у билан давомли юриб бўлмайди. Ҳадис эса Ҳазрати Расулуллоҳнинг ўзларига хосдир».

Яна Абу Ҳанифадан ривоят қилинади: Ул зот умрларининг охирида (вафотларидан уч кун ёки тўққиз кун олдин) Имом Муҳаммад ва Имом Абу Юсуфнинг фикрларига қайтганлар. Фатво ҳам шунга берилгандир» *(«Ҳидоя», «Масҳ» боби, 103-104-саҳифалар)*.

Муборакфурий бу ҳадис билан боғлиқ айрим баҳсларга тўхталади. Аҳамиятига қараб, бу баҳсларнинг қисқача изоҳини келтиришни зарур деб ҳисоблаймиз.

1. Термизий бу бобнинг ҳадисини ҳасан-саҳиҳ дейдилар. Ҳолбуки, имомларнинг кўпи бу ҳадиснинг заиф эканини қайд этишади. Шу билан бирга жавроб устига масҳ тортиш ҳақида марфуъ ва саҳиҳ тарзида бирор ҳадис ривоят қилинмаган. Барча ривоятлар борасида танқидий сўз қилинган.

2. «Жавраб» калимаси тафсири ҳақида уламолар орасида ихтилоф бўлган. Маждиддин Фирузободий «Қомус» (луғат) китобида ва Абул Файз Муртазо «Тожул-арус» китобида «жавроб»нинг оёқ кийими эканини айтса, Тоййибий: **«Теридан тикилган бир оёқ кийими бўлиб, тиззагача кийилади ва бу маҳси деб танилган»,** дейди. Фирузободийнинг тафсири умумий (оммавий) ва оёққа кийиладиган ҳамма нарсага тегишлидир. У хоҳ теридан бўлсин, хоҳ жун, ё юнгдан ёки ҳар қандай нарсадан тўқилган бўлсин, кейин, хоҳ қалин бўлсин, хоҳ юпқа бўлсин, ҳатто килган ёки тикилмаган оёқ кийимларига ҳам тегишлидир. **Тоййибий, Шавқоний ва Шайх Абдулҳақнинг тафсирларига биноан, «жавроб», жилд** (тери) **маҳсулоти бўлиб, маҳсининг бир туридир ва маҳсидан каттароқдир.**

Абу Бакр Ибн Арабий ва Айнийнинг тафсирларига биноан, юнгдан *тўқилган оёқ кийими «жавроб» дейилади.* Ҳанафий имомларидан бўлган Шамсул-Аимма Ҳулвоний фикрича, «жавроб» беш хилдир: теридан, жундан, қилдан, юпқа теридан ва пахтадан қилинади. Каноп ва ипак тўқималар пахта газмоллари туридан ҳисобланган. «Жавроб» тафсиридаги ихтилоф икки жиҳатдандир: биринчиси, «жавроб» қайси матоҳдан (моддадан) қилингани, иккинчиси эса «жавроб»нинг ҳажми (ўлчами) ҳақидадир. Луғатшуносларнинг бу сўз устидаги ихтилофлари, «жавроб»нинг шакли ва саноати (тўқилиши) мамлакатларга қараб ўзгарганидан келиб чиққан бўлиши мумкин: баъзи ўлкаларда теридан, баъзи юртларда жундан ва қайсидир ўлкаларда ҳар хил нарсалардан қилинади. Ҳар бир луғатчи «жавроб»ни ўз ўлкасида тўқилган шаклга қараб тафсир қилган. Бирови эса, Фирузободий каби, ҳар бир юртда бўладиган ҳар хил, турига тегишли қилиб, тафсир этган.

3. «*Жавроб» устига масҳ тортиш борасида имомлар* мазҳабининг хулосаларига келсак, Имом Абу Юсуф ва Муҳаммад, қалин (зич) ва маҳкам тўқилган жавроблар устига масҳ тортишда зарар йўқ, деб ҳисоблаганлар. Оёқда боғсиз (боғичсиз) ўзи тура оладиган даражада қалин бўлишини кўзда тутганлар. Имом Абу Ханифа соҳибайн (икки биродари, Имом Абу Юсуф ва Муҳаммад) қавлига қайтганлари ривоят қилинади. Имоми Молик Имом Аъзамнинг эски қавлига эга бўлиб, жавроблар устига масҳ тортиш жоиз бўлиши учун, жавроблар қалин ва маҳкам бўлиши кераклигини ва айни вақтда, тагларига теридан товон (пошна) урилиши лозимлигини шарт қилиб қўяди. Шофиъий ва Аҳмад (ибн Ҳанбал) мазҳабига келсак, Термизий бу мазҳаб фикрини ҳадиснинг изоҳида шарҳлаб ўтдилар.

4. Ҳадиси шарифда «жавробларининг ва пойабзалларнинг устига масҳ тортдилар» дейилмоқда. Бу ўринда «пойабзал» деб таржима қилинган «наъл» сўзи аслида оёқни ердан сақлаган ҳар турли оёқ кийимига итлоқ (тааллуқли) қилинади. Аммо тўпиқлардан паст бўлган оёқ кийими устига масҳ тортмоқ жоиз эмас.

Илова: «Оёқяланг бўлса, яланғоч оёққа масҳ тортиш жоиз эмас, фақат рофизийлар (аҳли суннатдан чиққан фирқа) шундай қилади *(Муҳаммад Зоҳид Қўтқу ибн Иброҳим ал-Бурсавий. «Аҳли суннат вал-жамоат ақоиди», 1-китоб, 8-масала).*

75-БОБ. АМОМА (САЛЛА) УСТИГА МАСҲ ТОРТМОҚ

١٠٠ – **حَدَّثَنَا** مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ الْقَطَّانُ، عَنْ سُلَيْمَانَ التَّيْمِيِّ، عَنْ بَكْرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ الْمُزَنِيِّ، عَنِ الْحَسَنِ، عَنِ ابْنِ الْمُغِيرَةِ بْنِ شُعْبَةَ، عَنْ أَبِيهِ قَالَ: تَوَضَّأَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَمَسَحَ عَلَى الْخُفَّيْنِ وَالْعِمَامَةِ، قَالَ بَكْرٌ وَقَدْ سَمِعْتُ مِنَ ابْنِ الْمُغِيرَةِ. قَالَ: وَذَكَرَ مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ فِي هَذَا الْحَدِيثِ فِي مَوْضِعٍ آخَرَ: أَنَّهُ مَسَحَ عَلَى نَاصِيَتِهِ وَعِمَامَتِهِ.

100. *Муғийра ибн Шуъба (розийаллоҳу анҳу) отасидан ривоят қилиб, деди:* «**Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳорат олдилар, маҳсилари ва амомалари** (саллалари) **устига масҳ тортдилар**».

Ҳадиснинг ровийларидан Бакр: «Муғийранинг ўғлидан эшитдим», деган.

Муҳаммад ибн Башшор, бошқа бир ерда, шу ҳадисда ушбу жумлани зикр қилган: «**Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам пешона сочлари ва саллалари устига масҳ тортдилар**».

Бу ҳадис Муғийра ибн Шуъбадан бир қанча важҳлардан ривоят қилинган. Бирлари: «Пешона сочлари ва саллалари устига масҳ қилдилар», деб зикр қилмоқда, бирлари эса «пешона сочлари»ни зикр қилмаётир.

Аҳмад ибн ал-Ҳасандан эшитдим, у Аҳмад ибн Ҳанбал бундай деганини эшитдим, дейди: «Кўзим Яҳё ибн ал-Қаттон кўрган каби кўрмади».

Бу бобда яна Амр ибн Умайя, Салмон, Савбон ва Абу Умомадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Муғийра ибн Шуъбанинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ҳазрати Абу Бакр, ҳазрати Умар ва Анас (розийаллоҳу анҳум) сингари кўпчилик зотларнинг қавли шудир. Авзоий, Аҳмад ва Исҳоқ: «Салла устига масҳ қилинади», дейдилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобеъийнларнинг аксари эса бундай дейдилар: «Фақат салланинг ўзинигина масҳ қилмайди, фақат салла билан бирга бош(нинг бир қисми)ни ҳам масҳ қилади». Суфён Саврий, Молик ибн Анас, Ибн-Муборак ва Шофиъийнинг қавли шудир.

Ал-Жоруд ибн Муъоз айтадики: «Вакиъ ибн ал-Жарроҳнинг бундай деганини унинг ўзидан эшитдим: «Фақат салланинг ўзигагина масҳ қилинса, асарга (ҳадисга) мустанид бўлгани (асосланган) учун етарлидир».

ИЗОҲ. Термизийнинг изоҳларидан англашилганидек, айрим имомлар салланинг устига масҳ тортишни ушбу бобда ривоят этилган ҳадисларга таяниб, айни вақтда, маҳсиларга қиёсан, қабул қилганлар. Молик, Шофиъий ва Абу Ҳанифа ҳазратлари буни рад этадилар.

75-боб ҳадисларига фиққий изоҳ: «Саллага, дўппига, қўлқопга, рўмолга (химорга) масҳ тортиш жоиз эмас. Ушбу нарсаларга масҳ тортишнинг жоиз эмаслигига сабаб, буларни ечишда қийинчилик йўқ. Рухсат эса қийинчилик туғилганда уни дафъ қилиш жоиз(лиги учун)дир» *(«Ҳидоя», 104-саҳифа).*

١٠١ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ مُسْهِرٍ، عَنِ الأَعْمَشِ، عَنِ الْحَكَمِ، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ ابْنِ أَبِي لَيْلَى، عَنْ كَعْبِ بْنِ عُجْرَةَ، عَنْ بِلاَلٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَسَحَ عَلَى الْخُفَّيْنِ وَالْخِمَارِ.

101. *Ҳазрати Билол (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам маҳсиларига ва химорларига** (бош чодирларига) **масҳ тортдилар».**

١٠٢ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ [بْنُ سَعِيدٍ]، حَدَّثَنَا بِشْرُ بْنُ الْمُفَضَّلِ، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ إِسْحَقَ- [هُوَ: الْقُرَشِيُّ] - عَنْ أَبِي عُبَيْدَةَ بْنِ مُحَمَّدِ بْنِ عَمَّارِ بْنِ يَاسِرٍ، قَالَ: سَأَلْتُ جَابِرَ بْنَ عَبْدِ اللَّهِ، عَنِ الْمَسْحِ عَلَى الْخُفَّيْنِ، فَقَالَ: السُّنَّةُ يَا ابْنَ أَخِي، [قَالَ]: وَسَأَلْتُهُ عَنِ الْمَسْحِ عَلَى الْعِمَامَةِ، فَقَالَ: أَمِسَّ الشَّعَرَ الْمَاءَ.

102. *Абу Убайда ибн Муҳаммад Аммор ибн Ёсир деди:* **«Жобир ибн Абдуллоҳдан маҳсилар устига масҳ тортиш хақида сўраганимда, «Суннатдир, эй биродарзодам!», деб жавоб берди. Сўнг ундан саллага масҳ тортишни сўрадим. «Сочингга сув еткиз», деди».**

76-БОБ. ЖУНУБЛИКДАН ПОКЛАНМОҚ (ЧЎМИЛМОҚ)

١٠٣ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنِ الأَعْمَشِ، عَنْ سَالِمِ بْنِ أَبِي الْجَعْدِ، عَنْ كُرَيْبٍ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ، عَنْ خَالَتِهِ مَيْمُونَةَ، قَالَتْ: «وَضَعْتُ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ غُسْلاً، فَاغْتَسَلَ مِنَ الْجَنَابَةِ، فَأَكْفَأَ الإِنَاءَ بِشِمَالِهِ عَلَى يَمِينِهِ فَغَسَلَ كَفَّيْهِ، ثُمَّ أَدْخَلَ يَدَهُ فِي الإِنَاءِ فَأَفَاضَ عَلَى فَرْجِهِ، ثُمَّ دَلَكَ بِيَدِهِ الْحَائِطَ، أَوِ الأَرْضَ، ثُمَّ مَضْمَضَ وَاسْتَنْشَقَ، وَغَسَلَ وَجْهَهُ وَذِرَاعَيْهِ، ثُمَّ أَفَاضَ عَلَى رَأْسِهِ ثَلاَثًا، ثُمَّ أَفَاضَ عَلَى سَائِرِ جَسَدِهِ، ثُمَّ تَنَحَّى فَغَسَلَ رِجْلَيْهِ».

103. *Ҳазрати Ибн Аббоснинг холаси Маймуна (розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинди, айтдилар:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга ғусл учун сув қўйдим. Бас, жанобатдан покландилар: чап қўллари билан идишни эгиб, ўнг қўлларига сув олдилар ва икки қўлларини** (бўғинигача) **ювдилар. Кейин қўллари билан идишдан сув олиб, фаржларига тўкдилар** (мустаҳаб қилдилар)**, кейин қўлларини деворга ёки ерга ишқаб, ювиб ташладилар. Сўнг оғиз ва бурун чайқадилар, юзларини ва қўлларини** (тирсаклари билан қўшиб) **ювдилар. Сўнг бошларига уч марта сув қуйдилар. Кейин бутун баданларига сув қуйдилар. Сўнг четга чиқиб, оёқларини ювдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Ушбу бобда Умму Салама, Жобир, Абу Саъид, Жубайр ибн Мутъим ва Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

١٠٤ – حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ [بْنُ عُيَيْنَةَ]، عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا أَرَادَ أَنْ يَغْتَسِلَ مِنَ الْجَنَابَةِ بَدَأَ فَغَسَلَ يَدَيْهِ قَبْلَ أَنْ يُدْخِلَهُمَا الإِنَاءَ، ثُمَّ غَسَلَ فَرْجَهُ، وَيَتَوَضَّأُ وُضُوءَهُ لِلصَّلاَةِ، ثُمَّ يُشَرِّبُ شَعْرَهُ الْمَاءَ، ثُمَّ يَحْثِي عَلَى رَأْسِهِ ثَلاَثَ حَثَيَاتٍ.

104. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жанобатдан покланмоқчи** (ғусл қилмоқчи) **бўлсалар, аввало қўлларини идишга ботирмасдан олдин ювар эдилар, кейин фаржларини ювар** (мустаҳаб қилар) **ва намозга таҳорат олгандек таҳорат олар эдилар. Кейин сочларини таг-тагигача ҳўллар эдилар. Кейин бошларидан бутун баданларига уч марта сув қуяр эдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳллари жанобатдан покланишда (ғусл қилишда) шу (усул)ни ихтиёр этганлар: намозга таҳорат олгандек таҳорат олади. Кейин бошига уч марта сув қуяди. Кейин баданининг ҳаммаёғига сув қуяди. Кейин оёқларини ювади.

Илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир. Айтадиларки, жунуб киши (намозга таҳорат олгандек) таҳорат олмасдан чўмилса, (покланмоғи учун) шу ҳам унга етарли. Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

77-БОБ. АЁЛ КИШИ ҒУСЛ ҚИЛГАНДА СОЧИНИНГ ЎРИМИНИ ЁЯДИМИ?

١٠٥- حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ، عَنْ أَيُّوبَ بْنِ مُوسَى، عَنْ [سَعِيدٍ] الْمَقْبُرِيِّ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ رَافِعٍ، عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ، قَالَتْ: قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنِّي امْرَأَةٌ أَشُدُّ ضَفْرَ رَأْسِي، أَفَأَنْقُضُهُ لِغُسْلِ الْجَنَابَةِ؟ قَالَ: «لاَ، إِنَّمَا يَكْفِيكِ أَنْ تَحْثِينَ عَلَى رَأْسِكِ ثَلاَثَ حَثَيَاتٍ مِنْ مَاءٍ، ثُمَّ تُفِيضِينَ عَلَى سَائِرِ جَسَدِكِ الْمَاءَ فَتَطْهُرِينَ»- أَوْ قَالَ-: «فَإِذَا أَنْتِ قَدْ تَطَهَّرْتِ».

105. *Умму Салама (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Дедимки: «Ё Расулаллоҳ! Мен сочини маҳкам ўриб юрадиган аёлман. Жанобат ғуслини қилаётганда сочимнинг ўримини ечаманми?» Айтдиларки, «Йўқ! Бошингга сувдан уч марта қуймоғинг сенга кифоя! Кейин баданингнинг қолган ҳамма ёғига сув қуясан. Бас, покланган бўласан» ёки: «Бас, ана, покландинг!» – дедилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ. Илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир: хотин киши сочининг ўримини бузмай туриб ғусл қилса, бошига сув тўкканидан кейин, шу унга кифоя.

ИЗОҲ. Сочи ўрилган аёл учун сочининг тагини (сув қуйиб) ҳўллаши кифоя қилади, сочларини ювмоқ вожиб эмас *(«Мухтасар», «Шарҳи Мухтасари Виқоя»).*

78-БОБ. ҲАР БИТТА СОЧ ТОЛАСИ ОСТИДА ЖУНУБЛИК БОР

١٠٦- حَدَّثَنَا نَصْرُ بْنُ عَلِيٍّ، حَدَّثَنَا الْحَارِثُ بْنُ وَجِيهٍ، قَالَ: حَدَّثَنَا مَالِكُ بْنُ دِينَارٍ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ سِيرِينَ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «تَحْتَ كُلِّ شَعْرَةٍ جَنَابَةٌ، فَاغْسِلُوا الشَّعْرَ، وَأَنْقُوا الْبَشَرَ».

106. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Ҳар битта соч толаси остида жунублик бор. Сочни ювингизлар ва териларингизни тозалангизлар!».**

Бу бобда Ҳазрати Али ва Анас (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ҳорис ибн Важийҳнинг ҳадиси ғариб. Чунки бу ҳадисни танҳо унинг ривоятидан биламиз. У жуда кучли шайх

эмас. Ҳолбуки, имомлардан кўпи ундан ривоят қилганлар. Бу ҳадисни Молик ибн Динордан ёлғиз унинг ўзи ривоят қилди. У «Ал-Ҳорис ибн Важийҳ» ҳам дейилади, «Ибн Важбаҳ» ҳам дейилади.

ШАРҲ. Ушбу ҳадиснинг бошқа бир ривояти бундай:

مَنْ تَرَكَ مَوْضِعَ شَعْرَةٍ مِنَ الْجَنَابَةِ لَمْ يَغْسِلْهَا فُعِلَ بِهَا كَذَا وَكَذَا مِنَ النَّارِ قَالَ عَلِيٌّ: فَمِنْ ثَمَّ عَادَيْتُ رَأْسِي وَكَانَ يَجُزُّ شَعْرَهُ.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Ким жунубликдан бир тук ўрнини ювмай қолдирса, дўзахда ундоқ қилинади, бундоқ қилинади», дедилар.** Ҳазрати Али (розийаллоҳу анҳу): **«Шунинг учун бошимни** (сочимни) **ўзимга душман тутдим»**, деб уч марта айтдилар.У зот сочларини қирдириб юрар эдилар», дейилган.

Мазкур ҳадислар Аҳли суннат вал-жамоъат, хусусан, Имоми Аъзам мазҳаби мансублари учун сочларини олдириб юришларига далил қилиб олинган.

79-БОБ. ҒУСЛДАН КЕЙИН ТАҲОРАТ ОЛМОҚ МАСАЛАСИ

١٠٧ – حَدَّثَنَا إِسْمَعِيلُ بْنُ مُوسَى، حَدَّثَنَا شَرِيكٌ، عَنْ أَبِي إِسْحَقَ، عَنِ الأَسْوَدِ، عَنْ عَائِشَةَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ لاَ يَتَوَضَّأُ بَعْدَ الْغُسْلِ.

107. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ғуслдан кейин таҳорат олмас эдилар»**.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобеъийнлардан бўлмиш илм аҳлидан кўпларининг қавли шудир: «Ғуслдан кейин таҳорат олинмайди».

80-БОБ. ИККИ ХАТНА (ШАРМГОҲ) УЧРАШГАНДА ҒУСЛ ВОЖИБ БЎЛАДИ

١٠٨ – حَدَّثَنَا أَبُو مُوسَى مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى، حَدَّثَنَا الْوَلِيدُ بْنُ مُسْلِمٍ، عَنِ الأَوْزَاعِيِّ، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ الْقَاسِمِ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: إِذَا جَاوَزَ الْخِتَانُ الْخِتَانَ [فَقَدْ] وَجَبَ الْغُسْلُ، فَعَلْتُهُ أَنَا وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَاغْتَسَلْنَا.

108. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди:* **«Эркакнинг хатна ўрни хотиннинг хатна ўрнидан ўтса, ғусл вожиб бўлади. Мен ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай ҳолатда ғусл қилганмиз».**

Бу бобда Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Амр, Рофиъ ибн Ходиж (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

ИЗОҲ. Баъзи иссиқ минтақаларда, хусусан, араб юртларида аёлларнинг ҳам хатнаси борлиги айтилади. Унда фаржнинг ичидаги бир оз ўсиб турадиган қисми хатна қилинади. Эркакнинг хатна қилинадиган жойи аёлнинг хатна қилинадиган жойидан ичкари ўтса (олат яширинса), ғусл вожиб бўлади *(«Мухтасар», «Кифоя»).*

١٠٩ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنْ سُفْيَانَ، عَنْ عَلِيِّ بْنِ زَيْدٍ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْمُسَيَّبِ، عَنْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا جَاوَزَ الْخِتَانُ الْخِتَانَ وَجَبَ الْغُسْلُ».

109. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди:* «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Хатна хатнани очганда, ғусл вожиб бўлади», дедилар.**

Абу Ййсо деди(лар): Оиша (розийаллоҳу анҳо)нинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Бу ҳадис Оиша (онамиз)дан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бир қанча важҳлардан ривоят қилинган: **«Хатна (суннат олати) хатнани очганда ғусл вожиб бўлади», дедилар.**

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан бўлган илм аҳлларидан кўпларининг қавли шудир. (Ҳазрати) Абу Бакр, (ҳазрати) Умар, (ҳазрати) Усмон, (ҳазрати) Али ва (ҳазрати) Оиша (розийаллоҳу анҳум) шулар жумласидандир. Тобеъийнлар ва улардан кейингилардан бўлган фақиҳларнинг қавли ҳам шудир. Чунончи, Суфён Саврий, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ каби фақиҳ зотлар: хатналар (суннат олатлари) бир-бирига тегса, ғусл вожиб бўлади, деганлар.

81-БОБ. «СУВ» БОИС СУВ ЛОЗИМ БЎЛУР

١١٠ – حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ الْمُبَارَكِ، أخبرنا يُونُسُ بْنُ يَزِيدَ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ، عَنْ أُبَيِّ بْنِ كَعْبٍ قَالَ: إِنَّمَا كَانَ الْمَاءُ مِنَ الْمَاءِ رُخْصَةً فِي أَوَّلِ الإِسْلَامِ، ثُمَّ نُهِيَ عَنْهَا.

110. *Убай ибн Каъб (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Сув** (ғусл) (фақатгина) **сув** (маний келиши) **боис лозим бўлади, деган рухсат Исломнинг аввалидаги бир рухсат эди, кейин бекор қилинди** (ҳукми ўзгартирилди: эр-хотин мужомаъат қилганда, маний тўкилмаса ҳам, ғусл вожиб бўлди)».

١١١– حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا [عَبْدُ اللَّهِ] بْنُ الْمُبَارَكِ، أخبرنا مَعْمَرٌ، عَنِ الزُّهْرِيِّ بِهَذَا الإِسْنَادِ مِثْلَهُ.

111. *Айнан шу ҳадис қуйидаги иснод билан ривоят қилинди: Аҳмад ибн Маниъ, (Абдуллоҳ) ибн Муборак, Маъмар, Аз-Зуҳрийдан.*

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Ғусл қилиш фақат маний тўкилиши боис лозим бўлади (маний тўкилмаса, ғусл шарт эмас), деган рухсат Исломнинг бошланғич даврида эди, кейинчалик бекор қилинди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан кўпчилик зотлар ана шундай ривоят қилдилар. Убай ибн Каъб ва Рофиъ ибн Ходиж булар орасида бор.

Илм аҳлидан кўпларининг наздида амал шу ҳадис асосидадир: «Эр агар хотини билан мужомаат қилса, маний тўкилмаган тақдирда ҳам, ҳар иккалови ғусл қилиши вожиб бўлади», дейдилар.

١١٢– حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، أخبرنا شَرِيكٌ، عَنْ أَبِي الْحَحَّافِ، عَنْ عِكْرِمَةَ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: إِنَّمَا الْمَاءُ مِنَ الْمَاءِ، فِي الاحْتِلاَمِ.

112. *Ҳазрати Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Сув** (ғусл) **сув боис** (маний келиши боис) **лозим эканлиги иҳтилом бўлиш ҳолидадир».**

Ал-Жоруд Вакиънинг бундай деганини эшитдим: «Бу ҳадисни фақат Шарикда учратдик».[31]

Абу Ийсо деди(лар): Абул-Жаҳҳофнинг номи – Довуд ибн Абу Авф.

Суфён Саврийнинг бундай дегани ривоят қилинади: «Абул-Жаҳҳоф бизга бу (ҳадис)ни баён қилиб берди, ўзи мақбул киши эди».

---

[31] Яъни, бу ҳадисни Абул-Жаҳҳофдан ёлғиз Шарик ривоят қилади. Шарик эса Абдуллоҳ Куфийнинг ўғлидир. Ғоят дуруст киши бўлиши билан бирга кўп янглишган. Куфага волий бўлгандан кейин хотираси ўзгарган.

Бу бобда Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб, Аз-Зубайр, Талҳа, Абу Айюб ва Абу Саъид (розийаллоҳу анҳум)дан алоҳида-алоҳида ривоят қилинди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдиларки: **«Сув** (ғусл) **сув боис** (маний келиши боис) **лозим бўлур».**

82-БОБ. УЙҚУДАН УЙҒОНИБ, (КИЙИМИДА) НАМ КЎРМОҚ ВА ИҲТИЛОМ БЎЛГАНИНИ ЭСЛАЙ ОЛМАСЛИК

١١٣- **حَدَّثَنَا** أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ خَالِدٍ الْخَيَّاطُ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ - هُوَ: الْعُمَرِيُّ - عَنْ عُبَيْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ، عَنِ الْقَاسِمِ بْنِ مُحَمَّدٍ، عَنْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: سُئِلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الرَّجُلِ يَجِدُ الْبَلَلَ، وَلاَ يَذْكُرُ احْتِلاَمًا، قَالَ: «**يَغْتَسِلُ**» وَعَنِ الرَّجُلِ يَرَى أَنَّهُ قَدِ احْتَلَمَ، وَلَمْ يَجِدْ بَلَلاً، قَالَ: «**لاَ غُسْلَ عَلَيْهِ**» قَالَتْ أُمُّ سَلَمَةَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، هَلْ عَلَى الْمَرْأَةِ تَرَى ذَلِكَ غُسْلٌ ؟ قَالَ: «**نَعَمْ، إِنَّ النِّسَاءَ شَقَائِقُ الرِّجَالِ**».

113. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди:* **Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан,** (этагида) **нам топган, аммо иҳтилом бўлганини эслай олмаган киши ҳақида савол сўралди. «Ғусл қилади», дедилар. Ва яна иҳтилом бўлганини пайқаган, аммо** (этагида) **нам топмаган киши ҳақида сўралди. «Унда ғусл қилмайди», дедилар. Умму Салама дедики: «Ё Расулаллоҳ! Агар аёл киши ҳам иҳтилом бўлиб қолса, ғусл лозимми?» «Ҳа, чунки аёллар** (яратилиш ва табиатда) **эркакларга ўхшашдир», дедилар.**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадисни – Оиша (розийаллоҳу анҳо)нинг: **«Нам топган, аммо иҳтилом бўлганини эслай олмаган киши»** ҳақидаги ҳадисини ёлғиз Абдуллоҳ ибн Умар, Убайдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилди. Лекин Яҳё ибн Саъид, Абдуллоҳ ибн Умарни ҳадис бобида хотираси жиҳатдан заиф деб билади.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобеъийнлардан бўлган кўпгина илм аҳлининг қавли будир: уйқудан уйғонганда, этагида нам топган киши ювинади (ғусл қилади). Суфён Саврий ва Аҳмаднинг қавли ҳам шудир.

Тобеъийнлардан бўлган баъзи илм аҳллари бундай дейди: **«Агар нам нутфа** (маний) **нами бўлса, ғусл лозим бўлади»**. Шофиъий ва Исҳоқ шундай тўхтамдалар. Иҳтилом бўлганини пайқаса-ю, лекин этагида намлик топмаса, илм аҳлининг ҳукмига кўра, ғусл лозим бўлмайди.

83-БОБ. МАНИЙ ВА МАЗИЙ
(Манийдан олдин келадиган оқимтир сув)

١١٤– حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَمْرٍو السَّوَّاقُ الْبَلْخِيُّ، حَدَّثَنَا هُشَيْمٌ، عَنْ يَزِيدَ بْنِ أَبِي زِيَادٍ ح [قَالَ]: وحَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلاَنَ، حَدَّثَنَا حُسَيْنٌ الْجُعْفِيُّ، عَنْ زَائِدَةَ، عَنْ يَزِيدَ بْنِ أَبِي زِيَادٍ، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي لَيْلَى، عَنْ عَلِيٍّ، قَالَ: سَأَلْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الْمَذْيِ، فَقَالَ: «مِنَ الْمَذْيِ الْوُضُوءُ، وَمِنَ الْمَنِيِّ الْغُسْلُ».

114. *Ҳазрати Али (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; дедиларки:* **Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан мазий ҳақида сўрадим. Айтдиларки: «Мазий туфайли таҳорат олмоқ, маний туфайли ғусл қилмоқ лозим бўлади».**

Бу бобда Миқдод ибн Асвад ва Убай ибн Каъбдан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

«Мазий сабабли таҳорат ва маний сабабли ғусл лозим бўлади», деган ҳадис ҳазрати Али ибн Абу Толибдан, ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бир қанча важҳлардан ривоят қилинган. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, тобеъийндан (ва улардан кейингилардан) бўлган илм аҳлининг оммавий қавли шудир. Суён (Саврий), Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ ҳам шундай қавлдалар.

84-БОБ. КИЙИМГА ТЕККАН МАЗИЙ

١١٥– حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا عَبْدَةُ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِسْحَقَ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ عُبَيْدٍ – هُوَ: ابْنُ السَّبَّاقِ – عَنْ أَبِيهِ، عَنْ سَهْلِ بْنِ حُنَيْفٍ، قَالَ: كُنْتُ أَلْقَى مِنَ الْمَذْيِ شِدَّةً وَعَنَاءً، فَكُنْتُ أَكْثِرُ مِنْهُ الْغُسْلَ، فَذَكَرْتُ ذَلِكَ لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَسَأَلْتُهُ عَنْهُ، فَقَالَ: «إِنَّمَا يُجْزِئُكَ مِنْ ذَلِكَ الْوُضُوءُ» فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، كَيْفَ بِمَا يُصِيبُ ثَوْبِي مِنْهُ؟ قَالَ: «يَكْفِيكَ أَنْ تَأْخُذَ كَفًّا مِنْ مَاءٍ فَتَنْضَحَ بِهِ ثَوْبَكَ حَيْثُ تَرَى أَنَّهُ أَصَابَ مِنْهُ».

115. *Саҳл ибн Ҳунайф (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Мазийдан қийналиб, машаққат чекар эдим, кўп** (тез-тез) **ғусл қилар эдим. Бу аҳволни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга айтдим ва бу ҳақда савол сўрадим. Айтдиларки: «Мазийдан фақат таҳорат олсанг, етарлидир». Шунда: «Ё Расулаллоҳ! Кийимга теккан мазий нима бўлади?» – дедим. «Бир ҳовуч сув олмоғинг ва бу сувни, мазий**

кийимингнинг қаерига текканини кўрсанг, ўша жойига тўкмоғинг кифоядир!» – дедилар.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ. Буни фақатгина Муҳаммад ибн Исҳоқнинг мазий бобидаги ривоятидан биламиз.

Илм аҳли кийимга теккан мазий борасида ихтилоф қилганлар. Баъзилари кийимни ювиш лозимлигини айтганлар. Шофиъий ва Исҳоқнинг қавли шудир. Баъзилари эса устига сув сепмоқ кифоя, деган фикрга эга бўлганлар. Аҳмад айтадики: «Сув сепмоқ етарли эканидан умидим бор».

85-БОБ. КИЙИМГА ТЕККАН МАНИЙ

١١٦ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ، عَنِ الأَعْمَشِ، عَنْ إِبْرَاهِيمَ، عَنْ هَمَّامِ بْنِ الْحَارِثِ قَالَ:ضَافَ عَائِشَةَ ضَيْفٌ فَأَمَرَتْ لَهُ بِمِلْحَفَةٍ صَفْرَاءَ، فَنَامَ فِيهَا، فَاحْتَلَمَ، فَاسْتَحْيَا أَنْ يُرْسِلَ بِهَا وَبِهَا أَثَرُ الاِحْتِلاَمِ فَغَسَلَهَا فِي الْمَاءِ، ثُمَّ أَرْسَلَ بِهَا،فَقَالَتْ عَائِشَةُ لِمَ أَفْسَدَ عَلَيْنَا ثَوْبَنَا؟ إِنَّمَا كَانَ يَكْفِيهِ أَنْ يَفْرُكَهُ بِأَصَابِعِهِ،وَرُبَّمَا فَرَكْتُهُ مِنْ ثَوْبِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِأَصَابِعِي.

116. *Ҳаммом ибн Ҳорисдан ривоят қилинди:* **«Оиша** (розийаллоҳу анҳо)**нинг уйларига бир меҳмон келди, Оиша** (онамиз) **унга бир сариқ чодарни беришни буюрдилар. Меҳмон** (чодарни ёпиниб) **ётиб, кечаси иҳтилом бўлиб қолди. Чодарни иҳтилом асари бўлган ҳолда қайтаришдан уялиб, уни сувга ботириб ювди, кейин қайтариб берди. Шунда Оиша** (онамиз розийаллоҳу анҳо) **айтдиларки: «Чодаримизни нега бузди? Бармоқлари орасида ишқалаб ташласа, кифоя эди-ку!** (Бундай ҳолларда) **мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кийимларидан бармоқларим билан ишқалаб ташлар эдим».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, тобеъийндан ва Суфён Саврий, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ сингари кейинги фақиҳлардан бир қанчаларининг қавли шудир. Кийимга теккан маний ҳақида: **«Ишқалаб ташлаш кифоя, ювиш шарт эмас»,** дейдилар.

Мансурдан, Иброҳимдан, Ҳаммом ибн Ҳорисдан, Оиша (розийаллоҳу анҳум)дан худди шундай, Ал-Аъмаш ривоятидек, ривоят қилинган. Абу Маъшар бу ҳадисни Иброҳимдан, Оиша (онамиз)дан ривоят қилади.

Ал-Аъмашнинг ривояти асаҳҳ (саҳиҳроқ)дир.

86-БОБ. КИЙИМГА ТЕККАН МАНИЙНИ ЮВИБ ТАШЛАМОҚ

١١٧- حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، قَالَ: حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ، عَنْ عَمْرِو بْنِ مَيْمُونِ بْنِ مِهْرَانَ، عَنْ سُلَيْمَانَ بْنِ يَسَارٍ، عَنْ عَائِشَةَ: أَنَّهَا غَسَلَتْ مَنِيًّا مِنْ ثَوْبِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ.

117. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди:* **Оиша онамиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кийимларидан манийни ювиб ташлаганлар.**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Бу бобда яна Ибн Аббосдан ҳадис ривоят қилинган.

«Оиша (онамиз розийаллоҳу анҳо) **Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кийимларидан манийни ювиб ташладилар»** деган ҳадис ишқалаб ташлаш ҳақидаги ҳадисга зид эмас. Чунки ишқалаб ташлаш етарли бўлса-да, киши кийимида маний доғини кўрса, нохуш бўлиши мумкин. Ибн Аббос бундай дейди: «Маний шилимшиқ бир моддадир. Бўёқ суртиб бўлса ҳам, уни эгнингдан (кийимингдан) кетказ (яъни, доғини йўқ қил)».

87-БОБ. ЖУНУБ КИШИНИНГ ҒУСЛ ҚИЛМАСДАН ОЛДИН УХЛАШИ

١١٨- حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ عَيَّاشٍ، عَنِ الأَعْمَشِ، عَنْ أَبِي إِسْحَقَ، عَنِ الأَسْوَدِ، عَنْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَنَامُ، وَهُوَ جُنُبٌ، [وَ] لاَ يَمَسُّ مَاءً.

118. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жунуб ҳолда ухлар, сувга қўл теккизмас эдилар».**

١١٩- حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنْ سُفْيَانَ، عَنْ أَبِي إِسْحَقَ نَحْوَهُ.

119. *Ҳаннод бизга Вакиъдан, Суфёндан, Абу Исҳоқдан нақл этди: айнан ўтган ҳадис...*

Саъид ибн Мусаййиб ва яна бошқаларнинг қавли шудир. Бошқа жиҳатдан эса: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйқудан олдин таҳорат олганлар»**ини Оиша (онамиз)дан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бир қанча ровийлар ривоят қилганлар. Бу ривоят Абу Исҳоқнинг Ал-Асваддан қилган ривo-

ятидан кўра саҳиҳроқ. Бу ҳадисни Абу Исҳоқдан, Шуъба, (Суфён) Саврий ва яна бошқалар ривоят қиладилар ва бунда Абу Исҳоқ бир хато қилган, деб ҳисоблайдилар.[32]

88-БОБ. УХЛАМОҚЧИ БЎЛГАН ЖУНУБ КИШИНИНГ ТАҲОРАТ ОЛИБ ЁТМОҒИ

١٢٠– حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى، حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ، عَنْ عُبَيْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ، عَنْ نَافِعٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ، عَنْ عُمَرَ أَنَّهُ سَأَلَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَيَنَامُ أَحَدُنَا، وَهُوَ جُنُبٌ ؟ قَالَ: نَعَمْ إِذَا تَوَضَّأَ.

120. *Ҳазрати Умар (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;* **У киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Бирортамиз жунуб ҳолатда ухласак бўладими?» – деб сўрадилар. «Ҳа, агар таҳорат олса», дедилар.**

Бу бобда Аммор, Оиша, Жобир, Абу Саъид ва Умму Салама (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ҳазрати Умарнинг ҳадиси ушбу бобда ривоят қилинган ҳадисларнинг энг ҳасани ва энг саҳиҳидир.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобеъийнлардан кўпчилигининг қавли шудир. Суфён Саврий, Ибн Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг ҳам қавли шудир. Жунуб ҳолатдаги киши ухламоқчи бўлса, ётишдан олдин таҳорат олади, дейдилар.

89-БОБ. ЖУНУБ КИШИНИНГ МУСОФАҲАСИ
(одамлар билан қўл бериб кўришмоғи)

١٢١– حَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ مَنْصُورٍ، حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ الْقَطَّانُ، حَدَّثَنَا حُمَيْدٌ الطَّوِيلُ، عَنْ بَكْرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ الْمُزَنِيِّ، عَنْ أَبِي رَافِعٍ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَقِيَهُ، وَهُوَ جُنُبٌ، قَالَ: [فَانْجَنَسْتُ – أَيْ]: فَانْخَنَسْتُ – فَاغْتَسَلْتُ، ثُمَّ جِئْتُ، فَقَالَ: «أَيْنَ كُنْتَ؟» أَوْ «أَيْنَ ذَهَبْتَ؟» قُلْتُ: إِنِّي كُنْتُ جُنُبًا، قَالَ: «إِنَّ الْمُسْلِمَ لاَ يَنْجُسُ».

121. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **У киши жунуб ҳолатда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга йўлиқиб қолдилар. Айтадики: «Мен орқага тисландим, яъни орқага чекиниб, бориб ғусл қилдим, кейин қайтиб келдим. Шунда: «Қаерда эдинг?» ёки «Қаёққа кетдинг?» дедилар. «Мен жунуб эдим», дедим. Ул зот: «Батаҳқиқ, мусулмон киши нажас бўлмайди», дедилар.**

[32] Уларнинг фикрича, Абу Исҳоқ бу ҳадисни узун бир ҳадисдан ривоят қилган, аммо қисқартирганда янглишган.

Бу бобда Ҳузайфа ва Ибн Аббосдан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Ҳурайранинг жунуб ҳолда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга учраб қолганлари ҳақидаги ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлидан аксарият кишилар жунуб ҳолатдаги одам билан мусофаҳага (кўришмоққа) рухсат берганлар.

90-БОБ. ХОТИН КИШИНИНГ ЭРКАК КИШИДЕК УЙҚУСИДА ИҲТИЛОМ БЎЛМОҒИ

١٢٢ – حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ، عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ زَيْنَبَ بِنْتِ أَبِي سَلَمَةَ، عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ، قَالَتْ: جَاءَتْ أُمُّ سُلَيْمٍ بِنْتُ مِلْحَانَ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ اللَّهَ لاَ يَسْتَحْيِي مِنَ الْحَقِّ، فَهَلْ عَلَى الْمَرْأَةِ تَغْتَسِلُ إِذَا هِيَ رَأَتْ فِي الْمَنَامِ مِثْلَ مَا يَرَى الرَّجُلُ؟ قَالَ: «نَعَمْ، إِذَا هِيَ رَأَتِ الْمَاءَ فَلْتَغْتَسِلْ» قَالَتْ أُمُّ سَلَمَةَ: فَلْتُ لَهَا: فَضَحْتِ النِّسَاءَ يَا أُمَّ سُلَيْمٍ !!

122. *Умму Салама (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди:* **«Милҳон қизи** (Абу Талҳанинг хотини) **Умму Сулайм Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб, айтдики: «Ё Расулаллоҳ! Аллоҳ таъоло ҳақ нарсадан уялишни буюрмайди! Агар хотин киши уйқусида эркак киши кўрган нарсани кўрса** (яъни иҳтилом бўлиб қолса)**, ғусл лозим бўладими?»** (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам)**: «Ҳа, агар сув** (маний) **келганини кўрса, ғусл қилсин», дедилар. Умму Салама айтади: Унга: «Эй Умму Сулайм! Аёлларни уятга қўйдинг-ку!» – дедим».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Фақиҳларнинг якдил (умумий) қавли будир: «Аёл киши иҳтилом бўлса ва маний келса, ғусл қилмоғи лозим». Саврий ва Шофиъий ҳам шундай дейдилар.

Бу бобда Умму Сулайм, Ҳавла, Оиша ва Анас (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

91-БОБ. ҒУСЛДАН КЕЙИН АЁЛИ БИЛАН ИСИНГАН КИШИ ҲАҚИДА

١٢٣ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنْ حَرِيثٍ، عَنِ الشَّعْبِيِّ، عَنْ مَسْرُوقٍ، عَنْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: رُبَّمَا اغْتَسَلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنَ الْجَنَابَةِ، ثُمَّ جَاءَ فَاسْتَدْفَأَ بِي فَضَمَمْتُهُ إِلَيَّ، وَلَمْ أَغْتَسِلْ.

123. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинади:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам баъзан ғусл қилиб жанобатдан поклангач, мен билан исинар эдилар, мен ғусл қилмаган ҳолда бўлсамда, у кишини бағримга босар эдим».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадиснинг иснодида нуқсон йўқ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобеъийндан бўлган илм аҳлидан кўпчилик кишиларнинг қавли шудир: ғусл қилиб поклангган эркак ҳали ғусл қилмаган аёлининг ётоғига қайтиб, у билан исиниши мумкин. Суфён Саврий, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

92-БОБ. СУВ ТОПОЛМАГАН ЖУНУБ КИШИНИНГ ТАЯММУМ ҚИЛМОҒИ

١٢٤ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ وَمَحْمُودُ بْنُ غَيْلاَنَ، قَالاَ: حَدَّثَنَا أَبُو أَحْمَدَ الزُّبَيْرِيُّ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ ، عَنْ خَالِدٍ الْحَذَّاءِ ، عَنْ أَبِي قِلاَبَةَ ، عَنْ عَمْرِو بْنِ بُجْدَانَ ، عَنْ أَبِي ذَرٍّ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ الصَّعِيدَ الطَّيِّبَ طَهُورُ الْمُسْلِمِ ، وَإِنْ لَمْ يَجِدِ الْمَاءَ عَشْرَ سِنِينَ، فَإِذَا وَجَدَ الْمَاءَ فَلْيُمِسَّهُ بَشَرَتَهُ؛ فَإِنَّ ذَلِكَ خَيْرٌ».

124. *Абу Зарр (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Тоза тупроқ мусулмон кишини покловчидир, ҳатто у ўн йил сув топа олмаса ҳам! Сув топганида эса уни** (сувни) **баданига сурсин,** (яъни, ювиниб олсин) **албатта, бу яхшироқдир**!»

Маҳмуд ўз ривоятида: **«Тоза тупроқ мусулмон кишининг таҳорат сувидир»,** деди.

Бу бобда Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Амр, Имрон ибн Ҳусайн (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ушбу ҳадисни Холид ал-Ҳаззодан, Абу Қилобадан, Амр ибн Буждондан, Абу Заррдан (розийаллоҳу анҳум) биттадан кўп киши шу тарзда ривоят қилди.

Айюб эса бу ҳадисни Абу Қилобадан, Омир қабиласидан бўлмиш бир кишидан, Абу Заррдан ривоят қилади ва Омир қабиласига мансуб кишининг исмини келтирмайди.

Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Фақиҳларнинг якдил қавли шудир: **«Жунуб бўлган эркак ва аёл ҳамда ҳайз кўрган аёл сув топмаса, таяммум қилади ва намозларини ўқийверади».**

Ибн Масъуднинг сув топа олмаган жунуб киши учун таяммум йўқ, деган фикрда экани ривоят қилинди. Аммо сўзидан қайтиб: «То сув топгунича таяммум қилади», деб айтгани алоҳида ривоят этилади.

Суфён Саврий, Молик, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

ИЗОҲ. Ҳадиси шарифдаги **«Сув топганида эса уни** (сувни) **баданига сурсин»** деган сўзнинг маъноси шуки, ҳатто баданга суриб ювиниб оладиган миқдорда жуда оз сув топса ҳам, ўша сув билан ювиниб олсин деганидир *(Шайх Болоншурий)*.

93-БОБ. ИСТИҲОЗА

١٢٥ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ وَعَبْدَةُ وَأَبُو مُعَاوِيَةَ، عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: جَاءَتْ فَاطِمَةُ بِنْتُ أَبِي حُبَيْشٍ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنِّي امْرَأَةٌ أُسْتَحَاضُ فَلاَ أَطْهُرُ، أَفَأَدَعُ الصَّلاَةَ؟ قَالَ: «لاَ، إِنَّمَا ذَلِكِ عِرْقٌ وَلَيْسَتْ بِالْحَيْضَةِ، فَإِذَا أَقْبَلَتِ الْحَيْضَةُ فَدَعِي الصَّلاَةَ، وَإِذَا أَدْبَرَتْ فَاغْسِلِي عَنْكِ الدَّمَ وَصَلِّي».

125. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди:* **«Фотима ибн Абу Ҳубайш Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам-нинг ҳузурларига келиб, «Ё Расулаллоҳ! Мен истиҳоза кўрадиган аёлман, бундан ҳеч покланмайман. Намозни тарк этайинми?» деди. «Йўқ, – дедилар** (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам) **– бу томир қонидир, ҳайз қони эмас. Ҳайз кўрадиган кунларинг намозни тарк эт, ҳайз** (муддати)**дан поклангач, ғусл қилгин ва намозингни ўқийвергин».**

Абу Муъовия ўз ривоятида бундай дейди: «**Айтдиларки: «Ҳар вақт намози учун алоҳида таҳорат ол, то ўша вақт** (ҳайз вақти) **келгунича**».

Бу бобда Умму Саламадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Оиша (розийаллоҳу анҳо)нинг «**Фотима келиб**» деган ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг саҳобаларидан ва тобеъийндан бўлмиш кўпчилик илм аҳлларининг қавли шудир. Суфён Саврий, Молик, Шофиъий ва Ибн Муборак ушбу қавлга эга бўлганлар: «Истиҳоза кўрган аёл, ҳайз кунлари ўтгач, ғусл қилади ва ҳар вақт намози учун (алоҳида) таҳорат олади».

94-БОБ. ИСТИҲОЗА КЎРГАН АЁЛ ҲАР БИР ВАҚТ НАМОЗИ УЧУН ТАҲОРАТ ОЛАДИ

١٢٦- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا شَرِيكٌ، عَنْ أَبِي الْيَقْظَانِ، عَنْ عَدِيِّ بْنِ ثَابِتٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ جَدِّهِ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ فِي الْمُسْتَحَاضَةِ: «تَدَعُ الصَّلَاةَ أَيَّامَ أَقْرَائِهَا الَّتِي كَانَتْ تَحِيضُ فِيهَا، ثُمَّ تَغْتَسِلُ وَتَتَوَضَّأُ عِنْدَ كُلِّ صَلَاةٍ، وَتَصُومُ، وَتُصَلِّي».

126. *Адий ибн Собитнинг бобосидан ривоят қилинди;* «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам истиҳоза кўрадиган аёл борасида бундай дедилар: **«Ой кўриш кунлари олдиндан белгили бўлган аёллар ҳайз кунларида намозни тарк этади, кейин ғусл қилади ва ҳар вақт намози олдидан таҳорат олади, рўзасини тутиб, намозини ўқийверади».**

١٢٧- حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، أَخْبَرَنَا شَرِيكٌ نَحْوَهُ بِمَعْنَاهُ.

127. *Али ибн Ҳужр худди шу ҳадис маъносини Шарикдан нақл этиб, бизга баён қилди.*

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадисни Абул-Йақзондан фақатгина Шарик ривоят қилган.

Муҳаммад (ал-Бухорий)дан бу ҳақда сўраб: «Ҳадиснинг санадида Адий ибн Собитдан, унинг отасидан, бобосидан, дейилади. «Адийнинг бобосининг оти нима?» дедим. Муҳаммад унинг исмини билмади. Бир гал Муҳаммадга: «Яҳё ибн Маъйин, унинг исми Динор деб айтяпти», десам, у бунга эътибор қилмади.

Аҳмад ва Исҳоқ истиҳоза кўрадиган аёл борасида бундай дейишади: «Ҳар вақт намози учун ғусл қилса, ўзи учун эҳтиётқор бўлган бўлади. Ҳар вақт намози учун фақатгина (янги) таҳорат олса, кифоя. Бир ғусл билан икки вақт намозини жам қилса, жоиздир».

95-БОБ. ИСТИҲОЗА КЎРГАН АЁЛ БИР ҒУСЛ БИЛАН ИККИ ВАҚТ НАМОЗНИ ЖАМЪ ҚИЛИБ ЎҚИМОҒИ

١٢٨- حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا أَبُو عَامِرٍ الْعَقَدِيُّ، حَدَّثَنَا زُهَيْرُ بْنُ مُحَمَّدٍ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ ابْنِ مُحَمَّدِ بْنِ عَقِيلٍ، عَنْ إِبْرَاهِيمَ بْنِ مُحَمَّدِ بْنِ طَلْحَةَ، عَنْ عَمِّهِ عِمْرَانَ بْنِ طَلْحَةَ، عَنْ أُمِّهِ حَمْنَةَ بِنْتِ جَحْشٍ، قَالَتْ: كُنْتُ أُسْتَحَاضُ حَيْضَةً كَثِيرَةً شَدِيدَةً، فَأَتَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَسْتَفْتِيهِ وَأُخْبِرُهُ، فَوَجَدْتُهُ فِي بَيْتِ أُخْتِي زَيْنَبَ بِنْتِ جَحْشٍ، فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنِّي أُسْتَحَاضُ حَيْضَةً كَثِيرَةً شَدِيدَةً، فَمَا تَأْمُرُنِي فِيهَا؟ قَدْ مَنَعَتْنِي الصِّيَامَ وَالصَّلَاةَ، قَالَ:

إِنِّي أُسْتَحَاضُ حَيْضَةً كَثِيرَةً شَدِيدَةً، فَمَا تَأْمُرُنِي فِيهَا؟ قَدْ مَنَعَتْنِي الصِّيَامَ وَالصَّلَاةَ، قَالَ: «أَنْعَتُ لَكِ الْكُرْسُفَ، فَإِنَّهُ يُذْهِبُ الدَّمَ» قَالَتْ: هُوَ أَكْثَرُ مِنْ ذَلِكَ؟ قَالَ: «فَتَلَجَّمِي» قَالَتْ: هُوَ أَكْثَرُ مِنْ ذَلِكَ؟ قَالَ: «فَاتَّخِذِي ثَوْبًا» قَالَتْ: هُوَ أَكْثَرُ مِنْ ذَلِكَ، إِنَّمَا أَثُجُّ ثَجًّا، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «سَآمُرُكِ بِأَمْرَيْنِ أَيَّهُمَا صَنَعْتِ أَجْزَأَ عَنْكِ، فَإِنْ قَوِيتِ عَلَيْهِمَا فَأَنْتِ أَعْلَمُ، فَقَالَ: إِنَّمَا هِيَ رَكْضَةٌ مِنَ الشَّيْطَانِ فَتَحَيَّضِي سِتَّةَ أَيَّامٍ، أَوْ سَبْعَةَ أَيَّامٍ فِي عِلْمِ اللَّهِ، ثُمَّ اغْتَسِلِي، فَإِذَا رَأَيْتِ أَنَّكِ قَدْ طَهُرْتِ وَاسْتَنْقَأْتِ فَصَلِّي أَرْبَعًا وَعِشْرِينَ لَيْلَةً، أَوْ ثَلَاثًا وَعِشْرِينَ لَيْلَةً وَأَيَّامَهَا، وَصُومِي، وَصَلِّي؛ فَإِنَّ ذَلِكِ يُجْزِئُكِ، وَكَذَلِكِ فَافْعَلِي كَمَا تَحِيضُ النِّسَاءُ وَكَمَا يَطْهُرْنَ لِمِيقَاتِ حَيْضِهِنَّ وَطُهْرِهِنَّ، فَإِنْ قَوِيتِ عَلَى أَنْ تُؤَخِّرِي الظُّهْرَ وَتُعَجِّلِي الْعَصْرَ، ثُمَّ تَغْتَسِلِينَ حِينَ تَطْهُرِينَ وَتُصَلِّينَ الظُّهْرَ وَالْعَصْرَ جَمِيعًا، ثُمَّ تُؤَخِّرِينَ الْمَغْرِبَ وَتُعَجِّلِينَ الْعِشَاءَ، ثُمَّ تَغْتَسِلِينَ وَتَجْمَعِينَ بَيْنَ الصَّلَاتَيْنِ فَافْعَلِي، وَتَغْتَسِلِينَ مَعَ الصُّبْحِ وَتُصَلِّينَ، وَكَذَلِكِ فَافْعَلِي وَصُومِي إِنْ قَوِيتِ عَلَى ذَلِكَ» فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «[وَ] هُوَ أَعْجَبُ الْأَمْرَيْنِ إِلَيَّ».

128. *Ҳамна бинти Жаҳш (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди:* **«Ой кўриш муддатидан кўп ва оғир ҳайз кўрар эдим. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келдим; аҳволимни билдирмоқчи ва фатво сўрамоқчи эдим. Ул зотни синглим Зайнаб бинти Жаҳшнинг[33] уйида топдим ва: «Ё Расулаллоҳ! Мен ой кўриш муддатидан зиёд ва оғир ҳайз кўргувчиман! Бу ҳақда менга нимани амр қиласиз? Чунки бу мени рўзадан ва намоздан қолдирди», дедим. Айтдиларки: «Сенга пахтани тавсия қиламан, чунки пахта қонни кетказади». Ҳамна деди: «Пахта асқотмайдиган даражада кўп қон келади».** (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам) **дедилар: «**(Қон оқиши ва ёйилишини ушлайдиган) **бир боғич тутгин». Ҳамна деди: «Қон бундан ҳам кўп келади». «Бирор буюм** (кийим) **тутгил», дедилар. Ҳамна: «Қон бундан ҳам кўп келади, тўхтовсиз оқиб туради», деди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сенга икки нарсани буюраман, қайси бирини қила олсанг, шу сенга кифоя. Агар икковини қила олсанг ҳам, ўзинг биласан. Бу, албатта, фақат шайтоннинг бузғунчилигидир. Аллоҳ таоълонинг илмига ҳавола этиб, олти кун ёки етти кунни ҳайз кунлари ҳисоблагин, кейин ғусл қилгин. Қачон тозаланганинг ва покланганингни кўрсанг, йигирма**

[33] Ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг завжаи мутоҳҳароларидан.

тўрт кун ёки йигирма уч кун – кеча ва кундуз намоз ўқи[34]**, рўзангни тут, намозингни ҳам ўқиявер. Ўша ғусл** (бу муддат учун) **сенга етади! Аёллар одатда қай вақтда ҳайз кўриб, қай вақтда ҳайздан покланса, сен ҳам ўшандай қил. Агар кучинг етсаки, пешинни орқароққа суриб** (охир вақтига олиб) **ва асрни илдамлатиб** (аввал вақтига олиб), **унга уласанг, бу орада поклансанг** (қон тўхтаганини кўрсанг), **ғусл қилиб, пешин билан аср намозларини жамъ қилиб** (ҳар бирини ўз вақтида изма-из) **ўқи,** (ва агар кучинг етсаки), **кейин шомни кечиктириб** (охирроқ вақтига олиб) **ва ҳуфтонни илдамлатсанг** (аввал вақтига олсанг), **кейин ғусл қилиб, бу икки намозни ҳам жамъ қилиб** (ҳар бирини ўз вақтида кетма-кет) **ўқисанг, шундай қил. Бомдод намози учун** (алоҳида) **ғусл қилиб, намозингни ўқийсан. Ана шундай қилгин. Агар рўза тутмоққа кучинг етса, рўзангни ҳам тутавер». Шундан сўнг** (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам) **айтдиларки: «Бу икки ишдан менга маҳбуброғи шунисидир».**[35]

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Убайдуллоҳ ибн Амр ар-Роққий, Ибн Журайж ва Шарик бу ҳадисни Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Ақийлдан, Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Талҳадан, у амакиси Имрондан, у онаси Ҳамнадан ривоят қиладилар. Илло, Ибн Журайж: «Умар ибн Талҳа» дейди. Ҳолбуки, саҳиҳ қавл **«Имрон ибн Талҳа»**дир.

Муҳаммад (ал-Бухорий)дан бу ҳадис ҳақида сўрадим, «Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ» деди.

Истиҳоза кўрган аёл ҳақида Аҳмад ва Исҳоқ бундай дейишади: «Кошки ҳайзнинг муддатини, қоннинг келиши ва тугаши билан билса, чунки қоннинг келиши қора бўлмоғи ва тугаши эса сариққа ўзгарувидир. Ана шу тақдирда Фотима ибн Ҳубайшнинг ҳадисига биноан фатво берилади. Агар истиҳоза кўрган аёлнинг истиҳозадан аввал муайян (белгили ҳайз кўриш) кунлари бўлса, намозни ҳайз кунларида тарк этади; кейин ғусл қилиб, ҳар намоз учун (янги) таҳорат олиб, намозини ўқийди. Қон давом этса-ю, аёлнинг муайян (ҳайз) кунлари бўлмаса, ҳайзини қоннинг келиши ва кетиши билан билмаса, бу ҳолатда Ҳамна ибн Жаҳш ҳадиси асосида фатво берилади». Абу Убайда ҳам шундай дейди.

Шофиъий айтадики: «Истиҳоза кўрган аёл, агар илк ҳайз кўрганида қон давом этса ва бу ҳол чўзилиб кетса, ҳайз бошланган кун билан (бирга) ўн беш кун орасида намозни тарк этади. Борди-ю, ўн беш кунда ёки ундан олдинроқ покланса, шу муддат унинг ҳайз кунларидир. Агар ўн беш кундан ортиқ қон кўрса, ўтган ўн тўрт

[34] Олти кунни ҳайз кунлари деб ҳисобласа, 24 кун, етти кунни ҳайз кунлари деб ҳисобласа, 23 кун – кеча ва кундуз намозини ўқийверади ва рўза тутаверади.

[35] Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таърифлаганлари тарзда бир ғусл билан икки вақт намозни ўқиш кўзда тутилган.

куннинг намозини қазо қилади ва ҳайз муддатининг энг ози бўлган бир кун ва бир кечанинг намозини тарк этади.

Ҳайз муддатининг ози ва кўпи борасида илм аҳли ихтилоф қилдилар: бирови энг ози уч кун ва энг кўпи ўн кун деб айтади. Суфён Саврий ва Куфа аҳлининг (ҳанафийларнинг) қавли шудир. Ибн Муборак шу қавлга эга бўлган, айни вақтда, бошқа бир фикрга эга бўлгани ҳам ривоят қилинган. Орасида Ато ибн Абу Рабоҳ бўлган баъзи илм аҳли ҳайз муддатининг энг ози бир кеча-кундуз деб, энг кўпи 15 кун деб айтдилар. Молик, Авзоий, Шофиъий, Аҳмад, Исҳоқ ва Абу Убайданинг қавли шудир.

ИЗОҲ. Ҳадиси шарифдаги икки намозни жамъ қилмоқнинг маъноси шуки, пешин намозини охирги вақтига таъхир қилади, асрни аввалги вақтига олади, бас, пешин ва аср намозлари жамланган бўлади. Шом намозини кейинроққа суриб, хуфтонни яна аввал вақтида ўқийди, бас, шом билан хуфтон жамланган бўлади. Чунки, Қуръони каримда намозлар вақтлари белгилаб қўйилган фарз эканлиги билдирилган. Оят маъноси: **«Албатта, намоз мўъминларга вақтлари белгилаб қўйилган фарздир»** *(Нисо сураси, 103-оят).*

96-БОБ. ИСТИҲОЗА КЎРГАН АЁЛ ҲАР ВАҚТ НАМОЗИ УЧУН ҒУСЛ ҚИЛАДИ

١٢٩ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا اللَّيْثُ، عَنِ ابْنِ شِهَابٍ، عَنْ عُرْوَةَ، عَنْ عَائِشَةَ أَنَّهَا قَالَتْ: اسْتَفْتَتْ أُمُّ حَبِيبَةَ ابْنَةُ جَحْشٍ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَتْ: إِنِّي أُسْتَحَاضُ فَلاَ أَطْهُرُ، أَفَأَدَعُ الصَّلاَةَ؟ فَقَالَ: «لاَ، إِنَّمَا ذَلِكِ عِرْقٌ فَاغْتَسِلِي، ثُمَّ صَلِّي» فَكَانَتْ تَغْتَسِلُ لِكُلِّ صَلاَةٍ.

129. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдиларки:* «Умму Ҳабиба бинти Жаҳш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан фатво истаб, деди: **«Мен истиҳоза кўраман, ҳеч покланмайман** (қон тўхтамайди)**, намозни тарк этайинми?» Шунда** (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам) **айтдилар: «Йўқ! Бу фақат томир** (қони)**дир. Ғусл қил ва намозингни ўқийвер!» Шунга кўра** (Умму Ҳабиба) **ҳар бир вақт намози учун ғусл қилар эди».**

Қутайба айтадики, Лайс бундай деди: «Ибн Шиҳоб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳар бир намоз учун ғусл қилмоқни Умму Ҳабибага амр этганларини зикр қилади. Аёлнинг бу ҳаракати ўз-ўзича қилган ишидир».

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис: «Аз-Зуҳрийдан, Амрадан, Оишадан» деган иснод билан ҳам ривоят қилинган.

Айрим илм аҳллари: «Истиҳоза кўрган аёл ҳар вақт намози учун ғусл қилади», дейдилар.

Авзоий бу ҳадисни Аз-Зуҳрийдан, Урва ҳамда Амрадан, Оиша (розийаллоҳу анҳум)дан ривоят қилади.

ШАРҲ. (93-96 боблар учун). Истиҳоза (томир қони) намозни, рўзани ва жимоъни манъ этмайди. Ҳаж ва умрада тавофни, масжидга киришни, Қуръон ўқишни ҳам манъ этмайди. Намоз ва рўзани вожиб вақтида адо қилади. Адо қилмаса, қазоси вожиб бўлади. Истиҳоза кўрувчи аёл соҳиби узрдир. У ҳар намоз учун ғусл қилиши вожиб эмас, балки ҳар вақт намози кирганда таҳорат олиб (ёки сувдан зарар етса, таяммум қилиб) ўша намоз вақти чиққунча фарз ва хоҳлаганича нафл намозларини ўқийверади. Соҳиби узрнинг таҳоратини ўша намоз вақтининг чиқиши бузади. Янги намоз вақти кирганда янги таҳорат олади. Истиҳозаси бор аёл одатдаги ҳайз кунларида намозни ўқимайди, Қуръон ҳам ўқимайди *(«Ҳидоя», «Мухтасар», «Шарҳи Мухтасари Виқоя», «Маслакул-муттақийн»).*

97-БОБ. ҲАЙЗ КЎРГАН АЁЛ НАМОЗИНИНГ ҚАЗОСИНИ ЎҚИМАЙДИ

١٣٠ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ، عَنْ أَيُّوبَ، عَنْ أَبِي قِلاَبَةَ، عَنْ مُعَاذَةَ: أَنَّ امْرَأَةً سَأَلَتْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: أَتَقْضِي إِحْدَانَا صَلاَتَهَا أَيَّامَ مَحِيضِهَا ؟ فَقَالَتْ: أَحَرُورِيَّةٌ أَنْتِ ! قَدْ كَانَتْ إِحْدَانَا تَحِيضُ فَلاَ تُؤْمَرُ بِقَضَاءٍ .

130. *Муъоз (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Бир аёл Оиша** (онамиз)**га савол бериб, дедики: «Бирортамиз** (ҳайздан поклансак)**, ҳайз кунларида ўқимаган намозларимизнинг қазосини ўқиймизми?» Шунда** (Оиша онамиз) **айтдилар: «Сен ҳаруралик мисан? Ҳеч қайси биримизга ҳайз кўрган даврмизда ўқимаган намозларнинг қазосини ўқиш буюрилган эмас!».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Ҳайз кўрган аёл намозни қазо қилмаслиги (кейин адо этмаслиги) Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан бир қанча важҳлардан ривоят қилинган. Фақиҳларнинг умумий қавли шудир: **«Ҳоиза рўзани қазо қилади** (ҳайз кўрган вақтида тутмаган рўзасини кейин тутиб беради)**, аммо намозни қазо қилмайди** (ҳайз вақтида ўқимаган намозининг қазосини ўқимайди)**»,** деган фикр борасида ораларида ихтилоф йўқ.

ИЗОҲ. Ҳадиси шарифда зикр қилинган Ҳарура – Куфадан икки мил масофада бўлган бир қасабанинг номи. Хорижийлар (Ховориж) мазҳабидан бўлганлар ҳаруралик дейилган. Чунки Ҳазрати Али (карромаллоҳу важҳаҳу)га қарши чиққан хаворижларнинг биринчи фирқаси ўша ерда

тўпланган эди. Хаворижлар турли фирқаларга бўлинган. Бироқ ҳаммалари иттифоқ қилган асос масалалардан бири Қуръоннинг амрига буйсунмоқ, аммо ҳадиснинг Қуръонда топилмаган амрини рад этмоқдир. Оиша (розийаллоҳу анҳо)нинг: «Сен ҳарураликмисан?» – дейишлари ана шунинг учундир *(Муборакфурий)*.

98-БОБ. ЖУНУБЛИК ВА ҲАЙЗ ҲОЛАТИДА ҚУРЪОН ЎҚИЛМАЙДИ

١٣١– حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ وَالْحَسَنُ بْنُ عَرَفَةَ، قَالاَ: حَدَّثَنَا إِسْمَعِيلُ بْنُ عَيَّاشٍ، عَنْ مُوسَى بْنِ عُقْبَةَ، عَنْ نَافِعٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لاَ تَقْرَأِ الْحَائِضُ وَلاَ الْجُنُبُ شَيْئًا مِنَ الْقُرْآنِ».

131. *Ҳазрати Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди;* «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «**Ҳайз кўрган аёл ва жунуб бўлган инсон Қуръондан ҳеч бир нарса ўқимасин!**»

Бу бобда Али (розийаллоҳу анҳу)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Умарнинг ҳадисини ёлғиз Исмоъийл ибн Аййошнинг Мусо Ибн Уқбадан, Нофиъдан, Ибн Умардан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қилган ривояти орқали биламиз.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, тобеъийнлар ва кейингилардан бўлган илм аҳли кўпчилигининг қавли шудир. Суфён Саврий, Ибн Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ: «Ҳайз кўрган аёл ва жунуб киши Қуръондан ҳеч бир нарса ўқимасин, аммо бир оятнинг четини ёки бир ҳарфни ва шу кабиларни ўқиши мумкин», дейишади; шу билан бирга ҳайзли аёл ва жунуб киши тасбиҳ ва таҳлил келтирмоқларига рухсат беришади.

Муҳаммад ибн Исмоъийл (ал-Бухорий)дан эшитдимки, бундай деди: «Исмоъийл ибн Аййош, Ҳижоз ва Ироқ аҳлидан мункар ҳадислар ривоят қилади». (ал-Бухорий) мазкур Исмоъийлнинг Ҳижоз ва Ироқ аҳлидан ёлғиз ўзи қилган ривоятини заиф деб топади ва бундай деб давом этади: «Исмоъийл ибн Аййошнинг (ушбу) ривояти фақат Шом аҳлидандир».[36]

Аҳмад ибн Ҳанбал айтадики: «Исмоъийл ибн Аййош Бақиййадан кўра тузукроқ. Бақиййанинг сиқа (ишончли) кишилар (номи)дан қилган мункар ҳадислари бор».

Абу Ийсо деди(лар): Аҳмад ибн Ҳасан менга нақл этиб: «Бу сўзни Аҳмад ибн Ҳанбалнинг ўзидан эшитдим», деди.

[36] Имом Бухорий, Исмоъийл ибн Аййошнинг Шом аҳлидан ривоят қилган ҳадисларини саҳиҳ ва фойдаланиш учун яроқли, деб ҳисоблайдилар. Термизий Бухорийнинг бу зот ҳақидаги фикрини изоҳламоқдалар.

99-БОБ. ҲАЙЗ КЎРГАН ХОТИН БИЛАН БИРГА ЁТМОҚ

١٣٢ - حَدَّثَنَا بُنْدَارٌ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ، عَنْ سُفْيَانَ، عَنْ مِنْصُورٍ، عَنْ إِبْرَاهِيمَ، عَنِ الأَسْوَدِ، عَنْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا حِضْتُ يَأْمُرُنِي أَنْ أَتَّزِرَ، ثُمَّ يُبَاشِرُنِي .

132. Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)**дан ривоят қилинди: «Ҳайз кўрган пайтимда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга изор** (лунги) **боғлаб олмоқни** (ҳайз кийими кийиб олмоқни) **буюрар эдилар, кейин мен билан бирга** (бир тўшакда) **ётар эдилар».**

Бу бобда Умму Салама ва Маймуна (оналаримиз)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Оиша (розийаллоҳу анҳо)нинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобеъийнлардан кўпчилик илм аҳлининг қавли шудир. Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ шу қавлга эга бўлганлар.

ШАРҲ. Ҳайз вақтида хотинни бирга олиб ётиш суннат эмас. Бу ҳадис масаланинг баёни учун ворид бўлгандир.

Воқеа бундай бўлган эди. Набий алайҳиссалом ва Ҳазрат Оиша розийаллоҳу анҳо бирга ётган эдилар, кечаси Оиша розийаллоҳу анҳонинг ҳайзлари бошланиб қолди. У киши оҳиста турдилар. Бундай вақтда одатда аёллар латта ва бошқа нарсаларини боғлаб олишади. Жаноб Расулуллоҳнинг кўзлари очилди: «Нима, ойинг бошландими?» – дедилар. Оиша онамиз: «Ҳа, ё Расалаллоҳ», дедилар. Жаноби Расулуллоҳ айтдиларки: «Боғлайдиган латтангни боғла, сўнг лунгингни кийиб, мен билан ётавер», дедилар. Чунки кеча ярим бўлган, уйда чироқ йўқ эди. Шунинг учун: «Лунгингни боғлаб, мен билан ётавер», дедилар. Бу ҳаётларида бир марта бўлган эди ва бу ҳолатнинг баёни учун эди, суннат эмас эди. Ҳазрати Оиша онамиз розийаллоҳу анҳо қачон бу воқеани баён қилсалар: **«Сизлардан қайси бирингиз ўз хоҳишларини жиловлай оларди?»** – дердилар. Яъни, суннат деб ҳайз ҳолатида хотининг билан бирга ётаверма, акс ҳолда, гуноҳга мубтало бўласан, деганларидир.

Ҳайз ҳолатида хотинига қанча яқин бўлиш мумкин?

Бу масалани Пайғамбар алайҳиссалом уни ўзлари амаллари билан татбиқ қилиб кўрсатдилар. Ҳайз борасида Қуръони каримда оят бор:

وَيَسْأَلُونَكَ عَنِ الْمَحِيضِ قُلْ هُوَ أَذًى فَاعْتَزِلُوا النِّسَاءَ فِي الْمَحِيضِ
وَلَا تَقْرَبُوهُنَّ حَتَّى يَطْهُرْنَ

«(Эй Расулим!) **Сиздан** (аёлларнинг) **ҳайз ҳоли ҳақида сўрарлар. Айтингки: «У** (хотинни ҳам, эрни ҳам) **бир беҳузур қилувчи** (ҳолат)**дир. Шу**

сабабдан ҳайз ҳолида хотинлардан узоқ турингизлар. То пок бўлмагунларича, уларга (жинсий муносабат учун) **яқинлашмангизлар»** *(«Бақара» сураси, 222-оят).*

Яъни: «Одамлар сиздан ҳайз борасида сўрайдилар, сиз айтингки: «Ҳайзнинг ҳолати кулфат берувчи ҳолатдир. Ўша ифлос ҳолатда хотинга яқинлашиш сўзак (гонорея) касаллигини пайдо қилади ва ҳайз вақтида хотинга яқинлашиш билан хотинга ҳам зарар етади. Шунинг учун ҳайз вақтида хотинлардан алоҳида бўлинглар ва то пок бўлмагунларича уларга яқинлашманглар».

Ҳайзли аёлдан қанчалик миқдорда узоқ ва унга қанчалик яқин туриш мумкин?

Бу оят нозил бўлган вақтда яҳудийларнинг одати шу эдики, улар ҳайз даврида аёл кишини алоҳида хонага киритиб қўярдилар, унинг хонасига эркак киши кирмас эди. Ҳайзли аёлнинг қўли билан тайёрланган овқатни бирор киши емас эди, бугун ҳам яҳудийларнинг одати худди шундай. Шунинг учун саҳобалар сўрадилар: «Ё Расулаллоҳ, сиз бизга яҳудийларга мухолифат қилинглар, деб ҳукм бергансиз, нима, биз хотинларга ҳайз ҳолатида яқинлашмайликми, токи тўла-тўкис мухолифат бўлсин?» Шунда бу оят нозил бўлди ва унда ҳукм берилдики: **«Ҳайз вақтида хотинлардан алоҳида бўлинглар ва то пок бўлмагунларича, уларга яқинлашманглар».**

Энди бу мужмал ҳолатга изоҳ зарур эди, чунончи, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам мухталиф тарзда бу оятнинг тафсирини баён қилдилар.

1. Ҳазрат Оиша розийаллоҳу анҳо ҳайз ҳолатида бўлганларида ҳазрат Расули акрам у зот билан битта идишда овқатланар эдилар. Маълум бўладики, шунчалик яқин бўлса бўлар экан.

2. Ҳазрат Оиша розийаллоҳу анҳо гўшт бўлагининг ярмини еб бўлганларида Расули акрам у кишининг қўлларидан олиб едилар. Маълум бўладики, шунча яқин бўлиш ҳам жоиз экан. Ўша бир парча гўштга Оиша розийаллоҳу анҳонинг сўлаклари теккан эди ва шу билан бирга Расули акрам уни едилар. Маълум бўладики, ҳоизанинг оғиз суви ҳам пок экан, модомики, оғиз суви пок бўлса, тер ҳам пок экан.

3. Жаноби Расули акрам эътикофда эдилар, масжиддан бошларини ҳужрага чиқарар эдилар, ҳазрат Оиша онамиз розийаллоҳу анҳо пастга тоғора қўйиб, муборак бошларини ювиб қўяр ва сўнг қуритиб, ёғ суркаб, тараб ҳам қўяр эдилар. Буларнинг ҳаммаси ҳайз ҳолатида бўлар эди. Маълум бўляптики, хотин ҳайз ҳолатида эрнинг ушбу хизматларини қила олар экан.

4. Юқорида зикри ўтган воқеада жаноб Расули акрам: «Лунгини боғлаб, мен билан бирга ётавер», дедилар. Бинобарин, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида масала шуки, ҳайз вақтида киндикдан тиззагача бўлган кийимсиз баданга қўл тегизиш жоиз эмас, чунки ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам наздларида бундан зиёда бўлган эмас.

Баски, ҳайзли аёл билан бир тўшакда ётиш мумкинлиги ҳақидаги ҳадис ҳадисдир, лекин суннат эмасдир (бундан сақланган яхшироқдир) *(Шайхул-Ҳадис Саъийд Аҳмад Болоншурий: «Туҳфатул-алмаъийй» – «Сунани Термизий шарҳи» китобдан).*

100-БОБ. ҲАЙЗ КЎРГАН ХОТИНИ БИЛАН БИРГА ОВҚАТЛАНМОҚ ВА ҲАЙЗЛИ АЁЛ (ТАҲОРАТИ)ДАН ОРТИБ ҚОЛГАН СУВ

١٣٣ – حَدَّثَنَا عَبَّاسٌ الْعَنْبَرِيُّ وَمُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ الأَعْلَى، قَالاَ: حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ، حَدَّثَنَا مُعَاوِيَةُ بْنُ صَالِحٍ، عَنِ الْعَلاَءِ بْنِ الْحَارِثِ، عَنْ حَرَامِ بْنِ مُعَاوِيَةَ، عَنْ عَمِّهِ عَبْدِ اللهِ ابْنِ سَعْدٍ، قَالَ: سَأَلْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ مُوَاكَلَةِ الْحَائِضِ، فَقَالَ: «وَاكِلْهَا».

133. *Абдуллоҳ ибн Саъид (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; дедики:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳайз кўрган хотин билан бирга овқатланмоқ борасида сўрадим. «У билан биргаликда еявергин!» – деб айтдилар.**

Бу бобда Оиша ва Анас (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абдуллоҳ ибн Саъиднинг ҳадиси ҳасан-ғариб.

Илм аҳлидан барчаларининг қавли шудир: ҳайз кўрган хотин билан бирга овқатланмоқ зиёнсиз, деб ҳисоблайдилар.

Хотиннинг таҳоратидан ортган сув борасида ихтилоф қилинган. Баъзилари бунга рухсат берса, баъзилари макруҳ деб ҳисоблаган.

ИЗОҲ. 132-ҳадис шарҳидаги «Ҳайзли аёлдан қанчалик миқдорда узоқ ва унга қанчалик яқин туриш мумкин?» деган мавзуга диққат қилинг.

101-БОБ. ҲАЙЗ КЎРГАН АЁЛНИНГ МАСЖИДДАН БИРОР НАРСА ОЛИБ БЕРМОҒИ

١٣٤ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا عَبِيدَةُ بْنُ حُمَيْدٍ، عَنِ الأَعْمَشِ، عَنْ ثَابِتِ بْنِ عُبَيْدٍ، عَنِ الْقَاسِمِ ابْنِ مُحَمَّدٍ قَالَ: قالت لِي عَائِشَةُ: قَالَ [لِي] رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «نَاوِلِينِي الْخُمْرَةَ مِنَ الْمَسْجِدِ» قَالَتْ: قُلْتُ: إِنِّي حَائِضٌ، قَالَ: «إِنَّ حَيْضَتَكِ لَيْسَتْ فِي يَدِكِ».

134. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Масжиддан кичик бўйрани** (жойнамозни) **олиб бер», дедилар. «Мен ҳайз кўрганман», дедим. «Сенинг ҳайзинг қўлингда эмас-ку!» – дедилар.**

Абу Ийсо деди(лар): Оиша (онамиз)нинг ҳадиси – ҳасан-саҳиҳ ҳадисдир.

Илм аҳлидан барчаларининг қавли шудир. Бу масалада ораларида ихтилоф бўлганини билмаймиз. Ҳайз кўрган хотин (қўлини узатиб) масжиддан бирор нарсани олишида зиён йўқ, деб ҳисоблайдилар.

ИЗОҲ. Бу ҳадис ҳайз кўрган хотин қўлини узатиб, масжиддан бирор нарса олиши жоиз эканига ҳамда бир уйга ёки бир масжидга кирмайман, деб қасам ичган киши, танасининг бир қисмини ўша уйга ёки ўша масжидга суққанида қасами бузилмаслигига далилдир.

102-БОБ. ҲАЙЗ КЎРГАН ХОТИНГА ЯҚИНЛИК ҚИЛИШ КАРОҲАТ ЭКАНЛИГИ

١٣٥- حَدَّثَنَا بُنْدَارٌ، حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ وَعَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ وَبَهْزُ بْنُ أَسَدٍ، قَالُوا: حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ سَلَمَةَ، عَنْ حَكِيمٍ الأَثْرَمِ، عَنْ أَبِي تَمِيمَةَ الهُجَيْمِيِّ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ أَتَى حَائِضًا، أَوِ امْرَأَةً فِي دُبُرِهَا، أَوْ كَاهِنًا، فَقَدْ كَفَرَ بِمَا أُنْزِلَ عَلَى مُحَمَّدٍ [صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ]».

135. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Кимки ҳайз кўрган хотинга ёки хотиннинг орқасига яқинлик қилса ва ёки коҳинга** (фолбинга) **борса, ундай кимса Муҳаммад** (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)**га нозил қилинган нарсага куфр келтирган бўлади».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадисни танҳо Ҳоким ал-Асрамнинг Абу Тамима ал-Ҳужаймийдан, Абу Ҳурайрадан қилган ривояти орқали биламиз.

Илм аҳлининг фикрига кўра, ҳадис қаттиқлик маъносини ифода этади. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «**Ҳайз кўрган хотинга яқинлик қилган киши бир динор садақа берсин»,** деган ҳадис ҳам ривоят қилинган. Агар ҳайзли аёлга яқинлик қилиш куфр бўлса эди, бу ўринда каффорат (эваз) бериш буюрилмас эди.

Муҳаммад (ал-Бухорий) бу ҳадисни исноди жиҳатдан заиф деб топган.

Абу Тамима ал-Ҳужаймийнинг номи – Ториф ибн Мужолид.

103-БОБ. ҲАЙЗ КЎРГАН ХОТИНГА ЯҚИНЛИК ҚИЛГАНДА КАФФОРАТ БЕРИШ

١٣٦- حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، أَخْبَرَنَا شَرِيكٌ، عَنْ خُصَيْفٍ، عَنْ مِقْسَمٍ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الرَّجُلِ يَقَعُ عَلَى امْرَأَتِهِ، وَهِيَ حَائِضٌ، قَالَ: «يَتَصَدَّقُ بِنِصْفِ دِينَارٍ».

136. *Ҳазрати Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳайз кўрган хотинга яқинлик қилган кимса ҳақида: «Ярим динор садақа беради», дедилар.**

١٣٧- حَدَّثَنَا الْحُسَيْنُ بْنُ حُرَيْثٍ، أَخْبَرَنَا الْفَضْلُ بْنُ مُوسَى، عَنْ أَبِي حَمْزَةَ السُّكَّرِيِّ، عَنْ عَبْدِ الْكَرِيمِ، عَنْ مِقْسَمٍ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا كَانَ دَمًا أَحْمَرَ فَدِينَارٌ، وَإِذَا كَانَ دَمًا أَصْفَرَ فَنِصْفُ دِينَارٍ».

137. *Ҳазрати Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Агар қон қизил бўлса, бир динор, агар қон сарғиш бўлса, ярим динор** (садақа беради)», **дедилар.**

Ҳайз кўрган хотинга яқинлик қилганда каффорат бериш борасидаги ҳадис Ибн Аббосдан марфуъ ва мавқуф тарзида ривоят қилинган.

Айрим илм аҳлининг қавли шудир. Аҳмад ва Исҳоқ шу қавлга эга бўлишган. Ибн Муборак: «Парвардигоридан мағфират талаб этади, бунда каффорат лозим бўлмайди», дейди. Тобеъийнлардан баъзилари Ибн Муборак фикрида эканлари ривоят қилинади. Саъид ибн Жубайр ва Иброҳим Нахоъий шулардандир. Бутун мисрлар (катта шаҳарлар) уламосининг қавли шудир.

104-БОБ. КИЙИМГА ТЕККАН ҲАЙЗ ҚОНИНИ ЮВМОҚ

١٣٨- حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ [بْنُ عُيَيْنَةَ]، عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ، عَنْ فَاطِمَةَ بِنْتِ الْمُنْذِرِ، عَنْ أَسْمَاءَ بِنْتِ أَبِي بَكْرٍ: أَنَّ امْرَأَةً سَأَلَتِ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الثَّوْبِ يُصِيبُهُ الدَّمُ مِنَ الْحَيْضَةِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «حُتِّيهِ، ثُمَّ اقْرُصِيهِ بِالْمَاءِ، ثُمَّ رُشِّيهِ، وَصَلِّي فِيهِ».

138. *Асмо бинти Абу Бакрдан ривоят қилинди:* **«Бир хотин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кийимга ҳайз қони тегиб қолиши борасида сўради. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «**(Аввал қонни) **ишқалаб ташла, кейин сув билан** (ҳўллаб) **юв, кейин устига сув қуйиб тозала, сўнг ўша кийимда намоз ўқийвергин».**

Бу бобда Абу Ҳурайра ва Умму Қайс ибн Миҳсондан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Асмонинг ҳайз қонини ювиш ҳақидаги ҳадиси – ҳасан-саҳиҳ.

Кийимга қон текканда уни ювмасдан намоз ўқиган киши ҳақида илм аҳли ихтилоф қилдилар. Тобеъийнлардан баъзилари: «Қон бир дирҳам (танга) миқдорида бўлса, уни ювмасдан намоз ўқиса, намозини қайтиб ўқийди», дейишди. Баъзилари эса: «Қон бир дирҳам миқдоридан кўп бўлса, намозини қайта ўқийди», дейишади. Суфён Саврий ва Ибн Муборакнинг қавли шудир. Тобеъийнлар ва бошқалардан баъзи илм аҳлининг фикрича, қон бир дирҳам миқдоридан кўпроқ бўлса ҳам, намозини қайтиб ўқиш лозим бўлмайди. Аҳмад ва Исҳоқ шу қавлга эга бўлишган. Шофиъий айтадики: «Бир дирҳам миқдоридан оз бўлса ҳам, ювилмоғи лозим». Бу хусусда у киши қаттиқлик кўрсатган.

ИЗОҲ. Дирҳам деб эскидан қўлланиб келган тангага айтилади. Ҳазрати Умар (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинишича, у киши қоннинг миқдорини тирноқлари билан кўрсатган эдилар. «Ал-муҳит» китобида шарҳланишича, ҳазрати Умарнинг тирноғи салкам бизнинг кафтимизча эди. Ана шу (далил) кийимга теккан қон дирҳамдан оз бўлса, намозга монеълик қилмаслигига далолат этади *(Ал-Айний).*

105-БОБ. НИФОС (ТУҒИШДАН КЕЙИНГИ ҚОН КЕЛИШИ)НИНГ МУДДАТИ

١٣٩ – حَدَّثَنَا نَصْرُ بْنُ عَلِيٍّ [الْجَهْضَمِيُّ]، حَدَّثَنَا شُجَاعُ بْنُ الْوَلِيدِ أَبُو بَدْرٍ، عَنْ عَلِيِّ بْنِ عَبْدِ الأَعْلَى، عَنْ أَبِي سَهْلٍ، عَنْ مُسَّةَ الأَزْدِيَّةِ، عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ، قَالَتْ: كَانَتِ النُّفَسَاءُ تَجْلِسُ عَلَى عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَرْبَعِينَ يَوْمًا؛ فَكُنَّا نَطْلِي وُجُوهَنَا بِالْوَرْسِ مِنَ الْكَلَفِ.

139. *Умму Салама (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; дедики:* **«Нифос кўрган** (туққан) **аёл Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида қирқ кун ўтирар эди. Рангимиз қочганидан юзларимизга варс** (заъфарон ўсимлиги)**дан ишқаб, сурар эдик».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ғариб. Буни фақатгина Абу Саҳлнинг Мусса ал-Аздиййадан, Умму Саламадан қилган ривояти орқали биламиз. Абу Саҳлнинг номи – Касир ибн Зиёд.

Муҳаммад Ибн Исмоъийл (ал-Бухорий) айтадики: «Али ибн Абдул-Аъло ишонарли кишидир ва Абу Саҳл ҳам ишонарлидир». Муҳаммад (ал-Бухорий) бу ҳадисни фақат Абу Саҳлнинг ривоятидан билади.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобеъийнлардан илм аҳллари ва улардан кейинги олимлар, туққан (нифос кўрган) хотин қирқ кун намозини тарк этади, деб иттифоқ қилганлар. Фақат шу муддатдан олдин покланса, ғусл қилиб, намозини ўқийверади.

Қирқ кундан кейин қон кўрса, илм аҳлларининг кўпи: «Қирқ кундан кейин намозини тарк этмайди», дейди. Фақиҳлардан кўпининг ҳам фикри шудир. Суфён Саврий, Ибн Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ шу қавлга эга бўлишган. Ҳасан Басрийнинг бундай деб айтгани ривоят қилинган: «Агар покланмаса, намозини эллик кун тарк этади». Ато ибн Абу Рабоҳ ва Аш-Шаъбийнинг «Олтмиш кун» деганлари ривоят қилинган.

106-БОБ. КИШИНИНГ БИР НЕЧА ЖИНСИЙ АЛОҚАДАН КЕЙИН БИР МАРТА ҒУСЛ ҚИЛМОҒИ

١٤٠ – حَدَّثَنَا بُنْدَارٌ [مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ]، حَدَّثَنَا أَبُو أَحْمَدَ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ، عَنْ مَعْمَرٍ، عَنْ قَتَادَةَ، عَنْ أَنَسٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَطُوفُ عَلَى نِسَائِهِ فِي غُسْلٍ وَاحِدٍ.

140. *Ҳазрати Анас (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир ғусл билан** (ҳамма) **аёлларига айланиб чиқар эдилар».**

Бу бобда Абу Рофиъдан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Анаснинг ҳасан-саҳиҳ: **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир ғусл билан** (ҳамма) **аёлларига айланиб чиқар эдилар»**, деган ҳадиси.

Бир қанча илм аҳлларининг қавли шудир. Ҳасан Басрий ҳам шулар сафидадир. Таҳорат олишдан олдин жинсий муносабатга киришишнинг зиёни йўқ, деб ҳисоблайдилар.

Муҳаммад ибн Юсуф бу ҳадисни Суфёндан, Абу Урвадан, Абул-Хаттобдан, Анасдан ривоят қилади.

Абу Урванинг исми – Маъмар ибн Рошид. Абул-Хаттобнинг исми эса – Қатода ибн Диома.

Баъзилари эса: «Муҳаммад ибн Юсуфдан, Суфёндан, Ибн Абу Урвадан...» деб ривоят қилганлар. Бу хатодир. Тўғриси – «Абу Урвадан».

ИЗОҲ. Ҳазрати Термизий: «Таҳорат олишдан олдин...» – деяётирлар. Аслида ушбу бобга ва ҳадисга муносиб бўлган таъбир: «Ғусл қилишдан олдин» дейиш эди. Англашилича, Имом Термизий ишорат қилган илм аҳллари ва шулардан бири бўлмиш ҳазрати Ҳасан Басрий икки мужомаат орасида таҳорат олинишига қаршидирлар. Демак, Термизийнинг «Таҳорат олишдан олдин...» деган таъбирни қўллашлари шу хусусни ифода этмоқ учундир. Негаки, бу ифода билан келгуси ҳадисга муносабат ва замин ҳозирлаган бўлдилар.

107-БОБ. ЖУНУБ КИШИ (ЯНА ЖИНСИЙ МУОМАЛАГА) ҚАЙТМОҚЧИ БЎЛСА, ТАҲОРАТ ОЛАДИ

١٤١ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا حَفْصُ بْنُ غِيَاثٍ، عَنْ عَاصِمٍ الأَحْوَلِ، عَنْ أَبِي الْمُتَوَكِّلِ، عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا أَتَى أَحَدُكُمْ أَهْلَهُ، ثُمَّ أَرَادَ أَنْ يَعُودَ فَلْيَتَوَضَّأْ بَيْنَهُمَا وُضُوءًا».

141. *Абу Саъид ал-Худрий (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Агар бирор бир киши аёлига яқинлик қилиб, кейин такрор** (муомалага) **қайтмоқчи бўлса, икки** (муомала)**си орасида таҳорат олсин!»**

Бу бобда (ҳазрати) Умар (розийаллоҳу анҳу)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Саъиднинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Умар ибн Хаттобнинг қавли ҳам шудир.

Илм аҳлидан бир қанча кишилар ушбу қавлга эга бўлганлар: «Эр хотинига яқинлик қилганидан кейин такрор (муомалага) қайтмоқчи бўлса, қайтишдан олдин таҳорат олади», дейдилар.

Абул-Мутаваккилнинг исми – Али ибн Довуд. Саъид Худрийнинг исми эса – Саъид ибн Молик ибн Синон.

108-БОБ. НАМОЗГА ИҚОМАТ АЙТИЛСА-Ю, БИРОРТАНГИЗ ҲОЖАТХОНАГА БОРИШ ЭҲТИЁЖИНИ СЕЗСА, АВВАЛ ҲОЖАТГА БОРСИН

١٤٢ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ [بْنُ السَّرِيِّ]، حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ، عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الأَرْقَمِ قَالَ: أُقِيمَتِ الصَّلاَةُ فَأَخَذَ بِيَدِ رَجُلٍ فَقَدَّمَهُ، وَكَانَ إِمَامَ قَوْمِهِ، وَقَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «إِذَا أُقِيمَتِ الصَّلاَةُ وَوَجَدَ أَحَدُكُمُ الْخَلاَءَ فَلْيَبْدَأْ بِالْخَلاَءِ».

142. *Абдуллоҳ ибн Арқом (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;* **Урва айтдики: «Намоз учун иқомат келтирилди, қавмнинг имоми бўлган Абдуллоҳ ибн Арқом бир кишининг қўлидан ушлаб, имомликка ўтказди ва деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитганман: «Намозга иқомат айтилса-ю, бирортангиз ҳожатга бориш эҳтиёжини сезса, аввал ҳожатга борсин», деб айтганлар».**

Бу бобда Оиша, Абу Ҳурайра, Савбон ва Абу Умома (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абдуллоҳ ибн Арқомнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Молик ибн Анас, Яҳё ибн Саъид ал-Қаттон ва ҳадис ҳофизларидан биттадан кўп кишилар бу ҳадисни худди шу йўсинда Ҳишом ибн Урвадан, унинг отасидан, Абдуллоҳ ибн Арқомдан ривоят қилдилар.

Вуҳайб ва яна бошқалар Ҳишом ибн Урвадан, унинг отасидан, бир кишидан, Абдуллоҳ ибн Арқомдан ривоят қиладилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобеъийнлардан аксарият кишиларнинг қавли шудир. Аҳмад ва Исҳоқ шу қавлга эга бўлиб, бундай дейдилар: «Озгина бўлса ҳам кичик ёки катта қазои ҳожатга эҳтиёж сезса, намозни бошламайди. Аммо намозга киришганидан кейин ҳис этса, то фикрини машғул қилмагунича, намоздан чиқмайди».

Баъзи илм аҳлининг фикрига кўра, кичик ёки катта қазои ҳожат қилишга эҳтиёжманд бўлса, аҳвол фикрини машғул қиладиган даражада бўлмаса, намозини ўқиб олиши мумкин (яъни, шу ҳолатда намозни бошламоғида ёки намозда турган бўлса, уни давом эттирмоғида зарар йўқ, деб ҳисоблайдилар).

109-БОБ. ИФЛОС ЖОЙНИ БОСГАНДА ПОКЛАНИШ ЛОЗИМЛИГИ

١٤٣ – حَدَّثَنَا [أَبُو رَجَاءٍ قُتَيْبَةُ]، حَدَّثَنَا مَالِكُ بْنُ أَنَسٍ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ عُمَارَةَ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِبْرَاهِيمَ، عَنْ أُمِّ وَلَدٍ لِعَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ عَوْفٍ، قَالَتْ: قُلْتُ لأُمِّ سَلَمَةَ: إِنِّي امْرَأَةٌ أُطِيلُ ذَيْلِي وَأَمْشِي فِي الْمَكَانِ الْقَذِرِ، فَقَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهم عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**يُطَهِّرُهُ مَا بَعْدَهُ**».

143. *Абдурраҳмон ибн Авф фарзандининг онасидан (яъни, ундан фарзанд кўрган жориясидан) ривоят қилинади:* **«Умму Салама** (розийаллоҳу анҳо)**га: «Мен этаги узун ва** (баъзан) **ифлос жойни босиб юрадиган бир аёлман», – дедим. Шунда** (Умму Салама)**: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Этакни кейинги** (тоза) **ер поклайди», деб айтганлар», деди.**

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу)дан ҳам ҳадис ривоят қилинди, у киши айтдиларки: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга бўлар эдик ва нотоза ерни босганда ювинмас эдик»**.

Абу Йисо деди(лар): Бу илм аҳлидан биттадан кўп кишининг қавлидир. Айтадиларки: Киши ифлос жойни босганида оёғини ювиши лозим бўлмайди, аммо ифлослик ҳўл бўлса, унда булғанган жойини ювади.

Абдуллоҳ ибн Муборак шу ҳадисни Молик ибн Анасдан, Муҳаммад ибн Иброҳимдан, Ҳуд ибн Абдурраҳмон ибн Авфнинг фарзанд кўрган жориясидан, Умму Саламадан ривоят қилади. Бу ўринда янглишлик бор. Чунки Абдурраҳмон ибн Авфнинг Ҳуд деган ўғли йўқ. Фақатгина «Иброҳим ибн Абдурраҳмон ибн Авфнинг ундан фарзанд кўрган жориясидан, Умму Саламадан» деган тарзида бўлиши керак. Тўғри ифода ана шудир.

110-БОБ. ТАЯММУМ

١٤٤ – حَدَّثَنَا أَبُو حَفْصٍ عَمْرُو بْنُ عَلِيٍّ الْفَلَّاسُ، حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ زُرَيْعٍ، حَدَّثَنَا سَعِيدٌ، عَنْ قَتَادَةَ، عَنْ عَزْرَةَ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبْزَى، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عَمَّارِ بْنِ يَاسِرٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَمَرَهُ بِالتَّيَمُّمِ لِلْوَجْهِ وَالْكَفَّيْنِ.

144. *Аммор ибн Ёсир (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга юзига ва икки қўлига таяммум қилмоқни буюрдилар».**

Бу бобда Оиша ва Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Йисо деди(лар): Амморнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Бу ҳадис Аммордан бир қанча важҳлардан ривоят қилинган. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан кўпгина илм аҳлларининг қавли шудир. Ҳазрати Али, Аммор ва Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳум) шулар жумласидандир. Тобеъийндан ораларида Аш-Шаъбий, Ато ва Макҳул ҳам бор бўлган бир қанча кишилар шунга тўхталганлар; айтадиларки: «Таяммум – юзга ва икки қўлга масҳ қилиш учун (тоза тупроққа) бир уришдир, (яъни, бир уриш билан юзга ва икки қўлга масҳ қилишдан иборатдир)».

Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

Ибн Умар, Жобир, Иброҳим ва Ҳасан сингари баъзи илм аҳллари бундай дейдилар: **«Таяммум юзга масҳ қилиш учун** (қўлларни тоза тупроққа) **бир уриш ва икки қўлни тирсакларгача масҳ қилиш учун** (иккинчи) **бир уришдан иборатдир»**. Суфён Саврий, Молик, Ибн Муборак ва Шофиъий шу қавлга эга бўлганлар.

Амморнинг: «Юзига ва икки қўлига таяммум қилмоқ» деган ҳадиси у кишидан бир қанча важҳлардан ривоят қилинган.

Аммордан мана бундай деганлари ҳам ривоят қилинади: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан биргаликда елкаларгача ва қўлтиқларгача** (масҳ тортиб) **таяммум қилдик»**. Айрим муҳаддислар Аммордан **«елкалар ва қўлтиқлар»** ҳадиси ривоят қилингач, **«юзига ва икки қўлига таяммум қилмоқ»** борасидаги Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган ҳадиснинг заиф эканини қайд этганлар.

Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Махлад ал-Ҳанзалий айтадики: «Таяммум юз ва икки қўлга масҳ қилишдан иборат экани борасидаги Амморнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. **«Елкалар ва қўлтиқ остлари»** деган ҳадис эса **«Юз ва икки қўл»** ҳадисига зид эмас. Чунки Аммор таяммумда ўмузларгача ва қўлтиқларгача масҳ тортиш кераклигини Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам буюрганлар, деб айтаётгани йўқ, фақат: «Биз шундай қилдик», деяётир, холос. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўралганида, у зот юзга ва икки қўлга масҳ қилишни буюрганлар ва у ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзига ўргатганларидек, юз ва икки қўлга масҳ тортиш, деб қарор қилган. Бунинг далили ушбудир: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафотларидан кейин у киши: **«Юз ва икки қўлга масҳ тортиш»** деб фатво берган. Бу фатво Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам у кишига юз ва икки қўлга масҳ тортиш деб таълим берганларини ва у киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўрганган нарсаси устида қарор қилганини кўрсатади.

Абу Зуръа Убайдуллоҳ ибн Абдулкаримдан бундай деб нақл қилганини эшитдим: «Ушбу уч кишидан: Али ибн ал-Мадиний, Ибн Шозакуний ва Амр ибн Али ал-Фаллосдан ҳам кўра хотираси кучлироқ кишини кўрмадим».

Абу Зуръа айтадики: «Аффон ибн Муслим, Амр ибн Али ал-Фаллосдан ҳадис ривоят қилган».

١٤٥ – حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ مُوسَى، حَدَّثَنَا سَعِيدُ بْنُ سُلَيْمَانَ، حَدَّثَنَا هُشَيْمٌ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ خَالِدٍ الْقُرَشِيِّ، عَنْ دَاوُدَ بْنِ حُصَيْنٍ، عَنْ عِكْرِمَةَ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ أَنَّهُ سُئِلَ عَنِ التَّيَمُّمِ، فَقَالَ: إِنَّ اللَّهَ قَالَ فِي كِتَابِهِ حِينَ ذَكَرَ الْوُضُوءَ: ﴿فَاغْسِلُوا وُجُوهَكُمْ وَأَيْدِيَكُمْ إِلَى الْمَرَافِقِ﴾، وَقَالَ فِي التَّيَمُّمِ: ﴿فَامْسَحُوا بِوُجُوهِكُمْ وَأَيْدِيكُمْ﴾، وَقَالَ: ﴿وَالسَّارِقُ وَالسَّارِقَةُ فَاقْطَعُوا أَيْدِيَهُمَا﴾ فَكَانَتِ السُّنَّةُ فِي الْقَطْعِ الْكَفَّيْنِ؛ إِنَّمَا هُوَ الْوَجْهُ وَالْكَفَّانِ ؛ يَعْنِي: التَّيَمُّمَ .

145. *Ҳазрати Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* **«У кишидан таяммум борасида сўралди. Шунда айтдиларки: «Аллоҳ таъоло Ўз Китоби** (Қуръони карим)**да таҳоратни зикр қилганда: Юзларингизни ва қўлларингизни тирсаклари ила** (қўшиб) **ювингизлар»,**[37] **деб марҳамат қилди. Таяммумда эса: «Юзларингизни ва қўлларингизни масҳ қилингизлар»,**[38] **деб марҳамат қилади.** ..... **Демак, у, яъни таяммум фақат юзлар ва қўллар**(ни масҳ этмоқ)**дир».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-ғариб-саҳиҳ.

ИЗОҲ. Таяммум бобида келган бу 145-ҳадисдан мурод уч ояти карима мисолида таяммум аъзолари ва чегарасини белгилаб беришдир. Булар «Моида» сурасининг 6-ояти, «Нисо» сурасининг 43-ояти, яна «Моида» сурасининг 38-ояти карималаридир. Юз – пешона сочидан ияк остигача, бир қулоқдан иккинчи қулоққача бўлган ҳудуд; қўллар деганда таяммумда тирсакларни қўшишдир.

Таяммум фарзлари: 1) тоза тупроқни қасд этиш; 2) ният қилиш; 3) юзларга ва 4) қўлларга масҳ тортиш. Бу «Нисо» сураси, 43-ояти билан собитдир.

111-БОБ. ЖУНУБЛИКДАН ТАШҚАРИ ҲАР ҚАНДАЙ ҲОЛАТДА ҚУРЪОН ЎҚИЛИШИ ҲАҚИДА

١٤٦ حَدَّثَنَا أَبُو سَعِيدٍ [عَبْدُ اللَّهِ بْنُ سَعِيدٍ] الأَشَجُّ، حَدَّثَنَا حَفْصُ بْنُ غِيَاثٍ وَعُقْبَةُ بْنُ خَالِدٍ، قَالاَ: حَدَّثَنَا الأَعْمَشُ وَابْنُ أَبِي لَيْلَى، عَنْ عَمْرِو بْنِ مُرَّةَ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ سَلِمَةَ، عَنْ عَلِيٍّ، قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُقْرِئُنَا الْقُرْآنَ عَلَى كُلِّ حَالٍ، مَا لَمْ يَكُنْ(٨) جُنُبًا.

146. *Ҳазрати Али (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жунубликдан ташқари ҳар қандай ҳолатда бизга Қуръон ўқитар эдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Ҳазрати Алининг бу ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобеъийнлардан биттадан кўп илм аҳлларининг қавли шудир. Айтадиларки: «Киши таҳоратсиз ҳолда Қуръон ўқиши мумкин, аммо Қуръонни юзидан (китобдан) фақатгина пок (таҳоратли) ҳолатдагина ўқийди». Суфён Саврий, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

ИЗОҲ. Таҳоратсиз ҳолда ёддан Қуръон ўқиш жоиз бўлса-да, таҳоратли ҳолда ўқиш одоби исломияга мувофиқроқдир *(«Аҳли суннат вал жамоат ақоиди»).*

---

[37] Моида сураси, 6-оят.

[38] Нисо сураси, 43-оят.

112-БОБ. СИЙДИК ЕРГА СИНГМОҒИ ҲАҚИДА

١٤٧ – حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ وَسَعِيدُ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الْمَخْزُومِيُّ، قَالاَ: حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْمُسَيَّبِ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ: دَخَلَ أَعْرَابِيٌّ الْمَسْجِدَ وَالنَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ جَالِسٌ، فَصَلَّى، فَلَمَّا فَرَغَ، قَالَ: اللَّهُمَّ ارْحَمْنِي وَمُحَمَّدًا، وَلاَ تَرْحَمْ مَعَنَا أَحَدًا، فَالْتَفَتَ إِلَيْهِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهم عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ: «لَقَدْ تَحَجَّرْتَ وَاسِعًا» فَلَمْ يَلْبَثْ أَنْ بَالَ فِي الْمَسْجِدِ، فَأَسْرَعَ إِلَيْهِ النَّاسُ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهم عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَهْرِيقُوا عَلَيْهِ سَجْلاً مِنْ مَاءٍ، أَوْ ذَنُوبًا مِنْ مَاءٍ» ثُمَّ قَالَ: «إِنَّمَا بُعِثْتُمْ مُيَسِّرِينَ، وَلَمْ تُبْعَثُوا مُعَسِّرِينَ».

147. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; у киши айтдилар:* **«Бир аъробий** (бадавий) **масжидга кириб келди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўтирган эдилар. У намоз ўқиди. Намоздан фориғ бўлгач, «Ё Аллоҳим! Мени ва Муҳаммадни раҳмат қил! Биз билан бирга бошқа ҳеч кимга раҳмат қилма!» – деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга қайрилиб: «Жуда қаттиқ кетдинг!» дедилар. Сўнг аъробий** (ўрнидан туриб) **масжид**(нинг бир чеккаси)**га сийди. Одамлар** (дарғазаб бўлиб) **унинг бошига тўпландилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**(Индамангизлар.) **Сийдиги устидан бир челак сув қуйингизлар» дедилар. Сўнг айтдилар: «Сизлар фақат осонлаштиргувчи қилиб юборилгансизлар, қийинлаштиргувчи қилиб юборилганингиз йўқ!»**

١٤٨ – قَالَ سَعِيدٌ: قَالَ سُفْيَانُ: وَحَدَّثَنِي يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ نَحْوَ هَذَا.

148. *Саъид, Суфёндан, Яҳё ибн Саъиддан, Анас ибн Моликдан шу ҳадиснинг ўзини ривоят қилган.* Бу бобда Абдуллоҳ ибн Масъуд, Ибн Аббос, Васила ибн Асқодан биттадан ҳадис ривоят қилинди.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Баъзи илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир. Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир. Юнус ушбу ҳадисни Аз-Зуҳрийдан, Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳдан, Абу Ҳурайрадан ривоят қилади.

Поклик китоби тугади

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

НАМОЗ КИТОБИ

Ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан (ривоят қилинади)

113-БОБ. НАМОЗ ВАҚТЛАРИ

١٤٩ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ [بْنُ السَّرِيِّ] ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ أَبِي الزِّنَادِ، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ ابْنِ الْحَارِثِ بْنِ عَيَّاشِ بْنِ أَبِي رَبِيعَةَ، عَنْ حَكِيمِ بْنِ حَكِيمٍ - وَهُوَ ابْنُ عَبَّادِ بْنِ حُنَيْفٍ - أَخْبَرَنِي نَافِعُ بْنُ جُبَيْرِ بْنِ مُطْعِمٍ قَالَ: أَخْبَرَنِي ابْنُ عَبَّاسٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَمَّنِي جِبْرِيلُ [عَلَيْهِ السَّلَامُ] عِنْدَ الْبَيْتِ مَرَّتَيْنِ، فَصَلَّى الظُّهْرَ فِي الأُولَى مِنْهُمَا حِينَ كَانَ الْفَيْءُ مِثْلَ الشِّرَاكِ ثُمَّ صَلَّى الْعَصْرَ حِينَ كَانَ كُلُّ شَيْءٍ مِثْلَ ظِلِّهِ، ثُمَّ صَلَّى الْمَغْرِبَ حِينَ وَجَبَتِ الشَّمْسُ وَأَفْطَرَ الصَّائِمُ، ثُمَّ صَلَّى الْعِشَاءَ حِينَ غَابَ الشَّفَقُ، ثُمَّ صَلَّى الْفَجْرَ حِينَ بَرَقَ الْفَجْرُ وَحَرُمَ الطَّعَامُ عَلَى الصَّائِمِ، وَصَلَّى الْمَرَّةَ الثَّانِيَةَ الظُّهْرَ حِينَ كَانَ ظِلُّ كُلِّ شَيْءٍ مِثْلَهُ لِوَقْتِ الْعَصْرِ بِالأَمْسِ، ثُمَّ صَلَّى الْعَصْرَ حِينَ كَانَ ظِلُّ كُلِّ شَيْءٍ مِثْلَيْهِ، ثُمَّ صَلَّى الْمَغْرِبَ لِوَقْتِهِ الأَوَّلِ، ثُمَّ صَلَّى الْعِشَاءَ الآخِرَةَ حِينَ ذَهَبَ ثُلُثُ اللَّيْلِ، ثُمَّ صَلَّى الصُّبْحَ حِينَ أَسْفَرَتِ الأَرْضُ، ثُمَّ الْتَفَتَ إِلَيَّ جِبْرِيلُ، فَقَالَ: يَا مُحَمَّدُ، هَذَا وَقْتُ الأَنْبِيَاءِ مِنْ قَبْلِكَ وَالْوَقْتُ فِيمَا بَيْنَ هَذَيْنِ الْوَقْتَيْنِ».

149. *Ҳазрати Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;* Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Жаброил алайҳиссалом Байтуллоҳ ёнида менга икки марта имомлик қилди. Биринчи мартасида пешин намозини ҳар нарсанинг сояси буткул қисқариб, узая бошлаган пайтда ўқиб берди. Кейин аср намозини ҳамма нарсанинг сояси ўз бўйи баробар чўзилган вақтда ўқиб берди. Кейин шом намозини айни қуёш ботган ва рўзадорлар оғиз очадиган пайтда ўқиб берди. Кейин хуфтон намозини шафақ йўқолган вақтда**

ўқиб берди. Кейин бомдод намозини айни тонг отган ва рўзадор кишининг (саҳарлик вақти тугаб) **таъом ейиши ҳаром қилинган вақтда ўқиб берди. Иккинчи мартасида, пешин намозини ҳамма нарсанинг сояси ўз бўйи баробар чўзилган ва кечаги аср вақти кирган вақтда ўқиб берди. Аср намозини ҳамма нарсанинг сояси ўзидан икки баробар чўзилган вақтда ўқиб берди. Кейин шом намозини айни аввалги вақтида ўқиб берди. Кейин хуфтон намозини кечанинг учдан бир қисми ўтиб, шу қисмнинг охиррогида ўқиб берди. Кейин бомдод намозини айни тонг оқарган вақтда ўқиб берди. Кейин Жаброил менга ўгирилиб айтдики: «Ё Муҳаммад! Сиздан олдин ўтган пайғамбарларнинг** (намоз) **вақти ана шудир, ана шу икки вақтнинг орасидир».**

Абу Ийсо (ат-Термизий) деди(лар): Бу бобда яна Абу Ҳурайра, Бурайда, Абу Мусо, Абу Масъуд Ансорий, Абу Саъид, Жобир, Амр ибн Ҳазм, Ал-Баро ва Анас (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

ИЗОҲ. Ибн Арабий «Оридатул-аҳвазий» номли Термизий китобига битилган шарҳида: «**Сиздан олдинги пайғамбарларнинг** (намоз) **вақти ана шудир...»** жумласини бундай изоҳлайди: «Бу сўз зоҳирий жиҳатдан бу намозлар шу вақтларда бошқа пайғамбарлар учун машруъ эканини ифодалайди. Ҳолбуки, бу намозлар шу вақтларда фақатгина бу умматга хос қилинган. Бу ҳолатда кўзда тутилган маъно ушбудир: «Бу намозлар сизга кенг ва икки вақт орасида чегарали қилиб машруъ этиб берилганидек, сиздан олдинги пайғамбарларга ҳам шундай қилиб белгилаб берилган эди».

١٥٠ - [أَخْبَرَنِي] أَحْمَدُ بْنُ مُحَمَّدِ بْنِ مُوسَى، أَخْبَرَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ الْمُبَارَكِ، أَخْبَرَنَا حُسَيْنٌ[1] ابْنُ عَلِيِّ بْنِ حُسَيْنٍ، أَخْبَرَنِي وَهْبُ بْنُ كَيْسَانَ، عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ، عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «**أَمَّنِي جِبْرِيلُ**» فَذَكَرَ نَحْوَ حَدِيثِ ابْنِ عَبَّاسٍ بِمَعْنَاهُ، وَلَمْ يَذْكُرْ فِيهِ: «**لِوَقْتِ الْعَصْرِ بِالْأَمْسِ**».

150. *Жобир ибн Абдуллоҳ (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «**Жаброил менга имомлик қилди».** (Ровий) Ибн Аббоснинг ҳадисини айнан маъноси билан нақл этади, лекин **«кечаги аср вақти кирган вақтда»** деган жумлани зикр қилмайди.

Абу Ийсо (ат-Термизий) деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ-ғариб.

Ибн Аббоснинг ҳадиси эса ҳасан-саҳиҳ.

Муҳаммад (ал-Бухорий) айтади: **«Намоз вақтлари борасида ворид бўлган ҳадисларнинг энг саҳиҳи Жобир** (розийаллоҳу анҳу) **Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадисдир».**

Жобирнинг намоз вақтлари ҳақидаги ҳадисини Ато ибн Абу Рабоҳ, яна Амр ибн Динор ва Абу Зубайр, Ваҳд ибн Кайсоннинг Жобирдан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қилган ривоятига яқинлаштириб, Жобир ибн Абдуллоҳнинг ўзидан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган.

114-БОБ. ЎТГАН МАВЗУ
(Намоз вақтлари)

١٥١- حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ فُضَيْلٍ، عَنِ الأَعْمَشِ، عَنْ أَبِي صَالِحٍ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ لِلصَّلاَةِ أَوَّلاً وَآخِرًا، وَإِنَّ أَوَّلَ وَقْتِ صَلاَةِ الظُّهْرِ حِينَ تَزُولُ الشَّمْسُ، وَآخِرَ وَقْتِهَا حِينَ يَدْخُلُ وَقْتُ الْعَصْرِ، وَإِنَّ أَوَّلَ وَقْتِ صَلاَةِ الْعَصْرِ حِينَ يَدْخُلُ وَقْتُهَا، وَإِنَّ آخِرَ وَقْتِهَا حِينَ تَصْفَرُّ الشَّمْسُ، وَإِنَّ أَوَّلَ وَقْتِ الْمَغْرِبِ حِينَ تَغْرُبُ الشَّمْسُ، وَإِنَّ آخِرَ وَقْتِهَا حِينَ يَغِيبُ الأُفُقُ، وَإِنَّ أَوَّلَ وَقْتِ الْعِشَاءِ الآخِرَةِ حِينَ يَغِيبُ الأُفُقُ، وَإِنَّ آخِرَ وَقْتِهَا حِينَ يَنْتَصِفُ اللَّيْلُ، وَإِنَّ أَوَّلَ وَقْتِ الْفَجْرِ حِينَ يَطْلُعُ الْفَجْرُ، وَإِنَّ آخِرَ وَقْتِهَا حِينَ تَطْلُعُ الشَّمْسُ».

151. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Намоз вақтларининг бошланиш ва тугаш муддатлари бор. Пешин намозининг бошланиш вақти қуёшнинг оғишидир ва тугаш вақти аср вақтининг киришидир. Аср намозининг бошланиши ўз вақти киришидир[39] ва тугаш вақти қуёшнинг сарғайишидир. Шом намозининг бошланиш вақти қуёшнинг ботишидир ва тугаш вақти уфқнинг йўқолишидир.[40] Хуфтон намозининг бошланиш вақти уфқ йўқолганидан сўнгдир ва тугаш вақти кечанинг ярим бўлишидир.[41] Бомдод намозининг бошланиш вақти тонг отишидир, тугаш вақти эса қуёшнинг чиқишидир».**

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Амрдан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Йисо (ат-Термизий) деди(лар): Муҳаммад (ал-Бухорий)дан эшитдим, айтдики: «Намоз вақтлари борасида Ал-Аъмашнинг Мужоҳиддан қилган ривояти Муҳаммад ибн Фузайлнинг Ал-Аъмашдан қилган ривоятидан кўра асаҳҳ (саҳиҳроқ)дир».

---

[39] Бу сўздан аср намозининг уларнинг ўзларига маълум бўлган вақти борлиги англашилади. Шу боисдан Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам аср вақти киришини тайин этишларига зарурат сезмаганлар.

[40] Уфқ бу ўринда шафақ маъносида қўлланган.

[41] Хуфтоннинг жоиз вақти то иккинчи тонг (яъни, субҳи содиқ) киргуничадир. Абу Қатода (розийаллоҳу анҳу)дан бу фикрни қувватлайдиган бир ҳадис ривоят қилинган. Ҳадис ушбудир: «**Уйқуда тафрит** (айб) **йўқ. Тафрит** (айб) **кейинги намознинг вақти келгунича** (бу) **намозни ўқимасликдадир**».

Ҳаннод бизга Абу Усомадан, Абу Исҳоқ ал-Фазорийдан, Ал-Аъмашдан, Мужоҳиддан нақл этиб, етказди: **«Намоз вақтларининг бошланиш ва тугаш муддатлари бор, дейилар эди»** деди ва Муҳаммад ибн Фузайлнинг Ал-Аъмашдан ривоят қилган ҳадисини тақрибан шу маъноси билан зикр қилди.

115-БОБ. ЎТГАН МАВЗУ
(Намоз вақтлари)

١٥٢- حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ وَالْحَسَنُ بْنُ الصَّبَّاحِ الْبَزَّارُ وَأَحْمَدُ بْنُ مُحَمَّدِ بْنِ مُوسَى - الْمَعْنَى وَاحِدٌ - قَالُوا: حَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ يُوسُفَ الأَزْرَقُ، عَنْ سُفْيَانَ [الثَّوْرِيِّ]، عَنْ عَلْقَمَةَ بْنِ مَرْثَدٍ، عَنْ سُلَيْمَانَ بْنِ بُرَيْدَةَ، عَنْ أَبِيهِ قَالَ: أَتَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَجُلٌ فَسَأَلَهُ عَنْ مَوَاقِيتِ الصَّلاَةِ، فَقَالَ: «**أَقِمْ مَعَنَا إِنْ شَاءَ اللَّهُ**» فَأَمَرَ بِلاَلاً فَأَقَامَ حِينَ طَلَعَ الْفَجْرُ، ثُمَّ أَمَرَهُ فَأَقَامَ حِينَ زَالَتِ الشَّمْسُ، فَصَلَّى الظُّهْرَ، ثُمَّ أَمَرَهُ فَأَقَامَ فَصَلَّى الْعَصْرَ وَالشَّمْسُ بَيْضَاءُ مُرْتَفِعَةٌ، ثُمَّ أَمَرَهُ بِالْمَغْرِبِ حِينَ وَقَعَ حَاجِبُ الشَّمْسِ، ثُمَّ أَمَرَهُ بِالْعِشَاءِ فَأَقَامَ حِينَ غَابَ الشَّفَقُ، ثُمَّ أَمَرَهُ مِنَ الْغَدِ فَنَوَّرَ بِالْفَجْرِ، ثُمَّ أَمَرَهُ بِالظُّهْرِ فَأَبْرَدَ وَأَنْعَمَ أَنْ يُبْرِدَ، ثُمَّ أَمَرَهُ بِالْعَصْرِ فَأَقَامَ وَالشَّمْسُ آخِرَ وَقْتِهَا فَوْقَ مَا كَانَتْ، ثُمَّ أَمَرَهُ فَأَخَّرَ الْمَغْرِبَ إِلَى قُبَيْلِ أَنْ يَغِيبَ الشَّفَقُ، ثُمَّ أَمَرَهُ بِالْعِشَاءِ فَأَقَامَ حِينَ ذَهَبَ ثُلُثُ اللَّيْلِ، ثُمَّ، قَالَ: «**أَيْنَ السَّائِلُ عَنْ مَوَاقِيتِ الصَّلاَةِ؟**» فَقَالَ الرَّجُلُ: أَنَا، فَقَالَ: «**مَوَاقِيتُ الصَّلاَةِ كَمَا بَيْنَ هَذَيْنِ**».

152. *Бурайда (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; у деди:* **«Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб, намоз вақтлари ҳақида савол берди. Шунда** (Расулуллоҳ)**: «Бизлар билан қолиб намозларни бирга ўқи, иншоаллоҳ** (кўриб, билиб оласан)**!»**[42] **дедилар. Ва Билолга буюрдилар, тонг отиши билан у азон айтди** (ва бомдод намозини ўқиб бердилар)**. Кейин унга буюрдилар, қуёш тиккадан оғиши билан у азон айтди ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам пешин намозини ўқиб бердилар. Кейин унга буюрдилар, у азон айтди, қуёш ҳали оппоқ ва** (анча) **тепада эканида аср намозини ўқиб бердилар. Кейин қуёш ботиши билан шом намозига буюрдилар. Шундан сўнг хуфтон намозига амр қилдилар, шафақ йўқолиши билан у** (Билол) **азон айтди. Кейин эртанги намозларни унга буюрдилар ва бомдод намозида атрофнинг оқармоғини** (тонг ёруғи пайдо бўлишини) **кутди. Кейин пешин намозини буюрдилар**

[42] Бу ўринда «иншоаллоҳ» таъбири важиз (қисқалик) санъати билан айтилган: Аллоҳ хоҳласа, кўриб-билиб оласан, демоқчилар.

ва (Билол) **ҳавонинг салқинлашмоғини кутди. Кейин аср намозини буюрдилар ва қуёш сўнгги вақтда бўладиган жойнинг устида** (уфқдан тепароқда) **турганида у азон айтди. Кейин унга буюрдилар, шом намозини шафақ йўқолишига озгина вақт қолгунча кечиктирди. Кейин хуфтон намозини буюрдилар ва у кечанинг учдан бири ўтганда азон айтди. Сўнгра: «Намоз вақтларини сўраган киши қани? дедилар. У киши: «Менман», деди. Шунда** (Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам) **айтдилар: «Намоз вақтлари ана шу икки вақтнинг орасидир!»**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-ғариб-саҳиҳ.

Шуъбанинг Алқама ибн марсаддан қилган ривояти ҳам шундай.

116-БОБ. БОМДОД НАМОЗИНИ ТОНГ ҒИРА-ШИРАСИДА ЎҚИМОҚ

١٥٣ـ حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، عَنْ مَالِكِ بْنِ أَنَسٍ قَالَ: وحَدَّثَنَا الأَنْصَارِيُّ، حَدَّثَنَا مَعْنٌ، حَدَّثَنَا مَالِكٌ، عَنْ يَحْيَى بْنِ سَعِيدٍ، عَنْ عَمْرَةَ، عَنْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: إِنْ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَيُصَلِّي الصُّبْحَ فَيَنْصَرِفُ النِّسَاءُ، قَالَ الأَنْصَارِيُّ: فَيَمُرُّ النِّسَاءُ مُتَلَفِّعَاتٍ بِمُرُوطِهِنَّ مَا يُعْرَفْنَ مِنَ الْغَلَسِ، وَقَالَ: قُتَيْبَةُ مُتَلَفِّعَاتٍ.

153. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдод намозини ўқиб берар ва** (мусулмон) **аёллар** (масжиддан уй-уйларига) **тарқалишар эди». Ал-Ансорий айтади: «Аёллар паранжиларига ўраниб олиб қайтаётганларида ғира-ширада уларни таниб бўлмасди». Қутайба эса: «Чодирларига бурканиб олиб» дейди.**

Бу бобда Ибн Умар, Анас ва Қайла бинти Махрама (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Оиша (онамиз)нинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Аз-Зуҳрий бу ҳадисни Урвадан, Оиша (онамиз)дан айнан ривоят қилади.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, ораларида (ҳазрати) Абу Бакр ва (ҳазрати) Умар (розийаллоҳу анҳумо) бор бўлган аксарият илм аҳли ва тобеъийнлардан айрим олимларнинг қавли шудир. Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ шу қавлга эга бўлишган: улар бомдод намозини тонг ғира-ширасида ўқимоқликни мустаҳаб деб ҳисоблайдилар.

117-БОБ. БОМДОД НАМОЗИНИ ТОНГ ОҚАРГАНДА ЎҚИМОҚ

١٥٤ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا عَبْدَةُ [هُوَ: ابْنُ سُلَيْمَانَ] عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِسْحَقَ، عَنْ عَاصِمِ ابْنِ عُمَرَ بْنِ قَتَادَةَ، عَنْ مَحْمُودِ بْنِ لَبِيدٍ، عَنْ رَافِعِ بْنِ خَدِيجٍ، قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «أَسْفِرُوا بِالْفَجْرِ؛ فَإِنَّهُ أَعْظَمُ لِلأَجْرِ».

154. *Рофиъ ибн Хадиж (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;* **у деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бундай деб айтганларини эшитдим: «Бомдод намозини тонгни ёриштириб ўқинглар, чунки бунинг ажр-савоби улуғроқдир!»**

Шуъба ва Саврий бу ҳадисни Муҳаммад ибн Исҳоқдан ривоят қилган. Муҳаммад ибн Ажлон ҳам Осим ибн Умар ибн Қатодадан ривоят қилади.

Бу бобда Абу Барза ал-Асламий, Жобир ва Билол (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Рофиъ ибн Ходижнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг саҳобаларидан ва тобеъийнлардан кўпчилик илм аҳллари бомдод намози тонг ёришганда ўқилади, деган фикрдалар. Суфён Саврийнинг ҳам қавли шудир.

Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ айтадиларки: «Исфор» (оқартириш) нинг маъноси тонг шубҳа қилинмайдиган даражада аниқ бўлишидир. Аммо намозни таъхир этиш (кечиктириш) маъносида эмас.

ИЗОҲ. «Бомдодни кунни ёриштириб ўқиш мустаҳабдир. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: **«Бомдод намозини кунни ёриштириб ўқинглар, чунки бу улуғ ажр-савобдир»** деган ҳадислари бунга далилдир» *(«Ҳидоя», «Бомдодни кунни ёриштириб ўқиш мустаҳаб эканлиги ҳақида фасл», 147-саҳифа).*

118-БОБ. ПЕШИН НАМОЗИНИ ВАҚТИ КИРГАН ЗАҲОТИ ЎҚИМОҚ

١٥٥ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ [ابْنُ السَّرِيِّ]، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنْ سُفْيَانَ، عَنْ حَكِيمِ بْنِ جُبَيْرٍ، عَنْ إِبْرَاهِيمَ، عَنِ الأَسْوَدِ، عَنْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: مَا رَأَيْتُ أَحَدًا كَانَ أَشَدَّ تَعْجِيلاً لِلظُّهْرِ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَلاَ مِنْ أَبِي بَكْرٍ، وَلاَ مِنْ عُمَرَ.

155. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди:* **«Пешин намозини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан,** (ҳазрати) **Абу Бакрдан ва** (ҳазрати) **Умардан ҳам кўра вақти кириши билан ўқиган бирон кишини кўрмадим».**

Бу бобда Жобир ибн Абдуллоҳ, Ҳаббоб, Абу Барза, Ибн Масъуд, Зайд ибн Собит, Анас ва Жобир ибн Самура (розийаллоҳу анҳум) дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Оиша (онамиз)нинг ҳадиси ҳасан.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан бўлмиш илм аҳлларининг ихтиёр қилгани (таржиҳи) шудир.

Али ибн ал-Мадиний Яҳё ибн Саъиддан нақл этиб, бундай дейди:

«Ҳаким ибн Жубайр, Ибн Масъуд орқали Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган: **«Ҳар кимки ўзи муҳтож бўлмаган нарсани инсонлардан тиласа...»** деган ҳадис сабабли Шуъба у ҳақда (танқидий) сўз қилган. Яҳё: «Суфён ва Зоида, Ҳаким ибн Жубайрдан ривоят қилдилар», дейди ва унинг ҳадисида зарар йўқ деб ҳисоблайди.

Муҳаммад (ал-Бухорий) айтади: «Пешин намозини вақтли (аввал вақтида) ўқиш борасида Ҳаким ибн Жубайрдан, Саъид ибн Жубайрдан, Оиша (онамиз)дан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳадис ривоят қилинган».

١٥٦- حَدَّثَنَا الْحَسَنُ بْنُ عَلِيٍّ الْحُلْوَانِيُّ، أَخْبَرَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ، أَخْبَرَنَا مَعْمَرٌ، عَنِ الزُّهْرِيِّ قَالَ: أَخْبَرَنِي أَنَسُ بْنُ مَالِكٍ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَّى الظُّهْرَ حِينَ زَالَتِ الشَّمْسُ.

156. *Ҳазрати Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам пешин намозини қуёш оғган вақтда ўқидилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис саҳиҳ. Ва у ушбу бобда ривоят қилинган ҳадисларнинг энг гўзалидир.

Бу бобда Жобирдан ҳадис ривоят қилинган.

119-БОБ. ПЕШИН НАМОЗИНИ ЖАЗИРАМА КУНЛАРДА КЕЧИКТИРИБ (САЛҚИН ТУШМОҒИНИ КУТИБ) ЎҚИМОҚ

١٥٧- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا اللَّيْثُ، عَنِ ابْنِ شِهَابٍ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْمُسَيَّبِ وَأَبِي سَلَمَةَ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا اشْتَدَّ الْحَرُّ فَأَبْرِدُوا عَنِ الصَّلَاةِ؛ فَإِنَّ شِدَّةَ الْحَرِّ مِنْ فَيْحِ جَهَنَّمَ».

157. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Жазирама иссиқ бўлган вақтда пешин намозини салқинлатиб ўқингизлар. Чунки жазирама иссиқнинг шиддати жаҳаннам нафасидандир».**

Бу бобда Абу Саъид, Абу Зарр, Ибн Умар, Ал-Муғийра, Совфон, Абу Мусо, Ибн Аббос ва Анас (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

(Ҳазрати) Умар (розийаллоҳу анҳу) орқали Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ушбу бобда битта ҳадис ривоят қилинган; (аммо) саҳиҳ эмас.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлидан баъзилари, жазирама кунларда пешин намозини таъхир қилмоқ (кечиктирмоқ) жиҳатини таржиҳ этадилар (устун кўрадилар). Ибнул-Муборак, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир. Шофиъий айтадики: «Пешин намозини салқин тушгунча таъхир этмоқ (андак кечиктирмоқ) фақатгина жамоати узоқ жойдан келадиган масжид учундир. Аммо якка ўзи ёки ўз ноҳияси масжидида намоз ўқийдиган кишилар учун жазирама иссиқларда ҳам пешин намозини таъхир қилмаслик, менимча, маъқулроқ».

Абу Ийсо деди(лар): Жазирама иссиқ кунларида пешин намозини таъхир этмоқ (андак кечиктириб ўқимоқ) керак, деб айтганларнинг ҳолати авлодир ва (суннатга) иттибоъ қилмоққа (эргашмоққа) яқинроқдир.

Шофиъийнинг рухсати, узоқдан келганлар учун ва машаққат чекиш сабаби биландир, деган қавлига келсак, Абу Заррнинг ҳадисида Шофиъийнинг бу ижтиҳодига мухолиф (қарши) бўлган бир маъно бор.

Абу Зарр (розийаллоҳу анҳу) айтадики: **«Бир галги сафарда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга эдик. Билол пешинга азон айтди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ё Билол! Салқинлатгил! Яхшигина салқинлатгил!»** дедилар. Агар масала Шофиъий айтганидек бўлса эди, пешин намозини салқин тушгунига қадар таъхир этмоқликда маъно қолмас эди. Чунки ҳаммалари бир жойда эдилар ва намозга келмоқ учун узоқ масофани босиб ўтмоққа эҳтиёж йўқ эди.

ИЗОҲ. Ҳадисда туш пайтидаги жазирама жаҳаннам ҳарорати туфайли экани билдирилмоқда. Буни ҳақиқат деб айтганлар бор. Шунингдек, туш пайтидаги жазирама жаҳаннам оловига ўхшатилган, мажозий бир таъбир, деб айтганлар ҳам бор. «Ал-Урфуш-шазийй» китоби муаллифи бу борада айнан бундай дейди: «Бу ўринда ақлий бир савол туғилади: Ҳароратнинг кучайиши ва пасайиши дунёмизнинг қуёшга бўлган яқинлиги ва узоқлиги билан мутаносиб экани тажриба билан собит бўлган экан, жазираманинг

шиддати жаҳаннам ҳароратининг ёйилиши туфайлидир, деган сўзни қандай тушуниш мумкин?» Муаллиф ўз саволига бундай деб жавоб беради: «Ашёнинг (нарсаларнинг) зоҳир сабаблари бўлганидек, ботин сабаблари бор. Шариат, табиат ҳодисаларининг фақатгина ботин сабабларини изоҳлайди; зоҳир сабабларини ҳам инкор қилмайди». Бу жавоб, зоҳир сабаблар билан ботин сабаблар ўртасида тафовут бўлмаган тақдирда, тўғри. Лекин шариат ҳукми билан эски ва янги фалсафий назариялар ўртасида тафовут бўлса, борди-ю, бу назариялар илман ва тажриба билан собит бўлган яқийн даражада бўлмаса, унда заруратан шариат ҳукмини олмоқ керак. Агар яқин даражада бўлса, унда шариат ҳукми келишувни (мутаносибликни) таъминлайдиган тарзда таъвил қилинади. Баски, жазирама иссиқнинг шиддати жаҳаннам нафасидан, ёлқинидан эканлиги шубҳасиздир.

١٥٨ – حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلَانَ، حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ [الطَّيَالِسِيُّ] قَالَ: أَنْبَأَنَا شُعْبَةُ، عَنْ مُهَاجِرٍ أَبِي الْحَسَنِ ، عَنْ زَيْدِ بْنِ وَهْبٍ، عَنْ أَبِي ذَرٍّ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ فِي سَفَرٍ وَمَعَهُ، بِلَالٌ فَأَرَادَ أَنْ يُقِيمَ، فَقَالَ: «أَبْرِدْ» ثُمَّ أَرَادَ أَنْ يُقِيمَ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَبْرِدْ فِي الظُّهْرِ»، قَالَ : حَتَّى رَأَيْنَا فَيْءَ التُّلُولِ، ثُمَّ أَقَامَ فَصَلَّى، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ شِدَّةَ الْحَرِّ مِنْ فَيْحِ جَهَنَّمَ، فَأَبْرِدُوا عَنِ الصَّلَاةِ».

158. *Абу Зарр (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир сафарда эдилар, Билол ҳам у киши билан бирга эди. Билол** (пешинга) **азон айтмоқчи бўлган эди,** (Расулуллоҳ): **«Салқинлатгил!** (Яъни, салқин тушмоғини кутгил!)» **дедилар. Кейинроқ у яна азон айтмоқчи бўлди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Пешин намозида ҳавони салқинлатгил!» дедилар.** (Абу Зарр) **айтади: «Ҳатто тепаликлар ёнида соялар пайдо бўлганини кура бошладик. Кейин** (Билол) **азон айтди ва намоз ўқиб бердилар. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Жазирама иссиқнинг шиддати жаҳаннам нафасидандир. Намозни салқинлатиб ўқингизлар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ

120-БОБ. АСР НАМОЗИНИ ВАҚТЛИ ЎҚИМОҚ

١٥٩ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا اللَّيْثُ، عَنِ ابْنِ شِهَابٍ، عَنْ عُرْوَةَ، عَنْ عَائِشَةَ أَنَّهَا قَالَتْ: صَلَّى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْعَصْرَ وَالشَّمْسُ فِي حُجْرَتِهَا، وَلَمْ يَظْهَرِ الْفَيْءُ مِنْ حُجْرَتِهَا.

159. *Батаҳқиқ, ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо) айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аср намозини қуёш у** (Оиша онамиз)**нинг ҳужраларига тушиб турганида, ҳали соя у зотнинг ҳужраларидан кўтарилмай туриб ўқидилар».**[43]

Бу бобда Анас, Абу Арво, Жобир ва Рофиъ ибн Ходиж (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган. Яна Рофиъ тариқи билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан аср намозини таъхир этиш ҳақида битта ҳадис ривоят қилинган, саҳиҳ эмас.

Абу Ийсо деди(лар): Оиша (онамиз)нинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан баъзи илм аҳллари таржиҳ этган ҳукм шу. (Ҳазрати) Умар, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Оиша (онамиз) ва Анас (розийаллоҳу анҳум) ана шулардандир. Тобеъийнлардан кўпчилик илм аҳллари шу қавлни таржиҳ этганлар. Аср намози барвақт (аввал вақтида) ўқилмоғига тўхталадилар ва таъхир этмоқни макруҳ деб ҳисоблайдилар. Абдуллоҳ ибн Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг ҳам қавли шудир.

١٦٠ – حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، حَدَّثَنَا إِسْمَعِيلُ بْنُ جَعْفَرٍ، عَنِ الْعَلاَءِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ أَنَّهُ دَخَلَ عَلَى أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ فِي دَارِهِ بِالْبَصْرَةِ حِينَ انْصَرَفَ مِنَ الظُّهْرِ، وَدَارُهُ بِجَنْبِ الْمَسْجِدِ، فَقَالَ: قُومُوا فَصَلُّوا الْعَصْرَ، قَالَ: فَقُمْنَا فَصَلَّيْنَا، فَلَمَّا انْصَرَفْنَا، قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «تِلْكَ صَلاَةُ الْمُنَافِقِ، يَجْلِسُ يَرْقُبُ الشَّمْسَ حَتَّى إِذَا كَانَتْ بَيْنَ قَرْنَيِ الشَّيْطَانِ قَامَ فَنَقَرَ أَرْبَعًا لاَ يَذْكُرُ اللَّهَ فِيهَا إِلاَّ قَلِيلاً».

160. *Ал-Аъло ибн Абдурраҳмондан ривоят қилинди:* **«Пешин намозини ўқиб тарқалишгандан кейин у Анас ибн Моликнинг Басрадаги уйига кирди. Унинг уйи масжиднинг ёнбошида эди. Шунда Анас** (аср вақти киргач)**: «Турингизлар, асрни ўқингизлар!», деди.** (Ал-Аъло) **айтадики: «Биз туриб, намозни ўқидик. Намозни ўқиб бўлгач,** (Анас) **бундай деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитдим, айтдиларки: «Мунофиқнинг намози улдирки,** (ўтириб) **қуёшни кузатади, қуёш то шайтоннинг икки шохи орасига киргунича қарайди,** (сўнг) **туриб, худди дон чўқигандек, тўрт ракъат намоз ўқийди ва бу ракъатларда Аллоҳни жуда оз зикр қилади** (жуда қисқа ўқийди)**».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

[43] Бу ҳадиси шариф Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам аср намозини вақти кириши билан (бошланиш вақтида) ўқиганларига далолат қилади (Нававий).

ИЗОҲ. Қуёш шайтоннинг икки шохи орасига кириши – кун ботаёзганидан киноядир. Бу таъбирдан макруҳ вақти киргани кўзда тутилган бўлиши мумкин. Суютий «Қутул-муғтазий» китобида бу бир мажоз эмас, балки ҳақиқат эканини таъкидлайди ва бундай дейди: «Қуёш ботаётганда ва чиқаётганда шайтон қуёшнинг ёнида туради. Токи қуёшга сажда қилаётганлар гўё шайтонга сажда қилаётгандек бўлишсин».

Баски, мўъминлар намоз ўқиш ҳаром бўлган вақтлардан сақланмоқлари лозим.

159,160, 161-ҳадислар хулосаси: аср намозининг вақти ҳар нарсанинг сояси ўз бўйидан икки баробар бўлган вақтдан бошлаб, қуёш ботгунчадир. Аввал вақтида ўқиш авлодир. Кимки қуёш ботишидан олдин асрнинг бир ракъатини топса, аср намозини топган бўлади. (Лекин узрсиз ҳолда кечиктириш дуруст эмас.) *(«Ҳидоя», «Мухтасар»).*

121-БОБ. АСР НАМОЗИНИ ТАЪХИР ҚИЛМОҚ

١٦١- حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، حَدَّثَنَا إِسْمَعِيلُ ابْنُ عُلَيَّةَ، عَنْ أَيُّوبَ، عَنِ ابْنِ أَبِي مُلَيْكَةَ، عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ أَنَّهَا، قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَشَدَّ تَعْجِيلاً لِلظُّهْرِ مِنْكُمْ، وَأَنْتُمْ أَشَدُّ تَعْجِيلاً لِلْعَصْرِ مِنْهُ.

161. *Умму Салама (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам пешин намозини сизлардан кўра эртароқ ўқир эдилар, сизлар эса аср намозини у кишидан кўра эртароқ ўқир экансизлар».**

Бу ҳадис Исмоъйил ибн Улаййадан, Ибн Журайждан, Ибн Абу Мулайкадан, Умму Саламадан айнан ривоят қилинган.

١٦٢-[وَوَجَدْتُ فِي كِتَابِي: أَخْبَرَنِي عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، عَنْ إِسْمَعِيلَ بْنِ إِبْرَاهِيمَ، عَنِ ابْنِ جُرَيْجٍ.

162. *Ўз китобимда (қўлёзмаларимда) шуни топдим: Али ибн Ҳужр менга Исмоъйил ибн Иброҳимдан, Ибн Журайждан нақл этиб, хабар қилди...*

١٦٣- [وحَدَّثَنَا بِشْرُ بْنُ مُعَاذٍ الْبَصْرِيُّ، قَالَ: حَدَّثَنَا إِسْمَعِيلُ ابْنُ عُلَيَّةَ، عَنِ ابْنِ جُرَيْجٍ بِهَذَا الإِسْنَادِ نَحْوَهُ].

163. *Бишр ибн Муъоз ал-Басрий худди шу ҳадисни: «Исмоъйил ибн Улаййадан, Ибн Журайждан...» деган иснод билан нақл этди.*

Ва бу (иснод) асаҳҳ (янада саҳиҳ).

122-БОБ. ШОМ НАМОЗИНИНГ ВАҚТИ

١٦٤ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا حَاتِمُ بْنُ إِسْمَعِيلَ، عَنْ يَزِيدَ بْنِ أَبِي عُبَيْدٍ، عَنْ سَلَمَةَ بْنِ الأَكْوَعِ، قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي الْمَغْرِبَ إِذَا غَرَبَتِ الشَّمْسُ وَتَوَارَتْ بِالْحِجَابِ.

164. *Салама ибн Акваъ (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шом намозини қуёш ботган ва пардага яширинган вақтда ўқир эдилар».**

Бу бобда Жобир, Ас-Сунобиҳий, Зайд ибн Холид, Анас, Рофиъ ибн Ходиж, Абу Айюб, Умму Ҳабиба, Аббос ибн Абдулмутталиб ва Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган. Аббоснинг ҳадиси ундан мавқуф тарзда ривоят қилинадики, энг саҳиҳ ҳадис шудир. Ас-Сунобиҳий эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитмаган. У Абу Бакр (розийаллоҳу анҳу) нинг биродаридир.

Абу Ийсо деди(лар): Салама ибн ал-Акваънинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобеъийнлардан бўлмиш илм аҳлларидан кўпчилигининг фикри шудир: **Шом намозини тез** (аввал вақтида) **ўқишни ихтиёр қилиб, таъхир этмоқни макруҳ деб ҳисоблайдилар.** Ҳатто, айрим илм аҳллари бундай дейдилар: **«Шом намози учун фақат битта вақт бор».** Улар Жаброил (фаришта алайҳиссалом) имом бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга намоз ўқиб бергани борасидаги ҳадисга асосланганлар.

Ибнул-Муборак ва Шофиъийнинг қавли шудир.

ИЗОҲ. Ҳадисда ворид бўлган **«пардага яширинган вақтда»** жумласи (қуёш ботган вақтда деган) биринчи жумланинг тафсиридир. Баъзиларнинг фикрича, шом намозининг вақти қуёш ботган вақт бўлиб, бу вақтнинг боши ва охири йўқ, фақатгина намоз ўқиб олгулик бир вақтдир. Ҳанафий мазҳабида шом намозининг бошланиш вақти – қуёш ботган вақт, охири эса – шафақ йўқолган вақт.

123-БОБ. ХУФТОН НАМОЗИНИНГ ВАҚТИ

١٦٥ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ الْمَلِكِ بْنِ أَبِي الشَّوَارِبِ، حَدَّثَنَا أَبُو عَوَانَةَ، عَنْ أَبِي بِشْرٍ، عَنْ بَشِيرِ بْنِ ثَابِتٍ، عَنْ حَبِيبِ بْنِ سَالِمٍ، عَنِ النُّعْمَانِ بْنِ بَشِيرٍ، قَالَ: أَنَا أَعْلَمُ النَّاسِ بِوَقْتِ هَذِهِ الصَّلاَةِ؛ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّيهَا لِسُقُوطِ الْقَمَرِ لِثَالِثَةٍ.

165. *Ан-Нуъмон ибн Башир (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди, у айтди:* **«Бу намознинг вақтини мен** (бошқа) **инсонлардан кўра яхшироқ биламан**: **Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни** (хуфтонни) **ойнинг учинчи кечасидаги ой ботиши палласида ўқир эдилар».**

١٦٦- حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرٍ مُحَمَّدُ بْنُ أَبَانَ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ، عَنْ أَبِي عَوَانَةَ، بِهَذَا الإِسْنَادِ نَحْوَهُ.

166. *Абу Бакр Муҳаммад ибн Абон бизга худди шу ҳадисни «Абдурраҳмон ибн Маҳдийдан, Абу Авонадан...» деган иснод билан сўзлаб берди.*

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадисни Ҳушайм ҳам Абу Бишрдан, Ҳабиб ибн Солимдан, Ан-Нуъмон ибн Баширдан ривоят қилади ва бу ривоятда: **«Башир ибн Собитдан»** деган жойини зикр қилмайди.

Абу Авонанинг ҳадиси, бизнингча, янада саҳиҳроқ. Чунки, Язид ибн Ҳорун Шуъбадан, Бишрнинг отасидан, Абу Авонанинг ривоятидек ривоят қилган.

ШАРҲ. Баъзи уламолар: «Бу ҳадис (165) Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам арабий ойнинг учинчи кечасидаги ой ботиши палласида хуфтон намозини ўқиганларига далолат қилади», дейдилар. Имом Шофиъий уламосидан баъзилари хуфтон намозининг вақтли ўқилишини шу ҳадис билан истидлол қилишади (далиллашади). *(Ан-Нававийнинг «Ал-Мажмуъ» асари, 55—58/3).*

Ибнут-Туркмоний «Ал-Жавҳар-ун-нақийа» (450:1) асарида Шофиъийларнинг бу истидлолини ўринсиз деб билиб, бундай дейди: **«Арабий ойнинг учинчи кечасида ойнинг ботиши, ўн икки соатга бўлинган ўша кечанинг соатларидан икки соату ўттиз тўрт дақиқа кейин содир бўлади. Қизил шафақ эса бу вақтдан анчагина олдин ботиб кетади. Бас, бу ҳадисда хуфтон намозини эрта ўқиш ҳақида ишорат йўқ».**

Аҳмад Муҳаммад Шокир, Ибнут-Туркмонийнинг бу сўзи ҳақида бундай дейди: «Ушбу ҳадисда хуфтон намозини эрта ўқишликка доир далил йўқлиги жиҳати тўғри. Аммо ойнинг ботиши янглиш ҳисоб қилинган. Миср ҳукуматининг расмий тақвимида (турли) арабий ойларнинг учинчи кечаларида ой турли хил вақтларда ботиши кўрсатилган»...

Таржимон иловаси: «Хуфтон намозининг вақти шафақ ботгандан бошлаб тонг отгунчадир. Витр намозининг вақти хуфтон ўқилганидан бошлаб то тонг отгунчадир. Тонг эса субҳи содиқ (чин тонг)дур, субҳи козиб (ёлғон тонг) эмасдур» *(«Мухтасар», «Шарҳи Мухтасар ул-виқоя», 72-бет).*

124-БОБ. ХУФТОН НАМОЗИНИ ТАЪХИР ҚИЛМОҚ (КЕЧ ЎҚИМОҚ)

١٦٧ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا عَبْدَةُ، عَنْ عُبَيْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ، عَنْ سَعِيدٍ الْمَقْبُرِيِّ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَوْلاَ أَنْ أَشُقَّ عَلَى أُمَّتِي لأَمَرْتُهُمْ أَنْ يُؤَخِّرُوا الْعِشَاءَ إِلَى ثُلُثِ اللَّيْلِ، أَوِ نِصْفِهِ».

167. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Умматимга машаққат қилиб қўй**(йишдан хавотирлан)**масам эдим, хуфтон намозини кечанинг учдан бир қисмигача ёки ярмигача таъхир қилмоқни буюрган бўлар эдим».**

Бу бобда Жобир ибн Самура, Жобир ибн Абдуллоҳ, Абу Барза, Ибн Аббос, Абу Саъид ал-Худрий, Зайд ибн Холид ва Ибн Умар (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Йисо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг саҳобаларидан, тобеъийнлардан ва кейингилардан бўлмиш илм аҳлларининг кўпчилиги ушбу қавлни ихтиёр этганлар: «Хуфтон намози таъхир қилиб ўқилади».

Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

125-БОБ. ХУФТОНДАН ОЛДИН УХЛАМОҚ ВА ХУФТОНДАН КЕЙИН ГАПЛАШИБ ЎТИРМОҚ МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

١٦٨ – حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا هُشَيْمٌ، أَخْبَرَنَا عَوْفٌ قَالَ أَحْمَدُ: وَحَدَّثَنَا عَبَّادٌ [ابْنُ عَبَّادٍ] [هُوَ: الْمُهَلَّبِيُّ] وَإِسْمَعِيلُ ابْنُ عُلَيَّةَ جَمِيعًا عَنْ عَوْفٍ، عَنْ سَيَّارِ بْنِ سَلاَمَةَ [هُوَ: أَبُو الْمِنْهَالِ الرِّيَاحِيُّ]، عَنْ أَبِي بَرْزَةَ، قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَكْرَهُ النَّوْمَ قَبْلَ الْعِشَاءِ وَالْحَدِيثَ بَعْدَهَا.

168. *Абу Барза (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдики:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам хуфтондан олдин ухламоқни ва хуфтондан кейин гурунглашиб ўтирмоқни макруҳ кўрар эдилар».**

Бу бобда Оиша (онамиз), Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Анас (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Йисо деди(лар): Абу Барзанинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлининг кўпчилиги хуфтондан олдин ухлашни ва хуфтондан кейин ўтириб суҳбат қилишни кариҳ деб биладилар. Баъзилари эса бунга рухсат беради. Абдуллоҳ ибн Муборак айтади: «Суҳбатларнинг кўпи кароҳат устидадур». Айрим илм аҳллари эса Рамазон ойида хуфтондан олдин ухлаб олишга рухсат беришган.

Сайёр ибн Саламанинг куняси – Абул-Минҳол ар-Риёҳий.

126-БОБ. ХУФТОНДАН КЕЙИН ГАПЛАШИБ ЎТИРИШГА РУХСАТ БОРЛИГИ

١٦٩- **حَدَّثَنَا** أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ، عَنِ الأَعْمَشِ، عَنْ إِبْرَاهِيمَ، عَنْ عَلْقَمَةَ، عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ، قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَسْمُرُ مَعَ أَبِي بَكْرٍ فِي الأَمْرِ مِنْ أَمْرِ الْمُسْلِمِينَ وَأَنَا مَعَهُمَا.

169. *Ҳазрати Умар Ибн Хаттоб (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдиларки:* «**Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мусулмонларнинг ишларидан бўлмиш бирор масалада Абу Бакр** (розийаллоҳу анҳу) **билан гаплашиб қолар ва мен ҳам улар билан бирга бўлар эдим».**

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Амр, Авс ибн Хузайфа ва Имрон ибн Ҳусайндан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Йисо деди(лар): (Ҳазрати) Умарнинг ҳадиси ҳасан.

Бу ҳадисни Ҳасан ибн Убайдуллоҳ, Иброҳимдан, Алқамадан, Жуъф қабиласидан бўлмиш Қайс ёки Ибн Қайс деган бир кишидан, (Ҳазрати) Умардан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан узун бир ҳикоя тарзида ривоят қилади.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, тобеъийнлардан ва улардан кейингилардан бўлмиш илм аҳллари хуфтон намозидан кейин гаплашиб ўтириш борасида ихтилоф қилдилар. Баъзилари хуфтон намозидан кейин гурунглашиб ўтиришни кариҳ деб ҳисоблади. Баъзилари эса, илм ёки бошқа зарурий эҳтиёж маъносида бўлса, гаплашмоққа рухсат беради. Ҳадисларнинг кўпи ҳам рухсати мутазамминдир (яъни, рухсатни ўз ичига олгандир).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганлари ҳам ривоят қилинган: «**Мусомара** (суҳбатлашув) **фақатгина** (кечаси) **намоз ўқиган ёки йўлга чиққан киши учундир».**

127-БОБ. НАМОЗНИ ВАҚТИНИНГ АВВАЛИДА (ВАҚТИ КИРГАН ЗАҲОТИ) ЎҚИШНИНГ ФАЗИЛАТИ

١٧٠- **حَدَّثَنَا** أَبُو عَمَّارٍ الْحُسَيْنُ بْنُ حُرَيْثٍ، حَدَّثَنَا الْفَضْلُ بْنُ مُوسَى، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ الْعُمَرِيِّ، عَنِ الْقَاسِمِ بْنِ غَنَّامٍ، عَنْ عَمَّتِهِ أُمِّ فَرْوَةَ - وَكَانَتْ مِمَّنْ بَايَعَتِ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - قَالَتْ: سُئِلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَيُّ الأَعْمَالِ أَفْضَلُ؟ قَالَ: «**الصَّلاَةُ لأَوَّلِ وَقْتِهَا**».

170. *Умму Фарва (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди, – у Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга байъат қилган аёллардан биридир – дедики:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Амалларнинг қайси бири афзалроқ?» деб сўралди. «Вақтининг аввалида ўқилган намоз», дедилар».**[44]

١٧١ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، قَالَ: حَدَّثَنَا عَبْدُ اللهِ بْنُ وَهْبٍ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ عَبْدِ اللهِ الْجُهَنِيِّ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ عُمَرَ بْنِ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَ لَهُ: «يَا عَلِيُّ ثَلاَثٌ لاَ تُؤَخِّرْهَا: الصَّلاَةُ إِذَا آنَتْ، وَالْجَنَازَةُ إِذَا حَضَرَتْ، وَالأَيِّمُ إِذَا وَجَدْتَ لَهَا كُفْئًا».

171. *Ҳазрати Али ибн Абу Толиб (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга айтдилар: **«Ё Али! Уч нарсани таъхир қилма** (кечиктирма)**: вақти кирган намозни; ҳозир бўлган жанозани; тенгини топганингда бўйдоқ қизни** (узатмоқни)**».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ғариб-ҳасан.

١٧٢ – حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا يَعْقُوبُ بْنُ الْوَلِيدِ الْمَدَنِيُّ، عَنْ عَبْدِ اللهِ بْنِ عُمَرَ، عَنْ نَافِعٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «الْوَقْتُ الأَوَّلُ مِنَ الصَّلاَةِ رِضْوَانُ اللهِ، وَالْوَقْتُ الآخِرُ عَفْوُ اللهِ».

172. *Ҳазрати Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Намоз вақтининг аввали – Аллоҳнинг ризосидир ва охирги вақти – Аллоҳнинг афвидир».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ғариб.

Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳу), Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шунга ўхшаш ҳадисни ривоят қилган.

Бу бобда (ҳазрати) Али, Ибн Умар, Оиша (онамиз) ва Ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинди.

Умму Фарванинг ҳадиси фақат Абдуллоҳ ибн Умарнинг ривоятидан келаётир. Абдуллоҳ эса ҳадис аҳли наздида қувватли эмас. Ушбу ҳадисда (у ҳақда) изтиробга (фарқлилик, хилма-хилликка) борганлар. Гарчи у тўғри кишидир, лекин Яҳё ибн Саъид уни хотираси жиҳатидан танқид қилган.

---

[44] Термизий кейинроқда бу ҳадисни заиф тарзида изоҳлайдилар. Лекин тадқиқотчилар бу ҳадисни саҳиҳ деб топганлар («Сунани Термизий», Риёз нашри).

١٧٣ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا مَرْوَانُ بْنُ مُعَاوِيَةَ الْفَزَارِيُّ، عَنْ أَبِي يَعْفُورٍ، عَنِ الْوَلِيدِ بْنِ الْعَيْزَارِ، عَنْ أَبِي عَمْرٍو الشَّيْبَانِيِّ أَنَّ رَجُلاً قَالَ لابْنِ مَسْعُودٍ: أَيُّ الْعَمَلِ أَفْضَلُ؟ قَالَ: سَأَلْتُ عَنْهُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ: «**الصَّلاَةُ عَلَى مَوَاقِيتِهَا**» قُلْتُ: وَمَاذَا يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: «**وَبِرُّ الْوَالِدَيْنِ**» قُلْتُ: وَمَاذَا يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: «[وَ] **الْجِهَادُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ**».

173. *Ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **Бир киши Ибн Масъуддан: «Қайси амал афзалроқ?» – деб сўради. Шунда у айтдики: «Буни мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўрадим; «Намозларни вақтида ўқимоқ», дедилар. «Тағин нима, Ё Расулаллоҳ?» – дедим. «Ота-онага яхшилик қилмоқ», дедилар. «Тағин нима, Ё Расулаллоҳ?» – дедим. «Фийсабилиллоҳ** (Аллоҳ йўлида) **жидду жаҳд қилмоқ», дедилар.**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Ушбу ҳадисни Ал-Масъудий, Шуъба, Сулаймонки, – у Абу Исҳоқ аш-Шайбонийдир – ва яна бошқалар Ал-Валид ибн ал-Айзордан ривоят қилганлар.

ШАРҲ. Ҳадисдан мурод намозни вақтида ўқишнинг фазилатини билдиришдир. Тасниф ва таржималарда «жиҳод» сўзининг маъноси, унинг мақсади ва тарихий табиати тўғри тушунтирилмагани сабабли мўъмин кишиларнинг жонига суиқасд қилувчи, ҳатто уларни ноҳақ ўлдирувчи нодон ва разил тоифалар пайдо бўлмоқда. Улар ўз жиноятларига: «Биз жиҳод қиляпмиз» деган гапни қалқон қилмоқдалар. Бундай жиноятларнинг олдини олиш учун ҳам «жиҳод» сўзини ҳар бир исломий манбада ошкор ёзиш ва маъносини шарҳлашга зарурият бор. Қуръони каримда айтилади: **«Кимки бир мўъминни қасдан ўлдирса, бас, унинг жазоси жаҳаннамдирки, унда абадий қолур. Аллоҳ унга ғазаб қилган ва уни лаънатлагандир. Унга улуғ азоб тайёрлаб қўйгандир»** *(«Нисо» сураси, 93-оят).*

Жиҳоднинг асл мақсади асло ноҳақ одам ўлдириш эмас, фасод чиқариш эмас, ўз юртининг иймонли шахсларига қарши фитна қўзғаш эмас. Ислом ноҳақ қон тўкиш дини эмас, уруш дини эмас. Ислом меҳр-муҳаббат, раҳм-шафқат, илм-маърифат, гўзаллик, поклик, тўғрилик, ҳалоллик ва бағрикенглик динидир. Жиҳоднинг мақсади инсонларни икки жаҳонда бахтли-саъодатли бўлишга ундашдир. У аслида муҳаббат натижаси эканлиги китобларда айтилган. Жиҳод икки қисмга бўлинади: 1) жиҳоди акбар (катта жиҳод); 2) жиҳоди асғар (кичик жиҳод). Жиҳоди акбар – инсоннинг фақр-қаноат, зуҳду тақво билан ўз нафсига қарши кураши, Қуръон ифодаси билан айтганда, «ўз нафсини ўлдириши» («Бақара», 54), яъни нафсидаги ёмон туйғуларини ўлдириб, уни ислоҳ қилиб, саркашлик, туғён, тамаъ ва турли разолатдан қутқариб, Ҳақ ри-

зоси, раҳмати ва муҳаббатига мувофиқ йўлга солишидир. Жиҳоди асғар эса куфр аҳли билан бўладиган кураш бўлиб, унинг ўз тарихий табиати, замон, макон ва жамият ҳаёти билан боғлиқ шартлари, талаблари бор. Ислом аҳкомлари бемалол бажарилиб турган, беш вақт намоз, жумъа намози, рўза, закот, ҳаж адо этилиб турган, эркин исломий ҳаёт билан яшаш имконияти мавжуд бўлган бир диёрда ҳар кимнинг ўзбошимчалик билан, ўз орқасида турган ватан ва дин душманларининг алдовига ва пулига учиб, жиҳод даъвоси билан чиқишга ҳаққи йўқ. Қуръони каримда айтилади: **«Кимки бир жонни, у бошқа бир жонни ўлдирмасидан ёки ер юзида фасод чиқармасидан** (шаръан-ҳуқуқан ўлимга мустаҳиқ бўлмасидан, ноҳақ ҳолда) **ўлдирса, у жамиъи инсонларни ўлдирган каби бўлур»** *(Моида» сураси, 32-оят)*. Бинобарин, бундай оғир гуноҳни бўйнига олган, жиҳод ниқоби остида жиноят, ноҳақ қотиллик, хунрезлик, фитна ва ихтилофни одат қилган кимса дунё ва охиратда жазога мустаҳиқдир.

١٧٤ – **حَدَّثَنَا** قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا اللَّيْثُ، عَنْ خَالِدِ بْنِ يَزِيدَ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ أَبِي هِلَالٍ، عَنْ إِسْحَقَ بْنِ عُمَرَ، عَنْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: مَا صَلَّى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلاَةً لِوَقْتِهَا الآخِرِ مَرَّتَيْنِ حَتَّى قَبَضَهُ اللَّهُ.

174. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, то Аллоҳ у кишидан омонатини олгунига қадар** (яъни умрларининг сўнгигача) **бирорта намозни икки марта охирги** (тугаш) **вақтида ўқиган эмаслар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-ғариб ва исноди муттасил эмас.

Шофиъий айтадики: «Намоз вақтининг аввали (бошланиш вақти) афзалроқ. Аввалги вақтининг охирги вақтидан кўра фазилатлироқ эканига далолат қилган хусуслардан бири эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, (ҳазрати) Абу Бакр ва (ҳазрати) Умар (розийаллоҳу анҳумо) таржиҳ этган нарсадирки, фақат афзал нарсани таржиҳ этган ва фазилатни қўлдан бермаган бу зотлар вақтнинг аввалида намоз ўқир эдилар».

Шофиъийнинг бу сўзини Абул-Валид ал-Маккий бизга баён қилди.

ИЗОҲ. Ҳазрати Мулла Алий ал-Қорий ушбу ҳадиснинг изоҳида бундай дейди: «Балки Оиша (онамиз) бунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўрганмоқ учун Жаброил (алайҳиссалом) билан ва ўргатмоқ учун савол берган бир киши билан ўқиган намозларини ҳисобга олмагандирлар. Фақатгина Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам барча намозларини ихтиёрий вақтларда ўқишни одат қилганларини, (аммо) нодиран ва зарурий бир сабаб билан баъзи намозларни охирги вақтигача таъхир этганларини таъкидламоқчи бўлгандирлар».

128-БОБ. ПАРИШОНХОТИРЛИК БИЛАН АСР НАМОЗИНИНГ ВАҚТИНИ ЎТКАЗИБ (ҚАЗО ҚИЛИБ) ҚЎЙМОҚ

١٧٥– حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا اللَّيْثُ [بْنُ سَعْدٍ]، عَنْ نَافِعٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الَّذِي تَفُوتُهُ صَلاَةُ الْعَصْرِ فَكَأَنَّمَا وُتِرَ أَهْلَهُ وَمَالَهُ».

175. *Ҳазрати Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Аср намозини қазо қилиб қўйган киши худди аҳли оиласи ва мол-дунёсидан жудо бўлган кабидир».**

Бу бобда Бурайда ва Навфал ибн Муъовиядан биттадан ҳадис ривоят қилинган. Ибн

Абу Ййсо деди(лар): Умарнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Аз-Зуҳрий эса бу ҳадисни Солимдан, унинг отаси Умардан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган.

129-БОБ. ИМОМ ТАЪХИР ЭТГАН ТАҚДИРДА НАМОЗНИ ВАҚТЛИ ЎҚИБ ОЛМОҚ

١٧٦– حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ مُوسَى الْبَصْرِيُّ، حَدَّثَنَا جَعْفَرُ بْنُ سُلَيْمَانَ الضُّبَعِيُّ عَنْ أَبِي عِمْرَانَ الْجَوْنِيِّ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الصَّامِتِ، عَنْ أَبِي ذَرٍّ، قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «يَا أَبَا ذَرٍّ أُمَرَاءُ يَكُونُونَ بَعْدِي يُمِيتُونَ الصَّلاَةَ فَصَلِّ الصَّلاَةَ لِوَقْتِهَا، فَإِنْ صُلِّيَتْ لِوَقْتِهَا كَانَتْ لَكَ نَافِلَةً، وَإِلاَّ كُنْتَ قَدْ أَحْرَزْتَ صَلاَتَكَ».

176. *Абу Зарр (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;* «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Ё Або Зарр! Мендан кейин шундай амирлар** (бошлиқлар) **келадики, намозни ўлдиришади.**[45] **Сен намозларни вақтида ўқигил! Агар вақтида ўқилса,** (улар билан қайта ўқиганинг) **сенга нафл бўлади. Агар вақтида ўқилмаса, сен албатта ўз намозингни сақлаб қолган бўласан».**

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Убода ибн ас-Сомит (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ййсо деди(лар): Абу Заррнинг ҳадиси ҳасан.

Илм аҳлларидан биттадан кўп кишининг қавли ушбудир: Имом намозни таъхир этган тақдирда, киши ўз намозини вақтида ўқиб олишини ва кейин имом билан бирга қайта ўқишини мустаҳаб деб биладилар. Бундай ҳолатда фарз бўладиган намоз, илм аҳлларининг кўпчилиги наздида, биринчи намоздир.

Абу Имрон ал-Жавнийнинг исми – Абдумалик ибн Ҳабиб.

[45] Намозни мухтор бўлган вақтидан таъхир этиб, уни жонсиз ўликдай қилиб қўядилар.

ШАРҲ. Имом Нававийнинг фикрича, ҳадиснинг маъноси бундай: «Бу амирлар намозни мухтор бўлган вақтидан таъхир этиб, кечиктиришларини аҳволларидан фаҳмлайсан ва ўз намозингни вақтнинг аввалида ўқиб оласан. Кейин улар намозни мухтор бўлган вақтида ўқишса, улар билан бирга қайта ўқийсан ва нафл намози савобини қўлга киритасан. Мабодо мухтор бўлган вақтида ўқишмаса, яна ҳам кечиктиришса, сен ўз намозингни ўқиб олган ва сақлаб қолган бўласан».

Бу ҳадис, агар бир вақт намози икки марта ўқилса, биринчиси фарз ва иккинчиси нафл бўлишига далолат қилади. Шунингдек, бу ҳадис, имом намозни кечиктирган тақдирда, мўъмун ўз намозини вақтининг аввалида ўқиб олишига изн беради. Шундай қилиб, аввалги вақтнинг фазилатига эришади, кейин жамоат билан ҳам ўқиса, жамоат савобини олади.

130-БОБ. УХЛАБ ҚОЛИБ НАМОЗНИ ЎТКАЗИБ ЮБОРМОҚ

١٧٧ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ، عَنْ ثَابِتٍ الْبُنَانِيِّ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ رَبَاحٍ [الأَنْصَارِيِّ]، عَنْ أَبِي قَتَادَةَ قَالَ: ذَكَرُوا لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَوْمَهُمْ عَنِ الصَّلاَةِ، فَقَالَ: «إِنَّهُ لَيْسَ فِي النَّوْمِ تَفْرِيطٌ، إِنَّمَا التَّفْرِيطُ فِي الْيَقَظَةِ، فَإِذَا نَسِيَ أَحَدُكُمْ صَلاَةً، أَوْ نَامَ عَنْهَا، فَلْيُصَلِّهَا إِذَا ذَكَرَهَا».

177. *Абу Қатода (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ухлаб қолиб намозни ўтказиб юборганлари ҳақида айтиб беришди. Шунда** (у зот) **айтдиларки: «Тафрит** (айбдорлик) **уйқуда эмас. Тафрит** (айбдорлик) **фақат уйғоқлик ҳолатидадир. Сизлардан бирортангиз намозни унутса ёки ухлаб қолиб ўтказиб юборса, ёдига тушган заҳоти дарҳол ўқиб олсин».**

Бу бобда яна Ибн Масъуд, Абу Марям, Имрон ибн Ҳусайн, Жубайр ибн Мутъим, Абу Жуҳайфа, Абу Саъид, Амр ибн Умайя ад-Дармий, Зу Миҳбар – Ан-Нажошийнинг биродарзодаси бўлган бу зотни Зу Миҳмар ҳам дейдилар – (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Қатоданинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Ухлаб қолиб ёки унутиб намозни ўтказиб юборган ва кейин бошқа намоз вақтида, қуёш чиқаётганда ёки ботаётганда уйғонган ёхуд эсига тушган киши ҳақида илм аҳллари ихтилоф қилишди: Баъзилари: «Қуёш чиқаётганда ёки ботаётганда бўлса ҳам, уйғонган заҳоти ёки ёдига тушган заҳоти ўша намозни ўқийди», дейди.

Аҳмад, Исҳоқ, Шофиъий ва Моликнинг қавли шу. Баъзилар эса: «Қуёш чиқиб бўлгунча ёки ботиб бўлгунича ўқимай туради», дейди.

ИЗОҲ. Имом Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ)нинг қавли шудир. Қуёш айни чиқаётган бўлса, то чиқиб бўлгунича ва айни ботаётган бўлса, то ботиб бўлгунича намоз ўқилмайди. Буни Имом Бухорийнинг ҳазрати

Умар (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилган бир ҳадиси билан далиллайдилар. Ҳадис ушбудир: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Қуёшнинг қоши кўринган маҳал** (ёй шаклидаги бош қисми чиққан маҳал) **то кўтарилгунига қадар намозни таъхир қилинглар, қуёшнинг қоши ботган бўлса, то** (тўлиқ) **ботгунича намозни таъхир қилинглар».**

(Қуш ботмай туриб, аср намозининг икки ёки бир ракъатига улгурган бўлса, қолганини тамом қилиб олади. Бомдодни ўқиётганида қуёш чиқиб қолса, қазо қилади.)

131-БОБ. НАМОЗНИ УНУТИБ ЎТКАЗИБ ЮБОРГАН КИШИ ҲАҚИДА

١٧٨ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ وَبِشْرُ بْنُ مُعَاذٍ، قَالاَ: حَدَّثَنَا أَبُو عَوَانَةَ، عَنْ قَتَادَةَ، عَنْ أَنَسٍ [بْنِ مَالِكٍ]، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ نَسِيَ صَلاَةً فَلْيُصَلِّهَا إِذَا ذَكَرَهَا».

178. *Ҳазрати Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Кимки намозни унутса, ёдига тушган заҳоти дарҳол ўқиб олсин».**

Бу бобда яна Самура ва Абу Қатода (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Йисо деди(лар): Анаснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Али ибн Абу Толиб (карромаллоҳу важҳаҳу)дан, намозни унутган киши ҳақида бундай деганлари ривоят қилинади: «У намозни, вақтлими ёки кечми, эсига тушган маҳал ўқийди». Шофиъий, Аҳмад ибн Ҳанбал ва Исҳоқнинг қавли шудир.

Абу Бакра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Абу Бакра аср намозида ухлаб қолибдилар-да, қуёш ботаётганда уйғонибдилар. Қуёш ботиб бўлгунича намозни ўқимай турибдилар».

Куфа фақиҳларининг баъзилари шу қавлга эга бўлганлар. Аммо биродарларимиз Али ибн Абу Толибнинг қавлини олаётирлар.

132-БОБ. БИР НЕЧТА НАМОЗНИ ЎТКАЗИБ ЮБОРГАН КИШИ (ҚАЗОСИНИ ЎҚИШНИ) ҚАЙСИ НАМОЗДАН БОШЛАЙДИ?

١٧٩ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا هُشَيْمٌ، عَنْ أَبِي الزُّبَيْرِ، عَنْ نَافِعِ بْنِ جُبَيْرِ بْنِ مُطْعِمٍ، عَنْ أَبِي عُبَيْدَةَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ [بْنِ مَسْعُودٍ]، قَالَ: قَالَ عَبْدُ اللَّهِ [بْنُ مَسْعُودٍ]: إِنَّ الْمُشْرِكِينَ شَغَلُوا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ أَرْبَعِ صَلَوَاتٍ يَوْمَ الْخَنْدَقِ حَتَّى ذَهَبَ مِنَ اللَّيْلِ مَا شَاءَ اللَّهُ، فَأَمَرَ بِلاَلاً فَأَذَّنَ، ثُمَّ أَقَامَ فَصَلَّى الظُّهْرَ، ثُمَّ أَقَامَ فَصَلَّى الْعَصْرَ، ثُمَّ أَقَامَ فَصَلَّى الْمَغْرِبَ، ثُمَّ أَقَامَ فَصَلَّى الْعِشَاءَ.

179. *Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Хандақ** (уруши) **кунида мушриклар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни тўрт вақт намоздан қолдирдилар. Ҳатто кеч тушди. Кейин Билолга** (азон ва иқомат айтишни) **буюрдилар, у азон айтди, кейин такбир келтирди, пешин намози** (қазоси)**ни ўқидилар. Кейин такбир айтди, аср намози** (қазоси)**ни ўқидилар. Кейин такбир айтди, шом намози** (қазоси)**ни ўқидилар. Кейин такбир айтди, хуфтон намозини ўқидилар».**

Бу бобда Абу Саъид ва Жобир (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абдуллоҳнинг ҳадиси иснодида зарар йўқ. Илло Абу Убайда Абдуллоҳдан эшитган эмас.

Ўтган намозлар қазосини ўқишлик борасида илм аҳллари ихтиёр этган ҳукм ушбудир: **Киши ўқийдиган ҳар бир қазо намози учун алоҳида такбир айтади.** Такбир айтмаса ҳам, жоиздир. Шофиъийнинг қавли шу.

ШАРҲ. Ҳадиси шарифда **«тўрт вақт намоздан қолганлари»** айтилди. Аслида хуфтон фавт қилиб эмас, балки вақтида ўқиганлар. Муътод (одатдаги) вақтидан кеч ўқилгани учун қазо намозларига қўшилиб қолган.

Ҳадис қазо намозларини аввал биринчисидан бошлаб, тартиб билан ўқилиши лозимлигига далолат қилади. Ҳофиз ибн Ҳажар: «Аксарият уламо билиб ёки унутиб қазо қилинган намозлар ўртасида тартиб вожибдир, деган фикрда», дейди. Вақти торайиб қолган адо намози пайтида фоитани – фавт бўлган намозни эсламоқ масаласида олимлар ихтилоф қилганлар. Адо намозининг вақти чиқадиган бўлса ҳам, аввал қазо намозини ўқийдими ёки (аввал) адо намозини ўқийдими? Ёки намозхон бу икки намоз ўртасида ихтиёрли қилинадими? Имоми Молик биринчи қавлга эга бўлганлар. Ҳанафийлар, Шофиъийлар ва муҳаддисларнинг кўпчилиги иккинчи қавлни ёқлаганлар: яъни, вақти чиқиб қоладиган бўлса, аввал адо намозини ўқиб олади.

Илова. Беш вақт намоз ва витрда тартиб бўлиши фарз, яъни бир намоз қазога қолиб, иккинчи намоз вақти етса, аввал қазога қолган намозни ўқиш фарз. Илло 1) вақти торайиб қолиб, вақт намозининг ўтиб кетиш хавфи туғилса; 2) ёки унутса, яъни адо намозини ўқигунича қазо намози эсига келмаса; 3) қазо намозлари олтитадан кўп бўлса, тартибга риоя қилиш соқит бўлади. Унда адо намозини ўқиб бўлган бўлса, кейин аввалги қазо намозини ва охирги қазо намозини тайин қилиб, ўқийверади *(«Мухтасар», «Кифоя»).*

١٨٠- و حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ بُنْدَارٌ حَدَّثَنَا مُعَاذُ بْنُ هِشَامٍ حَدَّثَنِي أَبِي عَنْ يَحْيَى بْنِ أَبِي كَثِيرٍ حَدَّثَنَا أَبُو سَلَمَةَ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ أَنَّ عُمَرَ ابْنَ الْخَطَّابِ قَالَ يَوْمَ الْخَنْدَقِ وَجَعَلَ يَسُبُّ كُفَّارَ قُرَيْشٍ قَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا كِدْتُ أُصَلِّي الْعَصْرَ حَتَّى تَغْرُبَ الشَّمْسُ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُمَّ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَاللَّهِ إِنْ صَلَّيْتُهَا قَالَ فَنَزَلْنَا بُطْحَانَ فَتَوَضَّأَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُمَّ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَتَوَضَّأْنَا فَصَلَّى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُمَّ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْعَصْرَ بَعْدَ مَا غَرَبَتِ الشَّمْسُ ثُمَّ صَلَّى بَعْدَهَا الْمَغْرِبَ

180. *Жобир ибн Абдуллоҳ (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Ҳандақ кунида Умар ибн Хаттоб гапириб, қурайш мушрикларини сўка бошлади ва дедики: «Ё Расулаллоҳ! Сал қолдики, қуёш ботгунича аср намозини ўқиёлмай қолардим!». Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ ҳақи, мен аср намозини ўқий олмай қолдим!» дедилар. Жобир айтади: «Сўнг Бутҳон** (водийси)**га тушдик.** (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам) **таҳорат олдилар, бизлар ҳам таҳорат олдик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуёш ботганидан кейин аср намозини ўқидилар, сўнг унинг кетидан шом намозини ўқидилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

133-БОБ. (ҚУРЪОНДА АЙТИЛГАН) «СОЛАТУЛ-ВУСТО» («ЎРТА НАМОЗ») АСР НАМОЗИ ЭКАНЛИГИ, У ПЕШИН НАМОЗИ, ДЕБ ҲАМ (ФИКР) АЙТИЛГАНИ

١٨١- حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلَانَ، حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ الطَّيَالِسِيُّ وَأَبُو النَّضْرِ، عَنْ مُحَمَّدِ ابْنِ طَلْحَةَ بْنِ مُصَرِّفٍ، عَنْ زُبَيْدٍ، عَنْ مُرَّةَ الْهَمْدَانِيِّ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «صَلاَةُ الْوُسْطَى صَلاَةُ الْعَصْرِ».

181. *Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Ўрта намоз аср намозидир».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

١٨٢- حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا عَبْدَةُ، عَنْ سَعِيدٍ، عَنْ قَتَادَةَ، عَنِ الْحَسَنِ، عَنْ سَمُرَةَ بْنِ جُنْدَبٍ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ: «صَلاَةُ الْوُسْطَى صَلاَةُ الْعَصْرِ».

182. *Самура ибн Жундуб (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Ўрта намоз аср намозидир», дедилар.**

Бу бобда Али, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Зайд ибн Собит, Оиша (онамиз), Ҳафса (онамиз), Абу Ҳурайра ва Абу Ҳошим ибн Утба (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Муҳаммад (ал-Бухорий) Али ибн Абдуллоҳдан нақл этиб, бундай дейди: «Ҳасаннинг Самура ибн Жундубдан ривоят қилган ҳадиси – саҳиҳ, Ҳасан Самурадан эшитган».

Самуранинг «Солати вусто» («Ўрта намоз») борасидаги ҳадиси ҳасан. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан бўлмиш илм аҳллари кўпчилигининг қавли шу.

Зайд ибн Собит ва Оиша (онамиз) (розийаллоҳу анҳумо) «Ўрта намоз – пешин намозидир» дейдилар.

Ибн Аббос ва Ибн Умар (розийаллоҳу анҳум) эса ўрта намоз – бомдод намози эканини айтадилар.

Абу Мусо Муҳаммад ибн ал-Мусаннаъ бизга Қурайш ибн Анас орқали, Ҳабиб ибн Шаҳиддан сўзлаб берди. Ҳабиб айтадики, «Муҳаммад ибн Сийрийн менга: «Ҳасандан сўра-чи, ал-Ақиқа ҳадисини кимдан эшитибди?» деди. Шунда ундан сўрадим, у: «Буни Самура ибн Жунубдан эшитдим», деди.

Муҳаммад ибн Исмоъийл (ал-Бухорий) менга хабар бериб айтдики: «Али ибн Абдуллоҳ ибн Мадиний бу ҳадисни (сўзни) Қурайш ибн Анасдан нақл этиб бизга етказди».

Муҳаммад ибн Исмоъийл Алидан нақл этиб: «Ҳасаннинг Самурадан эшитгани саҳиҳ», дейди ва бу ҳадисни далил сифатида қабул қилади.

134-БОБ. АСР ВА БОМДОД НАМОЗИДАН КЕЙИН (НАФЛ) НАМОЗ ЎҚИШ МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

١٨٣- حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا هُشَيْمٌ، أَخْبَرَنَا مَنْصُورٌ، وَهُوَ ابْنُ زَاذَانَ، عَنْ قَتَادَةَ [قَالَ]، أَخْبَرَنَا أَبُو الْعَالِيَةِ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ، قَالَ: سَمِعْتُ غَيْرَ وَاحِدٍ مِنْ أَصْحَابِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْهُمْ عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ، وَكَانَ مِنْ أَحَبِّهِمْ إِلَيَّ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى عَنِ الصَّلَاةِ بَعْدَ الْفَجْرِ حَتَّى تَطْلُعَ الشَّمْسُ، وَعَنِ الصَّلَاةِ بَعْدَ الْعَصْرِ حَتَّى تَغْرُبَ الشَّمْسُ.

183. *Ҳазрати Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан биттадан ортиқ кишидан эшитдим; улар орасида менга севимлироғи бўлмиш Умар ибн Хаттоб ҳам бор: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдод намозидан кейин то қуёш чиққунича намоз ўқимоқдан ва аср намозидан кейин то қуёш ботгунича намоз ўқимоқдан қайтардилар».**

Бу бобда Али, Ибн Масъуд, Уқба ибн Омир, Абу Ҳурайра, Ибн Умар, Самура ибн Жундуб, Абдуллоҳ ибн Амр, Муъоз ибн Афро, Ас-Сунобиҳий (Расулуллоҳнинг ўзларидан эшитмаган), Салама ибн ал-Акваъ, Зайд ибн Собит, Оиша, Каъб ибн Мурра, Абу Умома, Амр ибн Абаса, Йаъло ибн Умайя ва Муъовия (розийаллоҳу анҳум) дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Аббоснинг (ҳазрати) Умардан (розийаллоҳу анҳумо) ривоят қилган ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва улардан кейингилардан бўлмиш фақиҳларнинг кўпчилиги фикри ушбудир: Бомдод намозидан кейин то қуёш чиққунича ва аср намозидан кейин то қуёш ботгунича намоз ўқишни макруҳ, дейдилар. Аммо қазо намозлари асрдан кейин ва бомдоддан кейин ўқилишида зарар йўқ.

Али ибн ал-Мадиний, Яҳё ибн Саъид тариқи билан (яъни шу киши орқали) Шуъбадан нақл этиб, бундай дейди: **«Қатода, Абу Олийадан фақат учта ҳадис эшитган:** (Ҳазрати) **Умарнинг: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аср намозидан кейин то қуёш ботгунича ва бомдод намозидан кейин то қуёш чиққунича намоз ўқишдан қайтардилар», деган ҳадисини; Ибн Аббоснинг: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдиларки: «Мени Маттоънинг ўғли Юнусдан яхшироқ, деб айтиш ҳеч кимга ярашмайди» деган ҳадисини ҳамда Алининг: «Қозилар учтадир...» деган ҳадисини...»**

ИЗОҲ. Ҳанафий мазҳабида бомдод вақти кирганидан то қуёш чиққунича ҳамда аср билан шомнинг ўртасида нафл намозлар макруҳ, фақат қуйидаги намозлар ўқилиши жоиз:

1) жаноза намози;

2) қазо намозлари;

3) ҳаж ва умра асносида икки ракъат тавоф намозини ўқиш жоиз саналган *(«Сунани Термизий», 184-ҳадис шарҳи; Шаббир Аҳмад Қосимий: «Анворул-маносик»);*

4) Қуръон ўқилганида сажда оятлари келса, саждаи тиловат қилиш жоиз. Илло уч вақтда: 1) қуёш чиқаётган, 2) тик келган, 3) ва ботаётган вақтда намоз ўқиш ва саждаи тиловат қилиш ҳаром. Қуёш ботишидан олдин асрнинг икки ёки бир ракъатини топса, қолганини ўқиб олиши жоиз *(«Мухтасар», «Ҳидоя»).*

135-БОБ. АСР НАМОЗИДАН КЕЙИН НАМОЗ ЎҚИШ ҲАҚИДА

١٨٤- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا جَرِيرٌ، عَنْ عَطَاءِ بْنِ السَّائِبِ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ جُبَيْرٍ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: إِنَّمَا صَلَّى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الرَّكْعَتَيْنِ بَعْدَ الْعَصْرِ لأَنَّهُ أَتَاهُ مَالٌ فَشَغَلَهُ، عَنِ الرَّكْعَتَيْنِ بَعْدَ الظُّهْرِ، فَصَلاَّهُمَا بَعْدَ الْعَصْرِ، ثُمَّ لَمْ يَعُدْ لَهُمَا.

184. *Ҳазрати Ибн Аббос* (розийаллоҳу анҳу)*дан ривоят қилинди; айтди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам аср намозидан кейин икки ракъат намоз ўқиганларининг ягона сабаби шуки, у кишига бир мол келтирилиб, у зотни пешиннинг икки ракъат намозидан қолдирган эди. Асрдан кейин ўша икки ракъатни ўқиб олдилар ва кейин зинҳор бу икки ракъатга қайтмадилар».**

Бу бобда Оиша, Умму Салама, Маймуна ва Абу Мусо (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинди.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Аббоснинг ҳадиси ҳасан.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асрдан кейин икки ракъат намоз ўқиганларини биттадан кўп кишилар ривоят қилган. Бу ривоят Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асрдан кейин то қуёш ботгунича намоз ўқишдан қайтарганлари ҳақидаги ривоятга зиддир...

Ибн Аббоснинг ҳадиси янада саҳиҳроқ, чунки у: «Кейин зинҳор бу икки ракъатга қайтмадилар», демоқда.

Ибн Аббоснинг ҳадисидек яна бир ҳадис Зайд ибн Собитдан ривоят қилинган.

Оиша (онамиз)дан бу бобда кўп ривоятлар келган; ва у зотдан ривоят қилинадики: шулардан бирида бундай дейилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асрдан кейин бизнинг ҳузуримизга кириб, ҳар ҳолатда икки ракъат намоз ўқир эдилар».

Ва яна Оиша (онамиз)дан Умму Салама (розийаллоҳу анҳмо) тариқи билан ривоят қилинадики: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аср намозидан кейин то қуёш ботгунича ва бомдод намозидан кейин то қуёш чиққунича намозни манъ этдилар».**

Бинобарин, илм аҳлларининг кўпчилиги, асрдан кейин то қуёш ботгунича ва бомдод намозидан кейин то қуёш чиққунича намоз ўқиш макруҳ, деган тўхтамда иттифоқ қилганлар. Шу билан бирга бу қоидадан истисно қилинган ўринлар ҳам бор. Масалан, асрдан кейин то қуёш ботгунича Маккада намоз ўқилади ва бомдод намозининг орқасидан тавофдан кейин то қуёш ботгунича намоз ўқиладики, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бунга рухсат берганлари ривоят қилинган.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингиларидан бўлмиш илм аҳлларидан бир қисмининг қавли шудир. Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг ҳам қавли шундай. Пайғамбар алайҳиссаломнинг саҳобаларидан ва кейингилардан бўлмиш бир қисм илм аҳллари эса аср ва бомдод намозидан кейин Маккада бўлса ҳам намоз ўқилишини макруҳ деб айтганлар. Суфён Саврий, Молик ибн Анас ва Куфа аҳлидан баъзиларининг қавли шудир.

ИЗОҲ. Имом Аъзам мазҳабида ушбу уч вақтда нафл намозлари макруҳ: 1) тонг (субҳи содиқ) отганидан кейин то қуёш чиққунича бомдоднинг икки ракъат суннатидан бошқа нафллар макруҳ; 2) аср намозини ўқигандан кейин то қуёш ботгунича нафллар макруҳ, Имом Термизий шарҳда билдирганларидек, фақат тавоф намози мустаснодир, тавоф намозига рухсат бор; 3) имом хутба ўқиётган вақтда, яъни, имом жумъа хутбасига чиққан вақтда нафллар макруҳ, чунки бунда нафл билан машғул бўлиб, имомнинг сўзини эшитмай қолиши мумкин *(«Ҳидоя», «Мухтасар», «Кифоя»)*.

Ушбу икки вақтда 1) қазо намозлари, 2) жаноза намози, 3) тиловат саждаси макруҳ эмас; 4) ҳаж ва умра асносида тавоф намози жоиз саналган *(«Анворул-маносик»)*.

Тавоф намозининг далилини Имом Термизий шарҳда «Бинобарин, илм аҳлларининг кўпчилиги, асрдан кейин то қуёш ботгунича ва бомдод намозидан кейин то қуёш чиққунича намоз ўқиш макруҳ, деган тўхтамда иттифоқ қилганлар. Шу билан бирга бу қоидадан истисно қилинган ўринлар ҳам бор. Масалан, асрдан кейин то қуёш ботгунича Маккада намоз ўқилади ва бомдод намозининг орқасидан тавофдан кейин то қуёш ботгунича намоз ўқиладики, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бунга рухсат берганлари ривоят қилинган».

136-БОБ. ШОМ НАМОЗИНИНГ ФАРЗИДАН ОЛДИНГИ НАМОЗ

١٨٥ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنْ كَهْمَسِ بْنِ الْحَسَنِ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بُرَيْدَةَ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مُغَفَّلٍ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «بَيْنَ كُلِّ أَذَانَيْنِ صَلَاةٌ لِمَنْ شَاءَ».

185. *Абдуллоҳ ибн Муғаффал (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «**Ҳар икки азон** (яъни, азон билан такбири иқомат) **ўртасида хоҳлаган киши учун намоз бор».**

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Зубайрдан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абдуллоҳ ибн Муғаффалнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари шом намозининг фарзидан олдин намоз бор-йўқлиги ҳақида ихтилоф қилдилар. Баъзилари, шомнинг фарзидан олдин намоз йўқ, деган фикрдадир. Бу орада, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан биттадан ортиқ кишидан ривоят қилинганки, улар шомнинг фарзидан олдин азон билан такбири иқомат ўртасида икки ракъат намоз ўқир эдилар.

Аҳмад ва Исҳоқ бундай дейдилар: «Бу икки ракъатни ўқиса, қандай яхши!» Улар бу икки ракъатни мустаҳаб деб қабул қилаётирлар.

ШАРҲ. Шом намозидан олдин нафл ўқиш суннат эмас. «Саҳиҳи Бухорий»да «Шом намозидан олдинги намоз» деган бир боб бор. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилиб: **«Шом (фарзи)дан олдин нафл ўқинглар»**, дедилар. Бу гапни икки марта айтдилар, сўнг учинчи мартасида: لمن شاء – яъни: **«Хоҳлаган киши учун»** деган лафзни қўшиб қўйдилар. Яъни, шомдан олдин ким нафл ўқимоқчи бўлса, ўқиши мумкин. Ровий айтадики:

«Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам: لمن شاء – «Хоҳлаган киши учун» лафзини шунинг учун зиёда қилдиларки, токи одамлар уни суннат қилиб ушлаб олмасин».

Бу ҳадис масалани тушунтириш учун эди. Асрнинг фарзини ўқигандан кейин нафл ўқишга бўлган монеълик қуёш ботгунгача давом этади, холос, қуёш яширингандан сўнг макруҳлик вақти тугайди, демакдир. Энди бирор киши нафл ўқимоқчи бўлса, ўқий олади, лекин бу вақтда нафл ўқиш суннат эмас. Севикли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам шомдан олдин бирон маротаба нафл ўқимаганлар, тўрт халифа ҳам ўқишмаган.

Баъзилар: «Саҳобалар азон овозини эшитишлари билан устунларнинг ортига ўтиб нафл ўқир эдилар-ку!» – дейдилар. Бунга жавоб шуки, бу кейинги даврнинг воқеасидир ва саҳобаларнинг амалидан фақат жоизлик чиқади, ваҳоланки, бунинг жоизлигини Расули акрам алайҳиссаломнинг ўзлари айтиб турибдилар. Агар шомнинг фарзи кечикмайдиган бўлса ва бирор нафл ўқиб олинса, бешубҳа, жоиздир. (Чунки аср билан шом ўртасидаги нафл учун макруҳ вақт тугади.) Масалан, Рамазонда намоз азондан ўн дақиқадан кейин қоим бўлади, агар бирор киши хурмо билан оғиз очиб, нафл ўқиб олса, марҳамат, ўқийверсин. Лекин буни йил бўйи қиладиган бўлса ва йил бўйи ўн беш дақиқадан кейин шомни ўқийдиган бўлса, бу суннатга хилофдир. Чунки биз шом намозини тезда ўқиб олишга буюрилганмиз. Бас, шомнинг фарзидан олдин нафл ўқиш суннат эмасдир. *(Шайхул-Ҳадис Саъийд Аҳмад Болоппурий: «Туҳфатул-алмаъийй».)*

137-БОБ. ҚУЁШ БОТИШИДАН ОЛДИН АСР НАМОЗИНИНГ БИР РАКЪАТИГА УЛГУРГАН КИШИ

١٨٦ – حَدَّثَنَا [إِسْحَقُ بْنُ مُوسَى] الأَنْصَارِيُّ، حَدَّثَنَا مَعْنٌ، حَدَّثَنَا مَالِكُ بْنُ أَنَسٍ، عَنْ زَيْدِ بْنِ أَسْلَمَ، عَنْ عَطَاءِ بْنِ يَسَارٍ، وَعَنْ بُسْرِ بْنِ سَعِيدٍ وَعَنِ الأَعْرَجِ يُحَدِّثُونَهُ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ أَدْرَكَ مِنَ الصُّبْحِ رَكْعَةً قَبْلَ أَنْ تَطْلُعَ الشَّمْسُ فَقَدْ أَدْرَكَ الصُّبْحَ، وَمَنْ أَدْرَكَ مِنَ الْعَصْرِ رَكْعَةً قَبْلَ أَنْ تَغْرُبَ الشَّمْسُ فَقَدْ أَدْرَكَ الْعَصْرَ».

186. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қуёш чиқишидан олдин бомдод намозининг бир ракъатига улгурган киши, албатта, бомдод намозига улгурган бўлади ва қуёш ботишидан олдин аср намозининг бир ракъатига улгурган киши, албатта, аср намозига улгурган бўлади».**

Бу бобда Оиша (онамиз розийаллоҳу анҳо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ййсо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Биродарларимизнинг, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир. Уларнинг фикрича, бу ҳадиснинг маъноси ухлаб қолиб ёки унутиб, қуёш чиқадиган пайтда ёки ботадиган пайтда уйғонган ёки эслаб қолган киши сингари соҳиби узр бўлган киши учундир.

ИЗОҲ. Агар қуёш чиқишидан олдин бомдоднинг бир ракъатини ўқиганда қуёш чиқиб қолса, намози бузилади (қуёш тўлиқ чиқиб бўлгач, қазосини ўқийди). Чунки намозни комил вақтда бошлаб, ноқис вақтда тугатди. Агар аср намозининг бир ёки икки ракъатини ўқиганда қуёш ботса, қолган ракъатларини ўқиб олади ва намози жоиз бўлади *(«Ҳидоя», «Мухтасар», «Маслакул-муттақийн», «Салоти Масъудий»).*

138-БОБ. ҲАЗАРДА (МУҚИМЛИКДА) ИККИ ВАҚТ НАМОЗИНИ ЖАМ ҚИЛМОҚ

١٨٧ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ، عَنِ الأَعْمَشِ، عَنْ حَبِيبِ بْنِ أَبِي ثَابِتٍ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ جُبَيْرٍ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: جَمَعَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَيْنَ الظُّهْرِ وَالْعَصْرِ، وَبَيْنَ الْمَغْرِبِ وَالْعِشَاءِ بِالْمَدِينَةِ مِنْ غَيْرِ خَوْفٍ وَلاَ مَطَرٍ قَالَ: فَقِيلَ لِابْنِ عَبَّاسٍ: مَا أَرَادَ بِذَلِكَ؟ قَالَ: أَرَادَ أَنْ لاَ يُحْرِجَ أُمَّتَهُ.

187. *Ҳазрати Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хавф-хатар ва ёмғир бўлмай туриб, Мадинада пешин билан аср намозини ҳамда шом билан хуфтон намозини жам қилдилар** (қўшиб ўқидилар)**». Ибн Аббосдан: «Бу билан** (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам) **нимани мурод этдилар?» деб сўралди. Айтди: «Умматларига қийинчилик бўлмаслигини мурод этдилар».**

Бу бобда Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Аббоснинг ҳадиси у кишидан бир қанча важҳлардан ривоят қилинган. Буни Жобир ибн Зайд, Саъид ибн Жубайр ва Абдуллоҳ ибн Шақиқ ал-Уқайлий ривоят қилганлар.

Тағин Ибн Аббос тариқи билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шу ҳадиснинг акси ривоят қилинган.

ШАРҲ. Ҳофиз ибн Ҳажар «Фатҳул-борий» китобида бундай дейди: «Уламодан бир гуруҳи бу ҳадиснинг зоҳир маъноси билан амал қилиш жиҳатига соҳиб бўлиб, ҳазарда (муқимликда) мутлоқ эхтиёж сабаби билан жамъ қилмоқни жоиз кўрдилар. Фақат буни одат қилиб олмасликни шарт қиладилар. Ибн Сийрийн, Робиъа, Ашҳаб, Ибнул-Мунзир ва бошқалар шулар жумласидандир. Хаттобий муҳаддислардан баъзилари шу фикрда эканликларини қайд этган». Жумҳурнинг (уламо)нинг фикрича, жам қилмоқ, узрсиз ҳолда, жоиз эмас. Жумҳур Ибн Аббоснинг ҳадисига бир қанча жавоблар беради. Шулардан баъзиларини қуйида баён этамиз.

1. Мазкур жам қилмоқ бетоблик туфайли бўлганди. Ҳофиз ибн Ҳажар, бу жавобнинг изоҳталаб эканини айтади. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, агар бетоблик сабаби билан жам қилган бўлса эдилар, ўзларида бетоблик узри бўлган кишилар у кишининг орқаларида намоз ўқиб, узрсиз кишилар ўқишмас эди. Ҳолбуки, Ибн Аббос икки вақт намозини саҳобалари билан бирга жам қилганларини айтмоқда.

2. Мазкур жам қилмоқ ёмғир сабаби билан эди. Аммо бу «ёмғир» ривояти ҳадисда таъкидланган «хавф-хатар ва ёмғир бўлмай туриб» деган ривоятдан заифдир.

3. Мазкур жам қилмоқ ҳавонинг булутли бўлиши сабаби билан эди. Бинобарин, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам, пешин намозини ўқиганларидан кейин ҳаво очилган ва аср вақти кирганини аниқлагач, дарҳол орқасидан аср намозини ўқиганлар. Бу жавоб ҳам тўғри эмас. Чунки пешин билан асрда бу борада заиф бир эҳтимол бўлса-да, шом билан хуфтонда бундай эҳтимол зинҳор ворид эмас.

4. Мазкур жам қилмоқ шаклийдир. Яъни, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам пешинни охирги вақтигача таъхир қилиб, асрни вақтининг аввалида ўқиганлар. Нававий: «Бу эҳтимол заиф ёки ботилдир, чунки ҳадиснинг зоҳир маъносига тўғридан тўғри зиддир», дейди. Ҳофиз Ибн Ҳажар, Нававий заиф ёки ботил деб билган бу эҳтимолни,

Қуртубий, Имомул-Ҳарамайн ва бошқалар маъқуллаганини, ҳатто Ибн Саййидиннос кучли, деб топганини айтади.

Имом Аъзам мазҳабида икки намозни жамлаб ўқиш фақат ҳаж сабабли Арафотда ва Муздалифада жоиз. Бошқа маҳалда фақат тақдим ёки таъхир, яъни бир намозни охирги вақтига олиб, иккинчи намозни аввал вақтида ўқиш билан жоиздир. *(Икки намозни жам қилмоқ ҳақида кейинги (188) ҳадис ва унинг шарҳига қаранг.)*

١٨٨ – حَدَّثَنَا أَبُو سَلَمَةَ يَحْيَى بْنُ خَلَفٍ الْبَصْرِيُّ، حَدَّثَنَا الْمُعْتَمِرُ بْنُ سُلَيْمَانَ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ حَنَشٍ، عَنْ عِكْرِمَةَ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ جَمَعَ بَيْنَ الصَّلَاتَيْنِ مِنْ غَيْرِ عُذْرٍ فَقَدْ أَتَى بَابًا مِنْ أَبْوَابِ الْكَبَائِرِ».

188. *Ҳазрати Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди;* «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Кимки икки намозни узрсиз ҳолда жам қилса** (қўшиб ўқиса)**, шубҳасиз, у гуноҳи кабираларнинг эшикларидан биттасига қадам босган бўлади».**

Абу Ийсо деди(лар): Ҳанаш бу ўшадирки, (ҳадис ровийлари орасида учраган киши) куняси – Абу Али ар-Раҳобий, исми Ҳусайн ибн Қайс бўлиб, муҳаддислар наздида заифдир. Аҳмад ва яна бошқалар унинг заиф эканини қайд этганлар.

Илм аҳллари наздида амал шу ҳадис асосидадир.

Икки вақт намозини қўшиб бир пайтда ўқиш фақатгина сафарда ёки Арафотдадир. Тобеъийнлардан бўлмиш айрим илм аҳллари бемор киши учун икки вақт намозини жам қилишига рухсат берганлар. Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

Айрим илм аҳллари эса: «Ёмғирли ҳавода икки вақт намозини жам қилади», дейдилар. Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шундай. Бироқ Шофиъий, бемор киши икки вақт намозини қўшиб ўқийди, деган фикрда эмас.

ШАРҲ. Жам қилмоқ «икки вақт намозини бир вақтда ўқимоқ», дегани. Жам қилмоқ пешин билан аср ҳамда шом билан хуфтон намозларига хос бўлиб, ё тақдим ёки таъхир йўли билан қилинади. Яъни, пешин намози орқага сурилиб, ўз вақти ичида – охир вақтида ўқилади, аср намози олдинга сурилиб, ўз вақти ичида – аввал вақтида ўқилади (*399-боб сўнгидаги мутаржим шарҳига қаранг*). Шом ва хуфтон намозларида ҳам ҳолат шундай: Кейин жамни машруъ қиладиган сабаблар бор. Булардан айримлари суннат, айримлари рухсатдир. Арафот билан Муздалифада жам қилиниши суннат, сафарда, беморликда, ёмғир ва хавф-хатар сингари ҳолатларда эса рухсатдир. Баъзи имомлар бу рухсатларнинг ҳаммасини, айримлари эса бир қисмини қўллаш йўлини тутганлар. Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳу алайҳ) Арофат ва Муздалифадан бошқа ҳеч қаерда ва ҳеч қандай ҳолда жам қилмоқ машруъ эмас, дейдилар.

139-БОБ. АЗОННИНГ БОШЛАНИШИ

١٨٩- حَدَّثَنَا سَعِيدُ بْنُ يَحْيَى بْنِ سَعِيدٍ الأُمَوِيُّ، حَدَّثَنَا أَبِي، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ إِسْحَقَ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِبْرَاهِيمَ [بْنِ الْحَارِثِ] التَّيْمِيِّ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ زَيْدٍ، عَنْ أَبِيهِ قَالَ: لَمَّا أَصْبَحْنَا أَتَيْنَا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَخْبَرْتُهُ بِالرُّؤْيَا، فَقَالَ: «إِنَّ هَذِهِ لَرُؤْيَا حَقٌّ فَقُمْ مَعَ بِلَالٍ، فَإِنَّهُ أَنْدَى وَأَمَدُّ صَوْتًا مِنْكَ فَأَلْقِ عَلَيْهِ مَا قِيلَ لَكَ، وَلْيُنَادِ بِذَلِكَ» قَالَ: فَلَمَّا سَمِعَ عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ نِدَاءَ بِلَالٍ بِالصَّلَاةِ خَرَجَ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَهُوَ يَجُرُّ إِزَارَهُ، وَهُوَ يَقُولُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَالَّذِي بَعَثَكَ بِالْحَقِّ لَقَدْ رَأَيْتُ مِثْلَ الَّذِي قَالَ[٦]: [قَالَ] فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «فَلِلَّهِ الْحَمْدُ، فَذَلِكَ أَثْبَتُ».

189. *Абдуллоҳ ибн Зайд (розийаллоҳу анҳу) ўз отасидан ривоят қилиб айтди:* **«Тонг отиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам-нинг ҳузурларига келдик ва мен** (азон ҳақидаги) **тушимни у зотга хабар қилдим. Шунда у зот: «Албатта, бу ҳақ тушдир! Билол билан бирга тургил, чунки у сендан кўра овози баланд ва узун бўйликдир. Сенга** (тушингда) **айтилган сўзларни унга айтиб тур, у эса шу билан** (мусулмонларни намозга) **чақирсин!» дедилар.** (Абдуллоҳ ибн Зайд) **айтди: «Шунда Умар ибн Хаттоб Билолнинг намозга чақириғини эшитиб, изорларини судраган ҳолда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига чиқиб келдилар ва дедиларки: «Ё Расулаллоҳ! Сизни ҳақ билан юборган Аллоҳга қасамки, мен ҳам худди шунга ўх-шаш туш кўрдим!» Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳга ҳамд бўлсин! Шу билан** (азон) **исбот бўлди!» дедилар».**

Бу бобда Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абдуллоҳ ибн Зайднинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Иброҳим ибн Саъд бу ҳадисни Муҳаммад ибн Исҳоқдан бундан кўра тўлиқ ва узун қилиб ривоят этади ҳамда бу ҳадисда азоннинг сўзларини икки мартадан, такбири иқомат сўзларини эса бир мар-тадан айтилганини зикр қилади.

Абдуллоҳ ибн Зайд Ибн Абдироббиҳдир. Ибн Абдиробб деб ҳам айтилади. Унинг азон ҳақида ривоят қилган ушбу битта ҳадисдан бўлак Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бошқа бир саҳиҳ ҳадис ривоят қилганини билмаймиз.

Абдуллоҳ ибн Зайд ибн Осим ал-Мозиний эса Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бир қанча ҳадислар ривоят қилган: у Аббод ибн Тамимнинг амакисидир.

١٩٠- حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرٍ [بْنُ النَّضْرِ] بْنِ أَبِي النَّضْرِ، حَدَّثَنَا حَجَّاجُ بْنُ مُحَمَّدٍ، قَالَ: قَالَ ابْنُ جُرَيْجٍ، أَخْبَرَنَا نَافِعٌ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ، قَالَ: كَانَ الْمُسْلِمُونَ حِينَ قَدِمُوا الْمَدِينَةَ يَجْتَمِعُونَ فَيَتَحَيَّنُونَ الصَّلَوَاتِ، وَلَيْسَ يُنَادِي بِهَا أَحَدٌ، فَتَكَلَّمُوا يَوْمًا فِي ذَلِكَ، فَقَالَ بَعْضُهُمْ: اتَّخِذُوا نَاقُوسًا مِثْلَ نَاقُوسِ النَّصَارَى، وَقَالَ بَعْضُهُمْ: اتَّخِذُوا قَرْنًا مِثْلَ قَرْنِ الْيَهُودِ، قَالَ: فَقَالَ عُمَرُ [بْنُ الْخَطَّابِ]: أَوَلَا تَبْعَثُونَ رَجُلًا يُنَادِي بِالصَّلَاةِ؟ قَالَ: فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «يَا بِلَالُ، قُمْ فَنَادِ بِالصَّلَاةِ».

190. *Ҳазрати Ибн Умар (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Мусулмонлар Мадинага келганларида тўпланишар ва намоз вақтларини белгилаб олишар эди. Уларнинг бирон чақирувчиси йўқ эди. Бир куни намозга чақириш ҳақида сўзлашиб қолдилар. Баъзилари: «Насоролар қўнғироқ чалганидек қўнғироқ чалингизлар», деса, баъзилари: «Яҳудийлар бурғу чалганидек бурғу чалингизлар», дейишди.** (Ҳазрати) **Умар ибн Хаттоб: «Намозга чақирадиган бирор кишини юбора олмайсизларми?» дедилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ё Билол! Тургил,** (мусулмонларни) **намозга чақиргил!» – дедилар.**

Абу Ийсо (ат-Термизий) деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ ҳамда Ибн Умарнинг ҳадиси (ривояти)дан ғариброқ.

ИЗОҲ. Фарз намозлари, яъни беш вақт намоз ва жумъа намози учун, ҳар бирининг ўз вақтларида азон айтиш суннатдир. Азонни лаҳн билан (ашулага ўхшатиб куйлаб) айтиш макруҳдир. Таржиъ, яъни **«Ашҳаду ан-ла илаҳа иллаллоҳ»** ҳамда **«Ашҳаду анна Муҳаммадан Расулуллоҳ»** калималарини аввал ўзи эшитадиган қилиб паст овозда, кейин баланд овозда айтиш ҳам макруҳдир *(«Мухтасари Виқоя», «Маслакул-муттақийн»).*

140-БОБ. АЗОНДА ТАРЖИЪ (ИККИ ШАҲОДАТ КАЛИМАСИНИ АВВАЛ ПАСТ ОВОЗДА, КЕЙИН БАЛАНД ОВОЗДА АЙТМОҚ МАСАЛАСИ)

١٩١- حَدَّثَنَا بِشْرُ بْنُ مُعَاذٍ [الْبَصْرِيُّ]، حَدَّثَنَا إِبْرَاهِيمُ بْنُ عَبْدِ الْعَزِيزِ بْنِ عَبْدِ الْمَلِكِ بْنِ أَبِي مَحْذُورَةَ [قَالَ]: أَخْبَرَنِي أَبِي وَجَدِّي جَمِيعًا عَنْ أَبِي مَحْذُورَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَقْعَدَهُ وَأَلْقَى عَلَيْهِ الْأَذَانَ حَرْفًا حَرْفًا، قَالَ إِبْرَاهِيمُ: مِثْلَ أَذَانِنَا؟ قَالَ بِشْرٌ: فَقُلْتُ لَهُ: أَعِدْ عَلَيَّ، فَوَصَفَ الْأَذَانَ بِالتَّرْجِيعِ.

191. *Абу Маҳзура (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни ўтирғизиб, азонни унга ҳарфма-ҳарф ўргатдилар. Иброҳим: «Бизнинг азонимиз сингари», деди. Бишр айтдики: «Унга: «Азонни менга такрор қилиб бер», дедим. У азонни таржиъ** (икки қайтарув) **билан васфлантириб ўқиб берди».**

Абу Ийсо деди(лар): Абу Маҳзуранинг азон ҳақидаги ҳадиси саҳиҳ. Ундан бир қанча важҳлардан ривоят қилинган. Макка аҳолисининг амали шу ҳадис асосидадир. Шофиъийнинг қавли ҳам шудир.

١٩٢– حَدَّثَنَا أَبُو مُوسَى مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى، حَدَّثَنَا عَفَّانُ، حَدَّثَنَا هَمَّامٌ، عَنْ عَامِرِ [بْنِ عَبْدِ الْوَاحِدِ] الأَحْوَلِ، عَنْ مَكْحُولٍ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مُحَيْرِيزٍ، عَنْ أَبِي مَحْذُورَةَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَّمَهُ الأَذَانَ تِسْعَ عَشْرَةَ كَلِمَةً، وَالإِقَامَةَ سَبْعَ عَشْرَةَ كَلِمَةً .

192. *Абу Маҳзура (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам азонни ўн тўққизта калима билан ва такбири иқоматни ўн еттита калима билан унга ўргатдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Абу Маҳзуранинг исми – Самура ибн Миъйар.

Айрим илм аҳллари азон борасида шу қавлга эга бўлганлар.

Абу Маҳзурадан иқоматнинг калималарини бир мартадан ўқигани ҳам ривоят қилинган.

ШАРҲ. «Таржийъ» сўзи луғатда «қайтариш» («такрорлаш») деган маънодадир. Амалда эса азондаги **«Ашҳаду ан-ла илаҳа иллаллоҳ»** ҳамда **«Ашҳаду анна Муҳаммадан Расулуллоҳ»** калималарини аввал ўзи эшитадиган қилиб паст овозда, кейин баланд овозда айтишдир.

Имом Аъзам мазҳабида азонда таржийъ йўқ. Имом Шофиъий ва Имом Молик азонда таржийъ бор деб қабул қилганлар. Уларнинг далили Абу Маҳзуранинг ҳадисидир. Мазкур ҳадисни Насоий «Азон нечта калимадир?» деган бобда, Ибн Можа «Азонда таржийъ» бобида ривоят қилганлар. Абу Маҳзура машҳур саҳоба бўлиб, Макканинг муаззини бўлган. Ҳижратнинг 59-йилида Маккада вафот этган.

Имом Аъзам мазҳабининг далили «Ҳидоя»и шарифда баён қилинган: «Азон (фақат) беш вақт намознинг фарзлари ва жумъа намози учун суннатдир... **Азонда таржийъ йўқ.**

Таржийъ – икки шаҳодат калимасини икки мартадан аввал паст овозда, сўнг баланд овозда айтиш. Имом Шофиъий (Аллоҳ раҳмат айласин) Абу Маҳзура (розийаллоҳу анҳу)нинг «Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг унга азонда таржийъ қилишни буюрганлар»и ҳақидаги ҳадисга таяниб: «Азонда таржийъ бор», деганлар. Биз айтамизки, **азон ҳақида ворид бўлган кўп** (ва машҳур) **ҳадислар**(нинг ҳеч бири)**да таржийъга оид бирор ривоят йўқ**. Абу Маҳзура (розийаллоҳу анҳу) эса Пайғамбар

соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга азонни ўргатаётиб, азон калималарини такрор қилдирганларини таржийъ деб ҳисоблаган».

«Мухтасар» матнида ҳам: «Таржийъ қилмайди», дейилган. Бас, Ҳанафий мазҳабида азонда таржийъ йўқ *(«Ал-Ҳидоя», «Мухтасарул-Виқоя», «Кифоя»)*.

141-БОБ. ИҚОМАТ КАЛИМАЛАРИНИ БИР МАРТАДАН АЙТМОҚ

١٩٣ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الْوَهَّابِ الثَّقَفِيُّ وَيَزِيدُ بْنُ زُرَيْعٍ، عَنْ خَالِدٍ الْحَذَّاءِ، عَنْ أَبِي قِلَابَةَ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ: أُمِرَ بِلَالٌ أَنْ يَشْفَعَ الأَذَانَ، وَيُوتِرَ الإِقَامَةَ .

193. *Ҳазрати Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Билолга азонни жуфт ва иқоматни тоқ айтмоғи амр қилинди».**

142-БОБ. ИҚОМАТ КАЛИМАЛАРИ ЖУФТ-ЖУФТДИР

١٩٤ – حَدَّثَنَا أَبُو سَعِيدٍ الأَشَجُّ، حَدَّثَنَا عُقْبَةُ بْنُ خَالِدٍ، عَنِ ابْنِ أَبِي لَيْلَى، عَنْ عَمْرِو بْنِ مُرَّةَ، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي لَيْلَى، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ زَيْدٍ، قَالَ: كَانَ أَذَانُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ شَفْعًا شَفْعًا فِي الأَذَانِ وَالإِقَامَةِ.

194. *Абдуллоҳ ибн Зайд (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг азонлари, хоҳ азонда бўлсин, хоҳ иқоматда бўлсин, жуфт-жуфт айтилар эди».**

Абу Ийсо деди(лар): Вакиъ, Абдуллоҳ ибн Зайднинг ҳадисини Ал-Аъмашдан, Амр ибн Муррадан, Абдурраҳмон ибн Абу Лайлодан ривоят қилган: Абдурраҳмон: **«Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари Абдуллоҳ ибн Зайд тушида азонни кўрганини бизларга сўзлаб бердилар»,** деди.

Шуъба, Амр ибн Муррадан, Абдурраҳмон ибн Абу Лайлодан бундай деб ривоят қилади: **«Абдуллоҳ ибн Зайд азонни тушида кўрди»**. Бу ривоят Ибн Абу Лайлонинг ривоятидан кўра саҳиҳроқ.

Абдурраҳмон ибн Абу Лайло, Абдуллоҳ ибн Зайднинг ўзидан эшитмаган.

Айрим илм аҳлларининг фикрича, азон икки мартадан, иқомат ҳам икки мартадан (жуфт-жуфт) айтилади. Суфён Саврий, Ибн Муборак ва Куфа аҳлининг қавли шу.

Ибн Абу Лайло – Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ибн Лайлодир. У Куфанинг қозиси эди. Отасидан ҳеч қандай ҳадис эшитмаган. Фақат бошқа киши воситасида отасидан ривоят қилган.

143-БОБ. АЗОННИ ЧЎЗИБ АЙТМОҚ

١٩٥ – حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ الْحَسَنِ، حَدَّثَنَا الْمُعَلَّى بْنُ أَسَدٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الْمُنْعِمِ – هُوَ: صَاحِبُ السِّقَاءِ – قَالَ: حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ مُسْلِمٍ، عَنِ الْحَسَنِ وَعَطَاءٍ، عَنْ جَابِرٍ [بْنِ عَبْدِ اللَّهِ] أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لِبِلَالٍ: «يَا بِلَالُ إِذَا أَذَّنْتَ فَتَرَسَّلْ فِي أَذَانِكَ، وَإِذَا أَقَمْتَ فَاحْدُرْ ، وَاجْعَلْ بَيْنَ أَذَانِكَ وَإِقَامَتِكَ قَدْرَ مَا يَفْرُغُ الآكِلُ مِنْ أَكْلِهِ، وَالشَّارِبُ مِنْ شُرْبِهِ، وَالْمُعْتَصِرُ إِذَا دَخَلَ لِقَضَاءِ حَاجَتِهِ، وَلاَ تَقُومُوا حَتَّى تَرَوْنِي».

195. *Жобир ибн Абдуллоҳ (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Билолга айтдилар: **«Эй Билол! Қачон азон айтсанг,** (шошмай, баҳузур) **чўзиб айт. Қачон иқомат айтсанг, қисқа ва тез-тез айт. Азон билан иқоматнинг ўртасида таъом еяётган киши таъомини еб олгулик, ичимлик ичаётган киши уни ичиб олгулик, ҳожатга кирган киши қазои ҳожатини қилиб олгулик бир муддат қолдир. Ва токи мени кўрмагунча ўринларингиздан турмангизлар!..»**

ИЗОҲ. Муаззин азоннинг ҳар бир калимасини очиқ, ажратиб-ажратиб айтади, шошиб, калималар орасини қўшиб айтмайди. Имом Нававий: «Муаззин учун мустаҳаб бўлган иш икки такбирни бир нафас билан ўқимоқдир», дейди. Шу қавлга кўра, азоннинг бошидаги тўрт такбирни икки нафас билан ва охиридаги икки такбирни бир нафас билан ўқийди. Лекин бир-бирига қўшиб юбормайди.

١٩٦ – حَدَّثَنَا عَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ، حَدَّثَنَا يُونُسُ بْنُ مُحَمَّدٍ، عَنْ عَبْدِ الْمُنْعِمِ، نَحْوَهُ .

196. *Абд ибн Ҳумайд бизга Юнус ибн Муҳаммад тариқи билан Абдул-Мунъимдан нақл этди: айнан ўша ҳадис.*

Жобирнинг ҳадисини фақат шу важҳдан, яъни Абдул-Мунъимнинг ривоятидан биламиз. Бу эса мажҳул бир иснод.[46]

Абдул-Мунъим Басралик бир шайхдир.

144-БОБ. АЗОН АЙТГАНДА БАРМОҚНИ ҚУЛОҚҚА ТИҚМОҚ

١٩٧ – حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلاَنَ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ، أَخْبَرَنَا سُفْيَانُ [الثَّوْرِيُّ]، عَنْ عَوْنِ بْنِ أَبِي جُحَيْفَةَ، عَنْ أَبِيهِ قَالَ: رَأَيْتُ بِلاَلاً يُؤَذِّنُ وَيَدُورُ وَيُتْبِعُ فَاهُ هَا هُنَا وَهَا هُنَا ، وَإِصْبَعَاهُ فِي أُذُنَيْهِ، وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي قُبَّةٍ لَهُ حَمْرَاءَ – أُرَاهُ، قَالَ: مِنْ أَدَمٍ – فَخَرَجَ بِلاَلٌ بَيْنَ يَدَيْهِ بِالْعَنَزَةِ فَرَكَزَهَا بِالْبَطْحَاءِ، فَصَلَّى إِلَيْهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ،يَمُرُّ بَيْنَ يَدَيْهِ الْكَلْبُ وَالْحِمَارُ، وَعَلَيْهِ حُلَّةٌ . حَمْرَاءُ، كَأَنِّي أَنْظُرُ إِلَى بَرِيقِ سَاقَيْهِ، قَالَ سُفْيَانُ : نُرَاهُ حِبَرَةً » .

[46] Ҳадиснинг санадида Яҳё ибн Муслим ал-Басрий борки, бу киши мажҳулдир.

197. *Абу Жуҳайфа (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Билолни азон айтаётганида кўрдимки, азон айтаётиб қайрилар ва оғзини у ёқ-бу ёққа айлантирар эди. Икки бармоғини икки қулоғига тиққан эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари учун қуриб** (тикиб) **берилган қирмизи қуббада** (чодирда) **эдилар». Чамамда** (Абу Жуҳайфа ўша қуббани) **«Теридан эди», дейди. «Билол учи найзали ҳассани икки қўлида ушлаб,** (Расули Акрамнинг олдиларидан) **олиб чиқди-да, уни Батҳо** (қуми)**га санчиб қўйди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳассанинг рўпарасида намоз ўқидилар. Олдиларидан** (ҳассанинг нариги томонидан) **ит ва эшаклар ўтаверарди. Эгниларида қирмизи ҳулла бўлиб, гўёки болдирларининг ялтирашини кўриб тургандек эдим». Суфён: «Бу** (ҳулла) **Яманий хирқадир, деган фикрдамиз», дейди.**

Абу Ийсо деди(лар): Абу Жуҳайфанинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлларининг фикрича, амал шу ҳадис асосидадир. Муаззин азон айтаётганда икки бармоғини қулоғига тиқишини мустаҳаб деб ҳисоблайдилар. Айрим илм аҳллари: «Иқоматда ҳам икки бармоғини икки қулоғига тиқади», дейдилар. Авзоийнинг қавли ҳам шу.

Абу Жуҳайфанинг исми – Ваҳб ибн Абдуллоҳ ас-Сувоий.

ИЗОҲ. «(Ҳазрати Билол азон айтганда) **икки бармоғини икки қулоғига тиққан эди»:** «Азон айтаётанда юзини қиблага қаратиб айтгай ва икки шаҳодат бармоғини икки қулоғининг ичига суқгай. Қулоқнинг ичига суқмоқнинг сабаби овози баланд чиқмоғи учундир» (*«Шарҳи Мухтасари Виқоя»).*

Имом Термизий илм аҳллари номидан буни мустаҳаб деб айтмоқдалар.

145-БОБ. БОМДОД НАМОЗИДА ТАСВИБ ҚИЛМОҚ

١٩٨- حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا أَبُو أَحْمَدَ الزُّبَيْرِيُّ، حَدَّثَنَا أَبُو إِسْرَائِيلَ، عَنِ الْحَكَمِ، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي لَيْلَى، عَنْ بِلَالٍ، قَالَ: قَالَ [لِي] رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا تُثَوِّبَنَّ فِي شَيْءٍ مِنَ الصَّلَوَاتِ إِلَّا فِي صَلَاةِ الْفَجْرِ».

198. *Билол (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга бундай дедилар: **«Бомдод намозидан бошқа ҳеч бир намозда тасвиб қилмагин!»**

Бу бобда Абу Маҳзурадан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Билолнинг ҳадисини ёлғиз Абу Исроил ал-Мулоийнинг ривоятидан биламиз.

Абу Исроил эса бу ҳадисни ал-Ҳакам ибн Утайбадан эшитган эмас, уни Ҳасан ибн Уморадан, у эса ал-Ҳакам ибн ал-Утайбадан ривоят қилган.

Абу Исроилнинг исми – Исмоъийл ибн Абу Исҳоқ. У эса муҳаддислар наздида унча (ишончли) эмас.

«Ат-тасвиб» калимасининг тафсири хусусида илм аҳллари ихтилоф қилдилар. Айримлари «тасвиб» калимасининг маъноси бомдод азонида айтиладиган «Ас-солату хойрун минан-навм»[47] ибораси эканини айтади. Ибн Муборак ва Аҳмаднинг қавли шудир.

Исҳоқ эса «тасвиб» калимасига бошқа маъно бериб, бундай дейди: «Макруҳ бўлмиш бир тасвиб борки, бу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин инсонлар ўйлаб топган бир нарсадир. Чунончи, муаззин азон айтганда жамоатни куттириб қўяди ва кейин азон билан иқомат ўртасида «Қод-қоматис-солаҳ, ҳайя ъалас-солаҳ, ҳайя ъалал фалаҳ»[48] дейди.

Демак, Исҳоқ айтган тасвиб ана шу бўлиб, бу илм аҳллари макруҳ кўрган тасвибдирки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин ўйлаб топилгандир.

Ибн Муборак ва Аҳмаднинг «тасвиб» калимасини, муаззин бомдод азонида айтиладиган «Ас-солату хойрун минан-навм» деб тафсир қилганларига келсак, ушбу қавл саҳиҳ ва бу ҳам **«тасвиб»** дейилади. Илм аҳллари таржиҳ этган (устун кўрган) ва қабул қилган қавл шудир. Абдуллоҳ ибн Умардан, (у киши) бомдод азонида «Ас-солату хойрун-минаннавм» деганлари ривоят қилинган. Мужоҳиддан унинг бундай дегани ривоят қилинган. «Абдуллоҳ ибн Умар билан бирга масжидга кирдим. Масжидда азон айтилган ва биз у ерда намоз ўқимоқчи эдик. Шу орада муаззин тасвиб (азон билан иқомат ўртасида намоз учун чақириқ) қилиб қолди. Шунда Абдуллоҳ ибн Умар масжиддан чиқди ва: «Юр, бу бидъатчининг ёнидан чиқайлик», деди. Намозни ўша масжидда ўқимади». Абдуллоҳ, фақатгина инсонлар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин пайдо қилган тасвибни кариҳ кўрган.

146-БОБ. АЗОН АЙТГАН КИШИ ИҚОМАТ КЕЛТИРАДИ

١٩٩– حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا عَبْدَةُ وَيَعْلَى [بْنُ عُبَيْدٍ]، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ زِيَادِ بْنِ أَنْعُمَ الأَفْرِيقِيِّ، عَنْ زِيَادِ بْنِ نُعَيْمٍ الْحَضْرَمِيِّ، عَنْ زِيَادِ بْنِ الْحَارِثِ الصُّدَائِيِّ قَالَ: أَمَرَنِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ أُؤَذِّنَ فِي صَلاَةِ الْفَجْرِ، فَأَذَّنْتُ، فَأَرَادَ بِلاَلٌ أَنْ يُقِيمَ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ أَخَا صُدَاءٍ قَدْ أَذَّنَ، وَمَنْ أَذَّنَ فَهُوَ يُقِيمُ».

[47] «Намоз уйқудан яхшидир».

[48] «Намоз бошланди: намозга келинг, нажотга келинг».

199. *Зиёд ибн Ҳорис ас-Судоий (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга бомдод намозига азон айтмоқни буюрдилар ва мен азон айтдим. Сўнг Билол иқомат келтирмоқчи бўлган эди, шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Судоий биродар азон айтди. Азонни ким айтса, иқоматни ўша келтиради».**

Бу бобда Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Зиёднинг ҳадисини ёлғиз Ал-Ифриқийнинг ривоятидан биламиз.

Ал-Ифриқий эса муҳаддислар наздида заифдир. Яҳё ибн Саъид ва яна бошқалар унинг заиф эканини қайд этганлар. Аҳмад: «Ал-Ифриқийнинг ҳадисини ёзмайман», дейди.

Муҳаммад ибн Исмоил унинг аҳволини тақвия қилганини (қувватлаганини) кўрдим. Ал-Ифриқий ҳақида бундай дейди: «У ҳадис ривоятида ўрта даражададир».

Илм аҳлларининг кўпчилиги наздида амал шу ҳадис асосидадир: **«Азонни ким айтса, иқоматни ўша келтиради»,** дейдилар.

ИЗОҲ. Агар бир киши азон айтиб, такбирни бошқа киши айтса, азон айтган киши ғойиб бўлса, кароҳатсиз дурустдир. Агар азон айтган киши ҳозир бўлса, унга бошқа одамнинг такбир айтишидан андуҳ етса, макруҳдир. Агар азон айтувчи бошқа кишининг такбир айтишига рози бўлса, бизнинг (ҳанафий) мазҳабимизда макруҳ эмас *(«Шарҳи Мухтасари-Виқоя», «Муҳит»).*

147-БОБ. ТАҲОРАТСИЗ АЗОН АЙТИШ МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

٢٠٠– **حَدَّثَنَا** عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، حَدَّثَنَا الْوَلِيدُ بْنُ مُسْلِمٍ، عَنْ مُعَاوِيَةَ بْنِ يَحْيَى [الصَّدَفِيِّ]، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «**لاَ يُؤَذِّنُ إِلاَّ مُتَوَضِّئٌ**».

200. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Азонни фақатгина таҳоратли киши айтади!»** – дедилар».

٢٠١– **حَدَّثَنَا** يَحْيَى بْنُ مُوسَى، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ وَهْبٍ، عَنْ يُونُسَ، عَنِ ابْنِ شِهَابٍ، قَالَ: قَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ: لاَ يُنَادِي بِالصَّلاَةِ إِلاَّ مُتَوَضِّئٌ.

٢٠١– **حَدَّثَنَا** يَحْيَى بْنُ مُوسَى، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ وَهْبٍ، عَنْ يُونُسَ، عَنِ ابْنِ شِهَابٍ، قَالَ: قَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ: لاَ يُنَادِي بِالصَّلاَةِ إِلاَّ مُتَوَضِّئٌ.

айтдилар: **«Намозга фақатгина таҳоратли киши чақиради!»**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис биринчи ҳадисдан кўра саҳиҳроқ. Ибн Ваҳб, Абу Ҳурайранинг ҳадисини Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламгача юксалтирмаган. Бу ҳадис Ал-Валид ибн Муслимнинг ҳадисидан кўра саҳиҳроқ![49] Аз-Зуҳрий Абу Ҳурайрадан эшитмаган.

Илм аҳллари таҳоратсиз азон айтмоқ борасида ихтилоф қилдилар: Баъзилари макруҳ эканини айтдилар. Шофиъий ва Исҳоқнинг қавли шудир. Баъзилари эса таҳоратсиз азон айтмоққа рухсат берадилар. Суфён Саврий, Ибн Муборак ва Аҳмаднинг қавли шудир.

ИЗОҲ. Таҳоратсиз кишининг иқомат айтиши макруҳдир, азон айтиши макруҳ эмас. Азон айтгач, таҳорат олиб келиб, намозга қўшилади. Бошқа қавлда, бетаҳоратнинг азон айтиши ҳам макруҳ, дейилган. Таҳоратсиз кишининг азон айтиши макруҳи танзизий, иқомат айтиши эса макруҳи таҳримийдир. Лекин азон ва иқомат таҳоратсиз ҳолда айтилган бўлса, ҳар иккиси ҳам қайтарилмайди. Азон ва такбирнинг орасида гаплашилмайди, азон ва такбир айтувчи ҳам, эшитувчилар ҳам гаплашмайдилар *(«Мухтасар», «Шарҳи Мухтасари Виқоя», «Кифоя»).*

148-БОБ. ИҚОМАТ (ВАҚТИНИ ТАЙИНЛАШ) КЎПРОҚ ИМОМНИНГ ҲАҚҚИДИР

٢٠٢ – حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ مُوسَى، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ، أَخْبَرَنَا إِسْرَائِيلُ، أَخْبَرَنِي سِمَاكُ بْنُ حَرْبٍ سَمِعَ جَابِرَ بْنَ سَمُرَةَ يَقُولُ : كَانَ مُؤَذِّنُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُمْهِلُ فَلاَ يُقِيمُ حَتَّى إِذَا رَأَى رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَدْ خَرَجَ أَقَامَ الصَّلاَةَ حِينَ يَرَاهُ.

202. *Жобир ибн Самура (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдики:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муаззинлари** (азондан кейин) **тўхтар, токи Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг чиққанларини кўрмагунича иқомат келтирмай турарди. Албатта у зотни кўргач, намозга иқомат келтирар эди».**

Абу Ийсо деди(лар): Жобир ибн Самуранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Исроилнинг Симакдан қилган ривоятини ёлғиз шу важҳдан биламиз.

Илм аҳлларидан баъзилари бундай дейдилар: «Муаззин – азонга, имом эса – иқоматга кўпроқ моликдир».

---

[49] Иккинчи ривоятнинг заъфи биринчи ривоятидагидан кўра озроқ. Чунончи, иккинчи ривоятда фақатгина бир иллат бор ва бу иллат инқитоъдир. Биринчи ривоятда эса икки иллат учраётир: ровийлардан Муъовия ибн Яҳё ас-Садафий ҳадис бобида заифдир ва айни вақтда ривоятда инқитоъ бор. Бу инқитоъ аз-Зуҳрий бу ҳадисни Абу Ҳурайрадан эшитмагани туфайлидир.

ИЗОҲ. Худди шу сўз Абу Ҳурайрадан ҳадис сифатида ривоят қилинган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдиларки: **«Муаззин – азонга, имом эса – иқоматга кўпроқ моликдир».** «Булуғул-маром»да бу ҳадиснинг заиф экани қайд этилган. Амир Муҳаммад ибн Исмоъийл: «Субулус-салом»да ушбу ҳадиснинг шарҳида бундай дейди: **«Муаззин азонга кўпроқ моликдир»,** яъни азон борасида муаззинга ишонилиб, азоннинг вақти унга топширилган; **«Имом – қоматга кўпроқ моликдир»,** яъни иқомат фақат имомнинг ишорати билан келтирилади».

149-БОБ. КЕЧАСИ АЙТИЛГАН АЗОН

٢٠٣– حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا اللَّيْثُ، عَنِ ابْنِ شِهَابٍ، عَنْ سَالِمٍ، عَنْ أَبِيهِ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ بِلَالاً يُؤَذِّنُ بِلَيْلٍ، فَكُلُوا وَاشْرَبُوا حَتَّى تَسْمَعُوا تَأْذِينَ ابْنِ أُمِّ مَكْتُومٍ».

203. *Солимнинг отаси (Ибн Умар розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Билол кечаси азон айтади. Сизлар то Ибн Умму Мактумнинг азонини эшитмагунча еб-ичверингизлар»**.

Бу бобда Ибн Масъуд, Оиша, Унайса, Анас, Абу Зарр ва Самура (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳллари кечаси азон айтмоқ борасида ихтилоф қилганлар. Айримлари: «Кечаси (тонг отишидан олдин) азон айтса, бомдод азони ўрнига ўтади ва иода қилмайди (қайта азон айтмайди»), дейди. Молик, Ибн Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир. Айримлари эса: «Кечаси (тонг отишидан олдин) азон айтса, қайтадан айтади», деганлар. Суфён Саврийнинг қавли шудир.

Ҳаммод ибн Салама, Айюбдан, Нофиъдан, Ибн Умардан (бундай деб) ривоят қилади: **«Билол кечаси азон айтди ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: «Банда уйқуга толди»,** деб чақирмоғини амр этдилар!».

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис маҳфуз (рожиҳ) эмас.

Саҳиҳ ҳадис – Убайдуллоҳ ибн Умарнинг ва яна бошқаларнинг Нофиъдан, Ибн Умардан ривоят қилган ҳадисидирки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу ҳадисда бундай деб айтдилар: **«Билол кечаси азон айтади. Сизлар то Ибн Умму Мактумнинг азонини эшитмагунча еб-ичаверингизлар».**

Абдулазиз ибн Абу Раввод Нофиъдан бундай ривоят қилган: «(Ҳазрати) **Умарнинг бир муаззини кечаси азон айтди ва** (ҳазрати) **Умар унга азонни қайтадан айтмоғини амр этдилар».**

Бу ҳадис ҳам саҳиҳ эмас. Чунки, Нофиъдан, Умардан ривоят қилинганки, мунқотиъдир. Балки Ҳаммод шу ҳадисни мурод этгайдир.

Саҳиҳ бўлган ҳадис – Убайдуллоҳ ва яна бошқаларнинг Нофиъдан, Ибн Умардан ҳамда Аз-Зуҳрийнинг Солимдан, Ибн Умардан ривоят қилган, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: **«Билол кечаси азон айтади»** деган ҳадисидир. Ҳаммоднинг ҳадиси саҳиҳ бўлса эди, бу ҳадиснинг маъноси қолмас эди. Чунончи, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Билол кечаси азон айтади»** деган вақтларида уларга келажакда бўладиган нарсани билдиргандирлар ва Билолнинг кечаси азон айтишини таъкидлагандирлар. Расули Акрам Билолга тонг отишидан олдин айтган азонини иода қилмоқни буюрсалар эди, **«Билол кечаси азон айтади»** демас эдилар.

Али ибн Мадиний айтадики: «Ҳаммод ибн Саламанинг Айюбдан, Нофиъдан, Ибн Умардан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадиси маҳфуз (рожиҳ) эмас, Ҳаммод ибн Салама бу ҳадисда янглишган.

150-БОБ. АЗОНДАН КЕЙИН МАСЖИДДАН ЧИҚИП МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

٢٠٤ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنْ سُفْيَانَ، عَنْ إِبْرَاهِيمَ بْنِ الْمُهَاجِرِ، عَنْ أَبِي الشَّعْثَاءِ قَالَ: خَرَجَ رَجُلٌ مِنَ الْمَسْجِدِ بَعْدَ مَا أُذِّنَ فِيهِ بِالْعَصْرِ، فَقَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ: أَمَّا هَذَا فَقَدْ عَصَى أَبَا الْقَاسِمِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ.

204. *Абуш-Шаъсодан ривоят қилинди; айтди:* **«Аср намозига азон айтилганидан кейин бир киши масжиддан чиқди. Шунда Абу Ҳурайра** (розийаллоҳу анҳу)**: «Бу одам Абул Қосим соллаллоҳу алайҳи ва салламга осий бўлди», дедилар».**[50]

Бу бобда (ҳазрати) Усмон (розийаллоҳу анҳу)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва улардан кейингилардан бўлмиш илм аҳлларининг наздида амал шу ҳадис асосидадир. Азондан кейин ҳеч бир киши узрсиз ҳолда масжиддан чиқмаслиги керак, деган фикрдалар. Фақат таҳоратсиз бўлса ёки зарур бир иши чиқиб қолса, чиқиши мумкин.

Иброҳим Нахоийдан бундай деб айтгани ривоят қилинади:

[50] Бу ҳадисни «Кутуби ситта» имомларидан Имом Бухорийдан бошқа имомлар ва Имом Аҳмад ривоят қилганлар.

«Муаззин иқоматни бошлагунича чиқиши мумкин». Бизнинг наздимизда эса, бу ҳукм масжиддан чиқмоққа узри бўлган киши учундир.

Абуш-Шаъсонинг исми – Сулайм ибн Асвад. Бу зот Ашъас ибн Абиш-Шаъсонинг отасидир. Ашъас ибн Абиш-Шаъсо бу ҳадисни отасидан ривоят қилган.

151-БОБ. САФАРДА АЗОН АЙТМОҚ

٢٠٥ – حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلَانَ، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنْ سُفْيَانَ، عَنْ خَالِدٍ الْحَذَّاءِ، عَنْ أَبِي قِلَابَةَ، عَنْ مَالِكِ بْنِ الْحُوَيْرِثِ قَالَ: قَدِمْتُ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَا وَابْنُ عَمٍّ لِي، فَقَالَ لَنَا: «إِذَا سَافَرْتُمَا فَأَذِّنَا وَأَقِيمَا، وَلْيَؤُمَّكُمَا أَكْبَرُكُمَا».

205. *Молик ибн ал-Ҳувайрис (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Мен амакимнинг ўғли билан бирга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келдим. Шунда бизга айтдиларки: «Сафарга чиққан вақтларингизда азон айтингизлар, иқомат келтирингизлар ва катталарингиз сизларга имом бўлсин».**

Абу Йисо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлларининг кўпчилиги наздида амал шу ҳадис асосидадир: Сафарда азон айтилмоғини ихтиёр қилганлар. Баъзилари эса фақат иқоматнинг ўзи етарли бўлиб, азон фақат жамоатини тўпламоқчи бўлган киши учун зарур эканини айтишади. Биринчи қавл саҳиҳроқ. Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

152-БОБ. АЗОННИНГ ФАЗИЛАТИ

٢٠٦ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ حُمَيْدٍ الرَّازِيُّ، حَدَّثَنَا أَبُو تُمَيْلَةَ، حَدَّثَنَا أَبُو حَمْزَةَ، عَنْ جَابِرٍ، عَنْ مُجَاهِدٍ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ أَذَّنَ سَبْعَ سِنِينَ مُحْتَسِبًا كُتِبَتْ لَهُ بَرَاءَةٌ مِنَ النَّارِ».

206. *Ҳазрати Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «**Кимки етти йил муттасил** (Ҳақ ризоси учун) **азон айтса, унга жаҳаннамдан қутулиш ҳақида бароат** (ёрлиқ) **ёзилади».**

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Масъуд, Савбон, Муъовия, Анас, Абу Ҳурайра ва Абу Саъид (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Йисо деди(лар): Ибн Аббоснинг ҳадиси ғариб.

Абу Тумайлаънинг исми – Яҳё ибн Возиҳ.

Абу Ҳамза ас-Суккарийнинг исми – Муҳаммад ибн Маймун.

Жобир ибн Язид ал-Жуъфийнинг заиф эканини қайд этган. Яҳё ибн Саъид ва Абдурраҳмон ибн Маҳдий уни(нг ҳадисини) тарк этганлар.

Ал-Жоруддан эшитдим, Вакиъдан нақл этиб, айтдики: **«Жобир ал-Жуъфий бўлмаса эди, Куфа халқи ҳадиссиз қолар эди ва Ҳаммод бўлмаса эди, фиқҳсиз қолар эди».**

153-БОБ. ИМОМ – ЗОМИН (ЗИММАДОР), МУАЗЗИН – ОМОНАТ ЭГАСИДИР[51]

٢٠٧ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا أَبُو الأَحْوَصِ وَأَبُو مُعَاوِيَةَ، عَنِ الأَعْمَشِ، عَنْ أَبِي صَالِحٍ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «الإِمَامُ ضَامِنٌ، وَالْمُؤَذِّنُ مُؤْتَمَنٌ، اللَّهُمَّ أَرْشِدِ الأَئِمَّةَ، وَاغْفِرْ لِلْمُؤَذِّنِينَ».

207. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Имом зоминдир, муаззин омонат эгасидир. Эй Аллоҳим! Имомларни иршод айлагин ва муаззинларни мағфират қилгин!»**

Бу бобда Оиша, Саҳл ибн Саъд ва Уқба ибн Омир (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган. Абу Ҳурайранинг ҳадисини Суфён Саврий, Ҳафс ибн Ғиёс ва яна бошқалар Ал-Аъмашдан, Абу Солиҳдан, Абу Ҳурайрадан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиладилар.

Асбат ибн Муҳаммад ал-Аъмашнинг: «**Менга Абу Солиҳдан, Абу Ҳурайрадан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан баён қилинди»,** деб айтганини ривоят қилади.

Нофиъ ибн Сулаймон бу ҳадисни Муҳаммад ибн Абу Солиҳдан, унинг отасидан, Оишадан (розийаллоҳу анҳум), Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган.

Абу Зуръанинг бундай деганини эшитдим: «Абу Солиҳнинг Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадиси Оиша (онамиз)дан ривоят қилган ҳадисидан кўра саҳиҳдир».

Абу Ийсо деди(лар): Муҳаммад (ал-Бухорий)дан эшитдим, «Абу Солиҳнинг Оиша (онамиз) дан қилган ривояти янада саҳиҳроқ», дейди. Муҳаммад (Бухорий), Абу Солиҳнинг ушбу бобда Абу Ҳурайрадан ҳам ва Оиша (онамиз)дан ҳам ривоят қилган ҳадисини Али ибн ал-Мадиний қайд этмаганини айтади.

---

[51] Зомин – бировнинг кафиллигини олувчи, бошқаларни ўз зиммасига олувчи. Муътаман – омонат эгаси, омонатдор, ишончли шахс, амин, эътимод этиладиган киши.

154-БОБ. АЗОН АЙТИЛАЁТГАНДА АЙТИБ ТУРИЛАДИГАН СЎЗЛАР

٢٠٨- حَدَّثَنَا [إِسْحَقُ بْنُ مُوسَى] الأَنْصَارِيُّ، حَدَّثَنَا مَعْنٌ، حَدَّثَنَا مَالِكٌ ح [قَالَ]: حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، عَنْ مَالِكٍ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ عَطَاءِ بْنِ يَزِيدَ [اللَّيْثِيِّ]، عَنْ أَبِي سَعِيدٍ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا سَمِعْتُمُ النِّدَاءَ فَقُولُوا مِثْلَ مَا يَقُولُ الْمُؤَذِّنُ».

208. *Абу Саъид (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Азон садосини эшитганингизда муаззин айтаётган сўзларни айтиб турингизлар».**

Бу бобда Абу Рофиъ, Абу Ҳурайра, Умму Ҳабиба, Абдуллоҳ ибн Амр, Абдуллоҳ ибн Робиъа, Оиша (онамиз), Муъоз ибн Анас ва Муъовия (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Саъиднинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Маъмар ва яна бошқалар шу тарзда Аз-Зуҳрийдан, Моликнинг ривоятидек ривоят қилганлар. Абдурраҳмон ибн Исҳоқ бу ҳадисни Аз-Зуҳрийдан, Саъид ибн ал-Мусаййабдан, Абу Ҳурайрадан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади. Моликнинг ривояти янада саҳиҳ.

155-БОБ. МУАЗЗИННИНГ АЗОН УЧУН ҲАҚ ОЛМОҒИ МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

٢٠٩- حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا أَبُو زُبَيْدٍ، وَهُوَ عَبْثَرُ بْنُ الْقَاسِمِ، عَنْ أَشْعَثَ، عَنِ الْحَسَنِ، عَنْ عُثْمَانَ بْنِ أَبِي الْعَاصِ قَالَ: إِنَّ مِنْ آخِرِ مَا عَهِدَ إِلَيَّ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنِ اتَّخِذْ مُؤَذِّنًا لاَ يَأْخُذُ عَلَى أَذَانِهِ أَجْرًا.

209. *Усмон ибн Абил-Ос (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг менга айтган охирги аҳдлари** (амрлари) **шу бўлди: «Бир муаззин тутгилки, у азон учун ҳақ олмасин».**

Абу Ийсо деди(лар): Усмоннинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир. Муаззин азон учун ҳақ олмоғини макруҳ деб ҳисоблашган ва азон бадалсиз, Аллоҳ ризоси учун айтилмоғини мустаҳаб деб қараганлар.

ШАРҲ. Баъзи уламолар айтадилар: «Ҳадис муаззиннинг азон учун ҳақ олмоғи макруҳ эканига далолат қилади. Ибн Ҳуббон, Яҳё ал-Баққолийдан тахриж қилган; айтадики: «Бир одам Ибн Умарга: «Мен сизни Аллоҳ учун яхши кўраман», деб айтганини эшитдим. Ибн Умар: «Мен эса Аллоҳ учун сени ёмон кўраман», деб жавоб бердилар. У одам: «Субҳоналлоҳ! Мен сизни Аллоҳ учун яхши кўрсам-у, сиз мени Аллоҳ учун ёмон кўрасизми?!» деди. Ибн Умар: «Ҳа, чунки сен азон учун ҳақ оласан», дедилар».

Бу орада азон бадалига ҳақ олганлик учун жазо берганлар ҳам бўлган. Шавконий: «Ҳақ олмоқ фақат шарт қўйилса – ҳаром, сўрамаган ҳолда берилса, ҳаром эмас», деб икки томонни келиштирувчи бир фикрни илгари сурган.

Ҳанафий мазҳаби уламоларининг иттифоқига кўра, тоат-ибодатлар учун ҳақ олиш жоиз эмас. Ушбу ҳукм уни чиқарган уламоларнинг замонига муносиб эди. Олдинги вақтларда Қуръон муаллимларига расмий равишда маош берилар эди. Кейинги уламолар урф ўзгарганини кўргач, Қуръон таълими, имомлик, азон ва бошқа тоатлар учун ҳақ олиш жоизлиги ҳақида фатво чиқардилар *(Қаранг: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, «Усули фиқҳ», 206-бет).*

156-БОБ. МУАЗЗИН АЗОН АЙТГАНДА (ЭШИТГАН) КИШИ ЎҚИЙДИГАН ДУО

٢١٠- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا اللَّيْثُ، عَنِ الْحَكَمِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ قَيْسٍ، عَنْ عَامِرِ بْنِ سَعْدٍ، عَنْ سَعْدِ بْنِ أَبِي وَقَّاصٍ، عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ قَالَ حِينَ يَسْمَعُ الْمُؤَذِّنَ: وَأَنَا أَشْهَدُ أَنْ لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللَّهُ وَحْدَهُ لاَ شَرِيكَ لَهُ، وَأَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ، رَضِيتُ بِاللَّهِ رَبًّا، وَبِمُحَمَّدٍ رَسُولاً، وَبِالإِسْلاَمِ دِينًا غُفِرَ لَهُ ذَنْبُهُ».

210. *Саъд ибн Абу Ваққос (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Кимки муаззинни**(нг шаҳодат келтирганини) **эшитганда: «Ва ана ашҳаду ан-ло илоҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу ва анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳ. Розийту биллаҳи Роббан ва би Муҳаммадин Расулан ва бил Исломи дийнан»** («Мен ҳам шоҳидлик бераманким, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, У яккаю-ягонадир, шериги йўқдир ва Муҳаммад Унинг бандаси ва Расулидир. Аллоҳни Раббим деб, Муҳаммадни Расул деб ва Исломни дин деб рози бўлдим»), **деб айтса, унинг гуноҳлари кечирилади».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ-ғариб. Буни фақат Лайс ибн Саъднинг Ҳукайм ибн Абдуллоҳ ибн Қайсдан қилган ривоятидан биламиз.

157-БОБ. ЎТГАН МАВЗУ
(Азон дуоси)

٢١١ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ سَهْلِ بْنِ عَسْكَرٍ الْبَغْدَادِيُّ وَإِبْرَاهِيمُ بْنُ يَعْقُوبَ، قَالاَ: حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ عَيَّاشٍ [الْحِمْصِيُّ]، حَدَّثَنَا شُعَيْبُ بْنُ أَبِي حَمْزَةَ، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُنْكَدِرِ، عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ، قَالَ: قَالَ رسول اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**مَنْ قَالَ حِينَ يَسْمَعُ النِّدَاءَ: اللَّهُمَّ رَبَّ هَذِهِ الدَّعْوَةِ التَّامَّةِ، وَالصَّلاَةِ الْقَائِمَةِ، آتِ مُحَمَّدًا الْوَسِيلَةَ، وَالْفَضِيلَةَ، وَابْعَثْهُ مَقَامًا مَحْمُودًا الَّذِي وَعَدْتَهُ، إِلاَّ حَلَّتْ لَهُ الشَّفَاعَةُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ**».

211. *Жобир ибн Абдуллоҳ (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Кимки азонни эшитганда: «Аллоҳумма Робба ҳазиҳид-даъватит-таммати вассолатил қоимаҳ, оти Муҳамадданил-васийлата вал-фазийлаҳ. Ва бъасҳу мақомам-Маҳмуданил-лазий ваъадтаҳ»** («Эй ушбу мукаммал даъват ва абадий намоз соҳиби бўлган Аллоҳим! Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га васийла ва фазилат ато эт ва у зотни Ўзинг ваъда қилган мақоми Маҳмудга етказ!»), **деса, қиёмат кунида унга шафоат ҳалол бўлур!»**

Абу Ийсо деди(лар): Жобирнинг ҳадиси Муҳаммад ибн ал-Мунқадир ривояти сифатида саҳиҳ-ҳасан-ғариб.

Бу ҳадисни Шуайб ибн Абу Ҳамзадан бошқа Муҳаммад ибн ал-Мунқадирдан ривоят қилган кишини билмаймиз. Абу Ҳамзанинг исми – Динор.

158-БОБ. АЗОН БИЛАН ИҚОМАТ ОРАСИДАГИ ДУО РАД ЭТИЛМАС

٢١٢ – حَدَّثَنَا مَحْمُودُ [بْنُ غَيْلاَنَ]، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ وَعَبْدُ الرَّزَّاقِ وَأَبُو أَحْمَدَ وَأَبُو نُعَيْمٍ، قَالُوا: حَدَّثَنَا سُفْيَانُ، عَنْ زَيْدٍ الْعَمِّيِّ، عَنْ أَبِي إِيَاسٍ مُعَاوِيَةَ بْنِ قُرَّةَ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ، قَالَ: قَالَ رسول اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**الدُّعَاءُ لاَ يُرَدُّ بَيْنَ الأَذَانِ وَالإِقَامَةِ**».

212. *Ҳазрати Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Азон билан иқомат орасидаги дуо рад этилмагай».**

Абу Ийсо деди(лар): Анаснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Абу Исҳоқ ал-Ҳамдоний бу ҳадисни Бурайд ибн Абу Марямдан, Анасдан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан айнан ривоят қилган.

159-БОБ. АЛЛОҲ БАНДАЛАРИГА НЕЧА ВАҚТ НАМОЗНИ ФАРЗ ҚИЛГАН?

٢١٣- حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ يَحْيَى [النَّيْسَابُورِيُّ] ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ، أَخْبَرَنَا مَعْمَرٌ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ: فُرِضَتْ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَيْلَةَ أُسْرِيَ بِهِ الصَّلَوَاتُ خَمْسِينَ، ثُمَّ نُقِصَتْ حَتَّى جُعِلَتْ خَمْسًا، ثُمَّ نُودِيَ: «يَا مُحَمَّدُ إِنَّهُ لَا يُبَدَّلُ الْقَوْلُ لَدَيَّ، وَإِنَّ لَكَ بِهَذِهِ الْخَمْسِ خَمْسِينَ».

213. *Ҳазрати Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга Исроъ** (меърож) **кечасида эллик вақт намоз фарз қилинди. Кейин қисқартирилиб, ниҳоят, беш вақтга туширилди. Кейин бундай деб нидо қилинди: «Ё Муҳаммад! Энди сўз** (қатъийдур) **ўзгартирилмас! Сен учун шу беш вақт намозда эллик вақт намоз савоби бордир!».**

Бу бобда Убода ибн ас-Сомит, Талҳа ибн Убайдуллоҳ, Абу Зарр, Абу Қатода, Молик ибн Саъсаа ва Абу Саъид ал-Худрий (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Анаснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ-ғариб.

160-БОБ. БЕШ ВАҚТ НАМОЗНИНГ ФАЗИЛАТИ

٢١٤- حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، أَخْبَرَنَا إِسْمَعِيلُ بْنُ جَعْفَرٍ، عَنِ الْعَلَاءِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الصَّلَوَاتُ الْخَمْسُ، وَالْجُمُعَةُ إِلَى الْجُمُعَةِ كَفَّارَاتٌ لِمَا بَيْنَهُنَّ مَا لَمْ تُغْشَ الْكَبَائِرُ».

214. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Беш вақт намоз ҳамда жумъагача бўлган жумъа намози, гуноҳи кабиралар қилинмаса, ораларидаги гуноҳларга каффоратдир».**

Бу бобда Жобир, Анас ва Ҳанзала ал-Усайдий (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

161-БОБ. ЖАМОАТ БИЛАН ЎҚИЛГАН НАМОЗНИНГ ФАЗИЛАТИ

٢١٥- حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا عَبْدَةُ، عَنْ عُبَيْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ، عَنْ نَافِعٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ، قَالَ: قَالَ رسول اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «صَلَاةُ الْجَمَاعَةِ تَفْضُلُ عَلَى صَلَاةِ الرَّجُلِ وَحْدَهُ بِسَبْعٍ وَعِشْرِينَ دَرَجَةً».

215. *Ҳазрати Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди;* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Жамоат намози кишининг ёлғиз ўқиган намозидан йигирма етти даража ортиқ бўлур».**

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Масъуд, Убай ибн Каъб, Муъоз ибн Жабал, Абу Саъид, Абу Ҳурайра ва Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: **«Жамоат билан ўқилган намоз кишининг ёлғиз ўқиган намозидан йигирма етти даража ортиқдир»,** деган сўзларини Нофиъ, Ибн Умардан, Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шу тарзда ривоят қилган. Бу бобда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳадис ривоят қилганларнинг ҳаммаси «йигирма беш (даража)» дегани ҳолда, ёлғиз Ибн Умар: **«Йигирма етти** (даража)» деб айтган.

٢١٦ – حَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ مُوسَى الأَنْصَارِيُّ، حَدَّثَنَا مَعْنٌ، حَدَّثَنَا مَالِكٌ، عَنِ ابْنِ شِهَابٍ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْمُسَيَّبِ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ صَلاَةَ الرَّجُلِ فِي الْجَمَاعَةِ تَزِيدُ عَلَى صَلاَتِهِ وَحْدَهُ بِخَمْسَةٍ وَعِشْرِينَ جُزْءًا».

216. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Кишининг жамоат билан ўқиган намози ёлғиз ҳолда ўқиган намозидан йигирма беш ҳисса ортиқ бўлур».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

162-БОБ. АЗОННИ ЭШИТИБ, УНГА ИЖОБАТ ҚИЛМАГАН КИШИ ҲАҚИДА

٢١٧ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنْ جَعْفَرِ بْنِ بُرْقَانَ، عَنْ يَزِيدَ بْنِ الأَصَمِّ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَقَدْ هَمَمْتُ أَنْ آمُرَ فِتْيَتِي أَنْ يَجْمَعُوا حُزَمَ الْحَطَبِ، ثُمَّ آمُرَ بِالصَّلاَةِ فَتُقَامَ، ثُمَّ أُحَرِّقَ عَلَى أَقْوَامٍ لاَ يَشْهَدُونَ الصَّلاَةَ».

217. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;* «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Дарҳақиқат, йигитларимга: «Ўтин йиғингизлар!» – деб буюрсаму** (ўтин йиғсалар), **кейин намозга буюрсаму ўқиб берилса, кейин намозга келмаган қавмлар**(нинг уйлари)**га бориб, устларидан ўт ёқиб юборсам, демоқчи бўлдим-у...** (лекин бундан қайтарилдим!)»

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абуд-Дардо, Ибн Аббос, Муъоз ибн Анас ва Жобир (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан биттадан кўп киши: **«Азонни эшитиб туриб, ижобат қилмаган кишининг намози йўқ!»** деб айтганлари ривоят қилинган. Айрим илм аҳллари бу ҳукм тағлиз ва ташдид (қаттиқлик ва талабчанлик) моҳиятида эканига тўхталишган. Шунга қарамай, узрсиз ҳолда ҳеч ким учун жамоатни тарк этмоққа рухсат йўқ.

ШАРҲ. Ислом дини раҳм-шафқат, меҳр-муҳаббат ва эзгулик дини, икки жаҳон саъодатини кўрсатувчи муқаддас таълимот эканлиги ҳар бир ақли салим ва тўғри ниятли инсонга маълум. Ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса Одам наслининг энг меҳрибони бўлиб, мўъминларга ўз жонларидан ҳам кўра яқиндирлар. Шунинг учун ҳадисда зикр қилинган жазо ислом дини тарихида ҳеч қачон қўлланган эмас, аксинча, олов билан жазолаш қатъиян манъ этилган. Имом Термизий шарҳда айтганларидек, бу тағлиз ва ташдид (қаттиқлик ва талабчанлик) – жамоъат савоби ва фазилатини англатиш, инсонларни руҳан тарбия қилиш, қасдан, беписандлик ва беҳурматлик қилиб жамоатни тарк этувчиларни огоҳлантириш учундир.

Имом Бухорий, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Имом Термизийлар олов билан жазолашнинг манъ этилгани ҳақидаги ҳадисни ривоят қилганлар. Ҳадис тажовузкорлик, зулм, қотиллик ва ўғрилик каби оғир жиноятлар қилган икки киши ҳақида ворид бўлган. Ҳадиснинг «Саҳиҳи Бухорий»даги маъноси ушбудир:

Ҳазрати Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинди; айтдилар: «Бир гал ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни кичик лашкар таркибида (жангга) юбордилар. (Бизга берган буйруқларида:) «Фалон ва фалон (жиноятчи) кимсаларга дуч келганингизда – Қурайшдан икки кишининг номини айтдилар – уларни (ушлаб) оловда ёқингизлар!» – дедилар. Абу Ҳурайра (давом этиб) айтадиларки: «Кейин биз йўлга чиқмоқчи бўлган вақтимизда хайрлашиш учун ҳазрати Расулуллоҳнинг ҳузурларига бордик. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен сизларга (оғир жиноятлар қилган) фалон ва фалон кимсани оловда ёқишни буюрган эдим. Ҳолбуки, олов билан фақатгина Аллоҳ азоб берур. Бас, у (қотил-жиноятчи)ларни ушлаганларингизда (ўтда ёқмангизлар, фақат) ўлдиринглар», – дедилар *(2954-ҳадис)*.

Бу ҳадис шарҳида Имом Забидий «Саҳиҳи Бухорий: мухтасари тажриди сариҳ» асарида қуйидаги маълумотни беради.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг улар ҳақида аввал оловда ёқишдек оғир жазо белгилашларининг сабаби шу эдики, улар ҳазрати Пайғамбаримизнинг қизлари Зайнабнинг ўлимига сабаб бўлган жиноятқорлар эдилар.

Яъни, ҳижратдан аввал мушрик бўлган Абул-Ос Ибни Робиъ ихтиёрида турган Зайнаб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан ҳижрат қила олмай, Маккада қолган эди. Бадр жангида Абу Жаҳл лашкарида Абул-Ос ҳам бор бўлиб, у асир тушди ва Зайнабни Мадинага жўнатиш шарти билан озод қилинди. Абул-Ос бу шартга риоя қилиб, Зайнабни тинч-омон Мадинага юбориш учун мукаммал чора кўриб, йўлга чиқарган ва унга хизмат қилиши учун бу икки шахсни унга ҳамроҳ қилган эди. Улар йўлда Зайнаб минган туяга тажовуз қилиб, ҳомиладор Зайнабни уловдан йиқитишга, хиёнат билан ҳомиласини ташлашига ва охири ҳалок бўлишига сабаб бўлдилар. Бу оғир жиноятнинг жазоси ҳам шу нисбатда оғир бўлиши табиий эди. У даврда ўтда ёқиш жазоси ваҳшат ҳисобланмасди. Шу жиҳатдан Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам аввал шундай жазони татбиқ этишни амр қилдилар, кейин эса муқаддас ислом дини таъсис этган улуғ маданият сабабли бу жазони мақбул кўрмасдан, ниҳоят, у золимларни ўлим жазоси билан жазолашни буюрдилар *(8-жилд, 347-348-бетлар)*.

Бас, ашаддий жиноятчилардан ҳам ўтда ёқиш жазоси соқит бўлди.

Ҳар бир ҳадисни тагзамини билан ўрганиш, унга илму маърифат билан, ислом динига хос инсонпарварлик нуқтаи назаридан ёндошиш ҳадисни тўғри тушуниб, тўғри татбиқ этишга йўл очади. Зеро, бу дин инсонларга бу дунё бахту саъодати билан бирга охират бахту саъодатини ҳам раво кўради.

٢١٨ – قَالَ مُجَاهِدٌ: وَسُئِلَ ابْنُ عَبَّاسٍ عَنْ رَجُلٍ يَصُومُ النَّهَارَ وَيَقُومُ اللَّيْلَ لاَ يَشْهَدُ جُمُعَةً، وَلاَ جَمَاعَةً؟ قَالَ : هُوَ فِي النَّارِ، [قَالَ] : حَدَّثَنَا بِذَلِكَ هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا الْمُحَارِبِيُّ، عَنْ لَيْثٍ، عَنْ مُجَاهِدٍ .

218. *Мужоҳид айтади:* **«Ибн Аббосдан, кундузи рўза тутиб, кечалари туриб намоз ўқийдиган, аммо** (узрсиз ҳолда) **жумъа намозига ҳам, жамоъатга ҳам келмайдиган киши хақида сўралди. «У дўзахдадир!» – деб жавоб бердилар.**

Ҳаннод шундай ҳадисни бизга ал-Муҳорибийдан, Лайсдан, Мужоҳиддан баён қилди.

Ҳадис: **«жамоъатга ва жумъага рағбат қилмай, ҳаққини камситиб ва беҳуда ҳисоблаб, жамоъатга ва жумъага қатнамаса»**, деган маънодадир.

ИЗОҲ. Мазкур ҳадис, Имом Термизий шарҳда айтганларидек, жумъани ва жамоъатни қасдан камситиш, беҳуда ҳисоблаш, ўзини халқдан

ва жамоатдан устун қўйиш каби иллатларнинг муолажаси ва инсонлар тарбияси учун ворид бўлган. Фиққда эса: бемор, ўтириб қолган, фалаж, юра олмайдиган шол, қўл-оёғи қарама-қаршисига кесилган, ниҳоятда қари ва ожиз бўлиб қолган ҳамда кўр каби узрли кишилардан жамоъат намози соқит бўлади *(«Шарҳи Мухтасари Виқоя»)*.

Жумъанинг фарз бўлиш шартлари: шаҳарда (аҳолиси кўп қасабада) яшамоқ, соғ бўлиш, озод бўлиш, эркак бўлиши, балоғатга етган бўлиш, кўз ва оёқнинг саломат бўлишидир *(«Кифоя»)*.

163-БОБ. ЯККА ҲОЛДА НАМОЗИНИ ЎҚИГАНДАН КЕЙИН ЖАМОАТГА КЕЛГАН КИШИ

٢١٩- **حَدَّثَنَا** أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا هُشَيْمٌ، أَخْبَرَنَا يَعْلَى بْنُ عَطَاءٍ، حَدَّثَنَا جَابِرُ بْنُ يَزِيدَ ابْنِ الأَسْوَدِ [الْعَامِرِيُّ]، عَنْ أَبِيهِ قَالَ: شَهِدْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَجَّتَهُ، فَصَلَّيْتُ مَعَهُ صَلاَةَ الصُّبْحِ فِي مَسْجِدِ الْخَيْفِ، [قَالَ]: فَلَمَّا قَضَى صَلاَتَهُ وَانْحَرَفَ إِذَا هُوَ بِرَجُلَيْنِ فِي أُخْرَى الْقَوْمِ لَمْ يُصَلِّيَا مَعَهُ، فَقَالَ: «**عَلَيَّ بِهِمَا**» فَجِيءَ بِهِمَا تُرْعَدُ فَرَائِصُهُمَا ، فَقَالَ: «**مَا مَنَعَكُمَا أَنْ تُصَلِّيَا مَعَنَا؟**» فَقَالاَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّا كُنَّا قَدْ صَلَّيْنَا فِي رِحَالِنَا. قَالَ: «**فَلاَ تَفْعَلاَ، إِذَا صَلَّيْتُمَا فِي رِحَالِكُمَا ثُمَّ أَتَيْتُمَا مَسْجِدَ جَمَاعَةٍ فَصَلِّيَا مَعَهُمْ؛ فَإِنَّهَا لَكُمَا نَافِلَةٌ**».

219. *Язид ибн ал-Асвад (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳажларида у киши билан бирга ҳозир бўлдим ва «Ал-Хойф» масжидида у зот билан бирга бомдод намозини ўқидим. Намозни адо этиб бўлгач, қайрилиб, қавмнинг охирида турган ва ўзлари билан бирга намоз ўқимаган икки кишини кўрдилар-да: «Уларни менга келтиринглар», дедилар. Уларни келтиришди.** (Қўрқувдан) **уларнинг оёқлари қалтирар эди.** (Расули Акрам): **«Биз билан намоз ўқимоқдан сизларни нима тўсди?» дедилар. Улар: «Эй Аллоҳнинг Расули! Биз чодирларимизда намозимизни ўқиб олган эдик», дейишди. «Бундай қилмангизлар,** – **дедилар** (Расули Акрам). – **Агар намозингизни чодирларингизда ўқиб, кейин бир жамоатнинг масжидига келсангизлар, улар билан ҳам бирга намоз ўқингизлар, бу сизлар учун нафл намози бўлади».**

Бу бобда Муҳжан ад-Дийлий ва Язид ибн Омирдан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Йисо деди(лар): Язид ибн ал-Асваднинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлларидан биттадан ортиқ кишининг қавли шудир. Суфён Саврий, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ шу қавлга эга бўлишган. Айтадиларки: **«Якка ҳолда намозни ўқиганидан кейин жамоатга етган киши ўқиган намозини жамоат билан қайта ўқийди».** Шом намозини ёлғиз ўзи ўқиган ва кейин жамоатга етган киши ҳақида бундай дейдилар: **«Шом намозини улар билан бирга ўқийди ва** (охирида ўзи) **бир ракъат қўшиб, жуфт қилади».** Бу илм аҳлларининг фикрича, фарз бўлган намоз якка ўзи ўқиган (биринчи) намоздир (кейингиси нафл бўлади).

164-БОБ. БИР МАРТА НАМОЗ ЎҚИЛГАН МАСЖИДДА ИККИНЧИ ЖАМОАТ НАМОЗИ

٢٢٠– حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا عَبْدَةُ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ أَبِي عَرُوبَةَ، عَنْ سُلَيْمَانَ التَّاجِيِّ [الْبَصْرِيِّ] ، عَنْ أَبِي الْمُتَوَكِّلِ، عَنْ أَبِي سَعِيدٍ، قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ وَقَدْ صَلَّى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ: «أَيُّكُمْ يَتْجِرُ عَلَى هَذَا؟ فقام رجلٌ فَصَلَّى معه».

220. *Абу Саъид (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқиб бўлганларидан кейин бир киши келиб қолди. Шунда айтдилар: «Қайси биригиз бу кишидан ажр олурсиз?** (яъни у киши билан бирга жамоат бўлиб, савобга эришурсиз?)**» Шунда бир одам ўрнидан туриб, у киши билан бирга намоз ўқиди».**

Бу бобда Абу Умома, Абу Мусо ва Ал-Ҳакам ибн Умайр (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ййсо деди(лар): Абу Саъиднинг ҳадиси ҳасан.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобеъийнлардан бир қанча илм аҳлларининг қавли шудир. Айтадиларки: биринчи марта жамоат билан намоз ўқилган бир масжидда иккинчи марта жамоат билан намоз ўқимоқликда зарар йўқ.

Аҳмад ва Исҳоқнинг ҳам қавли шудир. Бошқа илм аҳллари: «Ҳар ким намозини якка ҳолда ўқийди», дейдилар. Суфён, Ибн Муборак, Молик, Шофиъий шу қавлни маъқул кўрганлар.

Сулаймон ан-Ножий Басраликдир ва у Сулаймон ибн ал-Асвад деб юритилади. Абул-Мутаваккилнинг номи – Али ибн Довуд.

ИЗОҲ. Зайлоъий «Насбур-ройа» китобида намоз ўқиб бўлингандан кейин келиб қолиб, ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг иотифотларига эришганган бу зот ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ (розийаллоҳу анҳу) эканликларини айтади. Чунончи, Байҳақийнинг ривоятида ҳам Абу Бакр Сиддиқ эканликлари таъкидланган.

165-БОБ. ХУФТОН ВА БОМДОД НАМОЗЛАРИНИ ЖАМОАТ БИЛАН ЎҚИШНИНГ ФАЗИЛАТИ

٢٢١- حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلاَنَ، حَدَّثَنَا بِشْرُ بْنُ السَّرِيِّ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ، عَنْ عُثْمَانَ ابْنِ حَكِيمٍ، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي عَمْرَةَ، عَنْ عُثْمَانَ بْنِ عَفَّانَ، قَالَ: قَالَ رسول اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ شَهِدَ الْعِشَاءَ فِي جَمَاعَةٍ كَانَ لَهُ قِيَامُ نِصْفِ لَيْلَةٍ، وَمَنْ صَلَّى الْعِشَاءَ وَالْفَجْرَ فِي جَمَاعَةٍ كَانَ لَهُ كَقِيَامِ لَيْلَةٍ».

221. *(Ҳазрати) Усмон ибн Аффон (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки хуфтон намози жамоатида ҳозир бўлса, унга кечанинг ярмини бедор ўтказганлик савоби берилади. Кимки хуфтон ва бомдод намозларини жамоат билан бирга ўқиса, унга бутун кечани бедор ўтказганлик савоби берилади».**

Бу бобда Ибн Умар, Абу Ҳурайра, Анас, Умора ибн Рувайда, Жундуб ибн Абдуллоҳ ибн Суфён ал-Бажалий, Убай ибн Каъб, Абу Мусо ва Бурайда (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): (Ҳазрати) Усмоннинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Бу ҳадис Абдурраҳмон ибн Аби Амра тариқи билан (ҳазрати) Усмондан мавқуф тарзида ҳам ривоят қилинган. Айни вақтда (ҳазрати) Усмондан марфуъ тарзида бир қанча ваҳҳлардан ривоят қилинган, деб топилмоқда.

٢٢٢- حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ هَارُونَ، أَخْبَرَنَا دَاوُدُ بْنُ أَبِي هِنْدٍ، عَنِ الْحَسَنِ، عَنْ جُنْدَبِ بْنِ سُفْيَانَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ صَلَّى الصُّبْحَ فَهُوَ فِي ذِمَّةِ اللَّهِ، فَلاَ تُخْفِرُوا اللَّهَ فِي ذِمَّتِهِ».

222. *Жундуб ибн Суфён (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «**Кимки бомдод намозини ўқиса, у Аллоҳнинг зиммасида** (аҳду омонатида)**дир. Бас, Аллоҳнинг зиммасини** (олгач) **бузмангизлар!..»**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

٢٢٣- حَدَّثَنَا عَبَّاسٌ الْعَنْبَرِيُّ، حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ كَثِيرٍ أَبُو غَسَّانَ الْعَنْبَرِيُّ، عَنْ إِسْمَعِيلَ الْكَحَّالِ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَوْسٍ الْخُزَاعِيِّ، عَنْ بُرَيْدَةَ الأَسْلَمِيِّ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «بَشِّرِ الْمَشَّائِينَ فِي الظُّلَمِ إِلَى الْمَسَاجِدِ بِالنُّورِ التَّامِّ يَوْمَ الْقِيَامَةِ».

223. *Бурайда ал-Асламий (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «**Қоронғуда масжидлар сари юрганларга қиёмат кунидаги тугал нур башорати** (хушхабари)**ни бер!»**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ушбу важҳдан марфуъ тарзида ғариб. Аммо Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламгача юксалтирилмай, у кишининг саҳобаларига муснад ва мавқуф тарзда саҳиҳдир.

166-БОБ. БИРИНЧИ САФНИНГ ФАЗИЛАТИ

٢٢٤– حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الْعَزِيزِ بْنُ مُحَمَّدٍ، عَنْ سُهَيْلِ بْنِ أَبِي صَالِحٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: قَالَ رسول اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «خَيْرُ صُفُوفِ الرِّجَالِ أَوَّلُهَا، وَشَرُّهَا آخِرُهَا، وَخَيْرُ صُفُوفِ النِّسَاءِ آخِرُهَا، وَشَرُّهَا أَوَّلُهَا».

224. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «**Эркаклар сафининг энг яхшиси – биринчиси ва энг ёмони охиргисидир. Аёллар сафининг энг яхшиси – охиргиси ва энг ёмони биринчисидир»**

Бу бобда Жобир, Ибн Аббос, Ибн Умар, Абу Саъид, Убай, Оиша (онамиз), Ал-Ирбоз ибн Сория ва Анас (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг биринчи саф учун уч марта ва иккинчи саф учун бир марта истиғфор айтганлари ривоят қилинган.

٢٢٥– وَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَوْ أَنَّ النَّاسَ يَعْلَمُونَ مَا فِي النِّدَاءِ وَالصَّفِّ الأَوَّلِ ثُمَّ لَمْ يَجِدُوا إِلاَّ أَنْ يَسْتَهِمُوا عَلَيْهِ لاَسْتَهَمُوا عَلَيْهِ».

225. *Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар:* «**Инсонлар азон айтмоқликда ва биринчи сафда туриб намоз ўқимоқликда қанчалик фазилат борлигини билсалар эди, қуръадан бошқа чора топа олмасалар, ҳеч йўқса, қуръа ташлаб бўлса ҳам, бунга эришган бўлар эдилар».**

Исҳоқ ибн Мусо ал-Ансорий бу ҳадисни бизга Маъндан, Моликдан, Сумайдан, Абу Солиҳдан, Абу Ҳурайрадан (розийаллоҳу анҳум), Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шу тарзда баён қилдилар.

ИЗОҲ. Яъни, азонни ким айтади деб ва биринчи сафда ким туради деб қуръа ташлаб аниқлаган бўлардилар.

٢٢٦ – وحَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، عَنْ مَالِكٍ نَحْوَهُ .

226. *Қутайба айнан шу ҳадисни бизга Моликдан баён этди.*

167-БОБ. САФЛАРНИ ТЎҒРИЛАМОҚ

٢٢٧ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا أَبُو عَوَانَةَ، عَنْ سِمَاكِ بْنِ حَرْبٍ، عَنِ النُّعْمَانِ بْنِ بَشِيرٍ، قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُسَوِّي صُفُوفَنَا، فَخَرَجَ يَوْمًا، فَرَأَى رَجُلاً خَارِجًا صَدْرُهُ عَنِ الْقَوْمِ، فَقَالَ: «لَتُسَوُّنَّ صُفُوفَكُمْ، أَوْ لَيُخَالِفَنَّ اللَّهُ بَيْنَ وُجُوهِكُمْ».

227. *Нуъмон ибн Башир (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сафларимизни тўғрилар эдилар. Бир куни, кўкси қавмдан ташқарига чиқиб турган бир кишини кўрдилар ва бундай дедилар: «Ё сафларингизни тўғрилангизлар ёки бўлмаса Аллоҳ юзларингизни** (қалбларингизни) **бир-бирига мухолиф қилиб қўяди!»**[52]

Бу бобда Жобир ибн Самура, Ал-Баро, Жобир ибн Абдуллоҳ, Анас, Абу Ҳурайра ва Оиша (онамиз) (розийаллоҳу анҳум)дан бит-тадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ан-Нуъмон ибн Баширнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Шунингдек, Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бундай деб айтганлари ҳам ривоят қилинди: **«Сафни тўғриламоқ намознинг мукаммаллигидандир** (яъни, намознинг мукаммал бўлиши шартларидандир)».

Умар (розийаллоҳу анҳу)дан бундай деб ривоят қилинади: **«У зот** (ҳазрати Умар) **баъзи кишиларни сафларни тўғрилашга маъмур қилиб қўяр эдилар ва сафлар тузатилгани ҳақида хабар олмагунларича намозни бошламас эдилар».**

(Ҳазрати) Али ва (ҳазрати) Усмон (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳам бундай деб ривоят қилинган: **«**(Улар) **сафларни тўғриламоқни шахсан ўз зиммаларига олган эдилар ва: «Сафларни тўғрилангизлар!» дер эдилар.**

(Ҳазрати) Али (розийаллоҳу анҳу): **«Эй фалончи, олдинга ўт! Эй фалончи, орқароқ тур!»** – дер эдилар.

[52] Яъни, ичларингизга душманлик ва ғараз оралайди.

168-БОБ. «ЕТУК ВА АҲЛИ ДОНИШ КИШИЛАР ОРҚАМДА (БИРИНЧИ САФДА) ТУРСИНЛАР...»

٢٢٨- حَدَّثَنَا نَصْرُ بْنُ عَلِيٍّ الْجَهْضَمِيُّ، حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ زُرَيْعٍ، حَدَّثَنَا خَالِدٌ الْحَذَّاءُ، عَنْ أَبِي مَعْشَرٍ، عَنْ إِبْرَاهِيمَ، عَنْ عَلْقَمَةَ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لِيَلِيَنِي مِنْكُمْ أُولُو الأَحْلاَمِ وَالنُّهَى ، ثُمَّ الَّذِينَ يَلُونَهُمْ، ثُمَّ الَّذِينَ يَلُونَهُمْ، وَلاَ تَخْتَلِفُوا فَتَخْتَلِفَ قُلُوبُكُمْ، وَإِيَّاكُمْ وَهَيْشَاتِ الأَسْوَاقِ».

228. *Абдуллоҳ (ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;* Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Сизлардан етук ақл соҳиблари ва аҳли дониш кишилар орқамда** (биринчи сафда) **турсинлар. Сўнг улардан кейингилар, сўнг улардан кейингилар** (турсинлар). **Ихтилоф қилмангизлар, йўқса қалбларингиз** (бир-бирига нисбатан) **ихтилоф қилади. Кўча бирodарлигидан ғоят сақланингизлар!».**

Бу бобда Убай ибн Каъб, Абу Масъуд, Абу Саъид, Ал-Баро ва Анас (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Масъуднинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ-ғариб.

Шунингдек, Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам-дан бундай деб ривоят қилинади: **«Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам, муҳожирлар ва ансорийлар у зотдан** (намозда қироат қилганларини) **ёдлаб олмоқ учун дарҳол орқаларидан жой олмоқларидан мамнун бўлар эдилар».**

Холид ал-Ҳаззо Холид ибн Миҳрон бўлиб, Абул-Мунозил куняси билан тилга олинади.

Муҳаммад ибн Исмоъийл (ал-Бухорийдан) бундай деганини эшитдим: «Айтишларича, Холид ал-Ҳаззо (Этикдўз) ҳеч қачон этикдўзлик қилмаган. Шунчаки, бир этикдўзнинг ёнида ўтирар эди, ушбу сабабдан шу касбга мансуб қилинди».

Абу Маъшарнинг номи – Зиёд ибн Кулайб.

169-БОБ. ИККИ УСТУН ОРАСИДА САФ ТОРТИШ МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

٢٢٩- حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنْ سُفْيَانَ، عَنْ يَحْيَى بْنِ هَانِئِ بْنِ عُرْوَةَ الْمُرَادِيِّ، عَنْ عَبْدِ الْحَمِيدِ بْنِ مَحْمُودٍ قَالَ: صَلَّيْنَا خَلْفَ أَمِيرٍ مِنَ الأُمَرَاءِ، فَاضْطَرَّنَا النَّاسُ فَصَلَّيْنَا بَيْنَ السَّارِيَتَيْنِ ، فَلَمَّا صَلَّيْنَا قَالَ أَنَسُ بْنُ مَالِكٍ : كُنَّا نَتَّقِي هَذَا عَلَى عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ .

229. *Абдулҳамид ибн Маҳмуддан ривоят қилинди; айтди:* **«Амирлардан бировнинг орқасида намоз ўқидик. Инсонлар** (кўплиги) **бизларни икки устун орасида намоз ўқишга мажбур қилди. Намозимизни ўқиб бўлгач, Анас ибн Молик бундай деди: «Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида бундан сақланар эдик».**

Бу бобда Қурро ибн Иёс ал-Музанийдан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Анас ибн Моликнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Баъзи илм аҳллари, устунлар орасида саф тортмоқни кариҳ деб қараганлар.

Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир. Айрим илм аҳллари эса бунга рухсат берадилар.

ИЗОҲ. Абу Бакр ибн ал-Арабий, икки устун орасида намоз ўқишнинг макруҳлиги ё сафнинг узилиши туфайли ёки бу ерлар пойабзалда юриладиган жой эканлиги туфайли, деб айтади. Ибн Саййидиннос биринчи сабабнинг мақбул, аммо иккинчи сабаб муҳдас (кейин пайдо бўлган гап) эканини айтади. Яъни, устунлар орасида пойафзал жойи қилиниши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин бўлган. Қуртубий: «Жин тоифасидан бўлмиш мўъминларнинг намозгоҳи бўлгани боис, бу жойларда намоз ўқиш макруҳ эканлиги ривоят қилинган», дейди.

170-БОБ. САФНИНГ ОРҚАСИДА ЯККА ҲОЛДА НАМОЗ ЎҚИМОҚ

٢٣٠- **حَدَّثَنَا** هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا أَبُو الأَحْوَصِ، عَنْ حُصَيْنٍ، عَنْ هِلاَلِ بْنِ يَسَافٍ قَالَ: أَخَذَ زِيَادُ بْنُ أَبِي الْجَعْدِ بِيَدِي وَنَحْنُ بِالرَّقَّةِ فَقَامَ بِي عَلَى شَيْخٍ يُقَالُ لَهُ: وَابِصَةُ بْنُ مَعْبَدٍ مِنْ بَنِي أَسَدٍ، فَقَالَ زِيَادٌ: حَدَّثَنِي هَذَا الشَّيْخُ أَنَّ رَجُلاً صَلَّى خَلْفَ الصَّفِّ وَحْدَهُ، وَالشَّيْخُ يَسْمَعُ، فَأَمَرَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يُعِيدَ الصَّلاَةَ.

230. *Ҳилол ибн Йасофдан ривоят қилинди; айтди:* **«Биз ар-Раққа** (деган шаҳар)**да эканимизда, Зиёд ибн Абу Жаъд қўлимдан тутдида, мени Бани Асад** (қавми)**дан бўлмиш Вобиса ибн Маъбад деган бир шайхнинг ҳузурига олиб борди. Зиёд айтадики: «Мана шу шайх менга ушбу ҳадисни баён қилиб берди: «Бир киши сафнинг орқасида якка ўзи намоз ўқиди, – шайх эшитиб турар эди – шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга намозини қайтадан ўқимоқни буюрдилар».**

Бу бобда Али ибн Шайбон ва Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳум) дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Вобисанинг ҳадиси – ҳасан ҳадис.

Баъзи илм аҳллари сафнинг орқасида якка ҳолда намоз ўқимоқни макруҳ деб ҳисоблаганлар ва: «Сафнинг орқасида якка ҳолда намоз ўқиса, қайта ўқийди», деганлар. Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шу.

Илм аҳлидан бир жамоа эса бундай дейдилар: **«Сафнинг орқасида якка ҳолда намоз ўқиса, қайтадан ўқиши лозим бўлмайди».** Суфён, Ибн Муборак ва Шофиъийнинг қавли шудир.

Куфа аҳлидан бир жамоат ҳам Вобисанинг ҳадисига эргашиб: «Сафнинг орқасида якка ҳолда намоз ўқиса, қайта ўқийди», деганлар. Ҳаммод ибн Абу Сулаймон, Ибн Абу Лайло ва Вакиъ шулар жумласидандир.

Ҳусайннинг Ҳилол ибн Йасофдан ривоят этган ҳадисини биттадан кўп киши, Абу Аҳвоснинг Зиёд ибн Абул-Жаъддан, Вобиса ибн Маъбаддан қилган ривоятидек ривоят қилган. Ҳусайннинг ҳадисида Ҳилолнинг Вобиса билан кўришганлигига далолат қилган ишорат бор. Муҳаддислар бу ҳадис борасида ихтилоф қилганлар.

Айримлари бундай дейдилар: «Амр ибн Мурранинг Ҳилол ибн Йасофдан, Амр ибн Рошиддан, Вобиса ибн Маъбаддан қилган ривояти саҳиҳроқ».

Айримлари эса айтадики: «Ҳусайннинг Ҳилол ибн Йасофдан, Зиёд ибн Абу Жаъддан, Вобиса ибн Маъддан қилган ривояти саҳиҳроқ».

Абу Ийсо деди(лар): Менинг наздимда, бу ҳадис Амр ибн Мурранинг ҳадисидан кўра саҳиҳроқ. Чунки Ҳилол ибн Йасофнинг Зиёд ибн Абу Жаъддан, Вобисадан бир неча ҳадисларни ривоят қилган.

٢٣١- حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ، حَدَّثَنَا شُعْبَةُ، عَنْ عَمْرِو بْنِ مُرَّةَ، عَنْ هِلاَلِ بْنِ يَسَافٍ، عَنْ عَمْرِو بْنِ رَاشِدٍ، عَنْ وَابِصَةَ بْنِ مَعْبَدٍ: أَنَّ رَجُلاً صَلَّى خَلْفَ الصَّفِّ وَحْدَهُ، فَأَمَرَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يُعِيدَ الصَّلاَةَ .

231. *Вобиса ибн Маъбаддан ривоят қилинди:* **«Бир киши сафларнинг орқасида якка намоз ўқиди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга намозни қайта ўқимоқни буюрдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Ал-Жоруддан эшитдим, айтдики: «Вакиънинг бундай деганини унинг ўзидан эшитдим: «Бир киши сафларнинг орқасида якка ўзи намоз ўқиса, қайтадан ўқийди».

ИЗОҲ. Имом Термизий 234-ҳадис шарҳида: «Айрим илм аҳллари сафнинг орқасида якка ҳолда намоз ўқиган кишининг намози ўтади, дейдилар ва буни юқоридаги (234) ҳадис билан далиллайдилар. ...Ҳолбуки, масала улар айтгандек эмас», дейдилар. Айримлар: «Намози жоиз, лекин

макруҳ», дейдилар. Баъзилар: «Намози дуруст эмас», дейдилар. Имкон қадар бундан сақланган яхшироқ. Намоз жоиз, аммо макруҳдир.

«Яна сафда очиқ жой туриб, сафнинг орқасида турмоқ макруҳдир» *(«Шарҳи Мухтасари Виқоя»)*.

171-БОБ. БИР КИШИГА ИМОМ БЎЛГАН ОДАМ МАСАЛАСИ

٢٣٢ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا دَاوُدُ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الْعَطَّارُ، عَنْ عَمْرِو بْنِ دِينَارٍ، عَنْ كُرَيْبٍ مَوْلَى ابْنِ عَبَّاسٍ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: صَلَّيْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَاتَ لَيْلَةٍ فَقُمْتُ عَنْ يَسَارِهِ، فَأَخَذَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِرَأْسِي مِنْ وَرَائِي فَجَعَلَنِي عَنْ يَمِينِهِ .

232. *Ҳазрати Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Бир кеча Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга намоз ўқидим, чап томонларида турган эдим, бошимнинг орқасидан ушлаб, ўнг томонларига ўтказиб қўйдилар».**

Бу бобда Анас (розийаллоҳу анҳу)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Аббоснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва улардан кейингилардан бўлмиш илм арбоблари наздида амал шу ҳадис асосидадир: **«Имом билан бир киши бўлса, имомнинг ўнг томонида туради»**.

172-БОБ. ИККИ КИШИГА ИМОМ БЎЛГАН ОДАМ МАСАЛАСИ

٢٣٣ – حَدَّثَنَا بُنْدَارٌ مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا [مُحَمَّدُ] بْنُ أَبِي عَدِيٍّ قَالَ: أَنْبَأَنَا إِسْمَعِيلُ بْنُ مُسْلِمٍ، عَنِ الْحَسَنِ، عَنْ سَمُرَةَ بْنِ جُنْدَبٍ قَالَ: أَمَرَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا كُنَّا ثَلَاثَةً أَنْ يَتَقَدَّمَنَا أَحَدُنَا .

233. *Самура ибн Жундуб (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга, агар уч киши бўлсак, биттамиз олдинга ўтмоғимизни амр қилардилар».**

Бу бобда Ибн Масъуд, Жобир ва Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Самуранинг ҳадиси – ҳасан-ғариб.

Илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир: **«Уч киши бўлсалар, икки киши имомнинг орқасида туради»**.

Ибн Масъуддан бундай деб ривоят қилинган: **«Ибн Масъуд Алқама билан ал-Асвадга имом бўлди-да, бирини ўнг томонида, иккинчисини чап томонида турғазди».** Ибн Масъуд бу ҳадисни Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламга юксалтиради.

Баъзи муҳаддислар Исмоъийл ибн Муслим ал-Маккий борасида, хотираси жиҳатдан, (танқидий) сўз қилганлар.

173-БОБ. ЭРКАКЛАР БИЛАН АЁЛЛАРГА ИМОМ БЎЛГАН КИШИ МАСАЛАСИ

٢٣٤- حَدَّثَنَا [إِسْحَقُ] الأَنْصَارِيُّ، حَدَّثَنَا مَعْنٌ، حَدَّثَنَا مَالِكٌ [بْنُ أَنَسٍ] ، عَنْ إِسْحَقَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ ابْنِ أَبِي طَلْحَةَ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ أَنَّ جَدَّتَهُ مُلَيْكَةَ دَعَتْ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِطَعَامٍ صَنَعَتْهُ فَأَكَلَ مِنْهُ، ثُمَّ قَالَ: «قُومُوا فَلْنُصَلِّ بِكُمْ» قَالَ أَنَسٌ: فَقُمْتُ إِلَى حَصِيرٍ لَنَا قَدِ اسْوَدَّ مِنْ طُولِ مَا لُبِسَ فَنَضَحْتُهُ بِالْمَاءِ ، فَقَامَ عَلَيْهِ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَصَفَفْتُ عَلَيْهِ أَنَا وَالْيَتِيمُ وَرَاءَهُ، وَالْعَجُوزُ مِنْ وَرَائِنَا، فَصَلَّى بِنَا رَكْعَتَيْنِ، ثُمَّ انْصَرَفَ .

234. *Ҳазрати Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Унинг** (Анаснинг) **бувиси Мулайка Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни у киши учун тайёрланган таъомга таклиф қилди.** (Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам) **таъомдан едилар. Кейин: «Туринғизлар, сизлар билан намоз ўқиймиз», дедилар. Анас айтдики: «Узоқ вақт ишлатилганидан қорайиб қолган бир бўйрамиз**(ни ёймоқ) **учун турдим ва уни сув сепиб ювдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бўйрада турдилар, мен билан бир етим бола у кишининг орқаларида саф турдик, кекса момо эса бизнинг орқамизда турди.** (Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам) **бизга икки ракъат намоз ўқиб бердилар. Кейин қайрилдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Анаснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлларининг кўпчилиги наздида амал шу ҳадис асосидадир: **«Имом билан бирга бир эркак ва бир аёл бўлса, эркак киши имомнинг ўнг томонида туради, аёл киши эса уларнинг орқасида туради».**

Айрим илм аҳллари эса, сафнинг орқасида якка ҳолда намоз ўқиган кишининг намози ўтади, дейдилар ва буни юқоридаги ҳадис билан истидлол қилиб (далиллаб) бундай дейдилар: **«Бола учун намоз йўқ ва Анас гўёки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларида сафда ёлғиз туриб намоз ўқигандек бўлди».** Ҳолбуки, масала улар айтгандек эмас. Бола учун намоз бўлмаса эди, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам болани Анас билан бирга

турғизмас эдилар ва муҳаққақ, Анасни ўнг томонларида турғизган бўлардилар.

Мусо ибн Анасдан, Анасдан (розийаллоҳу анҳумо) бундай ривоят қилинган: **«Анас Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга намоз ўқиди ва Расули Акрам** (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) **у кишини ўнг томонларида турғиздилар».**

Бу ҳадис Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг (жамоат бўлиб) нафл намози ўқиганларига ва уларнинг уйларига барокат киритмоқчи бўлганларига далолат қилади.

ИЗОҲ. Имом аёл кишининг иқтидосини ният қилиши лозим. Имом аёлнинг намозини ният қилмаса, аёл ушбу намозда деб ҳисобланмайди *(Қаранг: «Ҳидоя», Имомлик ҳақидаги боб).*

174-БОБ. ИМОМЛИК ҚИЛМОҚҚА КЎПРОҚ КИМ ҲАҚЛИ?

٢٣٥ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ، عَنِ الأَعْمَشِ [قَالَ] : وَحَدَّثَنَا مَحْمُودُ ابْنُ غَيْلاَنَ، حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ وَ [عَبْدُ اللَّهِ] بْنُ نُمَيْرٍ، عَنِ الأَعْمَشِ، عَنْ إِسْمَعِيلَ بْنِ رَجَاءٍ الزُّبَيْدِيِّ ، عَنْ أَوْسِ بْنِ ضَمْعَجٍ ، قَالَ : سَمِعْتُ أَبَا مَسْعُودٍ الأَنْصَارِيَّ يَقُولُ: قَالَ رسول اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**يَؤُمُّ الْقَوْمَ أَقْرَؤُهُمْ لِكِتَابِ اللَّهِ، فَإِنْ كَانُوا فِي الْقِرَاءَةِ سَوَاءً فَأَعْلَمُهُمْ بِالسُّنَّةِ، فَإِنْ كَانُوا فِي السُّنَّةِ سَوَاءً فَأَقْدَمُهُمْ هِجْرَةً، فَإِنْ كَانُوا فِي الْهِجْرَةِ سَوَاءً فَأَكْبَرُهُمْ سِنًّا، وَلاَ يَؤُمُّ الرَّجُلُ فِي سُلْطَانِهِ، وَلاَ يُجْلَسُ عَلَى تَكْرِمَتِهِ** [فِي بَيْتِهِ] **إِلاَّ بِإِذْنِهِ**» قَالَ مَحْمُودُ [بْنُ غَيْلاَنَ] : قَالَ ابْنُ نُمَيْرٍ فِي حَدِيثِهِ: «**أَقْدَمُهُمْ سِنًّا**» .

235. *Абу Масъуд ал-Ансорий (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтади:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Жамоатга Аллоҳнинг Китобини энг яхши қироат қиладиган** (аҳкомларидан энг яхши воқиф бўлган) **киши имомлик қилади; қироатда тенг бўлсалар, суннатни энг яхши биладиган киши; суннатда баробар бўлсалар, олдинроқ ҳижрат қилган киши; агар ҳижратда баробар бўлсалар, ёши каттароғи имом бўлади. Кишига унинг мулкида имомлик қилинмайди ва кишининг уйида уй эгаси ўлтирадиган** (махсус) **жойга ўлтирилмайди, фақат ўзи изн берса,** (мумкин)**». Маҳмуд айтди: «Ибн Нумайр ўз ҳадиси** (ривояти)**да: «Ёш жиҳатидан улуғроқлари», дейди.**

Бу бобда Абу Саъид, Анас ибн Молик, Молик ибн ал-Ҳувайрис ва Амр ибн Салама (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Масъуднинг ҳадиси – ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлларининг наздида амал шу ҳадис асосидадир. Айтадиларки, инсонлар орасида имомликка энг лойиғи – Аллоҳнинг Китобини энг яхши қироат қиладиган ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатини энг яхши билган кишидир. Шунингдек: **«Уй эгаси имомликка кўпроқ лойиқ»,** дейдилар.

Айрим илм аҳлларининг фикрича: **«Уй эгаси изн берса, бошқа киши унга имом бўлмоқлигида зарар йўқ».** Баъзилари буни макруҳ деб қарайдилар ва бундай дейдилар: **«Суннат бўлган иш намозни уй эгаси ўқиб бермоғидир».**

Аҳмад ибн Ҳанбал айтадики: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: **«Кишига унинг мулкида имомлик қилинмайди ва кишинингг уйида уй эгаси ўлтирадиган** (махсус) **жойга ўлтирилмайди, фақат ўзи изн берса,** (мумкин)**» деган сўзларига таяниб: «Уй эгаси изн берса, бу изн ҳаммасига** (уй эгасига имом бўлмоққа ва унинг жойига ўтирмоққа ҳам) **тегишли бўлади, деб умид қиламан»,** дейди. Аҳмад ибн Ҳанбал: агар уй эгаси изн берса, бошқа киши унга имом бўлмоғида зарар йўқ, деб ҳисоблайди.

ИЗОҲ. Ҳадисдаги «ҳижрат» ифодаси Исломнинг аввалги даврига тегишли бўлиб, Макка фатҳидан кейин Маккадан ҳижрат қилиш тўхтаган *(Имом Нававий шарҳидан).*

175-БОБ. «СИЗЛАРДАН БИРОР КИШИ ОДАМЛАРГА ИМОМ БЎЛСА, НАМОЗНИ ЕНГИЛ ЎҚИБ БЕРСИН»

٢٣٦ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا الْمُغِيرَةُ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ، عَنْ أَبِي الزِّنَادِ، عَنِ الأَعْرَجِ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا أَمَّ أَحَدُكُمُ النَّاسَ فَلْيُخَفِّفْ؛ فَإِنَّ فِيهِمُ الصَّغِيرَ، وَالْكَبِيرَ، وَالضَّعِيفَ وَالْمَرِيضَ، فَإِذَا صَلَّى وَحْدَهُ فَلْيُصَلِّ كَيْفَ شَاءَ» .

236. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;* «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Сизлардан бирортангиз одамларга имом бўлса,** (намозни) **енгил ўқиб берсин. Чунки улар орасида кичиклар, кексалар, заифлар ва беморлар бор. Агар якка ўзи ўқиса, ўзи хоҳлаганидек ўқийверсин».**

Бу бобда Адий ибн Ҳотим, Анас, Жобир ибн Самура, Молик ибн Абдуллоҳдан, яна Абу Воқид, Усмон ибн Абил-Ос, Абу Масъуд, Жобир ибн Абдуллоҳ ва Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлларидан кўпчилигининг қавли шудир: заиф, кекса ва

бетоб кишиларга оғирлик қилмаслиги учун намозни чўзиб юбормаслик жиҳатини афзал кўрганлар.

Абуз-Зиноднинг исми – Абдуллоҳ ибн Заквон. Ал-Аърож Абдурраҳмон ибн Ҳурмуз ал-Мадийний бўлиб, Абу Довуд куняси билан аталади.

٢٣٧ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا أَبُو عَوَانَةَ، عَنْ قَتَادَةَ، عَنْ أَنَسٍ [بْنِ مَالِكٍ] ، قَالَ: كَانَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ أَخَفِّ النَّاسِ صَلاَةً فِي تَمَامٍ .

237. *Ҳазрати Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Инсонларга намозни энг енгил қилиб ўқиб берган зот Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Абу Авонанинг исми – Ваддоҳ. Қутайбадан: «Абу Авонанинг исми нима?» деб сўрадим. «Ваддоҳ», деди. «Кимнинг ўғли?» дедим. «Билмадим. Басрада бир хотиннинг қули эди», деди.

176-БОБ. НАМОЗНИНГ ТАҲРИМИ ВА ТАҲЛИЛИ

٢٣٨ – حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ وَكِيعٍ، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْفُضَيْلِ، عَنْ أَبِي سُفْيَانَ طَرِيفٍ السَّعْدِيِّ، عَنْ أَبِي نَضْرَةَ، عَنْ أَبِي سَعِيدٍ، قَالَ: قَالَ رسول اللَّه صلى اللَّه عليه وسلم: «مِفْتَاحُ الصَّلاَةِ الطُّهُورُ، وَتَحْرِيمُهَا التَّكْبِيرُ، وَتَحْلِيلُهَا التَّسْلِيمُ، وَلاَ صَلاَةَ لِمَنْ لَمْ يَقْرَأْ بِالْحَمْدُ وَسُورَةٍ، فِي فَرِيضَةٍ أَو غَيْرِهَا».

238. *Абу Саъид (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Намознинг калити – таҳорат, таҳрими – такбир, таҳлили эса саломдир. Фарз** (намозлари)**да ва бошқа намозларда «Алҳамду»ни ва яна бир сурани ўқимаган кишининг намози йўқ!».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис – ҳасан.

Бу бобда (ҳазрати) Али ва Оиша (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган. (Ҳазрати) Алининг бу бобдаги ҳадиси иснод жиҳатдан Абу Саъиднинг ҳадисидан кўра жайиид ва саҳиҳ. Бу ҳадисни «Таҳорат боблари»нинг бошида зикр қилиб ўтдик.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг саҳобаларидан ва кейингилардан бўлмиш илм аҳллари наздида амал шу ҳадис асосидадир. Суфён Саврий, Ибн Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир: намознинг таҳрими такбирдир. Киши фақат такбир билан намозга кирган бўлади.

Вакиънинг котиби Абу Бакр Муҳаммад ибн Абондан эшитдим; айтдики: Абдурраҳмон ибн Маҳдийнинг бундай деганини унинг ўзидан эшитдим: **«Киши Аллоҳ таолонинг исмларидан етмиштасини айтиб намозни бошласа-ю, такбир айтмаса, бу такбир ўрнига ўтмайди. Ва салом беришдан олдин таҳорати бузилса, унга таҳорат олмоғини ва кейин жойига қайтиб, салом бермоғини амр қиламан. Чунки ҳукм ҳадиснинг очиқ ва зоҳир маъносига қараб чиқарилади».**

Абу Назранинг исми – Ал-Мунзир ибн Молик ибн Қутоъа.

ИЗОҲ. Бунда таъвилга бормасликни ва ҳадиснинг зоҳир маъносига қараб хулоса чиқаришни кўзда тутмоқда. Имом Абу Ҳанифа ва Имом Муҳаммаднинг қавлларига кўра, Аллоҳу таолонинг соф таъзимга далолат қиладиган ҳар қандай исми билан намозни очмоқ жоиз. Чунки эътибор лафзларга эмас, маъноларга (қаратилган)дир.

«Ҳар қандай исм билан» иборасини бундай тушуниш мумкин: «Мухтасари Виқоя» шарҳида айтилади: «Аллоҳу таолонинг улуғлигига далолат қиладиган лафз (сўз)лар билан намозга кирмоқ дурустдир. Масалан, «Аллоҳу акбар», «Аллоҳу ажалл» ёки «Ар-Роҳману акбар» ёхуд «Ла иллаҳа иллаллоҳ»га ўхшаган сўзлар билан. Бу лафзлар ёки Аллоҳ таолонинг исмларидан бўлган лафз бўлиши шарт. Аллоҳу таолонинг улуғлигига далолат қиладиган лафзни дуо қиладиган лафзга қўшмагай, қўшса намози раво бўлмас. Масалан, «Аллоҳу акбар»нинг ўрнига «Аллоҳума мағфирлий» деса бўлмас...» *(«Шарҳи Мухтасари Виқоя).*

177-БОБ. ТАКБИР АЙТГАНДА БАРМОҚЛАРНИ ОЧИҚ ТУТМОҚ

٢٣٩ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ وَأَبُو سَعِيدٍ الأَشَجُّ، قَالاَ: حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ الْيَمَانِ، عَنِ ابْنِ أَبِي ذِئْبٍ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ سِمْعَانَ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا كَبَّرَ لِلصَّلاَةِ نَشَرَ أَصَابِعَهُ .

239. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам** (намозни бошлаётиб) **такбир**(и таҳрима) **айтганларида бармоқларини очиқ тутар эдилар».**

Абу Ййсо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси – ҳасан.

Биттадан кўп киши бу ҳадисни Ибн Абу Зиъбдан, Саъид ибн Симъондан, Абу Ҳурайрадан шу тарзда ривоят қилган. **«Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозга кираётганларида панжаларини очиб қўлларини кўтарар эдилар».** – Бу ривоят Яҳё ибн Йамоннинг ривоятидан кўра саҳиҳдир. Яҳё ибн Йамон бу ҳадисда янглишган.

٢٤٠ - [قَالَ: و] حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ، أَخْبَرَنَا عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الْمَجِيدِ الْحَنَفِيُّ، حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي ذِئْبٍ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ سِمْعَانَ، قَالَ: سَمِعْتُ أَبَا هُرَيْرَةَ يَقُولُ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا قَامَ إِلَى الصَّلَاةِ رَفَعَ يَدَيْهِ مَدًّا.

240. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: айтдилар;* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозга турганларида қўлларини очиб кўтарар эдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон айтади: «Бу ҳадис Яҳё ибн ал-Йамоннинг ҳадисидан саҳиҳ; Яҳё ибн Йамон ҳадиси(нинг сўзи) янглиш».

ИЗОҲ. Яъни: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозга турганларида қўлларини (панжаларини) очиб кўтарар эдилар» деган ҳадис саҳиҳ; Яҳё ибн Йамон ривоят қилган: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (намоз бошлаётиб) такбир айтганларида бармоқларини очиб турардилар» деган ҳадис янглиш, дейилмоқда.

178-БОБ. БИРИНЧИ ТАКБИРНИНГ ФАЗИЛАТИ

٢٤١ - حَدَّثَنَا عُقْبَةُ بْنُ مُكْرَمٍ وَنَصْرُ بْنُ عَلِيٍّ[الْجَهْضَمِيُّ]، قَالَا: حَدَّثَنَا [أَبُو قُتَيْبَةَ] سَلْمُ بْنُ قُتَيْبَةَ، عَنْ طُعْمَةَ بْنِ عَمْرٍو، [عَنْ حَبِيبِ بْنِ أَبِي ثَابِتٍ]، [عَنْ أَنَسٍ] بْنِ مَالِكٍ، قَالَ: قَالَ رسول اللَّه صلى اللَّه عليه وسلم: «مَنْ صَلَّى لِلَّهِ أَرْبَعِينَ يَوْمًا فِي جَمَاعَةٍ يُدْرِكُ التَّكْبِيرَةَ الْأُولَى كُتِبَتْ لَهُ بَرَاءَتَانِ: بَرَاءَةٌ مِنَ النَّارِ، وَبَرَاءَةٌ مِنَ النِّفَاقِ».

241. *Ҳазрати Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Кимки қирқ кун Аллоҳ учун жамоат билан намоз ўқиса,** (ҳар намозида) **биринчи такбирга улгурса, унга икки бароат** (ёрлиқ) **ёзилгайдир: жаҳаннамдан қутулиш бароати ва нифоқдан қутулиш бароати!»**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис Анасдан мавқуф тарзда ривоят қилинган. Салм ибн Қутайбанинг Туъма ибн Амрдан, Ҳабиб ибн Абу Собитдан, Анасдан қилган ривоятидан бошқа бу ҳадисни Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламгача юксалтирган бирон кишини танимаймиз.

Бу ҳадис Ҳабиб ибн Абу Ҳабиб ал-Бажалий тариқи билан Анас ибн Моликдан унинг ўз сўзи сифатида ривоят қилинди.

Ҳаннод ушбуни бизга баён этди: Вакиъ Холид ибн Таҳмондан, Ҳабиб ибн Абу Ҳабиб ал-Бажалийдан, Анасдан айни шу ҳадисни

нақл этган, лекин уни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламгача юксалтирмаган.

Исмоъийл ибн Аййош бу ҳадисни Умора ибн Ғозиййадан, Анас ибн Моликдан, Умар ибн Хаттобдан (розийаллоҳу анҳум), Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган. Бу ҳадис маҳфуз (рожиҳ) эмас, мурсал. Чунки Умора ибн Ғозиййа Анас ибн Моликка йўлиқмаган.

Муҳаммад ибн Исмоъийл (ал-Бухорий) айтади: «Ҳабиб ибн Абу Ҳабиб «Абул-Қашусо» деган куняси билан аталади ва у Абу Умайра ҳам дейилади».

179-БОБ. ИФТИТОҲ ТАКБИРИДАН КЕЙИН ЎҚИЛАДИГАН НАРСА

٢٤٢ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ مُوسَى الْبَصْرِيُّ،حَدَّثَنَا جَعْفَرُ بْنُ سُلَيْمَانَ الضُّبَعِيُّ، عَنْ عَلِيِّ بْنِ عَلِيٍّ الرِّفَاعِيِّ، عَنْ أَبِي الْمُتَوَكِّلِ، عَنْ أَبِي سَعِيدٍ [الْخُدْرِيِّ] ، قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا قَامَ إِلَى الصَّلَاةِ بِاللَّيْلِ كَبَّرَ، ثُمَّ يَقُولُ: «سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ، وَتَبَارَكَ اسْمُكَ، وَتَعَالَى جَدُّكَ، وَلَا إِلَهَ غَيْرُكَ» ثُمَّ يَقُولُ:«اللَّهُ أَكْبَرُ كَبِيرًا» ثُمَّ يَقُولُ:«أَعُوذُ بِاللَّهِ السَّمِيعِ الْعَلِيمِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ، مِنْ هَمْزِهِ، وَنَفْخِهِ، وَنَفْثِهِ» .

242. *Абу Саъид ал-Худрий (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тунги намозга турганларида такбир айтгач: **«Субҳонакаллоҳумма ва биҳамдика ва таборакасмука ва таъоло жаддука ва ло илоҳа ғайрук»,** дер эдилар, кейин: «**Аллоҳу акбару кабиро»** дер эдилар; кейин: **«Аъувзу биллаҳис-самийъил-ъалийми минаш-шайтонир-рожийм, мин ҳамзиҳи ва нафхиҳи ва нафсиҳ»**, дер эдилар».

ИЗОҲ. Яъни, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам такбир айтгач, санода: **«Эй Аллоҳим, Сени ҳамд айтиш ила поклигингни олқишлаб, тасбиҳ ва танзиҳ этгайман. Исминг муборакдир, азаматинг буюкдир, Сендан бошқа илоҳ йўқ!»** дер эдилар, кейин такбирда: **«Аллоҳ улуғликда энг улуғдир»!** – дер эдилар; кейин: **«Ҳақ раҳматидан қувилган шайтондан, унинг васвасасидан, тузоғидан ва жодусидан асрамоғини сўраб, эшитгувчи ва билгувчи Аллоҳдан паноҳ тилайман!»** дер эдилар.

Бу бобда Али, Оиша (онамиз), Абдуллоҳ ибн Масъуд, Жобир, Жубайр ибн Мутъим ва Ибн Умар (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Саъиднинг ҳадиси бу бобда ривоят қилинган ҳадисларнинг энг машҳуридир. Илм аҳлларидан айримлари шу ҳадис билан амал қилган.

Аммо уламонинг кўпчилиги Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган ушбу ҳадисни эгаллашган: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Субҳонакаллоҳумма ва биҳамдика ва таборакасмука ва таъоло жаддука ва ло илоҳа ғайрук», дер эдилар.** Умар ибн Хаттоб ва Абдуллоҳ ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳумо) шундай деб ривоят қилганлар. Тобеъийндан ва кейингилардан илм аҳлларининг кўпчилиги наздида амал шу ҳадис асосидадир.

Абу Саъиднинг ҳадиси борасида (танқидий) сўз қилинган. Яҳё ибн Саъид, Али ибн Али ар-Рифоийни танқид қилар эди. Аҳмад: «Бу ҳадис саҳиҳ эмас», дейди.

٢٤٣ – حَدَّثَنَا الْحَسَنُ بْنُ عَرَفَةَ وَيَحْيَى بْنُ مُوسَى، قَالاَ: حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ، عَنْ حَارِثَةَ ابْنِ أَبِي الرِّجَالِ، عَنْ عَمْرَةَ، عَنْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا افْتَتَحَ الصَّلاَةَ قَالَ: «سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ، وَتَبَارَكَ اسْمُكَ، وَتَعَالَى جَدُّكَ، وَلاَ إِلَهَ غَيْرُكَ».

243. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозни очган** (бошлаган) **пайтларида: «Субҳонака аллоҳумма ва биҳамдика ва таборакасмука ва таъоло жаддука ва ло илоҳа ғайрук», дер эдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадисни Оиша (онамиз)нинг ривоятларидан (бири) сифатида ёлғиз шу важҳдан биламиз.

Ҳориса ҳақида хотираси жиҳатидан (танқидий) сўз қилинган. Абур-Рижолнинг исми – Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ал-Мадиний.

ИЗОҲ. Яъни, санода: **«Эй Аллоҳим, Сени ҳамд айтиш ила поклигингни олқишлаб, тасбиҳ ва танзиҳ эттайман. Исминг муборакдир, азаматинг буюкдир, Сендан бошқа илоҳ йўқ!»** дер эдилар.

180-БОБ. «БИСМИЛЛАҲИР-РОҲМАНИР-РОҲИЙМ»НИ МАХФИЙ АЙТМОҚ

٢٤٤ – حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا إِسْمَعِيلُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ، حَدَّثَنَا سَعِيدُ [بْنُ إِيَاسٍ] الْجُرَيْرِيُّ، عَنْ قَيْسِ بْنِ عَبَايَةَ، عَنِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مُغَفَّلٍ [قَالَ]: سَمِعَنِي أَبِي وَأَنَا فِي الصَّلاَةِ أَقُولُ بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ، فَقَالَ [لِي]: أَيْ بُنَيَّ [مُحْدَثٌ]، إِيَّاكَ وَالْحَدَثَ، قَالَ: وَلَمْ أَرَ أَحَدًا مِنْ أَصْحَابِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ أَبْغَضَ إِلَيْهِ الْحَدَثُ فِي الإِسْلاَمِ؛ يَعْنِي مِنْهُ، قَالَ: وَقَدْ صَلَّيْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَمَعَ أَبِي بَكْرٍ وَمَعَ عُمَرَ وَمَعَ عُثْمَانَ فَلَمْ أَسْمَعْ أَحَدًا مِنْهُمْ يَقُولُهَا فَلاَ تَقُلْهَا، إِذَا أَنْتَ صَلَّيْتَ فَقُلْ: ﴿الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ﴾.

244. *Абдуллоҳ ибн Муғоффалнинг ўғлидан ривоят қилинди; айтди:* **«Отам намозда менинг «Бисмиллаҳир-Роҳманир-Роҳийм» деганимни эшитди ва менга бундай деди: «Эй ўғлим!** (Бу) **бидъат, бидъатдан ҳамиша сақлангил! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан кўра, Исломда бидъатдан қаттиқроқ нафратланган бирор кишини кўрмадим». Ва айтдики: «Албатта, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан, Абу Бакр, Умар ва Усмон** (розийаллоҳу анҳум) **билан бирга намоз ўқидим. Лекин бирортаси «Бисмиллоҳ»ни** (ошкор) **айтганларини эшитмадим. Сен ҳам** (ошкор) **айтмагил ва намоз ўқиганингда «Алҳамдуллаҳи Роббил-ъоламийн», дегил».**

Абу Ийсо деди(лар): Абдуллоҳ ибн Муғаффалнинг ҳадиси – ҳасан.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан бўлмиш илм арбобларидан кўпчилиги фикрича, амал шу ҳадис асосидадир. Абу Бакр, Умар, Усмон, Али (розийаллоҳу анҳум) ва яна бошқалар ҳамда айрим тобеъийн уламолари шулар жумласидандир. Суфён Саврий, Ибн Муборак, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шудир: «Бисмиллоҳ» ошкор айтилади, деган фикрда эмаслар, «Бисмиллоҳ» махфий айтилади, деган тўхтамни қабул қилганлар.

181-БОБ. «БИСМИЛЛОҲ» ОШКОР АЙТИЛАДИ.

٢٤٥ – **حَدَّثَنَا** أَحْمَدُ بْنُ عَبْدَةَ [الضَّبِّيُّ]، حَدَّثَنَا الْمُعْتَمِرُ بْنُ سُلَيْمَانَ، قَالَ: حَدَّثَنِي إِسْمَعِيلُ بْنُ حَمَّادٍ، عَنْ أَبِي خَالِدٍ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ، قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَفْتَتِحُ بِي إِسْمَعِيلُ بْنُ حَمَّادٍ، عَنْ أَبِي خَالِدٍ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ، قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَفْتَتِحُ صَلَاتَهُ بـ: ﴿بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ﴾.

245. *Ҳазрати Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозни «Бисмиллаҳир-Роҳманир-Роҳийм» билан бошлар эдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадиснинг исноди унча (қувватли) эмас. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан кўпчилик кишилар шу қавлга эга бўлишган. Абу Ҳурайра, Ибн Умар, Ибн Аббос, Ибнуз-Зубайр (розийаллоҳу анҳум) ва улардан кейин тобеъийндан баъзи илм аҳллари, «Бисмиллоҳ» ошкор айтилади, деб қарайдилар. Шофиъийнинг қавли ҳам шу.

Исмоъийл ибн Ҳаммод – ас-Сулаймоннинг ўғли. Абу Холид ал-Волибийнинг исми – Ҳурмуз бўлиб, Куфа аҳлидандир.

182-БОБ. ҚИРОАТНИ «АЛҲАМДУЛИЛЛАҲИ РОББИЛ-ЪОЛАМИЙН» БИЛАН БОШЛАМОҚ

٢٤٦ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا أَبُو عَوَانَةَ، عَنْ قَتَادَةَ، عَنْ أَنَسٍ، قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَبُو بَكْرٍ وَعُمَرُ وَعُثْمَانُ يَفْتَتِحُونَ الْقِرَاءَةَ بِالْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ.

246. *Ҳазрати Анас (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Абу Бакр, Умар ва Усмон** (розийаллоҳу анҳум) **қироатни «Алҳамдулиллаҳи Роббил ъоламийн» билан бошлар эдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, тобеъийнлардан ва кейингилардан бўлмиш илм аҳлларининг кўпчилиги наздида амал шу ҳадис асосидадир: қироатни «Алҳамдулиллаҳи Роббил ъаламийн» билан очар эдилар.

Шофиъий айтадики: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Абу Бакр, Умар, Усмон (розийаллоҳу анҳум) қироатни «Алҳамдулиллаҳи Роббил-ъаламийн» билан бошлар эдилар» деган ҳадиснинг маъноси – «Улар «Фотиҳа»ни (зам) сурадан олдин ўқир эдилар» демакдир, «Бисмиллоҳ»ни айтишмас эди, деган маънода эмас». Шофиъий раҳимаҳуллоҳ, қироат «Бисмиллоҳ» билан бошланади, жаҳрий қироатда эса «Бисмиллоҳ» ҳам ошкор айтилади, деб ҳисоблайди.

ИЗОҲ. Барча намозларда тўрт нарса махфий айтилади: 1) Сано («Субҳонака аллоҳумма»); 2) «Аъувзубиллаҳи минаш-шайтонир-рожийм»; 3) «Бисмиллаҳир-Роҳманир-Роҳийм»; 4) «Омин» махфий айтилади *(Қаранг: «Ҳидоя», «Шарҳи Мухтасари Виқоя»).*

183-БОБ. «ФОТИҲА»СИЗ НАМОЗ ЙЎҚ

٢٤٧ – حَدَّثَنَا [مُحَمَّدُ بْنُ يَحْيَى] بْنُ أَبِي عُمَرَ [الْمَكِّيُّ أَبُو عَبْدِ اللَّهِ الْعَدَنِيُّ] وَعَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، قَالاَ: حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ مَحْمُودِ بْنِ الرَّبِيعِ، عَنْ عُبَادَةَ بْنِ الصَّامِتِ، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «لاَ صَلاَةَ لِمَنْ لَمْ يَقْرَأْ بِفَاتِحَةِ الْكِتَابِ».

247. *Убода ибн Сомит (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «**Қуръони Карим очқичи** («Фотиҳа» сураси)**ни ўқимаган кишининг намози йўқ!».**

Бу бобда Абу Ҳурайра, Оиша (онамиз), Анас, Абу Қатода ва Абдуллоҳ ибн Амр (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Уободанинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан илм аҳлларининг кўпчилиги наздида амал шу ҳадис асосидадир: Умар ибн Хаттоб, Али ибн Абу Толиб, Жобир ибн Абдуллоҳ, Имрон ибн Ҳусайн (розийаллоҳу анҳум) ва яна бошқалар шулар жумласидандир. Намоз фақатгина «Фотиҳа»ни ўқиш билан жоиз бўлади, деб қабул қилганлар.

Ибнул Муборак, Шофиъий ва Исҳоқнинг қавли шу.

ИЗОҲ. Бу имомларнинг фикрича, намознинг фарзларидан бири «Фотиҳа» сурасини ўқимоқдир. Ҳанафийлар наздида мутлоқ фарз қироатдир.

184-БОБ. «ФОТИҲА»ДАН КЕЙИН «ОМИН» ДЕМОҚ

٢٤٨ – حَدَّثَنَا بُنْدَارٌ [مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ]، حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ وَعَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ، قَالَا: حَدَّثَنَا سُفْيَانُ، عَنْ سَلَمَةَ بْنِ كُهَيْلٍ، عَنْ حُجْرِ بْنِ عَنْبَسٍ، عَنْ وَائِلِ ابْنِ حُجْرٍ، قَالَ: سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَرَأَ: ﴿غَيْرِ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ﴾، فَقَالَ: «آمِينَ» وَمَدَّ بِهَا صَوْتَهُ.

248. *Воил ибн Ҳужр (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитдим, «Ғойрил-мағзуби ъалайҳим ва лаззоллийн»ни ўқигач, «Омин» дедилар ва бунда овозларини чўздилар** (кўтардилар)**».**

Бу бобда Али ва Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳам ҳадис ривоят қилинди.

Абу Ийсо деди(лар): Воил ибн Ҳужрнинг ҳадиси – ҳасан.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, тобеъийндан ва кейингилардан кўпчилик илм аҳлларининг қавли шу: эркак киши «Омин» деганда овозини кўтармоғи ва уни махфий айтмаслиги керак, деб ҳисоблайдилар. Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

٢٤٩ - وَرَوَى شُعْبَةُ هَذَا الْحَدِيثَ عَنْ سَلَمَةَ بْنِ كُهَيْلٍ، عَنْ حُجْرٍ أَبِي الْعَنْبَسِ، عَنْ عَلْقَمَةَ بْنِ وَائِلٍ، عَنْ أَبِيهِ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَرَأَ: ﴿غَيْرِ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ، وَلَا الضَّالِّينَ﴾، فَقَالَ: «آمِينَ» وَخَفَضَ بِهَا صَوْتَهُ.

249. *Шуъба ушбу ҳадисни Салама ибн Куҳайлдан, Ҳужр Абул-Анбасдан, Алқама ибн Воилдан, унинг отасидан бундай деб ривоят*

қилади: **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ғойрил мағзуби ъалайҳим ва лаззоооллийн»ни ўқигач, «Омин» дедилар ва бу сўзда овозларини пастлатдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Муҳаммаддан бундай деганини эшитдим: «Бу бобда Суфённинг ҳадиси Шуъбанинг ҳадисидан кўра саҳиҳроқ. Шуъба бу ҳадиснинг бир қанча жойида янглишиб, «Ҳужр Абул-Анбас» дейди. Ҳолбуки, у Ҳужр ибн Анбас бўлиб, «Абу Сакан» куняси билан аталади. Кейин: «Алқама ибн Воилдан», дейди. Ҳолбуки, ҳадиснинг санадида Алқама йўқ ва у «Воил ибн Ҳужр» бўлади. Кейин: «Бу сўзда овозларини пастлатдилар» дейди, ваҳоланки, «бу сўзда овозларини баландлатдилар» бўлади.

Абу Зуръадан бу ҳадис ҳақида сўрадим, айтдики: «Бу бобда Суфённинг ҳадиси Шуъбанинг ҳадисидан кўра саҳиҳроқ. Ал-Аъло ибн Солиҳ ал-Асадий ҳам Салама ибн Куҳайлдан Суфённинг ривоятидек ривоят қилган».

Абу Бакр Муҳаммад ибн Абон бизга Абдуллоҳ ибн Нумайрдан, Ал-Аъло ибн Солиҳ ал-Асадийдан, Салама ибн Куҳайлдан, Ҳужр ибн Анбасдан, Воил ибн Ҳужрдан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан баён қилди; (бу) Суфён Салама ибн Куҳайлдан ривоят қилган ҳадиснинг ўхшашидир.

ШАРҲ. Овоз чиқариб «омин» дейиш ҳанафийлар наздида суннат эмас. Бу 148-ҳадис маслаҳатлардан, яъни бир ишни тузатиш учун қилинган амаллардан бири бўлиб, умматга таълим учун эди. Ҳазрат Воил ибн Ҳужр Мадинаи мунаввара га ташриф буюрганларида йигирма кун турдилар ва олтмишта жаҳрий намозни Набийи Акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларида ўқидилар. Шундан уч намозда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам овозларини чиқариб «омин» дедилар, бу ҳазрат Воил ибн Ҳужрга таълим бериш учун эди. Демак, бу ҳадисдир, суннат эмасдир.

Ҳазрат Воил айтадиларки:

غير المغضوب عليهم ولا الضالين

«Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ғойрил-мағзуби алайҳим валаззоллийн» дегач, «омин» деб овозларини кўтардилар, яъни овозларини чиқариб «омин» дедилар». Кейинги ривоятда:

سمعته وأنا خلفه

«...Мен жаноб Расулуллоҳнинг овозларини эшитар эдим, чунки мен у зотнинг ортларида турган эдим», дейдилар.

Бундан қанчалик овоз билан «омин» дейиш мумкинлигини андаза қилиб олса бўлади. Бугунги кунда овозини чиқариб «омин» дегувчилар иккита хатоликка йўл қўймоқдалар: биринчиси, чинқириб «омин» демоқдалар, ҳолбуки, Жаноби Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам

шунчалик «омин» дедиларки, биринчи сафда турган ҳазрат Воил эшитдилар, холос; иккинчи хато шуки, «омин» деганларида алифни чўзмоқдалар. Фақат бир алиф миқдорида чўзиш лозимдир.

Ҳазрат Воил айтадилар: «Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам «омин» деганларини мен аввалги сафда туриб эшитдим». Ва бир ривоятда: «Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам уч марта «омин» дедилар».

Ҳадисдаги ثلاثا – **«уч марта»**дан зоҳир маъно шуки, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам уч дафъа омин деганлар, лекин Ҳофиз ибн Ҳожар «Фатҳул-борий»да ёзадиларки: « ثلاثا – **«уч марта»**нинг матлаби уч дафъа эмас, балки уч намозда жаҳрий «омин» деганлар».

Йигирма куннинг жаҳрий намози олтмишта бўлади, улардан фақат учта намозда жаҳрий «омин» деган эдилар. Буни ҳам ҳазрати Воилга таълим учун қилган эдилар. Дулобийнинг «كتاب الأسماء والكنى» – **«Исмлар ва кунялар»** асарида ривоят бор. Унда ҳазрати Воил розийаллоҳу анҳу айтадилар:

ما أراه إلا ليعلمنا

«Мен шундай фикр қилдимки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам «омин» дейишни менга ўргатиш учун овоз чиқариб қилдилар».

Бундан маълум бўладики, Жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жаҳрий омин демоқлари хос маслаҳат учун эди. Бас, бундан ҳам фақат жоизлик, яъни рухсат собит бўлади, суннат собит бўлмайди.

Уч қисм ривоятлар ҳадис бўлади, суннат бўлмайди. Биринчиси, мансух бўлган ҳадислар. Иккинчиси, севикли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзларига хос ҳадислардир. Учинчи қисм ҳадисларда Расули акрам ниманидир айтганлар ёки бирор амални қилганлар, лекин қайсидир маслаҳат ёки тушунтириш учун қилганлар.

Бу далилларга кўра, «омин»ни жаҳрий айтиш суннат эмасдир. *(Шайхул-Ҳадис Саъийд Аҳмад Болонпурий: «Сунани Термизий шарҳи бўлмиш «Туҳфатул-алмаъий» китобидан.)*

185-БОБ. «ФОТИҲА»ДАН КЕЙИН «ОМИН» ДЕМОҚНИНГ ФАЗИЛАТИ

٢٥٠ – حَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ [مُحَمَّدُ بْنُ الْعَلَاءِ]، حَدَّثَنَا زَيْدُ بْنُ حُبَابٍ حَدَّثَنِي مَالِكُ ابْنُ أَنَسٍ، حَدَّثَنَا الزُّهْرِيُّ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْمُسَيَّبِ وَأَبِي سَلَمَةَ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «إِذَا أَمَّنَ الإِمَامُ فَأَمِّنُوا، فَإِنَّهُ مَنْ وَافَقَ تَأْمِينُهُ تَأْمِينَ الْمَلَائِكَةِ غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ» .

250. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Имом «Омин» деганда сизлар ҳам «Омин» денглар. Зеро, кимнинг «Омин»и малоикаларнинг «Омини»га тўғри келиб қолса, у кишининг ўтган гуноҳлари кечирилади».**

Абу Ийсо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

ИЗОҲ. Юқоридаги шарҳдан маълум бўладики, Ҳанафийлар наздида «омин» махфий, яъни ўзи эшитадиган қилиб айтилади.

186-БОБ. НАМОЗДАГИ ИККИ САКТА
(Тўхтаб, тин олмоқ)

٢٥١ – حَدَّثَنَا [أَبُو مُوسَى] مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى، حَدَّثَنَا عَبْدُ الأَعْلَى، عَنْ سَعِيدٍ، عَنْ قَتَادَةَ، عَنِ الْحَسَنِ، عَنْ سَمُرَةَ قَالَ: سَكْتَتَانِ حَفِظْتُهُمَا عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَأَنْكَرَ ذَلِكَ عِمْرَانُ بْنُ حُصَيْنٍ، وَقَالَ : حَفِظْنَا سَكْتَةً، فَكَتَبْنَا إِلَى أُبَيِّ بْنِ كَعْبٍ بِالْمَدِينَةِ، فَكَتَبَ أُبَيٌّ أَنْ حَفِظَ سَمُرَةُ، قَالَ سَعِيدٌ: فَقُلْنَا لِقَتَادَةَ: مَا هَاتَانِ السَّكْتَتَانِ ؟ قَالَ: إِذَا دَخَلَ فِي صَلَاتِهِ، وَإِذَا فَرَغَ مِنَ الْقِرَاءَةِ، ثُمَّ قَالَ بَعْدَ ذَلِكَ: وَإِذَا قَرَأَ: ﴿وَلَا الضَّالِّينَ﴾، قَالَ : وَكَانَ يُعْجِبُهُ إِذَا فَرَغَ مِنَ الْقِرَاءَةِ أَنْ يَسْكُتَ حَتَّى يَتَرَادَّ إِلَيْهِ نَفَسُهُ .

251. *Самура (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; у:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан икки сактани** (ўрганиб) **эслаб қолдик», деди. Имрон ибн Ҳусайн буни инкор қилиб: «Бир сактани ёд олдик», деди. Шунда Мадинада яшаётган Убай ибн Каъбга мактуб ёздик. Убай ўз жавобида: «Самура эслаб қолибди», деб ёзди. Саъид айтади: «Қатодадан: «Бу икки сакта нима?» деб сўрадик. Айтдики, биринчи сакта** (тўхтаб, тин олмоқ) **намозни бошлаган пайтда ва иккинчиси қироатни тугатган пайтдадир». Кейин эса: «ва лаззооллийн «ни айтганда», деди. Айтадики: «Қироатни тугатган пайтларида, то ўзларини жамлаб** (бўғинлари жой-жойига тушиб) **олгунларича сукут қилиб, тин олар эдилар».**

Бу бобда Абу Ҳурайрадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Самуранинг ҳадиси – ҳасан.

Илм аҳлидан биттадан кўп кишининг қавли шудир. Имом намоз бошлаганидан кейин ва тағин қироатни тугатганидан кейин сакта қилмоғини (тўхтаб, тин олмоғини) мустаҳаб деб қарайдилар. Аҳмад, Исҳоқ ва биродарларимизнинг ҳам қавли шу.

187-БОБ. НАМОЗДА (ҚИЁМДА) ЎНГ ҚЎЛНИ ЧАП ҚЎЛНИНГ УСТИГА ҚЎЙМОҚ

٢٥٢ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا أَبُو الأَحْوَصِ، عَنْ سِمَاكِ بْنِ حَرْبٍ، عَنْ قَبِيصَةَ بْنِ هُلْبٍ، عَنْ أَبِيهِ، قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَؤُمُّنَا فَيَأْخُذُ شِمَالَهُ بِيَمِينِهِ .

252. *Ҳулб (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга имомлик қилар эдилар ва ўнг қўллари билан чап қўлларини ушлар эдилар».** (Яъни, ўнг қўлларини чап қўлларининг устига қўяр эдилар).

Бу бобда Воил ибн Ҳужр, Ғутайф ибн ал-Ҳорис, Ибн Аббос, Ибн Масъуд ва Саҳл ибн Саъд (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ҳулбнинг ҳадиси – ҳасан.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, тобеъийнлардан ва кейингилардан бўлмиш илм аҳлларининг наздида амал шу ҳадис асосидадир. Киши намозда (қиёмда) ўнг қўлини чап қўлининг устига қўяди, деган тўхтамдалар.

Айрим илм аҳлларининг фикрича, қўлларини киндигининг устига ва айримларининг фикрича, киндигининг остига қўяди. Ҳар иккиси ҳам уламолар наздида маъқул ва мўътабардир.

Ҳулбнинг исми – Язид ибн Қунофа ат-Тоий.

188-БОБ. РУКУЪГА ВА САЖДАГА БОРАЁТИБ ТАКБИР АЙТМОҚ

٢٥٣ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا أَبُو الأَحْوَصِ، عَنْ أَبِي إِسْحَقَ، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ الأَسْوَدِ، عَنْ عَلْقَمَةَ وَالأَسْوَدِ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ [بْنِ مَسْعُودٍ] قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُكَبِّرُ فِي كُلِّ خَفْضٍ وَرَفْعٍ وَقِيَامٍ وَقُعُودٍ، وَأَبُو بَكْرٍ وَعُمَرُ.

253. *Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам, Абу Бакр билан Умар ҳам, ҳар гал эгилишда ва кўтарилишда, қиёмда ва қуъудда** (тик туришда ва ўтиришда) **такбир айтар эдилар».**

Бу бобда Абу Ҳурайра, Анас, Ибн Умар, Абу Молик ал-Ашъарий, Абу Мусо, Имрон ибн Ҳусайн, Воил ибн Ҳужр, Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абдуллоҳ ибн Масъуднинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларининг амали шу ҳадис асосидадир. Абу Бакр, Умар, Усмон, Али ва яна бошқалар (розийаллоҳу анҳум) шулар жумласидандир. Тобеъийннинг, уламо ва фуқаҳонинг (олимлар ва фақиҳларнинг) барчаларининг қавли шудир.

189-БОБ. ЎША МАВЗУ

٢٥٤ – حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ مُنِيرٍ [الْمَرْوَزِيُّ] ، قَالَ: سَمِعْتُ عَلِيَّ بْنَ الْحَسَنِ قَالَ: أَخْبَرَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ الْمُبَارَكِ، عَنِ ابْنِ جُرَيْجٍ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ أَبِي بَكْرِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يُكَبِّرُ وَهُوَ يَهْوِي.

254. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам** (қиёмдан) **эгилаётиб такбир айтар эдилар»**.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан бўлмиш илм аҳлларининг қавли шудир: Киши рукуъга ва саждага бораётиб такбир айтади, деб қабул қилганлар.

190-БОБ. РУКУЪГА БОРАЁТИБ ҚЎЛЛАРНИ КЎТАРМОҚ

٢٥٥ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ وَابْنُ أَبِي عُمَرَ، قَالاَ: حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ سَالِمٍ، عَنْ أَبِيهِ قَالَ: رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا افْتَتَحَ الصَّلاَةَ يَرْفَعُ يَدَيْهِ حَتَّى يُحَاذِيَ مَنْكِبَيْهِ، وَإِذَا رَكَعَ، وَإِذَا رَفَعَ رَأْسَهُ مِنَ الرُّكُوعِ، وَزَادَ ابْنُ أَبِي عُمَرَ فِي حَدِيثِهِ: وَكَانَ لاَ يَرْفَعُ بَيْنَ السَّجْدَتَيْنِ .

255. *Ҳазрати Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни намозни бошлаган вақтларида, рукуъга бораётганларида ва рукуъдан қайтганларида қўлларини елка баробарида кўтарганларини кўрдим». Ибн Аби Умар ўз ҳадисида қўшимча қилиб: «Икки сажда орасида** (қўлларини) **кўтармас эдилар», дейди.**

٢٥٦ – [قَالَ أبو عِيسَى] : حَدَّثَنَا الْفَضْلُ بْنُ الصَّبَّاحِ الْبَغْدَادِيُّ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ، حَدَّثَنَا الزُّهْرِيُّ بِهَذَا الإِسْنَادِ نَحْوَ حَدِيثِ ابْنِ أَبِي عُمَرَ .

256. *Абу Ийсо (ат-Термизий) деди(лар): Ал-Фазл ибн ас-Собба ҳ ал-Бағдодий бу ҳадисни худди шу иснод билан Ибн Абу Умар ҳадисига ўхшаш тарзда ривоят қилган.*

Бу бобда Умар, Али, Воил ибн Ҳужр, Молик ибн ал-Ҳувайрис, Анас, Абу Ҳурайра, Абу Ҳумайд, Абу Усайд, Саҳл ибн Саъд, Муҳаммад ибн Маслама, Абу Қатода, Абу Мусо ал-Ашъарий, Жобир ва Умайр ал-Лайсий (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан айрим илм аҳлларининг қавли шу. Ибн Умар, Жобир ибн Абдуллоҳ, Абу Ҳурайра, Анас, Ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр, тағин бошқалар шулар орасида бор. Тобеъийндан Ҳасан Басрий, Ато, Товус, Мужоҳид, Нофиъ, Солим ибн Абдуллоҳ, Саъид ибн Жубайр ва яна бошқаларнинг қавли шу. Молик, Маъмар, Авзоий, Ибн Уйайна, Абдуллоҳ ибн Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ шу қавлга эга бўлишган.

Абдуллоҳ ибн Муборак, Аз-Зуҳрийнинг Солимдан, унинг отасидан ривоят қилган ҳадисини зикр қилиб, бундай дейди: «Қўлларини кўтарган кишининг ҳадиси собитдир ва Ибн Масъуднинг: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам фақат биринчи мартасида (намоз бошида) қўлларини кўтарар эдилар» деган ҳадиси собит эмас». Абдуллоҳ ибн Муборакнинг бу сўзини Аҳмад ибн Абда ал-Амулий, Ваҳб ибн Замъадан, Суфён ибн Абдумаликдан, Абдуллоҳ ибн Муборакдан бизга етказган.

Яҳё ибн Мусо, Исмоъийл ибн Абу Увайсдан нақл этиб, бизга баён қилди ва айтдики: «Молик ибн Анас намозда қўлларини кўтариш фикрида эди».

Шунингдек, Яҳё Абдурраззоқдан нақл этиб, бундай дейди: «Маъмар намозда қўлларини кўтариш фикрида эди».

Ал-Жоруд ибн Муъоздан бундай деганини эшитдим: «Суфён ибн Уйайна, Умар ибн Ҳорун ва Ан-Назр ибн Шумайл намозни бошлаганда, рукуъга бораётганда ва рукуъдан қайтаётганда қўлларини кўтарар эдилар».

ИЗОҲ. Имом Термизий Абдуллоҳ ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу)нинг: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам фақат биринчи мартасида** (намоз бошида) **қўлларини кўтарар эдилар»** деган ҳадисларини кейинги бобда махсус **«Бисмиллаҳир-Роҳманир-Роҳийм»** билан алоҳида баён қиладилар.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

191-БОБ. РАСУЛИ АКРАМ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ ФАҚАТГИНА БИРИНЧИ ТАКБИРДА (НАМОЗНИНГ БОШЛАНИШИДА) ҚЎЛЛАРИНИ КЎТАРАР ЭДИЛАР

٢٥٧ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنْ سُفْيَانَ، عَنْ عَاصِمِ بْنِ كُلَيْبٍ، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ ابْنِ الأَسْوَدِ، عَنْ عَلْقَمَةَ، قَالَ: قَالَ عَبْدُ اللَّهِ [بْنُ مَسْعُودٍ] : أَلاَ أُصَلِّي بِكُمْ صَلاَةَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ؟ فَصَلَّى فَلَمْ يَرْفَعْ يَدَيْهِ إِلاَّ فِي أَوَّلِ مَرَّةٍ.

257. *Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; у киши:* «**Сизларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намозларидек намоз ўқиб берайинми?» дедилар. Сўнг ўқиб бердилар ва қўлларини фақатгина биринчи такбирда** (такбири таҳримада) **кўтардилар».**

Бу бобда Ал-Баро ибн Озибдан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Масъуднинг ҳадиси ҳасан.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобеъийнлардан биттадан кўп илм аҳлларининг қавли шудир. Суфён Саврий ва Куфа олимлари шу қавлга эга бўлганлар.

ИЗОҲ. Бу ҳадис ер юзи мусулмонларининг кўпчилиги амал қиладиган, Ҳанафий мазҳаби учун ҳужжат қилиб олинган ҳадисдир. Чунки саҳобаларнинг энг қадимгиларидан, энг илғорларидан ва фақиҳларидан бўлмиш Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳудан энг сўнгроқ ривоят қилингандир. Муҳақиқ уламолар бу ҳадисни саҳиҳ деб тўхталганлар.

192-БОБ. РУКУЪДА ҚЎЛЛАРНИ ТИЗЗАЛАР КЎЗИГА ҚЎЙМОҚ

٢٥٨ – حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ عَيَّاشٍ، حَدَّثَنَا أَبُو حَصِينٍ، عَنْ أَبِي عَبْدِ الرَّحْمَنِ السُّلَمِيِّ ، قَالَ: قَالَ لَنَا عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ [رَضِيَ اللَّه عَنْه] : إِنَّ الرُّكَبَ سُنَّتْ لَكُمْ فَخُذُوا بِالرُّكَبِ .

258. *Ҳазрати Умар ибн Хаттоб (розийаллоҳу анҳу) дан ривоят қилинди; айтдилар:* «**Тиззалар**(га суянмоқ) **сизларга суннат қилинди. Бас, тиззаларни тутингизлар!».**

Бу бобда яна Саъд, Анас, Абу Ҳумайд, Абу Усайд, Саҳл ибн Саъд, Муҳаммад ибн Маслама ва Абу Масъуд (розийаллоҳу анҳум) дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): (Ҳазрати) Умарнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, тобеъийнлардан ва улардан кейингилардан илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир. Бу хусусда ораларида ихтилоф йўқ. Фақат Ибн Масъуд ва баъзи биродарлари, рукуъда панжаларини бириктирган ҳолда тиззалари ўртасига қўйганлари ривоят қилинган. Илм аҳлларининг фикрига кўра «тадбиқ» деб аталган бу ҳаракат насх этилган (бекор қилинган).

٢٥٩- قَالَ سَعْدُ بْنُ أَبِي وَقَّاصٍ: كُنَّا نَفْعَلُ ذَلِكَ فَنُهِينَا عَنْهُ، وَأُمِرْنَا أَنْ نَضَعَ الأَكُفَّ عَلَى الرُّكَبِ، [قَالَ] : حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا أَبُو عَوَانَةَ، عَنْ أَبِي يَعْفُورٍ، عَنْ مُصْعَبِ بْنِ سَعْدٍ، عَنْ أَبِيهِ سَعْدٍ بِهَذَا .

259. *Саъд ибн Абу Ваққос айтадик:* **«Биз шундай қилар эдик, кейин бундан қайтарилдик ва бизга кафтларимизни** (панжаларимизни) **тиззалар кўзига қўйиш буюрилди»**.

Қутайба бу ҳадисни бизга Абу Авонадан, Абу Йаъфурдан, Масъуд ибн Саъддан, унинг отаси Саъд ибн Абу Ваққосдан баён қилди.

Абу Ҳумайд ас-Соъидийнинг исми – Абдурраҳмон ибн Саъд ибн ал-Мунзир.

Абу Усайд ас-Соъидийнинг исми – Молик ибн Робиъа.

Абу Ҳасийннинг исми – Усмон ибн Осим ал-Асадий.

Абу Абдурраҳмон ас-Суламийнинг исми – Абдуллоҳ ибн Ҳабиб.

Абу Йаъфур эса – Абдурраҳмон ибн Убайд ибн Нистос.

Абу Йаъфур ал-Абдийнинг исми эса – Воқид ва Вақдон деб ҳам аталади. Абдуллоҳ ибн Абу Авфодан ривоят қилган киши шудир.

Иккалалари ҳам Куфа аҳлидандирлар.

193-БОБ. РУКУЪДА ҚЎЛЛАР ҚЎЛТИҚДАН АЖРАЛМОҒИ

٢٦٠ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ بُنْدَارٌ، حَدَّثَنَا أَبُو عَامِرٍ الْعَقَدِيُّ، حَدَّثَنَا فُلَيْحُ بْنُ سُلَيْمَانَ، حَدَّثَنَا عَبَّاسُ بْنُ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ قَالَ: اجْتَمَعَ أَبُو حُمَيْدٍ وَأَبُو أُسَيْدٍ وَسَهْلُ بْنُ سَعْدٍ وَمُحَمَّدُ بْنُ مَسْلَمَةَ فَذَكَرُوا صَلاَةَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ أَبُو حُمَيْدٍ: أَنَا أَعْلَمُكُمْ بِصَلاَةِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَكَعَ فَوَضَعَ يَدَيْهِ عَلَى رُكْبَتَيْهِ كَأَنَّهُ قَابِضٌ عَلَيْهِمَا، وَوَتَرَ يَدَيْهِ فَنَحَّاهُمَا عَنْ جَنْبَيْهِ.

260. *Аббос ибн Саҳлдан ривоят қилинди; айтди:* **«Абу Ҳумайд, Абу Усайд, Саҳл ибн Саъд ва Муҳаммад ибн Маслама тўпланишиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намозларини музокара қилдилар. Шунда Абу Ҳумайд айтди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намозларини яхши билувчироқларингиз менман. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам рукуъга бордилар, икки қўлларини** (панжаларини) **икки тиззалари** (кўзи)**га қўйдилар, худи тиззаларини чангаллаб тутгандек қилдилар, қўлларини кериб, қўлтиқларидан ажратдилар».**

Бу бобда Анас (розийаллоҳу анҳу)дан ҳам ривоят бор.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Ҳумайднинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳли шуни ихтиёр этган: «Эркак киши рукуъда ва саждада қўлларини қўлтиқларидан ажратади».

194-БОБ. РУКУЪ ВА САЖДА ТАСБИҲЛАРИ ҲАҚИДА

٢٦١ – حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، أَخْبَرَنَا عِيسَى بْنُ يُونُسَ، عَنِ ابْنِ أَبِي ذِئْبٍ، عَنْ إِسْحَقَ بْنِ يَزِيدَ الْهُذَلِيِّ، عَنْ عَوْنِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُتْبَةَ، عَنِ ابْنِ مَسْعُودٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «إِذَا رَكَعَ أَحَدُكُمْ فَقَالَ فِي رُكُوعِهِ: سُبْحَانَ رَبِّيَ الْعَظِيمِ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ فَقَدْ تَمَّ رُكُوعُهُ، وَذَلِكَ أَدْنَاهُ، وَإِذَا سَجَدَ فَقَالَ فِي سُجُودِهِ: سُبْحَانَ رَبِّيَ الأَعْلَى ثَلَاثَ مَرَّاتٍ فَقَدْ تَمَّ سُجُودُهُ، وَذَلِكَ أَدْنَاهُ».

261. *Ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;* «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «**Сизлардан бирортангиз рукуъга борганда, рукуъда уч марта «Субҳона Роббийал-ъазийм»**[53] **деса, рукуъси тўлиқ бўлади, бу энг камидир; ва саждага борганда саждада уч марта «Субҳона Роббийал-аъло»,**[54] **деса, саждаси тўлиқ бўлади, бу энг камидир».**

Бу бобда Ҳузайфа ва Уқба ибн Омирдан ҳам ривоят бор.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Масъуд ҳадисининг исноди муттасил эмас. Чунки Авн ибн Абдуллоҳ ибн Утба Ибн Масъуд билан учрашмаган.

Илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир: киши рукуъ ва саждада уч мартадан оз тасбиҳ айтмоғини қабул қилмаганлар. (Яъни, камида уч марта тасбиҳ айтмоғи керак).

---

[53] Улуғ Роббим пок ва муназзаҳдир.

[54] Энг буюк – олий Роббим пок ва муназзаҳдир.

Ибн Муборакдан бундай деб айтгани ривоят қилинади: «Имом беш марта тасбиҳ айтмоғини мен мустаҳаб кўраман. Токи орқасида унга эргашганлар уч марта тасбиҳ айтишга улгурсинлар».

٢٦٢ – حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلَانَ، حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ قَالَ: أَنْبَأَنَا شُعْبَةُ، عَنِ الأَعْمَشِ، قَالَ: سَمِعْتُ سَعْدَ بْنَ عُبَيْدَةَ يُحَدِّثُ عَنِ الْمُسْتَوْرِدِ، عَنْ صِلَةَ بْنِ زُفَرَ، عَنْ حُذَيْفَةَ أَنَّهُ صَلَّى مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَكَانَ يَقُولُ فِي رُكُوعِهِ: «سُبْحَانَ رَبِّيَ الْعَظِيمِ» وَفِي سُجُودِهِ: «سُبْحَانَ رَبِّيَ الأَعْلَى» وَمَا أَتَى عَلَى آيَةِ رَحْمَةٍ إِلاَّ وَقَفَ وَسَأَلَ، وَمَا أَتَى عَلَى آيَةِ عَذَابٍ إِلاَّ وَقَفَ وَتَعَوَّذَ.

262. *Ҳузайфа (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«У** (Ҳузайфа) **Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга намоз ўқиди. Рукуъда: «Субҳона Роббийал-ъазийм», саждада эса «Субҳона Роббийал-аъло» дер эдилар.** (Қироатлари асносида) **раҳмат оятига келганларида тўхтаб,** (Аллоҳдан) **раҳмат тилар эдилар; азоб оятига келганларида тўхтаб,** (Аллоҳдан) **паноҳ тилар эдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

٢٦٣ – [قَالَ] : [و] حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ، عَنْ شُعْبَةَ نَحْوَهُ.

263. *Шуъба (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; ўтган ҳадиснинг ўзи.*

Бу ҳадис Ҳузайфа (розийаллоҳу анҳу)дан бундан бошқа важҳдан ҳам ривоят қилинди. **«У** (Ҳузайфа) **Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга тунда намоз ўқиди».** Ва ҳадисни зикр қилди.

195-БОБ. РУКУЪДА ВА САЖДАДА ҚУРЪОН ҚИРОАТ ҚИЛИНМАСЛИГИ

٢٦٤ – حَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ مُوسَى الأَنْصَارِيُّ، حَدَّثَنَا مَعْنٌ، حَدَّثَنَا مَالِكٌ [بْنُ أَنَسٍ] [ح] وحَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، عَنْ مَالِكٍ، عَنْ نَافِعٍ، عَنْ إِبْرَاهِيمَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ حُنَيْنٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى عَنْ لُبْسِ الْقَسِّيِّ وَالْمُعَصْفَرِ، وَعَنْ تَخَتُّمِ الذَّهَبِ، وَعَنْ قِرَاءَةِ الْقُرْآنِ فِي الرُّكُوعِ.

264. *(Ҳазрати) Али ибн Абу Толиб (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ипак матоҳ ва муъас-**

фар (сариққа бўялган) **кийим киймоқдан, олтин узук тақмоқдан ва рукуъда Қуръон ўқимоқдан қайтардилар».**

Бу бобда Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳам ривоят бор.

*Абу Ийсо деди(лар): (*Ҳазрати) Алининг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан бўлмиш илм аҳллари ва саҳобаларидан кейинги олимларнинг қавли шу.

Рукуъда ва саждада (Қуръон) қироат қилмоқни макруҳ деб ҳисоблашган.

ИЗОҲ. Имом Муслим, Имом Абу Довуд ва Имом Насоий томонларидан тахриж қилинган бу ҳадисда бундай дейилади: **«Муҳаққақки, мен рукуъда ва саждада туриб Қуръон ўқимоқдан қайтарилдим. Бас, рукуъда Роббингизга таъзим қилингизлар ва саждада эса дуога машғул бўлингизларким, дуоларингиз қабул қилингайдир».**

196-БОБ. РУКУЪДА ВА САЖДАДА БЕЛИНИ ТЎКИС БУКМАГАН КИШИ

٢٦٥ – حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ، عَنِ الأَعْمَشِ، عَنْ عُمَارَةَ بْنِ عُمَيْرٍ، عَنْ أَبِي مَعْمَرٍ، عَنْ أَبِي مَسْعُودٍ الأَنْصَارِيِّ [الْبَدْرِيِّ] قَالَ: قال رسول اللّٰه صلى اللّٰه عليه وسلم: «لاَ تُجْزِئُ صَلاَةٌ لاَ يُقِيمُ فِيهَا الرَّجُلُ - يَعْنِي: صُلْبَهُ - فِي الرُّكُوعِ وَالسُّجُودِ».

265. *Абу Масъуд ал-Ансорий (ал-Бадрий)дан ривоят қилинди; айтди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Намозда тўлиқ текисланмаган, яъни рукуъда ва саждада белини текис букмаган эркак кишининг намози дуруст эмас!»**

Бу бобда Али ибн Шайбон, Анас, Абу Ҳурайра ва Рифоъа аз-Зуроқий (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Масъуднинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан илм аҳлининг ва улардан кейинги олимларнинг наздида амал шу ҳадис асосидадир. Эркак киши рукуъда ва саждада белини тўлиқ текис букмоғи керак деган жиҳатга эга бўлганлар.

Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: **«Намоз ўқиётиб рукуъда ва саждада белини тўлиқ текис букмаган эркак кишининг намози дуруст эмас»,** деган ҳадисларига таяниб, рукуъда ва саждада тўлиқ тўғриланмаган (текисланмаган) кишининг намози дуруст эмас, деб қабул қилганлар.

Абу Маъмарнинг исми – Абдуллоҳ ибн Саҳбара. Бадрлик Абу Масъуд ал-Ансорийнинг исми – Уқба ибн Амр.

ИЗОҲ. Бу имомлар фикрича, таъдили аркон ва рукнларда мукаммаллик (тўлиқ бажариш) – фарз. Имоми Абу Ҳанифа ва Имом Муҳаммаднинг фикрларича, бу вожибдир. Шунингдек, баъзиларнинг суннат дегани ҳам баён қилинган. Чунончи, Таҳовийнинг сўзидан кўпроқ вожиб экани англашилади.

Ҳанафий уламоларнинг таъдили аркон фарз бўлмай, вожиб эканига доир келтирган далилларидан бири ушбудир: «Аллоҳу таоло: «**Эй иймон келтирганлар! Рукуъ қилинглар, сажда қилинглар,**[55] **Раббингизга бандалик қилинглар** (амарларига мувофиқ яшанглар) **ва яхшилик қилинглар, токи нажот топгайсизлар»** (Ҳаж сураси, 77-оят) деб марҳамат этади. Ояти жалилада рукуъ ва сажда қилиш амр этилмоқда. «Рукуъ» ва «сужуд» маънолари маълум бўлган хос атамалардир. Рукуънинг маъноси — эгилмоқ ва сажданинг маъноси тиз чўкмоқдир. Мазкур ояти жалиланинг ҳукмига кўра, қиёмдан мутлоқ тарзда эгилмоқ ва (саждада) қўлини ерга қўймоқ фарздир. Зеро, хабари воҳид билан Қуръоннинг итлоқини насх этиш (бекор қилиш) жоиз эмас.

Бу ва бунга ўхшаш оятлар дунё ва охиратда муродга етишнинг таъминотидир.

197-БОБ. НАМОЗХОН РУКУЪДАН БОШ КЎТАРГАНДА НИМА ДЕЙДИ?

٢٦٦ – حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلَانَ، حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ الطَّيَالِسِيُّ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الْعَزِيزِ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي سَلَمَةَ الْمَاجِشُونُ، حَدَّثَنِي عَمِّي، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الأَعْرَجِ، عَنْ عُبَيْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي رَافِعٍ، عَنْ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ، قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا رَفَعَ رَأْسَهُ مِنَ الرُّكُوعِ قَالَ: «سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمِدَهُ، رَبَّنَا وَلَكَ الْحَمْدُ مِلْءَ السَّمَوَاتِ وَمِلْءَ الأَرْضِ، وَمِلْءَ مَا بَيْنَهُمَا، وَمِلْءَ مَا شِئْتَ مِنْ شَيْءٍ بَعْدُ».

266. *(Ҳазрати) Али ибн Абу Толиб (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам рукуъдан бошларини кўтарганларида бундай дер эдилар: «Самиаъллоҳу лиман ҳамидаҳ, Роббана ва лакал-ҳамд, милъа-с-самовати ва милъал-арзи ва милъа мо байнаҳумо ва милъа мо шиъта мин шайин баъду...»**

Бу бобда Ибн Умар, Ибн Аббос, Ибн Абу Авф, Абу Жуҳайфа ва Абу Саъид (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Йисо деди(лар): (Ҳазрати) Алининг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

[55] Имом Шофиъий оятда келган саждани саждаи тиловат сифатида олганлар, Ҳанафийлар фикрича эса бу ўриндаги сажда намозда қилиниши билдирилган саждадир.

Баъзи илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир.

Имоми Шофиъийнинг қавли ҳам шу. Шофиъийнинг фикрига кўра, хоҳ фарзда, хоҳ нафл намозларида бўлсин, шу сўзлар айтилади.

Куфа фақиҳларидан баъзиларининг фикрича, буни фақат нафл намозида айтади, фарз намозларида айтмайди.

ИЗОҲ. Яъни, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам рукуъдан бошларини кўтарганларида: **«Аллоҳ Унга ҳамд айтган кишининг ҳамдини эшитгайдир (қабул қилгайдир)». «Эй Раббимиз! Сенга осмонлар ва ер ҳамда уларнинг ораси тўла, ва Ўзинг хоҳлаган (Арш ва курсий каби муҳташам) борлиқлар тўла ҳамдлар бўлсин!»** – дер эдилар.

198-БОБ. ЎТГАН МАВЗУ
(Рукуъдан кўтарилганда ўқиладиган нарса)

٢٦٧ – حَدَّثَنَا [إِسْحَقُ بْنُ مُوسَى] الأَنْصَارِيُّ، حَدَّثَنَا مَعْنٌ، حَدَّثَنَا مَالِكٌ، عَنْ سُمَيٍّ ، عَنْ أَبِي صَالِحٍ ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «إِذَا قَالَ الإِمَامُ: سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمِدَهُ فَقُولُوا: رَبَّنَا وَلَكَ الْحَمْدُ؛ فَإِنَّهُ مَنْ وَافَقَ قَوْلُهُ قَوْلَ الْمَلاَئِكَةِ غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ».

267. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Имом «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ» деганда, «Роббана ва лакал-ҳамд!» деб айтингизлар. Чунки, кимнинг айтгани малоикаларнинг айтганига тўғри келиб қолса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилади».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг баъзи саҳобаларидан илм аҳлларининг ва саҳобаларидан кейинги олимлардан баъзиларининг наздида амал шу ҳадис асосидадир. Имом: «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ» дейди, имомнинг орқасидагилар эса: «Роббана ва лакал-ҳамд!» дейдилар.

Имоми Аҳмаднинг қавли ҳам шу. Ибн Сийрийн ва бошқаларнинг фикрига кўра, имомнинг орқасидагилар имом айтганидек: «Самиъаллоҳу лиман-ҳамидаҳ, Роббана ва лакал-ҳамд», дейдилар. Шофиъий билан Исҳоқнинг қавли шундай.

ИЗОҲ. «Аллоҳ Унга ҳамд айтган кишининг ҳамдини эшитгайдир (қабул этгайдир)». «Эй Раббимиз! Сенга ҳамдлар бўлсин!» Ҳадиснинг зоҳири барча гуноҳларнинг кечирилишига далолат қилади. Аммо уламолар буни кичик гуноҳларга тегишли, деб ҳисоблаганлар. Инсоннинг айтгани малоикаларнинг айтганига тўғри келиб қолиши «Роббана ва лакал-ҳамд!» сўзининг фаришталар билан айни бир вақтда айтилмоғидир.

199-БОБ. САЖДАГА БОРАЁТИБ ТИЗЗАЛАРНИ ҚЎЛЛАРДАН ОЛДИН ЕРГА ҚЎЙИШ ҲАҚИДА

٢٦٨ – حَدَّثَنَا سَلَمَةُ بْنُ شَبِيبٍ وَأَحْمَدُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ الدَّوْرَقِيُّ وَالْحَسَنُ بْنُ عَلِيٍّ الْحُلْوَانِيُّ وَعَبْدُ اللَّهِ بْنُ مُنِيرٍ وَغَيْرُ وَاحِدٍ، قَالُوا: حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ هَارُونَ، أَخْبَرَنَا شَرِيكٌ، عَنْ عَاصِمِ بْنِ كُلَيْبٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ وَائِلِ بْنِ حُجْرٍ قَالَ: رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا سَجَدَ يَضَعُ رُكْبَتَيْهِ قَبْلَ يَدَيْهِ، وَإِذَا نَهَضَ رَفَعَ يَدَيْهِ قَبْلَ رُكْبَتَيْهِ.

268. *Воил ибн Ҳужр (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни** (намоз ўқиётганларида) **кўрдим, саждага бораётиб тиззаларини қўлларидан олдин ерга қўйдилар ва қиёмга тураётиб қўлларини тиззаларидан олдин кўтардилар».**

Ҳасан ибн Алининг ҳадисида ушбу қўшимча ўрин олган: Язид ибн Ҳорун айтадики: «Шарик, Осим ибн Кулайбдан танҳо шу ҳадисни ривоят қилган».

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ғариб-ҳасан. Шарикдан бошқа бу ҳадисни ривоят қилган кишини билмаймиз.

Илм аҳлининг кўпчилиги наздида амал шу ҳадис асосидадир. Киши тиззаларини қўлларидан олдин ерга қўяди, деб қарайдилар.

Қиёмга тураётганда қўлларини тиззаларидан олдин кўтаради (ердан олади).

Ҳаммом бу ҳадисни Осимдан мурсал тарзида ривоят қилган; санадида Воил ибн Ҳужрни зикр этмаган.

200-БОБ. ЎТГАН МАВЗУ

٢٦٩ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ نَافِعٍ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ حَسَنٍ[٢]، عَنْ أَبِي الزِّنَادِ، عَنِ الأَعْرَجِ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ: أَنَّ النَّبِيَّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «يَعْمِدُ أَحَدُكُمْ فَيَبْرُكُ فِي صَلَاتِهِ بَرْكَ الْجَمَلِ»[٣]

269. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Сизлардан қайси бирингиз намозда туя чўккалагандек чўккалайди?!»**

Абу Ийсо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси ғариб.

Бу ҳадисни Абуз-Зиноднинг ривоятидан танҳо шу важҳдан биламиз.

Бу ҳадис Абдуллоҳ ибн Саъид ал-Мақбурийдан, унинг отасидан, Абу Ҳурайрадан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган.

Яҳё ибн Саъид ал-Қаттон ва бошқалар Абдуллоҳ ибн Саъид ал-Мақбурийнинг (ҳадис бобида) заиф эканини қайд этадилар.

ИЗОҲ. Шориҳ юқоридаги изоҳларда айтганидек, фақат Имоми Моликнинг мазҳабларида аввал қўлларни ерга қўйилади. Аммо қолган уч имом – ҳазрати Имоми Аъзам, Имом Шофиъий ва Имом Аҳмад Ҳанбал мазҳабларида саждага бораётиб, тиззаларни қўллардан олдин ерга қўйиш буюрилган.

201-БОБ. ПЕШОНА ВА БУРУН БИЛАН САЖДА ҚИЛМОҚ

٢٧٠ – **حَدَّثَنَا** مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ بُنْدَارٌ[1]، حَدَّثَنَا أَبُو عَامِرٍ [الْعَقَدِيُّ][2]، حَدَّثَنَا فُلَيْحُ بْنُ سُلَيْمَانَ، حَدَّثَنِي عَبَّاسُ بْنُ سَهْلٍ، عَنْ أَبِي حُمَيْدٍ السَّاعِدِيِّ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا سَجَدَ أَمْكَنَ أَنْفَهُ وَجَبْهَتَهُ [مِنَ][3] الأَرْضِ، وَنَحَّى يَدَيْهِ عَنْ جَنْبَيْهِ، وَوَضَعَ كَفَّيْهِ[4] حَذْوَ مَنْكِبَيْهِ.

270. *Абу Ҳумайд ас-Саъидий (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам саждага борганларида бурунлари ва пешоналарини яхшилаб ерга босар, қўлларини қўлтиқларидан ажратар ва панжаларини елкаларининг тўғрисига қўяр эдилар».**

Бу бобда Ибн Аббос, Воил ибн Ҳужр ва Абу Саъид (розийаллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Ҳумайднинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир. Киши пешонаси ва бурни билан сажда қилмоғи керак. Агар бурнини ердан узиб, фақат пешонаси билан сажда қилса, илм аҳлидан баъзилари сажданинг дуруст эканлигига иқрор бўлишган; баъзилари эса ҳам пешона, ҳам бурун билан сажда қилмагунича, саждаси дуруст бўлмайди, деб айтадилар.

202-БОБ. КИШИ САЖДАГА БОРГАНДА ЮЗИНИ ҚАЕРГА ҚЎЯДИ?

٢٧١ – **حَدَّثَنَا** قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا حَفْصُ بْنُ غِيَاثٍ، عَنِ الْحَجَّاجِ، عَنْ أَبِي إِسْحَقَ[2] قَالَ: قلت لِلْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ: أَيْنَ كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَضَعُ وَجْهَهُ إِذَا سَجَدَ؟ فَقَالَ[3]: بَيْنَ كَفَّيْهِ.

271. *Абу Исҳоқдан ривоят қилинди; айтди:* **«Баро ибн Озибдан: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам сажда қилганларида юзларини қаерга қўяр эдилар?» – деб сўрадим. «Икки қўлларининг орасига», деди.**

Бу бобда Воил ибн Ҳужр ва Абу Ҳумайд (розийаллоҳу анҳумо) дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Баронинг ҳадиси ҳасан-ғариб.

Баъзи илм аҳли шуни ихтиёр этишган. Яъни (саждада) қўллари қулоқларига яқин туришини маъқуллашган.

203-БОБ. ЕТТИ АЪЗО БИЛАН САЖДА ҚИЛМОҚ

٢٧٢ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا بَكْرُ بْنُ مُضَرَ، عَنِ ابْنِ الْهَادِ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِبْرَاهِيمَ، عَنْ عَامِرِ بْنِ سَعْدِ بْنِ أَبِي وَقَّاصٍ، عَنِ الْعَبَّاسِ بْنِ عَبْدِ الْمُطَّلِبِ أَنَّهُ سَمِعَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «إِذَا سَجَدَ الْعَبْدُ سَجَدَ مَعَهُ سَبْعَةُ آرَابٍ[٨] : وَجْهُهُ، وَكَفَّاهُ، وَرُكْبَتَاهُ[٩]، وَقَدَمَاهُ».

272. *Ҳазрати Аббос ибн Абдулмуттолиб (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;* у киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитганлар: **«Банда сажда қилганида у билан бирга еттита аъзоси сажда қилади: юзи, икки қўли, икки тиззаси, икки оёғи».**

Бу бобда Ибн Аббос, Абу Ҳурайра, Жобир ва Абу Саъид (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Аббоснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир.

٢٧٣ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ، عَنْ عَمْرِو بْنِ دِينَارٍ، عَنْ طَاوُسٍ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: أُمِرَ[٣] النَّبِيُّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يَسْجُدَ عَلَى سَبْعَةِ أَعْظُمٍ[٤]، وَلَا يَكُفَّ شَعْرَهُ، وَلَا ثِيَابَهُ[٥].

273. *Ҳазрати Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам етти аъзо билан сажда қилишга, соч ва кийимларни йиғиштириб** (қайтариб) **олмасликка буюрилдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

ИЗОҲ. Яъни, ерга тегмасин деб сочини ва кийимини орқага қайтариш ва шимариш дуруст эмас. Ҳадиснинг зоҳир маъноси, бу ҳаракатлар на-

моз асносида қилинмаслиги кераклигини англатади. Қози Иёз намозга киришдан олдин ва намоз асносида ҳам бундай ҳаракат макруҳ эканини айтиб, бу барчанинг қавли эканига ишорат қиладилар.

Ҳофиз Ибн Ҳажар бундай дейди: «Бу ҳаракат намозни фосид қилмаслиги устида бир тўхтамга келганлар. Аммо Ибн Мунзир Ҳасандан нақл этиб, намозни қайта ўқиши лозим бўлади, дейди. Бунинг ҳикмати эса ушбудир: «Ерга тегмасин деб кийимини ва сочини орқага қайтариш билан мутакаббир кишиларга ўхшаб қолади».

Намозда бундай ҳаракат макруҳдир.

204-БОБ. САЖДАДА ҚЎЛЛАРНИНГ ҚЎЛТИҚЛАРДАН АЖРАЛМОҒИ

٢٧٤ – حَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ، حَدَّثَنَا أَبُو خَالِدٍ الأَحْمَرُ، عَنْ دَاوُدَ بْنِ قَيْسٍ، عَنْ عُبَيْدِ اللَّهِ ابْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الأَقْرَمِ الْخُزَاعِيِّ(٧)، عَنْ أَبِيهِ، قَالَ: كُنْتُ مَعَ أَبِي بِالْقَاعِ مِنْ نَمِرَةَ(٨) فَمَرَّتْ رَكَبَةٌ(١)، فَإِذَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَائِمٌ يُصَلِّي(٢)، قَالَ: فَكُنْتُ أَنْظُرُ إِلَى عُفْرَتَيْ إِبْطَيْهِ إِذَا سَجَدَ، أَيْ: بَيَاضِهِ(٣).

274. *Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Арқом ал-Хузоъий (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Отам билан бирга Намира водийсида эдим. Бир қофила** (карвон) **дуч келди. Қарасам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозга турган эканлар».** (Абдуллоҳ) **айтади: «Сажда қилганларида қўлтиқларига назар ташладим, қўлтиқ остларининг оппоқлиги кўриниб турар эди».**

Бу бобда Ибн Аббос, Ибн Бухайна, Жобир, Аҳмар ибн Жазъ, Маймуна, Абу Ҳумайд, Абу Усайд, Абу Масъуд, Саҳл ибн Саъд, Муҳаммад ибн Маслама, Ал-Баро ибн Озиб, Адий ибн Амира ва Оиша (онамиз) (розийаллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абдуллоҳ ибн Арқамнинг ҳадиси – ҳасан. Бу ҳадисни ёлғиз Довуд ибн Қайснинг ривоятидан биламиз. Абдуллоҳ ибн Арқамнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шундан бошқа ҳадис ривоят қилгани маълум эмас.

Илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир.

Аҳмар ибн Жазъ Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан бўлиб, бир қанча ҳадиси бор.

Абдуллоҳ ибн Арқам аз-Зуҳрий – Абу Бакр Сиддиқ (розийаллоҳу анҳу)нинг котиби. Абдуллоҳ ибн Арқом ал-Хузоъийга келсак, унинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қилган ривояти сифатида битта шу ҳадис маълум.

ИЗОҲ. Ҳадис қўлларни қўлтиқлардан ажратиш лозимлигига далолат қилади. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларини биқинларига ёпиштирган бўлсалар эди, қўлтиқлари тагини кўриш мумкин бўлмасди.

205-БОБ. САЖДАЛАРДА ЭЪТИДОЛ

٢٧٥ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ، عَنِ الأَعْمَشِ، عَنْ أَبِي سُفْيَانَ، عَنْ جَابِرٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «إِذَا سَجَدَ أَحَدُكُمْ فَلْيَعْتَدِلْ، وَلاَ يَفْتَرِشْ ذِرَاعَيْهِ افْتِرَاشَ الْكَلْبِ»[1].

275. *Жобир (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;* «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Сизлардан бирортангиз сажда қилганда эътидол билан** (мўътадил ҳолда) **сажда қилсин. Ит ётиш қилиб билакларини ерга чўзиб олмасин».**

Бу бобда Абдурраҳмон ибн Шибл, Ал-Баро, Анас, Абу Ҳумайд ва Оиша (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ййсо деди(лар): Жобирнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир. Саждада мўътадилликни маъқуллаб, йиртқич ҳайвонлардек чўзилиб олишни макруҳ деб ҳисоблайдилар.

٢٧٦ – حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلاَنَ، حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ[2]، أَخْبَرَنَا شُعْبَةُ، عَنْ قَتَادَةَ، قَالَ: سَمِعْتُ أَنَسًا [يَقُولُ][4] : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «اعْتَدِلُوا فِي السُّجُودِ، وَلاَ يَبْسُطَنَّ أَحَدُكُمْ ذِرَاعَيْهِ فِي الصَّلاَةِ بَسْطَ[5] الْكَلْبِ».

276. *Қатода (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: айтди:* «Анасдан эшитдимки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Саждада мўътадил бўлингизлар. Бирортангиз намозда ит чўзилганига ўхшаб, билакларни ерга чўзиб олмасин»**.

Абу Ййсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

206-БОБ. САЖДАДА ҚЎЛЛАРНИ ЕРГА ҚЎЙМОҚ ВА ОЁҚЛАРНИ ТИК ТУТМОҚ

٢٧٧ – حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ[2]، أَخْبَرَنَا مُعَلَّى[3] بْنُ أَسَدٍ، حَدَّثَنَا وُهَيْبٌ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ عَجْلاَنَ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِبْرَاهِيمَ، عَنْ عَامِرِ بْنِ سَعْدِ [بْنِ أَبِي وَقَّاصٍ][4]، عَنْ أَبِيهِ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَمَرَ بِوَضْعِ الْيَدَيْنِ وَنَصْبِ الْقَدَمَيْنِ.

277. *Омир ибн Саъднинг отасидан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки қўл** (кафтлари)**ни ерга ётқизмоқни ва икки оёқни тик тутмоқни буюрдилар».**

٢٧٨ – قَالَ عَبْدُ اللَّهِ [وَ](٥) قَالَ مُعَلَّى(٦) [بْنُ أَسَدٍ](٧) : حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ مَسْعَدَةَ(٨)، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ عَجْلاَنَ، عَنْ [مُحَمَّدِ](٩) بْنِ إِبْرَاهِيمَ، عَنْ عَامِرِ بْنِ سَعْدٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ [أَمَرَ بِوَضْعِ الْيَدَيْنِ](١٠)، فَذَكَرَ نَحْوَهُ، وَلَمْ يَذْكُرْ فِيهِ عَنْ أَبِيهِ .

278. *Омир ибн Саъддан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам** (саждада) **икки қўлни** (кафтларни) **ётқизмоқни буюрдилар».**

Бунда ўша ҳадис айнан зикр этилган, аммо «отасидан» деб зикр қилинмаган.

Абу Ийсо деди(лар): Яҳё ибн Саъид ал-Қаттон ва кўпчилик кишилар Муҳаммад ибн Ажлондан, Муҳаммад ибн Иброҳимдан, Омир ибн Саъддан: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки қўл (кафтлари)ни ётқизмоқни ва икки оёқни тик тутмоқни буюрдилар» деб ривоят қилган ҳадислари – мурсал. Бу ҳадис Вуҳайбнинг ҳадисидан кўра саҳиҳдир.

Илм аҳли шу ҳадисга тўхталиб, (мутобиқ қолиб) шуни ихтиёр қилганлар.

207-БОБ. САЖДАДАН ВА РУКУЪДАН БОШ КЎТАРГАНДА БЕЛНИ (ҚОМАТНИ) ТИК ТУТМОҚ

٢٧٩ – حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مُحَمَّدِ [بْنِ مُوسَى](٣) [الْمَرْوَزِيُّ](٤)، أَخْبَرَنَا [عَبْدُ اللَّهِ](٤) بْنُ الْمُبَارَكِ، أَخْبَرَنَا شُعْبَةُ، عَنِ الْحَكَمِ، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي لَيْلَى، عَنِ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ قَالَ: كَانَتْ صَلاَةُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا رَكَعَ وَإِذَا رَفَعَ رَأْسَهُ مِنَ الرُّكُوعِ، وَإِذَا سَجَدَ وَإِذَا رَفَعَ رَأْسَهُ مِنَ السُّجُودِ قَرِيبًا مِنَ السَّوَاءِ .

279. *Баро ибн Озибдан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намозлари, рукуъга борганларида ва рукуъдан бош кўтарганларида, саждага борганларида ва саждадан бош кўтарганларида қоматлари текисга яқин эди».**

Бу бобда Анас (розийаллоҳу анҳу)дан ҳадис ривоят қилинган.

٢٨٠ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ، حَدَّثَنَا شُعْبَةُ، عَنِ الْحَكَمِ نَحْوَهُ.

280. *Муҳаммад ибн Башшардан, Муҳаммад ибн Жаъфардан, Шуъбадан ва Ҳакамдан айни ҳадис ривоят қилинган.*

Абу Ийсо деди(лар): Баронинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир.

208-БОБ. РУКУЪДА ВА САЖДАДА ИМОМДАН ОЛДИН ҲАРАКАТ ҚИЛМОҚ МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

٢٨١ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ(٥)، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ(٦)، عَنْ أَبِي إِسْحَقَ، عَنْ عَبْدِ اللّٰهِ بْنِ يَزِيدَ، حَدَّثَنَا الْبَرَاءُ – وَهُوَ غَيْرُ كَذُوبٍ – قَالَ: كُنَّا إِذَا صَلَّيْنَا خَلْفَ رَسُولِ اللّٰهِ صَلَّى اللّٰه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَرَفَعَ رَأْسَهُ مِنَ الرُّكُوعِ لَمْ يَحْنِ(٧) رَجُلٌ(٨) مِنَّا ظَهْرَهُ حَتَّى يَسْجُدَ رَسُولُ اللّٰهِ صَلَّى اللّٰه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَنَسْجُدَ(٩).

281. *Ал-Баро (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди – у киши эса ёлғон сўзлагувчи эмас* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларида намоз ўқиганимизда у киши рукуъдан бошларини кўтаргач, то саждага боргунларича бизлардан бирор киши белини эгмас эди, сўнг саждага борар эдик».**

Бу бобда Анас, Муъовия, Соҳиби Жайш (Абдуллоҳ Ибн Масъада) ва Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ал-Баронинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлининг қавли ҳам шу. Имомнинг орқасида турганлар у қилган ҳаракатга тобеъ бўладилар (эргашадилар). Имом рукуъга борганидан кейин рукуъга борадилар ва қад ростлангандан кейин қад ростлайдилар. Бу хусусда илм аҳли орасида ихтилоф кўрмадик.

ИЗОҲ. Муқтадий имомдан олдинга ўтиб кетса, намози бузилади. *(Қаранг: «Ҳидоя», Имомлик ҳақидаги боб.)* Муқтадий имом билан бирга такбири таҳримани бошлаб, имомдан олдин тугатса, у ҳолда у шориъ бўлмади, (яъни, намозга киришмади), бас, имоми «акбар»нинг охирига етганда муқтадий такбирни бошламоғи керак. Фатво, эҳтиёт ва тақво шунгадир («Рисолаи сужуди саҳв»). Муқтадий такбири таҳримани (биринчи такбирни) имомдан олдин айтса, намози дуруст бўлмайди. Агар эргашувчи имомдан олдин рукуъдан кўтарилса ёки саждадан бош кўтарса, яна дарҳол рукуъга ва саждага борсин. Бу иш икки рукуъ ва уч сажда ҳисобланмайди. *(Қаранг: «Маслакул-муттақийн».)* Лекин эргашувчи бир рукнни имомдан олдин бажарса, намози бузилади.

Ҳадисдаги: **«У эса ёлғон сўзлагувчи эмас»** деган таъриф ҳадис ровийлардан бири Абдуллоҳ ибн Язиднинг сўзи бўлиб, Баро (розийаллоҳу анҳу)ни кўзда тутгани англашилмоқда. Яҳё ибн Маъийн, бу сўздан Баро эмас,

балки Абдуллоҳ ибн Язиднинг ўзи назарда тутилганини айтади. Чунки Баро – саҳоба, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан бири ҳақида: «У ёлғончи эмас», дейиш уларнинг муборак шаънига лойиқ таъриф бўлмайди. Бу ибора фақат адолати, тўғрилигига шубҳа қилинган кишилар ҳақида айтилиши мумкин. Ҳолбуки, саҳобаларнинг ҳаммаси (розийаллоҳу анҳум) одил, тўғри кишилардирлар ва кишининг бундай таъриф ва оқловига муҳтож эмасдирлар...

209-БОБ. ИККИ САЖДА ЎРТАСИДА ТОВОНЛАРНИ ТИКЛАБ (ИККИ ТОВОН УСТИГА) ЎТИРМОҚ МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

٢٨٢ – حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ[٢]، أَخْبَرَنَا عُبَيْدُ اللَّهِ [بْنُ مُوسَى][٣]، حَدَّثَنَا إِسْرَائِيلُ، عَنْ أَبِي إِسْحَقَ، عَنِ الْحَارِثِ، عَنْ عَلِيٍّ، قَالَ: قَالَ [لِي][٤] رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ:«يَا عَلِيُّ، أُحِبُّ لَكَ مَا أُحِبُّ لِنَفْسِي، وَأَكْرَهُ لَكَ مَا أَكْرَهُ لِنَفْسِي، لاَ تُقْعِ[٥] بَيْنَ السَّجْدَتَيْنِ»[٦].

282. *Ҳазрати Али (карромаллоҳу важҳаҳу)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга бундай дедилар: «Ё Али! Ўзим учун севган нарсамни сен учун ҳам севарман, ўзим учун ёмон кўрган нарсамни сен учун ҳам ёмон кўрурман: икки сажда ўртасида товонларингни тиклаб** (ўрнатиб) **ўтирмагил».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис (Ҳазрати) Али (карромаллоҳу важҳаҳу)нинг ривоятидан эканини ёлғиз Абу Исҳоқнинг Ал-Ҳорис тариқи билан (Ҳазрати) Алидан қилган ривоятидан биламиз.

Баъзи илм аҳли бир кўзли Ал-Ҳориснинг заиф эканини қайд этганлар.

Илм аҳлининг кўпчилиги наздида амал шу ҳадис асосидадир. Товонларни тиклаб (ўрнатиб) ўтирмоқни макруҳ деб ҳисоблаганлар.

Бу бобда Оиша (онамиз), Анас ва Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

210-БОБ. ТОВОНЛАРНИ ТИКЛАБ ЎТИРИШГА РУХСАТ БОРЛИГИ

٢٨٣ – حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ مُوسَى، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ، أَخْبَرَنَا ابْنُ جُرَيْجٍ، أَخْبَرَنِي أَبُو الزُّبَيْرِ أَنَّهُ سَمِعَ طَاوُسًا يَقُولُ: قُلْنَا لِبْنِ عَبَّاسٍ فِي الإِقْعَاءِ عَلَى الْقَدَمَيْنِ، قَالَ: هِيَ السُّنَّةُ، فَقُلْنَا: إِنَّا لَنَرَاهُ جَفَاءً بِالرَّجُلِ[٢] ! قَالَ: بَلْ هِيَ سُنَّةُ نَبِيِّكُمْ [صلى الله عليه وسلم][٣].

283. *Абу Зубайрдан ривоят қилинди; У Товуснинг бундай деганини эшитган:* **«Ибн Аббосдан товонларни тиклаб ўтириш ҳақида сўрадик. «Бу суннат» деди. «Биз буни кишига заҳмат бўлади, деб қараймизку?» дедик. Бу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатидир», деди».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис – ҳасан.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан айрим илм аҳли шу ҳадисни олганлар. Товонларни тиклаб ўтирмоқликда зарар йўқ деб ҳисоблайдилар.

Макка аҳлидан айрим олим ва фақиҳларнинг қавли ҳам шундай.

Илм аҳлининг кўпчилиги эса икки сажда орасида товонларни тиклаб ўтирмоқни макруҳ кўрганлар.

211-БОБ. ИККИ САЖДА ЎРТАСИДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

٢٨٤ – حَدَّثَنَا سَلَمَةُ بْنُ شَبِيبٍ[1]، حَدَّثَنَا زَيْدُ بْنُ حُبَابٍ، عَنْ كَامِلٍ أَبِي الْعَلاَءِ، عَنْ حَبِيبِ بْنِ أَبِي ثَابِتٍ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ جُبَيْرٍ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَقُولُ بَيْنَ السَّجْدَتَيْنِ :«اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي، وَارْحَمْنِي، وَاجْبُرْنِي، وَاهْدِنِي، وَارْزُقْنِي».

284. *Ҳазрати Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* **«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки сажда ўртасида: «Аллоҳум-мағфирлий, варҳамний, важбурний, ваҳдиний, варзуқний»** («Аллоҳим, мени мағфират қил, менга раҳм қил, айбимни кетказ, мени ҳидоят қил ва мени ризқлантир!») – дер эдилар».

٢٨٥ – حَدَّثَنَا الْحَسَنُ بْنُ عَلِيٍّ الْخَلاَّلُ [الْحُلْوَانِيُّ][2]، حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ هَارُونَ، عَنْ زَيْدِ ابْنِ حُبَابٍ، عَنْ كَامِلٍ أَبِي الْعَلاَءِ نَحْوَهُ .

285. *Ал-Ҳасан ибн Али ал-Холлол (ал-Ҳулвоний)дан, Язид ибн Ҳорундан, Зайд ибн Ҳубобдан, Комил Абул-Аълодан ўтган ҳадиснинг ўзи ривоят қилинди.*

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ғарибдир. Алидан шу тарзда ривоят қилинган.

Имом Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шу. Хоҳ фарз, хоҳ нафл намозида бўлсин, буни жоиз деб ҳисоблайдилар. Баъзилар эса бу ҳадисни Комил Абул-Аълодан мурсал тарзида ривоят қилган.

212-БОБ. САЖДАДА ТАЯНМОҚ

٢٨٦ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا اللَّيْثُ، عَنِ ابْنِ عَجْلاَنَ، عَنْ سُمَيٍّ، عَنْ أَبِي صَالِحٍ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ: اشْتَكَى [بَعْضُ][1] أَصْحَابِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَشَقَّةَ السُّجُودِ عَلَيْهِمْ إِذَا تَفَرَّجُوا[2]، فَقَالَ: «اسْتَعِينُوا بِالرُّكَبِ»[3].

286. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари очилганларида** (саждадан қайтишларида) **сажданинг машаққатли бўлишидан шикоят қилдилар. Шунда** (Расули Акрам)**: «Тиззалар билан ёрдамлашингизлар»** дедилар.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадисни ушбу важҳдан Абу Солиҳнинг Абу Ҳурайрадан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қилган ривояти эканини фақатгина Лайснинг Ибн Ажлондан қилган ривоятидан биламиз.

Суфён ибн Увайна ва бошқалар бу ҳадисни Сумайдан, Нуъмон ибн Абу Аййошдан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилганлар. Буларнинг ривояти Лайснинг ривоятидан кўра саҳиҳроқ кўринади.

213-БОБ. САЖДАДАН ҚИЁМГА ҚАНДАЙ ТУРИЛИШИ

٢٨٧ – حَدَّثَنَا عَلِيُّ [بْنُ حُجْرٍ][1]، أَخْبَرَنَا هُشَيْمٌ، عَنْ خَالِدٍ الْحَذَّاءِ، عَنْ أَبِي قِلاَبَةَ، عَنْ مَالِكِ بْنِ الْحُوَيْرِثِ اللَّيْثِيِّ أَنَّهُ رَأَى النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي، فَكَانَ إِذَا كَانَ فِي وِتْرٍ مِنْ صَلاَتِهِ لَمْ يَنْهَضْ حَتَّى يَسْتَوِيَ جَالِسًا.

287. *Молик ибн Ҳувайрис ал-Лайсийдан ривоят қилинди:* **«У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни намоз ўқиётганларида кўрди: у киши намоздан тоқ ракъатни ўқиганларида, бир оз ўрнашиб ўтирмасдан қиёмга турмас эдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Молик ибн ал-Ҳувайриснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Баъзи илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир. Бирадарларимизнинг қавли ҳам шудир.

ИЗОҲ. Яъни, биринчи ва учинчи ракъатларда бироз ўрнашиб ўтирмасдан ўринларидан турмас эдилар. Бунинг номи истироҳат ўтириши дейилади. Имоми Шофиъий ва муҳаддислардан бир гуруҳи шу қавлга эга бўлишган. Лекин аксарият фақиҳлар ва Ҳанафий мазҳаби уламоси бу

истироҳат ўтирмоқликни қабул қилмаганлар. Термизий: «Биродарларимизнинг қавли ҳам шудир», деганда – муҳаддисларни назарда тутганлар. *(Кейинги 287-ҳадис ва изоҳга диққат қилинг).*

214-БОБ. ЎТГАН МАВЗУ

٢٨٨ – حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ مُوسَى، حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ، حَدَّثَنَا خَالِدُ بْنُ إِلْيَاسَ[٨]، عَنْ صَالِحٍ مَوْلَى التَّوْأَمَةِ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَنْهَضُ فِي الصَّلاَةِ عَلَى صُدُورِ قَدَمَيْهِ .

288. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда** (тоқ ракъатларда) **икки оёқларининг сиртлари ерга тегмасдан,** (яъни ўтирмасдан) **қиёмга турар эдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Илм аҳлининг амали Абу Ҳурайранинг ҳадиси асосида бўлиб, киши намознинг тоқ ракъатларида (биринчи ва учинчи ракъатда) оёқларининг сиртини ерга теккизмасдан қиёмга туради, деб ихтиёр қилганлар.

Холид ибн Иёс муҳаддислар фикрича заифдир. Уни Холид ибн Илёс ҳам дейишади. Ат-Тавъаманинг мавлоси (озод этилган қули) Солиҳ – Солиҳ ибн Абу Солиҳдир. Абу Солиҳнинг исми – Набҳон Мадиний.

ИЗОҲ. Истироҳат жалсаси (ўтириш)ни қабул қилмаган Ҳанафий олимлар шу ҳадис билан истидлол қиладилар (далиллайдилар). Ҳадис Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўтирмасдан қиёмга турганларига далолат қилади.

215-БОБ. НАМОЗДА ТАШАҲҲУД

٢٨٩ – حَدَّثَنَا يَعْقُوبُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ الدَّوْرَقِيُّ، حَدَّثَنَا عُبَيْدُ اللَّهِ الأَشْجَعِيُّ[٥]، عَنْ سُفْيَانَ الثَّوْرِيِّ، عَنْ أَبِي إِسْحَقَ، عَنِ الأَسْوَدِ بْنِ يَزِيدَ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ قَالَ: عَلَّمَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا قَعَدْنَا فِي الرَّكْعَتَيْنِ أَنْ نَقُولَ :«التَّحِيَّاتُ لِلَّهِ، وَالصَّلَوَاتُ، وَالطَّيِّبَاتُ، السَّلاَمُ عَلَيْكَ أَيُّهَا النَّبِيُّ وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ، السَّلاَمُ عَلَيْنَا وَعَلَى عِبَادِ اللَّهِ الصَّالِحِينَ، أَشْهَدُ أَنْ لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللَّهُ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ».

289. *Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам биз-**

ларга ҳар икки ракъат оралиғида ўтирганимизда бундай деб айтмоқни ўргатдилар: «Ат-таҳиййоту лиллаҳи, вас-солавоту ват-тоййибот. Ас-салому ъалайка аййуҳан-набиййу ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳ. Ас-салому ъалайно ва ъало ъибодиллоҳис-солиҳийн. Ашҳаду ан-ло илоҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ъабдуҳу ва росулуҳ».

(Маъноси: **«Таъзим – таҳиййати, барча тоат-ибодатларимиз ва мадҳу олқишларимиз Аллоҳга бўлсин! Эй Пайғамбар! Сенга саломлар, Аллоҳнинг раҳмати ва барокати бўлсин! Саломлар бизга ва Аллоҳнинг барча солиҳ бандаларига бўлсин! Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Ва гувоҳлик берманки, Муҳаммад Аллоҳнинг бандаси ва элчисидир».)**

Бу бобда Ибн Умар, Жобир, Абу Мусо ва Оиша (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Масъуднинг ҳадиси ундан бир қанча важҳдан ривоят қилинган. Ташаҳҳуд борасида Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган энг саҳиҳ ҳадис шудир.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобеъийндан бўлмиш илм аҳллари кўпчилигининг амали шу ҳадис асосидадир.

Суфён Саврий, Ибнул-Муборак, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шудир.

ИЗОҲ. «Ат-таҳиййот» Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шу ҳолда баён қилинган. «Саҳиҳи Бухорий»нинг «Азон» бобида бу ҳадис Абу Маъмар тариқи билан Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилинган. «Ташаҳҳуд» ҳадисини баён қилгач, у: «Пайғамбар орамизда бўла туриб шундай дер эдик, аммо вафотларидан кейин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга саловат айтадиган бўлдик», дейди.

Илова: Ҳазрати шайх Муҳаммад Зоҳид Қўтқу ибн Иброҳим ал-Бурсавий «Аҳли суннат вал-жамоат ақоиди» китобининг Алиййул-Қорий ҳазратларининг шарҳига асосланган «Шарҳи Омолий» қисмида «таҳиййот» аслида Меърож воқеаси эканини баён қилганлар. «Ат-та- ҳиййоту лиллаҳи ва салавоту ват-тоййибот» – *ўша Мерож кечасида* Ҳазрати Пайғамбармиз Аллоҳу таъолога юзланиб айтган таҳиййатдир. «Ас-салому ъалайка аййуҳаннабиййу ва роҳматуллоҳи ва баракатуҳ» жумласи эса Аллоҳ таолонинг ўз ҳабибига жавобидир. Шунда Пайғамбар жанобимиз: «Ас-салому ъалайно ва ъало ъибодиллоҳис-солиҳийн!» (Аллоҳнинг саломи бизга ва барча солиҳ бандаларига бўлсин!» деб саломни барча солиҳ бандаларга ёйдилар. Бу эса ул зотнинг улуғлиги аломатини намоён этади. «Ашҳаду ан-ло илоҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ъабдуҳу ва росулуҳ» шаҳодати эса фаришта Жаброил алайҳиссаломнинг шаҳодатидир» *(95-саҳифа).*

216-БОБ. ЎТГАН МАВЗУ
(Ташаҳҳуд)

٢٩٠ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا اللَّيْثُ، عَنْ أَبِي الزُّبَيْرِ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ جُبَيْرٍ وَطَاوُسٍ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ، قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُعَلِّمُنَا التَّشَهُّدَ كَمَا يُعَلِّمُنَا الْقُرْآنَ، فَكَانَ يَقُولُ: «التَّحِيَّاتُ الْمُبَارَكَاتُ، الصَّلَوَاتُ الطَّيِّبَاتُ لِلَّهِ، سَلَامٌ عَلَيْكَ أَيُّهَا النَّبِيُّ وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ، سَلَامٌ عَلَيْنَا وَعَلَى عِبَادِ اللَّهِ الصَّالِحِينَ، أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ».

290. *Ҳазрати Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларга худди Қуръон ўргатгандек ташаҳҳудни ўргатар эдилар ва бундай дер эдилар: «Ат-таҳиййотул-муборакотус-саловотут-тойиботу лиллаҳи. Саломун алайка айюҳан-набиййу ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳ. Саломун алайно ва ъало ъибодиллоҳис-солиҳийн. Ашҳаду ан-ло илоҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ъабдуҳу ва расулуҳ».**

(Маъноси: **«Муборак, (чексиз ва бекам) таъзим саломлари, тоат-ибодатлар ва мадҳу олқишларимиз Аллоҳга бўлсин! Эй Пайғамбар! Сенга саломлар, Аллоҳнинг раҳмати ва барокати бўлсин! Саломлар бизга ва Аллоҳнинг барча солиҳ бандаларига бўлсин! Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Ва гувоҳлик бераманки, Муҳаммад Аллоҳнинг бандаси ва элчисидир».**)

Абу Йисо деди(лар): Ибн Аббоснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ-ғариб.

Абдурраҳмон ибн Ҳумайд ар-Руосий бу ҳадисни Лайс ибн Саъднинг ривоятидек, Абуз-Зубайрдан ривоят қилган.

Аймон ибн Нобил ал-Маккий бу ҳадисни Абуз-Зубайрдан, Жобирдан ривоят қилган. Бу эса маҳфуз (рожиҳ) эмас.

Имоми Шофиъий Ибн Аббоснинг ташаҳҳуд борасидаги ҳадисини танлаган.

217-БОБ. ТАШАҲҲУДНИ МАХФИЙ ЎҚИМОҚ

٢٩١ – حَدَّثَنَا أَبُو سَعِيدٍ الْأَشَجُّ، حَدَّثَنَا يُونُسُ بْنُ بُكَيْرٍ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِسْحَقَ، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ الْأَسْوَدِ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ، قَالَ: مِنَ السُّنَّةِ أَنْ يُخْفِيَ التَّشَهُّدَ[1].

291. *Абдуллоҳ Ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; у киши айтдилар:* **«Ташаҳҳудни махфий айтмоқ суннатдандир».**

Абу Йисо деди(лар): Ибн Масъуднинг ҳадиси ҳасан ва ғариб.

Илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир.

218-БОБ. ТАШАҲҲУД УЧУН ҚАНДАЙ ЎТИРИЛИШИ

٢٩٢ – **حَدَّثَنَا** أَبُو كُرَيْبٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ إِدْرِيسَ، حَدَّثَنَا عَاصِمُ[٤] بْنُ كُلَيْبٍ [الْجَرْمِيُّ][٥]، عَنْ أَبِيهِ، عَنِ بْنِ حُجْرٍ قَالَ: قَدِمْتُ الْمَدِينَةَ قُلْتُ[٦]: لأَنْظُرَنَّ إِلَى صَلاَةِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَلَمَّا جَلَسَ – يَعْنِي[٧] لِلتَّشَهُّدِ – افْتَرَشَ رِجْلَهُ الْيُسْرَى، وَوَضَعَ يَدَهُ الْيُسْرَى – يَعْنِي: عَلَى فَخِذِهِ الْيُسْرَى[٨]، وَنَصَبَ رِجْلَهُ الْيُمْنَى .

292. *Воил ибн Ҳужр (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намозларини кўраман, деб Мадинага келдим. Ўтирганларида – яъни ташаҳҳуд учун ўтирганларида – чап оёқларини ётқизиб, чап қўлларини қўйдилар – яъни чап сонларининг устига қўйдилар, – ўнг оёқларини тик тутдилар** (чап оёқларининг устига ўтирдилар)**».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлининг кўпчилиги наздида амал шу ҳадис асосидадир.

Суфён Саврий, Ибн Муборак ва Куфа фақиҳларининг қавли шудир.

219-БОБ. ЎТГАН МАВЗУ
(Яъни, ташаҳҳудга ўтирмоқ)

٢٩٣ – **حَدَّثَنَا** بُنْدَارٌ مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ[٤]، حَدَّثَنَا أَبُو عَامِرٍ الْعَقَدِيُّ، حَدَّثَنَا فُلَيْحُ بْنُ سُلَيْمَانَ الْمَدَنِيُّ، حَدَّثَنِي[٥] عَبَّاسُ بْنُ سَهْلٍ[٦] السَّاعِدِيُّ قَالَ: اجْتَمَعَ أَبُو حُمَيْدٍ وَأَبُو أُسَيْدٍ وَسَهْلُ بْنُ سَعْدٍ وَمُحَمَّدُ بْنُ مَسْلَمَةَ[٧] فَذَكَرُوا صَلاَةَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ أَبُو حُمَيْدٍ: أَنَا أَعْلَمُكُمْ بِصَلاَةِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ جَلَسَ – يَعْنِي: لِلتَّشَهُّدِ فَافْتَرَشَ رِجْلَهُ الْيُسْرَى وَأَقْبَلَ بِصَدْرِ الْيُمْنَى عَلَى قِبْلَتِهِ، وَوَضَعَ كَفَّهُ الْيُمْنَى عَلَى رُكْبَتِهِ الْيُمْنَى، وَكَفَّهُ – الْيُسْرَى عَلَى رُكْبَتِهِ الْيُسْرَى[٨]، وَأَشَارَ بِأُصْبُعِهِ[٩] ؛ يَعْنِي: السَّبَّابَةَ.

293. *Аббос ибн Саҳл ас-Соъидийдан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Абу Ҳумайд, Абу Усайд Саҳл ибн Саъд ва Муҳаммад ибн Маслама тўпланишиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намозларини музокара қилдилар. Абу Ҳумайд айтди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намозларини яхши билувчироқларингиз менман. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ташаҳҳудга** (мана бундай) **ўтирдилар: чап оёқларини** (букиб) **ётқизиб** (устига утир-

дилар), **ўнг оёқларининг сиртини** (устини) **қиблага қаратдилар, ўнг кафтларини ўнг тиззалари устига, чап кафтларини чап тиззалари устига қўйдилар, бармоқлари билан, яъни шаҳодат бармоқлари билан ишора қилдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Баъзи илм аҳлининг қавли шу. Шунингдек, бу сўз Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг ҳам қавлидир. Фақатгина охирги ташаҳҳудда сонлари устига ўтиради, дейдилар. Абу Ҳумайднинг ҳадисига таяниб, биринчи ташаҳҳудда ўнг оёқни тиклаб, чап оёғи устига ўтирмоқни қабул қилганлар.

220-БОБ. ТАШАҲҲУДДА БАРМОҚЛАР БИЛАН ИШОРАТ ҚИЛМОҚ

٢٩٤ – حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلاَنَ وَيَحْيَى بْنُ مُوسَى وَغَيْرُ وَاحِدٍ قَالُوا[٤] : حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ، عَنْ مَعْمَرٍ، عَنْ عُبَيْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ، عَنْ نَافِعٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا جَلَسَ فِي الصَّلاَةِ وَضَعَ يَدَهُ الْيُمْنَى عَلَى رُكْبَتِهِ، وَرَفَعَ[٥] إِصْبَعَهُ الَّتِي تَلِي الإِبْهَامَ [الْيُمْنَى][٦] يَدْعُو بِهَا، وَيَدُهُ الْيُسْرَى عَلَى رُكْبَتِهِ بَاسِطُهَا عَلَيْهِ[٧] .

294. Ҳазрати Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилин*ди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам** (ташаҳҳудга) **ўтирганларида ўнг қўлларини тиззалари устига қўяр, ишорат қилаётганларида, ўнг бош бармоқлари ёнидаги** (шаҳодат) **бармоқларини кўтарар эдилар, чап қўллари ёйилган ҳолда тиззаларининг устида турар эди».**

Бу бобда Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр ал-Хузоъий, Абу Ҳурайра, Абу Ҳумайд ва Абу Воил ибн Ҳужр (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-ғариб.

Бу ҳадис Убайдуллоҳ ибн Умарнинг ривоятидан эканлигини ёлғиз шу важҳ биламиз.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобеъийнлардан айрим илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир. Ташаҳҳудда бармоқни кўтармоқни ихтиёр этганлар.[56]

Биродарларимизнинг қавли ҳам шудир.

---

[56] Ишораи саббобани тўғри бажара олмаслик хавфи борлиги учун «Ҳидоя»нинг шарҳи «Кифоятул мунтаҳо»да Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ макруҳ деганлари айтилади. Ҳикмати ва бажариш тарзини билмаганлик сабабли ҳатто баъзи китобларда ҳаром деб ҳам қаттиқ ижтиҳод қилинган. Имом Кардарий эса «ал-Мансухот» асарида уни ҳукми (бошқа ҳадислар билан) бекор қилинган амаллар қаторига киритганлар.

221-БОБ. НАМОЗДА САЛОМ БЕРИШ

٢٩٥ – حَدَّثَنَا بُنْدَارٌ مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ[٢]، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ، عَنْ أَبِي إِسْحَقَ، عَنْ أَبِي الأَحْوَصِ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ كَانَ يُسَلِّمُ عَنْ يَمِينِهِ وَعَنْ يَسَارِهِ :«السَّلاَمُ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَةُ اللَّهِ[٣]، السَّلاَمُ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَةُ اللَّهِ».

295. *Абдуллоҳ (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* «**Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳ, ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳ» деб ўнг томонларига ва чап томонларига салом берар эдилар».**

Бу бобда Саъд ибн Абу Ваққос, Ибн Умар, Жобир ибн Самура, АлБаро, Абу Саъийд, Аммор, Воил ибн Ҳужр, Адий ибн Амийра ва Жобир ибн Абдуллоҳ (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Масъуднинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан илм аҳли кўпчилигининг амали шу ҳадис асосидадир.

Суфён Саврий, Ибн Муборак, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шудир.

222-БОБ. ЎТГАН МАВЗУ

٢٩٦ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ يَحْيَى النَّيْسَابُورِيُّ، حَدَّثَنَا عَمْرُو بْنُ أَبِي سَلَمَةَ أَبُو حَفْصٍ [التِّنِّيسِيُّ][٢]، عَنْ زُهَيْرِ بْنِ مُحَمَّدٍ، عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عَائِشَةَ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يُسَلِّمُ فِي الصَّلاَةِ تَسْلِيمَةً وَاحِدَةً تِلْقَاءَ وَجْهِهِ، يَمِيلُ[٣] إِلَى الشِّقِّ الأَيْمَنِ شَيْئًا.

296. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди:* «**Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда тўғриларига қараб бир салом берар эдилар, кейин ўнг томонларига озгина мойил бўлар эдилар».**

Бу бобда Саҳл ибн Саъддан ҳадис ривоят қилинган. Оиша (розийаллоҳу анҳо)нинг ҳадисини марфуъ сифатида ёлғиз шу важҳдан биламиз.

Муҳаммад ибн Исмоъийл (ал-Бухорий): «Шом халқи Зубайр ибн Муҳаммаддан мункар ҳадислар ривоят қилишади; ироқликларнинг ундан қилган ривояти мақбулроқ», дейди.

Муҳаммад, Аҳмад ибн Ҳанбалдан нақл этиб, бундай дейди: «Худди, улар (Шом халқи)нинг олдига келган Зуҳайр ибн Муҳаммад Ироқда (ҳадислар) ривоят қилган киши эмасдек, гўёки у номи бошқа қўйиб олинган кишидекдир»... Айрим илм аҳллари намозда салом бермоқ ҳақида бундай дейдилар: «**Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан келган ривоятларнинг энг тўғриси – икки саломдир».** Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан илм арбоблари ва саҳобаларидан кейин келган тобеъийн уламоларининг кўпчилиги шуни (икки саломни) таржиҳ этганлар (маъқуллаганлар)».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, тобеъийнлар ва бошқалардан баъзи кишилар, фарз намозларида бир салом берилади, деган фикрдалар.

Шофиъий: «Хоҳласа бир салом, хоҳласа икки салом беради», дейди.

ИЗОҲ. Намозхон «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ» деб икки томонга салом бериш билан намоздан чиқади. Биринчи салом олдидан кўзи ўнг елкасида, иккинчи салом олдидан кўзи чап елкасида бўлади. Аввал юзини ўгириб, кейин салом беради, токи ёнғинининг оқини кўриш мумкин бўлсин. Иккин саломда овозини биринчисидан бир оз пасайтиради *(«Мухтасар», «Кифоя», «Рисолаи сужуду саҳв»).*

223-БОБ. САЛОМНИ ЧЎЗМАСЛИК – СУННАТ

٢٩٧ – **حَدَّثَنَا** عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، أَخْبَرَنَا [عَبْدُ اللَّهِ][٢] بْنُ الْمُبَارَكِ وَهِقْلٌ[٣] بْنُ زِيَادٍ، عَنِ الأَوْزَاعِيِّ، عَنْ قُرَّةَ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ أَبِي سَلَمَةَ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ: حَذْفُ السَّلَامِ سُنَّةٌ.

297. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Саломни ҳазф қилмоқ** (мад қилиб чўзмаслик) **суннатдир».**

Али ибн Ҳужр, ушбу ҳадисни Ибн Муборак бундай деб тафсир қилганини айтади: «**Яъни саломни мад қилган ҳолда чўзмасликдир».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳли шуни мустаҳаб кўрган. Иброҳим Нахоийдан бундай деб айтгани ривоят қилинган: «Такбир – жазм (кескин ва аниқ)дир ва салом жазм (кескин ва аниқ)дир».

Ҳиқл – Авзоъийнинг котиби эканлиги айтилади.

ИЗОҲ. Яъни, такбирни ва саломни мад қилиб чўзиш жоиз эмас, охири сокин (сукунли) қилинади. Ҳофиз ибн Ҳажар «Ат-Талхис» асарида бундай

дейди: «Саломни ҳазф қилмоқнинг маъноси – уни қаттиқ айтмоқдир». «Салом жазмдир» сўзидан кўзда тутилган маъно ҳам шудир» *(184-саҳифа)*. Жазм – қатъий, аниқ, муқаррар маъносидадир.

Баъзи имомлар феълида саломни чўзиш ҳолати кўриладики, бу хатодир.

224-БОБ. САЛОМДАН КЕЙИН ЎҚИЛАДИГАН ДУО

٢٩٨ – حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ، عَنْ عَاصِمٍ الأَحْوَلِ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الْحَارِثِ، عَنْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا سَلَّمَ لاَ يَقْعُدُ إِلاَّ مِقْدَارَ مَا يَقُولُ:«اللَّهُمَّ أَنْتَ السَّلاَمُ وَمِنْكَ السَّلاَمُ، تَبَارَكْتَ ذَا الْجَلاَلِ[٢] وَالإِكْرَامِ».

298. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам салом бергач, фақат: «Аллоҳумма антас-салом ва минкас-салом, табораква, зал-жалоли вал-икром» дейдиган миқдордагина ўтирар эдилар, холос».**

ИЗОҲ. Маъноси: «Эй Аллоҳим! Салом (офот ва айблардан мубарро, холи) Сенсан, саломат Сендандир (бергувчи ҳам, олгувчи ҳам Сенсан). Эй Жалол ва икром соҳиби! Сенинг қудсиятинг буюк ва тенгсиздир!»

٢٩٩ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ [بْنُ السَّرِيِّ]، حَدَّثَنَا مَرْوَانُ بْنُ مُعَاوِيَةَ [الْفَزَارِيُّ][٣] وَأَبُو مُعَاوِيَةَ، عَنْ عَاصِمٍ الأَحْوَلِ بِهَذَا الإِسْنَادِ نَحْوَهُ، وَقَالَ :«تَبَارَكْتَ يَا ذَا الْجَلاَلِ وَالإِكْرَامِ».

299. *Ҳаннод (ибн ас-Сарий), Марвон ибн Муъовия (ал-Фазорий)дан, Абу Муъовиядан, Осимдан, худди шу иснод билан ўтган ҳадисни бизга баён этди ва:* **«Табораква йа зал-жалали ва икром» деб айтди.**

Бу бобда Савбон, Ибн Умар, Ибн Аббос, Абу Саъид, Абу Ҳурайра ва Муғийра ибн Шуъба (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Оиша (онамиз)нинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоздан кейин: **«Ло илоҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ло шарика лаҳу лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду, йуҳйий ва йумийту ва ҳува ъало кулли шайин қодир! Аллоҳумма ло мониъа лимо аътойта, ва ло муътийа лимо манаъта, ва ло йанфаъу зал-жадди минкалжадду» деб айтганлари ривоят қилинган.**

(Маъноси: **«Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. У якка-ю ягонадир, шериги йўқ, мулк Уникидир, ҳамд Унга хосдир. У тирилтиргай ва ўлдиргай. У ҳар ишга қодир зотдир! Ё Аллоҳим! Сен ато этган нарсани ҳеч ким манъ этолмас. Сен манъ этган нарсани ҳеч ким ато этолмас. (Сенинг ҳузурингда) куч-қувватли кимсанинг куч-қувватидан наф йўқ!) (Фақат солиҳ амаллари унга фойда бериши мумкин)».**

Шунингдек, саломдан кейин: «**Субҳона Роббика Роббил-ъиззати ъамма йасифун ва саломун ъалал-мурсалийн, вал-ҳамдулиллаҳи Роббил-ъоламийн» деганлари ҳам ривоят қилинган».**[57]

ИЗОҲ. Маъноси: «**Иззат** (қудрат ва ғолиблик) **Раббби бўлмиш Раббингиз уларнинг сифатларидан пок зотдур.** (Барча) **Расулларга** (Аллоҳдан) **салом бўлгай! Барча ҳамд – бутун оламлар Рабби – Аллоҳ учундир»**.

٣٠٠- حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مُحَمَّدِ بْنِ مُوسَى، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ الْمُبَارَكِ، أَخْبَرَنَا الأَوْزَاعِيُّ، حَدَّثَنِي شَدَّادٌ أَبُو عَمَّارٍ، حَدَّثَنِي أَبُو أَسْمَاءَ الرَّحَبِيُّ، قَالَ: حَدَّثَنِي ثَوْبَانُ مَوْلَى رَسُولِ اللَّهِ صلى الله عليه وسلم قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا أَرَادَ أَنْ يَنْصَرِفَ مِنْ صَلاَتِهِ اسْتَغْفَرَ [اللَّهَ] ثَلاَثَ مَرَّاتٍ، ثُمَّ قَالَ: «[اللَّهُمَّ] أَنْتَ السَّلاَمُ، وَمِنْكَ السَّلاَمُ، تَبَارَكْتَ يَا ذَا الْجَلاَلِ وَالإِكْرَامِ».

300. *Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мавлоси (озод этилган қули) Савбондан ривоят қилинди; айтди:* «**Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозни адо қилиб қайрилмоқчи бўлганларида уч марта истиғфор айтар эдилар, кейин: «Аллоҳумма антас-салом ва минкас-салом, табораста йо зал-жалоли вал-икром»,** дер эдилар».

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис саҳиҳ.

Абу Амморнинг исми – Шаддод ибн Абдуллоҳ.

225-БОБ. ЎНГ ТОМОН БИЛАН ҲАМ, ЧАП ТОМОН БИЛАН ҲАМ ҚАЙРИЛМОҚ

٣٠١- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا أَبُو الأَحْوَصِ، عَنْ سِمَاكِ بْنِ حَرْبٍ، عَنْ قَبِيصَةَ بْنِ هُلْبٍ، عَنْ أَبِيهِ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَؤُمُّنَا فَيَنْصَرِفُ عَلَى جَانِبَيْهِ جَمِيعًا عَلَى يَمِينِهِ وَعَلَى شِمَالِهِ.

301. *Қобийса ибн Ҳулбнинг отасидан ривоят қилинди; айтди:* «**Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга имом бўлар эдилар ва** (намозни битиргач)**, ҳар икки томонлари билан: ўнг томонлари билан ҳам, чап томонлари билан ҳам** (меҳробдан) **қайрилар эдилар».**

Бу бобда яна Абдуллоҳ ибн Масъуд, Анас, Абдуллоҳ ибн Умар ва Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

[57] Бу ҳадис «Мажмаъуз-завоид» китобида (2/147-148) Абу Ҳурайранинг Абу Саъид ал-Худрийдан қилган ривояти сифатида тахриж қилинган ва кишиси (ровийси) сиқа (ишончли) эканлиги қайд этилган.

Абу Ийсо деди(лар): Ҳулбнинг ҳадиси ҳасан.

Илм аҳлининг наздида амал шу ҳадис асосидадир.

(Имом) икки томоннинг биронтаси билан қайрилиши мумкин. Хоҳласа ўнг томони, хоҳласа чап томони билан қайрилади.

Ҳар икки ҳадис ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан саҳиҳ тарзида ривоят қилинган.

Али ибн Абу Толиб (розийаллоҳу анҳу)дан бундай деб айтганлари ривоят этилади: **«Ҳожати ўнг томондан бўлса, ўнг томони билан туради. Агар ҳожати чап томондан бўлса, чап томони билан қайрилади».**

226-БОБ. НАМОЗНИНГ СИФАТИ

٣٠٢- حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، أخبرنا إِسْمَعِيلُ بْنُ جَعْفَرٍ، عَنْ يَحْيَى بْنِ عَلِيِّ بْنِ يَحْيَى ابْنِ خَلَّادِ بْنِ رَافِعٍ الزُّرَقِيِّ، عَنْ جَدِّهِ، عَنْ رِفَاعَةَ بْنِ رَافِعٍ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَيْنَمَا هُوَ جَالِسٌ فِي الْمَسْجِدِ يَوْمًا - قَالَ رِفَاعَةُ: وَنَحْنُ مَعَهُ - إِذْ جَاءَهُ رَجُلٌ كَالْبَدَوِيِّ، فَصَلَّى فَأَخَفَّ صَلاَتَهُ ، ثُمَّ انْصَرَفَ فَسَلَّمَ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ .

فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**وَعَلَيْكَ فَارْجِعْ فَصَلِّ، فَإِنَّكَ لَمْ تُصَلِّ**».

فَرَجَعَ فَصَلَّى، ثُمَّ جَاءَ فَسَلَّمَ عَلَيْهِ، فَقَالَ : «**وَعَلَيْكَ فَارْجِعْ فَصَلِّ، فَإِنَّكَ لَمْ تُصَلِّ**».

[فَفَعَلَ ذَلِكَ] مَرَّتَيْنِ أَوْ ثَلاَثًا، كُلُّ ذَلِكَ يَأْتِي النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَيُسَلِّمُ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ .

فَيَقُولُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**وَعَلَيْكَ فَارْجِعْ فَصَلِّ، فَإِنَّكَ لَمْ تُصَلِّ**».

فَخَافَ النَّاسُ وَكَبُرَ عَلَيْهِمْ أَنْ يَكُونَ مَنْ أَخَفَّ صَلاَتَهُ لَمْ يُصَلِّ ، فَقَالَ الرَّجُلُ فِي آخِرِ ذَلِكَ: فَأَرِنِي وَعَلِّمْنِي، فَإِنَّمَا أَنَا بَشَرٌ أُصِيبُ وَأُخْطِئُ، فَقَالَ: «**أَجَلْ، إِذَا قُمْتَ إِلَى الصَّلاَةِ فَتَوَضَّأْ كَمَا أَمَرَكَ اللَّهُ، ثُمَّ تَشَهَّدْ وَأَقِمْ**[٤]**، فَإِنْ كَانَ مَعَكَ قُرْآنٌ فَاقْرَأْ وَإِلاَّ فَاحْمَدِ اللَّهَ وَكَبِّرْهُ وَهَلِّلْهُ، ثُمَّ ارْكَعْ فَاطْمَئِنَّ رَاكِعًا، ثُمَّ اعْتَدِلْ قَائِمًا، ثُمَّ اسْجُدْ فَاعْتَدِلْ سَاجِدًا، ثُمَّ اجْلِسْ فَاطْمَئِنَّ جَالِسًا، ثُمَّ قُمْ، فَإِذَا فَعَلْتَ ذَلِكَ فَقَدْ تَمَّتْ صَلاَتُكَ، وَإِنِ انْتَقَصْتَ مِنْهُ شَيْئًا انْتَقَصْتَ مِنْ صَلاَتِكَ**» قَالَ: وَكَانَ هَذَا أَهْوَنَ عَلَيْهِمْ مِنَ الأَوَّلِ؛ أَنَّهُ مَنِ انْتَقَصَ مِنْ ذَلِكَ شَيْئًا انْتَقَصَ مِنْ صَلاَتِهِ، وَلَمْ تَذْهَبْ كُلُّهَا.

302. *Рифоъа ибн Рофиъдан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни масжидда ўтирган эдилар. – Рифоъа: «Бизлар ҳам у киши билан бирга эдик», дейди. – Бадавийга ўхшаган бир киши келди-да, намоз ўқиди. Намозини енгил-елпи адо қилди. Кейин келиб, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга салом берди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ва ъалайка»** («Сенга ҳам») **деб алик олдилар-да: «Қайтгил, намоз ўқигил, чунки сен намоз ўқимадинг» дедилар. У қайтиб, намоз ўқиди. Кейин келиб, у зотга салом берди.** (Расулуллоҳ): **«Ва ъалайка»**, **деб алик олдилар-да: «Қайтгил, намоз ўқигил, чунки сен намоз ўқимадинг», дедилар. Бу ҳол икки марта ёки уч марта такрорланди. Ҳар гал Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб салом берар ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ва ъалайка», – деб алик олиб: «Қайтгил, намоз ўқигил, чунки сен намоз ўқимадинг», дер эдилар. Намозини енгил ўқиган кишининг намоз ўқимаган бўлиб чиқишидан** (у ердаги) **одамлар қўрқиб қолдилар ва** (бу ҳукм) **уларга оғир ботди. Ниҳоят, бояги киши бундай деди: «Менга кўрсатинг ва ўргатинг, чунки мен ҳам бир инсонман, тўғри қилишим мумкин, хато қилишим мумкин». Шунда** (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **«Албатта**, – **дедилар** – **намозга турсанг,** (аввал) **Аллоҳ буюрганидек таҳорат ол. Кейин шаҳодат келтир ва иқомат ҳам келтир** (такбири таҳрима айт)**. Кейин Қуръондан билганингни ўқи. Илло, Аллоҳга ҳамд айт, такбир айт ва таҳлил айт! Кейин хотиржам, астойдил рукуъ қил, кейин мўътадил миқдорда қоматингни тик тут, кейин мўътадил ҳолда** (астойдил) **сажда қил. Кейин хотиржам ўтир ва қиёмга тургил. Ана шундай адо қилсанг, намозинг тўкис бўлади. Шулардан бирор нарса камайтирсанг** (нуқсонга йўл қўйсанг) **намозингдан камайтирган бўласан»**. (Рифоъа) **айтди: «Бу ҳукм уларга аввалгисидан ҳам кўра осонроқ туюлди: «Кимки шулардан бирор нарса камайтирса, ўз намозидан камайтирган бўлади ва бутун намози ўтмайди»**.

Бу бобда Абу Ҳурайра ва Аммор ибн Ёсир (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Рифоъанинг ҳадиси ҳасан.

Бу ҳадис Рифоъадан тағин бошқа важҳдан ҳам ривоят қилинган.

٣٠٣- حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ الْقَطَّانُ، حَدَّثَنَا عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ عُمَرَ، أَخْبَرَنِي سَعِيدُ بْنُ أَبِي سَعِيدٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دَخَلَ الْمَسْجِدَ فَدَخَلَ رَجُلٌ فَصَلَّى، ثُمَّ جَاءَ فَسَلَّمَ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَرَدَّ عَلَيْهِ السَّلَامَ، فَقَالَ: «ارْجِعْ فَصَلِّ، فَإِنَّكَ لَمْ تُصَلِّ» فَرَجَعَ الرَّجُلُ فَصَلَّى كَمَا [كَانَ] صَلَّى، ثُمَّ جَاءَ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَسَلَّمَ [عَلَيْهِ] فَرَدَّ عَلَيْهِ [السَّلَامَ]، فَقَالَ لَهُ [رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ]: «ارْجِعْ فَصَلِّ، فَإِنَّكَ لَمْ تُصَلِّ» حَتَّى فَعَلَ ذَلِكَ ثَلَاثَ مِرَارٍ، فَقَالَ [لَهُ] الرَّجُلُ: وَالَّذِي بَعَثَكَ بِالْحَقِّ مَا أُحْسِنُ غَيْرَ هَذَا فَعَلِّمْنِي، فَقَالَ: «إِذَا قُمْتَ إِلَى الصَّلَاةِ فَكَبِّرْ، ثُمَّ اقْرَأْ بِمَا تَيَسَّرَ مَعَكَ مِنَ الْقُرْآنِ، ثُمَّ ارْكَعْ حَتَّى تَطْمَئِنَّ رَاكِعًا، ثُمَّ ارْفَعْ حَتَّى تَعْتَدِلَ قَائِمًا، ثُمَّ اسْجُدْ حَتَّى تَطْمَئِنَّ سَاجِدًا، ثُمَّ ارْفَعْ حَتَّى تَطْمَئِنَّ جَالِسًا، وَافْعَلْ ذَلِكَ فِي صَلَاتِكَ كُلِّهَا».

303. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидга кирдилар, кетларидан бир киши ҳам кириб, намоз ўқиди. Кейин келиб, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга салом берди, саломига алик олдилар-да: «Қайтгил, намоз ўқигил, чунки сен намоз ўқимадинг!», дедилар. Ўша киши қайтиб, худди боягидек намоз ўқиди. Кейин яна келиб, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга салом берди. Саломига алик олдилар-да, унга яна: «Қайтгил, намоз ўқигил, чунки сен намоз ўқимадинг», дедилар. Буни уч марта такрор қилдилар. Шунда боягги киши: «Сизни ҳақ** (дин) **билан юборган Зотга қасамки, бундан яхшироқ қилолмайман. Менга ўргатинг!» деди. Шунда** (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам) **айтдилар: «Намозга турсанг,** (аввал) **такбир**(и) таҳрима) **айт; кейин Қуръондан ўзингга осон бўлганини ўқи. Кейин хотиржам** (астойдил) **рукуъ қил, кейин туриб, мўътадил миқдорда қаддингни тик тут; кейин хотиржам** (астойдил) **сажда қил. Кейин хотиржам** (астойдил) **ўтир, сўнг қолган бутун намозингда ана шундай давом эт!»**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Ибн Нумайр бу ҳадисни Убайдуллоҳ ибн Умардан, Саъид ал-Мақбурийдан, Абу Ҳурайрадан ривоят қилган-у, Саъиднинг отасини зикр этмаган.

Яҳё ибн Саъиднинг Убайдуллоҳ ибн Умардан қилган ривояти янада саҳиҳроқ.

Саъид ал-Мақбурий Абу Ҳурайранинг ўзидан эшитган ва отаси орқали ҳам Абу Ҳурайрадан ривоят қилган.

Абу Саъид ал-Мақбурийнинг исми – Кайсон. Саъид ал-Мақбурий эса Абу Саъд деб куня олган. (Кайсон бировга мукотаб қул бўлган).

227-БОБ. ЎТГАН МАВЗУ
(Намознинг сифати)

٣٠٤- حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ وَمُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى، قَالاَ: حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ [الْقَطَّانُ] ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الْحَمِيدِ بْنُ جَعْفَرٍ، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَمْرِو بْنِ عَطَاءٍ، عَنْ أَبِي حُمَيْدٍ السَّاعِدِيِّ قَالَ: سَمِعْتُهُ ، وَهُوَ فِي عَشَرَةٍ مِنْ أَصْحَابِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَحَدُهُمْ أَبُو قَتَادَةَ بْنُ رِبْعِيٍّ يَقُولُ: أَنَا أَعْلَمُكُمْ بِصَلاَةِ رَسُولِ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالُوا: مَا كُنْتَ أَقْدَمَنَا لَهُ صُحْبَةً، وَلاَ أَكْثَرَنَا لَهُ إِتْيَانًا ! قَالَ: بَلَى، قَالُوا: فَاعْرِضْ ، فَقَالَ : كان النبي صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا قَامَ إِلَى الصَّلاَةِ اعْتَدَلَ قَائِمًا وَرَفَعَ يَدَيْهِ حَتَّى يُحَاذِيَ بِهِمَا مَنْكِبَيْهِ ، فَإِذَا أَرَادَ أَنْ يَرْكَعَ رَفَعَ يَدَيْهِ حَتَّى يُحَاذِيَ بِهِمَا مَنْكِبَيْهِ ، ثُمَّ قَالَ: «اللهُ أَكْبَرُ» وَرَكَعَ، ثُمَّ اعْتَدَلَ فَلَمْ يُصَوِّبْ رَأْسَهُ وَلَمْ يُقْنِعْ ، وَوَضَعَ يَدَيْهِ عَلَى رُكْبَتَيْهِ، ثُمَّ قَالَ: «سَمِعَ اللهُ لِمَنْ حَمِدَهُ» وَرَفَعَ يَدَيْهِ وَاعْتَدَلَ حَتَّى يَرْجِعَ كُلُّ عَظْمٍ فِي مَوْضِعِهِ مُعْتَدِلاً، ثُمَّ أَهْوَى إِلَى الأَرْضِ سَاجِدًا، ثُمَّ قَالَ:«اللهُ أَكْبَرُ» ثُمَّ جَافَى عَضُدَيْهِ عَنْ إِبْطَيْهِ، وَفَتَحَ أَصَابِعَ رِجْلَيْهِ، ثُمَّ ثَنَى رِجْلَهُ الْيُسْرَى وَقَعَدَ عَلَيْهَا، ثُمَّ اعْتَدَلَ حَتَّى يَرْجِعَ كُلُّ عَظْمٍ فِي مَوْضِعِهِ مُعْتَدِلاً، ثُمَّ أَهْوَى سَاجِدًا، ثُمَّ قَالَ:«اللهُ أَكْبَرُ» ثُمَّ ثَنَى رِجْلَهُ وَقَعَدَ وَاعْتَدَلَ حَتَّى يَرْجِعَ كُلُّ عَظْمٍ فِي مَوْضِعِهِ ، ثُمَّ نَهَضَ، ثُمَّ صَنَعَ فِي الرَّكْعَةِ الثَّانِيَةِ مِثْلَ ذَلِكَ، حَتَّى إِذَا قَامَ مِنَ السَّجْدَتَيْنِ كَبَّرَ وَرَفَعَ يَدَيْهِ حَتَّى يُحَاذِيَ بِهِمَا مَنْكِبَيْهِ كَمَا صَنَعَ حِينَ افْتَتَحَ الصَّلاَةَ، ثُمَّ صَنَعَ كَذَلِكَ، حَتَّى كَانَتِ الرَّكْعَةُ الَّتِي تَنْقَضِي فِيهَا صَلاَتُهُ أَخَّرَ رِجْلَهُ الْيُسْرَى، وَقَعَدَ عَلَى شِقِّهِ مُتَوَرِّكًا، ثُمَّ سَلَّمَ.

304. *Абу Ҳумайд ас-Соъидийдан ривоят қилинди; «(Ровий Муҳаммад ибн Амр) айтди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ўн киши орасида, – шулардан биттаси Абу Қатода ибн Рибъий эди, – Абу Ҳумайднинг бундай деганини эшитдим: «Расулуллоҳ**

соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намозларини энг яхши билган кишингиз менман». Айтишдики: «(Лекин) **сен у зотга суҳбатдошлик** (саҳобалик) **жиҳатидан энг қадимгимиз эмассан ва у кишига энг кўп қатнаган кишимиз ҳам эмассан» «Тўғри», деди** (Абу Ҳумайд). **«Унда баён эт!» – дедилар. Шунда айтди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозга турганларида мўътадил миқдорда қоматларини рост тутиб, қўлларини елкалари баробарида кўтарар эдилар. Рукуъ қилмоқчи бўлсалар, қўлларини елкалари баробарида кўтарар, кейин: «Аллоҳу акбар» деб рукуъга борар эдилар. Кейин** (рукуъда) **мўътадил миқдорда** (бир оз) **турар, бошларини на тик тутар ва на солинтирар, қўлларини тиззалари устига қўяр эдилар. Кейин: «Самиъаллоҳу ли ман ҳамидаҳ» деб, қўлларини кўтарар ва то ҳар бир бўғинлари жой-жойига тушгунича мўътадил миқдорда** (бир оз) **тик турар эдилар. Кейин саждага бориш учун ерга эгилар эдилар, кейин: «Аллоҳу акбар» дер эдилар, кейин қўлларини қўлтиқларидан ажратар ва оёқ бармоқларини очар** (бўш қўяр) **эдилар. Кейин чап оёқларини букиб ёйиб, устига ўлтирар, то ҳар бир бўғинлари жой-жойига тушгунича мўътадил миқдорда ўлтириб, кейин саждага борар эдилар. Кейин: «Аллоҳу акбар» дер эдилар; кейин оёқларини букиб ёйиб, то ҳар бир бўғинлари жой-жойига тушгунича мўътадил миқдорда ўлтирар эдилар. Кейин қиёмга турар ва иккинчи ракъатда ҳам худди шундай қилар эдилар.**

Икки саждадан (яъни, илк икки ракъатдан) **турганларида такбир айтиб, қўлларини елкалари баробарида кўтарар эдилар, худди намозни бошлаганларида қўлларини кўтарганларидек. Кейин намозларини шундай давом эттирар, намозларини тугатаётган охирги ракъатни ўқиб бўлгач, чап оёқларини узатиб, шу оёқ ёнбоши устига ўлтирар, кейин салом берар эдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

«Икки саждадан турганларида...» сўзининг маъноси «икки ракъат ўқигандан кейин учинчи ракъатга турганларида», деганидир.[58]

٣٠٥ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ وَالْحَسَنُ بْنُ عَلِيٍّ [الْخَلَّالُ] [الْحُلْوَانِيُّ] [وَسَلَمَةُ بن شَبِيبٍ] وَغَيْرُ وَاحِدٍ قَالُوا: حَدَّثَنَا أَبُو عَاصِمٍ [النَّبِيلُ]، حَدَّثَنَا عَبْدُ الْحَمِيدِ ابْنُ جَعْفَرٍ، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَمْرِو بْنِ عَطَاءٍ، قَالَ: سَمِعْتُ أَبَا حُمَيْدٍ السَّاعِدِيَّ فِي عَشَرَةٍ مِنْ أَصْحَابِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْهُمْ أَبُو قَتَادَةَ بْنُ رِبْعِيٍّ، فَذَكَرَ نَحْوَ حَدِيثِ يَحْيَى بْنِ سَعِيدٍ بِمَعْنَاهُ، وَزَادَ فِيهِ [أَبُو عَاصِمٍ، عَنْ عَبْدِ الْحَمِيدِ بْنِ جَعْفَرٍ هَذَا الْحَرْفَ]، قَالُوا: صَدَقْتَ، هَكَذَا صَلَّى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ

[58] Бу ҳадисни Абу Довуд, Дорамий ва Ибн Можа ҳам тахриж қилганлар.

305. *Муҳаммад ибн Амр ибн Атодан ривоят қилинди; айтди:* **«Абу Ҳумайд ас-Соъидийни**(нг сўзини) **Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан бўлмиш ўн кишининг орасида эшитдим, улар орасида Абу Қатода ибн Рибъий ҳам бор эди». Кейин Яҳё ибн Саъиднинг ҳадисини айнан** (ўша) **маъноси билан зикр қилади ва бу ҳадисда бу қўшимча: - Абу Осим, Абдулҳамид ибн Жаъфардан ривоят қилган ушбу жумла ўрин олади: «Дедиларки: Тўғри айтдинг. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай намоз ўқир эдилар».**

228-БОБ. БОМДОД НАМОЗИДАГИ ҚИРОАТ

٣٠٦- حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنْ مِسْعَرٍ وَسُفْيَانَ، عَنْ زِيَادِ بْنِ عَلَاقَةَ، عَنْ عَمِّهِ قُطْبَةَ بْنِ مَالِكٍ، قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقْرَأُ فِي الْفَجْرِ: ﴿وَالنَّخْلَ بَاسِقَاتٍ﴾، [فِي الرَّكْعَةِ الأُولَى].

306. *Қутба ибн Моликдан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдод намозининг биринчи ракъатида: «Ван-нахла босиқотин...»** (сураси)**ни** («Нун») **қироат қилганларини эшитдим».**

Бу бобда Амр ибн Ҳурайс, Жобир ибн Самура, Абдуллоҳ ибн ас-Соиб, Абу Барза ва Умму Салама (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Йисо деди(лар): Қутба ибн Моликнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдод намозида 60 оятдан 100 оятгача ўқиганлари ривоят қилинган. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам «Изаш-шамсу куввирот» сурасини ўқиганлари ҳам ривоят қилинади.

(Ҳазрати) Умар (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинишига кўра, ҳазрати Умар Абу Мусога бомдод намозида узун суралардан ўқимоғини ёзма равишда билдирганлар.

Илм аҳлининг амали шу ҳадис асосидадир. Суфён Саврий, Ибн Муборак ва Шофиъийнинг ҳам қавли шудир.

229-БОБ. ПЕШИН ВА АСР НАМОЗЛАРИДАГИ ҚИРОАТ

٣٠٧- حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ هَارُونَ، أَخبرنا حَمَّادُ بْنُ سَلَمَةَ، عَنْ سِمَاكِ ابْنِ حَرْبٍ، عَنْ جَابِرِ بْنِ سَمُرَةَ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَقْرَأُ فِي الظُّهْرِ وَالْعَصْرِ بِالسَّمَاءِ ذَاتِ الْبُرُوجِ، وَالسَّمَاءِ وَالطَّارِقِ، وَشِبْهِهِمَا.

307. *Жобир ибн Самура (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам пешин ва аср намозларида «Вас-самои зотил-буруж» ҳамда «Вас-самои ват-ториқ» ва шунга ўхшаш сураларни ўқир эдилар».**

Бу бобда Хаббоб, Абу Саъид, Абу Қатода, Зайд ибн Собит ва Ал-Баро (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Йисо деди(лар): Жобир ибн Самуранинг ҳадиси ҳасан(-саҳиҳ).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам пешин намозида «Сажда» сураси миқдорида ўқиганлари ривоят қилинган. Пешиннинг биринчи ракъатида 30 оят ва иккинчи ракъатида 15 оят қадар ўқиганлари ҳам ривоят қилинади.

(Ҳазрати) Умар (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: (У киши) Абу Мусога пешин намозида ўртача (миқдордаги) суралардан ўқилмоғини ёзма равишда билдирдилар.

Айрим илм аҳлининг ривоятига кўра, аср намозининг қироати шом намозининг қироати сингаридир: қисқа суралардан ўқилади. Иброҳим айтади: «Пешин намози қироатда аср намозининг тўрт баробарига етказилади».

230-БОБ. ШОМ НАМОЗИДАГИ ҚИРОАТ

٣٠٨- حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا عَبْدَةُ [بْنُ سُلَيْمَانَ]، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِسْحَقَ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ عُبَيْدِ اللَّهِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ [بْنِ عُتْبَةَ]، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ، عَنْ أُمِّهِ أُمِّ الْفَضْلِ، قَالَتْ: خَرَجَ إِلَيْنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهم عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ عَاصِبٌ رَأْسَهُ فِي مَرَضِهِ، فَصَلَّى الْمَغْرِبَ، فَقَرَأَ بِالْمُرْسَلَاتِ، [قَالَتْ]: فَمَا صَلَّاهَا بَعْدُ حَتَّى لَقِيَ اللَّهَ.

308. *Умму Фазл (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам беморлик пайтларида бошларини боғлаган ҳолда бизларга** (масжидга) **чиқиб, шом намозини ўқиб бердилар, шунда «ал-Мурсалот» сурасини қироат қилдилар. Бошқа бирор марта шом намозини ўқий олмай Аллоҳ ъазза ва жаллага омонатни топширдилар».**

Бу бобда Жубайр ибн Мутъим, Ибн Умар, Абу Аййуб ва Зайд ибн Собит (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Йисо деди(лар): Умму Фазлнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан, шом намозининг икки ракъатида «ал-Аъроф» сурасини (икки бўлиб) ўқиганлари ривоят қилинган. Тағин шом намозида «Тур» сурасини ўқиганлари ҳам ривоят қилинади. Умар (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят этилишича, у киши шом намозида қисқа суралардан ўқимоғини Абу Мусога ёзма равишда билдирганлар. Абу Бакр (розийаллоҳу анҳу)дан ҳам шом намозида қисқа суралардан ўқиганлари ривоят қилинди.

Илм аҳлининг амали шу ҳадис асосидадир. Ибн Муборак, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шу. Шофиъий айтади: «Шом намозида узун сураларни, «Тур» ва «Мурсалот» каби сураларни ўқиш макруҳ эканлиги Моликдан ривоят қилинган. Менимча, макруҳ эмас. Аксинча, бу каби сураларни шом намозида ўқишни мустаҳаб деб қарайман».

ИЗОҲ. Шом намозида қисқа сураларни ўқимоқ мустаҳабдир *(«Лам якун»дан то Қурьоннинг охиригача қисқа суралардир. «Шарҳи Мухтасари Виқоя».)*

231-БОБ. ХУФТОН НАМОЗИДАГИ ҚИРОАТ

٣٠٩ – حَدَّثَنَا عَبْدَةُ بْنُ عَبْدِ اللّٰهِ الْخُزَاعِيُّ [الْبَصْرِيُّ]، حَدَّثَنَا زَيْدُ بْنُ الْحُبَابِ، حَدَّثَنَا [حُسَيْنُ] بْنُ وَاقِدٍ، عَنْ عَبْدِ اللّٰهِ بْنِ بُرَيْدَةَ، عَنْ أَبِيهِ قَالَ: كان النبي صَلَّى اللّٰه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقْرَأُ فِي الْعِشَاءِ الآخِرَةِ بِالشَّمْسِ وَضُحَاهَا وَنَحْوِهَا مِنَ السُّوَرِ

309. *Абдуллоҳ ибн Бурайданинг отасидан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хуфтон намозида «Ваш-шамси ва зуҳоҳа» ва шу сингари сураларни ўқир эдилар».**

Бу бобда Баро ибн Озибдан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Бурайданинг ҳадиси ҳасан.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хуфтон намозида «Ват-тийни ваз-зайтуни» сурасини ўқиганлари ривоят қилинган.

(Ҳазрати) Усмон Ибн Аффон (розийаллоҳу анҳу)дан бундай ривоят қилинди: У зот хуфтон намозида «Мунофиқийн» ва шунга ўхшаш авсати муфассал (ўрта) сураларни қироат қилар эдилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари ва тобеъийнлар бундан кўпроқ ва озроқ (миқдорда) ўқиганлари ривоятлар орасида зикр қилинган: Хуфтон намози қироатига чегара қўймаган эдилар. Бу хусусда энг мақбул ривоят, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг **«Ваш-шамси ва зуҳоҳа»** билан **«Ват-тийни ваз-зайтуни»** сураларини ўқиганларига доир келган ривоятдир.

٣١٠- حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ، عَنْ يَحْيَى بْنِ سَعِيدٍ الأَنْصَارِيِّ، عَنْ عَدِيِّ بْنِ ثَابِتٍ، عَنِ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَرَأَ فِي الْعِشَاءِ الآخِرَةِ بِالتِّينِ وَالزَّيْتُونِ.

310. *Ал-Баро ибн Озиб (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам хуфтон намозида «Ват-тийни ваз-зайтуни» сурасини ўқир эдилар».**

Абу Йисо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

232-БОБ. ИМОМНИНГ ОРҚАСИДА ҚИРОАТ ҚИЛМОҚ

٣١١- حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا عَبْدَةُ بْنُ سُلَيْمَانَ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِسْحَقَ، عَنْ مَكْحُولٍ، عَنْ مَحْمُودِ بْنِ الرَّبِيعِ، عَنْ عُبَادَةَ بْنِ الصَّامِتِ قَالَ: صَلَّى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الصُّبْحَ فَثَقُلَتْ عَلَيْهِ الْقِرَاءَةُ، فَلَمَّا انْصَرَفَ قَالَ: «إِنِّي أَرَاكُمْ تَقْرَءُونَ وَرَاءَ إِمَامِكُمْ» قَالَ: قلنا: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِي وَاللَّهِ. قَالَ: «فَلاَ تَفْعَلُوا إِلاَّ بِأُمِّ الْقُرْآنِ، فَإِنَّهُ لاَ صَلاَةَ لِمَنْ لَمْ يَقْرَأْ بِهَا».

311. *Убода ибн Сомит (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдод намозини ўқиб бердилар ва қироат у кишига оғирлик қилди. Намозни ўқиб бўлгач: «Кўряпманки, сизлар имомингизнинг орқасида қироат қилаётирсизлар-ку!» дедилар. «Ё Расулаллоҳ! Валлоҳи, шундоқ!» дедик. «Ундай қилмангизлар, илло** (фақатгина) **«Уммул Қуръон»ни** (яъни, «Фотиҳа» сурасини) **ўқингизлар. Чунки уни ўқимаган кишининг намози йўқ!»** – дедилар.

Бу бобда Абу Ҳурайра, Оиша (онамиз), Анас, Абу Қатода ва Абдуллоҳ ибн Амр (розийаллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Йисо деди(лар): Убоданинг ҳадиси ҳасан.

Аз-Зуҳрий бу ҳадисни Маҳмуд ибн ар-Робиъдан, Убода ибн ас-Сомитдан, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: «Айтдиларки: «Фотиҳа»ни ўқимаган кишининг намози йўқ».

Бу ривоят саҳиҳроқ. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан илм аҳлининг ва тобеъийн уламоларнинг кўпчилиги наздида, имомнинг орқасида қироат қилмоқ масаласида, амал шу ҳадис асосидадир.

Молик ибн Анас, Ибн Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шудир: имомнинг орқасида қироат қилинади, деб қарайдилар.

233-БОБ. ИМОМ ЖАҲР (ОВОЗ ЧИҚАРИБ) ЎҚИГАНДА УНИНГ ОРҚАСИДАГИЛАР ҚИРОАТ ҚИЛМАСЛИГИ

٣١٢- حَدَّثَنَا الأَنْصَارِيُّ، حَدَّثَنَا مَعْنٌ، حَدَّثَنَا مَالِكٌ [بْنُ أَنَسٍ]، عَنِ ابْنِ شِهَابٍ، عَنِ ابْنِ أُكَيْمَةَ اللَّيْثِيِّ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ انْصَرَفَ مِنْ صَلاَةٍ جَهَرَ فِيهَا بِالْقِرَاءَةِ، فَقَالَ: «**هَلْ قَرَأَ مَعِي أَحَدٌ مِنْكُمْ آنِفًا؟**» فَقَالَ رَجُلٌ: نَعَمْ يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: «**إِنِّي أَقُولُ مَالِي أُنَازَعُ الْقُرْآنَ**» قَالَ: فَانْتَهَى النَّاسُ عَنِ الْقِرَاءَةِ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِيمَا جَهَرَ فِيهِ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنَ الصَّلَوَاتِ بِالْقِرَاءَةِ حِينَ سَمِعُوا ذَلِكَ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ .

312. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жаҳр ўқиб берган бир намозларини тугатдилар-да: «Сизлардан биттангиз мен билан бирга қироат қилдими?» – дедилар. Бир киши: «Шундоқ, Ё Расулаллоҳ!» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедиларки: «Айтдим-а, мен ўқиётган Қуръонга нечун муқобала қилаётир деб». Инсонлар** (саҳобалар) **буни эшитгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жаҳр ўқиган намозларда у зот билан бирга қироат қилишни тўхтатдилар».**

Бу бобда Ибн Масъуд, Имрон ибн Ҳусайн ва Жобир ибн Абдуллоҳ (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ййсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан.

Ибн Укайма ал-Лайснинг исми – Умора бўлиб, уни Амр ибн Укайма ҳам дейишади. Бу ҳадисни ривоят қилган Аз-Зуҳрийнинг биродарларидан баъзиси қуйидаги жумлани зикр этиб, бундай дейди: **«Инсонлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан буни эшитгач, қироат айламоқни бас қилдилар».**

Бу ҳадисда имомнинг орқасида қироат қилмоқни кўзда тутганларни синдирадиган бир ҳолат йўқ. Чунки бу ҳадисни Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу) Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шундоқ бир ҳадис ҳам ривоят қилган: **«Кимки бир намоз ўқиса-ю, ўша намозда «Фотиҳа»ни ўқимаса, у намоз нуқсонлидир, тўкис эмас!» Шунда ҳадисни эшитган киши Абу Ҳурайрага: «Мен баъзан имомнинг орқасида туриб қоламан-ку? (Унда нима қиламан?)» деди. Абу Ҳурайра: «Фотиҳа»ни ичингда ўқи»,** деди.

Абу Усмон ан-Наҳдий Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилган экан; айтадики: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам «Фотиҳа»сиз намоз йўқ эканини ҳайқириб эшиттирмоғимни менга амр қилдилар».

Муҳаддисларга келсак, имом жаҳр ўқиганда муқтадиъ қироат қилмайди, деб ихтиёр этадилар ва бундай дейдилар: **«Имомнинг сакталарини** (қироат асносида тўхтайдиган жойларини) **кузатади».**

Имомнинг орқасида қироат қилмоқ масаласида илм аҳли ихтилоф қилганлар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобеъийнлардан илм аҳлининг кўпчилиги имомнинг орқасида қироат қилмоқни кўзда тутадилар. Имом Молик, Ибн Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шудир.

Абдуллоҳ ибн Муборакдан унинг бундай дегани ривоят қилинган: «Мен имомнинг орқасида қироат қиламан. Ҳамма ўқийди, фақат Куфа фақиҳларидан бир жамоа (имомнинг орқасида) қироат қилмайди. Қироат қилмаганларнинг намози ҳам жоиз деб ҳисоблайман».

Илм аҳлидан баъзилари имомнинг орқасида бўлса ҳам, «Фотиҳа»ни ўқимаслик масаласида оғир ҳукмга бориб, бундай дейишган: «Хоҳ ёлғиз ўзи намоз ўқисин, хоҳ имомнинг орқасида бўлсин, «Фотиҳа»ни ўқимаса, намоз жоиз эмас». Булар: Убода ибн Сомитнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қилган ривоятига эга бўлишган (таянишган).

Убода ибн Сомит Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин, имомнинг орқасида қироат қилибди ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Фотиҳа»сиз намоз йўқ», деган сўзларини шарҳлабди.

Шофиъий, Исҳоқ ва айримларнинг қавли ҳам шу.

Имом Аҳмад эса бундай дейди: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Фотиҳа»сиз намоз йўқ»** деган сўзларининг маъноси – якка ўзи намоз ўқиган киши учундир». Имом Аҳмад, Жобир ибн Абдуллоҳнинг: «Кимки бир ракъат намоз ўқиса-ю, унда «Уммул Қуръон»ни («Фотиҳа» сурасини) ўқимаса, намоз ўқимабди; илло имомнинг орқасида бўлса, (намози дурустдир)» деган ҳадисини далил сифатида кўрсатади ва бундай дейди: «Бу киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидандир. Пайғамбар алайҳиссаломнинг: «Фотиҳа»сиз намоз йўқ» деган сўзларини, якка ўзи намоз ўқиган кишилар учун, деб таъвил қилгандир». Имоми Аҳмад, шу билан бирга, имомнинг орқасида қироат қилмоқни ва намозхон имомнинг орқасида бўлса ҳам, «Фотиҳа»ни ўқимоғи жиҳатини ихтиёр қилади.

ШАРҲ: Имом Аъзам мазҳабларида имомга эргашган киши қироат қилмай, жим туриб қулоқ солади. Муқтадий хоҳ намознинг аввалидан то охригача топган бўлсин ё лоҳиқ бўлсин, хоҳ масбуқ бўлсин, имом қироатни хоҳ жаҳрий, хоҳ махфий қилсин, бари бирдир. Бунинг далили аввало Қуръони каримдадир, «Аъроф» сураси, 204-оятида: **«Қуръон қироат**

қилинган вақтда уни эшитинглар ва жим туринглар!», – дейилган. Оятдаги «эшитинглар ва жим туринглар» лафзлари ҳар бири биттадан амр бўлиб, мутлоқдир ва маъноси умумийдир. Бу эътибор ила хоҳ намоз ичида бўлсин, хоҳ намоз ташида бўлсин, Қуръон қироат қилинганда тингламоқ ва сукут қилмоқ вожибдир *(«Файзул-Фурқон»)*.

Бунинг далили яна «Сунан»да Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинган 312-ҳадисдир. Яна «Ҳидоя»и шарифда бу ҳукмга: «Кимнинг имоми бўлса, имомнинг қироати унга ҳам қироатдир», деган ҳадиси шариф далил қилинган ва: «Ушбу фикрга саҳобалар ҳам ижмоъ қилганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қачонки имом қироат қилса, сукут қилинглар», деганлар», дейилган *(«Ҳидоя», «Қироат ҳақидаги бўлим», с.197-198)*. Яна «Шарҳи Мухтасари Виқоя»да Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳунинг: «Имомга иқтидо қилиб туриб, қироат қилган одамнинг оғзига тупроқ тўлсин», деган ҳадиси далил қилинган. Яна: «Ривоят Шуъайбдандирки, айтдилар: «Етмиш саҳоба ризвонуллоҳи таъолони топдим, аҳли Бадр эдилар, имомнинг орқасида қироат қилмадилар». Чунончи, «Кирмоний»да мазкурдир» *(«Мажмуъул-мақсуд», с.119-120)*. Баски, эргашувчи киши имомнинг орқасида қироат қилмайди. Қуйидаги 313-ҳадис ҳам бунга далилдир.

٣١٣- حَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ مُوسَى الأَنْصَارِيُّ، حَدَّثَنَا مَعْنٌ، حَدَّثَنَا مَالِكٌ، عَنْ أَبِي نُعَيْمٍ وَهْبِ بْنِ كَيْسَانَ أَنَّهُ سَمِعَ جَابِرَ بْنَ عَبْدِ اللَّهِ يَقُولُ: مَنْ صَلَّى رَكْعَةً لَمْ يَقْرَأْ فِيهَا بِأُمِّ الْقُرْآنِ فَلَمْ يُصَلِّ إِلاَّ أَنْ يَكُونَ وَرَاءَ الإِمَامِ.

313. Ваҳб ибн Кайсондан ривоят қилинди: *У Жобир ибн Абдуллоҳнинг бундай деганини эшитди:* **«Кимки бир ракъат намоз ўқиса-ю, унда «Уммул Қуръон»ни** («Фотиҳа» сурасини) **ўқимаса, у намоз ўқимабди. Фақат имомнинг орқасида бўлса, қироат қилмас** (ва шунда намози дуруст бўлур)».

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

234-БОБ. МАСЖИДГА КИРАЁТГАНДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

٣١٤- حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، حَدَّثَنَا إِسْمَعِيلُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ، عَنْ لَيْثٍ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الْحَسَنِ، عَنْ أُمِّهِ فَاطِمَةَ بِنْتِ الْحُسَيْنِ، عَنْ جَدَّتِهَا فَاطِمَةَ الْكُبْرَى، قَالَتْ: كَانَ النبى صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا دَخَلَ الْمَسْجِدَ صَلَّى عَلَى مُحَمَّدٍ وَسَلَّمَ، وَقَالَ: «رَبِّ اغْفِرْ لِي ذُنُوبِي، وَافْتَحْ لِي أَبْوَابَ رَحْمَتِكَ» وَإِذَا خَرَجَ صَلَّى عَلَى مُحَمَّدٍ وَسَلَّمَ، وَقَالَ: «رَبِّ اغْفِرْ لِي ذُنُوبِي، وَافْتَحْ لِي أَبْوَابَ فَضْلِكَ».

314. *Фотиматул-Кубро*[59] *(розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидга кирганларида Муҳаммадга** (яъни ўзларига) **салоту салом келтириб, «Роббиғфирлий зунубий, вафтаҳ лий абвоба роҳматик»** («Ё Раббим! Гуноҳларимни мағфират қил ва менга раҳматинг эшикларини очгил!») **дер эдилар. Масжиддан чиқаётганларида эса Муҳаммадга салоту салом келтириб: «Роббиғфирлий зунубий, вафтаҳ лий абвоба фазлик!»** («Ё Роббим! Гуноҳларимни мағфират қил ва менга фазлинг (неъматларинг) эшикларини очгил!») – **дер эдилар».**

ИЗОҲ. «Ё Раббим! Гуноҳларимни мағфират қил ва менга раҳматинг эшикларини очгил! – Аллоҳнинг Расулига муносиб салоту салом айтиш ҳақидаги оят. («Аҳзоб»-33) нозил бўлгач, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг амрини тутиб, ўзларига (биринчи бўлиб) ўзлари салоту салом келтирганлар. Бундаги салоту салом келтирмоқлик Аллоҳнинг амрини адо этиш билан бирга умматларига таълим учун ҳамдир. Ал-Қорий «Ал-Мирқот»ида айтганидек: «Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларига иймон келтирмоқлари ва Пайғамбарлик шахсиятига ҳурмат сифатида ўзларига салоту салом келтирмоқлари вожиб қилинган».

«Ё Роббим! Гуноҳларимни мағфират қил ва менга фазлинг (неъматларинг) эшикларини очгил!» Масжидда ибодат билан машғул бўлингани учун раҳмат талаб қилмоқ ва масжиддан ташқарида бошқа кўп тирикчилик билан машғул бўлингани учун фазлини (неъматларини) талаб қилмоқ мувофиқдир.

٣١٥ – [و] قَالَ عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ: قَالَ إِسْمَعِيلُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ: فَلَقِيتُ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ الْحَسَنِ بِمَكَّةَ فَسَأَلْتُهُ عَنْ هَذَا الْحَدِيثِ فَحَدَّثَنِي بِهِ، قَالَ: كَانَ إِذَا دَخَلَ قَالَ: «رَبِّ افْتَحْ لِي بَابَ رَحْمَتِكَ» وَإِذَا خَرَجَ قَالَ «رَبِّ افْتَحْ لِي بَابَ فَضْلِكَ».

315. *Исмоъйил ибн Иброҳимдан ривоят қилинди; айтди:* **«Абдуллоҳ ибн Ҳасан билан Маккада учрашиб қолдим ва ундан бу ҳадис ҳақида сўрадим. Менга ҳадисни баён этди ва бундай деди: «Кираётганларида: «Роббифтаҳ лий боба роҳматик»** («Ё Раббим! Раҳматинг эшигини менга очгил!») – **дер эдилар ва чиқаётганларида: «Роббифтаҳ лий боба фазлик»** (Ё Роббим! Фазлинг (неъматларинг) эшигини менга очгил!») – **дер эдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу бобда Абу Ҳумайд, Абу Усайд ва Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Фотима (розийаллоҳу анҳо)нинг ҳадиси ҳасандир ва исноди муттасил эмас. Чунки Ҳусайннинг қизи Фотима Фотимаи Куброни кўрмаган, чунки Фотимаи Кубро Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин атиги бир неча ой яшаганлар, холос.

[59] Бу зот бутун олам аёлларининг саййидаси, ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қизлари Фотимаи Заҳро (розийаллоҳу анҳо)дирлар.

235-БОБ. «СИЗЛАРДАН БИРОРТАНГИЗ МАСЖИДГА КИРГАНДА ИККИ РАКЪАТ НАМОЗ ЎҚИБ ОЛСИН»
(Таҳиййатул-масжид намози)

٣١٦- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ [بْنُ سَعِيدٍ]، حَدَّثَنَا مَالِكُ بْنُ أَنَسٍ، عَنْ عَامِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الزُّبَيْرِ، عَنْ عَمْرِو بْنِ سُلَيْمٍ الزُّرَقِيِّ، عَنْ أَبِي قَتَادَةَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا جَاءَ أَحَدُكُمُ الْمَسْجِدَ فَلْيَرْكَعْ رَكْعَتَيْنِ قَبْلَ أَنْ يَجْلِسَ».

316. *Абу Қатода (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Сизлардан бирортангиз масжидга келса, ўтирмасдан олдин икки ракъат намоз ўқиб олсин».**

Бу бобда Жобир, Абу Умома, Абу Ҳурайра, Абу Зарр ва Каъб ибн Молик (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Қатоданинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Бу ҳадисни Муҳаммад ибн Ажлон ва бир қанча кишилар, Молик ибн Анаснинг ривоятига ўхшаш тарзда Омир ибн Абдуллоҳ ибн аз-Зубайрдан ривоят қилганлар.

Сухайл ибн Абу Солиҳ бу ҳадисни Омир ибн Абдуллоҳ ибн аз-Зубайрдан, Амр ибн Сулаймдан, Жобир ибн Абдуллоҳдан, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади. Бу ҳадис маҳфуз эмас. Саҳиҳ ҳадис Абу Қатоданинг ҳадисидир.

Биродарларимизнинг амали шу ҳадис асосидадир: Киши масжидга кирганида ўтирмасдан олдин икки ракъат намоз ўқиб олиши мустаҳабдир, магар узри бўлса, мустаснодир, – деб қараганлар. Али ибн ал-Мадиний айтадики: «Суҳайл ибн Абу Солиҳнинг ҳадиси янглишдир». Бу ҳақда менга Исҳоқ ибн Иброҳим Али ибн ал-Мадинийдан хабар берди.

ИЗОҲ. «Киши масжидга кириб, фарз намозини ўқиса, таҳиййатул-масжид савобини ҳам топади» *(«Жомиъул-мутун»).*

236-БОБ. ҚАБРИСТОН ВА ҲАММОМДАН ТАШҚАРИ БУТУН ЕР ЮЗИ НАМОЗГОҲДИР

٣١٧- حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ وَأَبُو عَمَّارٍ [الْحُسَيْنُ بْنُ حُرَيْثٍ] [الْمَرْوَزِيُّ]، قَالَا: حَدَّثَنَا عَبْدُ الْعَزِيزِ بْنُ مُحَمَّدٍ، عَنْ عَمْرِو بْنِ يَحْيَى، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ أَبِي سَعِيدٍ [الْخُدْرِيِّ]، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «الأَرْضُ كُلُّهَا مَسْجِدٌ إِلاَّ الْمَقْبَرَةَ وَالْحَمَّامَ».

317. *Абу Саъид ал-Худрий (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;* айтди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Қабристон ва ҳаммомдан ташқари, бутун ер юзи масжиддир».**

Бу бобда Али, Абдуллоҳ ибн Амр, Абу Умома ва Абу Зарр (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган. Айтадиларки, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Бутун ер юзи менга масжид ва таҳорат воситаси қилиб берилди».**

Абу Ийсо деди(лар): Абу Саъиднинг ҳадиси Абдулазиз ибн Муҳаммаддан икки ривоят сифатида келди. Баъзилар Абу Саъидни зикр қилсалар, баъзилари эса зикр қилмайдилар.

Бу ҳадисда изтироб бор.

Суфён Саврий, Амр ибн Яҳёдан, унинг отасидан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан мурсал тарзида ривоят қилган.

Ҳаммод ибн Салама, Амр ибн Яҳёдан, унинг отасидан, Абу Саъиддан, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган.

Муҳаммад ибн Исҳоқ, Амр ибн Яҳёдан, унинг отасидан ҳадисни ривоят қилади ва бундай дейди: «Яҳёнинг ривояти умумият билан, Абу Саъид тариқи билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан, дейилади». Чунончи, бу ўринда Абу Саъидни зикр қилган.

Саврийнинг Амр ибн Яҳёдан, Яҳёдан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қилган ривояти собитроқ ва асаҳҳдир.

237-БОБ. МАСЖИД ҚУРДИРМОҚНИНГ ФАЗИЛАТИ

٣١٨– حَدَّثَنَا بُنْدَارٌ، حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرٍ الْحَنَفِيُّ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الْحَمِيدِ بْنُ جَعْفَرٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ مَحْمُودِ بْنِ لَبِيدٍ، عَنْ عُثْمَانَ بْنِ عَفَّانَ، قَالَ: سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «مَنْ بَنَى لِلَّهِ مَسْجِدًا بَنَى اللَّهُ لَهُ مِثْلَهُ فِي الْجَنَّةِ».

318. *(Ҳазрати) Усмон ибн Аффон (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Кимки Аллоҳ учун бир масжид бино этса, Аллоҳ унинг учун жаннатда шунга ўхшаш** (бир қаср) **бино қилгайдир», деганларини эшитдим».**

Бу бобда Абу Бакр, Умар, Али, Абдуллоҳ ибн Амр, Анас, Ибн Аббос, Оиша, Умму Ҳабиба, Абу Зарр, Амр ибн Абса, Васийла ибн ал-Асқо, Абу Ҳурайра ва Жобир ибн Абдуллоҳ (розийаллоҳу анҳум) дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): (Ҳазрати) Усмоннинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Маҳмуд ибн Лабид Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан кўришган. Маҳмуд ибн ар-Робиъ ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрган. Икковлари ҳам мадиналик бўлиб, ёш бола эдилар.

٣١٩-وَقَدْ رُوِيَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ [أَنَّهُ] قَالَ: «مَنْ بَنَى لِلَّهِ مَسْجِدًا صَغِيرًا كَانَ أَو كَبِيرًا بَنَى اللَّهُ لَهُ بَيْتًا فِي الْجَنَّةِ».

319. *Дарҳақиқат, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Кимки Аллоҳ учун хоҳ кичик, хоҳ катта бир масжид бино этса, Аллоҳ унинг учун жаннатда бир уй бино қилгайдир».**

Шунингдек, бу ҳадис Қутайба (ибн Саъид), Нуҳ ибн Қайс, Қайснинг мавлоси Абдурраҳмон, Зиёд ан-Нумайрий, Анас (розийаллоҳу анҳум)дан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган.

238-БОБ. ҚАБР УСТИДА МАСЖИД ҚУРМОҚ МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

٣٢٠- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الْوَارِثِ بْنُ سَعِيدٍ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ جُحَادَةَ، عَنْ أَبِي صَالِحٍ، عَنِ بْنِ عَبَّاسٍ، قَالَ: لَعَنَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ زَائِرَاتِ الْقُبُورِ، وَالْمُتَّخِذِينَ عَلَيْهَا الْمَسَاجِدَ وَالسُّرُجَ.

320. *Ҳазрати Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, қабристонни зиёрат қилувчи аёлларни, қабрлар устида масжид қуриб олганларни ва унда чироқ ёққанларни лаънатладилар».**

Бу бобда Абу Ҳурайра ва Оиша (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Аббоснинг ҳадиси ҳасан.

ШАРҲ. Термизий ушбу китобнинг «Жанозалар» бўлимида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабрларни зиёрат қилган аёлларни лаънатлаганлари ҳақидаги айрим илм аҳлларининг қарашларини шарҳлаб, бундай дейдилар: «Бу (ҳадис) қабрларни зиёрат қилишга рухсат берилишидан олдин (айтилган) эди. Қабрни зиёрат қилишга рухсат берилгач, бу рухсат эркаклар билан бирга аёлларга ҳам дахлдор бўлди. Айримлари эса, аёлларнинг сабри оз бўлиб, оҳу ноласи кўп бўлганидан, улар учун қабр зиёрати макруҳ қилинган, деган тўхтамдалар».

Қабрлар устида масжид қурилиши масаласини Ибн Молик бундай таъвил қилади: «Чунки бу яҳудий одатидир ва қабр устида қурилган масжидда намоз ўқимоқ яҳудийлар одатига эргашмоқликдир».

Муборакфурий: «Масжидларни қуриш қабрларга таъзим учун бўлса, хоҳ қабр устида бўлсин, хоҳ ёнида бўлсин, қуриш жоиз эмас», дейди.

Мулла Али Ал-Қорий «Ал-Мирқот» асарида бундай дейди: **«Ҳадисда ворид бўлган «устида» деган қайд қабрлар ёнида масжид қурмоқнинг за-**

рари йўқлигини кўрсатади. Чунончи Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Яҳудийлар ва насронийларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин: улар Пайғамбарларнинг ва солиҳ кишиларнинг қабрларини масжид қилиб олдилар» деган ҳадислари бу хусусни очмоқда».

Қабрларда чироқ ёқмоқ масаласига келсак, бу ишни қилганларга Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам тили билан лаънат ўқилиши сабаби эса «Мажмаъ-ул-биҳор» китобида бундай таъкидланган: «Ё пул беҳуда исроф этилгани учун ёки қабрларга таъзим маъносида бўлгани учун Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабрларга чироқ (ёки шамъ ва ҳоказо) ёқмоқни манъ этганлар».

239-БОБ. МАСЖИДДА УХЛАМОҚ

٣٢١- حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلاَنَ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ، أخبرنا مَعْمَرٌ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ سَالِمٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ، قَالَ: كُنَّا نَنَامُ عَلَى عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الْمَسْجِدِ وَنَحْنُ شَبَابٌ .

321. *Ҳазрати Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди;* айтдилар: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даврларида бизлар ёш йигит эдик, масжидда ухлар эдик».**

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлидан баъзилари масжидда ухламоққа изн берганлар.

Ибн Аббос айтадики: **«Масжидни доимий ётиш ва қайлула қилиш** (пешин уйқуси) **жойи қилиб олмаслик керак».**

Илм аҳлидан баъзилари Ибн Аббоснинг сўзини олганлар.

ИЗОҲ. Масжидда емоқ, ичмоқ, ухламоқ, молни масжидга киритмай олди-сотди қилмоқ эътикоф аҳли учун дурустдир. Бошқалар бу ишларни қилмайди *(«Мухтасар ул-виқоя», «Ҳидоя»).*

240-БОБ. МАСЖИДДА ОЛДИ-СОТДИ ҚИЛМОҚ, ЙЎҚОЛГАН НАРСАНИ СЎРАМОҚ ВА ШЕЪР АЙТИШМОҚ МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

٣٢٢- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا اللَّيْثُ، عَنِ ابْنِ عَجْلاَنَ، عَنْ عَمْرِو بْنِ شُعَيْبٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ جَدِّهِ، عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ نَهَى عَنْ تَنَاشُدِ الأَشْعَارِ فِي الْمَسْجِدِ، وَعَنِ الْبَيْعِ وَالاِشْتِرَاءِ فِيهِ، وَأَنْ يَتَحَلَّقَ النَّاسُ يَوْمَ الْجُمُعَةِ قَبْلَ الصَّلاَةِ .

322. *Амр ибн Шуъайб отасидан, у бобосидан ривоят қилди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидда шеър айтиш-**

моқдан, олди-сотди қилмоқдан ва Жумъа куни намоздан олдин ҳалқа бўлиб (давра қуриб) **ўтирмоқдан қайтардилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Амр ибн Шуъайбнинг ҳадиси ҳасан.

Амр ибн Шуъайб – Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Оснинг ўғли. Муҳаммад ибн Исмоъийл (ал-Бухорий) айтади: «Аҳмад ва Исҳоқ – бошқаларни ҳам зикр этди – Амр ибн Шуъайбнинг ҳадиси билан истидлол қилганларини кўрдим». Муҳаммад айтади: «Шуъайб ибн Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Амрдан эшитган».

Амр ибн Шуъайбнинг ҳадиси ҳақида (танқидий) сўз қилганлар, фақатгина бобосининг саҳифасидан ҳадис ривоят қилгани учун уни заиф деб қараганлар. Улар билиттифоқ Амр ибн Шуъайб бу ҳадисларни бобосидан эшитмаган, деб хулоса қилганлар.

Яҳё ибн Саъиддан бундай дегани ривоят қилинди: Али ибн Абдуллоҳ айтади: «Бизнингча, Амр ибн Шуъайбнинг ҳадиси беҳудадир».

Илм аҳлидан баъзилари масжидда олди-сотди қилмоқни макруҳ дейишган. Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шудир.

Тобеъийн уламосидан айримлари масжидда олди-сотди қилмоққа изн берганлари ривоят қилинган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан масжидда шеър айтмоққа рухсат борлигига доир бир қанча ҳадис ривоят қилинган.

241-БОБ. ТАҚВО АСОСИДА ҚУРИЛГАН МАСЖИД

٣٢٣- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا حَاتِمُ بْنُ إِسْمَعِيلَ، عَنْ أُنَيْسِ بْنِ أَبِي يَحْيَى، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ قَالَ: امْتَرَى رَجُلٌ مِنْ بَنِي خُدْرَةَ وَرَجُلٌ مِنْ بَنِي عَمْرِو بْنِ عَوْفٍ فِي الْمَسْجِدِ الَّذِي أُسِّسَ عَلَى التَّقْوَى، فَقَالَ الْخُدْرِيُّ: هُوَ مَسْجِدُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهم عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَقَالَ الآخَرُ: هُوَ مَسْجِدُ قُبَاءٍ، فَأَتَيَا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي ذَلِكَ، فَقَالَ: «هُوَ هَـذَا»- يَعْنِي: مَسْجِدَهُ «وَفِي ذَلِكَ خَيْرٌ كَثِيرٌ».

323. *Абу Саъид ал-Худрий (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Бани Худра** (қавми)**дан бўлмиш бир киши билан Бани Авф** (қавми)**дан бўлмиш бир киши** (Қуръондаги) **«тақво асосида қурилган масжид» борасида баҳслашиб қолди. Бани Худрадан бўлгани: «Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг масжидларидир», деса, униси: «Бу – Қубо масжиди!» деди. Шунда улар бу масалада**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга келиб мурожаат этдилар. (У зот) **марҳамат қилиб айтдиларки: «Ўша масжид ушбудир», – яъни ўз масжидларини айтдилар – ва унда** (яъни, Қубо масжидида) **кўп хайр бордир»...**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Абу Бакр Али ибн Абдуллоҳдан нақл этиб бундай дейди: «Яҳё ибн Саъиддан Муҳаммад ибн Абу Яҳё ал-Асламий ҳақида сўрадим. Унда зарар (ёмонлик) йўқ, биродари Унайс ибн Абу Яҳё ундан кўра асаҳҳдир», деди.

ШАРҲ. Ҳадисда Тавба сурасининг 108-оятида зикр қилинган масжид ҳақида гап бормоқда; оят маъноси: **«Биринчи кундан тақво асосида** (Аллоҳнинг амри ва ризосига мувофиқ) **қурилган масжидда** (Қубо масжидида) **намоз ўқимоғингиз лойиқроқдир. У** (масжид)**да покланишни орзу қиладиган кишилар бордир. Аллоҳ эса поклангувчиларни севар».**

Ҳадисда: **«Ва унда кўп хайр бордир»** дейишдан мурод аслида оят Қубо масжиди шаънида нозил бўлганини билдиришдир. Гарчи оят Масжиди Қубо ҳақида нозил бўлган эса-да, илло оят фақат ўша масжиднинг ўзигагина хос эмас, балки Масжиди Набавий ҳам оятнинг мистоқи – нуқтаи назаридир. Балки Масжиди Набавий аъло даражада оятнинг нуқтаи назаридир. Чунки Масжиди Қубода ул зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам 14 кун намоз ўқидилар, Масжиди Набавийда эса узлуксиз 10 йил намоз ўқидилар. Унда, яъни Масжиди Қубода кўп хайр борлиги у масжид шаънида оят нозил бўлганлиги сабаблидир *(«Туҳфатул-алмаъий»)*.

242-БОБ. ҚУБО МАСЖИДИДАГИ НАМОЗ

٣٢٤- حَدَّثَنَا [مُحَمَّدُ بْنُ الْعَلاَءِ] أَبُو كُرَيْبٍ وَسُفْيَانُ بْنُ وَكِيعٍ، قَالاَ: حَدَّثَنَا أَبُو أُسَامَةَ، عَنْ عَبْدِ الْحَمِيدِ بْنِ جَعْفَرٍ، قَالَ: حَدَّثَنَا أَبُو الأَبْرَدِ مَوْلَى بَنِي خَطْمَةَ أَنَّهُ سَمِعَ أُسَيْدَ بْنَ ظُهَيْرٍ الأَنْصَارِيَّ، وَكَانَ مِنْ أَصْحَابِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُحَدِّثُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الصَّلاَةُ فِي مَسْجِدِ قُبَاءٍ كَعُمْرَةٍ».

324. *Усайд ибн Зуҳайр ал-Ансорийдан ривоят қилинди;* **у Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан эди ва Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳадислар ривоят қилар эди. Айтдики: «Қубо масжидидаги намоз** (битта) **умрага тенгдир».**

Бу бобда Саҳл ибн Ҳунайфадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Усайднинг ҳадиси ҳасан-ғариб.

Усайд ибн Зуҳайрнинг шу ҳадисидан бошқа мақбул бир ҳадисини билмаймиз. Шуни ҳам ёлғиз Абу Усоманинг Абдулҳамид ибн Жаъфардан қилган ривоятидан билиб олдик. Абул-Аброднинг исми – Зиёд Мадийний.

243-БОБ. МАСЖИДЛАРНИНГ ҚАЙСИ БИРИ АФЗАЛРОҚ?

٣٢٥- حَدَّثَنَا الأَنْصَارِيُّ، حَدَّثَنَا مَعْنٌ، حَدَّثَنَا مَالِكٌ ح وحَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، عَنْ مَالِكٍ، عَنْ زَيْدِ بْنِ رَبَاحٍ وَعُبَيْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي عَبْدِ اللَّهِ الأَغَرِّ، عَنْ أَبِي عَبْدِ اللَّهِ الأَغَرِّ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «صَلاَةٌ فِي مَسْجِدِي هَذَا خَيْرٌ مِنْ أَلْفِ صَلاَةٍ فِيمَا سِوَاهُ إِلاَّ الْمَسْجِدَ الْحَرَامَ».

325. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Менинг ушбу масжидимда ўқилган бир намоз,** (Каъбатуллоҳдаги) **Масжидул-Ҳаромдан ташқари, бошқа** (барча) **масжидларда ўқилган минг намоздан хайрлироқдир».**

Қутайба ўз ривоятида: «Убайдуллоҳдан» демайди, фақат: «Зайд ибн Рабоҳдан, Абу Абдуллоҳ ал-Ағорр дан» дейди.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Абу Абдуллоҳ ал-Ағоррнинг исми – Салмон.

Бу ҳадис Абу Ҳурайра тариқи билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бошқа важҳдан ҳам ривоят қилинган.

Бу бобда Али, Маймуна, Абу Саъид, Жубайр ибн Мутъим, Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр, Ибн Умар ва Абу Зарр (розийаллоҳу анҳум) дан ҳадис ривоят қилинган.

٣٢٦- حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ، عَنْ عَبْدِ الْمَلِكِ بْنِ عُمَيْرٍ، عَنْ قَزَعَةَ، عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لاَ تُشَدُّ الرِّحَالُ إِلاَّ إِلَى ثَلاَثَةِ مَسَاجِدَ: مَسْجِدِ الْحَرَامِ، وَمَسْجِدِي هَذَا، وَمَسْجِدِ الأَقْصَى».

326. *Абу Саъид ал-Худрий (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Фақат уч масжидни кўзлаб йўл юрилади** (фақат уч масжид учун сафар қилинади)**: Масжидул-Ҳаром, менинг ушбу масжидим ва Масжидул-Ақсо».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

244-БОБ. МАСЖИДГА ОҲИСТА ЮРИБ КЕЛМОҚ

٣٢٧- حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ الْمَلِكِ بْنِ أَبِي الشَّوَارِبِ، حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ زُرَيْعٍ، حَدَّثَنَا مَعْمَرٌ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ أَبِي سَلَمَةَ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا أُقِيمَتِ الصَّلَاةُ فَلَا تَأْتُوهَا [وَأَنْتُمْ] تَسْعَوْنَ وَلَكِنِ ائْتُوهَا [وَأَنْتُمْ] تَمْشُونَ وَعَلَيْكُمُ السَّكِينَةَ، فَمَا أَدْرَكْتُمْ فَصَلُّوا، وَمَا فَاتَكُمْ فَأَتِمُّوا».

327. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Намозга такбири иқомат айтилаётган бўлса, югуриб-ҳовлиқиб келмангизлар, лекин вазминлик билан оҳиста юриб келингизлар. Етган жойингиздан** (жамоатга қўшилиб) **ўқийверинглар, етолмаганингизни тўлдириб ўқиб олингизлар».**

Бу бобда Абу Қатода, Убай ибн Каъб, Абу Саъид, Зайд ибн Собит, Жобир ва Анас (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Бу масалада илм аҳли ихтилоф қилдилар. Айримлари, биринчи такбирни бой бермоқдан қўрқса, шошилсин, деган фикрга эга бўлишган. Ҳатто баъзиларидан намозга чопиб боргани ривоят қилинади. Айримлари эса жадал юрмоқни макруҳ деб қараган, сокинлик ва виқор билан юрмоқни ихтиёр этган.

Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шу: **«Амал Абу Ҳурайранинг ҳадиси асосидадир».** Исҳоқ айни вақтда бундай дейди: **«Биринчи такбирни бой беришдан қўрқса, жадал юрмоқлигида зарар йўқ».**

ИЗОҲ. Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)нинг бу ҳадиси Имом Бухорий, Имом Муслим ва бошқалар томонидан бир қанча важҳлардан ва фарқли лафзлар билан ривоят қилинган. Имом билан бирга такбирга улгурмоқ учун ёки рукуъда имомга етиб олиб, бир ракъатга эришмоқ учун югуриб келадиганлар бўлар эди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга виқор ва вазминлик билан юриб келишни амр қилдилар.

٣٢٨ - حَدَّثَنَا الْحَسَنُ بْنُ عَلِيٍّ الْخَلَّالُ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ، أخبرنا مَعْمَرٌ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْمُسَيَّبِ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ [نَحْوَ حَدِيثِ أَبِي سَلَمَةَ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ] بِمَعْنَاهُ.

328. *Ҳасан ибн Али ал-Халлол бизга Абдурраззоқдан, Маъмардан, Аз-Зуҳрийдан, Саъид ибн ал-Мусаййабдан, Абу Ҳурайрадан (розийаллоҳу анҳум), Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан баён қилади: Абу Саламанинг Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадиси маъносида.*

Абдурраззоқ: (бу ривоятни) ушбу тарзда: «Саъид ибн ал-Мусаййаб наздида, «Абу Ҳурайрадан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан» дейди.

Бу ривоят Язид ибн Зурайънинг ҳадисидан асаҳҳ (саҳиҳроқ).

٣٢٩ – حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْمُسَيَّبِ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَحْوَهُ.

329. *Ҳазрати Ибн Умар бизга Суфёндан, Аз-Зуҳрийдан, Саъид ибн Мусаййабдан, Абу Ҳурайрадан (розийаллоҳу анҳум), Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан баён этдилар: ўтган ҳадис.*

245-БОБ. МАСЖИДДА ЎТИРИБ, НАМОЗНИ КУТМОҚНИНГ ФАЗИЛАТИ

٣٣٠– حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلاَنَ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ، أخبرنا مَعْمَرٌ، عَنْ هَمَّامِ بْنِ مُنَبِّهٍ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لاَ يَزَالُ أَحَدُكُمْ فِي صَلاَةٍ مَا دَامَ يَنْتَظِرُهَا، وَلاَ تَزَالُ الْمَلاَئِكَةُ تُصَلِّي عَلَى أَحَدِكُمْ مَا دَامَ فِي الْمَسْجِدِ، اللَّهُمَّ اغْفِرْ لَهُ، اللَّهُمَّ ارْحَمْهُ، مَا لَمْ يُحْدِثْ» فَقَالَ رَجُلٌ مِنْ حَضْرَمَوْتَ: وَمَا الْحَدَثُ يَا أَبَا هُرَيْرَةَ ؟ قَالَ: فُسَاءٌ، أو ضُرَاطٌ.

330. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:* **«Сизлардан бирортангиз намозга мунтазир бўлиб ўтирган муддати давомида намозда турган ҳисобланади. Сизлардан бирортангиз ҳадас қилмасдан** (таҳоратини синдирмасдан, намоз ўқиш ниятида) **масжидда қолган муддати давомида малоикалар: «Аллоҳуммағфир лаҳу, Аллоҳуммарҳамҳу»** («Аллоҳим! Бу кишини мағфират қил! Аллоҳим! Бу кишини раҳмат қил!») **деб дуо қилиб туради». Шунда Ҳазрамавтдан бўлмиш бир киши: «Ҳадас дегани нима, эй Абу Ҳурайра?» – деди. Абу Ҳурайра: «Овозсиз ел чиқармоқ ёки овозли ел чиқармоқ», деб жавоб берди.**

Бу бобда Али, Абу Саъид, Анас, Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Саҳл ибн Саъд (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

246-БОБ. ХУМРА (ЯЪНИ, ЖОЙНАМОЗ) УСТИДА НАМОЗ ЎҚИМОҚ

٣٣١- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا أَبُو الأَحْوَصِ، عَنْ سِمَاكِ بْنِ حَرْبٍ، عَنْ عِكْرِمَةَ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: كَانَ النبى صَلَّى اللّٰه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي عَلَى الْخُمْرَةِ.

331. *Ҳазрати Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кичик бўйра** (яъни, жойнамоз) **устида намоз ўқидилар».**

Бу бобда Умму Ҳабиба, Ибн Умар, Умму Салама, Оиша, Майму-на, Умму Кулсум бинти Абу Салама Ибн Абдул-Асад (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Аббоснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Баъзи илм аҳлининг қавли шудир. Аҳмад ва Исҳоқ айтади: **«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жойнамоз устида намоз ўқиганлари собит бўлган».**

«Ал-Хумра» кичик бўйрадир.

ИЗОҲ. Ушбу боб ва бундан кейинги икки бобда келган ҳадислардан мурод жойнамоз устида намоз ўқишнинг жоизлигидир (*Шайх Болоннурий*).

247-БОБ. ҲАСИЙР (ХУРМО БЎЙРАСИ) УСТИДА НАМОЗ ЎҚИМОҚ

٣٣٢- حَدَّثَنَا نَصْرُ بْنُ عَلِيٍّ، حَدَّثَنَا عِيسَى بْنُ يُونُسَ، عَنِ الأَعْمَشِ، عَنْ أَبِي سُفْيَانَ، عَنْ جَابِرٍ، عَنْ أَبِي سَعِيدٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللّٰه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَّى عَلَى حَصِيرٍ.

332. *Абу Саъид (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам хурмо бўйраси устида намоз ўқидилар».**

Бу бобда Анас ва Муғира ибн Шуъба (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Саъиднинг ҳадиси ҳасан.

Илм аҳлининг кўпчилиги наздида амал шу ҳадис асосида-дир. Шунга қарамай, баъзи илм аҳллари ерда намоз ўқишни мустаҳабликка биноан ихтиёр этганлар.

248-БОБ. ШОЛЧАЛАР УСТИДА НАМОЗ ЎҚИМОҚ

٣٣٣- حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنْ شُعْبَةَ، عَنْ أَبِي التَّيَّاحِ الضُّبَعِيِّ، قَالَ: سَمِعْتُ أَنَسَ ابْنَ مَالِكٍ يَقُولُ: كَانَ النبى صَلَّى اللّٰه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُخَالِطُنَا حَتَّى إِنْ كَانَ يَقُولُ لأَخٍ لِي صَغِيرٍ:«يَا أَبَا عُمَيْرٍ، مَا فَعَلَ النُّغَيْرُ ؟» قَالَ: وَنُضِحَ بِسَاطٌ لَنَا فَصَلَّى عَلَيْهِ.

333. *Ҳазрати Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу)дан бундай деб айтгани ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизлар билан қўшилишиб** (ҳазил-мутойиба қилиб) **турар эдилар. Ҳатто менинг бир кичик укамга: «Эй Абу Умайр! Булбулча нима қилди?» – дер эдилар...** (Анас) **айтди: «Бир шолчамиз** (бор эди) **сув сепиб ювилди, ўшанинг устида намоз ўқидилар».**

Бу бобда Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Анаснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан илм аҳлининг ва кейинги уламолардан кўпчилигининг наздида амал шу ҳадис асосидадир: Шолча ва гилам устида намоз ўқимоқнинг зарари йўқ, деган фикрдалар. Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шудир.

Абут-Таййоҳнинг исми – Язид ибн Ҳумайд.

249-БОБ. БОҒ-БЎСТОНЛАРДА НАМОЗ ЎҚИМОҚ

٣٣٤- حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلاَنَ، حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ ، حَدَّثَنَا الْحَسَنُ بْنُ أَبِي جَعْفَرٍ، عَنْ أَبِي الزُّبَيْرِ، عَنْ أَبِي الطُّفَيْلِ، عَنْ مُعَاذِ بْنِ جَبَلٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللّٰه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَسْتَحِبُّ الصَّلاَةَ فِي الْحِيطَانِ.

334. *Муъоз ибн Жабал (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бўстонларда намоз ўқишни яхши кўрар эдилар».**

Абу Довуд айтадики: «Яъни, («ал-Ҳийтон» калимасидан мурод) бўстонлардир.

Абу Ийсо деди(лар): Муъознинг ҳадиси ғариб. Бу ҳадисни ёлғиз Ҳасан ибн Абу Жаъфарнинг ривоятидан биламиз.

Яҳё ибн Саъид ва бошқалар Ҳасан ибн Абу Жаъфарнинг заиф эканини қайд этганлар.

Абу Зубайрнинг исми – Муҳаммад ибн Муслим ибн Тадрус. Абу Туфайлнинг исми – Омир ибн Восила.

250-БОБ. НАМОЗХОН РЎПАРАСИГА СУТРА (ТЎСИҚ) ҚЎЙМОҒИ

٣٣٥- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ وَهَنَّادٌ، قَالاَ: حَدَّثَنَا أَبُو الأَحْوَصِ، عَنْ سِمَاكِ بْنِ حَرْبٍ، عَنْ مُوسَى ابْنِ طَلْحَةَ، عَنْ أَبِيهِ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا وَضَعَ أَحَدُكُمْ بَيْنَ يَدَيْهِ مِثْلَ مُؤْخِرَةِ الرَّحْلِ فَلْيُصَلِّ، وَلاَ يُبَالِي مَنْ مَرَّ وَرَاءَ ذَلِكَ».

335. *Талҳа (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Сизлардан бирортангиз рўпарасига эгарнинг орқаси баробар бир нарсани қўйиб, намозини ўқийверсин, тўсиқнинг нариги томонидан ўтаётганларга чалғимасин».**

Бу бобда Абу Ҳурайра, Саҳл ибн Ҳасма, Ибн Умар, Сабра ибн Маъбад, Абу Жуҳайфа ва Оиша (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Талҳанинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлининг амали шу ҳадис асосидадир. Айтадиларки, имомнинг олдидаги тўсиқ имомнинг орқасидаги намозхонлар учун ҳам тўсиқдир.

251-БОБ. НАМОЗ ЎҚИЁТГАН ОДАМНИНГ ОЛДИДАН КЕСИБ ЎТИШ МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

٣٣٦- حَدَّثَنَا [إِسْحَقُ بْنُ مُوسَى الأَنْصَارِيُّ]، حَدَّثَنَا مَعْنٌ، حَدَّثَنَا مَالِكُ بْنُ أَنَسٍ، عَنْ أَبِي النَّضْرِ، عَنْ بُسْرِ بْنِ سَعِيدٍ أَنَّ زَيْدَ بْنَ خَالِدٍ الْجُهَنِيَّ أَرْسَلَهُ إِلَى أَبِي جُهَيْمٍ يَسْأَلُهُ مَاذَا سَمِعَ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الْمَارِّ بَيْنَ يَدَيِ الْمُصَلِّي؟ فَقَالَ أَبُو جُهَيْمٍ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهم عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَوْ يَعْلَمُ الْمَارُّ بَيْنَ يَدَيِ الْمُصَلِّي مَاذَا عَلَيْهِ لَكَانَ أَنْ يَقِفَ أَرْبَعِينَ خَيْرٌ لَهُ مِنْ أَنْ يَمُرَّ بَيْنَ يَدَيْهِ».

336. *Буср ибн Саъид (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **Зайд ибн Холид ал-Жуҳаний,** (Умар ибн Убайдуллоҳнинг қули) **Абу Назрни Абу Жуҳаймга юбориб, намоз ўқиётган одамнинг олдидан ўтмоқ борасида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан нима эшитганини сўратди. Абу Жуҳайм айтди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Намоз ўқиётган одамнинг олдидан** (кесиб) **ўтувчи киши унга қандай** (гуноҳ) **иш**

бўлаётганини билса эди, намозхоннинг олдидан кесиб ўтмасдан қирқ... тўхтаб турмоқлиги унга яхши эди». Абу Назр айтадики: «Ўшанда қирқ кун дедиларми, қирқ ойми ёки қирқ йилми, билолмадим».

Бу бобда Абу Саъид ал-Худрий, Абу Ҳурайра, Ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Амрдан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Жуҳаймнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бундай деб айтганлари ҳам ривоят қилинган: «Сизлардан бирортангиз намоз ўқиётган одамнинг олдидан кесиб ўтганидан кўра, юз йил тўхтаб, кутиб турмоғи яхшироқдир».

Илм аҳлининг амали шу ҳадис асосидадир. Намоз ўқиётган одамнинг олдидан кесиб ўтишни макруҳ деб қараганлар, лекин бу ҳаракат намозхоннинг намозини бузмайди, деб қарор қилганлар.

252-БОБ. НАМОЗХОН ОЛДИДАН ҲАР ҚАНДАЙ НАРСА ЎТСА ҲАМ, НАМОЗИ БУЗИЛМАЙДИ

٣٣٧- حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ الْمَلِكِ بْنِ أَبِي الشَّوَارِبِ، حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ زُرَيْعٍ، حَدَّثَنَا مَعْمَرٌ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ عُبَيْدِ اللَّهِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ [عُتْبَةَ]، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ، قَالَ: كُنْتُ رَدِيفَ الْفَضْلِ عَلَى أَتَانٍ، فَجِئْنَا وَالنَّبِيُّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي بِأَصْحَابِهِ بِمِنًى، قَالَ: فَنَزَلْنَا عَنْهَا، فَوَصَلْنَا الصَّفَّ، فَمَرَّتْ بَيْنَ أَيْدِيهِمْ فَلَمْ تَقْطَعْ صَلَاتَهُمْ.

337. *Ҳазрати Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Мен Фазл билан бир мода эшакка мингашиб олган эдим. Минога келсак, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалари билан Минода** (олдиларига тўсиқ қўймай) **намоз ўқиётган эканлар. Уловдан тушиб, сафга қўшилдик. Улов уларнинг олдидан кесиб ўтди ва** (лекин) **намозларини кесмади** (бузмади)**».**

Бу бобда Оиша (онамиз), Фазл, Ибн Аббос ва Ибн Умар (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Аббоснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан илм аҳлининг ва тобеъийн уламолари кўпчилигининг амали шу ҳадис асосидадир: «Намозни ҳеч қандай нарса кесмайди», дейдилар. Суфён ва Шофиъийнинг қавли ҳам шудир.

253-БОБ. НАМОЗНИ ФАҚАТ ИТ, ЭШАК ВА АЁЛ КИШИ КЕСМОҒИ

٣٣٨- حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا هُشَيْمٌ، أخبرنا يُونُسُ بْنُ عُبَيْدٍ ، وَمَنْصُورُ بْنُ زَاذَانَ ، عَنْ حُمَيْدِ بْنِ هِلَالٍ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الصَّامِتِ ، قَالَ: سَمِعْتُ أَبَا ذَرٍّ ، يَقُولُ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهم عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا صَلَّى الرَّجُلُ وَلَيْسَ بَيْنَ يَدَيْهِ كَآخِرَةِ الرَّحْلِ ، أَوْ كَوَاسِطَةِ الرَّحْلِ، قَطَعَ صَلَاتَهُ الْكَلْبُ الأَسْوَدُ، وَالْمَرْأَةُ، وَالْحِمَارُ » فَقُلْتُ لأَبِي ذَرٍّ: مَا بَالُ الأَسْوَدِ مِنَ الأَحْمَرِ مِنَ الأَبْيَضِ؟. فَقَالَ: يَا ابْنَ أَخِي سَأَلْتَنِي كَمَا سَأَلْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهم عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ : «الْكَلْبُ الأَسْوَدُ شَيْطَانٌ».

338. *Абу Зарр (розийаллоҳу анҳу)дан бундай деб айтгани ривоят қилинди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Бир киши рўпарасига эгарнинг орқаси баробар ёки ўртаси баробар нарсани тўсиқ қилиб қўймасдан намоз ўқиётган бўлса, унинг намозини қора ит, аёл киши, эшак кесади.** (Абдуллоҳ ибн Сомит) **айтади: «Абу Заррга: «Қора итнинг қизил итдан ёки оқ итдан нима фарқи бор?» дедим. Айтдики: «Эй биродарзодам! Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўраган нарсани мендан сўрадинг:** (У зот): **«Қора ит шайтондир!» деб айтганлар».**

Бу бобда Абу Саъид, Ал-Ҳакам ал-Ғифорий, Абу Ҳурайра ва Анас (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Заррнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Баъзи илм аҳли шу фикрни эгаллаганлар ва бундай деганлар: Намозни эшак, аёл киши ва қора ит кесади.

Аҳмад айтади: «Қора ит намозни кесмоғига шубҳам йўқ. Аммо эшак ва аёл киши намозни кесмоғидан бир оз шубҳам бор».

Исҳоқ айтади: «Намозни қора итдан бошқа ҳеч нарса кесмайди».

254-БОБ. БИР ҚАВАТ КИЙИМДА НАМОЗ ЎҚИМОҚ

٣٣٩- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ ، حَدَّثَنَا اللَّيْثُ، عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عُمَرَ ابْنِ أَبِي سَلَمَةَ أَنَّهُ رَأَى رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي فِي بَيْتِ أُمِّ سَلَمَةَ مُشْتَمِلاً فِي ثَوْبٍ وَاحِدٍ.

339. *Умар ибн Абу Саламадан ривоят қилинди:* **«У, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Умму Саламанинг уйларида бир** (қават) **кийимга ўралиб намоз ўқиётганларини кўрди».**

Бу бобда Абу Ҳурайра, Жобир, Салама ибн Акваъ, Анас, Амр ибн Аби Усайд, Абу Саъид, Кайсон, Ибн Аббос, Оиша, Умму Ҳониъ, Аммор ибн Ёсир, Талқ ибн Али ва Убода ибн Сомит ал-Ансорий (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинди.

Абу Ийсо деди(лар): Умар ибн Саламанинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобеъийнлардан бўлмиш илм аҳли ва бошқа уламоларнинг кўпчилиги наздида амал шу ҳадис асосидадир. Битта кийимда намоз ўқимоқликда зарар йўқ, дейдилар.

Айрим илм аҳлининг фикрича, икки (қават) кийим кийиб намоз ўқилади.

255-БОБ. ҚИБЛАНИНГ КАЪБАГА ҚАРАБ ЎЗГАРИШИ

٣٤٠- حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنْ إِسْرَائِيلَ، عَنْ أَبِي إِسْحَقَ، عَنِ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ قَالَ: لَمَّا قَدِمَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمَدِينَةَ صَلَّى نَحْوَ بَيْتِ الْمَقْدِسِ سِتَّةَ، أَوْ سَبْعَةَ عَشَرَ شَهْرًا، وَكَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُحِبُّ أَنْ يُوَجَّهَ إِلَى الْكَعْبَةِ، فَأَنْزَلَ اللَّهُ تَعَالَى: ﴿قَدْ نَرَى تَقَلُّبَ وَجْهِكَ فِي السَّمَاءِ فَلَنُوَلِّيَنَّكَ قِبْلَةً تَرْضَاهَا فَوَلِّ وَجْهَكَ شَطْرَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ﴾ فَوَجَّهَ نَحْوَ الْكَعْبَةِ، وَكَانَ يُحِبُّ ذَلِكَ، فَصَلَّى رَجُلٌ مَعَهُ الْعَصْرَ، ثُمَّ مَرَّ عَلَى قَوْمٍ مِنَ الأَنْصَارِ، وَهُمْ رُكُوعٌ فِي صَلاَةِ الْعَصْرِ نَحْوَ بَيْتِ الْمَقْدِسِ، فَقَالَ: هُوَ يَشْهَدُ أَنَّهُ صَلَّى مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَأَنَّهُ قَدْ وَجَّهَ إِلَى الْكَعْبَةِ، قَالَ: فَانْحَرَفُوا وَهُمْ رُكُوعٌ.

340. *Баро ибн Озиб (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларида ўн олти ёки ўн етти ой Байтул-Мақдисга** (Қуддусдаги Масжидул-Ақсога) **қараб намоз ўқидилар. Ваҳоланки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Каъбага юзланиб намоз ўқимоқни орзу қилар эдилар. Шунда Аллоҳ таоло: «Гоҳо юзингизни** (ваҳий кутиб) **осмон бўйлаб сайр қилдирганингизни кўрурмиз.** (Хотиржам бўлинг), **Сизни ўзингиз рози бўладиган қиблага** (Каъбага) **юз ўгиртирамиз. Юзингизни Масжиди Ҳаром** (Каъба) **томонга буринг!..»**[60] **деган ояти каримани нозил қилди.**

[60] Бақара сураси, 144-оят.

Шундай қилиб, у кишининг юзи Каъбага ўгирилди, ўзлари шуни севар эдилар. Бир киши у зот билан бирга аср намозини ўқигач, кейин ансорийлардан бўлмиш бир қавм олдига борди: улар аср намозини ўқиётиб, Байтул-Мақдисга қараб рукуъ қилиб туришган эди. У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга намоз ўқиганига шоҳидлик бериб, у зот Каъбага юзланганларини айтди. Шунда улар рукуъда турган ҳолларида Каъбага қараб ўгирилдилар».

Бу бобда Ибн Умар, Ибн Аббос, Амора ибн Авс, Амр ибн Авф ал-Музаний ва Анас (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Баронинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Суфён Саврий, Абу Исҳоқдан шундай деб ривоят қилган.

٣٤١ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنْ سُفْيَانَ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ دِينَارٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ قَالَ: كَانُوا رُكُوعًا فِي صَلاَةِ الصُّبْحِ.

341. *Ҳазрати Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Бомдод намозини ўқиётиб рукуъ қилиб турган эдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

256-БОБ. МАШРИҚ БИЛАН МАҒРИБ ОРАСИ ҚИБЛАДИР

٣٤٢ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ أَبِي مَعْشَرٍ، حَدَّثَنَا أَبِي، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ عَمْرٍو، عَنْ أَبِي سَلَمَةَ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَا بَيْنَ **الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ قِبْلَةٌ**».

342. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди ҳадисда у киши айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Машриқ билан Мағриб ораси қибладир».**

٣٤٣ – حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ مُوسَى، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ أَبِي مَعْشَرٍ مِثْلَهُ.

343. *Яҳё ибн Мусодан, Муҳаммад ибн Абу Маъшардан ривоят қилинди: ўтган ҳадиснинг ўзи.*

Абу Ҳурайранинг ҳадиси у кишидан бундан бошқа важҳдан ҳам ривоят қилинди. Баъзи илм аҳли Абу Маъшарни хотираси жиҳатидан танқид қилган. Абу Маъшарнинг исми Нужайҳ

(Нажийҳ), Бани Ҳошимнинг мавлоси (озод этилган қули)дир. Муҳаммад (ал-Бухорий) айтади: «Мен ундан бирор нарса ривоят қилмайман, аммо бошқалар ундан ривоят қилган». Муҳаммад (ал-Бухорий яна) айтади: «Абдуллоҳ ибн Жаъфар ал-Махрамийнинг Усмон ибн Муҳаммад ал-Ахнасийдан, Саъид ал-Мақбурийдан, Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган («Машриқ билан мағриб ораси қибладир» деган) ҳадиси Абу Маъшарнинг ҳадисидан кўра қувватли ва асаҳҳ (саҳиҳроқ)дир.

٣٤٤- حَدَّثَنَا الْحَسَنُ بْنُ بَكْرٍ الْمَرْوَزِيُّ، حَدَّثَنَا الْمُعَلَّى بْنُ مَنْصُورٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ جَعْفَرٍ الْمَخْرَمِيُّ، عَنْ عُثْمَانَ بْنِ مُحَمَّدٍ الأَخْنَسِيِّ، عَنْ سَعِيدٍ الْمَقْبُرِيِّ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَا بَيْنَ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ قِبْلَةٌ».

344. *Ҳасан ибн Бакр ал-Марвазийдан, ал-Муъалла ибн Мансурдан, Абдуллоҳ ибн Жаъфар ал-Махрамийдан, Усмон ибн Муҳаммад ал-Ахнасидан, Саъийд ал-Мақбурийдан, Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Машриқ билан мағриб ораси қибладир».**

Абу Йисо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Унинг Абдуллоҳ ибн Жаъфар ал-Махрамий дейилиши ал-Миср ибн Махраманинг ўғли экани туфайлидир».

«Машриқ билан мағриб ораси қибладир», деган ҳадис Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан бир қанча кишилардан ривоят қилинган. (Ҳазрати) Умар ибн Хаттоб, (Ҳазрати) Али ибн Абу Толиб ва Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳум) шулар орасида борлар.

Ибн Умар айтади: «Мағрибни ўнг томонига ва машриқни чап томонига олиб, қиблага қараб йўналса, икковининг ораси қибладир».

Ибн Муборак айтади: «Машриқ билан мағриб ораси қибладир» деган ҳадис машриқ аҳли учундир». Абдуллоҳ ибн Муборак, Марв аҳолиси чапга мойил бўлмоғи керак, деб ихтиёр қилган.

ШАРҲ. Ибн Муборакнинг: «Машриқ аҳлининг қибласи машриқ билан мағриб орасидир» деган сўзи борасида Шавконий бундай хулоса қилади: «Ибн Муборакнинг бу сўзида фарқлилик бор. Чунончи, машриқдаги кишининг қибласи мағрибдир. Чунки Макка машриқ билан мағриб орасида жойлашган. Бу хилма-хилликнинг жавоби ушбудир: Ибн Муборак машриққа қарашли юртлардан Ироқ сингари номи машриқ дейиладиган

ўлкаларни кўзда тутган, ҳақиқатан, буларнинг қибласи машриқ билан мағриб орасидир». Марв аҳолиси учун эса бир оз чапга мойил бўлмоқни ихтиёр этмоқда. «Қомус»да Марв Эрондаги бир шаҳар экани айтилади. Аллома Муҳаммад Тоҳир эса «Ал-Муғна»да Марв Хуросондаги бир шаҳар эканини айтади.

Улуғ аллома Ал-Мақризий, «Машриқ билан мағриб ораси қибладир» ҳадисининг шарҳида жумладан, бундай дейди: «Чуқур фикрласанг, бу ҳадис Шом, Мадина ва хоҳ шимол, хоҳ жанубда шу минтақага қарашли ўлкаларга хос эканини англайсан. Чунки ҳадисни бутун ер юзи учун деб қабул қилинишининг имкони йўқ. Айрим ўлкалар учун қибла машриқ билан мағриб ораси эмаслиги ҳақиқатдир. Жуғрофий маълумотингиз бўлса ва ўлкаларнинг ҳудудларидан воқиф бўлсангиз, билгайсизки, инсонлар Каъбага йўналганда марказнинг атрофини қуршаган доира сингаридир. Каъбанинг ғарбида бўлганлар намозларида шарққа йўналади, шарқида бўлганлар эса ғарбга йўналади. Шимолида бўлганлар жанубига, жанубида бўлганлар шимолига йўналади. Каъбанинг жанубий-шарқида бўлганлар учун қибла шимолий-ғарб, жанубий-ғарбида бўлганлар учун эса қибла шимолий-шарқдир. Каъбанинг шимолий-шарқидагилар учун қибла жанубий-ғарб, шимолий-ғарбидагилар учун эса қибла жанубий-шарқдир.

«Аҳкомил-мусофир» (Мусофир ҳақида фиққий ҳукмлар» китобидан: «Киши хоҳ самолётда, хоҳ поездда, хоҳ кемада бўлсин, унда фарз ва вожиб намозларни қиблага юзланиб ўқиши фарздир. Агар қибладан бошқа тарафга қараб намоз ўқиса, намози дуруст бўлмайди.

Мусофир ёки меҳмон қибланинг қайси тарафда эканлигини билмаса, аввал ахтаради, билувчилардан сўрайди, борди-ю, билгувчилар бор бўлиб, сўрамасдан намоз ўқиса, дуруст эмас. Энди айтиб берувчилар ҳам топилмаса, ой, қуёш ва юлдузларга қараб қиблани таъйин қилади. Агар шу йўл билан ҳам билишнинг имкони бўлмаса, чуқур фикр юритгандан кейин, қалби қайси тарафни қибла деб топса, ўша тарафга қараб ўқийди. Кейинчалик ўша қараб ўқиган тарафи қибла бўлмаса ҳам, намози намоз бўлаверади. Шунингдек, қиблани билувчи бор бўлиб, ёки восита мавжуд бўлиб, улардан фойдаланмасдан ўзича қиблани шу тарафда деб қасд қилиб намоз ўқиса, кейин билсаки, қибла шу тарафда экан, намози дурустдир, агар қибла бошқа тарафда эканлигини билса, намозларини қайта ўқийди *(«Баҳрур-Ройиқ»)*.

Шунингдек, Каъбани кўриб турган кишига айнан Каъбага юзланиб ўқиш фарздир. Бошқа юртларда бўлган кишиларга эса тўрт тарафдан Каъба бор тарафга юзланиб ўқиш фарздир. Шунинг учун қибла тарафга юзланиб намоз ўқувчи, Каъбанинг айни ўзидан 45 градусгача ўнг ёки чап томонга мойил бўлган бўлса ҳам, намози дуруст бўлади. Агар 45 градусдан ошиб кетса, Каъбадан бошқа тарафга юзлангани сабабидан намози дуруст бўлмайди. Баъзи бир масжидларнинг қибла тарафи Каъбадан 45 градусга ўнг ёки чап тарафга бурилиб қолиши намозларга зарар етказмайди» *(«Раддул-муҳтор»)*.

257-БОБ. БУЛУТЛИ ҲАВОДА ҚИБЛАДАН БОШҚА ТОМОНГА ҚАРАБ НАМОЗ ЎҚИМОҚ

٣٤٥- حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلاَنَ، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، حَدَّثَنَا أَشْعَثُ بْنُ سَعِيدٍ السَّمَّانُ، عَنْ عَاصِمِ بْنِ عُبَيْدِ اللَّهِ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَامِرِ بْنِ رَبِيعَةَ، عَنْ أَبِيهِ، قَالَ: كُنَّا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي سَفَرٍ فِي لَيْلَةٍ مُظْلِمَةٍ فَلَمْ نَدْرِ أَيْنَ الْقِبْلَةُ، فَصَلَّى كُلُّ رَجُلٍ مِنَّا عَلَى حِيَالِهِ، فَلَمَّا أَصْبَحْنَا ذَكَرْنَا ذَلِكَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَنَزَلَ: ﴿فَأَيْنَمَا تُوَلُّوا فَثَمَّ وَجْهُ اللَّهِ﴾.

345. *Абдуллоҳ ибн Омир ибн Робиъадан, у отасидан ривоят қилади:* **«Қоронғу бир кечада Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга сафарда эдик. Қибла қайси томонда эканини билолмадик. Ҳар ким хаёлига келган томонга қараб намоз ўқиди. Тонг оттач, бу ҳолатни Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга айтдик. Шунда: «Бас,** (намоз ўқиш учун қиблани қидиргандан кейин) **қайси тарафга юз бурсангизлар, Аллоҳнинг юзи** (ризоси) **ўша тарафдадир», деган ояти карима нозил бўлди».**[61]

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадиснинг исноди унча (қувватли) эмас. Уни ёлғиз Ашъас ас-Саммон ривоятидан биламиз.

Ашъас ибн Саъид Абу Робиъ ас-Саммон ҳадисда заиф экани қайд этилган.

Илм аҳлининг кўпчилиги шу ҳадисни эгаллайдилар ва айтадилар: Булутли ҳавода қиблани адаштириб намоз ўқиса ва кейин бошқа томонга қараб намоз ўқиганини билиб қолса, намози жоиздир.

Суфён Саврий, Ибн Муборак, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

258-БОБ. ҚАЕРДА, НИМАГА ҚАРАБ НАМОЗ ЎҚИМОҚ МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

٣٤٦- حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلاَنَ، حَدَّثَنَا الْمُقْرِئُ، حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ أَيُّوبَ، عَنْ زَيْدِ ابْنِ جَبِيرَةَ، عَنْ دَاوُدَ بْنِ الْحُصَيْنِ، عَنْ نَافِعٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى أَنْ يُصَلَّى فِي سَبْعَةِ مَوَاطِنَ: فِي الْمَزْبَلَةِ، وَالْمَجْزَرَةِ، وَالْمَقْبَرَةِ، وَقَارِعَةِ الطَّرِيقِ، وَ[فِي] الْحَمَّامِ، وَفِي مَعَاطِنِ الإِبِلِ، وَفَوْقَ [ظَهْرِ] بَيْتِ اللَّهِ.

346. *Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам етти жойда намоз ўқимоқни манъ этдилар: ахлатхонада, қассобхонада** (қушхонада)**, қабристонда, кўчанинг ўртасида, ҳаммомда, туяхонада, Байтуллоҳнинг** (томи) **устида».**

[61] Бақара сураси, 115-оят

ИЗОҲ. Қози Абу Бакр ибн ал-Арабий Термизий китоби шарҳида: «Намоз ўқимайдиган жойлар ўн учта», дейди ва ҳадисда ворид бўлган еттита жойга ушбуларни қўшади: 8. Қабрга қараб намоз ўқиш. 9. Деворига нажосат суртилган ҳожатхонага қараб намоз ўқиш. 10. Калисо (черков). 11 Синагог (яҳудийлар ибодатхонаси). 12 Ҳайкалларга қараб намоз ўқиш. 13. Жазо минтақаси. Ал-Ироқий бу жойларни ўн тўққизтага етказади: 14. Босиб-талаб олинган тупроқ. 15. Ухлаётган ва гаплашаётган кишиларга қараб намоз ўқиш. 16.Водийнинг ичи (суви қуриган дарё ўзани). 17. Тортиб-талаб олинган уй. 18. Дирор масжиди (мунофиқлар қурган масжид). 19.Тандир... Бу жойлар саноғини яна кўпайтирганлар ҳам бор. Аммо бу жойларнинг ҳаммасида ёки кўпида намоз ўқиш дуруст деб айтганлар ҳам бор. Улар: «Намоз қаерда сенга тўғри келса, дарҳол ўқиб ол!» – деган ҳадисга асосланадилар.

٣٤٧ – حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، حَدَّثَنَا سُوَيْدُ بْنُ عَبْدِ الْعَزِيزِ، عَنْ زَيْدِ بْنِ جَبِيرَةَ، عَنْ دَاوُدَ ابْنِ حُصَيْنٍ، عَنْ نَافِعٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَحْوَهُ بِمَعْنَاهُ.

347. *Бу ҳадис маъноси билан Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо) воситасида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шунга ўхшаш маънода ривоят этилган.*

Бу бобда Абу Марсад, Жобир ва Анас (розийаллоҳу анҳум) дан ҳадис ривоят қилинган. Абу Марсаднинг исми Канназ ибн Ҳусайндир.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Умар ҳадиснинг исноди унча қувватли эмас.

Зайд ибн Жабира хотираси жиҳатидан танқид қилинган.

Абу Лайс ибн Саъд бу ҳадисни Абдуллоҳ ибн Умар ал-Умарийдан, Нофиъдан, Ибн Умардан, Умардан (розийаллоҳу анҳум), Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан айнан ривоят қилган.

Ибн Умарнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қилган ривояти Лайс ибн Саъиднинг ривоятидан кўра яқинроқ ва саҳиҳроқ. Чунки баъзи муҳаддислар Абдуллоҳ ибн Умар ал-Умарий хотираси заиф эканини қайд этганлар. Яҳё ибн Саъид ал-Қаттон шу муҳаддислар орасида бор.

259-БОБ. ҚЎЙХОНА ВА ТУЯХОНАЛАРДА НАМОЗ ЎҚИМОҚ

٣٤٨ – حَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ، حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ آدَمَ، عَنْ أَبِي بَكْرِ بْنِ عَيَّاشٍ، عَنْ هِشَامٍ، عَنِ ابْنِ سِيرِينَ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**صَلُّوا فِي مَرَابِضِ الْغَنَمِ، وَلَا تُصَلُّوا فِي أَعْطَانِ الإِبِلِ**».

348. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар:* **«Қўйхоналарда намоз ўқингизлар, аммо туяхоналарда намоз ўқимангизлар».**

٣٤٩ – حَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ، حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ آدَمَ، عَنْ أَبِي بَكْرٍ [يَعْنِي ابْنَ عَيَّاشٍ]، عَنْ أَبِي حَصِينٍ، عَنْ أَبِي صَالِحٍ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمِثْلِهِ، أَوْ بِنَحْوِهِ.

349. *Абу Курайбдан, Яҳё ибн Одамдан, Абу Бакр ибн Айёшдан, Абу Ҳусайндан, Абу Солиҳдан, Абу Ҳурайрадан (розийаллоҳу анҳум), Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шу ҳадис айнан ёки шунга ўхшаш тарзда ривоят қилинган.*

Бу бобда Жобир ибн Самура, Баро, Сабра ибн Маъбад ал-Жуҳаний, Абдуллоҳ ибн Муғаффал, Ибн Умар ва Анас (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Йисо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Биродарларимизнинг амали шу ҳадис асосидадир. Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шудир. Абу Ҳусайннинг Абу Солиҳдан, Абу Ҳурайрадан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қилган ривояти ғариб. Исроил бу ҳадисни Абу Ҳусайндан, Абу Солиҳдан, Абу Ҳурайрадан мавқуф тарзида ривоят қилади ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга(ча) юксалтиради.

Абу Ҳусайннинг исми – Усмон ибн Осим ал-Асадий.

٣٥٠ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ، عَنْ شُعْبَةَ، عَنْ أَبِي التَّيَّاحِ الضُّبَعِيِّ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يُصَلِّي فِي مَرَابِضِ الْغَنَمِ.

350. *Ҳазрати Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўйхоналарда намоз ўқир эдилар».**

Абу Йисо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан саҳиҳ.

Абу Таййоҳнинг исми – Язид ибн Ҳумайд.

260-БОБ. УЛОВ УСТИДА, УЛОВ КЕТАЁТГАН ТОМОНГА ҚАРАБ НАМОЗ ЎҚИМОҚ

٣٥١ – حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلَانَ، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ وَيَحْيَى بْنُ آدَمَ، قَالَا: حَدَّثَنَا سُفْيَانُ، عَنْ أَبِي الزُّبَيْرِ، عَنْ جَابِرٍ قَالَ: بَعَثَنِي النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي حَاجَةٍ فَجِئْتُ وَهُوَ يُصَلِّي عَلَى رَاحِلَتِهِ نَحْوَ الْمَشْرِقِ، وَالسُّجُودُ أَخْفَضُ مِنَ الرُّكُوعِ.

351. *Жобир (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам мени бир иш билан юбордилар. Қайтиб келсам, у киши туяларининг устида машриққа қараб намоз ўқиётган эканлар. Саждалари рукуъларидан кўра пастроқ эди».**

Бу бобда Анас, Ибн Умар, Абу Саъид ва Омир ибн Робиъа (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинди.

Абу Ийсо деди(лар): Жобирнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Жобирдан бир қанча важҳлардан ривоят қилинган.

Илм аҳлининг барчалари наздида амал шу ҳадис асосидадир. Ораларида ихтилоф учраганини билмаймиз. Киши улов устида нафл намози ўқимоқлигида зарар йўқ деб қарайдилар. Қайси томонга йўналса-йўналсин, юзланган томони хоҳ қибла, хоҳ бошқа томон бўлсин, улов кетаётган томонга қараб (қиблани қасд этиб, ихтиёрий нафл ва мустаҳаб) намоз(ларни) ўқийверади.

261-БОБ. ТУЯГА ҚАРАБ (ТУЯНИ ТЎСИҚ ҚИЛИБ) НАМОЗ ЎҚИМОҚ

٣٥٢- حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ وَكِيعٍ، حَدَّثَنَا أَبُو خَالِدٍ الأَحْمَرُ، عَنْ عُبَيْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ، عَنْ نَافِعٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَّى إِلَى بَعِيرِهِ، أَوْ رَاحِلَتِهِ، وَكَانَ يُصَلِّي عَلَى رَاحِلَتِهِ حَيْثُ مَا تَوَجَّهَتْ بِهِ.

352. *Ҳазрати Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам туяларига қараб ёки урғочи туяларига қараб намоз ўқидилар. У киши туяларининг устида, кетаётган томонларига юзланиб, намоз ўқийверар эдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Баъзи илм аҳлининг қавли ҳам шудир. Туяни тўсиқ қилиб, унга қараб намоз ўқимоқнинг зарари йўқ, деган фикрдалар.

262-БОБ. «КЕЧКИ ТАЪОМ БИЛАН ХУФТОН НАМОЗИ БИР ВАҚТГА ТЎҒРИ КЕЛИБ ҚОЛГАНИДА КЕЧКИ ТАЪОМДАН БОШЛАНГИЗЛАР...»

٣٥٣- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ [بْنُ عُيَيْنَةَ]، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ أَنَسٍ يَبْلُغُ بِهِ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا حَضَرَ الْعَشَاءُ وَأُقِيمَتِ الصَّلَاةُ فَابْدَءُوا بِالْعَشَاءِ».

353. *Ҳазрати Анас (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; ҳадисни Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга етказиб, бундай деди:* **«Кечки таъом ҳозир бўлганда намозга иқомат айтилса, сизлар** (аввал) **кечки таъомдан бошлангизлар».**

Бу бобда Оиша, Ибн Умар, Салама ибн Акваъ ва Умму Салама (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Анаснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан баъзи илм аҳли наздида амал шу ҳадис асосидадир. (Ҳазрати) Абу Бакр, Умар ва Ибн Умар (розийаллоҳу анҳум) шулар орасида борлар.

Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шу: **«Жамоат намозини бой берса ҳам, кечки таъомдан бошлайди».**

Абу Ийсо деди(лар): Жоруддан эшитдим, Вакиънинг бу борада бундай деганини эшитдим дейди: **«Таъоми айниб қолишидан қўрқса, кечки таъомдан бошлайди».**

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва бошқалардан баъзи илм аҳли бу борада эга бўлган фикр эргашишга яқинроқ: кишининг қалби бир нарса сабаби билан машғул бўлганида намозга турмаслигини хоҳлар эдилар.

Ибн Аббосдан бундай деб айтгани ривоят қилинган: **«Кўнглингизда бирор нарса бор бўлса, намозга турманг».**

٣٥٤ - وَرُوِيَ عَنِ ابْنِ عُمَرَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ: «إِذَا وُضِعَ الْعَشَاءُ وَأُقِيمَتِ الصَّلَاةُ فَابْدَءُوا بِالْعَشَاءِ».

354. *Ибн Умардан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деб айтганлари ривоят қилинди:* **«Кечки таъом қўйилганида намозга иқомат айтилса, сизлар** (аввал) **кечки таъомдан бошлангизлар».**

Ибн Умар имомнинг қироатини эшитиб туриб, кечки таъомни еди. Буни Ҳаннод бизга баён этди. Абда бу хабарни бизга Убайдуллоҳдан, Нофиъдан, Ибн Умардан баён қилди.

263-БОБ. УЙҚУСИРАБ НАМОЗ ЎҚИМОҚ

٣٥٥- حَدَّثَنَا هَارُونُ بْنُ إِسْحَقَ الْهَمْدَانِيُّ، حَدَّثَنَا عَبْدَةُ بْنُ سُلَيْمَانَ الْكِلَابِيُّ، عَنْ هِشَامِ ابْنِ عُرْوَةَ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا نَعَسَ أَحَدُكُمْ،وَهُوَ يُصَلِّي فَلْيَرْقُدْ حَتَّى يَذْهَبَ عَنْهُ النَّوْمُ؛ فَإِنَّ أَحَدَكُمْ إِذَا صَلَّى وَهُوَ يَنْعَسُ لَعَلَّهُ يَذْهَبُ يَسْتَغْفِرُ فَيَسُبُّ نَفْسَهُ».

355. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Сизлардан бирортангиз намоз ўқиётиб уйқусираса, уйқуси кетгунича ётиб ухласин. Чунки сизлардан бир киши уйқусираб намоз ўқиса, истиғфор айтаман деб ўзини ўзи сўкиб қўйиши мумкин».**

Бу бобда Анас ва Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Оиша (онамиз)нинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

ШАРҲ. Яъни, намоз ўқиётган пайтда салом беради-да, намоздан чиқади, ётиб ухлайди. Баъзилар бу ҳадисни тунги намозга тегишли, дейдилар. Имом Нававий фарз ва нафл, кечки ва кундузги намозларнинг ҳаммасига тегишли эканини айтади. Ҳофиз ибн Ҳажар «Фатҳул-борий»да ҳадис махсус бир сабабга таянганини, аммо лафзи умумий эканини таъкидлаб, бундай дейди: «Фарз намозларида ҳам шу ҳадис билан амал қилинади, фақатгина намозни ўтказиб юбориш (қазо қилиб қўйиш) хавфи йўқ бўлса...»

264-БОБ. БИР ҚАВМНИ ЗИЁРАТ ҚИЛГАН КИШИ УЛАРГА ИМОМ БЎЛМАСИН

٣٥٦- حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلاَنَ وَهَنَّادٌ، قَالاَ: حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنْ أَبَانَ بْنِ يَزِيدَ الْعَطَّارِ، عَنْ بُدَيْلِ بْنِ مَيْسَرَةَ الْعُقَيْلِيِّ، عَنْ أَبِي عَطِيَّةَ - رَجُلٍ مِنْهُمْ - قَالَ: كَانَ مَالِكُ بْنُ الْحُوَيْرِثِ يَأْتِينَا فِي مُصَلاَّنَا يَتَحَدَّثُ، فَحَضَرَتِ الصَّلاَةُ يَوْمًا فَقُلْنَا لَهُ: تَقَدَّمْ، فَقَالَ: لِيَتَقَدَّمْ بَعْضُكُمْ حَتَّى أُحَدِّثَكُمْ لِمَ لاَ أَتَقَدَّمُ ؟ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «مَنْ زَارَ قَوْمًا فَلاَ يَؤُمَّهُمْ، وَلْيَؤُمَّهُمْ رَجُلٌ مِنْهُمْ».

356. *Абу Атиядан ривоят қилинди:* **«Молик ибн ал-Ҳувайрис масжидларимизга келиб бизлар билан суҳбатдош бўлиб турар эди. Бир кун намоз вақти киргач, унга: «Олдинга ўт!» дедик. Шунда айтди: «Бирорталарингиз олдинга ўтсин, мен нима учун олдинга ўтмаганимни сизларга айтиб берайин. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Кимки бир қавмни зиёрат қилса, уларга имом бўлмасин. Уларга ўзларидан бирор киши имом бўлсин», деганларини эшитганман».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан ва бошқалардан бўлмиш кўпчилик илм аҳлининг амали шу ҳадис асосидадир. Айтадиларки, имомлик зиёратчидан кўра кўпроқ манзил эгасининг ҳаққидир.

Айрим илм аҳлининг фикрича, агар унга рухсат берилса, зиёратчининг уй эгасига имом бўлмоқлигида зарар йўқ.

Исҳоқ Молик ибн Ҳувайриснинг ҳадисини тутиб, уй эгаси рухсат берган тақдирда ҳам ҳеч ким уй эгасига имом бўлмайди, деб қатъий ҳукм қилади. Жумладан бундай дейди: «Масжидда ҳам шундай. Зиёрат қилган одам кишиларга имомлик қилмайди, балки уларга ўзларидан бир киши имомлик қилади».

265-БОБ. ИМОМНИНГ ЁЛҒИЗ ЎЗИ УЧУН ДУО ҚИЛИШИ МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

٣٥٧- حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، حَدَّثَنَا إِسْمَعِيلُ بْنُ عَيَّاشٍ، حَدَّثَنِي حَبِيبُ بْنُ صَالِحٍ، عَنْ يَزِيدَ بْنِ شُرَيْحٍ، عَنْ أَبِي حَيٍّ الْمُؤَذِّنِ الْحِمْصِيِّ، عَنْ ثَوْبَانَ، عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لاَ يَحِلُّ لِامْرِئٍ أَنْ يَنْظُرَ فِي جَوْفِ بَيْتِ امْرِئٍ حَتَّى يَسْتَأْذِنَ، فَإِنْ نَظَرَ فَقَدْ دَخَلَ، وَلاَ يَؤُمَّ قَوْمًا فَيَخُصَّ نَفْسَهُ بِدَعْوَةٍ دُونَهُمْ، فَإِنْ فَعَلَ فَقَدْ خَانَهُمْ، وَلاَ يَقُومُ إِلَى الصَّلاَةِ وَهُوَ حَقِنٌ».

357. *Савбон (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Рухсат олмасдан туриб бир кишининг уйи ичига қарамоқ ҳеч кимга ҳалол эмас. Бас, қарадими, кирган бўлади. Бошқаларни қўйиб, фақат ўзи учун дуо қилган киши қавмга имом бўла олмайди. Агар шундай қилса, уларга хиёнат қилган бўлади. Қистанган ҳолатда намозга турилмайди».**

Бу бобда Абу Ҳурайра ва Абу Умома (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ййсо деди(лар): Савбоннинг ҳадиси ҳасан.

Бу ҳадис Муъовия ибн Солиҳдан, Сафр ибн Нусайрдан, Язид ибн Шурайҳдан, Абу Умомадан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган.

Язид ибн Шурайҳ, Абу Ҳурайра, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинди.

Бу ҳадисда Язид ибн Шурайҳнинг муаззин Абу Ҳайдан, Савбондан қилган ривояти иснод жиҳатидан яхшироқ ва машҳурроқ кўринади.

266-БОБ. ҚАВМ ХОҲЛАМАГАН КИШИНИНГ ҚАВМГА ИМОМ БЎЛМОҒИ

٣٥٨- حَدَّثَنَا عَبْدُ الأَعْلَى بْنُ وَاصِلٍ [بْنِ عَبْدِ الأَعْلَى] الْكُوفِيُّ، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْقَاسِمِ الأَسَدِيُّ، عَنِ الْفَضْلِ بْنِ دَلْهَمٍ، عَنِ الْحَسَنِ، قَالَ: سَمِعْتُ أَنَسَ بْنَ مَالِكٍ يَقُولُ: لَعَنَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ثَلاَثَةً: «رَجُلٌ أَمَّ قَوْمًا، وَهُمْ لَهُ كَارِهُونَ، وَامْرَأَةٌ بَاتَتْ وَزَوْجُهَا عَلَيْهَا سَاخِطٌ، وَرَجُلٌ سَمِعَ حَيَّ عَلَى الْفَلاَحِ ثُمَّ لَمْ يُجِبْ».

358. *Ҳасандан ривоят қилинади: «Анас ибн Моликнинг бундай деганини эшитдим:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уч кишини лаънатладилар: қавми ёмон кўрган ҳолда қавмга имом бўлган киши-**

ни; эрини ранжитган ҳолда кечани ўтказган хотинни; «Ҳаййа ъалал фалаҳ»ни эшитиб туриб, сўнг унга ижобат қилмаган кишини».

Бу бобда Ибн Аббос, Талҳа, Абдуллоҳ ибн Амр ва Абу Умома (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Анаснинг ҳадиси саҳиҳ эмас. Чунки бу ҳадис Ҳасандан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан мурсал тарзда ривоят қилинди.

Аҳмад ибн Ҳанбал Муҳаммад ибн Қосимни танқид қилиб, унинг заиф эканини ва ҳофиз эмаслигини қайд этган.

Илм аҳлининг баъзилари, қавми хоҳламаган кишининг уларга имом бўлмоғини макруҳ, деганлар. Ҳолбуки, имом ноҳақлик қилгувчи бир киши бўлмаса, гуноҳ уни хоҳламаган кишиларгадир.

Аҳмад ва Исҳоқ бу борада бундай дейдилар: «Имомни жамоатдан бир киши, икки ёки уч киши ёқтирмаса, токи қавмнинг кўпчилиги уни ёқтирар экан, имом бўлмоғида зарар йўқ».

٣٥٩- حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا جَرِيرٌ، عَنْ مَنْصُورٍ، عَنْ هِلَالِ بْنِ يَسَافٍ، عَنْ زِيَادِ بْنِ أَبِي الْجَعْدِ، عَنْ عَمْرِو بْنِ الْحَارِثِ بْنِ الْمُصْطَلِقِ، قَالَ: كَانَ يُقَالُ: أَشَدُّ النَّاسِ عَذَابًا يَوْمَ الْقِيَامَةِ اثْنَانِ امْرَأَةٌ عَصَتْ زَوْجَهَا، وَإِمَامُ قَوْمٍ وَهُمْ لَهُ كَارِهُونَ.

359. *Амр ибн Ҳорис ибн Мустолиқдан ривоят қилинди:* «Дейилар эдики, қиёмат кунида инсонлардан азоби қаттиқ бўладигани иккита тоифадир: эрига осий бўлган хотин ва қавми ёмон кўрган имом».

Жарир айтади: Мансур дедики: **«Имом борасида савол берганимизда бизга бундай дейилди: «Бу билан фақат ҳаддан ошган имомлар кўзда тутилган. Суннатни бажо келтирадиган имомга келсак, гуноҳ уни ёқтирмаган кишиларгадир».**

٣٦٠- حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ إِسْمَعِيلَ، حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ الْحَسَنِ، حَدَّثَنَا الْحُسَيْنُ بْنُ وَاقِدٍ، حَدَّثَنَا أَبُو غَالِبٍ، قَالَ: سَمِعْتُ أَبَا أُمَامَةَ، يَقُولُ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُمَّ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «ثَلَاثَةٌ لَا تُجَاوِزُ صَلَاتُهُمْ آذَانَهُمْ: الْعَبْدُ الْآبِقُ حَتَّى يَرْجِعَ، وَامْرَأَةٌ بَاتَتْ وَزَوْجُهَا عَلَيْهَا سَاخِطٌ، وَإِمَامُ قَوْمٍ وَهُمْ لَهُ كَارِهُونَ».

360. *Абу Ғолибдан ривоят қилинди:* Абу Умоманинг бундай деганини эшитдим: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Уч киши борки, уларнинг намози қулоқларидан (юқори) кўтарилмайди: қочган қул, токи қайтиб келгунича; эрини ғазаблантирган ҳолда кечани ўтказган хотин; қавми ёқтирмаган имом».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис бу важҳдан ҳасан-ғариб.

Абу Толибнинг исми – Ҳазаввар.

267-БОБ. ИМОМ ЎТИРИБ НАМОЗ ЎҚИСА, СИЗЛАР ҲАМ ЎТИРИБ ЎҚИНГИЗЛАР

٣٦١- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا اللَّيْثُ، عَنِ ابْنِ شِهَابٍ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ [أَنَّهُ] قَالَ: خَرَّ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ فَرَسٍ فَجُحِشَ فَصَلَّى بِنَا قَاعِدًا، فَصَلَّيْنَا مَعَهُ قُعُودًا، ثُمَّ انْصَرَفَ، فَقَالَ: «إِنَّمَا الإِمَامُ - أَوِ إِنَّمَا جُعِلَ الإِمَامُ - لِيُؤْتَمَّ بِهِ، فَإِذَا كَبَّرَ فَكَبِّرُوا، وَإِذَا رَكَعَ فَارْكَعُوا، وَإِذَا رَفَعَ فَارْفَعُوا، وَإِذَا قَالَ سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمِدَهُ فَقُولُوا رَبَّنَا وَلَكَ الْحَمْدُ، وَإِذَا سَجَدَ فَاسْجُدُوا، وَإِذَا صَلَّى قَاعِدًا فَصَلُّوا قُعُودًا أَجْمَعُونَ».

361. *Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам отдан йиқилдилар, бир ёнлари лат еб** (ўнг томон) **муборак терилари шилинди. Бизга ўтирган ҳолда намоз ўқиб бердилар, бизлар ҳам ўтирган ҳолда у кишига эргашиб намоз ўқидик. Кейин** (намозни тугатгач, бизга) **ўгирилиб: «Имом иқтидо қилинмоғи учун имомдир» ёки: «Имом иқтидо қилинмоғи учун имом қилингандир», – дедилар. – Агар у такбир айтса, такбир айтингизлар, рукуъ қилса, рукуъ қилингизлар, ўрнидан кўтарилса, кўтарилингизлар. Агар: «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ» деса, «Роббана ва лакал-ҳамд!» деб айтингизлар; агар сажда қилса, сажда қилингизлар; агар ўтириб намоз ўқиса, ҳаммангиз ўтириб намоз ўқингизлар».**

Бу бобда Оиша (онамиз), Абу Ҳурайра, Жобир, ибн Умар ва Муъовия (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Анаснинг: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам отдан йиқилдилар, муборак терилари шилинди»** деган ҳадиси саҳиҳ-ҳасан.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан баъзилари шу ҳадисни олганлар. Жобир ибн Абдуллоҳ, Усайд ибн Ҳузайр ва Абу Ҳурайра ҳамда бошқалар шулар орасида бор. Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шу.

Айрим илм аҳлининг фикрича, имом ўтириб ўқиса, орқасидагилар фақат тик туриб намоз ўқийди. Агар ўтириб ўқиса, намозлари жоиз эмас.

Суфён Саврий, Молик ибн Анас, Ибн Муборак ва Шофиъийларнинг қавли шудир.

ИЗОҲ. «Саҳиҳи Бухорий» изоҳидан: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Имом ўтириб ўқиса, ўтириб ўқингизлар» деган сўзларини бундан илгариги бетоблик пайтларида айтганлар, сўнгги бетоб бўлганларида эса жаноби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўтириб ўқиганлар,

одамлар тик туриб ўқишган. Уларга ўтирмоқни буюрмаганлар. Охиргиси ҳисобга олингайдир. Зеро охиргиси жаноби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг табиатларига мосдир» *(1-жилд)*.

268-БОБ. ЎТГАН МАВЗУ

٣٦٢- حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلَانَ، حَدَّثَنَا شَبَابَةُ بْنُ سَوَّارٍ، عَنْ شُعْبَةَ، عَنْ نُعَيْمِ بْنِ أَبِي هِنْدٍ، عَنْ أَبِي وَائِلٍ، عَنْ مَسْرُوقٍ، عَنْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: صَلَّى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَلْفَ أَبِي بَكْرٍ فِي مَرَضِهِ الَّذِي مَاتَ فِيهِ قَاعِدًا.

362. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафотлари билан якунланган** (охирги) **бетобликларида Абу Бакрнинг ортларида ўтириб намоз ўқидилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Оиша (онамизнинг ушбу) ҳадиси ҳасан-саҳиҳ-ғариб.

Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтганлари ҳам ривоят қилинган: **«Имом ўтириб намоз ўқиса, сизлар ҳам ўтириб намоз ўқингизлар».**

Яна Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинган: **Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бетобликларида намозга чиқдилар. Абу Бакр** (имомлик қилиб) **намоз ўқиб бераётган эдилар. У киши Абу Бакрнинг ёнларида ўтириб намоз ўқиб бердилар. Жамоат Абу Бакрга, Абу Бакр эса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга иқтидо қилдилар».**

Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Бакрнинг ортларида ўтириб намоз ўқидилар».**

Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Бакрнинг ортларида ўтирган ҳолда намоз ўқидилар».**

٣٦٣- حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ أَبِي زِيَادٍ، حَدَّثَنَا شَبَابَةُ بْنُ سَوَّارٍ، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ طَلْحَةَ، عَنْ حُمَيْدٍ، عَنْ ثَابِتٍ، عَنْ أَنَسٍ قَالَ: صَلَّى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي مَرَضِهِ خَلْفَ أَبِي بَكْرٍ قَاعِدًا فِي ثَوْبٍ مُتَوَشِّحًا بِهِ.

363. *Анас (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бетобликларида Абу Бакрнинг ортларида ўтириб, кийимларига ўралган ҳолда** (қўлтиқлари остидан ўтказиб, елкаларига ўраган) **ҳолда намоз ўқидилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Бу ҳадисни Яҳё ибн Айюб, Ҳумайддан, Анасдан шу тарзда ривоят қилган. Айни вақтда, буни Ҳумайддан, Анасдан кўпчилик кишилар ривоят қилганлар, аммо Собитни зикр қилмаганлар. Собитдан зикр қилинган ҳадис асаҳҳдир.

269-БОБ. ИМОМНИНГ УНУТГАН ҲОЛДА ИККИНЧИ РАКЪАТДА (ҚИЁМГА) ТУРИБ КЕТМОҒИ

٣٦٤- حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا هُشَيْمٌ، أخبرنا ابْنُ أَبِي لَيْلَى، عَنِ الشَّعْبِيِّ قَالَ: صَلَّى بِنَا الْمُغِيرَةُ بْنُ شُعْبَةَ، فَنَهَضَ فِي الرَّكْعَتَيْنِ، فَسَبَّحَ بِهِ الْقَوْمُ، وَسَبَّحَ بِهِمْ، فَلَمَّا صَلَّى بَقِيَّةَ صَلَاتِهِ سَلَّمَ، ثُمَّ سَجَدَ سَجْدَتَيِ السَّهْوِ، وَهُوَ جَالِسٌ، ثُمَّ حَدَّثَهُمْ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَعَلَ بِهِمْ مِثْلَ الَّذِي فَعَلَ.

364. *Шаъбийдан ривоят қилинди; айтди:* **«Муғийра ибн Шуъба бизга намоз ўқиб берди-да, иккинчи раъкатда** (ўтирмасдан) **туриб кетди. Қавм унга тасбиҳ айтди, яъни «Субҳоналлоҳ» деди, у ҳам қавмга «Субҳоналлоҳ» деб тасбиҳ айтди. Намозни адо этиб бўлгач, салом берди ва ўтирган жойида икки саждаи саҳв қилди. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг худди шундай қилганларини уларга сўзлаб берди».**

Бу бобда Уқбаъ ибн Омир, Саъд ва Абдуллоҳ ибн Буҳайнадан ҳадис ривоят қилинди.

Абу Ийсо деди(лар): Муғийра ибн Шуъбанинг ҳадиси ундан бир қанча важҳлардан ривоят қилинган.

Баъзи илм аҳллари Ибн Абу Лайлони хотираси жиҳатдан танқид қиладилар. Аҳмад айтадики: «Ибн Абу Лайлонинг ҳадиси билан истидлол қилинмайди».

Муҳаммад ибн Исмоъийл (ал-Бухорий) эса бундай дейди: «Ибн Абу Лайло жуда тўғри киши. Аммо мен ундан ҳадис ривоят қилмайман. Чунки у ҳадиснинг саҳиҳини нуқсонлисидан ажрата олмайди. Бундай кишиларнинг ҳеч биридан ҳеч нарса ривоят қилмайман».

Бу ҳадис Муғийра ибн Шуъбадан бир қанча важҳлардан ривоят қилинган. Сўфён Жобирдан, Муғийра ибн Шубайлдан, Қайс ибн Абу Ҳозимдан, Муғийра ибн Шуъбадан шу ҳадисни ривоят қилди. Баъзи илм аҳли Жобир ибн Жаъфийнинг (ҳадисда) заиф эканини қайд этадилар. Яҳё ибн Саъид, Абдурраҳмон ибн Маҳдий ва тағин бошқалар уни тарк этганлар.

Илм аҳлининг амали шу ҳадис асосидадир. Демакки, иккинчи ракъатда (ўтирмасдан) туриб кетса, намозини давом эттираверади ва (охирида) икки марта сажда(и саҳв) қилади. Айримлари саломдан олдин (сажда қилади) деса, айримлари саломдан кейин, деб айтган. Саломдан олдин деб айтувчиларнинг ҳадиси Зуҳрий билан Яҳё ибн Саъид ал-Ансорийнинг Абдурраҳмон ал-Аърождан, Абдуллоҳ ибн Буҳайнадан ривоят қилган ҳадисларига мувофиқлиги сабабига кўра асаҳҳдир.

٣٦٥- حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ، أخبرنا يَزِيدُ بْنُ هَارُونَ، عَنِ الْمَسْعُودِيِّ، عَنْ زِيَادِ ابْنِ عِلاقَةَ قَالَ: صَلَّى بِنَا الْمُغِيرَةُ بْنُ شُعْبَةَ، فَلَمَّا صَلَّى رَكْعَتَيْنِ قَامَ وَلَمْ يَجْلِسْ، فَسَبَّحَ بِهِ مَنْ خَلْفَهُ، فَأَشَارَ إِلَيْهِمْ أَنْ قُومُوا، فَلَمَّا فَرَغَ مِنْ صَلاتِهِ سَلَّمَ وَسَجَدَ سَجْدَتَيِ السَّهْوِ وَسَلَّمَ، وَقَالَ: هَكَذَا صَنَعَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ.

365. *Зиёд ибн Илоқадан ривоят қилинди:* **«Муғийра ибн Шуъба бизларга намоз ўқиб берди-да, икки ракъат ўқигач, ўтирмасдан туриб кетди. Орқасидаги кишилар: «Субҳоналлоҳ» дейишди, у эса уларга «туринглизлар» деган ишорани қилди. Намоздан фориғ бўлгач, салом берди-да, икки марта саждаи саҳв қилди,** (сўнг) **салом берди.** (Кейин) **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ана шундай қилган эдилар», деди.**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Ушбу ҳадис Муғийра ибн Шуъба тариқи билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бир қанча важҳлардан ривоят қилинган.

270-БОБ. БИРИНЧИ ТАШАҲҲУДДА ЎТИРМОҚ МИҚДОРИ

٣٦٦- حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلانَ، حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ [هُوَ الطَّيَالِسِيُّ]، حَدَّثَنَا شُعْبَةُ، أخبرنا سَعْدُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ، قَالَ: سَمِعْتُ أَبَا عُبَيْدَةَ بْنَ عَبْدِ اللَّهِ [بْنِ مَسْعُودٍ] يُحَدِّثُ عَنْ أَبِيهِ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ [إِذَا جَلَسَ] فِي الرَّكْعَتَيْنِ الأُولَيَيْنِ كَأَنَّهُ عَلَى الرَّضْفِ.

366. *Саъд ибн Иброҳимдан ривоят қилинди:* **«Абу Убайда Ибн Абдуллоҳ ибн Масъуд отасидан ҳадис баён этганини эшитдимки: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аввалги икки ракъатда** (биринчи қаъдада) **ўтирсалар, худди қизиган тош устида ўтиргандек ўтирар эдилар». Шуъба айтди: «Кейин Саъд бир нарса демоқчи бўлиб**

лабларини қимирлатди. Шунда мен: «То турганларича», дедим. У ҳам: «То турганларича», деди.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан. Илло Абу Убайда отасидан эшитган эмас.

Илм аҳлининг амали шу ҳадис асосидадир. Биринчи қаъдада ўтирмоқни чўзмасликни ва ташаҳҳуд устига бирор нарса қўшмасликни ихтиёр этганлар ва айтганларки: «Ташаҳҳуд устига бирор нарса қўшса, саждаи саҳв қилмоғи лозим бўлади». Шаъбий ва бошқалардан шундай деб ривоят қилинган.

271-БОБ. НАМОЗДА ИШОРАТ ҚИЛМОҚ

٣٦٧- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا اللَّيْثُ بْنُ سَعْدٍ، عَنْ بُكَيْرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الأَشَجِّ، عَنْ نَابِلٍ - صَاحِبِ الْعَبَاءِ - عَنِ ابْنِ عُمَرَ، عَنْ صُهَيْبٍ قَالَ: مَرَرْتُ بِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهم عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ يُصَلِّي، فَسَلَّمْتُ عَلَيْهِ، فَرَدَّ إِلَيَّ إِشَارَةً، وَقَالَ: لاَ أَعْلَمُ إِلاَّ أَنَّهُ قَالَ: إِشَارَةً بِإِصْبَعِهِ.

367. *Ибн Умар розийаллоҳу анҳу Суҳайб (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилдилар; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёнларидан ўтдим: намоз ўқиётган эканлар. Салом бердим, у киши ишорат билан саломимга алик олдилар».**

Лайс ибн Саъд (ёки Нобил): **«Бармоқлари билан ишорат қилиб» деганини биламан»,** деди.

Бу бобда Билол, Абу Ҳурайра, Анас ва Оиша (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

٣٦٨- حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلاَنَ، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، حَدَّثَنَا هِشَامُ بْنُ سَعْدٍ، عَنْ نَافِعٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ، قَالَ: قُلْتُ لِبِلاَلٍ: كَيْفَ كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَرُدُّ عَلَيْهِمْ حِينَ كَانُوا يُسَلِّمُونَ عَلَيْهِ وَهُوَ فِي الصَّلاَةِ ؟ قَالَ: كَانَ يُشِيرُ بِيَدِهِ.

368. *Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* **«Билолдан: «Ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда турган пайтларида у кишига салом беришса, саломларига қандай алик олар эдилар?» деб сўрадим. «Қўллари билан ишорат қилар эдилар», деди.**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Суҳайбнинг ҳадиси эса ҳасан, уни фақатгина Лайснинг Букайрдан қилган ривоятидан биламиз. Зайд ибн Аслам тариқи билан Ибн Умардан ривоят қилинган: Билолдан: «Расулуллоҳ соллаллоҳу

алайҳи ва саллам Бани Амр ибн Авф масжидида у кишига салом берганларида саломларига қандай алик олар эдилар?» деб сўрадим. «Ишорат билан алик олар эдилар», деди.

Менинг наздимда иккала ҳидис саҳиҳ. Ибн Умар (ишорат билан алик олмоқ ҳадисини) Суҳайб билан Билолнинг икалловидан ҳам ривоят қилган бўлса-да, Суҳайбнинг ҳадиси ҳикояси бошқа ва Билолнинг ҳадиси ҳикояси бошқадир. Демакки, иккаловларидан (алоҳида-алоҳида) эшитган бўлиши эҳтимоли бор.

272-БОБ. (НАМОЗ ПАЙТИ) ТАСБИҲ АЙТИШ ЭРКАКЛАР УЧУН, ЧАПАК ЧАЛИШ АЁЛЛАР УЧУНДИР

٣٦٩- حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ، عَنِ الأَعْمَشِ، عَنْ أَبِي صَالِحٍ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «التَّسْبِيحُ لِلرِّجَالِ، وَالتَّصْفِيقُ لِلنِّسَاءِ».

369. *Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «**(Намозда) **тасбиҳ айтмоқ** («Субҳоналлоҳ» демоқ) **эркаклар учун, чапак чалмоқ аёллар учундир».**

Бу бобда Али, Саҳл ибн Саъд, Жобир, Абу Саъид ва Ибн Умар (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган. (Ҳазрати) Али айтадилар: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан киришга рухсат сўраганимда, намозда бўлсалар, «Субҳоналлоҳ» дер эдилар».**

Абу Ййсо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси ҳасан саҳиҳ.

Илм аҳлининг амали шу ҳадис асосидадир. Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шудир.

273-БОБ. НАМОЗДА ЭСНАМОҚ МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

٣٧٠- حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، أخبرنا إِسْمَعِيلُ بْنُ جَعْفَرٍ، عَنِ الْعَلاَءِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «التَّثَاؤُبُ فِي الصَّلاَةِ مِنَ الشَّيْطَانِ، فَإِذَا تَثَاءَبَ أَحَدُكُمْ فَلْيَكْظِمْ مَا اسْتَطَاعَ».

370. *Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Намозда эснамоқ шайтондандир ва агар бирортангизни эсноқ тутса, иложи борича қайтармоққа уринсин»,** дедилар**».**

Бу бобда Абу Саъид ал-Худрий ва Адий ибн Собитнинг бобосидан ҳадис ривоят қилинди.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Ҳурайрани ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Илм аҳлидан баъзилари намозда эснамоқни макруҳ деб топганлар. Иброҳим айтади: «Мен эснoқни «иҳ-иҳ» деб йўталиб қайтараман».

ИЗОҲ. «Мухтасарул-Виқоя» шарҳидан «Туҳфатул-мулук» (асари)нинг шарҳи «Ҳадиййатус-саълук» номли китобда эснoқни қайтармоқ йўли ҳақида айтибдилар: «Албатта, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳеч қачон эснаган эмаслар» деб кўнглига келтиргай. Қудурий айтдилар: «Кўп маротаба синадик, нафсул-амр, эснамоқ қайтар экан». Ибнул Обидин айтдилар: «Ўзим тажриба қилдим, яъни синадим, шундоқ (эснoқ қайтар) экан». Чунончи, «Раддул муҳтор»да мазкурдир» *(137-саҳифа).*

274-БОБ. ЎТИРИБ ЎҚИЛГАН НАМОЗ ТИК ТУРИБ ЎҚИЛГАН НАМОЗНИНГ ЯРМИГА ТЕНГ

٣٧١- حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، حَدَّثَنَا عِيسَى بْنُ يُونُسَ، حَدَّثَنَا حُسَيْنٌ الْمُعَلِّمُ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بُرَيْدَةَ، عَنْ عِمْرَانَ بْنِ حُصَيْنٍ، قَالَ: سَأَلْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ صَلاَةِ الرَّجُلِ وَهُوَ قَاعِدٌ، فَقَالَ: «مَنْ صَلَّى قَائِمًا فَهُوَ أَفْضَلُ، وَمَنْ صَلَّى قَاعِدًا فَلَهُ نِصْفُ أَجْرِ الْقَائِمِ، وَمَنْ صَلَّى نَائِمًا فَلَهُ نِصْفُ أَجْرِ الْقَاعِدِ».

371. *Имрон Ибн Ҳусайн (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўтириб намоз ўқиган кишининг намози ҳақида сўрадим. «Ким тик туриб намоз ўқиса, шу афзалроқ. Кимки ўтириб намоз ўқиса, унга тик туриб ўқиганнинг ярмича ажр бор. Ва кимки ётиб намоз ўқиса, унга ўтириб ўқиганнинг ярмича ажр бор», дедилар у зот.**

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Амр, Анас ва ас-Соиб (ва Ибн Умар) (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Имрон Ибн Ҳусайннинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

٣٧٢ - وَقَدْ رُوِيَ هَذَا الْحَدِيثُ عَنْ إِبْرَاهِيمَ بْنِ طَهْمَانَ بِهَذَا الإِسْنَادِ إِلاَّ أَنَّهُ يَقُولُ: عَنْ عِمْرَانَ بْنِ حُصَيْنٍ، قَالَ: سَأَلْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ صَلاَةِ الْمَرِيضِ، فَقَالَ: «صَلِّ قَائِمًا، فَإِنْ لَمْ تَسْتَطِعْ فَقَاعِدًا، فَإِنْ لَمْ تَسْتَطِعْ فَعَلَى جَنْبٍ».

372. *Бу ҳадис Иброҳим ибн Тайҳондан шу иснод билан ривоят қилинди, аммо у Иброҳим ибн Ҳусайннинг бундай деганини қайд этади:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бемор кишининг намози ҳақида сўрадим. **«Тик туриб ўқи. Агар қувватинг етмаса, ўтириб ўқи. Агар** (бунга ҳам) **қувватинг етмаса, ёнбошлаб ўқи», дедилар.**

Бу (ҳадис)ни Ҳаннод Вакиъ орқали бизга «Иброҳим ибн Таҳмондан, Ҳусайн ал-Муаллимдан» деб шу иснод билан баён қилди.

Абу Ийсо деди(лар): Ҳусайн ал-Муаллимдан Иброҳим ибн Таҳмоннинг ривоятига ўхшаш тарзда ривоят қилган кишини билмаймиз.

Абу Усома ва бошқа бир қанча кишилар Ҳусайн ал-Муаллимдан, Ийсо ибн Юнуснинг ривоятига ўхшаш тарзда ривоят қилдилар.

Бу ҳадиснинг маъноси, айрим илм аҳлининг фикрича, татаввуъ – ихтиёрий нафл намозлар борасидадир.

Муҳаммад ибн Башшордан, Ибн Абу Адийдан, Ашъас ибн Абдулмаликдан, Ҳасандан ривоят қилинди; Ҳасан айтди: **«Киши нафл намозини хоҳласа тик туриб, хоҳласа ўтириб, хоҳласа ётган жойида ўқийверади».**

Илм аҳли ўтириб намоз ўқимоққа қуввати етмаган беморнинг намози борасида ихтилоф қилдилар. Айримлари, ўнг томони билан ётиб намоз ўқийди, деди. Айримлар: «Орқаси билан (чалқанча) ётиб, оёқларини қиблага қаратиб намоз ўқийди», дейди.

Суфён Саврий: **«Кимки намозни ўтириб ўқиса, унга тик туриб ўқиганнинг ярим савоби бор»,** деган ҳадис борасида бундай дейди: «Бу ҳукм соғлом ва узри бўлмаган киши учундир (яъни, нафл намозларига оиддир). Беморликдан ёки бошқа бир нарсадан узри бўлган киши ўтириб намоз ўқиса, унинг ажри тик туриб ўқиган кишининг ажри сингаридир».

Баъзи ҳадисларда Суфён Саврийнинг сўзидек ривоят қилинган.

275-БОБ. ЎТИРГАН ЖОЙИДА НАФЛ НАМОЗ ЎҚИГАН КИШИ

٣٧٣- حَدَّثَنَا الأَنْصَارِيُّ، حَدَّثَنَا مَعْنٌ، حَدَّثَنَا مَالِكُ بْنُ أَنَسٍ، عَنِ ابْنِ شِهَابٍ، عَنِ السَّائِبِ بْنِ يَزِيدَ، عَنِ الْمُطَّلِبِ بْنِ أَبِي وَدَاعَةَ السَّهْمِيِّ، عَنْ حَفْصَةَ زَوْجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهَا قَالَتْ: مَا رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي سُبْحَتِهِ قَاعِدًا حَتَّى كَانَ قَبْلَ وَفَاتِهِ بِعَامٍ، فَإِنَّهُ كَانَ يُصَلِّي فِي سُبْحَتِهِ قَاعِدًا، وَيَقْرَأُ بِالسُّورَةِ وَيُرَتِّلُهَا حَتَّى تَكُونَ أَطْوَلَ مِنْ أَطْوَلَ مِنْهَا.

373. *Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жуфти ҳалоллари Ҳафса (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафотларига то бир йил қолгунича нафл намозларини ўтириб ўқиганларини кўрмадим. Кейин нафл на-**

мозларни ўтириб ўқир, сурани қироат қилар ва уни тартийл (тажвид) **билан** (шундоқ) **қироат қилар эдиларки, у сура ўзидан узун сурадан ҳам кўра узунроқ бўлиб кетар эди».**

Бу бобда Умму Саллама, Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳумо) дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ҳафса (розийаллоҳу анҳо)нинг ҳадиси ҳасан-ҳадис.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинади: **«Кечалари ўтириб намоз ўқир эдилар. Вақтики қироатларидан** (бир ракъатнинг ҳиссасидан) **ўттиз ёки қирқ оят миқдори қолса, уни тик туриб ўқир эдилар. Кейин рукуъ ва сажда қилар эдилар. Кейин иккинчи ракъатда яна худди шундоқ қилар эдилар».**

Ва яна у зотдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деб ҳам ривоят қилинган: **«Ўтириб намоз ўқир эдилар. Қачон қиёмда** (тик туриб) **қироат қилсалар, рукуъ ва саждаларини қиёмдан қилар эдилар; ўтириб ўқисалар, рукуъ ва саждаларини ўтирган жойларидан қилар эдилар».** Аҳмад ва Исҳоқ айтадиларки: «Ҳар икки ҳадис билан амал вориддир». Улар баён этилган ҳар икки ҳадис саҳиҳдир ва ҳар бири билан амал қилинади, деган фикрдалар.

٣٧٤- **حَدَّثَنَا** الأَنْصَارِيُّ، حَدَّثَنَا مَعْنٌ، حَدَّثَنَا مَالِكٌ، عَنْ أَبِي النَّضْرِ، عَنْ أَبِي سَلَمَةَ، عَنْ عَائِشَةَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يُصَلِّي جَالِسًا فَيَقْرَأُ وَهُوَ جَالِسٌ، فَإِذَا بَقِيَ مِنْ قِرَاءَتِهِ قَدْرُ مَا يَكُونُ ثَلاَثِينَ أَو أَرْبَعِينَ آيَةً قَامَ فَقَرَأَ وَهُوَ قَائِمٌ، ثُمَّ رَكَعَ وَسَجَدَ، ثُمَّ صَنَعَ فِي الرَّكْعَةِ الثَّانِيَةِ مِثْلَ ذَلِكَ.

374. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам** (охирги вақтларида) **ўтириб намоз ўқир эдилар ва ўтирган ҳолларида қироат қилар эдилар. Вақтики, қироатларидан** (бир ракъатнинг ҳиссасидан) **ўттиз ёки қирқ оят миқдори қолса, уни** (ўринларидан) **туриб ўқир ва тик турган ҳолда қироат қил**(иб битказ)**ар эдилар. Кейин рукуъ ва сажда қилар эдилар. Иккинчи ракъатда яна шундоқ қилар эдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

٣٧٥- **حَدَّثَنَا** أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا هُشَيْمٌ، أخبرنا خَالِدٌ، وَهُوَ الْحَذَّاءُ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ شَفِيقٍ، عَنْ عَائِشَةَ، قَالَ: سَأَلْتُهَا عَنْ صَلاَةِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ تَطَوُّعِهِ، قَالَتْ: كَانَ يُصَلِّي لَيْلاً طَوِيلاً قَائِمًا وَلَيْلاً طَوِيلاً قَاعِدًا، فَإِذَا قَرَأَ وَهُوَ قَائِمٌ رَكَعَ وَسَجَدَ وَهُوَ قَائِمٌ، وَإِذَا قَرَأَ وَهُوَ جَالِسٌ رَكَعَ وَسَجَدَ وَهُوَ جَالِسٌ.

375. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди: Абдуллоҳ ибн Шақиқ (розийаллоҳу анҳу) айтади:* **«Оиша** (онамиз)**дан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нафл намозлари борасида савол қилдим. Оиша айтдилар: «**(Жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам) **кечанинг узун ҳиссасида нафл намозларини тик туриб ўқир эдилар ва баъзи кечанинг узун ҳиссасида ўтириб намоз ўқир эдилар. Қачон тик туриб қироат қилсалар, рукуъ ва саждаларини қиёмдан қилар эдилар. Ва қачон ўтириб қироат қилсалар, рукуъ ва саждаларини ўтирган жойларидан қилар эдилар».**

Абу Ййсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

276-БОБ. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМНИНГ: «МЕН НАМОЗДА БОЛАНИНГ ЙИҒИСИНИ ЭШИТИБ, ҚИРОАТНИ ҚИСҚА ҚИЛАМАН», ДЕГАНЛАРИ

٣٧٦- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا مَرْوَانُ [بْنُ مُعَاوِيَةَ] الْفَزَارِيُّ، عَنْ حُمَيْدٍ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «وَاللَّهِ إِنِّي لَأَسْمَعُ بُكَاءَ الصَّبِيِّ وَأَنَا فِي الصَّلَاةِ فَأُخَفِّفُ مَخَافَةَ أَنْ تُفْتَنَ أُمُّهُ».

376. *Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Аллоҳ ҳаққи, мен намозда туриб боланинг йиғисини батаҳқиқ эшитаман-да, онасига қийин бўлмоғидан хавфсираб, намозни енгилатаман».**

Бу бобда Абу Қатода, Абу Саъид ва Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ййсо деди(лар): Анаснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

277-БОБ. ҲАЙЗ КЎРА БОШЛАГАН (БАЛОҒАТГА ЕТГАН) ҚИЗНИНГ НАМОЗИ ЁПИНЧИҚСИЗ ҚАБУЛ БЎЛМАСЛИГИ

٣٧٧- حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا قَبِيصَةُ، عَنْ حَمَّادِ بْنِ سَلَمَةَ، عَنْ قَتَادَةَ، عَنِ ابْنِ سِيرِينَ، عَنْ صَفِيَّةَ ابْنَةِ الْحَارِثِ، عَنْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا تُقْبَلُ صَلَاةُ الْحَائِضِ إِلَّا بِخِمَارٍ».

377. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Ҳайз кўра бошлаган қизнинг намози фақат рўмолда** (ўраниб) **ўқисагина қабул бўлади».**

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Амрдан ҳам ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Оиша онамизнинг ҳадиси ҳасан.

Илм аҳлининг амали шу ҳадис асосидадир. **Қиз бола балоғатга етгач, сочининг бирор жойи очиқ ҳолда намоз ўқиса, намози жоиз эмас.**

Шофиъийнинг қавли бундай: «Аёл кишининг намози баданининг бир жойи очиқ бўлса, жоиз эмас». Оёқларининг сирти (оёқ панжалари) очиқ бўлса, намоз жоиз экани айтилган.

278-БОБ. НАМОЗДА КИЙИМИНИ ОСИЛТИРИБ ОЛИШ МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

٣٧٨- حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا قَبِيصَةُ، عَنْ حَمَّادِ بْنِ سَلَمَةَ، عَنْ عِيسَى بْنِ سُفْيَانَ، عَنْ عَطَاءِ [بْنِ أَبِي رَبَاحٍ]، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: نَهَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ السَّدْلِ فِي الصَّلَاةِ.

378. *Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда кийимини осилтириб олмоқдан қайтардилар».**

ИЗОҲ. Шавқоний «Ан-Найл» асарида айтадики: «Ҳадисдаги «ас-садл» («осилтирмоқ») сўзи – олди очиқ либоснинг икки томонини ёпмай, ташлаб қўйишдир». «Ан-ниҳоя» муаллифининг фикрича: «Кишининг бир либосга ўраниб, қўлларини шу кийим ичида қолдириб, рукуъ ва саждани шу ҳолда қилишдир». Ал-Жавҳарий фикрича: «Либоснинг этак учларини осилтириб олишдир». Хаттобий фикрича: «Кийимни ерга тегадиган ҳолда осилтириб олишдир». «Ал-ироқий эса: «Ас-садл» деганда сочни осилтириш кўзда тутилган бўлиши эҳтимол», дейди. Шавконий уламолар фикрини жамлаб: «Ҳадис шу маъноларнинг ҳаммасини қамраб, барча маъно учун муштарак бўлса ажаб эмас. Зеро, тўғри фикр ана шудир», дейди.

Фиққда: намозда кийимларни осилтириб олиш макруҳдир.

279-БОБ. НАМОЗДА МАЙДА ТОШЛАРНИ ТЕКИСЛАМОҚ МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

٣٧٩- حَدَّثَنَا سَعِيدُ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الْمَخْزُومِيُّ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ أَبِي الأَحْوَصِ، عَنْ أَبِي ذَرٍّ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا قَامَ أَحَدُكُمْ إِلَى الصَّلَاةِ فَلَا يَمْسَحِ الْحَصَى؛ فَإِنَّ الرَّحْمَةَ تُوَاجِهُهُ».

379. *Абу Зарр (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизлардан бирортангиз**

намозга турганида майда тошларни текисламасин (яъни, бу билан ўзини машғул қилмасин). **Чунки** (намоз пайти) **унга раҳмат таважжуҳ эттай** (юзлангай)**дир».**[62]

Бу бобда Муъайқиб, Али ибн Абу Толиб, Ҳузайфа, Жобир ибн Абдуллоҳ (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Заррнинг ҳадиси ҳасан.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда текисламоқни кариҳ кўрганлар ва: **«Агар текислашдан бошқа илож бўлмаса, фақат бир марта текислаб қўйгин»** деб айтганлари баён этилганки, гўё бир марта бажармоқ учун рухсат берилгани ривоят қилинмоқда.

Илм аҳлининг амали шу ҳадис асосидадир.

٣٨٠- حَدَّثَنَا الْحُسَيْنُ بْنُ حُرَيْثٍ، حَدَّثَنَا الْوَلِيدُ بْنُ مُسْلِمٍ، عَنِ الأَوْزَاعِيِّ، عَنْ يَحْيَى ابْنِ أَبِي كَثِيرٍ، قَالَ: حَدَّثَنِي أَبُو سَلَمَةَ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ، عَنْ مُعَيْقِيبٍ، قَالَ: سَأَلْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ مَسْحِ الْحَصَى فِي الصَّلاَةِ، فَقَالَ:«إِنْ كُنْتَ لاَ بُدَّ فَاعِلاً فَمَرَّةً وَاحِدَةً».

380. *Мўъайқийб (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан намозда майда тошларни текисламоқ борасида сўрадим. Шунда айтдилар: «Агар текислашдан бошқа иложи бўлмаса, бас, бир марта текислаб қўйгин».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан саҳиҳ.

ИЗОҲ. (379, 380-ҳадисга.) «Ва яна тош майдаларини айлантирмоқ, яъни сажда қиладиган жойда майда тошларни сажда қилмоққа осон бўлсин деб текисламоқ, бошқа нарса учун бўлмаса, макруҳдир, фақат бир марта қилса, макруҳ эмас. Ва яна намоз ичида тупроқдан тоза қилмоқ учун пешонасини сийпамоқ макруҳдир» *(«Шарҳи Мухтасари Виқоя»).*

280-БОБ. НАМОЗДА ПУФЛАМОҚ МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

٣٨١- حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا عَبَّادُ بْنُ الْعَوَّامِ، أخبرنا مَيْمُونٌ أَبُو حَمْزَةَ، عَنْ أَبِي صَالِحٍ [مولى طَلْحَةَ]، عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ، قَالَتْ: رَأَى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ غُلاَمًا لَنَا يُقَالُ لَهُ: أَفْلَحُ؛ إِذَا سَجَدَ نَفَخَ، فَقَالَ:«يَا أَفْلَحُ، تَرِّبْ وَجْهَكَ».

381. *Умму Салама (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизнинг Афлаҳ**

[62] Шағал, тошлар, қум ва тупроқ ҳам шу ҳукмга дохил. Молик ибн Анаснинг бунда зарар йўқ деб қараши ривоят қилинади. Аммо олимларнинг кўпчилиги бу феълни макруҳ деб топганлар.

деган бир қулимиз сажда қилаётиб ерга пуфлаганини кўриб қолдилар. Шунда: «Эй Афлаҳ! Юзингни тупроққа булайвер», дедилар».

Аҳмад ибн Маниъ айтди: «Аббод (ибн Аввом) намозда пуфлашни макруҳ деб ҳисоблайди ва: «Борди-ю, пуфласа, намози бузилмайди», дейди.

Аҳмад ибн Маниъ: «Биз ҳам шу (қавл)ни оламиз», деди.

Абу Ййсо деди(лар): Айримлар бу ҳадисни Абу Ҳамзадан ривоят қиладилар. Абу Ҳамза (ўз ривоятида): **«Рабоҳ деган бир мавломиз** (озод этилган қулимиз)», деди.

ИЗОҲ. Афлаҳ сажда қиладиган жойидан чанг ва тупроқни кетказиш учун ерга пуфлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Эй Афлаҳ! Намозда пуфлама, қўявер, пешонангга тупроқ тегса-тегаверсин»**, дедилар (Шайх Болонпурий). Яъни, бу ишни намозга зид деб ёки Аллоҳ таъолонинг хузурида бунга ўхшаш мутакаббирона ҳаракатларни тавозуъга зид деб топиб, манъ этдилар...

٣٨٢ – [حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ عَبْدَةَ الضَّبِّيُّ، حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ، عَنْ مَيْمُونٍ أَبِي حَمْزَةَ: بِهَذَا الإِسْنَادِ: نَحْوَهُ، وَقَالَ: غُلَامٌ لَنَا يُقَالُ لَهُ: رَبَاحٌ].

382. *Аҳмад ибн Абда аз-Зоббий Ҳаммод ибн Зайд орқали Маймун Абу Ҳамзадан шу иснод билан ўтган ҳадисни ўхшаш тарзда бизга баён қилди ва:* **«Рабоҳ деган бир қулимиз»**, деди...

Умму Салама ҳадисининг исноди унча (қувватли) эмас. Айрим илм аҳли, Маймун Абу Ҳамзанинг заиф эканини қайд этган. Намозда пуфламоқ борасида илм аҳли ихтилоф қилдилар. Баъзилар: «Намозда пуфласа, намозини қайтадан ўқийди», деди. Суфён Саврийнинг ва Куфа аҳлининг қавли шудир. Айримлар эса, намозда пуфламоқ макруҳ, борди-ю, пуфласа, намози бузилмайди, деб айтганлар. Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шу.

ИЗОҲ. «Мухтасарул-виқоя» шарҳидан: «Яна «оҳ» демоқ, нола қилмоқ ва шунга ўхшаш нарсалар, «уф» ва «уҳ» кабилар намозни бузади. Ҳар бир нарсаки, хоҳ ундан ҳарф пайдо бўлсин, хоҳ ҳарф пайдо бўлмасин, намозни фосид қилади» *(135-саҳифа)*.

281-БОБ. НАМОЗДА ҚЎЛНИ БЕЛГА ТИРАМОҚДАН ҚАЙТАРУВ

٣٨٣– حَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ، حَدَّثَنَا أَبُو أُسَامَةَ، عَنْ هِشَامِ بْنِ حَسَّانَ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ سِيرِينَ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى أَنْ يُصَلِّيَ الرَّجُلُ مُخْتَصِرًا.

383. *Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам, кишини қўлини белига тираб намоз ўқишдан қайтардилар».**

Бу бобда Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлидан айримлари намозда қўлни белга тирамоқни кариҳ деб топганлар. Ҳадисда ворид бўлган «муҳтасирон» лафзининг маъноси – киши намозда қўлини белининг устига қўймоғидир. Баъзилар эса, киши қўлини белига тираб юрмоғини кариҳ деб қараганлар. Иблис юрганда қўлини белига тираб юриши ривоят қилинади.

282-БОБ. НАМОЗДА СОЧНИ ЭНСАГА (БОШНИНГ ОРҚАСИГА) ТЎПЛАМОҚ МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

٣٨٤- حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ مُوسَى، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ، أخبرنا ابْنُ جُرَيْجٍ، عَنْ عِمْرَانَ بْنِ مُوسَى، عَنْ سَعِيدِ بْنِ أَبِي سَعِيدٍ الْمَقْبُرِيِّ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ أَبِي رَافِعٍ، أَنَّهُ مَرَّ بِالْحَسَنِ بْنِ عَلِيٍّ وَهُوَ يُصَلِّي وَقَدْ عَقَصَ ضَفِيرَتَهُ فِي قَفَاهُ، فَحَلَّهَا، فَالْتَفَتَ إِلَيْهِ الْحَسَنُ مُغْضَبًا، فَقَالَ: أَقْبِلْ عَلَى صَلَاتِكَ، وَلَا تَغْضَبْ؛ فَإِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «ذَلِكَ كِفْلُ الشَّيْطَانِ».

384. *Абу Рофиъдан ривоят қилинади:* **Ҳасан ибн Али сочини тутамлаб энсасига** (бошнинг орқасига) **тўплаган ҳолда намоз ўқиётган эди, Абу Рофиъ унинг олдига келиб, соч тутамини ёйиб юборди. Ҳасан дарғазаб бўлиб унга қараган эди, Абу Рофиъ бундай деди: «Намозингга қара ва ғазабланма. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитдимки: «Бу шайтоннинг думбасидир» дедилар».**

Бу бобда Умму Саллама ва Абдуллоҳ ибн Аббос (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Рофиънинг ҳадиси ҳасан.

Илм аҳлининг амали шу ҳадис асосидадир.

Киши сочини энсасига тўплаб намоз ўқимоғини макруҳ деб топганлар.

Имрон ибн Мусо Макка (шаҳри)дан бўлиб, қурайшийдир; Айюб ибн Мусонинг биродаридир.

ИЗОҲ. «Мухтасарул-виқоя» шарҳидан: «Яна (намозда эркак киши учун) сочни бошнинг атрофига ўрамоқ, ё бошининг ўртасига тўпламоқ, ё жамъ қилиб, ип билан боғлаб, бўйнининг орқасига ташлаб қўймоқ макруҳдир» *(139-саҳифа).*

283-БОБ. НАМОЗДА ХУШУЪ
(Ўзини хор тутиш, шикасталик, Аллоҳдан қўрқув)

٣٨٥- حَدَّثَنَا سُوَيْدُ بْنُ نَصْرٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ الْمُبَارَكِ، أَخبرنا اللَّيْثُ بْنُ سَعْدٍ، أخبرنا عَبْدُ رَبِّهِ بْنُ سَعِيدٍ، عَنْ عِمْرَانَ بْنِ أَبِي أَنَسٍ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ نَافِعِ بْنِ الْعَمْيَاءِ، عَنْ رَبِيعَةَ بْنِ الْحَارِثِ، عَنِ الْفَضْلِ بْنِ عَبَّاسٍ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «الصَّلَاةُ مَثْنَى مَثْنَى، تَشَهَّدُ فِي كُلِّ رَكْعَتَيْنِ، وَتَخَشَّعُ، وَتَضَرَّعُ، وَتَمَسْكَنُ، وَتَذَرَّعُ، وَتُقْنِعُ يَدَيْكَ» يَقُولُ: «تَرْفَعُهُمَا إِلَى رَبِّكَ مُسْتَقْبِلاً بِبُطُونِهِمَا وَجْهَكَ، وَتَقُولُ: يَا رَبِّ يَا رَبِّ، وَمَنْ لَمْ يَفْعَلْ ذَلِكَ فَهُوَ كَذَا وَكَذَا».

385. *Фазл ибн Аббосдан ривоят қилинди; айтди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Намоз икки ракъат-икки ракъатдандир. Ҳар икки ракъатда бир ташаҳҳуд бор. Ва** (намозда) **хушуъ бор, тазарруъ** (ёлвориш) **бор, мискинлик бор! Қўлларингни хорлик-бечоралик билан кўтаргайсан». Айтдиларки: «Панжаларингни тўғри қаратган ҳолда қўлларингни Раббингга кўтаргайсан ва: «Ё Раббим!» – дегайсан..» Кимки ана шундай қилмаса, шундайдир ва шундайдир!..»**

Ибн Муборакдан бошқалар бу ҳадисда: **«Кимки ана шундай қилмаса, бу нуқсондир!»** дейди.

Абу Ийсо деди(лар): Муҳаммад ибн Исмоъийл (ал-Бухорий) дан эшитдим, бундай деди: «Шуъба ушбу ҳадисни Абдуроббиҳ ибн Саъиддан ривоят қилади ва айрим ўринларида хатога йўл қўяди. Масалан, «Абу Анас ибн Унайсдан» дейди; ҳолбуки, у Имрон ибн Абу Анасдир. «Абдуллоҳ ибн ал-Хориждан» дейди, ҳолбуки, бу Абдуллоҳ ибн Нофиъ ибн ал-Амйаънинг Робиъа ибн ал-Ҳорисдан қилган ривоятидир. Шунингдек, Шуъба «Абдуллоҳ ибн ал-Ҳорисдан, Ал-Муттолибдан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан» дейди, ҳолбуки, бу «Робиъа ибн ал-Ҳорис ибн Абдулмуттолибдан, Ал-Фазл ибн Аббосдан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан»дир.

Муҳаммад (ал-Бухорий) айтадики: «Лайс ибн Саъднинг ҳадиси (у саҳиҳдир, яъни) Шуъбанинг ҳадисидан кўра саҳиҳроқдир».

284-БОБ. НАМОЗДА БАРМОҚЛАРНИ БИР-БИРИГА ЧАЛИШТИРИШ МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

٣٨٦- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا اللَّيْثُ، عَنِ ابْنِ عَجْلاَنَ، عَنْ سَعِيدٍ الْمَقْبُرِيِّ، عَنْ رَجُلٍ، عَنْ كَعْبِ بْنِ عُجْرَةَ، أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا تَوَضَّأَ أَحَدُكُمْ فَأَحْسَنَ وُضُوءَهُ، ثُمَّ خَرَجَ عَامِدًا إِلَى الْمَسْجِدِ، فَلاَ يُشَبِّكَنَّ [بَيْنَ] أَصَابِعِهِ، فَإِنَّهُ فِي صَلاَةٍ».

386. *Каъб ибн Ужрадан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Сизлардан бирортангиз чиройли таҳорат олиш билан таҳорат олса, кейин масжидга келмоқ қасди ила** (йўлга) **чиқса, бармоқларини бир-бирига чалиштирмасин. Чунки у намоздадир».**

Каъб ибн Ужранинг ҳадисини Ибн Ажлондан бир қанча кишилар, Лайснинг ривояти сингари ривоят қилдилар. Шурайк, Муҳаммад ибн Ажлондан, унинг отасидан, Абу Ҳурайрадан (розийаллоҳу анҳум), Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан худди шу ҳадисни ўхшаш тарзда ривоят қилди. Шурайкнинг ҳадиси маҳфуз эмас.

ИЗОҲ. Киши таҳорат олиб, масжидга чиққанидан эътиборан намозда ҳисобланади. Шунинг учун бармоқларини бир-бирига чалиштирмоқни макруҳ кўрганлар. Бу ишнинг кароҳати масжиддан қайтгунча давом этади.

285-БОБ. НАМОЗДА ҚИЁМНИ УЗУН ҚИЛМОҚ

٣٨٧- حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ، عَنْ أَبِي الزُّبَيْرِ، عَنْ جَابِرٍ، قَالَ: قِيلَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَيُّ الصَّلاَةِ أَفْضَلُ ؟ قَالَ: «طُولُ الْقُنُوتِ».

387. *Жобирдан ривоят қилинди; айтди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Қайси намоз афзалроқ?» – деб сўралди. Қунути** (қиёми) **узун бўлган намоз», дедилар.**

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Ҳубший ва Анас ибн Моликдан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ййсо деди(лар): Жобирнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Бу ҳадис Жобир ибн Абдуллоҳдан бир қанча важҳлардан ривоят қилинган.

ИЗОҲ. «Ал-қунут» бир неча маънода қўлланади. Нававий, бу ўринда «ал-қунут» сўзидан уламо иттифоқи билан қиём назарда тутилганлигини айтади. Чунончи, Абу Довуд Абдуллоҳ ибн Ҳубшийдан тахриж қилган ҳадисда «қиёми узун бўлган (намоз)» деган жумла ворид бўлган.

Қуръони каримда «қунут» сўзининг маъноси ушбу шаклда келган:

وَقُومُوا لِلَّهِ قَانِتِينَ

Маъноси: **«Аллоҳнинг ҳузурида сидқидилдан бўйин эгган ҳолда** (вақтга ва арконга риоя этиб) **тўлиқ таслимият билан туринглар»** (Бақара сураси, 238-оят).

286-БОБ. РУКУЪ ВА СУЖУДНИ КЎПАЙТИРМОҚ ВА БУНИНГ ФАЗИЛАТИ

٣٨٨- حَدَّثَنَا أَبُو عَمَّارٍ، [حَدَّثَنَا الْوَلِيدُ قَالَ: وحَدَّثَنَا أَبُو مُحَمَّدٍ رَجَاءٌ، قَالَ]: حَدَّثَنَا الْوَلِيدُ بْنُ مُسْلِمٍ، عَنِ الأَوْزَاعِيِّ، [قَالَ]: حَدَّثَنِي الْوَلِيدُ بْنُ هِشَامٍ الْمُعَيْطِيُّ، [قَالَ]: حَدَّثَنِي مَعْدَانُ بْنُ طَلْحَةَ الْيَعْمَرِيُّ، قَالَ: لَقِيتُ ثَوْبَانَ مَوْلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُم عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقُلْتُ لَهُ: دُلَّنِي عَلَى عَمَلٍ يَنْفَعُنِي اللَّهُ بِهِ وَيُدْخِلُنِي الْجَنَّةَ، فَسَكَتَ عَنِّي مَلِيًّا، ثُمَّ الْتَفَتَ إِلَيَّ، فَقَالَ عَلَيْكَ بِالسُّجُودِ؛ فَإِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «مَا مِنْ عَبْدٍ يَسْجُدُ لِلَّهِ سَجْدَةً؛ إِلاَّ رَفَعَهُ اللَّهُ بِهَا دَرَجَةً، وَحَطَّ عَنْهُ بِهَا خَطِيئَةً».

388. *Маъдон ибн Талҳа ал-Йаъмарийдан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мавлоси Савбонни кўриб қолдим ва унга дедимки: «Менга бир амални далолат қилгинки, Аллоҳ у боис мени манфаъатлантирсин ва Аллоҳ мени жаннатга киритсин». У бир оз сукут қилди, кейин менга қараб бундай деди: «Сен саждада бардавом бўл! Чунки мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитдимки, айтдилар: «Қайси бандаки Аллоҳ учун бир сажда қилса, Аллоҳ шу сажда боис унинг мартабасини бир даража кўтаргайдир ва шу сажда боис унинг бир хатосини кечиргайдир».**

٣٨٩ - قَالَ مَعْدَانُ [بْنُ طَلْحَةَ]: فَلَقِيتُ أَبَا الدَّرْدَاءِ فَسَأَلْتُهُ عَمَّا سَأَلْتُ عَنْهُ ثَوْبَانَ، فَقَالَ: عَلَيْكَ بِالسُّجُودِ؛ فَإِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «مَا مِنْ عَبْدٍ يَسْجُدُ لِلَّهِ سَجْدَةً؛ إِلاَّ رَفَعَهُ اللَّهُ بِهَا دَرَجَةً، وَحَطَّ عَنْهُ بِهَا خَطِيئَةً».

389. *Маъдон ибн Талҳа айтади:* **«Абуд-Дардони кўрдим ва Савбондан сўраган нарсамни ундан ҳам сўрадим. Айтдики: «Саждани давомли қил! Чунки Расулуллоҳ салаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитдимки, айтдилар: «Қайси банда Аллоҳ учун бир сажда қилса, Аллоҳ ўша сажда боис, шубҳасиз, унинг мартабасини бир даража кўтаргайдир ва ўша сажда боис бир хатосини кечиргайдир».**

Бу бобда Абу Ҳурайра ва Абу Фотимадан ҳадис ривоят қилинган.

Рукуъ ва сужудни кўпайтирмоқ борасида Савбон ва Абуд-Дардодан ривоят қилинган ҳадис – ҳасан-саҳиҳ. Илм аҳли бу масалада ихтилоф қилганлар. Баъзилар, намозда қиёмни узун қилмоқ – рукуъ ва сужудни кўпайтирмоқдан кўра фазилатли эканини айтса, айримлари эса рукуъ ва сужудни кўпайтирмоқ қиёмни узун қилмоқдан кўра афзалроқ, деган қарорга келган.

Аҳмад ибн Ҳанбал айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бу борада иккита ҳадис ривоят қилинган». Шунга қарамай, унинг ўзи бу борада ҳеч қандай ҳукм билдирмайди.

Исҳоқ бундай дейди: «Кундузги намозларда афзали – рукуъ ва сужудни кўпроқ қилмоқ, кечки намозларда эса қиёмни узун қилмоқдир. Фақат киши ҳар кеча (Қуръондан) бир жузъ хатм қилмоқни одат этган бўлса, бунда рукуъ ва саждани кўпайтирмоғи мен учун севимлироқ. Чунки ҳам бир жузъни хатм қилган бўлади, ҳам рукуъ ва сужудга эришган бўлади». Исҳоқ бу сўзни айтмоғининг бир сабаби шуки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тунги намозлари шу тарзда, қиём узун ҳолатда васф қилинган. Кундузги намозларига келганда, бунинг қиёми худди кечки намозларидек васф қилинган.

287-БОБ. НАМОЗ ПАЙТИДА ИЛОН ВА ЧАЁННИ ЎЛДИРМОҚ

٣٩٠- حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، حَدَّثَنَا إِسْمَعِيلُ ابْنُ عُلَيَّةَ، [وَهُوَ ابْنُ إِبْرَاهِيمَ]، عَنْ عَلِيِّ ابْنِ الْمُبَارَكِ، عَنْ يَحْيَى بْنِ أَبِي كَثِيرٍ، عَنْ ضَمْضَمِ بْنِ جَوْسٍ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ: أَمَرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِقَتْلِ الأَسْوَدَيْنِ فِي الصَّلاَةِ: الْحَيَّةِ، وَالْعَقْرَبِ.

390. *Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз** (пайти)**да икки қора** (нарса)**ни**[63] **– илонни ва чаённи ўлдирмоқни буюрдилар».**

Бу бобда Ибн Аббос ва Абу Рофиъ (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобиъин уламосидан баъзиларининг амали шу ҳадис асосидадир. Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шу. Баъзи илм аҳли намозда илон ва чаённи ўлдирмоқни макруҳ деб топганлар. Иброҳим айтади: «Намозда (намознинг ўзига хос) машғулият бор!». Биринчи қавл саҳиҳроқ.

[63] Асвадайн – икки қора (маҳлуқ). Аммо «асвад» сўзининг ўзи «қора илон» маъносида қўлланади («Ғиёсул-луғот», 1,55-саҳифа).

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

САЖДАИ САҲВ БОБЛАРИ

288-БОБ. САЛОМДАН ОЛДИН САЖДАИ САҲВ ҚИЛМОҚ

٣٩١- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا اللَّيْثُ، عَنِ ابْنِ شِهَابٍ، عَنِ الأَعْرَجِ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بُحَيْنَةَ الأَسَدِيِّ حَلِيفِ بَنِي عَبْدِ الْمُطَّلِبِ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَامَ فِي صَلاَةِ الظُّهْرِ، وَعَلَيْهِ جُلُوسٌ، فَلَمَّا أَتَمَّ صَلاَتَهُ سَجَدَ سَجْدَتَيْنِ يُكَبِّرُ فِي كُلِّ سَجْدَةٍ وَهُوَ جَالِسٌ قَبْلَ أَنْ يُسَلِّمَ، وَسَجَدَهُمَا النَّاسُ مَعَهُ مَكَانَ مَا نَسِيَ مِنَ الْجُلُوسِ.

391. *Бани Абдул-Муттолиб иттифоқдоши – Асд қабиласига мансуб Абдуллоҳ ибн Буҳайнадан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам пешин намозида** (ташаҳҳудга) **ўтиришлари лозим бўлган ҳолда** (ўтирмасдан) **туриб кетдилар. Намозни тамом қилгач, салом беришдан олдин ўтирган жойларида икки марта саждаи саҳв қилдилар, ҳар бир саждада учун такбир айтдилар. Одамлар ҳам унутилган ташаҳҳуд эвазига у киши билан бирга икки саждада қилдилар».**

Бу бобда Абдурраҳмон ибн Авфдан ҳадис ривоят қилинган. Муҳаммад ибн Башшор бизга Абдул-Аъло ва Абу Довуддан, Ҳишомдан, Яҳё ибн Абу Касирдан, Муҳаммад ибн Иброҳимдан нақл этиб, баён қилди: **«Абу Ҳурайра ва Ас-Соиб ал-Қорий саждаи саҳвни саломдан олдин қилишар эди»**.

Абу Ийсо (ат-Термизий) деди(лар): Ибн Буҳайнанинг ҳадиси ҳасан.

Айрим илм аҳлининг амали шу ҳадис асосидадир. Шофиъийнинг қавли шу. Саждаи саҳвни саломдан олдин қилмоқни маъқул кўради ва бундай дейди: «Бу ҳадис бошқа ҳадиснинг ҳукмини насх этувчи (бекор қилувчи)дир».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг охирги феъллари шу ҳадисга мос экани зикр қилинади. Аҳмад билан Исҳоқ айтади:

«Киши иккинчи ракъатда (ўтирмай) туриб кетса, Ибн Буҳайнанинг ҳадисига кўра, саждаи саҳвни саломдан олдин қилади».

Абдуллоҳ ибн Буҳайнанинг отасининг исми Молик. Буҳайна эса унинг онаси бўлади. Буни Исҳоқ ибн Мансур менга шу тарзда маълум қилди.

«Илм аҳли саждаи саҳв саломдан олдинми, саломдан кейинми?» деган масалада ихтилоф қилдилар. Баъзилар саждаи саҳв саломдан кейин, деган фикрдадир. Суфён Саврий ва Куфа аҳлининг қавли шудир. Айримлари эса, саждаи саҳв саломдан олдин, деб қарор қилади.Яҳё ибн Саъид, Робиъа ва бошқалар каби мадиналик фақиҳларнинг қавли шудир. Шофиъий бу қавлни маъқуллаган. Баъзилари эса бундай дейди: «Саждаи саҳв сабаби намозда зиёдалик бўлса, саломдан кейин, камлик ўтган бўлса, саломдан олдин қилинади». Молик ибн Анаснинг қавли шу. Аҳмад айтади: «Саждаи саҳв борасида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган ҳар бир ҳадис ўз жиҳати (хусусияти) асосида қамралади. Ибн Буҳайнанинг ҳадисига қараганда, икки ракъатда (ўтирмасдан) туриб кетса, саждаи саҳвни саломдан олдин қилади. Агар пешин намозини беш ракъат ўқиб қўйса, саждаи саҳвни саломдан кейин қилади. Пешин ва аср намозларида икки ракъатда салом бериб қўйса, саждаи саҳвни саломдан кейин қилади. (Шу йўсин) ҳар бир ҳадис ўз важҳи (жиҳати) асосида қамралади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам томонидан зикр қилинган ҳар қандай саҳвда саждаи саҳв саломдан олдиндир».

Исҳоқ ҳам бу ўринларда тамоман Аҳмаднинг қавлидек сўзлайди ва фақатгина қуйидагича фарқ қилади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам томонидан зикр қилинмаган ҳар қандай саҳвда саждаи саҳвнинг сабаби намозда зиёдалик бўлса, саломдан кейин; камлик бўлса, саломдан олдин сажда қилинади.

ИЗОҲ. Намозхонга саждаи саҳв вожиб бўлса, қаъдаи охирда: «Аттаҳиййот» ўқиганидан кейин фақат ўнг томонга бир салом беради, шундан сўнгра саҳв учун сажда қилади. Сўнг бошдан «Аттаҳиййот»ни, салавот ва дуони ўқиб, икки томонига салом беради. Саждаи саҳвни вожиб қиладиган сабаблар бештадир: 1) рукн такрори – намоздаги рукнлардан бирини такрорлаб қўйиш; 2) рукн тақдими – бирор рукнни олдинроқ бажариб қўйиш; 3) рукн таъхири – бирор рукнни кечроқ бажариш; 4) тағйири вожиб – бирор вожиб амални ўзгартириш; 5) тарки вожиб – вожиб амалдан бирортасини тарк этиш. Намозхон унутиб, ана шу хатолардан бирини содир этиб қўйса, бундай ҳолда унга саждаи саҳв қилмоқ вожиб бўлади. *(Ҳожи Аҳмаджон Маҳдум раҳматуллоҳи алайҳнинг «Рисолаи сужуди саҳв» китобидан).*

289-БОБ. САЛОМДАН ВА КАЛОМДАН КЕЙИНГИ САЖДАИ САҲВ

٣٩٢- حَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ مَنْصُورٍ، أَخبرنا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ، حَدَّثَنَا شُعْبَةُ، عَنِ الْحَكَمِ، عَنْ إِبْرَاهِيمَ، عَنْ عَلْقَمَةَ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ [بْنِ مَسْعُودٍ]: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَّى الظُّهْرَ خَمْسًا، فَقِيلَ لَهُ: أَزِيدَ فِي الصَّلَاةِ ؟ فَسَجَدَ سَجْدَتَيْنِ بَعْدَ مَا سَلَّمَ.

392. *Абдуллоҳ ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам** (имоматда) **пешин намозини беш ракъат ўқиб қўйдилар. У кишига айтилдики:** («Ё Расулаллоҳ!) **Намоз зиёда қилиндими** (ёки унутдингизми)**?» Шунда салом берганларидан кейин икки сажда қилдилар».**

Абу Йисо (ат-Термизий) деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

٣٩٣- حَدَّثَنَا هَنَّادٌ وَمَحْمُودُ بْنُ غَيْلَانَ، قَالَا: حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ، عَنِ الْأَعْمَشِ، عَنْ إِبْرَاهِيمَ، عَنْ عَلْقَمَةَ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سَجَدَ سَجْدَتَيِ السَّهْوِ بَعْدَ الْكَلَامِ.

393. *Абдуллоҳдан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам каломдан** (сўзлашувдан) **кейин саждаи саҳв қилдилар».**

Бу бобда Муъовия, Абдуллоҳ ибн Жаъфар ва Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинди.

٣٩٤- حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا هُشَيْمٌ، عَنْ هِشَامِ بْنِ حَسَّانَ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ سِيرِينَ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سَجَدَهُمَا بَعْدَ السَّلَامِ.

394. *Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам саждаи саҳвни саломдан кейин қилдилар».**

Абу Йисо (ат-Термизий) деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Айюб ва бир қанча кишилар бу ҳадисни Ибн Сийрийндан ривоят қилган.

Абу Йисо деди(лар): Абдуллоҳ ибн Масъуднинг ҳадиси ҳам ҳасан-саҳиҳ.

Баъзи илм аҳли наздида амал шу ҳадис асосидадир. Айтдиларки: киши пешин намозини беш (ракъат) ўқиб қўйса, тўртинчи ракъатда ўтирмаган бўлса ҳам, намози жоиз бўлиб, саждаи саҳв қилади. Бу Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавлидир. Баъзиларнинг фикрича,

пешин намозини беш (ракъат) ўқиб қўйса-ю, тўртинчи ракъатда ташаҳҳуд миқдорида ўтирмаса, намози фосиддир. Бу Суфён Саврийнинг ва айрим Куфа аҳлининг қавлидир.

ИЗОҲ. Исломнинг аввалги даврида саломдан ва каломдан кейин саждаи саҳв қилиш жоиз бўлган, кейинчалик фиқҳда шундай тўхтамга келинганки, намозхон «Аттаҳиййот»ни ўқиб, ўнг томонига бир салом бергач, саҳви учун икки сажда қилади, сўнг қайтадан «Аттиҳиййот»ни ўқийди, салолвот ва дуони ҳам ўқиб, икки томонига салом бериб, намоздан чиқади *(«Рисолаи сужуди саҳв»)*.

290-БОБ. САЖДАИ САҲВДА ТАШАҲҲУД

٣٩٥- حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ يَحْيَى النَّيْسَابُورِيُّ، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ الْأَنْصَارِيُّ [قَالَ]: أَخْبَرَنِي أَشْعَثُ، عَنِ ابْنِ سِيرِينَ، عَنْ خَالِدٍ الْحَذَّاءِ، عَنْ أَبِي قِلَابَةَ، عَنْ أَبِي الْمُهَلَّبِ، عَنْ عِمْرَانَ ابْنِ حُصَيْنٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَّى بِهِمْ فَسَهَا فَسَجَدَ سَجْدَتَيْنِ، ثُمَّ تَشَهَّدَ، ثُمَّ سَلَّمَ.

395. *Имрон ибн Ҳусайндан ривоят қилинади:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам жамоатга намоз ўқиб бердилар-да, саҳв қилдилар. Бас, икки сажда қилдилар, кейин ташаҳудга ўтирдилар, кейин салом бердилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

(Муҳаммад) Ибн Сийрийн Абу Қилобанинг амакиси бўлмиш Абул-Муҳаллабдан бошқа ҳадис ҳам ривоят қилган. Муҳаммад бу ҳадисни Холид ал-Ҳаззоъдан, Абу Қилобадан, Абул-Муҳаллабдан ривоят қилган.

Абул-Муҳаллабнинг исми – Абдурраҳмон ибн Амр бўлиб, уни Муъовия ибн Амр ҳам дейишади.

Абдулваҳҳоб ас-Сақафий, Ҳушайм ва тағин бошқалар бу ҳадисни Ҳолид ал-Ҳаззоъдан, Абу Қилобадан узун ҳолида (бор матни билан) ривоят қиладилар. Ушбу ҳам Имрон ибн Ҳусайннинг ҳадисидир: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аср намозида учинчи ракъатда салом бериб қўйдилар. Ал-Хирбақ исмли бир киши турди...»**

Илм аҳли саждаи саҳвнинг ташаҳҳуди масаласида ихтилоф қилдилар. Баъзиси, саждаи саҳвда ташаҳҳудни ўқийди ва салом беради, деди. Баъзиси эса: «Саждаи саҳвда ташаҳҳуд ва салом йўқ, саждаи саҳвни саломдан олдин қилса, ташаҳҳуд ўқилмайди», деди. Ушбу Аҳмад ва Исҳоқнинг қавлидир: «Саломдан олдин саждаи саҳв қилса, ташаҳҳуд ўқилмайди», дейдилар.

291-БОБ. ОРТИҚ ЁКИ КАМ ЎҚИГАНИГА ШУБҲА ҚИЛГАН КИШИ

٣٩٦- حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا إِسْمَعِيلُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ، حَدَّثَنَا هِشَامٌ الدَّسْتُوَائِيُّ، عَنْ يَحْيَى بْنِ أَبِي كَثِيرٍ، عَنْ عِيَاضٍ [يَعْنِي] ابْنَ هِلَالٍ، قَالَ: قُلْتُ لأَبِي سَعِيدٍ: أَحَدُنَا يُصَلِّي فَلاَ يَدْرِي كَيْفَ صَلَّى؟ فَقَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**إِذَا صَلَّى أَحَدُكُمْ فَلَمْ يَدْرِ كَيْفَ صَلَّى؛ فَلْيَسْجُدْ سَجْدَتَيْنِ وَهُوَ جَالِسٌ**».

396. *Йёз ибн Ҳилолдан ривоят қилинди:* **«Абу Саъидга: «Баъзиларимиз намоз ўқиймиз-у, қандай** (қанча) **ўқиганимизни билмай қоламиз?» дедим. Шунда айтдики: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Сизлардан бирортангиз намоз ўқиса-ю, қандай** (яъни қанча) **ўқиганини билмаса, ўтирган ҳолида икки сажда қилсин».**

Бу бобда Усмон, Ибн Маъуд, Оиша ва Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ййсо деди(лар): Абу Саъиднинг ҳадиси ҳасан. Бу ҳадис Абу Саъиддан бошқа важҳдан ҳам ривоят қилинган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деб айтганлари ривоят қилинди: **«Сизлардан бирортангиз бир ракъат билан икки ракъат ўртасида шубҳага борса, буни бир ракъат деб ҳисобласин; икки ракъат билан уч ракъат ўртасида шубҳага борса, буни икки ракъат деб ҳисобласин. Ва бундай ҳолларда салом бермасдан олдин сажда қилсин».**

Биродарларимизнинг амали шу ҳадис асосидадир.

Илм аҳлларидан баъзилари бундай дедилар: **«Намозида шубҳага борса ва неча ракъат ўқиганини билмаса, намозини қайта ўқисин».**

ИЗОҲ. Яъни, шубҳани тарк этиб, чамалаган миқдори устидан (ўқишда) давом этсин ва кейин саломдан олдин икки сажда қилсин.

Муслим ва бошқа имомларнинг ривоятида Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтадилар:

«Сизлардан бирортангиз намозида шубҳа қилса, неча ракъат – уч ракъатми, тўрт ракъатми ўқиганини билмаса, шубҳани тарк этсин ва чамалаган миқдори устидан адо этсин. Кейин салом бермасдан олдин икки сажда қилсин».

٣٩٧- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا اللَّيْثُ، عَنِ ابْنِ شِهَابٍ، عَنْ أَبِي سَلَمَةَ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**إِنَّ الشَّيْطَانَ يَأْتِي أَحَدَكُمْ فِي صَلاَتِهِ فَيَلْبِسُ عَلَيْهِ حَتَّى لاَ يَدْرِيَ كَمْ صَلَّى، فَإِذَا وَجَدَ ذَلِكَ أَحَدُكُمْ؛ فَلْيَسْجُدْ سَجْدَتَيْنِ وَهُوَ جَالِسٌ**».

397. *Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Албатта, шайтон намоз пайтида ҳар бирингизга келади ва неча ракъат ўқиганини билмасин, деб фикрини чалғитади. Сизлардан бирортангиз шу ҳолга тушса, ўтирган ҳолатда икки сажда қилсин».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

٣٩٨- حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ خَالِدِ بْنِ عُثْمَةَ [الْبَصْرِيُّ]، حَدَّثَنَا إِبْرَاهِيمُ ابْنُ سَعْدٍ، قَالَ: حَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ إِسْحَقَ، عَنْ مَكْحُولٍ، عَنْ كُرَيْبٍ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ عَوْفٍ، قَالَ: سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «إِذَا سَهَا أَحَدُكُمْ فِي صَلَاتِهِ فَلَمْ يَدْرِ وَاحِدَةً صَلَّى أَوِ ثِنْتَيْنِ؛ فَلْيَبْنِ عَلَى وَاحِدَةٍ، فَإِنْ لَمْ يَدْرِ ثِنْتَيْنِ صَلَّى أَوْ ثَلَاثًا؛ فَلْيَبْنِ عَلَى ثِنْتَيْنِ، فَإِنْ لَمْ يَدْرِ ثَلَاثًا صَلَّى أَوْ أَرْبَعًا؛ فَلْيَبْنِ عَلَى ثَلَاثٍ، وَلْيَسْجُدْ سَجْدَتَيْنِ قَبْلَ أَنْ يُسَلِّمَ».

398. *Абдурраҳмон ибн Авф (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бундай деганларини эшитдим: **«Сизлардан бирортангиз намозда саҳв қилса ва бир ракъатми ёки икки ракъатми ўқиганини билмаса, унда бир ракъат устида тўхталсин** (яъни, бир ракъат деб ҳисобласин)**; борди-ю, икки ракъатми ёки уч ракъат ўқиганини билмай қолса, унда икки ракъат устида тўхталсин; борди-ю уч ракъатми ёки тўрт ракъат ўқиганини билмаса, унда уч ракъат устида тўхталсин ва салом беришдан олдин икки сажда қилсин»**.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ. Абдурраҳмон ибн Авфдан бошқа важҳдан ҳам ривоят қилинган.

Аз-Зуҳрий бу ҳадисни Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утбаъдан, Ибн Аббосдан, Абдурраҳмон ибн Авфдан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилди.

ИЗОҲ. Яъни, охирги ташаҳҳудга ўтирганида саломдан олдин икки сажда қилиб, салом беради. Чунончи Абу Довуд ва Ибн Можанинг ривоятларидан «саломдан олдин» дейилади.

Илова: Ҳанафий мазҳабида «ат-таҳийот»ни «ва Расулулуҳ»гача ўқигач, бир марта ўнг томонгна салом беради, сўнг саждаи саҳв (икки сажда) қилиб, қайтадан «ат-таҳийот»ни, сўнг салавотни ва дуони ўқийди, кейин икки томонга салом бериб, намоздан чиқади.

292-БОБ. ПЕШИН ВА АСР НАМОЗЛАРИДА ИККИ РАКЪАТДА САЛОМ БЕРИБ ҚЎЙГАН КИШИ

٣٩٩- حَدَّثَنَا الأَنْصَارِيُّ، حَدَّثَنَا مَعْنٌ، حَدَّثَنَا مَالِكٌ، عَنْ أَيُّوبَ بْنِ أَبِي تَمِيمَةَ، وَهُوَ[أَيُّوبُ] السَّخْتِيَانِيُّ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ سِيرِينَ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ انْصَرَفَ مِنِ اثْنَتَيْنِ، فَقَالَ لَهُ ذُو الْيَدَيْنِ أَقُصِرَتِ الصَّلاَةُ أَمْ نَسِيتَ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَصَدَقَ ذُو الْيَدَيْنِ»، فَقَالَ النَّاسُ: نَعَمْ، فَقَامَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَصَلَّى اثْنَتَيْنِ أُخْرَيَيْنِ، ثُمَّ سَلَّمَ، ثُمَّ كَبَّرَ، فَسَجَدَ مِثْلَ سُجُودِهِ، أَوْ أَطْوَلَ، ثُمَّ كَبَّرَ فَرَفَعَ، ثُمَّ سَجَدَ مِثْلَ سُجُودِهِ، أَوْ أَطْوَلَ.

399. *Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки ракъат ўқиб, тамом қилдилар. Шунда Зул-Йадайн у кишига: «Намоз қисқардими ёки унутдингизми, Ё Расулаллоҳ?» – деди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Зул-Йадайн рост аймоқдами?» – дедилар. Одамлар: «Ҳа», дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўринларидан туриб, яна бошқа икки ракъат намоз ўқидилар. Кейин салом бердилар. Кейин такбир айтиб, одатдагидек ёки ундан узунроқ бир сажда қилдилар, кейин яна такбир айтиб саждадан кўтарилдилар ва яна одатдагидек ёки ундан ҳам узунроқ бир сажда қилдилар».**

Бу бобда Имрон Ибн Ҳусайн, Ибн Умар ва Зул-Йадайн (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси ҳасан саҳиҳ.

Илм аҳллари бу ҳадис устида ихтилоф қилдилар. Куфа аҳлидан баъзилари: «Унутиб ёки билмасдан ёки ҳар қандай йўсинда намозда сўзлашса, намозни қайтадан ўқийди», дейдилар. Ва бу ҳадис намозда калом (сўзлашув) ҳаром қилинганидан олдин (воқеъ) бўлганини далил қиладилар. Шофиъийга келсак, у буни саҳиҳ деб қараган ва қабул қилган. Айтадики, «Бу ҳадис, унутиб таъом еб қўйган рўзадор киши ҳақида Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган хадисдан кўра саҳиҳроқ. У рўзасини қазо қилмайди (қайта тутмайди). Чунки, у Аллоҳ унга эҳсон этган бир ризқдан иборатдир». Ва Шофиъий бундай дейди: «Ана улар Абу Ҳурайранинг ҳадиси билан, рўзадор одамнинг билиб туриб таъом ейиши ва унутиб таъом ейиш орасида ажрим қилганлар».

Имоми Аҳмад Абу Ҳурайранинг бу ҳадиси борасида айтади: «Имом намозини тамом қилдим деган қаноатга бориб, намози билан боғлиқ ҳар қандай бир хусусда сўзлашса, кейин намозни тугатмаганини билиб қолса, намозини ўқиб битиради. Ва кимки намозини

тамом қилмаганини билгани ҳолда имомнинг орқасида сўзласа, у киши намозини қайтадан ўқимоғи керак». Ва сўзини бундай исбот этади: **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаётлари давомида фарзлар кўпайтирилар ва озайтирилар эди. Зул-Йадайн намоз тугалланган деган яқийн билан ҳукм қилиб, сўзлаган эди. Бу ҳукм ундай эмас. Бу кун ҳеч ким Зул-Йадайн сўзлаган маънода сўзлай олмайди, чунки фарзлар энди на орттирилади, на камайтирилади».**

Имоми Аҳмад тақрибан шундай дейди. Исҳоқ ҳам Имоми Аҳмаднинг ушбу бобдаги қавли каби сўз айтади.

293-БОБ. ПОЙАБЗАЛ БИЛАН НАМОЗ ЎҚИМОҚ

٤٠٠ – حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، حَدَّثَنَا إِسْمَعِيلُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ يَزِيدَ أَبِي مَسْلَمَةَ، قَالَ: قُلْتُ لأَنَسِ بْنِ مَالِكٍ: أَكَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي فِي نَعْلَيْهِ ؟ قَالَ: نَعَمْ.

400. *Саъид ибн Язид Абу Масламадан ривоят қилинди; айтди:* **«Анас ибн Моликдан: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам пойабзалда намоз ўқиганмидилар?» деб сўрадим. «Ҳа» деди».**

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абдуллоҳ ибн Абу Ҳабиба, Абдуллоҳ ибн Амр, Амр Ибн Ҳурайс, Шаддод ибн Авс, Авс ас-Сақофий, Абу Ҳурайра ва Бани Шайбадан бўлмиш Ато (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Анаснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Ва илм аҳлининг амали шу ҳадис асосидадир.

ИЗОҲ. Пойабзалда намоз ўқиш учун пойабзалга нажосат тегмаган бўлиши шарт. Ибн Дақиқ ал-Ийд, пойабзални ечмасдан намоз ўқиш мустаҳаб бўлмаган бир рухсат эканини айтади.

294-БОБ. БОМДОД НАМОЗИДА ҚУНУТ ЎҚИМОҚ

٤٠١ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ وَمُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى، قَالاَ: حَدَّثَنَا [غُنْدَرٌ] مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ، عَنْ شُعْبَةَ، عَنْ عَمْرِو بْنِ مُرَّةَ، عَنْ [عَبْدِ الرَّحْمَنِ] بْنِ أَبِي لَيْلَى، عَنِ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَقْنُتُ فِي صَلاَةِ الصُّبْحِ وَالْمَغْرِبِ.

401. *Ал-Баро ибн Озиб (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдод ва шом намозларида қунут ўқир эдилар».**

Бу бобда Али, Анас, Абу Ҳурайра, Ибн Аббос, Хуфоф ибн Аймо ибн Раҳза ал-Ғифорий (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ал-Баронинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳллари, бомдод намозида қунут ўқимоқ борасида ихтилоф қилдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан баъзи илм аҳллари, бомдод намозида қунут қилинади, деган фикрга эга бўлишган. Имом Шофиъийнинг қавли ҳам шу.

Имом Аҳмад билан Исҳоқ бундай дейишади: «Бомдод намозида фақатгина мусулмонларнинг бошига бало ва меҳнат тушган маҳалларда қунут ўқилади. Имом, бирор кулфат тушган пайтда мусулмонларнинг лашкари ҳақига дуо қилиши мумкин».

ИЗОҲ. Ҳанафий мазҳабида эса бомдодда қунут ўқилмайди, балки фақат витрнинг учинчи ракъатида ўқилади. Бомдод намозида қунут дуосини ўқиш Имом Шофиъий мазҳабидадир. Уни бомдодда ўқилади деганлар иккинчи ракъатда «Самиъаллоҳу ли ман ҳамидаҳ» деб рукуъдан кўтарилганидан кейин ўқийдилар. Ханафий мазҳабидаги намозхон шофиъий мазҳабидаги имомга эргашиб қолса, имом қунут ўқиётганда сукут қилади.

295-БОБ. (БОМДОДДА) ҚУНУТ ЎҚИМАСЛИК

٤٠٢ – **حَدَّثَنَا** أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ هَارُونَ، عَنْ أَبِي مَالِكٍ الأَشْجَعِيِّ، قَالَ: قُلْتُ لأَبِي: يَا أَبَهْ[٢]، إِنَّكَ قَدْ صَلَّيْتَ خَلْفَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَأَبِي بَكْرٍ، وَعُمَرَ، وَعُثْمَانَ، وَعَلِيٍّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ هَا هُنَا بِالْكُوفَةِ نَحْوًا مِنْ خَمْسِ سِنِينَ، أَكَانُوا يَقْنُتُونَ ؟ قَالَ: أَيْ بُنَيَّ؛ مُحْدَثٌ.

402. *Абу Молик ал-Ашжаийдан ривоят қилинди; айтди:* **«Отамга дедимки: «Эй отажон! Сиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларида, Абу Бакр, Умар ва Усмоннинг орқаларида, бу ерда – Куфада Али ибн Абу Толибнинг орқаларида беш йилча намоз ўқигансиз. Улар бомдод намозида қунут ўқир эдиларми?». Айтдиларки: «Эй ўғлим!** (Бу) **бидъатдир!».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳли кўпчилигининг амали шу ҳадис асосидадир. Суфён Саврий: «Бомдод намозида қунут ўқиса ҳам яхши, ўқимаса ҳам яхши» дейди, аммо ўқимасликни ихтиёр этади. Ибн Муборак эса бомдодда қунут ўқилмайди, деган тўхтамдадир.

Абу Молик ал-Ашжаъийнинг исми – Саъд ибн Ториқ ибн Ашйам.

٤٠٣ - حَدَّثَنَا صَالِحُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ، حَدَّثَنَا أَبُو عَوَانَةَ، عَنْ أَبِي مَالِكٍ الأَشْجَعِيِّ بِهَذَا الإِسْنَادِ: نَحْوَهُ بِمَعْنَاهُ.

403. *Солиҳ ибн Абдуллоҳ, Абу Авона орқали Абу Молик ал-Ашжаийдан шу иснод билан айни шу ҳадисни маъноси ила баён қилди...*

296-БОБ. НАМОЗДА АКСИРГАН КИШИ

٤٠٤ - حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا رِفَاعَةُ بْنُ يَحْيَى بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ رِفَاعَةَ بْنِ رَافِعٍ الزُّرَقِيُّ، عَنْ عَمِّ أَبِيهِ مُعَاذِ بْنِ رِفَاعَةَ، عَنْ أَبِيهِ قَالَ: صَلَّيْتُ خَلْفَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَعَطَسْتُ، فَقُلْتُ: الْحَمْدُ لِلَّهِ حَمْدًا كَثِيرًا طَيِّبًا مُبَارَكًا فِيهِ مُبَارَكًا عَلَيْهِ كَمَا يُحِبُّ رَبُّنَا وَيَرْضَى، فَلَمَّا صَلَّى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ انْصَرَفَ، فَقَالَ: «**مَنِ الْمُتَكَلِّمُ فِي الصَّلَاةِ ؟**» فَلَمْ يَتَكَلَّمْ أَحَدٌ، ثُمَّ قَالَهَا الثَّانِيَةَ: «**مَنِ الْمُتَكَلِّمُ فِي الصَّلَاةِ ؟**» فَلَمْ يَتَكَلَّمْ أَحَدٌ، ثُمَّ قَالَهَا الثَّالِثَةَ: «**مَنِ الْمُتَكَلِّمُ فِي الصَّلَاةِ ؟**»، فَقَالَ رِفَاعَةُ بْنُ رَافِعِ بْنُ عَفْرَاءَ: أَنَا يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: «**كَيْفَ قُلْتَ؟**» قَالَ: قُلْتُ: الْحَمْدُ لِلَّهِ حَمْدًا كَثِيرًا طَيِّبًا مُبَارَكًا فِيهِ مُبَارَكًا عَلَيْهِ كَمَا يُحِبُّ رَبُّنَا وَيَرْضَى، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَقَدِ ابْتَدَرَهَا بِضْعَةٌ وَثَلَاثُونَ مَلَكًا أَيُّهُمْ يَصْعَدُ بِهَا**».

404. *Рифоъа ибн Рофиъ (ал-Анбарий розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларида намоз ўқидим. Аксирдим ва шунда: «Алҳамдулиллаҳи ҳамдан касийрон тоййибан муборакан фийҳи муборакан ъалайҳи кама йуҳиббу Роббуна ва йарзо»** («Ўзи севган ва Ўзи рози бўлган шаклда Раббимиз Аллоҳга ҳисобсиз, гўзал, ичда ва ташда муборак ҳамд бўлсин!»), **дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозни ўқиб бўлдилар ва ўгирилиб: «Намозда сўзлаган ким эди?» дедилар. Ҳеч ким садо чиқармади. Кейин иккинчи марта: «Намозда сўзлаган ким эди?» дедилар. Яна ҳеч ким миқ этмади. Кейин учинчи марта: «Намозда сўзлаган ким эди?» дедилар. Шунда Рифоъа ибн Рофиъ ибн Афроъ «Мен эдим, Ё Расулаллоҳ!..» деди. «Нима деб айтдинг?» дедилар. «Алҳамдулиллаҳи ҳамдан касийрон тоййибан муборакан фийҳи, муборакан ъалайҳи кама йуҳиббу Роббуна ва йарзо», деб айтдим», деди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Жоним қудрати қўлида бўлган Зотга қасамки, ўттизтача фаришта, бу** (ҳамд) **ни қайси биримиз олиб юксалиб чиқар эканмиз, деб шошиб қолди».**

Бу бобда Анас, Воил ибн Ҳужр ва Омир ибн Робиъа (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Рифоъанинг ҳадиси ҳасан.

Баъзи илм аҳлининг фикрича, бу ҳадис нафл намозлари ҳақидадир. Зеро, тобиъийнлардан кўпгина кишилар бундай дейдилар: **«Киши фарз намозида аксирса, фақат ичида Аллоҳга ҳамд айтади».** Бундан ортиғига рухсат бермаганлар.

297-БОБ. НАМОЗДА ГАПЛАШИШНИНГ МАНЪ ЭТИЛИШИ

٤٠٥ – حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا هُشَيْمٌ، أخبرنا إِسْمَعِيلُ بْنُ أَبِي خَالِدٍ، عَنِ الْحَارِثِ ابْنِ شُبَيْلٍ[٦]، عَنْ أَبِي عَمْرٍو الشَّيْبَانِيِّ، عَنْ زَيْدِ بْنِ أَرْقَمَ، قَالَ: كُنَّا نَتَكَلَّمُ خَلْفَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الصَّلَاةِ، يُكَلِّمُ الرَّجُلُ مِنَّا صَاحِبَهُ إِلَى جَنْبِهِ حَتَّى نَزَلَتْ: ﴿وَقُومُوا لِلَّهِ قَانِتِينَ﴾ فَأُمِرْنَا بِالسُّكُوتِ، وَنُهِينَا عَنِ الْكَلَامِ.

405. *Зайд ибн Арқам (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Бизлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларида намоз пайтида сўзлашар эдик. Орамиздан бирортаси ёнидаги шериги билан гаплашаверар эди. Ниҳоят: *«Аллоҳнинг ҳузурида чин дилдан бўйин эгган ҳолда (вақтга ва арконга риоя этиб) тўлиқ таслимият билан турингизлар»* деган оят нозил бўлди.[64] Ана шунда биз жим туришга буюрилдик ва** (намозда) **гаплашишдан қайтарилдик».**

Бу бобда Ибн Масъуд ва Муъовия ибн ал-Ҳакимдан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Зайд ибн Арқамнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳллари кўпчилигининг амали шу ҳадис асосидадир. Айтдиларки: «Киши намозда қасдан ёки унутган ҳолда сўзласа, намозни қайта ўқийди». Суфён Саврий ва Ибн Муборакнинг қавли шудир. Айримлари эса бундай дейди: «Намозда қасдан сўзласа, намозни қайта ўқийди. Унутган ҳолда ёки билмасдан сўзласа, намози жоиздир». Имом Шофиъий шу қавлга эга бўлган.

ШАРҲ. «Намозда сўзламоқ, хоҳ оз бўлсин, хоҳ кўп, хоҳ қасддан, хоҳ хатоан бўлсин, намозни фосид қилур» *(«Шарҳи Мухтасари Виқоя»).*

Ҳазрат Зайд ибн Арқам розийаллоҳу анҳу айтадилар: **«Ушбу оят нозил бўлганида биз намозда гаплашишдан тўхтатилдик ва жим туришга буюрилдик».**

Хуллас, «аввалги даврда намозхон намозда гаплашарди» деган ҳадислар ҳадисдир ва китобларда мавжуддир, лекин бу суннат эмасдир.

[64] «Ал-Бақара» сураси, 238-оят. Бу оят мусулмонларга намозда ибодатдан бошқа нарса билан машғул бўлмоқни манъ этди.

Бироқ «аҳли ҳадис» деган тоифалар унга амал қилади. Ҳарами шарифда шу манзарани кўрасизки, баъзи биродаримиз намоз ўқиётган бўлади, унинг телефони жиринглаб қолади, у чўнтагидан телефонини олиб, тугмасини босиб, рақамини кўради, сўнг:

«إنا في الصلوة»

Яъни: «Мен намоздаман», дейди-да, телефонини чўнтагига солиб, намозини ўқийверади. Агар сиз унга бир нарса десангиз, у ҳадисни пеш қилиб: «Саҳобалар ҳам намозда гаплашардилар, мен нега гаплашмайман?» – дейди.

Хуллас, бундай ҳадислар мансух бўлгандир, лекин ҳадис китобларида мавжуддир, у суннат эмасдир, кейинги келган ҳукм суннатдир, мусулмонлар кейинги ҳукмга амал қиладилар.

Кейинги ҳукм нима? Бу ҳазрат Муовия ибн Ҳакам Суламий розийаллоҳу анҳу ҳадисларидир. У киши янги мусулмон бўлган эдилар ва Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан намоз ўқиётган эдилар. Намозда бир киши акса урди, у киши «Алҳамдулиллоҳ» демаса ҳам, ҳазрат Муовия: «Йарҳамукаллоҳ», дедилар. У киши билан бирга турганлар сонларига урдилар (яъни, намозда гап гапирманг демоқчи бўлдилар), у кишининг аччиқлари келиб: «Мен уни дуо қиляпман-у, сенлар эса мени тўхтатяпсан», дедилар. Намоз тугагач, севикли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам у кишини чақириб айтдиларки:

إن هذه الصلوة لا يصلح فيها شيء من كلام الناس إنما هي
التسبيح والتكبير والتحميد وقراءة القرآن

Яъни: **«Намозда инсонлар гапини сўзламоққа қатъиян рухсат йўқ. Намоз Қуръон қироъатидир, тасбиҳдир, такбирдир ва таҳмиддир** (яъни, шуларнинг номидир)», дедилар. Бас, шу суннатдир, гап гапириш ҳадислари суннат эмас, чунки у мансухдир.

298-БОБ. ТАВБАДАН ОЛДИН НАМОЗ ЎҚИМОҚ

٤٠٦ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا أَبُو عَوَانَةَ، عَنْ عُثْمَانَ بْنِ الْمُغِيرَةِ، عَنْ عَلِيِّ بْنِ رَبِيعَةَ[٧]، عَنْ أَسْمَاءَ بْنِ الْحَكَمِ الْفَزَارِيِّ[٨]، قَالَ: سَمِعْتُ عَلِيًّا يَقُولُ: إِنِّي كُنْتُ رَجُلاً[٩] إِذَا سَمِعْتُ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَدِيثًا، نَفَعَنِي اللَّهُ مِنْهُ بِمَا شَاءَ أَنْ يَنْفَعَنِي بِهِ[١٠]، وَإِذَا حَدَّثَنِي رَجُلٌ مِنْ أَصْحَابِهِ اسْتَحْلَفْتُهُ، فَإِذَا حَلَفَ لِي صَدَّقْتُهُ، وَإِنَّهُ حَدَّثَنِي أَبُو بَكْرٍ وَصَدَقَ أَبُو بَكْرٍ، قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «مَا مِنْ رَجُلٍ يُذْنِبُ ذَنْبًا، ثُمَّ يَقُومُ[١١] فَيَتَطَهَّرُ، ثُمَّ يُصَلِّي، ثُمَّ يَسْتَغْفِرُ اللَّهَ؛ إِلاَّ غَفَرَ اللَّهُ لَهُ» ثُمَّ قَرَأَ[١٢] هَذِهِ الآيَةَ: ﴿وَالَّذِينَ إِذَا فَعَلُوا فَاحِشَةً، أَوْ ظَلَمُوا أَنْفُسَهُمْ ذَكَرُوا اللَّهَ فَاسْتَغْفَرُوا لِذُنُوبِهِمْ[١٣]﴾ إِلَى آخِرِ الآيَةِ[١٤].

406. *Асмо ибн Ҳакам ал-Фазорийдан ривоят қилинди; айтди:* «(Ҳазрати) Али (карромаллоҳу важҳаҳу)дан бундай деганини эшитдим: **«Мен шундай бир киши эдимки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан битта ҳадис эшитсам, Аллоҳ Ўзи хоҳлаганича ўша ҳадисдан мени манфаъатлантирар эди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларидан бирор киши менга ҳадис айтса, унга қасам ичдирар эдим. Агар онт ичса, уни тасдиқ этар эдим. Абу Бакр менга** (ушбу ҳадисни) **баён қилдилар, Абу Бакр эса ростгўй зотдирлар. Айтдиларки: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитдим, бундай дедилар: «Бир киши бирор гуноҳ қилса-ю, кейин туриб, покланса, кейин намоз ўқиса, кейин истиғфор айтиб, Аллоҳдан мағфират тиласа, Аллоҳ албатта уни кечиргайдир». Кейин** (Жаноби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам) **ушбу оятни охиригача ўқидилар: «Ва** (яна) **у** (муттақий зот)**лар қачон бир гуноҳ иш қилиб қўйсалар ёки** (гуноҳлар билан) **ўз-ўзларига зулм қилсалар, Аллоҳни эслаб, дарҳол** (истиғфор айтиб) **гуноҳларининг мағфират қилинишини сўрарлар. Зотан, Аллоҳдан бошқа ким гуноҳларни мағфират қилур? Ва яна улар қилмишларида** (гуноҳ ва хато ишларида) **билган ҳолда бардавом туриб олмаслар...»**[65]

Бу бобда Ибн Масъуд, Абуд-Дардо, Анас, Абу Умома, Абул Йуср – унинг исми Каъб ибн Амр – (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ййсо деди(лар): Алининг ҳадиси ҳасан. Бу ҳадисни Усмон ибн ал-Муғийранинг ривоятидан битта шу важҳдан биламиз.

Шуъба ва бошқалар бу ҳадисни тағин Усмон ал-Муғийрадан, Абу Авонанинг ривоятидек марфуъ тарзида ривоят қилдилар.

Суфён Саврий ва Мисъор ушбу ҳадисни мавқуф тарзида ривоят қиладилар ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламгача юксалтирмайдилар. Шунингдек, бу ҳадис Мисъордан марфуъ тарзида ҳам ривоят қилинган.

299-БОБ. ЁШ БОЛАГА ҚАЧОНДАН ИБОДАТ БУЮРИЛАДИ?

٤٠٧ – حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، أخبرنا حَرْمَلَةُ بْنُ عَبْدِ الْعَزِيزِ بْنِ الرَّبِيعِ بْنِ سَبْرَةَ[1] الْجُهَنِيُّ، عَنْ عَمِّهِ عَبْدِ الْمَلِكِ بْنِ الرَّبِيعِ بْنِ سَبْرَةَ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ جَدِّهِ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «عَلِّمُوا الصَّبِيَّ الصَّلَاةَ ابْنَ سَبْعِ [سِنِينَ][2]، وَاضْرِبُوهُ[3] عَلَيْهَا ابْنَ عَشْرٍ».

[65] Оли-Имрон сураси, 135-оят.

407. *Сабра ибн Маъбад ал-Жуҳаний (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Болага етти ёшидан намозни ўргатинглар ва ўн ёшида уни намоз учун уринглар** (пўписа қилинглар)».[66]

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Амрдан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Сабра ибн Маъбад ал-Жуҳанийнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Баъзи илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир. Аҳмад ибн Исҳоқнинг қавли шудир: «Бола ўн ёшдан кейин ўтказиб юборган намозларини қайта ўқийди», дейдилар.

Сабра – Маъбад ал-Жуҳанийнинг ўғли. У Авсажанинг ўғли ҳам дейилади.

ИЗОҲ. Шайхул-Ҳадис Саъйид Аҳмад Болонпурий айтадилар: «Европа ва Америкада одамлар кичик ёшдаги болаларини масжидларга бирга олиб келадилар ва у ерга қўйиб юборадилар. Улар сафлар аро югуришиб, одамларнинг намозларини хароб қиладилар. Ҳолбуки, Ибн Можа ва бошқа муҳаддислар китобида ҳадис келади:

جنبوا مساجدكم صبيانكم

Яъни: **«Ўз масжидларингизни** (ақлсиз) **болалардан сақланглар»**. Модомики, бола поклик ва нопокликни тушунмас экан, масжиднинг ҳурматини билмас экан, уларни масжидга олиб келиш манъ этилгандир» *(«Туҳфатул-алмаъий»).*

Мазкур ҳадис боланинг таълим-тарбияси, одоб-ахлоқи, ихлос-эътиқоди ота-онага ва ўсадиган муҳитига боғлиқ бўлиб, бу ишлар оила бошлиғининг зиммасида эканлигини билдиради. Улуғлар айтганидек, ота-онанинг вазифаси болани ўзига қарши исён қилдирмасликдир. Шунингдек, ёш болага тўғри исломий тарбия билан бирга дунёвий билимларни ҳам ўргатиш, улғайганида уни касб-кор соҳиби қилиш ота-онанинг зиммасидадир. Уламолар: **«Хитойда бўлса ҳам, бориб илм талаб қилингизлар»** деган маънодаги ҳадис шарҳида: «У вақтда Хитойда дин илмлари йўқ эди, бинобарин, бу ҳадис дунёвий илмларни ҳам ўргатиш зарурлигига ишорат қилади», деганлар. Яна «Саҳиҳи Бухорий»да ворид бўлган: **«Ҳар бир туғилувчи бола, муҳаққақ, ислом фитратида туғилади. Кейин ота-онаси уни яҳудий ёки насроний ёхуд мажусий қилади»** – деган ҳадиси шариф ҳам ёш боланинг иймон-эътиқоди, ибодати, таълими ва ахлоқи ота-онага ва муҳитига боғлиқ эканлигини кўрсатади.

[66] Абу Довуд бу ҳадисни Абдуллоҳ ибн Амрдан марфуъ тарзда бир оз фарқли ҳолда тахриж қилган.

300-БОБ. ТАШАҲҲУДДАН КЕЙИН ТАҲОРАТ БУЗИЛСА...

٤٠٨- حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مُحَمَّدٍ [بْنِ مُوسَى الْمُلَقَّبُ مَرْدُوَيْهِ قَالَ[٢]]: أخبرنا ابْنُ الْمُبَارَكِ، أخبرنا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ زِيَادِ بْنِ أَنْعُمٍ، أَنَّ عَبْدَ الرَّحْمَنِ بْنَ رَافِعٍ وَبَكْرَ بْنَ سَوَادَةَ أَخْبَرَاهُ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا أَحْدَثَ» يَعْنِي الرَّجُلَ[٣]- «وَقَدْ جَلَسَ فِي آخِرِ صَلَاتِهِ قَبْلَ أَنْ يُسَلِّمَ؛ فَقَدْ جَازَتْ صَلَاتُهُ».

408. *Абдуллоҳ ибн Амр (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Намозининг охирида** (ташаҳҳуд миқдорида) **ўтириб, салом беришдан олдин таҳорат бузилса – яъни, намоз ўқиган кишини айтмоқчилар – унинг намози жоиздир».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадиснинг исноди унча қувватли эмас. Унинг исноди (ҳақи)да (муҳаддислар) изтиробга – фарқлилик, хилма-хилликка борганлар.

Айрим илм аҳллари (яъни Ҳанафий мазҳаби соҳиблари) шу ҳадисни эгаллаб: «Ташаҳҳуд миқдорида ўтириб, салом беришдан олдин таҳорати бузилса, намози тугалдир»,[67] дейишган. Баъзи илм аҳллари эса бундай дейдилар: «Хоҳ ташаҳҳуд ўқимасдан олдин бўлсин, хоҳ салом беришдан олдин бўлсин, таҳорати бузилса, намозни қайта ўқийди». Имом Шофиъийнинг қавли шудир.

Имоми Аҳмад айтади: «Ташаҳҳуд ўқимасдан ҳам салом берса, *Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг*: «*Намознинг таҳлили саломдир*» деган қавлларига биноан, у кишининг намози жоиздир. Ташаҳҳуд (саломдан) енгилдир. Чунончи, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки ракъатдан (ўтирмай) туриб кетганлар ва ташаҳҳуд ўқимасдан намозларида давом этганлар». Исҳоқ ибн Иброҳим: «Ташаҳҳуд ўқиса, салом бермаса ҳам намози жоиздир» дейди ва Ибн Масъуднинг ҳадисини далил сифатида кўрсатади. Чунончи, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу)га ташаҳҳудни ўргатганларида бундай деб айтдилар: «...Бундан (ташаҳҳудни ўқимоқдан) фориғ бўлгач, зиммангдаги нарсани адо этган бўлурсан». Абдурраҳмон ибн Зиёд бу – Ал-Ифриқийдир. Баъзи муҳаддислар унинг (ҳадисда) заиф эканини қайд этганлар. Яҳё ибн Саъид ал-Қаттон ва Аҳмад ибн Ҳанбал шулар жумласидандир.

---

[67] Абу Ҳанифа ва соҳибайннинг (икки биродарининг) қавли шудир. Шу фарқ биланки, Абу Ҳанифа таҳорат бузилиши ўз қасди билан бўлган тақдирда, деб ҳисоблайдилар. Соҳибайн эса бутунлай қабул қиладилар.

ИЗОҲ. Имом Термизийнинг «Унинг исноди (ҳақи)да (муҳаддислар) изтиробга борганлар» деган сўзларининг изоҳи шуки, бу изтироб – фарқлилик, хилма-хиллик ҳадис бошқа-бошқа ва бир-биридан фарқли важҳлардан ривоят этилгани туфайли юзага келган. Изтироб – фарқлилик кўп ҳолда санадда ёки баъзан матнда бўлади, ёки бир ровийдан ёки бир неча ровийдан содир бўлади. Мустариб шундай ҳадиски, икки ровий ҳам сиқа (ишончли) ровий бўла туриб, иккаласи бир ҳадисни икки хил ривоят қилади. Икки ривоятдан бирортасини таржиҳ қилиш (устун қўйиб танлаш) нинг имкони бўлмайди. Агар таржиҳ қилишнинг имкони бўлса, рожиҳи мақбул бўлиб, маржуҳи ғайри мақбул бўлиб кетаверади, натижада изтироб барҳам топади. Мустариб ҳадис пухта қамралганини ишорат қилгани учун заифдир. Ҳазрати Али ал-Қорий: «Бир қанча важҳлардан ривоят этилмоғи уни заиф мартабасидан ҳасан мартабасига етказади», дейдилар ва бу ҳадиснинг кўпгина важҳлари борлигини таъкидлайдилар.

301-БОБ. ЁМҒИРЛИ КУНДА НАМОЗНИ УЙЛАРИДА ЎҚИМОҚЛАРИ

٤٠٩ – حَدَّثَنَا أَبُو حَفْصٍ عَمْرُو بْنُ عَلِيٍّ [الْبَصْرِيُّ]، حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ الطَّيَالِسِيُّ، حَدَّثَنَا زُهَيْرٌ [بْنُ مُعَاوِيَةَ]، عَنْ أَبِي الزُّبَيْرِ، عَنْ جَابِرٍ، قَالَ: كُنَّا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي سَفَرٍ فَأَصَابَنَا مَطَرٌ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ شَاءَ فَلْيُصَلِّ فِي رَحْلِهِ».

409. *Жобир (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан биргаликда бир сафарда эдик. Ёмғирга тутилдик. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Хоҳлаган киши намозини ўз чодирида ўқисин», дедилар.**[68]

Бу бобда Ибн Умар, Самура, Абул Мулайҳнинг отаси ҳамда Абдурраҳмон ибн Самура (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Жобирнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳллари ёмғир ва лойгарчиликда Жумъа ва жамоат намозларига бормасликка рухсат берганлар. Абу Зуръадан бундай деганини эшитдим: «Аффон ибн Муслим, Амр ибн Алидан бир ҳадис ривоят қилди. Абу Зуръа айтади: Басрада ушбу уч кишидан кўра хотираси кучли бўлган одамни кўрмадик: «Али ибн ал-Мадийний, Ибн Шозакуний ва Амр Ибн Али». Абул-Малийҳнинг исми – Омир. Унинг Зайд ибн Усома ибн Умайр ал-Ҳузалий экани ҳам айтилади.

[68] Раҳл – ичига жойлашиб ўтириладиган жой, қўноқ (ўтов) дегани. У хоҳ тошдан, хоҳ ғиштдан, хоҳ тахтадан бўлсин, ҳаммаси раҳл дейилади. (Муборакфурий). Бу ўринда сафар ҳолатини назарда тутиб, «раҳл»ни «чодир» деб таржима қилинди.

302-БОБ. НАМОЗЛАР ОРТИДАН ТАСБИҲ АЙТМОҚ

٤١٠ – حَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ بْنِ حَبِيبِ بْنِ الشَّهِيدِ [الْبَصْرِيُّ[١٠]] وَعَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، قَالاَ: حَدَّثَنَا عَتَّابُ بْنُ بَشِيرٍ[١١]، عَنْ خُصَيْفٍ، عَنْ مُجَاهِدٍ وَعِكْرِمَةَ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ، قَالَ: جَاءَ الْفُقَرَاءُ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ[١]، فَقَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ الأَغْنِيَاءَ يُصَلُّونَ كَمَا نُصَلِّي، وَيَصُومُونَ كَمَا نَصُومُ، وَلَهُمْ أَمْوَالٌ يُعْتِقُونَ وَيَتَصَدَّقُونَ، قَالَ:«فَإِذَا صَلَّيْتُمْ فَقُولُوا: سُبْحَانَ اللَّهِ ثَلاَثًا وَثَلاَثِينَ مَرَّةً، وَالْحَمْدُ لِلَّهِ ثَلاَثًا وَثَلاَثِينَ مَرَّةً، وَاللَّهُ أَكْبَرُ أَرْبَعًا وَثَلاَثِينَ مَرَّةً، وَلاَ إِلَهَ إِلاَّ اللَّهُ عَشْرَ مَرَّاتٍ؛ فَإِنَّكُمْ تُدْرِكُونَ بِهِ مَنْ سَبَقَكُمْ، وَلاَ يَسْبِقُكُمْ مَنْ بَعْدَكُمْ[٢]».

410. *Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Камбағал кишилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб, дедиларки: «Ё Расулаллоҳ! Бой кишилар худди бизлардек намоз ўқишади, худди бизлардек рўза тутишади. Тағин уларнинг мол-дунёси бор, қул озод этишади, садақалар беришади?..»** (Расули Акрам) **айтдилар: «Намоз ўқиганингизда**(н кейин) **ўттиз уч марта «Субҳоналлоҳ», ўттиз уч марта «Алҳамдулиллаҳ», ўттиз тўрт марта «Аллоҳу акбар» ва ўн марта «Ло илоҳа иллаллоҳ» деб айтингизлар. Шу билан, албатта, сизлардан ўтиб кетганларга етиб олгайсизлар ва сизлардан ортда қолганлар сизлардан ўтиб кета олмагайлар».**

Бу бобда Каъб ибн Ужра, Анас, Абдуллоҳ ибн Амр, Зайд ибн Собит, Абуд-Дардо, Ибн Умар ва Абу Зарр (розийаллоҳу анҳум) дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Аббоснинг ҳадиси ҳасан-ғариб.

Бу бобда яна Абу Ҳурайра ва Ал-Муғийра (розийаллоҳу анҳумо) дан ҳадис ривоят қилинган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деб айтганлари ривоят қилинган: **«Икки хислат борки, уларни одат қилган киши фақатгина жаннатга киргайдир: ҳар бир намознинг орқасидан Аллоҳга ўн марта тасбиҳ айтса, ўн марта ҳамд айтса ва ўн марта такбир айтса, ҳамда ухлаётиб ўттиз уч марта «Субҳоналлоҳ», ўттиз уч марта «Алҳамдулиллаҳ» ва ўттиз тўрт марта «Аллоҳу акбар», деса...»**

ИЗОҲ. Имом Муслим Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан марфуъ тарзда ривоят қилган ҳадисда бундай дейилади: **«Кимки намознинг орқасидан Аллоҳга ўттиз уч марта тасбиҳ айтса, ўттиз уч марта ҳамд айтса**

ва ўттиз уч марта такбир айтса, — булар тўқсон тўққизтадир ва юзинчи мартасида «Ло илоҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ло шарийка лаҳу лаҳул-мулку ва лаҳул-ҳамду ва ҳува ъало кулли шайъин қодир», деса, гуноҳлари денгиз кўпикларича бўлса ҳам кечирилади». Бу ривоятда такбир саноғи борасида хилма-хил ривоятлар бор.

303-БОБ. ЛОЙГАРЧИЛИКДА ВА ЁМҒИРДА УЛОВ УСТИДА НАМОЗ ЎҚИМОҚ

٤١١ – حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ مُوسَى، حَدَّثَنَا شَبَابَةُ بْنُ سَوَّارٍ، حَدَّثَنَا عُمَرُ بْنُ الرَّمَّاحِ الْبَلْخِيُّ[1]، عَنْ كَثِيرِ بْنِ زِيَادٍ، عَنْ عَمْرِو بْنِ عُثْمَانَ بْنِ يَعْلَى بْنِ مُرَّةَ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ جَدِّهِ[2]: أَنَّهُمْ كَانُوا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي [مسِيرٍ[3]]، فَانْتَهَوْا إِلَى مَضِيقٍ، وَحَضَرَتِ[4] الصَّلَاةُ فَمُطِرُوا؛ السَّمَاءُ مِنْ فَوْقِهِمْ، وَالْبِلَّةُ مِنْ أَسْفَلَ مِنْهُمْ، فَأَذَّنَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، [وَهُوَ[5]] عَلَى رَاحِلَتِهِ وَأَقَامَ، [أَوْ أَقَامَ[6]]؛ فَتَقَدَّمَ عَلَى رَاحِلَتِهِ فَصَلَّى بِهِمْ يُومِئُ إِيمَاءً؛ يَجْعَلُ[7] السُّجُودَ أَخْفَضَ مِنَ الرُّكُوعِ.

411. *Яъло ибн Мурра (розийаллоҳу анҳу)нинг отаси ва бобоси орқали ривоят қилинади:* **«Улар бир сафарда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга бўлдилар. Шунда йўлнинг тор жойига бориб қолдилар. Намоз вақти кирган ва ёмғирда қолган эдилар. Устларидан осмондан ёмғир ёғилар, остларидан эса балчиқ** (намоз ўқишга моneълик қиларди)**. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам туяларининг устида туриб азон айтдилар, иқомат келтирдилар** (ёки фақат иқомат айтдилар)**, сўнг туянинг устида олдинга ўтиб, уларга имо-ишора билан намоз ўқиб бердилар, саждаларини рукуъдан кўра пастроқ қилар эдилар».**[69]

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ғариб. Буни фақатгина Умар ибн ар-Римоҳ ал-Балхий ривоят қилган ва ёлғиз унинг ривоятидан маълум бўлаётир.

Илм аҳлларидан кўпгина кишилар бу ҳадисни ундан ривоят қилганлар. Шунингдек, Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу) дан сувда ва лой маҳалида туянинг устида намоз ўқигани ривоят қилинган. Илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир.

Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

[69] Суютий «Қутул-муғтазий»да айтади: «Имом Нававий ва бошқалар бу ҳадисга таяниб: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам азонни ўзлари айтганлар, муаззинлик билан имомликни жамъ қилмоқ мустаҳаб» дейдилар». Бу Имом Шофиъий мазҳабидадир. Ҳолбуки, бу ҳадис Аҳмад ибн Ҳанбал «Муснади»да «Муаззинга буюрдилар, бас, у азон айтди ва иқомат келтирди», деб баён қилинган. Хотийбнинг «Тарих»ида ҳам шундай. Имом Аъзам мазҳабида муаззинлик билан имомликни жамлаш мустаҳаб дейилган эмас. Ёлғиз намозхон бўлса, жоиз.

304-БОБ. НАМОЗ УЧУН ВУЖУДНИ УРИНТИРМОҚ

٤١٢- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ وَبِشْرُ بْنُ مُعَاذٍ [الْعَقَدِيُّ][٤]، قَالاَ: حَدَّثَنَا أَبُو عَوَانَةَ، عَنْ زِيَادِ بْنِ عِلاَقَةَ، عَنِ الْمُغِيرَةِ بْنِ شُعْبَةَ قَالَ: صَلَّى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَتَّى انْتَفَخَتْ قَدَمَاهُ، فَقِيلَ لَهُ: أَتَتَكَلَّفُ هَذَا وَقَدْ غُفِرَ لَكَ[١] مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِكَ وَمَا تَأَخَّرَ ؟ قَالَ: «**أَفَلاَ أَكُونُ عَبْدًا شَكُورًا؟!**[٢] ».

412. *Муғийра ибн Шуъба (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намоз ўқийвериб, ҳатто муборак оёқлари шишиб кетди. Шунда у кишига айтилди: «Нега ўзингизни бунча кулфатга соласиз? Сизнинг олдинги ва кейинги гуноҳларингиз кечирилган-ку!» Айтдилар: «Ахир, шукр қилувчи банда бўлмайинми?»**

Бу бобда Абу Ҳурайра ва Оиша (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Йисо деди(лар): Муғийра ибн Шуъбанинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

305-БОБ. ҚИЁМАТ КУНИДА БАНДАНИНГ БЕРАДИГАН БИРИНЧИ ҲИСОБИ НАМОЗДАНДИР

٤١٣- حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ نَصْرِ بْنِ عَلِيٍّ [الْجَهْضَمِيُّ][٦]، حَدَّثَنَا سَهْلُ بْنُ حَمَّادٍ، حَدَّثَنَا [هَمَّامٌ]، قَالَ[٧]: حَدَّثَنِي قَتَادَةُ، عَنِ الْحَسَنِ، عَنْ حُرَيْثِ بْنِ قَبِيصَةَ، قَالَ: قَدِمْتُ الْمَدِينَةَ، فَقُلْتُ: اللَّهُمَّ يَسِّرْ لِي جَلِيسًا صَالِحًا[٨]، قَالَ: فَجَلَسْتُ إِلَى أَبِي هُرَيْرَةَ، فَقُلْتُ: إِنِّي سَأَلْتُ اللَّهَ أَنْ يَرْزُقَنِي[١] جَلِيسًا صَالِحًا، فَحَدِّثْنِي بِحَدِيثٍ سَمِعْتَهُ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، لَعَلَّ اللَّهَ أَنْ يَنْفَعَنِي بِهِ، فَقَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «**إِنَّ أَوَّلَ مَا يُحَاسَبُ بِهِ الْعَبْدُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مِنْ عَمَلِهِ؛ صَلاَتُهُ؛ فَإِنْ صَلُحَتْ[٢] فَقَدْ أَفْلَحَ وَأَنْجَحَ[٣]، وَإِنْ فَسَدَتْ فَقَدْ خَابَ وَخَسِرَ، فَإِنِ[٤] انْتَقَصَ مِنْ فَرِيضَتِهِ شَيْءٌ[٥]؛ قَالَ الرَّبُّ عَزَّ وَجَلَّ[٦]: انْظُرُوا هَلْ لِعَبْدِي مِنْ تَطَوُّعٍ ؟ فَيُكَمَّلَ بِهَا[٧] مَا انْتَقَصَ مِنَ الْفَرِيضَةِ، ثُمَّ يَكُونُ سَائِرُ عَمَلِهِ عَلَى ذَلِكَ[٨]** ».

413. *Ҳурайс ибн Қобийсадан ривоят қилинди; айтди:* **«Мадинага келдим ва дедимки: «Аллоҳим! Менга солиҳ бир суҳбатдош муяссар айлагин!..»** (Ровий) **айтди: «Абу Ҳурайрага** (интилиб) **ёнига ўтирдимда: «Мен Аллоҳдан ўзимга солиҳ суҳбатдош насиб айламоғини сўраган эдим. Энди менга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитган бир ҳадисингни айтиб бер, шояд Аллоҳ ундан мени манфаъатлантирса!» дедим. Шунда Абу Ҳурайра** (розийаллоҳу анҳу) **айтди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитдим, бундай дедилар: «Қиёмат кунида банданинг ўз амалларидан биринчи ҳисоб берадиган нарсаси унинг намозидир. Агар намози тўкис бўлса, халос ва нажот топиб, муродига етгай. Агар фосид бўлса, номурод бўлгай – заразди ён топгай. Агар фарзлардан бирор ками бўлса, Рабб таборак ва таъоло: «Қаранглар-чи, бандамнинг нафл намозлари борми?» дейди ва фарзлардан етишмаган миқдорни ўша билан тўлдиради, мукаммал қилади. Кейин бошқа амали ҳам шу** (ҳукм) **асосида бўлади».**

Бу бобда Тамим ат-Дорий (розийаллоҳу анҳу)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси бу важҳдан ҳасан-ғариб.

Бу ҳадис Абу Ҳурайрадан бошқа важҳдан ҳам ривоят қилинган.

Ҳасаннинг биродарларидан баъзилари Ҳасандан, Қобийса ибн Ҳурайсдан бошқа бир ҳадис ривоят қилганлар. Машҳур номи (Қобийса ибн Зувайб эмас) Қобийса ибн Ҳурайсдир.[70]

ШАРҲ. «Сунани Термизий» шарҳида Ал-Ироқий айтадилар: «Эҳтимолки, бунда агар суннат амалларидан ками бўлса, хушуъ (қўрқув), зикрлар ва дуолардан иборат шаръий ҳолатлардан ками бўлса, унга ўша нафл амалларидан савоб қўшилади. Шунингдек, фарз амаллари ичида содир бўлган ва мазкур амалларни (суннат, хушуъ, зикр ва дуолардан иборат машруъ ҳолатларни) бажармай қолган бўлса, буларни нафл ибодатларда қилган бўлса, фарз намозлари ўша нафллари билан тўлдирилади».

Аҳли суннат вал-жамоат наздида фарз амалларнинг қазоси фарздир, вожиб амалларнинг қазоси вожибдур, суннат амалларнинг қазоси суннатдир, яъни бугунги бомдод намози тарк бўлса, суннатни ўқиш суннат, фарзни ўқиш фарздир *(«Рисолаи комила фи қазоил-фоита»).*

---

[70] Термизий китобининг бошқа бир нусхасида Қобийса ибн Ҳурайс ибн Қобийса дейилади ва бу ҳам изоҳга муҳтождир. Диққат қилинса, Термизий ҳадис бошида «Ҳорис ибн Қобийса» деб айтдилар.

306-БОБ. БИР КЕЧА-КУНДУЗДА ЎН ИККИ РАКЪАТ СУННАТ НАМОЗИ ЎҚИМОҚНИНГ ФАЗИЛАТИ

٤١٤- حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ رَافِعٍ النَّيْسَابُورِيُّ، حَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ سُلَيْمَانَ الرَّازِيُّ، حَدَّثَنَا الْمُغِيرَةُ ابْنُ زِيَادٍ، عَنْ عَطَاءٍ، عَنْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ ثَابَرَ عَلَى ثِنْتَيْ عَشْرَةَ رَكْعَةً مِنَ السُّنَّةِ، بَنَى اللَّهُ لَهُ بَيْتًا فِي الْجَنَّةِ: أَرْبَعِ رَكَعَاتٍ قَبْلَ الظُّهْرِ، وَرَكْعَتَيْنِ بَعْدَهَا، وَرَكْعَتَيْنِ بَعْدَ الْمَغْرِبِ، وَرَكْعَتَيْنِ بَعْدَ الْعِشَاءِ، وَرَكْعَتَيْنِ قَبْلَ الْفَجْرِ».

414. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки ўн икки ракъат суннат намозида бардавом бўлса, Аллоҳ унга жаннатдан бир уй бино қилур: пешиннинг фарзидан олдин тўрт ракъат ва фарзидан кейин икки ракъат; шомнинг фарзидан кейин икки ракъат; хуфтоннинг фарзидан кейин икки ракъат; бомдоднинг фарзидан олдин икки ракъат».**

Бу бобда Умму Ҳабиба, Абу Ҳурайра, Абу Мусо ва Ибн Умар (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Оиша (онамиз)нинг ҳадиси бу важҳдан ғариб. Муғира ибн Зиёд ҳақида баъзи илм аҳллари хотираси жиҳатдан (танқидий) сўз қилганлар.[71]

٤١٥- حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلَانَ، حَدَّثَنَا مُؤَمَّلٌ [هُوَ ابْنُ إِسْمَعِيلَ(٦)]، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ الثَّوْرِيُّ، عَنْ أَبِي إِسْحَقَ، عَنِ الْمُسَيَّبِ بْنِ رَافِعٍ، عَنْ عَنْبَسَةَ بْنِ أَبِي سُفْيَانَ(٧)، عَنْ أُمِّ حَبِيبَةَ، قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ صَلَّى فِي يَوْمٍ وَلَيْلَةٍ ثِنْتَيْ عَشْرَةَ رَكْعَةً، بُنِيَ لَهُ بَيْتٌ(٨) فِي الْجَنَّةِ: أَرْبَعًا قَبْلَ الظُّهْرِ، وَرَكْعَتَيْنِ بَعْدَهَا، وَرَكْعَتَيْنِ بَعْدَ الْمَغْرِبِ، وَرَكْعَتَيْنِ بَعْدَ الْعِشَاءِ، وَرَكْعَتَيْنِ قَبْلَ صَلَاةِ الْفَجْرِ(٩)».

415. *Умму Ҳабиба (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки бир кеча-кундузда ўн икки ракъат намозни ўқиб борса, Аллоҳ унга жаннатдан бир уй бино қилгайдир: пешиннинг фарзидан олдин тўрт ракъат ва фарзидан кейин икки ракъат; шомнинг фарзидан кейин икки ракъат; хуфтоннинг фарзидан кейин икки ракъат; бомдоднинг фарзидан олдин икки ракъат».**[72]

---

[71] Ҳақиқатда икки ривоятдан бирига биноан Ибн Маин, Ибн Адий ва бошқалар Муғийра ибн Зиёдни тасдиқ этганлари муҳкам ва устивор кўрганлари таъкидланган. Бинобарин, ҳадис ҳасан даражасидадир.

[72] Баъзи нусхаларда «қоблал-фажр», баъзиларида «қоблас-солатил-ғодат» ва баъзиларида «қоблал-фажр солатил-ғодат» тарзида келган. Маъноси бир.

Абу Ййсо деди(лар): Анбасанинг Умму Ҳабибадан бу бобда ривоят қилган ҳадиси ҳасан саҳиҳ.

Бу ҳадис Анбасадан бошқа важҳдан ҳам ривоят қилинган.

307-БОБ. БОМДОДНИНГ ИККИ РАКЪАТИНИНГ ФАЗИЛАТИ

٤١٦ – حَدَّثَنَا صَالِحُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ [التِّرْمِذِيُّ(٣)]، حَدَّثَنَا أَبُو عَوَانَةَ، عَنْ قَتَادَةَ، عَنْ زُرَارَةَ ابْنِ أَوْفَى(٤)، عَنْ سَعْدِ بْنِ هِشَامٍ، عَنْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «رَكْعَتَا الْفَجْرِ خَيْرٌ مِنَ الدُّنْيَا وَمَا فِيهَا».

416. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Бомдоднинг икки ракъат суннати дунёдан ва дунёдаги бор нарсалардан яхшидир».**

Бу бобда Али, Ибн Умар ва Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ййсо деди(лар): Оиша (розийаллоҳу анҳо)нинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Аҳмад ибн Ҳанбал, Солиҳ ибн Абдуллоҳ ат-Термизийдан ҳадис ривоят қилган.

ИЗОҲ. Шоҳ Валиййуллоҳ Деҳлавий «Ҳужжатуллоҳил-болиға» асарида бу афзалият сабабини бундай изоҳлайди: «Чунки дунё ва дунё неъматлари фонийдир. Бу икки ракъатнинг савоби эса чексиз ва абадийдир».

308-БОБ. БОМДОД НАМОЗИНИНГ ИККИ РАКЪАТ (СУННАТ)И ЕНГИЛ ЎҚИЛМОҒИ ВА ПАЙҒАМБАР СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМНИНГ БУ ИККИ РАКЪАТДАГИ ҚИРОАТЛАРИ

٤١٧ – حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلَانَ وَأَبُو عَمَّارٍ، قَالاَ: حَدَّثَنَا أَبُو أَحْمَدَ الزُّبَيْرِيُّ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ، عَنْ أَبِي إِسْحَقَ، عَنْ مُجَاهِدٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ(٨) قَالَ: رَمَقْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ شَهْرًا؛ فَكَانَ يَقْرَأُ فِي الرَّكْعَتَيْنِ قَبْلَ الْفَجْرِ بِقُلْ يَا أَيُّهَا الْكَافِرُونَ، وَقُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ.

417. *Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни бир ой кузатдим: бомдод намозининг фарзидан олдинги икки ракъатида «Қул йаа аййуҳал кафирун» ва «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни ўқир эдилар».**

Бу бобда Ибн Масъуд, Анас, Абу Ҳурайра, Ибн Аббос, Ҳафса ва Оиша (розиялоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан.

Бу ҳадис Саврийнинг Абу Исҳоқдан қилган ривояти эканини ёлғиз Абу Аҳмаднинг ривоятидан биламиз. Муҳаддислар наздидда маъруф бўлгани Исроилнинг Абу Исҳоқдан қилган ривоятидир. Бу ҳадис Абу Аҳмаддан; Исроилдан ривоят қилинган. Абу Аҳмад аз-Зубайрий сиқа (ишонарли) ва ҳофиздир. Бундорнинг бундай деганини эшитдим: «Абу Аҳмад аз-Зубайрийдан кўра хотираси ажойиб бўлган кишини кўрмадим». Абу Аҳмаднинг исми – Муҳаммад ибн Абдуллоҳ аз-Зубайрий ал-Асадий ал-Куфий.

309-БОБ. БОМДОД НАМОЗИНИНГ ИККИ РАКЪАТ(СУННАТ)ИДАН КЕЙИН ГАПЛАШМОҚ

٤١٨ – حَدَّثَنَا يُوسُفُ بْنُ عِيسَى [الْمَرْوَزِيُّ(١)]، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ إِدْرِيسَ، قَالَ: سَمِعْتُ مَالِكَ بْنَ أَنَسٍ، عَنْ أَبِي النَّضْرِ، عَنْ أَبِي سَلَمَةَ، عَنْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا صَلَّى رَكْعَتَيِ الْفَجْرِ فَإِنْ كَانَتْ لَهُ إِلَيَّ حَاجَةٌ كَلَّمَنِي وَإِلاَّ خَرَجَ إِلَى الصَّلاَةِ.

418. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдоднинг икки ракъатини ўқиб бўлгач, менга бирор ҳожатлари бўлса гаплашар эдилар, бўлмаса намозга чиқар эдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан баъзи илм аҳллари, тонг отгандан бошлаб то бомдод намозини ўқигунларича зикрдан бошқа зарурий бўлган сўздан ташқари дунёвий сўзларни гапирмоқни макруҳ деб билар эдилар. Аҳмад ва Абу Исҳоқнинг қавли ҳам шудир.

310-БОБ. ТОНГ ОТГАНИДАН КЕЙИН ФАҚАТГИНА ИККИ РАКЪАТ (СУННАТ) НАМОЗ БОР

٤١٩ – حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ عَبْدَةَ الضَّبِّيُّ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الْعَزِيزِ بْنُ مُحَمَّدٍ، عَنْ قُدَامَةَ بْنِ مُوسَى(٢)، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ الْحُصَيْنِ(٣)، عَنْ أَبِي عَلْقَمَةَ(٤)، عَنْ يَسَارٍ مَوْلَى ابْنِ عُمَرَ(٥)، عَنِ ابْنِ عُمَرَ: أَنَّ رَسُولَ اللَّه صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لاَ صَلاَةَ بَعْدَ الْفَجْرِ إِلاَّ سَجْدَتَيْنِ».

وَمَعْنَى(٦) هَذَا الْحَدِيثِ: إِنَّمَا يَقُولُ: لاَ صَلاَةَ بَعْدَ طُلُوعِ الْفَجْرِ إِلاَّ رَكْعَتَيِ الْفَجْرِ(٧).

419. *Ибн Умар (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Тонг** (отгани)**дан кейин икки ракъат** (суннат) **намоз**(и)**дан бошқа** (нафл) **намоз йўқ».**

Бу ҳадиснинг маъноси фақат бундай тушунилади: **«Тонг отганидан кейин бомдоднинг икки ракъат (суннат)идан бошқа намоз йўқ».**

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Амр ва Ҳафса (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Умарнинг ҳадиси ғариб.

Бу ҳадисни ёлғиз Қудома ибн Мусонинг ривоятидан биламиз.[73] Ундан бир қанча кишилар ривоят қилганлар.

Илм аҳллари бу хусусда иттифоқ қилдилар: Тонг отганидан кейин кишининг бомдод намозининг (фарзидан ташқари) икки ракъат (суннат) идан бошқа нафл намози ўқимоғини макруҳ деб биладилар.

ИЗОҲ. Ҳанафий мазҳабида бомдод вақти кирганидан кейин икки ракъат суннат ва фарз ўқилади, то қуёш чиққунича бошқа нафл намозлар ўқилмайди. Аммо бомдод вақти кирганида ҳамда аср билан шом ўртасида қазо ва жаноза намози, Каъбатуллоҳда тавоф намози ўқилиши ва саждаи тиловат қилиниши жоиз *(«Сунани Термизий, 184-ҳадис шарҳи; Шаббир Аҳмад Қосимий: «Анворул-маносик»).*

311-БОБ. БОМДОД НАМОЗИНИНГ СУННАТИДАН КЕЙИН ЁНБОШЛАМОҚ

٤٢٠- حَدَّثَنَا بِشْرُ بْنُ مُعَاذٍ [الْعَقَدِيُّ(١)]، حَدَّثَنَا عَبْدُ الْوَاحِدِ بْنُ زِيَادٍ، حَدَّثَنَا الأَعْمَشُ، عَنْ أَبِي صَالِحٍ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا صَلَّى أَحَدُكُمْ رَكْعَتَيِ الْفَجْرِ؛ فَلْيَضْطَجِعْ عَلَى يَمِينِهِ(٢)».

420. *Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Сизлардан бирортангиз бомдод намозининг икки ракъат** (суннат) **ини ўқиса, ўнг томони билан ёнбошласин».**

Бу бобда Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси бу важҳдан ҳасан-саҳиҳ-ғариб.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдод намозининг икки ракъат (суннат)ини уйда ўқиганларидан кейин ўнг томонларига ёнбошлаганлари Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинган. Айрим илм аҳллари шуни мустаҳаб кўрмоқдалар.

[73] Ҳофиз аз-Зайлоий Термизийнинг «Бу ҳадисни ёлғиз Қудома ибн Мусонинг ривоятидан биламиз» деган сўзига эътироз қилади ва Табароний худди шу ҳадисни Қудома ибн Мусо қатнашмаган бошқа икки йўлдан ривоят қилганини айтади. Чунки Термизий бу ҳадис бошқа йўлдан ривоят қилинмаганини эмас, фақатгина бу хусусда маълумотга эга эмасликларини айтмоқдалар, холос.

ИЗОҲ. Бомдод намозининг суннатидан кейин ёнбошлаб ётиш ҳақида олимларнинг қуйидаги хилма-хил фикрлари баён қилинган:

1) Термизий баъзи илм аҳлларидан нақл этганларига кўра: бу мустаҳабдир. Абу Мусо Ашъарий, Рофиъ ибн Хориж, Анас ибн Молик ва Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳум)нинг фикрлари шу. Улар бомдод намозининг суннатидан кейин ёнбошлар ва бошқаларга ҳам шуни амр қилишарди. Имомлардан Шофиъийнинг ҳам қавли шу. Айний «Умдатул-қорий» китобида: «Шофиъий ва унинг биродарлари бу (ёнбошлаш) суннат деб қарор қилишди», дейди.

2) Ёнбошлаб ётишни зарур бўлган амал, дейишади. Абу Муҳаммад Али Ҳазм аз-Зоҳирийнинг қавли шудир. Шавконий бундай дейди: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам баъзан ёнбошлаб ётишни тарк этганлари умматларига тегишли бўлган амрга зид эмас».

3) Яна бир қавлга кўра, тунги (таҳажжуд) намозга турган киши билан турмаган киши ўртасида ажрим қилинади. Таҳажжудга турганлар истироҳат учун бу ишни қилишлари мустаҳаб кўрилган, турмаганлар учун машруъ эмас. Термизийнинг шориҳи Абу Бакр ал-Арабий шу қавлни ихтиёр этади.

4) Бу ишни қилмаган авло. Ибн Убу Шайба Ҳасандан ривоят қилади: «Ҳасан бомдод намозининг суннатидан кейин ёнбошлаб ётишдан хушланмас эди».

5) **Бу ёнбошлаш бидъат ва макруҳдир. Саҳобалардан Ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу)нинг ва ихтилофли бир ривоятга кўра, Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)нинг қавллари шу.**

312-БОБ. НАМОЗ УЧУН ИҚОМАТ АЙТИЛГАНДА ФАРЗДАН БОШҚА НАМОЗ ЙЎҚ ЭКАНЛИГИ

٤٢١ – حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا رَوْحُ بْنُ عُبَادَةَ، حَدَّثَنَا زَكَرِيَّا بْنُ إِسْحَقَ، حَدَّثَنَا عَمْرُو بْنُ دِينَارٍ، قَالَ: سَمِعْتُ عَطَاءَ بْنَ يَسَارٍ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا أُقِيمَتِ الصَّلَاةُ، فَلَا صَلَاةَ إِلَّا الْمَكْتُوبَةُ».

421. *Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **Намозга** (фарз учун) **иқомат айтилган вақтда фарздан бошқа намоз йўқ».**

Бу бобда Ибн Райҳона, Абдуллоҳ ибн Амр, Абдуллоҳ ибн Саржис, Ибн Аббос ва Анас (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинди.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси ҳасан.

Айюб, Варқоъ ибн Умар, Зиёд ибн Саъд, Исмоъийл ибн Муслим ва Муҳаммад ибн Жуҳода, Амр ибн Динордан, Ато ибн Ясордан, Абу Ҳурайрадан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шу тарзда ривоят қилганлар. Ҳаммод ибн Зайд ва Суфён ибн Уйайна, Амр

ибн Динордан ривоят қиладилар ва ҳадисни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламгача юксалтирмайдилар. Марфуъ бўлмиш ривоят, бизнингча, асаҳҳдир.

Бу ҳадис Абу Ҳурайрадан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бошқа важҳлардан ҳам ривоят қилинган. Аййош ибн Аббос ал-Қитбоний ал-Мисрий уни Абу Салламадан, Абу Ҳурайрадан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир: Намоз учун иқомат айтила бошлаганда ўша фарздан бошқа намоз йўқ. Суфён Саврий, Ибн Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

ШАРҲ. Бу ҳадис саҳиҳ. Муслим бу ҳадисни турли йўллардан ривоят қилган. Аҳмад, Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можа ҳам бу ҳадисни ривоят қилганлар. Бу масалада уламоларнинг 9 хил қавли бор:

1) Намозга иқомат айтила бошлаганда бошқа намозни ўқимоқ макруҳ: хоҳ у суннат бўлсин, хоҳ нафл намози бўлсин. Саҳобалар, тобеъинлар ва имомлардан кўпгина шахсларнинг қавли шу. Термизий, жумладан, Суфён Саврийнинг қатъиян шу фикрда эканини қайд этган бўлса-да, аммо Ибн Абдулбар ва Нававий Саврийнинг қарашини бундай изоҳлайди: «Биринчи ракъатни бой беришдан қўрқса, бомдоднинг суннатини тарк этиб, жамоат билан намозга киради. Аммо ракъатга етишмоғига ишонса, аввал суннатини ўқийди ва кейин имомга эргашади». Кейинроқда бу баён этилади.

2) Ибн Абдилбар «Ат-Тамҳид»да шундай дейди: «Фарз намози учун иқомат айтила бошлаганда нафл намозлардан ҳеч биттаси жоиз эмас»

3) Имом фарзни ўқиётганда бомдод намозининг суннатини ўқимоқликда зарар йўқ. Бу фикрдаги шахслар бомдоднинг суннати билан бошқа намозларнинг суннати орасида ажрим қилмоқдалар. Бу хусусда Байҳақийнинг Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан қилган ушбу ҳадиси билан истидлол этадилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Намоз учун иқомат келтирилганда фарздан бошқа намоз йўқ, фақатгина бомдоднинг икки ракъат суннати (бундан) мустаснодир».** Аммо бу ҳадис истидлол учун яроқли эмаслигини ҳатто Байҳақий Абу Ҳурайрадан бу иснодга зид бир ҳадис ривоят қилганини далил қиладилар.

4) Бу қавлда масжиднинг ичида бўлмоқ ёки ташида бўлмоқ ва айни вақтда биринчи ракъатга етиб-етмаслиги орасида ажрим қилинади. Бу имоми Моликнинг қавли бўлиб, у бундай дейди: «Масжидга кирган бўлса, имомга эргашсин ва суннатни – бомдоднинг суннатини – ўқимасин. Агар масжидга кирмаган бўлса, биринчи ракъатни бой бериш қўрқуви бўлмаса, масжидининг ташида суннатини ўқисин. Бой бериш қўрқуви бўлса, ўқимасдан масжидга кириб, имомга эргашсин».

5) **Икки ракъат фарзни бой беришдан ва иккинчи ракъатнинг рукуъсида имомга ета олмасликдан қўрқса, унда имомга эргашади. Йўқса, масжиднинг**

ташида бомдоднинг суннатини ўқиганидан кейин имомга эргашади. Ибн Абдулбарнинг нақл этишича, бу қавл Имоми Абу Ҳанифа ва биродарларнинг қавлидир. Хаттобий эса, Имоми Абу Ҳанифа Имоми Молик билдирган фикрда бўлганини ривоят қилади. Унда бу ривоят имоми Аъзамнинг биродарларнинг ривоятига мувофиқ келади. Бу орада Нававий Имом Абу Ҳанифа Авзоийнинг қуйида келадиган қавлга эга бўлганини баён этади.

6) **Биринчи ракъатни бой бериш қўрқуви бўлмаса, бомдоднинг суннатини масжид ичида бўлса ҳам ўқийди.** Суфён Саврийнинг қавли шу. Ибн Абдилбар ривоят қилган бу қавл Термизий Суфён Саврийдан ривоят қилган қавлга зид.

7) **Охирги ракъатга ета олмаслик қўрқуви бўлмаса, бомдоднинг суннатини масжиднинг ичида ҳам ўқийверади. (Жамоатда) биринчи ракъатни бой берадиган бўлса ҳам, суннатини ўқиши керак. Авзоий ва Саъид ибн Абдулазизнинг қавли шудир. Имом Нававий, Имоми Абу Ҳанифа ва у кишининг биродарлари ҳам шу қавлга эга бўлганини ривоят қилади.**

313-БОБ. БОМДОД НАМОЗИНИНГ СУННАТИНИ ЎТКАЗИБ, ФАРЗДАН КЕЙИН ЎҚИМОҚ

٤٢٢- حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَمْرٍو السَّوَّاقُ الْبَلْخِيُّ[10]، قَالَ: حَدَّثَنَا عَبْدُ الْعَزِيزِ[11] بْنُ مُحَمَّدٍ، عَنْ سَعْدِ بْنِ سَعِيدٍ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِبْرَاهِيمَ، عَنْ جَدِّهِ قَيْسٍ[11]، قَالَ: خَرَجَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَأُقِيمَتِ الصَّلَاةُ، فَصَلَّيْتُ مَعَهُ الصُّبْحَ، ثُمَّ انْصَرَفَ النَّبِيُّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَوَجَدَنِي أُصَلِّي، فَقَالَ: «**مَهْلاً يَا قَيْسُ، أَصَلَاتَانِ مَعًا ؟**» قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللهِ، إِنِّي لَمْ أَكُنْ رَكَعْتُ رَكْعَتَيِ الْفَجْرِ. قَالَ: فَلَا إِذَنْ.

422. *Қайс ибн Амр ибн Саҳл ал-Ансорий (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидга чиқдилар, дарҳол изларидан намозга иқомат айтилди ва мен у киши билан бирга бомдодни ўқидим. Кейин Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозни тамом қилгач, менинг намоз ўқиётганимни кўриб қолдилар: «Шошмагил, Қайс! Бир пайтда икки** (фарз) **намозми?» - дедилар «Ё Расулаллоҳ! Мен бомдоднинг икки ракъат** (суннат) **ини ўқимаган эдим», дедим. «Унда зарари йўқ», дедилар.**

Абу Ййсо деди(лар): Муҳаммад ибн Иброҳимнинг ривояти шу тарзда эканини ёлғиз Саъд ибн Саъиднинг ривоятидан биламиз. Суфён ибн Уйайна айтади: «Ато ибн Абу Рабоҳ бу ҳадисни Саъд ибн Саъиддан эшитган ва бу ҳадис фақатгина мурсал тарзда ривоят қилинаётир».

Маккаликларнинг баъзилари шу ҳадисни қабул қилганлар. Бомдод намозининг суннатини фарздан кейин ва қуёш чиқишидан олдин ўқимоқ зарарсиз, деб ҳисоблайдилар.

Саъд ибн Саъид – Яҳё ибн Саиъднинг бобоси. У Қайс ибн Амр экани, шунингдек, Қайс ибн Қаҳд экани ҳам қайд этилган. Бу ҳадиснинг исноди муттасил эмас. Муҳаммад ибн Иброҳим Таймий – Қайсдан эшитган. Баъзилар эса бу ҳадисни Саъд ибн Саъид, Муҳаммад ибн Иброҳимдан ривоят қилган: **«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам чиқдилар ва Қайсни кўрдилар».**

ИЗОҲ. Ал-Хаттобий «Ал-Маъолим» асарида бундай дейди: «Бомдод намозининг суннатини ўқиш вақти борасида олимлар ихтилоф қилганлар. Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан, у кишининг фарздан кейин суннат қазоси ўқилади, деб айтгани ривоят қилинди. Ато, Товус ва Ибн Журайҳнинг қавли шудир. Баъзилар эса: «Қуёш чиққач, қазони ўқийди», дейди. Ал-Қосим ибн Муҳаммаднинг қавли ва Авзоий, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг мазҳаби (йўли) шудир. Абу Ҳанифа ва у зотнинг биродарлари эса бундай дейдилар: «Хоҳласа, бу икки ракъатнинг қазосини қуёш юксалгач, ўқийди. Агар ўқимаса, бошқа нарса лозим бўлмайди. Чунки бу суннатдир». Имом Молик: «Чоштгоҳ вақтидан завол вақтига қадар қазосини ўқийди, заволдан кейин ўқимайди», дейди.

314-БОБ. ҚУЁШ ЧИҚҚАНДАН КЕЙИН БОМДОД НАМОЗИНИНГ СУННАТИНИ ЎҚИМОҚ

٤٢٣ – حَدَّثَنَا عُقْبَةُ بْنُ مُكْرَمٍ الْعَمِّيُّ [الْبَصْرِيُّ][٢]، حَدَّثَنَا عَمْرُو بْنُ عَاصِمٍ، حَدَّثَنَا هَمَّامٌ، عَنْ قَتَادَةَ، عَنِ النَّضْرِ بْنِ أَنَسٍ، عَنْ بَشِيرِ بْنِ نَهِيكٍ[٣]، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ لَمْ يُصَلِّ رَكْعَتَيِ الْفَجْرِ، فَلْيُصَلِّهِمَا بَعْدَ مَا تَطْلُعُ الشَّمْسُ».

423. *Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **Кимки бомдод намозининг икки ракъат** (суннат)**ини ўқий олмаса, қуёш чиққанидан кейин ўқиб олсин».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадисни ёлғиз шу важҳдан биламиз.

Ибн Умардан шундай қилгани (қуёш чиққандан кейин бомдод намози суннатининг қазосини ўқигани) ривоят этилган.

Баъзи илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир. Суфён Саврий, Шофиъий, Аҳмад, Исҳоқ ва Ибн Муборакнинг қавли шу. Амр ибн Осим ал-Килобийдан ташқари, бу ҳадисни Ҳаммомдан шу иснод билан ва шу тарзда ривоят қилган бирор кшини билмаймиз.

Қатоданинг Назр ибн Анасдан, Башр ибн Насиҳдан, Абу Ҳурайрадан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан марфуъ тарзда қилган ривояти ушбудир: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Кимки қуёш чиқмасидан олдин бомдод намозининг бир ракъатига улгурса, бомдод намозига улгурган бўлур».**

315-БОБ. ПЕШИН НАМОЗИНИНГ ТЎРТ РАКЪАТЛИК АВВАЛГИ СУННАТИ

٤٢٤- حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ(١)، حَدَّثَنَا أَبُو عَامِرٍ [الْعَقَدِيُّ(٢)]، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ، عَنْ أَبِي إِسْحَقَ، عَنْ عَاصِمِ بْنِ ضَمْرَةَ، عَنْ عَلِيٍّ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي قَبْلَ الظُّهْرِ أَرْبَعًا، وَبَعْدَهَا رَكْعَتَيْنِ.

424. *Али (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам пешиннинг фарзидан олдин тўрт ракъат ва фарзидан кейин икки ракъат** (намоз) **ўқир эдилар».**

Бу борада Оиша ва Умму Ҳабиба (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Алининг ҳадиси ҳасан.

Абу Бакр ал-Аттор, Али ибн Абдуллоҳдан, Яҳё ибн Саъиддан, Суфёндан нақл этиб, бизга баён қилиб берди: «Суфён айтдики: «Ал-Ҳориснинг ривоятига нисбатан Осим ибн Дамроъ ривоятининг устунлигини билар (ва тақдирлар) эдик».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан илм аҳллари кўпчилигининг амали ушбу ҳадис асосидадир. Кишининг пешин фарзидан олдин тўрт ракъат суннат намози ўқимоғи ихтиёр қилинган. Суфён Саврий, Ибн Муборак ва Исҳоқнинг қавли шу.

Баъзи илм аҳллари эса: «Кечки ва кундузги намозлар икки-икки ракъатдир», деди. Ҳар икки раъатни бир-биридан ажратмоқ лозим, деган фикрга эга бўлганлар. Шофиъий ва Аҳмаднинг қавли шу.

316-БОБ. ПЕШИН НАМОЗИНИНГ (ФАРЗДАН) КЕЙИНГИ ИККИ РАКЪАТ СУННАТИ

٤٢٥- حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا إِسْمَعِيلُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ، عَنْ أَيُّوبَ، عَنْ نَافِعٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ قَالَ: صَلَّيْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَكْعَتَيْنِ قَبْلَ الظُّهْرِ وَرَكْعَتَيْنِ بَعْدَهَا.

425. *Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга пешиннинг фарзидан олдин икки ракъат ва фарзидан кейин икки ракъат намоз ўқидим».**

Бу бобда Али ва Оиша (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

317-БОБ. ЎТГАН МАВЗУ
(Пешиннинг суннати)

٤٢٦- حَدَّثَنَا عَبْدُ الْوَارِثِ بْنُ عُبَيْدِ اللَّهِ الْعَنَكِيُّ الْمَرْوَزِيُّ[٤]، أخبرنا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ الْمُبَارَكِ، عَنْ خَالِدٍ الْحَذَّاءِ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ شَقِيقٍ، عَنْ عَائِشَةَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا لَمْ يُصَلِّ أَرْبَعًا قَبْلَ الظُّهْرِ صَلاَّهُنَّ بَعْدَهُ[٥].

426. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди:* **«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам пешин намозининг фарзидан олдин тўрт ракъат намозни ўқий олмасалар, бу тўрт ракъатни фарздан кейин ўқир эдилар».**

Абу Ййсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-ғариб. Буни фақатгина Ибн Муборакнинг шу важҳдан қилган ривоятидан биламиз.

Қайс ибн ар-Робиъ бу ҳадисни Шуъбадан, Холид ал-Ҳаззодан ушбу ҳадисга яқин тарзда ривоят қилган ва Қайс ибн ар-Робиъдан ташқари уни Шуъбадан ривоят қилган бошқа бирор кишини билмаймиз.

Абдурраҳмон ибн Лайлодан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шунга яқин бир ҳадис ривоят қилинган.

٤٢٧- حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، أخبرنا يَزِيدُ بْنُ هَارُونَ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ الشُّعَيْثِيِّ، عَنْ أَبِيهِ[٤]، عَنْ عَنْبَسَةَ بْنِ أَبِي سُفْيَانَ، عَنْ أُمِّ حَبِيبَةَ، قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**مَنْ صَلَّى قَبْلَ الظُّهْرِ أَرْبَعًا[٥] وَبَعْدَهَا أَرْبَعًا[٦] ؛ حَرَّمَهُ اللَّهُ عَلَى النَّارِ**».

427. *Умму Ҳабиба (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки пешиннинг фарзидан олдин тўрт ракъат ва фарзидан кейин тўрт ракъат намоз ўқиса, Аллоҳ уни жаҳаннам олови учун ҳаром қилгайдир».**

Абу Ййсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

٤٢٨- [١] حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرٍ مُحَمَّدُ بْنُ إِسْحَقَ الْبَغْدَادِيُّ[٢]، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ يُوسُفَ التِّنِّيسِيُّ [الشَّامِيُّ[٣]]، حَدَّثَنَا الْهَيْثَمُ بْنُ حُمَيْدٍ[٤]، أَخْبَرَنِي الْعَلاَءُ [هُوَ[٥]] ابْنُ الْحَارِثِ، عَنِ الْقَاسِمِ أَبِي عَبْدِ الرَّحْمَنِ[٦]، عَنْ عَنْبَسَةَ بْنِ أَبِي سُفْيَانَ، قَالَ: سَمِعْتُ أُخْتِي أُمَّ حَبِيبَةَ زَوْجَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَقُولُ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ[٧] : «**مَنْ حَافَظَ عَلَى أَرْبَعِ رَكَعَاتٍ قَبْلَ الظُّهْرِ وَأَرْبَعٍ[٨] بَعْدَهَا، حَرَّمَهُ اللَّهُ عَلَى النَّارِ**».

428. *Анбаса ибн Абу Суфёндан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жуфти ҳалоллари бўлмиш эгачим Умму Ҳабибадан эшитдим; айтадики: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бундай деганларини эшитдим: «Кимки пешиннинг фарзидан олдин тўрт ракъат ва фарзидан кейин тўрт ракъат намозда бардавом бўлса, Аллоҳ уни жаҳаннам олови учун ҳаром қилгайдир».**[74]

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ушбу важҳдан ҳасан-саҳиҳ-ғариб.

Ал-Қосим – Абдурраҳмоннинг ўғли. Куняси – Абу Абдурраҳмон. Ўзи Абрурраҳмон ибн Холид ибн Язид ибн Муъовиянинг мавлоси (озод этилган қули)дир. Шом (шаҳри)дан бўлиб, сиқа (ишончли) кишидир. У Абу Умоманинг биродари бўлади.

318-БОБ. АСРНИНГ ФАРЗИДАН АВВАЛГИ ТЎРТ РАКЪАТ НАМОЗ

٤٢٩ – حَدَّثَنَا بُنْدَارٌ مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ[٣]، حَدَّثَنَا أَبُو عَامِرٍ هُوَ الْعَقَدِيُّ عَبْدُ الْمَلِكِ بْنُ عَمْرٍو[٤]، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ، عَنْ أَبِي إِسْحَقَ، عَنْ عَاصِمِ بْنِ ضَمْرَةَ، عَنْ عَلِيٍّ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي قَبْلَ الْعَصْرِ أَرْبَعَ رَكَعَاتٍ يَفْصِلُ بَيْنَهُنَّ بِالتَّسْلِيمِ عَلَى الْمَلَائِكَةِ الْمُقَرَّبِينَ، وَمَنْ تَبِعَهُمْ مِنَ الْمُسْلِمِينَ وَالْمُؤْمِنِينَ.

429. *Ҳазрати Али (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам асрнинг фарзидан олдин тўрт ракъат намоз ўқир эдилар ва бу тўрт ракъатнинг орасини малоикаи муқаррабийнга ҳамда мусулмонлардан ва мўъминлардан уларга тобеъ бўлганларга салом бериш билан ажратар эдилар».**

Бу бобда Ибн Умар ва Абдуллоҳ ибн Амр (розийаллоҳу анҳум) дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Али (розийаллоҳу анҳу)нинг ҳадиси ҳасан.

Исҳоқ ибн Иброҳим шу ҳадисга таяниб, асрнинг фарзидан олдинги тўрт ракъат намоз бир салом билан ўқилмоғини ихтиёр этган. **«Орасини... салом бериш билан ажратар эдилар» дейилганда ташаҳҳудни қасд этмоқда.**

Шофиъий ва Аҳмаднинг фикри: Кечки ва кундузги (нафл) намозлар – икки ракъат-икки ракъатдандир.[75] Шу сабабдан фаслни (икки салом билан ўқишни) ихтиёр этадилар.

---

[74] Пешиннинг фарзидан кейинги икки ракъат суннатга икки ракъат қўшиб, тўрт ракъат қилиб ўқиш Ҳанафий мазҳабида мустаҳабдир.

[75] Бу Ибн Умардан (розийаллоҳу анҳумо) марфуъ тарзда ривоят қилинган бир ҳадисдир. Бу ҳадис Имом Бухорий ва Имом Муслимда бўлиб, унда «кундузги» деган қайд йўқ.

ИЗОҲ. Имоми Аъзам (раҳматуллоҳи алайҳ): «Хоҳ тунги нафл, хоҳ кундузги нафл бўлсин, тўрт ракъатни бир салом билан ўқиш афзал. Икки ракъатда салом бериш ҳам жоиз», дейдилар. Севикли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кундузи тўрт ракъатлик нафлларни ҳамиша бир салом билан ўқиганлари собитдир, гоҳо асрдан олдин ҳам тўрт ракъатни бир салом билан ўқир эдилар. Шу сабабдан бу афзалдир *(«Шайх Болоннурий: «Туҳфатул-алмаъий»)*

٤٣٠- حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ مُوسَى [وَمَحْمُودُ بْنُ غَيْلَانَ(٤)] وَأَحْمَدُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ [الدَّوْرَقِي(٥)] وَغَيْرُ وَاحِدٍ، قَالُوا: حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ الطَّيَالِسِيُّ، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ مُسْلِمِ بْنِ مِهْرَانَ، سَمِعَ(٦) جَدَّهُ(٧)، عَنِ ابْنِ عُمَرَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «رَحِمَ اللَّهُ امْرَأً صَلَّى قَبْلَ الْعَصْرِ أَرْبَعًا».

430. *Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Асрнинг фарзидан олдин тўрт ракъат намоз ўқиган кишини Аллоҳ раҳматига олгай!»**[76]

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

319-БОБ. ШОМНИНГ ФАРЗИДАН КЕЙИНГИ ИККИ РАКЪАТ НАМОЗ ВА БУ ИККИ РАКЪАТДАГИ ҚИРОАТ

٤٣١- حَدَّثَنَا [أَبُو مُوسَى(٢)] مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى، حَدَّثَنَا بَدَلُ بْنُ الْمُحَبَّرِ(٣)، حَدَّثَنَا عَبْدُ الْمَلِكِ بْنُ مَعْدَانَ(٤)، عَنْ عَاصِمِ بْنِ بَهْدَلَةَ، عَنْ أَبِي وَائِلٍ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ أَنَّهُ قَالَ: مَا أُحْصِي مَا سَمِعْتُ [من(٥)] رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقْرَأُ فِي الرَّكْعَتَيْنِ بَعْدَ الْمَغْرِبِ، وَفِي الرَّكْعَتَيْنِ قَبْلَ صَلَاةِ الْفَجْرِ بِقُلْ يَا أَيُّهَا الْكَافِرُونَ، وَقُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ.

431. *Абдуллоҳ ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шомнинг фарзидан кейинги икки ракъатда ва бомдод намозининг фарзидан олдинги икки ракъатда «Қул йаа аййуҳал кафирун» билан «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни ўқиганларини неча марталаб эшитганман – ҳисобига ета олмайман».**

Бу бобда Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Масъуднинг ҳадиси – Ибн Масъуднинг ривояти сифатида ғариб. Бу ҳадисни Абдулмалик ибн Маъданнинг Осимдан қилган ривоятидан биламиз.

[76] Бундаги «роҳима» (раҳмат қилгай) ибораси дуо ёки хушхабар бўлиши эҳтимолдир. Шунинг учун: «Аллоҳ раҳматига олгай» деб таржима қилинди.

320-БОБ. ШОМНИНГ ФАРЗИДАН КЕЙИНГИ ИККИ РАКЪАТЛИК СУННАТИ УЙДА ЎҚИЛМОҒИ

٤٣٢- حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا إِسْمَعِيلُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ، عَنْ أَيُّوبَ، عَنْ نَافِعٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ قَالَ: صَلَّيْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَكْعَتَيْنِ بَعْدَ الْمَغْرِبِ فِي بَيْتِهِ.

432. *Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан шомнинг фарзидан кейин у зотнинг уйларида икки ракъат намоз ўқидим».**

Бу бобда Рофиъ ибн Ходиж ва Каъб ибн Ужра (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

٤٣٣- حَدَّثَنَا الْحَسَنُ بْنُ عَلِيٍّ الْحُلْوَانِيُّ [الْخَلَّالُ(٢)]، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ، أَخبرنا مَعْمَرٌ، عَنْ أَيُّوبَ، عَنْ نَافِعٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ قَالَ: حَفِظْتُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَشْرَ رَكَعَاتٍ كَانَ يُصَلِّيهَا بِاللَّيْلِ وَالنَّهَارِ: رَكْعَتَيْنِ قَبْلَ الظُّهْرِ، وَرَكْعَتَيْنِ بَعْدَهَا، وَرَكْعَتَيْنِ بَعْدَ الْمَغْرِبِ، وَرَكْعَتَيْنِ بَعْدَ الْعِشَاءِ الآخِرَةِ. قَالَ: وَحَدَّثَتْنِي حَفْصَةُ أَنَّهُ كَانَ يُصَلِّي قَبْلَ الْفَجْرِ رَكْعَتَيْنِ.

433. *Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кечаси ва кундузи ўқиб борган ўн ракъат намозни** (ҳамиша) **сақладим** (мунтазам ўқиб юрдим)**: пешиннинг фарзидан олдин икки ракъат ва фарзидан кейин икки ракъат, шомнинг фарзидан кейин икки ракъат, хуфтоннинг фарзидан кейин икки ракъат». Ва ниҳоят, айтдиларки: «Ҳафса** (опам) **менга: «У зот бомдоднинг фарзидан олдин икки ракъат намоз ўқир эдилар», деб ҳадис баён қилди».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

٤٣٤- حَدَّثَنَا الْحَسَنُ بْنُ عَلِيٍّ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ، أخبرنا مَعْمَرٌ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ سَالِمٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مِثْلَهُ.

434. *Ҳасан ибн Али бизга Абдурраззоқдан, Маъмардан, Аз-Зуҳрийдан, Солимдан, Ибн Умар (розийаллоҳу анҳум)дан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан баён қилди... Айнан ўтган ҳадис.*

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

321-БОБ. ШОМНИНГ ФАРЗИДАН КЕЙИН ОЛТИ РАКЪАТ НАФЛ НАМОЗИ ЎҚИШНИНГ ФАЗИЛАТИ

٤٣٥ – حَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ [يَعْنِي[٦]] [مُحَمَّدُ بْنُ الْعَلاَءِ[٧]] [الْهَمْدَانِيُّ[٦]]، حَدَّثَنَا زَيْدُ بْنُ الْحُبَابِ[٨]، حَدَّثَنَا عُمَرُ بْنُ أَبِي خَثْعَمٍ، عَنْ يَحْيَى بْنِ أَبِي كَثِيرٍ، عَنْ أَبِي سَلَمَةَ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ صَلَّى بَعْدَ الْمَغْرِبِ سِتَّ رَكَعَاتٍ لَمْ يَتَكَلَّمْ فِيمَا بَيْنَهُنَّ بِسُوءٍ، عُدِلْنَ[١] لَهُ بِعِبَادَةِ ثِنْتَيْ عَشْرَةَ سَنَةً».

435. *Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Кимки шом намозидан кейин олти ракъат намоз ўқиса ва орасида ёмон сўз гапирмаса, бу олти ракъат у киши учун ўн икки йиллик ибодатга баробар қилинур».**

Оиша (розийаллоҳу анҳо) воситаси билан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бундай деб ривоят қилинган: **«Кимки шом намозидан кейин йигирма ракъат намоз ўқиса, Аллоҳ унга жаннатдан бир уй бино қилгайдир».**

Абу Ийсо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси ғариб. Уни ёлғиз Зайд ибн ал-Ҳубобнинг Умар ибн Абий Хосъамдан қилган ривоятидан биламиз.

Муҳаммад ибн Исмоъийл (ал-Бухорий)дан эшитдим, айтдики: «Умар ибн Абдуллоҳ ибн Аби Хосъамнинг ривояти – мункар».

Муҳаммад ибн Исмоъийл (ал-Бухорий) уни жуда заиф деб билади.

322-БОБ. ХУФТОН(НИНГ ФАРЗИ)ДАН КЕЙИНГИ ИККИ РАКЪАТ НАМОЗ

٤٣٦ – حَدَّثَنَا أَبُو سَلَمَةَ يَحْيَى بْنُ خَلَفٍ، حَدَّثَنَا بِشْرُ بْنُ الْمُفَضَّلِ، عَنْ خَالِدٍ الْحَذَّاءِ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ شَقِيقٍ، قَالَ: سَأَلْتُ عَائِشَةَ عَنْ صَلاَةِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ[٥]، فَقَالَتْ: كَانَ يُصَلِّي[٦] قَبْلَ الظُّهْرِ رَكْعَتَيْنِ، وَبَعْدَهَا رَكْعَتَيْنِ، وَبَعْدَ الْمَغْرِبِ ثِنْتَيْنِ، وَبَعْدَ الْعِشَاءِ رَكْعَتَيْنِ، وَقَبْلَ الْفَجْرِ ثِنْتَيْنِ[٧].

436. *Абдуллоҳ ибн Шақиқдан ривоят қилинди; айтди:* **«Ҳазрати Оиша** (розийаллоҳу анҳо)**дан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намозлари ҳақида сўрадим. Шунда айтдилар: «У зот пешин**(нинг фарзи)**дан олдин икки ракъат ва ундан кейин икки ракъат, шом**(нинг фарзи)**дан кейин икки ракъат, хуфтон**(нинг

фарзи)**дан кейин икки ракъат ҳамда бомдод**(нинг фарзи)**дан олдин икки ракъат намоз ўқир эдилар».**

Бу бобда ҳазрати Али ва Ибн Умардан (розийаллоҳу анҳумо) ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абдуллоҳ ибн Шақиқ Оиша (онамиз)дан ривоят қилган ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

323-БОБ. ТУНГИ (ТАҲАЖЖУД) НАМОЗ(И) ИККИ РАКЪАТ-ИККИ РАКЪАТДАН ЭКАНЛИГИ

٤٣٧ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا اللَّيْثُ، عَنْ نَافِعٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ: «صَلَاةُ اللَّيْلِ مَثْنَى مَثْنَى[٢]، فَإِذَا خِفْتَ[٣] الصُّبْحَ، فَأَوْتِرْ بِوَاحِدَةٍ، وَاجْعَلْ آخِرَ صَلَاتِكَ وِتْرًا».

437. *Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Тунги намоз икки ракъат-икки ракъатдандир. Тонг отиб қолишидан қўрқсанг, бир ракъат витр ўқиб, намозингнинг охирини витр** (тоқ) **қилгин».**

Бу бобда Амр ибн Абаса (розийаллоҳу анҳу)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир: Тунги намоз икки ракъат-икки ракъатдандир. Суфён Саврий, Ибн Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

ИЗОҲ. «Таҳажжуд намозида ҳар икки ракъатда салом бериш – бу масалами ёки енгиллик учун айтилганми? Имом Абу Ҳанифа: «Бу масала эмас, таҳажжудда енгиллик учун айтилган», дейдилар.

Масала шуки, нафлларда икки ракъатда салом бериш авломи ёки тўрт ракъатдами? Имом Шофиъий ва Имом Аҳмад: «Хоҳ туннинг нафли, хоҳ кундузининг нафли бўлсин, икки ракъатда салом бериш авло. Агар тўрт ракъатда салом берса, ҳам жоиз. Албатта, икки ракъатда салом бериш авлодир», дейдилар.

Имом Молик эса: «Кечаси бир салом билан тўрт ракъат ўқиш жоиз эмас, аммо авло шуки, икки ракъатда салом берсин ва тўрт ракъатда салом бериш ҳам жоиз», дейдилар

Соҳибайн (Имом Абу Юсуф билан Имом Муҳаммад): «Кечаси икки ракъатда салом бериш авло ва кундузи тўрт ракъатда салом бериш афзал», дейдилар.

Имоми Аъзам айтадиларки: «Хоҳ тунги нафл, хоҳ кундузги нафл бўлсин, тўрт ракъатни бир салом билан ўқиш афзал. Икки ракъатда салом бериш ҳам жоиздир».

Имоми Аъзамнинг иккита далили бор. **Биринчи,** кундузи ўқиладиган фарз намозлари: пешин, аср ва кечки фарз намози – хуфтон ҳам тўрт ракъатлидир. Фарзлар авло бўлмаган кўринишда бўлмайди, янада яхшироқ ҳолатдагина бўлади. **Иккинчи,** севикли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кундузи тўрт ракъатлик нафлларни ҳамиша бир салом билан ўқиганлари собитдир. Пешин намозининг аввалги тўрт ракъатини ҳам, гоҳо асрдан олдин ҳам тўрт ракъатни бир салом билан ўқир эдилар.

Шу сабабдан бу афзалдир, кечки нафллар кундузги нафлларга қиёс қилинади, бас, тунги нафлларда ҳам тўрт ракъатда бир салом бериш афзалдир. Севикли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг:

صلوة الليل مثنى مثنى

«Тунги намозлар икки ракъат-икки ракъатдандир» деган сўзлари масала эмас, маслаҳатдир, ишнинг салоҳи учундир, бу таҳажжуд ўқувчилар учун бир енгилликдир.

Саҳобалар (розийаллоҳу анҳум ажмаъийн) таҳажжуд намозини жуда узоқ ўқир эдилар, агар тўрт ракъатга боғлаб олсалар, чарчаб қолардилар. Шунинг учун айтдиларки: «Икки ракъатга ният қилиб, узиб ўқийверинглар. Сўнг салом бериб, озгина оёққа дам беринглар. Кейин бошқа икки ракъатга ният боғланглар». Киши худди шундай намоз ўқийдиган бўлса, чарчамайди.

Бундай суратда мужтаҳид имомга эргашишдан бошқа йўл йўқ.

Ҳадиснинг иккинчи қисми:

إذا خفت الصبح فأوتر بركعة

Яъни: «Субҳи содиқ бўлиб қолибди, деб қўрқсангиз, намозни тоқ қилинг», дедилар. Бунинг матлаби нима? Уч имом: икки ракъатда салом бериб, яна бир ракъат ўқиб ол, дейдилар. Хуллас, улар икки ракъатда бир салом бериб, яна бир ракъатда алоҳида салом беришни уқтирадилар.

Ҳанафийлар айтадиларки: ҳадисда матлаб бу эмас, балки, мазмун шуки, вақтики субҳ бўлиб қолмоғидан қўрқсанг, энди икки ракъатга ният боғлама, балки уч ракъатга ният боғла ва икки ракъатга учинчи ракъатни ҳам қўшгил. Бундан аввалги ракъатлар жуфт-жуфт бўлса, энди охирги ракъатлар тоқ бўлсин.

Ҳанафийлар наздида бу ҳадиснинг мазмуни бундай бўлишининг сабаби, «Насоийи шариф»да саҳиҳ санад билан ҳазрат Оиша онамиз розийаллоҳу анҳодан бундай ҳадис ривоят қилинади: **«Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам витрларнинг икки ракъатида салом бермас эдилар».** Ушбу ҳадис равшанлигида бошқа ҳадисларнинг мазмунини тушундилар.

Ҳанафийлар наздида: أوتر بركعة – **«Бир ракъатнинг воситасида намозингни тоқ қил»**, деган сўзнинг мазмуни шуки, бу: бир ракъат қўшилиши туфайли аввалги ракъатларинг тоқ бўлсин, деганидир» *(Шайх Болонпурий: «Туҳфатул-алмаъий»).*

324-БОБ. ТУНГИ (ТАҲАЖЖУД) НАМОЗНИНГ ФАЗИЛАТИ

٤٣٨ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا أَبُو عَوَانَةَ، عَنْ أَبِي بِشْرٍ، عَنْ حُمَيْدِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الْحِمْيَرِيِّ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَفْضَلُ الصِّيَامِ بَعْدَ شَهْرِ[1] رَمَضَانَ؛ شَهْرُ اللَّهِ الْمُحَرَّمُ، وَأَفْضَلُ الصَّلَاةِ بَعْدَ الْفَرِيضَةِ؛ صَلَاةُ اللَّيْلِ».

438. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Рамазон ойидан кейинги рўзанинг энг афзали Аллоҳнинг ойи бўлмиш Муҳаррам** (рўзаси)**дир ва фарздан кейинги намознинг энг афзали тунги** (таҳажжуд) **намоздир».**

Бу бобда Жобир, Билол ва Абу Умома (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Йисо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси ҳасан.

Абу Бишрнинг исми – Жаъфар ибн Иёс. Жаъфар ибн Ваҳшия ҳам ўшадир.

325-БОБ. ПАЙҒАМБАР СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМНИНГ ТУНГИ (ТАҲАЖЖУД) НАМОЗЛАРИ ТАВСИФИ

٤٣٩ – حَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ مُوسَى الْأَنْصَارِيُّ، حَدَّثَنَا مَعْنٌ، حَدَّثَنَا مَالِكٌ[7]، عَنْ سَعِيدِ بْنِ أَبِي سَعِيدٍ الْمَقْبُرِيِّ، عَنْ أَبِي سَلَمَةَ، أَنَّهُ [أَخْبَرَهُ، أَنَّهُ[8]] سَأَلَ عَائِشَةَ: كَيْفَ كَانَتْ صَلَاةُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِاللَّيْلِ[9] فِي رَمَضَانَ ؟ فَقَالَتْ مَا كَانَ النبي صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَزِيدُ فِي رَمَضَانَ وَلَا فِي غَيْرِهِ عَلَى إِحْدَى عَشْرَةَ رَكْعَةً[1] ؛ يُصَلِّي أَرْبَعًا. فَلَا تَسْأَلْ عَنْ حُسْنِهِنَّ وَطُولِهِنَّ، ثُمَّ يُصَلِّي أَرْبَعًا فَلَا تَسْأَلْ عَنْ حُسْنِهِنَّ وَطُولِهِنَّ[2]، ثُمَّ يُصَلِّي ثَلَاثًا، فَقَالَتْ عَائِشَةُ: فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَتَنَامُ قَبْلَ أَنْ تُوتِرَ؟، فَقَالَ:«يَا عَائِشَةُ، إِنَّ عَيْنَيَّ تَنَامَانِ وَلَا يَنَامُ قَلْبِي».

439. *Абу Саламадан ривоят қилинди;* **У киши ҳазрати Оиша** (розийаллоҳу анҳо)**дан сўради: «Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва салламнинг Рамазон кечаларидаги намозлари қандай эди?» Шунда Оиша** (онамиз) **айтдилар: «Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам на Рамазон ва на бошқа ойларда ўн бир ракъатдан оширмас эдилар.** (Аввал) **тўрт ракъат ўқир эдиларки, унинг гўзаллигини ва узунлигини асти сўрама! Кейин** (яна) **тўрт ракъат ўқир эдиларки, унинг** (ҳам) **гў-**

заллигини ва узунлигини асти сўрама![77] Кейин уч ракъат ўқир эдилар». Оиша (онамиз) **айтдилар: «Бир куни: «Ё Расулаллоҳ, витрни ўқимасдан олдин ухлайсизми?» дедим. Шунда** (Расули Акрам)**: «Ё Оиша! Менинг кўзларим ухлайди-ю, қалбим ухламайди» деб жавоб бердилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

٤٤٠ – حَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ مُوسَى الأَنْصَارِيُّ، حَدَّثَنَا مَعْنٌ [بْنُ عِيسَى[٤]]، حَدَّثَنَا مَالِكٌ، عَنِ ابْنِ شِهَابٍ، عَنْ عُرْوَةَ، عَنْ عَائِشَةَ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يُصَلِّي مِنَ اللَّيْلِ إِحْدَى عَشْرَةَ رَكْعَةً، يُوتِرُ مِنْهَا بِوَاحِدَةٍ، فَإِذَا[٥] فَرَغَ مِنْهَا[٦] اضْطَجَعَ عَلَى شِقِّهِ الأَيْمَنِ.

440. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилади:* **«Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам тунда ўн бир ракъат намоз ўқир эдилар ва булардан биттасини витр** (тоқ) **қилар эдилар. Намоздан фориғ бўлгач, ўнг томонларига ёнбошлаб ётар эдилар».**

٤٤١ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، عَنْ مَالِكٍ[٧]، عَنِ ابْنِ شِهَابٍ: نَحْوَهُ.

441. *Қутайба – Моликдан, Ибн Шиҳобдан нақл этиб, бизга баён қилди: айнан ўтган ҳадис.*

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

326-БОБ. ЎТГАН МАВЗУ
(Таҳажжуд намози)

٤٤٢ – حَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ، [قَالَ[٢]]: حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنْ شُعْبَةَ، عَنْ أَبِي جَمْرَةَ [الضُّبَعِيِّ[٣]]، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي مِنَ اللَّيْلِ[٤] ثَلاَثَ عَشْرَةَ [رَكْعَةً[٥]].

442. *Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам кечалари ўн уч ракъат намоз ўқир эдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

327-БОБ. ЯНА ЎТГАН МАВЗУ
(Таҳажжуд намози)

٤٤٣ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا أَبُو الأَحْوَصِ، عَنِ الأَعْمَشِ، عَنْ إِبْرَاهِيمَ، عَنِ الأَسْوَدِ بْنِ يَزِيدَ[١١]، عَنْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي مِنَ اللَّيْلِ تِسْعَ رَكَعَاتٍ.

---

[77] «Гўзаллигини ва узунлигини асти сўрама!» – дейиш билан бу ракъатларни ғоят чиройли ва узун ўқиганларини таъкидламоқчи бўлганлар.

443. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам кечалари тўққиз ракъат намоз ўқир эдилар».**

Бу бобда Абу Ҳурайра, Зайд ибн Холид ва Ал-Фазл ибн Аббос (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Оиша (онамиз)нинг ҳадиси бу важҳдан ғариб.

٤٤٤ – وَرَوَاهُ سُفْيَانُ الثَّوْرِيُّ، عَنِ الأَعْمَشِ نَحْوَ هَذَا، حَدَّثَنَا بِذَلِكَ[٤] مَحْمُودُ بْنُ غَيْلاَنَ، حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ آدَمَ، عَنْ سُفْيَانَ، عَنِ الأَعْمَشِ.

444. *Суфён Саврий бу ҳадисни Ал-Аъмашдан ўхшаш тарзда ривоят қилган. Маҳмуд ибн Ғайлон бу ҳадисни бизга Яҳё ибн Одамдан, Суфёндан, Ал-Аъмашдан нақлан баён қилди.*

Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва салламнинг тунги намозлари ҳақидаги ривоятларнинг кўпи витр билан бирга ўн уч ракъат ва у кишининг тунги намозларининг энг оз деб тавсиф этилган миқдори тўққиз ракъатдир.

328-БОБ. УЙҚУ ҒОЛИБ КЕЛИБ ТУНГИ (ТАҲАЖЖУД) НАМОЗИНИ ЎҚИЙ ОЛМАЙ ҚОЛСА, УНИ КУНДУЗИ ЎҚИБ ОЛМОҚ ҲАҚИДА

٤٤٥ – **حَدَّثَنَا** قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا أَبُو عَوَانَةَ، عَنْ قَتَادَةَ، عَنْ زُرَارَةَ بْنِ أَوْفَى[٩]، عَنْ سَعْدِ بْنِ هِشَامٍ، عَنْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا لَمْ يُصَلِّ مِنَ اللَّيْلِ مَنَعَهُ مِنْ ذَلِكَ النَّوْمُ، أَو غَلَبَتْهُ عَيْنَاهُ، صَلَّى مِنَ النَّهَارِ ثِنْتَيْ[١٠] عَشْرَةَ رَكْعَةً.

445. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Набий соллалоҳу алайҳи ва саллам баъзан кўзларига уйқу ғолиб келиб ёки ухлаб қолиб тунги** (таҳажжуд) **намозларини ўқиёлмай қолсалар, кундузи ўн икки ракъат ўқир эдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан саҳиҳ.

حَدَّثَنَا عَبَّاسٌ[٤] [هُوَ ابْنُ عَبْدِ الْعَظِيمِ[٥] الْعَنْبَرِيُّ]، حَدَّثَنَا عَتَّابُ بْنُ الْمُثَنَّى[٦]، عَنْ بَهْزِ بْنِ حَكِيمٍ، قَالَ: كَانَ زُرَارَةُ بْنُ أَوْفَى قَاضِيَ الْبَصْرَةِ، وَكَانَ يَؤُمُّ [فِي][٧] بَنِي قُشَيْرٍ[٨]، فَقَرَأَ يَوْمًا فِي صَلاَةِ الصُّبْحِ: ﴿ فَإِذَا نُقِرَ فِي النَّاقُورِ فَذَلِكَ يَوْمَئِذٍ يَوْمٌ عَسِيرٌ[٩]﴾ خَرَّ مَيِّتًا، فَكُنْتُ فِيمَنِ احْتَمَلَهُ إِلَى دَارِهِ[١٠].

Баҳз ибн Ҳакимдан ривоят қилинди; айтди: **«Зурора ибн Авфа Басра қозиси бўлиб, Бани Қушайр қавмига имомлик қилиб намоз ўқиб берар эди. Бир куни бомдод намозида: «Қачон** (Қиёмат хабарини бериб) **бурғу чалинганида, бас, ана ўша Кун оғир кундир»**[78] **оятини ўқиши билан ўлган ҳолда ерга қулаб тушди. У кишини**(нг жасадини) **уйига кўтариб борганлар орасида мен ҳам бор эдим».**

Саъд ибн Ҳишом – Омир ал-Ансорийнинг ўғли. Ҳишом ибн Омир эса Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидандир.

ИЗОҲ. «Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам таҳажжуд намозининг қазосини кундузи адо этишлари бу намоз ўзларига фарз бўлгани сабаблидир. Ё умматга таълим бермоқ учун бўлур» *(«Шамоили Муҳаммадия», Саййид Маҳмуд Торозий изоҳи.)*

329-БОБ. ИСМИ УЛУҒ ВА ШОНИ ЮКСАК АЛЛОҲ ТАЪОЛОНИНГ ҲАР КЕЧА ДУНЁ ОСМОНИГА «ТУШМОҒИ»

٤٤٦ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا يَعْقُوبُ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الإِسْكَنْدَرَانِيُّ، عَنْ سُهَيْلِ بْنِ أَبِي صَالِحٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «يَنْزِلُ اللَّهُ إِلَى السَّمَاءِ الدُّنْيَا كُلَّ لَيْلَةٍ حِينَ يَمْضِي ثُلُثُ اللَّيْلِ الأَوَّلُ[٤]، فَيَقُولُ: أَنَا الْمَلِكُ، مَنْ ذَا الَّذِي يَدْعُونِي فَأَسْتَجِيبَ[٥] لَهُ، مَنْ ذَا الَّذِي يَسْأَلُنِي فَأُعْطِيَهُ، مَنْ ذَا الَّذِي يَسْتَغْفِرُنِي فَأَغْفِرَ لَهُ؛ فَلاَ يَزَالُ كَذَلِكَ حَتَّى يُضِيءَ الْفَجْرُ[٦]».

446. *Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳа)дан ривоят қилинди;* Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Аллоҳ таборак ва таъло ҳар кеча – туннинг илк учдан бир қисми ўтганида дунё осмонига тушади ва бундай дейди: «Мен Маликдурман** (Шаҳаншоҳдурман)**! Менга дуо қилувчи борми, уни ижобат қилсам; Мендан сўрагувчи борми, сўраганини ато этсам, Мендан мағфират тилагувчи борми, Мен уни мағфират қилсам!» Ва то тонг отгунча шундоқ давом этади».**

Бу бобда Али ибн Абу Толиб, Абу Саъид, Рифоъ ал-Жуҳаний, Жубайр ибн Мутъим, Ибн Масъуд, Абуд-Дардо ва Усмон ибн Абу Аббос (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Бу ҳадис бир қанча важҳлардан Абу Ҳурайра орқали Пайғамбар соллалоҳу алайҳи ва салламдан бундоқ ҳам ривоят қилинган: **«Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таборак**

[78] Муддассир сураси, 8-9-оятлар.

ва таъоло ҳар кеча туннинг охирги учдан бир қисми қолганида дунё осмонига «тушади».

Ривоятларнинг энг саҳиҳи шудир.

ШАРҲ. «Тушади» сўзининг маъноси хусусида ихтилоф қилинди. Айримлар бу сўзни зоҳир маъносига қараб, оддий тушиш деб қабул қилдилар. Булар «Мушаббиҳа» ёки «Мужассима» тоифасидирки, Аллоҳ таъоло уларнинг даъвосидан муназзаҳдир. Айримлар эса бу ўртада ворид бўлган ҳадислар саҳиҳ эмас, деб иддао этадиган даражада ҳаддан ошганлар. Булар хавориж ва мўътазила фирқаларидир.

Баъзилар бу ҳадисни таъвил қилганлар. Баъзилари эса Аллоҳ таъолони ташбиҳ (ўхшатиш) ва кайфиятдан муназзаҳ қилиб (поклаб) «нузул»га ҳадисда ворид бўлган тарзда иймон келтирдилар. Салафи солиҳийн йўли мана шудир.

Байҳақий тўртта имомнинг – икки Ҳаммод, икки Суфён, Авзоий, Лайс ва яна бошқаларнинг йўли шу эканини айтади. Шуни таъкидлаш керакки, агар «тушмоқ» дегани ҳаракат билан ва бир ҳолдан бошқа бир ҳолга кўчиш йўли билан бўлса, (яъни шундай деб тушунилса), буни Аллоҳ таъоло ҳақида айтиш мумкин эмас. Шу эътибор билан ҳадисда келган «нузул», яъни тушмоқ сифатига ташбиҳсиз ва кайфиятсиз тарзда ишонмоғимиз лозим.

«Аллоҳ таъоло кайфият, жинсият, ҳол, аҳвол, кулмоқ, қайғурмоқ, табассум, хурсандлик, қадар, севинч, ҳузн-маҳзунлик, изтироб чекмоқ ва аччиғланмоқ сингари нарсалар билан сифатланмайди. Келмоқ, кетмоқ, олдинга ёки орқага бормоқ, тегмоқ -туташмоқ, айрилмоқ, тўпланмоқ ва тарқалмоқ каби нарсалар билан Аллоҳни тавсиф этиб бўлмайди. Тушмоқ, чиқмоқ, бир жойда қарор қилмоқ, ўтирмоқ, турмоқ, ётмоқ, ҳаракат қилмоқ, сокин бўлмоқ, ортмоқ, камаймоқ, каттармоқ, кичраймоқ каби ифодалар билан ҳам Аллоҳни сифатлаб бўлмайди» *(«Аҳмад Зиёуддин Кумушхонавий, «Жомиъул-мутун»: «Аҳли суннат ақоиди», «Аллоҳ таъолонинг танзиҳий сифатлари», 34-саҳифа).*

330-БОБ. КЕЧАСИ ҚИРОАТ ҚИЛМОҚ

٤٤٧ – حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلاَنَ، حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ إِسْحَقَ هُوَ [السَّالَحِينِيُّ][٩]، حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ سَلَمَةَ، عَنْ ثَابِتٍ [الْبُنَانِيِّ][١٠]، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ رَبَاحٍ[١١] الأَنْصَارِيِّ، عَنْ أَبِي قَتَادَةَ، أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لأَبِي بَكْرٍ: «**مَرَرْتُ بِكَ وَأَنْتَ تَقْرَأُ وَأَنْتَ تَخْفِضُ مِنْ**[١٢] **صَوْتِكَ**»، فَقَالَ: إِنِّي أَسْمَعْتُ مَنْ نَاجَيْتُ، قَالَ: «**ارْفَعْ قَلِيلاً**»، وَقَالَ لِعُمَرَ: «**مَرَرْتُ بِكَ وَأَنْتَ**[١] **تَقْرَأُ وَأَنْتَ تَرْفَعُ صَوْتَكَ**»، قَالَ: إِنِّي أُوقِظُ الْوَسْنَانَ، وَأَطْرُدُ الشَّيْطَانَ، قَالَ: «**اخْفِضْ قَلِيلاً**».

447. *Абу Қатода (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллалоҳу алайҳи ва саллам Абу Бакр** (розийаллоҳу анҳу)**га: «Сизни кузатдимки, овозингизни паст чиқариб қироат қилурсиз», дедилар.** (Ҳазрати) **Абу Бакр: «Муҳаққақ, мен муножот қилаётган Зот менинг овозимни эшитур», дедилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Овозингизни бир оз баландроқ кўтаринг!» дедилар. Яна Умар** (розийаллоҳу анҳу)**га айтдилар: «Сизни кўрдимки, овозингизни баланд кўтариб қироат қилурсиз». Шунда** (Ҳазрати) **Умар: «Муҳаққақ, мен ухлаганларни уйғотурман ва шайтонни қуварман», дедилар.** (Пайғамбар соллалоҳу алайҳи ва саллам у кишига)**: «Бир оз пастроқ қилинг», дедилар.**

Бу бобда Оиша, Умму Ҳониъ, Анас, Умму Салама ва Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинди.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ғариб. Уни ёлғиз Яҳё ибн Исҳоқ, Ҳаммод ибн Саламадан муснад тарзда ривоят қилган.

Муҳаддисларнинг кўплари бу ҳадисни Собитдан, Абдуллоҳ ибн Рабоҳдан мурсал тарзда ривоят қиладилар.

٤٤٨- حَدَّثَنَا[٥] أَبُو بَكْرٍ مُحَمَّدُ بْنُ نَافِعٍ الْبَصْرِيُّ[٦]، حَدَّثَنَا عَبْدُ الصَّمَدِ بْنُ عَبْدِ الْوَارِثِ، عَنْ إِسْمَعِيلَ بْنِ مُسْلِمٍ الْعَبْدِيِّ، عَنْ أَبِي الْمُتَوَكِّلِ النَّاجِيِّ، عَنْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: قَامَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِآيَةٍ مِنَ الْقُرْآنِ لَيْلَةً.

448. *«Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам Қуръондан бир оят** (ўқиш) **билан бир кечани бедор ўтказдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ушбу важҳдан ҳасан-ғариб.

ШАРҲ. Бу қайси оят экани ҳадисда айтилмаган. Фақат Насоий ва Ибн Можанинг Абу Зарр (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилган ҳадисида бундай дейилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кечани тонгга қадар бир оят билан ўтказдилар, бу оят ушбу – Моида сурасининг 118-оятидир; маъноси: **«Агар уларни азоблайдиган бўлсанг, улар Сенинг бандаларингдир (хоҳлаганингни қилурсан). Агар уларни мағфират қилсанг, албатта, мутлоқ ғолиб ва мутлоқ ҳукм ва ҳикмат соҳиби Сенсан».** (Яъни, Сенинг феълинг ва ишингга ҳеч қандай куч-қувват дахл қила олмас; бандаларинг устида мутлоқ тасарруф соҳиби ёлғиз Ўзингсан!..)

٤٤٩ - حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا اللَّيْثُ، عَنْ مُعَاوِيَةَ بْنِ صَالِحٍ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي قَيْسٍ قَالَ: «سَأَلْتُ عَائِشَةَ كَيْفَ كَانَتْ قِرَاءَةُ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِاللَّيْلِ، أَكَانَ يُسِرُّ بِالْقِرَاءَةِ أَمْ يَجْهَرُ[١]؟ فَقَالَتْ: كُلُّ ذَلِكَ قَدْ كَانَ يَفْعَلُ، رُبَّمَا أَسَرَّ بِالْقِرَاءَةِ، وَرُبَّمَا جَهَرَ، فَقُلْتُ: الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي جَعَلَ فِي الْأَمْرِ سَعَةً».

449. *Абдуллоҳ ибн Абу Қайсдан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Ҳазрати Оиша** (розийаллоҳу анҳо)**дан: «Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва салламнинг тунги қироатлари қандай эди? Махфий ўқирмидилар ёки жаҳрий** (овоз чиқариб) **ўқирмидилар?» деб сўрадим. Оиша** (онамиз) **айтдиларки: «Ҳар иккаласини ҳам қилганлар: баъзан махфий қироат қилсалар, баъзан ошкор қироат қилганлар». Шунда мен: «Иш**(имиз) **да кенглик** (осонлик) **пайдо қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин!» дедим.**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ-ғариб.

331-БОБ. УЙДА НАФЛ НАМОЗИ ЎҚИМОҚНИНГ ФАЗИЛАТИ

٤٥٠- حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ سَعِيدِ بْنِ أَبِي هِنْدٍ، عَنْ سَالِمٍ أَبِي النَّضْرِ، عَنْ بُسْرِ بْنِ سَعِيدٍ، عَنْ زَيْدِ بْنِ ثَابِتٍ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَفْضَلُ صَلَاتِكُمْ[٥] فِي بُيُوتِكُمْ إِلَّا الْمَكْتُوبَةَ».

450. *Зайд ибн Собит (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* «Набий соллалоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Сизларнинг фарздан ташқари энг афзал намозингиз – уйларингиздаги** (ўқиган намозингиз)**дир».**

Бу бобда Умар ибн Хаттоб, Жобир ибн Абдуллоҳ, Абу Саиъд, Абу Ҳурайра, Ибн Умар, Оиша, Абдуллоҳ ибн Саъд ва Зайд ибн Холид ал-Жуҳаний (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Зайд ибн Собитнинг ҳадиси ҳасан.

Бу ҳадиснинг ривояти хусусида ихтилоф қилдилар. Мусо ибн Уқба Иброҳим ибн Абин-Назр уни марфуъ тарзида, баъзилари эса мавқуф тарзида ривоят қилганлар. Молик бу ҳадисни Абун-Назрдан ривоят қилган ва Набий соллалоҳу алайҳи ва салламга(ча) юксалтирмаган. Марфуъ ривоят асаҳҳ (саҳиҳроқ)дир.

٤٥١- حَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ مَنْصُورٍ، أَخبرنا[٦] عَبْدُ اللَّهِ بْنُ نُمَيْرٍ، عَنْ عُبَيْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ، عَنْ نَافِعٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «صَلُّوا فِي بُيُوتِكُمْ وَلَا تَتَّخِذُوهَا قُبُورًا».

451. *Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* «Набий соллалоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Уйларингизда намоз ўқиб турингизлар ва уларни қабристонга айлантириб қўймангизлар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан саҳиҳ.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ВИТР БОБЛАРИ

332-БОБ. ВИТР НАМОЗИНИНГ ФАЗИЛАТИ

٤٥٢- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا اللَّيْثُ بْنُ سَعْدٍ، عَنْ يَزِيدَ بْنِ أَبِي حَبِيبٍ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ رَاشِدٍ الزَّوْفِيِّ[٢]، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي مُرَّةَ الزَّوْفِيِّ، عَنْ خَارِجَةَ بْنِ حُذَافَةَ[٣]، أَنَّهُ قَالَ: خَرَجَ عَلَيْنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ: إِنَّ اللَّهَ أَمَدَّكُمْ بِصَلَاةٍ هِيَ خَيْرٌ لَكُمْ مِنْ حُمْرِ النَّعَمِ[٤]، الْوِتْرُ جَعَلَهُ اللَّهُ لَكُمْ فِيمَا بَيْنَ صَلَاةِ الْعِشَاءِ إِلَى أَنْ يَطْلُعَ الْفَجْرُ».

452. *Хорижа ибн Ҳузофа (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга** (масжидга) **чиқдилар-да, бундай дедилар: «Аллоҳ сизларга зиёда қилиб бир намоз бердики, бу намоз сизлар учун қизил туялардан ҳам кўра яхшироқдир:** (бу) **витр** (намози)**дир. Аллоҳ витрни сизлар учун хуфтон билан тонг отмоқлиги орасида тайин қилди».**

Бу бобда яна Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Амр, Бурайда ва Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг биродари Абу Басра ал-Ғифорий (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинди.

Абу Ийсо (ат-Термизий) деди(лар): Хорижа ибн Ҳузофанинг ҳадиси ғариб. Уни фақатгина Язид ибн Абу Ҳабибнинг ривоятидан биламиз.

Баъзи муҳаддислар бу ҳадисда гумонга берилиб: «Абдуллоҳ ибн Рошид аз-Зурақий» дейишган. Ҳолбуки, бу янглишдир.

333-БОБ. ВИТР НАМОЗИ ФАРЗ ҲУКМИДА ЭМАС

٤٥٣- حَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ، حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ عَيَّاشٍ، حَدَّثَنَا أَبُو إِسْحَقَ، عَنْ عَاصِمِ بْنِ ضَمْرَةَ، عَنْ عَلِيٍّ قَالَ: الْوِتْرُ لَيْسَ بِحَتْمٍ كَصَلَاتِكُمُ الْمَكْتُوبَةِ؛ وَلَكِنْ سَنَّ[٧] رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ [و[٨]] قَالَ:«إِنَّ اللَّهَ وِتْرٌ يُحِبُّ الْوِتْرَ، فَأَوْتِرُوا يَا أَهْلَ الْقُرْآنِ».

453. *Ҳазрати Али (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Витр** (намози) **фарз намозларингиз ҳукмида эмас. Ва лекин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни суннат қилган ва айтганларки: «Албатта, Аллоҳ тоқдир, тоқни севгай! Эй аҳли Қуръон, сизлар ҳам тоқ** (витр) **қилингизлар!»**

Бу бобда яна Ибн Умар, Ибн Масъуд ва Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Йисо (ат-Термизий) деди(лар): Алининг ҳадиси ҳасан.

٤٥٤ – وَرَوَى سُفْيَانُ الثَّوْرِيُّ وَغَيْرُهُ، عَنْ أَبِي إِسْحَقَ، عَنْ عَاصِمِ بْنِ ضَمْرَةَ، عَنْ عَلِيٍّ، قَالَ: الْوِتْرُ لَيْسَ بِحَتْمٍ كَهَيْئَةِ الصَّلاَةِ الْمَكْتُوبَةِ، وَلَكِنْ سُنَّةٌ سَنَّهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ.

454. *Ҳазрати Али (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Витр фарз намозларингиз мартабасида эмас ва лекин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тайин қилган бир суннатдир».**

Муҳаммад ибн Башшор бу ҳадисни бизга Абдурраҳмон ибн Маҳдий орқали Суфёндан хабар қилиб берди.

Бу ҳадис Абу Бакр ибн Аййошнинг ҳадисидан кўра саҳиҳроқ. Бу ҳадисни Мансур ибн ал-Муътамир ҳам Абу Исҳоқдан ривоят қилди: худди Абу Бакр ибн Аййошнинг ривоятига ўхшаш.

ИЗОҲ. Ҳанафий уламолари қатор далилларга таяниб, витрни вожиб деб ҳукм қилдилар. Бинобарин, Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ мазҳабларида витрни вожиб деб эътиқод қилмоқ ва ният қилмоқ дурустдир.

334-БОБ. ВИТР(НИ ЎҚИМАС)ДАН ОЛДИН УХЛАШ МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

٤٥٥ – حَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ، حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ زَكَرِيَّا بْنِ أَبِي زَائِدَةَ، عَنْ إِسْرَائِيلَ، عَنْ عِيسَى ابْنِ أَبِي عَزَّةَ(٥)، عَنِ الشَّعْبِيِّ، عَنْ أَبِي ثَوْرٍ الأَزْدِيِّ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ: أَمَرَنِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ أُوتِرَ قَبْلَ أَنْ أَنَامَ.

455. *Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга ухламасдан олдин витрни ўқишни буюрдилар».**

Ийсо ибн Абу Азза айтади: **«Аш-Шаъбий кечанинг аввалида** (биринчи қисмида) **витр ўқир, кейин ухлар эди».**

Бу бобда яна Абу Зарр (розийалоҳу анҳу)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси бу важҳдан ҳасан-ғариб.

Абу Савр ал-Аздийнинг исми – Ҳабиб ибн Абу Мулайка.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан баъзи илм аҳллари, киши витрни ўқимасдан, ётиб ухламаслиги керак, деб ихтиёр қилганлар.

335-БОБ. ВИТР НАМОЗИ КЕЧАНИНГ АВВАЛИДА ҲАМ, ОХИРИДА ҲАМ ЎҚИЛМОҒИ БАЁНИ

٤٥٦ - وَرُوِيَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ: «مَنْ خَشِيَ مِنْكُمْ أَنْ لاَ يَسْتَيْقِظَ مِنْ آخِرِ اللَّيْلِ؛ فَلْيُوتِرْ مِنْ أَوَّلِهِ، وَمَنْ طَمِعَ مِنْكُمْ أَنْ يَقُومَ مِنْ آخِرِ اللَّيْلِ[٢] ؛ فَلْيُوتِرْ مِنْ آخِرِ اللَّيْلِ؛ فَإِنَّ قِرَاءَةَ الْقُرْآنِ[٣] فِي[٤] آخِرِ اللَّيْلِ مَحْضُورَةٌ[٥]، وَهِيَ أَفْضَلُ[٦]».

456. *Яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинди:* **«Сизлардан кимки кечанинг охирида уйғона олмасликдан қўрқса, кечанинг аввалида** (биринчи қисмида) **витрни ўқиб олсин. Ва сизлардан кимки кечанинг охирида уйғонишга кўзи етса, витрни кечанинг охирида ўқисин. Чунки кечанинг охирида Қуръон қироат қилинганида раҳмат фаришталари ҳозир бўлгайдирлар ва бу афзалдир».**

Шунингдек, ҳадисни бизга Ҳаннод Абу Муъовиядан, Абу Суфёндан, Жобирдан (розийаллоҳу анҳум), Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан баён қилди.

٤٥٧ - حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ عَيَّاشٍ، حَدَّثَنَا أَبُو حَصِينٍ، عَنْ يَحْيَى بْنِ وَثَّابٍ، عَنْ مَسْرُوقٍ، أَنَّهُ سَأَلَ عَائِشَةَ عَنْ وِتْرِ رَسُولِ اللَّهِ[٨] صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَتْ: «مِنْ كُلِّ اللَّيْلِ قَدْ أَوْتَرَ[١] : أَوَّلَهُ، وَأَوْسَطَهُ، وَآخِرَهُ، فَانْتَهَى[٢] وِتْرُهُ حِينَ مَاتَ إِلَى السَّحَرِ[٣]».

457. *Масруқдан ривоят қилинди:* **«У** (Масруқ) **Ҳазрати Оиша** (розийаллоҳу анҳо)**дан Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг витр намозлари ҳақида сўради.** (Оиша онамиз) **айтдилар: «Ул зот кечанинг барча қисмларида витрни ўқийверар эдилар: аввалида ҳам, ўртасида ҳам, охирида ҳам. Вафотлари арафасида у зотнинг витри саҳар остонасида ниҳоя топди».**

Абу Ийсо деди(лар): Абу Ҳасийннинг исми – Усмон Осим ал-Асадий.

Бу бода Али, Жобир, Абу Масъуд ал-Ансорий ва Абу Қатода (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Оиша (онамиз)нинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Баъзи илм аҳллари шуни – витрни кечанинг охирида ўқимоқни ихтиёр этганлар.

ИЗОҲ. Бу ҳадис Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам сўнгги кунларда витр намозини (таҳажжуддан кейин) саҳар вақтида ўқий бошлаганларига далолат қилади. Айни вақтда, витрни кечанинг ҳамма вақтида ўқиш жоиз, деган ҳукмни билдиради; фақат вақти кирган бўлиши шарти билан. Витрнинг вақти эса шафақ ғойиб бўлганидан кейин хуфтон намозининг орқасидан киради.

336-БОБ. ЕТТИ РАКЪАТ ВИТР НАМОЗИ

٤٥٨– حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ، عَنِ الأَعْمَشِ، عَنْ عَمْرِو بْنِ مُرَّةَ، عَنْ يَحْيَى بْنِ الْجَزَّارِ، عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ، قَالَتْ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُوتِرُ بِثَلاَثَ عَشْرَةَ [رَكْعَةً](٨)، فَلَمَّا كَبِرَ وَضَعُفَ(٩) أَوْتَرَ بِسَبْعٍ.

458. *Умму Салама (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам витрни ўн уч ракъат ўқир эдилар. Ёшлари улуғлашиб, қувватлари тортилгач, етти ракъат ўқидилар».**

Бу бобда Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ҳадис ривоят қилинди.

Абу Ийсо деди(лар): Умму Саламанинг ҳадиси ҳасан.

Витр намози Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўн уч, ўн бир, тўққиз, етти, беш, уч ва бир ракъат деб ривоят қилинган. Исҳоқ ибн Иброҳим: **«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам витрни ўн уч ракъат ўқиганларининг маъноси шуки, у киши кечаси витр билан бирга ўн уч ракъат намоз ўқир эдилар. Ана шу сабабдан тунги** (таҳажжуд) **намозлари витрга изофа қилинди»,** дейди ва бу хусусда Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан бир ҳадис ривоят қилади.

Исҳоқ Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган: **«Эй аҳли Қуръон! Сизлар тоқ** (витр) **ўқингизлар»** деган ҳадис билан истидлол қилиб, бундай дейди: **«Бу билан қиёми лайл** (тунги ибодат) **қасд этилган. Ва қиёмул-лайл** (тунги ибодат) **фақат ҳамалаи Қуръонга** (Қуръон ҳофизларига) **вазифа эканини баён этади».**

337-БОБ. БЕШ РАКЪАТ ВИТР НАМОЗИ

٤٥٩- حَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ مَنْصُورٍ [الْكَوْسَجُ(٥)]، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ نُمَيْرٍ، حَدَّثَنَا هِشَامُ بْنُ عُرْوَةَ(٦)، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: كَانَتْ صَلاَةُ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنَ اللَّيْلِ ثَلاَثَ عَشْرَةَ رَكْعَةً؛ يُوتِرُ مِنْ ذَلِكَ بِخَمْسٍ لاَ يَجْلِسُ فِي شَيْءٍ مِنْهُنَّ إِلاَّ فِي آخِرِهِنَّ، فَإِذَا أَذَّنَ الْمُؤَذِّنُ قَامَ فَصَلَّى رَكْعَتَيْنِ خَفِيفَتَيْنِ.

459. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тунги намозлари ўн уч ракъат эди. Шундан беш ракъатини витр қилар эдилар. Аммо бу беш ракъатларнинг фақат охирида ўтирар эдилар. Вақтики, муаззин азон айтиб қолса, ўринларидан туриб, икки ракъат енгил намоз ўқир эдилар.**

Бу бобда Абу Айюб (розийаллоҳу анҳу)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Оиша (онамиз)нинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейин гилардан баъзи илм аҳллари витрни беш ракъат деб ҳисоблайдилар. Бу беш ракъатнинг фақат охирида ўтиради, дейдилар. Абу Ийсо (ат-Термизий) айтади(лар): «Абу Мусъаб ал-Мадийнийдан: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам витрни тўққиз ракъат ва етти ракъат қилиб ўқир эдилар» деган ушбу ҳадис ҳақида: «Тўққиз ракъат ва етти ракъатни қандай қилиб тоқ қилар эдилар?» – деб сўраган эдим: «Икки ракъат-икки ракъатдан ўқир эдилар, кейин салом берар эдилар, бир ракъатни эса тоқ қилар эдилар», деб жавоб берди.

338-БОБ. УЧ РАКЪАТ ВИТР НАМОЗИ

٤٦٠- حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ عَيَّاشٍ، عَنْ أَبِي إِسْحَقَ، عَنِ الْحَارِثِ(١)، عَنْ عَلِيٍّ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُوتِرُ بِثَلاَثٍ يَقْرَأُ فِيهِنَّ بِتِسْعِ سُوَرٍ مِنَ الْمُفَصَّلِ؛ يَقْرَأُ فِي كُلِّ رَكْعَةٍ بِثَلاَثِ سُوَرٍ آخِرُهُنَّ: ﴿قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ﴾(٢).

460. *Ҳазрати Али (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам витрни уч ракъат ўқир эдилар ва бу ракъатларда муфассал суралардан тўққизта сура ўқир эдилар, ҳар ракъатда учта сура ўқиб, охирида «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни ўқир эдилар».**

Абу Ийсо айтади(лар): Бу бобда Имрон ибн Ҳусайн, Оиша, Ибн Аббос, Абу Айюб ва Абдурраҳмон ибн Абзо орқали Убай ибн Каъб (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган. Абдурраҳмон ибн Абзонинг ўзидан ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳадис ривоят қилинган. Баъзи муҳаддислар ана шу йўсин (Абдурраҳмоннинг ўзидан) ривоят қиладилар ва Убай ибн Каъбни зикр этмайдилар. Баъзилари эса: «Абдурраҳмон ибн Абзодан, Убай ибн Каъбдан», дейди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан баъзи илм аҳллари шу ҳадисни эгаллаб, киши витрни уч ракъат ўқийди, деган фикрга тўхталдилар.

Суфён айтади: «Витрни хоҳласанг беш ракъат ўқийсан, ҳоҳласанг уч ракъат, ҳоҳласанг бир ракъат». Шундан сўнг Суфён бундай дейди: «Мен эса уч ракъат ўқимоғимни маъқул кўраман». Ибн Мубораknинг ва Куфа аҳлининг қавли ҳам шудир.

Саъид ибн Яъқуб ат-Толақоний Хаммод ибн Зайддан, Ҳишомдан, Муҳаммад ибн Сийрийндан нақл этиб бизга баён қилди; **Муҳаммад ибн Сийрийн айтди: «Витрни беш ракъат, уч ракъат, бир ракъат ўқишар ва ҳаммасини** (яхши) **деб билишар эди».**[79]

ИЗОҲ. Муфассал суралар намозда зам қилиш учун белгиланган «Ҳужурот» сурасидан Қуръоннинг охиригача бўлган суралардир.

Абу Ҳанифа шу ҳадис билан (ва яна кўплаб ҳадислар билан) истидлол қилиб, витр намози уч ракъат эканини айтадилар. Ҳанафийлар фикрига кўра, витр уч ракъатдан кўп ҳам эмас, оз ҳам эмас.

«Витр намози буюрилишидан аввал витрни бир ракъат, уч ракъат, беш ракъат, етти ракъат ўқир эдилар. Кейин витр намози нозил бўлди, яъни Жаброил алайҳиссалом келиб, витрнинг хабарини берди. Шундан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уч ракъат билан кифоя қилмоқни буюрдилар» *(«Аҳли суннат вал-жамоат ақоиди», 51-масала).*

339-БОБ. БИР РАКЪАТ ВИТР НАМОЗИ

٤٦١ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ، عَنْ أَنَسِ بْنِ سِيرِينَ، قَالَ: سَأَلْتُ ابْنَ عُمَرَ، فَقُلْتُ: أُطِيلُ فِي رَكْعَتَيِ الْفَجْرِ؟، فَقَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي مِنَ اللَّيْلِ مَثْنَى مَثْنَى وَيُوتِرُ بِرَكْعَةٍ، وَكَانَ يُصَلِّي الرَّكْعَتَيْنِ وَالأَذَانُ فِي أُذُنِهِ [يَعْنِي يُخَفِّفُ][٦].

461. *Анас ибн Сийрийндан ривоят қилинди; айтди:* **«Ибн Умар** (розийаллоҳу анҳумо)**дан: «Бомдоднинг икки ракъат** (суннат)**ини узун ўқийинми?» деб сўрадим. Шунда айтдики: «Набий саллоллоҳу**

[79] Муҳаммад ибн Сийрийн бу сўздан саҳобаларни ва тобеъийнларни назарда тутганлар.

алайҳи ва саллам тунда икки ракъат-икки ракъатдан намоз ўқир эдилар ва бир ракъат витр (тоқ) **қилар эдилар.** (Бомдоднинг) **икки ракъат** (суннат)**ини азон қулоқларида бўлган ҳолда ўқир эдилар».**[80]

Абу Ийсо деди(лар): Бу бобда Оиша, Жобир, Ал-Фазл ибн Аббос, Абу Аййуб ва Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобеъийнлардан баъзи илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир: Киши икки ракъат билан учинчи (тоқ) ракъатнинг орасини ажратиб, витрни тоқ ракъат тарзида ўқийди, деган фикрдалар. Молик, Шофиъий ва Исҳоқнинг қавли шудир.

ШАРҲ. ***Термизий китобига ёзилган мўътабар шарҳдан тўрт илова:***

1-илова: Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо) Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аби Қайс (розийаллоҳу анҳу)нинг саволлари устида, Жаноби (Расули Акрам) саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг кечқурундаги намозларини бу тариқа баён қилубдирлар: «Тўрт ракъат ва уч ракъат; олти ракъат ва уч ракъат. Мана шу ривоятда охирги «уч ракъат» деган калимани тўрт бор алоҳида келтиришидан маълум бўлурки, бу намознинг адади на зиёда ва на кам бўлур. Шундоқ бўлмаган тақдирда Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо) ҳар гал «уч ракъат» калимасини ифода қилмай, етти ракъат, тўққиз ракъат, ўн бир ракъат, ўн уч ракъат деб қўя қолар эдилар.

2-илова: Мулла Али ал-Қорий раҳимаҳуллоҳ сўзларича, Ҳанафийларнинг далиллари шулдирки, витр намозининг уч ракъат ўқилишини жоиз ва мустаҳсан эканига саҳобаи ъизом (розийаллоҳу анҳум) қарор қилгандурлар. Ва уч ракъатдан кам бўлишида баъзилари жоиз, баъзилари ножоиз, деб ихтилоф қилгандирлар. Саҳобаларнинг иттифоқ қилган масалаларига амал қилмоқ зиёда матлубдир.

3-илова: Муҳаддисларнинг ниҳоятда буюкларидан бўлган Имоми Ҳасан Басрий (розийаллоҳу анҳу) дебдирлар: «Витр намозининг уч ракъатлигига бутун мусулмонлар иттифоқ қилгандирлар». Бу зотга бир киши дебдурки: «Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Умар (розиялоҳу анҳумо) уч ракъат витрнинг икки ракъатида салом бериб, қолган бир ракъатини алоҳида ўқир эдилар». Анга бу зот (яъни имом Ҳасан Басрий): «Оталари Ҳазрати Умар (роизйаллоҳу анҳу) уч ракъатни бир салом ила ўқир эдилар. Ва оталари ул кишидан олимроқ эдилар», деб жавоб берибдирлар.

[80] «Азон қулоқларида бўлган ҳолда» иборасининг маъноси шуки, бомдоднинг суннатини азон қулоқларига етиши билан қисқа ва енгил ўқир эдилар.

4-илова: Ҳадисларда танҳо бир ракъатлик намоз ўқиш манъ қилингандур. Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу) дан бир киши савол қилиб дедики: «Ҳазрати Саъид (розийаллоҳу анҳу) витрни бир ракъат ўқир эдилар». Ҳазрати Абдуллоҳ дедилар: «Бир ракъатлик намоз бўлмас». Булардан бошқа ҳанафийларда далиллар кўп. Ҳаммадан жомеъ ва муфрид бир китоб бу масала таҳқиқан устида ҳазрати мавлоно устози кабир, алломаи шаҳир, муҳаққақ ал-аҳноф, аъломул-ашроф Ас-Саъид Муҳаммад Юсуф ал-Банурий Аллоҳу маждан ва иззан ҳазратларининг «Термизийи шариф»га қилғон шарҳларидан алоҳида қилиб, табъ ва нашр этган таълифлардур. *(Саййид Маҳмуд Торозийнинг «Шамоили Муҳаммадия» китобига ёзган изоҳотидан).*

340-БОБ. ВИТР (НАМОЗИ)ДАГИ ҚИРОАТ

٤٦٢- حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، أخبرنا شَرِيكٌ، عَنْ أَبِي إِسْحَقَ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ جُبَيْرٍ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقْرَأُ فِي الْوِتْرِ بِسَبِّحِ اسْمَ رَبِّكَ الأَعْلَى، وَقُلْ يَا أَيُّهَا الْكَافِرُونَ، وَقُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ؛ فِي رَكْعَةٍ رَكْعَةٍ[٣].

462. *Ибн Аббосдан (розийаллоҳу анҳумо) ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам витр намозида «Сабби ҳисма Роббикал-аъло», «Қул йаа аййуҳал-кафирун» ва «Қул ҳуваллоҳу аҳад» суралариии ракъатма-ракъат ўқир эдилар».**

Бу бобда Али, Оиша, Абдурраҳмон ибн Абзоъ воситаси билан Убай ибн Каъб (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривот қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам «Витрнинг учинчи ракъатида «Муъаввизатайн (икки «Қул аъузу», яъни «ал-Фалақ», «ан-Нос») суралариии ўқиганлар»и ривоят қилинди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан илм аҳлларининг кўпчилиги «Саббиҳисма Роббикал-аъло», «Қул йаа аййуҳал-кафирун» ва «Қул ҳуваллоҳу аҳад» суралари ўқилмоғини ихтиёр этганлар. Ҳар бир ракъатда булардан бир сура ўқилади.

٤٦٣- حَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ بْنِ حَبِيبِ بْنِ الشَّهِيدِ الْبَصْرِيُّ، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ سَلَمَةَ الْحَرَّانِيُّ، عَنْ خُصَيْفٍ، عَنْ عَبْدِ الْعَزِيزِ بْنِ جُرَيْجٍ، قَالَ: سَأَلْنَا[٧] عَائِشَةَ بِأَيِّ شَيْءٍ كَانَ يُوتِرُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ؟، قَالَتْ: كَانَ يَقْرَأُ فِي الأُولَى بِسَبِّحِ اسْمَ رَبِّكَ الأَعْلَى، وَفِي الثَّانِيَةِ بِقُلْ يَا أَيُّهَا الْكَافِرُونَ، وَفِي الثَّالِثَةِ بِقُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ وَالْمُعَوِّذَتَيْنِ.

463. *Абдулазиз ибн Журайждан ривоят қилинди; айтди:* **«Ҳазрати Оиша** (розийаллоҳу анҳо)**дан: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам витрни қайси суралар билан ўқир эдилар?» – деб савол қилдим. Айтдиларки: «Биринчи ракъатда «Саббиҳисма Роббикал-аъло»ни, иккинчи ракъатда «Қул йаа аййуҳал-кафирун»ни ва учинчи раъатда «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни муъаввизатайн** («ал-Фалақ» ва «ан-Нос» суралари) **билан бирга ўқир эдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

Абдулазиз – Атонинг биродари бўлмиш Ибн Журайжнинг отасидир.

Ибн Журайжнинг исми – Абдулмалик Абдулазиз ибн Журайж.

Яҳё ибн Саъид ал-Ансорий бу ҳадисни Амроъдан, Оишадан (розийаллоҳу анҳум), Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади.

341-БОБ. ВИТР НАМОЗИДА ҚУНУТ ДУОСИ

٤٦٤ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا أَبُو الأَحْوَصِ، عَنْ أَبِي إِسْحَقَ، عَنْ بُرَيْدِ بْنِ أَبِي مَرْيَمَ[٤]، عَنْ أَبِي الْحَوْرَاءِ[٥] [السَّعْدِيِّ][٦]، قَالَ: قَالَ الْحَسَنُ بْنُ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا[٧] : عَلَّمَنِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَلِمَاتٍ أَقُولُهُنَّ فِي الْوِتْرِ :«اللَّهُمَّ اهْدِنِي فِيمَنْ هَدَيْتَ، وَعَافِنِي فِيمَنْ عَافَيْتَ، وَتَوَلَّنِي فِيمَنْ تَوَلَّيْتَ، وَبَارِكْ لِي فِيمَا أَعْطَيْتَ، وَقِنِي شَرَّ مَا قَضَيْتَ، فَإِنَّكَ تَقْضِي، وَلاَ يُقْضَى عَلَيْكَ، وَإِنَّهُ لاَ يَذِلُّ مَنْ وَالَيْتَ، تَبَارَكْتَ رَبَّنَا وَتَعَالَيْتَ».

464. *Ҳасан ибн Али (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга витрда ўқиладиган ушбу калималарни** (дуони) **ўргатдилар: «Аллоҳуммаҳдиний фий ман ҳадайта ва ъофиний фий ман ъофайта ва тавалланий фий ман таваллайта ва борик лий фий мо аътойта ва қиний шарро мо қозойта. Фаиннака тақзий ва ло йуқзо ъалайка ва иннаҳу ло йазиллу ман волайта, таборакта Роббана ва таъалайта».** (*Маъноси:* **«Аллоҳим! Ҳидоят этган** (банда)**ларинг қатори мени ҳам ҳидоят қил! Офият** (тинчлик-омонлик, соғлик-саломатлик) **берган** (банда)**ларинг қатори менга ҳам ъофият бер! Дўст тутган бандаларинг қатори мени ҳам дўст тут! Ато этган ҳамма нарсаларингда мен учун баракот пайдо қил! Тақдир қилганинг ёмонликдан мени асра! Албатта, Сен тақдир қилурсан ва Сенинг тақдирингга қарши борилмас! Сен дўст тутган** (асраган) **киши хор бўлмас! Эй Раббимиз! Сен буюксан ва номинг улуғдир!»**)

Бу бобда Али (розийаллоҳу анҳу)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан. Буни фақатгина шу важҳдан исми Робиъа ибн Шайбон бўлмиш Абул-Хавроъ ас-Саъднинг ривоятидан биламиз.

Қунут борасида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган бундан яхшироқ ҳадисни билмаймиз.

Илм аҳллари витр намозидаги қунут (дуоси) борасида ихтилоф қилганлар. Абдуллоҳ ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу) бутун умр витрда қунут ўқилмоғини маъқул кўрди ва қунут (дуоси охирги) рукуъдан олдин ўқилмоғини ихтиёр этди. Баъзи илм аҳлларининг қавли шу. Суфён Саврий, Ибн Муборак, Исҳоқ ва Куфа аҳли шу қавлга эга бўлганлар. Али ибн Абу Толиб (розийаллоҳу анҳу)дан, Рамазоннинг иккинчи ярмида ва рукуъдан кейин қунут ўқиганини ривоят қилганлар. Баъзи илм аҳллари шу қавлга эга бўлаётир. Шофиъий ва Аҳмаднинг қавли шу.

ИЗОҲ. Ҳанафийларнинг қунут дуоси эса ушбудир: **«Аллоҳумма инна настаъийнука ва настағфирука (ва настаҳдика) ва нуъмину бика. Ва натубу илайка ва натаваккалу аълайка. Ва нусний аълайка-л-хайр. Ва нашкурука ва ло накфурук. Ва нахлаъу ва натруку май-йафжурук! Аллоҳумма, ийяка наъбуду ва лака нусоллий ва насжуду ва илайка насъа ва наҳфиду ва наржу роҳматака ва нахша аъзобак. Инна аъзобака бил-куффори мулҳиқ».** Маъноси: «Аллоҳим! Биз Сендан мадад ва ёрдам тилаймиз! Сендан мағфират сўраймиз. (Сендан ҳидоят тилаймиз). Сенга иймон келтирурмиз. Сенга тавба қилурмиз ва Сенга таваккул қилурмиз (таяниб-суянурмиз). Сени бутун яхшиликлар ила ёд этурмиз! (Берган барча неъматларинг учун) Сенга шукр қилурмиз ва Сенга ношукрлик ва куфрони неъмат қилмасмиз! Кимки Сеннинг буйруғингдан чиқса (Сенга осийлик қилса), уни тарк этурмиз ва у билан алоқани узурмиз! Аллоҳим! Фақат Сенга бандалик қилурмиз, фақат Сен учун намоз ўқурмиз ва сажда қилурмиз! Сенга интилурмиз ва Сенга талпинурмиз! Сенинг раҳматингдан умид қилурмиз ва азобингдан қўрқурмиз! Албатта, Сенинг азобинг кофирларга етгувчидир!»

(Қавсдаги иборалар баъзи жойларда айтилмайди, бу ҳам нодуруст эмас, дурустдир).

Ханафийлар мазҳабида қунут дуоси витрнинг учинчи ракъатида рукуъдан олдин ўқилади.

«Намозхон қироатдан кейинги ва қунут дуосидан олдинги такбирни саҳван тарк этса, саждаи саҳв қилмоқ унга вожибдир. Чунки бу такбир икки ийд намозларининг такбирлари мартабасидадир» *(Аҳмаджон Махдум Ҳанафий-Нақшбандий, «Рисолаи сужуди саҳв», 37-масала).*

342-БОБ. ВИТР НАМОЗИНИ УХЛАБ ҚОЛИБ ЁКИ УНУТИБ ҚАЗО ҚИЛГАН КИШИ (НИМА ҚИЛАДИ?)

٤٦٥ – حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلَانَ، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ زَيْدِ بْنِ أَسْلَمَ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عَطَاءِ بْنِ يَسَارٍ، عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ نَامَ عَنِ الْوِتْرِ، أَوْ نَسِيَهُ؛ فَلْيُصَلِّ إِذَا ذَكَرَ، وَإِذَا اسْتَيْقَظَ».

465. *Абу Саъид ал-Худрий (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Расуллулоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Кимки ухлаб қолиб ёки унутиб намозини ўтказиб юборса, ёдига тушиши билан ёки ўйғониши билан дарҳол ўқиб олсин».**

٤٦٦ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ زَيْدِ بْنِ أَسْلَمَ، عَنْ أَبِيهِ، أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ نَامَ عَنْ وِتْرِهِ؛ فَلْيُصَلِّ إِذَا أَصْبَحَ».

466. *Зайд ибн Асламдан ривоят қилинди:* **Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Кимки ухлаб қолиб ёки унутиб витр намозини ўтказиб юборса, тонг отганда ўқиб олсин».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис олдинги ҳадисдан кўра асаҳҳдир.

Абу Довуд ас-Сижзийдан – Сулаймон ибн ал-Ашъасни кўзда тутади – эшитдим; айтди: «Аҳмад ибн Ҳанбалдан Зайд ибн Асламнинг ўғли Абдурраҳмон ҳақида сўрадим. Шунда бундай деди: «Унинг биродари Абдуллоҳ зарарсиздир».

Муҳаммад (ал-Бухорий)дан эшитдим, Али ибн Абдуллоҳ ибн Зайд ибн Асламнинг ўғли Абдурраҳмонни (ҳадисда) заиф деб топганини таъкидлади ва: «Зайд ибн Асламнинг ўғли Абдуллоҳ сиқа (ишончли)дир», деди.

Куфа аҳлидан баъзилари шу ҳадисга эга бўлганлар. Айтадиларки: киши қуёш чиққанидан кейин бўлса ҳам, эсига тушган заҳоти витр намозини(нг қазоси)ни ўқиб олади. Суфён Саврийнинг қавли шудир.

ИЗОҲ. Витр намозининг қазоси қайси вақтгача ўқилиши ҳақида саккиз қавл устида ихтилоф қилинди. Бирлари: бомдоднинг фарзини ўқигунча, деса, бирлари қуёш чиққунча, яна бирлари завол вақтигача, деб айтади. Баъзилари эса билиб туриб қазо қилиш билан ухлаб қолиб ёки унутиб қазо қилиш ўртасида ажрим қилади. Биринчи ҳолатда витрнинг қазоси ўқилмоғини айтади.

Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳу алайҳ)нинг ҳукмича, витрнинг қазосини ўқиш вожибдир ва фарз намозларидек (лекин такбири иқоматсиз) қазоси ўқилади.

343-БОБ. ВИТР НАМОЗИ ТОНГ ОТМАСДАН ОЛДИН ЎҚИЛМОҒИ БАЁНИ

٤٦٧ – حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ زَكَرِيَّا بْنِ أَبِي زَائِدَةَ، حَدَّثَنَا عُبَيْدُ اللَّهِ، عَنْ نَافِعٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «بَادِرُوا[٤] الصُّبْحَ بِالْوِتْرِ».

467. *Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллалоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Субҳ кирмасдан витр намозига шошилингизлар** (улгурингизлар)**!»**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

٤٦٨ – حَدَّثَنَا الْحَسَنُ بْنُ عَلِيٍّ الْخَلَّالُ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ، أَخْبَرَنَا مَعْمَرٌ، عَنْ يَحْيَى بْنِ أَبِي كَثِيرٍ، عَنْ أَبِي نَضْرَةَ، عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَوْتِرُوا قَبْلَ أَنْ تُصْبِحُوا[٧]».

468. *Абу Саъид ал-Худрий (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Субҳга етмасдан олдин витр намозини ўқиб олингизлар!»**

٤٦٩ – حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلَانَ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ، أَخْبَرَنَا ابْنُ جُرَيْجٍ، عَنْ سُلَيْمَانَ بْنِ مُوسَى، عَنْ نَافِعٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ، عَنِ النَّبِيِّ[١] صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ[٢]: «إِذَا طَلَعَ الْفَجْرُ فَقَدْ ذَهَبَ كُلُّ صَلَاةِ اللَّيْلِ وَالْوِتْرُ، فَأَوْتِرُوا قَبْلَ طُلُوعِ الْفَجْرِ».

469. *Ибн Умардан (розийаллоҳу анҳумо) ривоят қилинди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Тонг отиши билан барча кечки намозлар ҳамда витр намози кетгайдир. Бас, тонг отмасидан олдин витрни ўқинглар!»**

Абу Ийсо деди(лар): Ҳадис шу лафзи билан ёлғиз Сулаймон ибн Мусодан ривоят қилинди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам-нинг бундай деганлари ҳам ривоят қилинади: **«Бомдод намозидан кейин витр йўқ!»** Бу эса кўпчилик илм аҳлларининг қавлидир. Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ шу қавлга эга бўладилар: бомдод намозидан кейин витр ўқилмайди, деган фикрдалар.

344-БОБ. БИР КЕЧАДА ИККИ ВИТР ЙЎҚ

٤٧٠ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا مُلَازِمُ بْنُ عَمْرٍو، حَدَّثَنِي عَبْدُ اللَّهِ بْنُ بَدْرٍ، عَنْ قَيْسِ بْنِ طَلْقِ بْنِ عَلِيٍّ، عَنْ أَبِيهِ، قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «لَا وِتْرَانِ فِي لَيْلَةٍ[١]».

470. *Толқ ибн Али (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бундай деганларини эшитдим: «Бир кечада икки витр йўқ!»**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

Илм аҳллари, кечанинг аввалида витрни ўқиб ётган ва (кечанинг) охирида турган киши борасида ихтилоф қилганлар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан баъзи илм аҳллари, витр бузилади, деган фикрда бўлиб, бундай дейдилар: «Кечанинг аввалида ўқиган витр (намози)га бир ракъат қўшади, кейин хоҳлаганича тунги (таҳажжуд) намозини ўқийди, кейин намознинг охирида витрни ўқийди, чунки бир кечада икки витр йўқ»[81] Исҳоқ шу қавлга эга бўлган.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан баъзи илм аҳллари эса бундай дейдилар: «Кечанинг аввалида витрни ўқийди, кейин ухлайди ва кечанинг охирида турса, бу киши хоҳлаганича тунги (таҳажжуд) намозини ўқийди. Витрни бузмайди ва уни ўз (ўқилган) ҳолича қолдиради». Суфён Саврий, Молик ибн Анас ва Ибн Муборакнинг қавли шудир. Бу қавл саҳиҳроқ. Чунки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам витрдан кейин тунги (таҳажжуд) намозини ўқиганлари бир қанча важҳлардан ривоят қилинган.

ИЗОҲ. Ибн Арабий «Туҳфатул-аҳвазий» номли Имом Термизий китобига битилган шарҳида **«Бир кечада икки витр йўқ!» деган** ҳадиснинг маъносини бундай шарҳлайди: «Витрни ўқигандан кейин таҳажжуд намозини ўқиса, витрни қайта ўқимайди».

٤٧١- حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ مَسْعَدَةَ، عَنْ مَيْمُونِ بْنِ مُوسَى الْمَرْئِيِّ[1]، عَنِ الْحَسَنِ، عَنْ أُمِّهِ[2]، عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يُصَلِّي بَعْدَ الْوِتْرِ رَكْعَتَيْنِ[3].

471. *Умму Салама (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам витрдан кейин икки ракъат намоз ўқир эдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Абу Умома Оиша ва биттадан кўп саҳоба (розийаллоҳу анҳум) воситасида Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шунга ўхшаш ҳадис ривоят қилинган.

---

[81] Бу зотлар тунги (таҳажжуд) намозининг охирида витр ўқимоғини буюрган ҳадис билан бу ўриндаги ҳадисни жамъ қилиш учун шу қавлга эга бўлганлар.

345-БОБ. ВИТР НАМОЗИНИ ТУЯ (УЛОВ) УСТИДА ЎҚИМОҚ

٤٧٢ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا مَالِكُ بْنُ أَنَسٍ[٥]، عَنْ أَبِي بَكْرِ بْنِ عُمَرَ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ يَسَارٍ، قَالَ: كُنْتُ أَمْشِي[٦] مَعَ بْنِ عُمَرَ فِي سَفَرٍ، فَتَخَلَّفْتُ عَنْهُ، فَقَالَ: أَيْنَ كُنْتَ ؟، فَقُلْتُ: أَوْتَرْتُ، فَقَالَ: أَلَيْسَ لَكَ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ[٧] ؟ رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُوتِرُ عَلَى رَاحِلَتِهِ.

472. *Саъид Ибн Ясордан ривоят қилинди:* **«Бир сафарда Ибн Умар билан бирга эдим. У кишидан орқада қолдим. Шунда: «Қаерда эдинг?» деди. «Витр намозни ўқидим», дедим. Айтдики: «Ахир, Расулуллоҳга чиройли эргашмоқ сенга ҳам тегишли эмасми? Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам туяларининг устида витр ўқиганларини кўрганман».**

Бу бобда Ибн Аббосдан (розийаллоҳу анҳумо) ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан баъзи илм аҳллари шу қавлга эга бўлганлар. Киши туясининг устида витрни ўқийди, деган фикрдалар. Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир. Баъзи илм аҳллари эса бундай дейишади: «Киши витр намозини туясининг устида ўқимайди. Витрни ўқимоқчи бўлганида тушиб, ерда ўқийди». Куфа фақиҳларидан баъзиларининг қавли шудир.

346-БОБ. ЗУҲО НАМОЗИ

٤٧٣ – حَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ [مُحَمَّدُ بْنُ الْعَلاَءِ[٦]]، حَدَّثَنَا يُونُسُ بْنُ بُكَيْرٍ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِسْحَقَ، قَالَ: حَدَّثَنِي مُوسَى بْنُ فُلاَنِ بْنِ أَنَسٍ[٧]، عَنْ عَمِّهِ ثُمَامَةَ بْنِ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ[٨]، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**مَنْ صَلَّى الضُّحَى ثِنْتَيْ عَشْرَةَ رَكْعَةً، بَنَى اللَّهُ لَهُ قَصْرًا مِنْ ذَهَبٍ فِي الْجَنَّةِ**[١]».

473. *Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки зуҳо намозини ўн икки ракъат** (қилиб) **ўқиса, Аллоҳ унга жаннатда олтиндан бир қаср бино қилгайдир».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу бобда яна Умму Ҳоний, Абу Ҳурайра, Нуаъйм ибн Ҳаммор, Абу Зарр, Оиша, Абу Умома, Утба ибн Абд

ас-Суламий, Ибн Абу Авфо, Абу Саиъд, Зайд ибн Арқам ва Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

٤٧٤- حَدَّثَنَا أَبُو مُوسَى مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ، أَخْبَرَنَا شُعْبَةُ، عَنْ عَمْرِو بْنِ مُرَّةَ، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي لَيْلَى قَالَ: مَا أَخْبَرَنِي أَحَدٌ أَنَّهُ رَأَى النَّبِيَّ(٧) صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي الضُّحَى إِلاَّ أُمَّ هَانِئٍ؛ فَإِنَّهَا حَدَّثَتْ: أَنَّ رَسُولَ اللَّه صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دَخَلَ بَيْتَهَا يَوْمَ فَتْحِ مَكَّةَ فَاغْتَسَلَ، فَسَبَّحَ ثَمَانَ رَكَعَاتٍ، مَا رَأَيْتُهُ صَلَّى صَلاَةً قَطُّ أَخَفَّ مِنْهَا غَيْرَ أَنَّهُ كَانَ يُتِمُّ الرُّكُوعَ وَالسُّجُودَ.

43.

474. *Абдурраҳмон ибн Абу Лайлодан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг зуҳо намозини ўқиганларини менга Умму Ҳонийдан бошқа ҳеч ким хабар қилгани йўқ. (Умму Ҳоний) Макка фатҳ этилган куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг уйига кирганларини, ғусл қилиб, саккиз ракъат намоз ўқиганларини сўзлаб берди. Ва айтдики: «У зотнинг шу саккиз ракъатдан ҳам кўра енгилроқ намоз ўқиганларини асло кўрмадим. Аммо рукуъ ва саждаларини мукаммал қилар эдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

(Имом) Аҳмад Умму Ҳонийнинг ҳадисини ушбу бобда ривоят қилинган асаҳҳ (энг саҳиҳ) ҳадис деб ҳисоблагани маълум бўлмоқда.[82]

(Муҳаддислар) (Пайғамбаримизнинг саҳобаларидан бўлмиш) Нуъайм кимнинг ўғли экани борасида ихтилоф қилдилар. Баъзилар: Хамморнинг ўғли, деса, баъзилар: Ҳамморнинг ўғли деб айтдилар. Бу орада отасининг исми Ҳаббор экани ва Ҳаммом экани ҳам айтилмоқда. Саҳиҳ қавлга кўра, у Ибн Ҳаммордир.

(Имом Бухорийнинг устози) Абу Нуъайм бу киши борасида ваҳмга бориб: «Ҳимознинг ўғли» деди ва янглишди. Кейин кимнинг ўғли эканини тарк этиб: «Нуъаймдан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан», деди.

Абд ибн Ҳумайд шу тарзда менга Абу Нуъаймдан хабар қилди.

ИЗОҲ. Абдурраҳмон ибн Лайлонинг **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг зуҳо намозини ўқиганларини менга Умму Ҳонийдан бошқа ҳеч ким хабар қилгани йўқ»,** дейишлари ва Пайғамбар саллолоҳу алайҳи ва салламнинг сафарда зуҳо намозини ўқиганларини бошқалардан эшитмаганлари бу ҳадисни бошқалар ривоят қилмаганига далолат қила олмайди.

[82] Ҳофиз ибн Ҳажар: «Ҳақиқат ҳам шудир», дейди.

Умму Ҳониъ (Ҳазрати) Али (карромаллоҳу важҳаҳу)нинг опаларидир. Бу ҳадис «Саҳиҳи Бухорий»да ҳам ривоят қилинган бўлиб, ҳасан-саҳиҳдир ва сафарда суннат намозлари ўқилишига ҳужжат қилиб олингандир.

٤٧٥ – حَدَّثَنَا أَبُو جَعْفَرٍ السِّمْنَانِيُّ[1]، حَدَّثَنَا أَبُو مُسْهِرٍ[2]، حَدَّثَنَا إِسْمَعِيلُ بْنُ عَيَّاشٍ، عَنْ نَجِيحِ بْنِ سَعْدٍ[3]، عَنْ خَالِدِ بْنِ مَعْدَانَ، عَنْ جُبَيْرِ بْنِ نُفَيْرٍ، عَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ، أَوْ أَبِي ذَرٍّ، عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ[4] أَنَّهُ قَالَ: «ابْنَ آدَمَ، ارْكَعْ لِي مِنْ أَوَّلِ النَّهَارِ أَرْبَعَ رَكَعَاتٍ[5] ؛ أَكْفِكَ آخِرَهُ».

475. *Абуд-Дардо ва Абу Зарр (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:*[83] **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хабар беришларича, Аллоҳ таборак ва таъоло бундай деб марҳамат қилади: «Эй одам фарзанди! Сен кундузнинг аввалида мен учун тўрт ракъат намоз ўқигин, Мен кундузнинг охирида сени ҳузурга эриштираман!»**

Абу Исо айтди(лар): Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

ИЗОҲ. Бу тўрт ракъат намоздан зуҳо намози назарда тутилгани айтилган, шунингдек, ишроқ намози ҳамда суннат билан бирга бомдод намози қасд этилгани ҳам айтилади. Фақат Термизий ва Абу Довуд бу тўрт ракъатни зуҳо намози деб ҳисоблаганлари учун уни зуҳо намози бобида зикр қилганлар. Бу ҳадис – ҳадиси қудсий экани аниқ равшан. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам воситасида Аллоҳ таборак ва таолодан баён этилмоқда. Ҳадисдан мурод этилган маъно ушбудир: «Кундузнинг аввалида тўрт ракъат намоз ўқисанг, Аллоҳ таъоло шу кунги эҳтиёжларингни раво қилади ва кундузнинг охирида сени ҳузурга эриштиради.

٤٧٦ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ الأَعْلَى [الْبَصْرِيُّ][1]، حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ زُرَيْعٍ، عَنْ نَهَّاسِ بْنِ قَهْمٍ[2]، عَنْ شَدَّادٍ أَبِي عَمَّارٍ[3]، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ حَافَظَ عَلَى شُفْعَةِ الضُّحَى[4] ؛ غُفِرَ لَهُ ذُنُوبُهُ وَإِنْ كَانَتْ مِثْلَ زَبَدِ الْبَحْرِ».

476. *Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки зуҳо намозини мунтазам ўқиса, гуноҳи денгиз кўпикларича бўлса ҳам, кечирилгайдир».**

Абу Исо айтди(лар): Вакиъ ва Назр ибн Шумайл ҳамда биттадан кўп ҳадис имомлари бу ҳадисни Наҳҳос ибн Қаҳмдан ривоят қилганлар. Бу ҳадисни фақатгина унинг ривоятидан биламиз.

[83] Бошқа нусхаларда «ва Абу Заррдан» дейилган. Шу сабабдан «ёки» эмас, «ва» боғловчиси танланди (Мутаржим).

٤٧٧ – حَدَّثَنَا[1] زِيَادُ بْنُ أَيُّوبَ الْبَغْدَادِيُّ، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ رَبِيعَةَ[2]، عَنْ فُضَيْلِ بْنِ مَرْزُوقٍ[3]، عَنْ عَطِيَّةَ الْعَوْفِيِّ[4]، عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ، قَالَ: كَانَ نَبِيُّ اللَّهِ[5] صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي الضُّحَى حَتَّى نَقُولَ لاَ يَدَعُ[6]، وَيَدَعُهَا حَتَّى نَقُولَ لاَ يُصَلِّي[7].

477. *Абу Саъид ал-Худрий (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам зуҳо намозини** (баъзи кунлар) **шундай** (узлуксиз) **ўқир эдиларки, биз ҳатто: энди бу намозни ҳаргиз тарк қилмайдилар, дер эдик. Баъзан эса** (кунларча) **шундай ташлаб қўяр эдиларки, биз ҳатто: энди бу намозни ҳаргиз ўқимайдилар, дер эдик».**

Абу Исо айтди(лар): Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

ИЗОҲ. Зуҳо намози Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга вожиб эканлигига доир ҳадис заифдир. Ҳофиз ибн Ҳажар «Фатҳул-борий»да зуҳо намози Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламга вожиб эканига доир бирор ҳадис собит эмаслигини айтади. Ибн Ҳажар Ҳофиз Абул-Фазл ибн Ҳусайннинг Термизий шарҳида бундай деганини нақл этади: «Авом орасида, зуҳо намозини ўқиб, кейин тарк этган ёки узган киши кўр бўлиб қолар эмиш, деган гап тарқалди. Шунда халқнинг кўпчилиги зуҳо намозини тубдан (бошламасдан) тарк этди. Ҳолбуки, бу гаплари бирор асосга таянган эмас эди. Бу ҳатто шайтон иғвоси экани очиқ-равшан эди. Яъни, бунда инсонларни улуғ бир фазилатдан маҳрум этиш мақсади яширидир». Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам зуҳони баъзан тарк этганлари ана шу ботил гапга зарба бериш учун қилинган бўлиши ҳам мумкин.

347-БОБ. ЗАВОЛ НАМОЗИ

٤٧٨ – حَدَّثَنَا أَبُو مُوسَى مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى، حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ [الطَّيَالِسِيُّ[8]]، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ مُسْلِمِ بْنِ أَبِي الْوَضَّاحِ هُوَ أَبُو سَعِيدٍ الْمُؤَدِّبُ، عَنْ عَبْدِ الْكَرِيمِ الْجَزَرِيِّ[10]، عَنْ مُجَاهِدٍ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ السَّائِبِ[11]: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يُصَلِّي أَرْبَعًا بَعْدَ[1] أَنْ تَزُولَ الشَّمْسُ قَبْلَ الظُّهْرِ، وَقَالَ: «إِنَّهَا سَاعَةٌ تُفْتَحُ فِيهَا أَبْوَابُ السَّمَاءِ، وَأُحِبُّ[2] أَنْ يَصْعَدَ لِي فِيهَا عَمَلٌ صَالِحٌ».

478. *Абдуллоҳ ибн ас-Соиб (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: қуёш заволга кетганидан** (яъни, кун оғганидан) **кейин, пешиндан олдин тўрт ракъат намоз ўқир эдилар. Ва айтар эдиларки: «Бу осмон эшиклари очиладиган бир соатдир. Шу соатда мендан бир солиҳ амал самога чиқмоғини севаман!»**

Абу Ийсо деди(лар): Абдуллоҳ ибн ас-Соибнинг ҳадиси ҳасан-ғариб.

Бу бобда Али ва Абу Айюб (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бундай ривоят қилинган: У киши заволдан кейин тўрт ракъат намоз ўқир ва бу ракъатларнинг фақат охирида салом берар эдилар».

348-БОБ. ҲОЖАТ НАМОЗИ

٤٧٩– حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ عِيسَى بْنِ يَزِيدَ الْبَغْدَادِيُّ[1]، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ بَكْرٍ السَّهْمِيُّ، وحَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ مُنِيرٍ[2]، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بَكْرٍ، عَنْ فَائِدِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي أَوْفَى، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ كَانَتْ لَهُ إِلَى اللَّهِ حَاجَةٌ[3]، أَو إِلَى أَحَدٍ مِنْ بَنِي آدَمَ؛ فَلْيَتَوَضَّأْ فَلْيُحْسِنِ الْوُضُوءَ، ثُمَّ لِيُصَلِّ رَكْعَتَيْنِ، ثُمَّ لِيُثْنِ عَلَى اللَّهِ، وَلْيُصَلِّ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، ثُمَّ لِيَقُلْ: لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللَّهُ الْحَلِيمُ الْكَرِيمُ، سُبْحَانَ اللَّهِ رَبِّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ، الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ، أَسْأَلُكَ[4] مُوجِبَاتِ رَحْمَتِكَ، وَعَزَائِمَ مَغْفِرَتِكَ، وَالْغَنِيمَةَ مِنْ كُلِّ بِرٍّ، وَالسَّلاَمَةَ مِنْ كُلِّ إِثْمٍ، لاَ تَدَعْ لِي[5] ذَنْبًا إِلاَّ غَفَرْتَهُ، وَلاَ هَمًّا إِلاَّ فَرَّجْتَهُ، وَلاَ حَاجَةً هِيَ لَكَ رِضًا إِلاَّ قَضَيْتَهَا يَا أَرْحَمَ الرَّاحِمِينَ».

479. *Абдуллоҳ ибн Абу Авфо (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Кимнинг Аллоҳга ёки Одам фарзанларидан бирортасига бир ҳожати бўлса, таҳорат олсин ва таҳоратини чиройли олсин. Кейин икки ракъат намоз ўқисин. Кейин Аллоҳга ҳамду сано айтиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга саловат келтирсин. Кейин бундай десин: «Ло илоҳа иллалоҳул-Ҳалиймул-Карийм. Субҳоналлоҳи Роббил-ъаршил-аъзийм. Алҳамду-лиллаҳи Роббил ъоламийн. Асъалука мувжиботи роҳматика ва ъазоима мағфиротика, вал-ғанимата мин кулли биррин, вас-саломата мин кулли исмин. Ло тадаъ лий занбан илло ғофартаҳу ва ло ҳамман илло фаррожтаҳу. Ва ло ҳожатан ҳийа лака ризон илло қазойтаҳо, йо арҳамар-роҳимийн». («Ҳалийм ва Карийм бўлмиш Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ! Буюк аршнинг Рабби бўлмиш Аллоҳ покдир** (айбу нуқсондан холи, муназзаҳдир)**. Бутун оламлар Рабби бўлмиш Аллоҳга ҳамд бўлсин! Сендан раҳматинг сабабларини, мағфиратинг йўлларини** (васийлаларини)**, ҳар бир яхшиликдан ғанимат-қулайлик, ҳар бир гуноҳдан саломат-омонлик тилайман! Менда Ўзинг кечирмаган бирор гуноҳ, Ўзинг кетказмаган бирор ғам, Ўзинг рози бўлмаган ва Ўзинг раво қилмаган бирор ҳожат қолдирма, эй раҳимлиларнинг энг раҳимлиси бўлган Аллоҳим!»)**

Абу Исо айтди(лар): Бу ҳадис ғариб. Унинг исноди ҳақида (танқидий) сўз қилинган. Чунончи, Фоид ибн Абдурраҳмоннинг ҳадисда заиф экани қайд этилган. Фоид бу – Абул-Варқо.

49-БОБ. ИСТИХОРА НАМОЗИ

٤٨٠ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ أَبِي الْمَوَالِي[1]، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ الْمُنْكَدِرِ، عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ: كان النبي صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُعَلِّمُنَا الإِسْتِخَارَةَ فِي الأُمُورِ كُلِّهَا كَمَا يُعَلِّمُنَا السُّورَةَ مِنَ الْقُرْآنِ، يَقُولُ:«إِذَا هَمَّ أَحَدُكُمْ بِالأَمْرِ؛ فَلْيَرْكَعْ رَكْعَتَيْنِ مِنْ غَيْرِ الْفَرِيضَةِ، ثُمَّ لِيَقُلِ: اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْتَخِيرُكَ بِعِلْمِكَ، وَأَسْتَقْدِرُكَ بِقُدْرَتِكَ، وَأَسْأَلُكَ مِنْ فَضْلِكَ الْعَظِيمِ؛ فَإِنَّكَ تَقْدِرُ وَلاَ أَقْدِرُ، وَتَعْلَمُ وَلاَ أَعْلَمُ، وَأَنْتَ عَلاَّمُ الْغُيُوبِ، اللَّهُمَّ إِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ أَنَّ هَذَا الأَمْرَ خَيْرٌ لِي فِي دِينِي وَمَعِيشَتِي وَعَاقِبَةِ أَمْرِي». أَو قَالَ: «فِي[2] عَاجِلِ أَمْرِي وَآجِلِهِ – فَيَسِّرْهُ لِي، ثُمَّ بَارِكْ لِي فِيهِ، وَإِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ أَنَّ هَذَا الأَمْرَ شَرٌّ لِي فِي دِينِي وَمَعِيشَتِي وَعَاقِبَةِ أَمْرِي» – أَو قَالَ –« فِي عَاجِلِ أَمْرِي وَآجِلِهِ – فَاصْرِفْهُ عَنِّي، وَاصْرِفْنِي عَنْهُ، وَاقْدُرْ لِيَ الْخَيْرَ حَيْثُ كَانَ، ثُمَّ أَرْضِنِي بِهِ» قَالَ: وَيُسَمِّي[3] حَاجَتَهُ.

480. *Жобир ибн Абдуллоҳ (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга худди Қуръон сураларини ўргатгандек, ишлар(имиз)да истихорани ўргатар эдилар. Айтар эдиларки: «Сизлардан бирортангиз бир ишга қўл урмоқчи бўлса, фарздан ташқари икки ракъат намоз ўқисин, кейин бундай десин: «Аллоҳумма инний астахийрука би-ъилмика ва астақдирука би-қудратика ва асъалука мин фазликал-ъазийм. Фа-иннака тақдиру ва ло ақдиру ва таъламу ва ло аъламу ва анта ъалломул-ғуйуб. Аллоҳумма ин кунта таъламу анна ҳазал-амро хойрун лий фи диний ва маъийшатий ва ъоқибати амрий – ав қола: фи ъожили амрий ва ожилиҳи – фа-йассирҳу лий, сумма борик лий фийҳ. Ва ин кунта таъламу анна ҳазал-амро шаррун лий фий дийний ва маъийшатий ва ъоқибати амрий – ав қола: фи ъожили амрий ва ожилиҳи -фасрифҳу ъанний васрифний ъанҳу вақдур лий ал-хойро ҳайсу кона сумма арзиний биҳ». Қола: «Ва йусамми ҳожатаҳу».**

(*Маъноси:* **«Эй Аллоҳим! Илмингга илтижо қилиб, Сендан яхшилик талаб этгайман ва қудратингга илтижо қилиб, Сендан қудрат талаб этгайман. Сенинг улуғ фазлу карамингдан тилагайман. Шубҳасиз, Сен қодирсан, мен эса ожизман. Сен билгувчисан, мен эса билгувчи эмасман. Сен ғайб илмларининг билимдонисан! Эй**

Аллоҳим! Сенинг илмингга кўра ушбу иш менинг диним, ҳаётим ва ишимнинг анжоми-оқибати борасида – ёки: «бугуним ва келажагим борасида» дедилар – мен учун яхшилик бўлса, уни менга муяссар айла ва муборак қил! Агар сенинг илмингга кўра, ушбу иш менинг диним, ҳаётим ва ишим оқибати борасида – ёки «бугуним ва келажагим борасида» дедилар – мен учун ёмонлик бўлса, уни мендан кетказ ва мени ҳам ундан йироқ қил! Мен учун яхшилик бўлган ишни менга тақдир қил ва мени шу нарсага рози айла!» – десин). (Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу дуони ўқигач:) **кейин ҳожатининг номини айтсин», дедилар».**

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Абу Аййуб (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Йисо деди(лар): Жобирнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ-ғариб.

Бу ҳадисни ёлғиз Абдурраҳмон ибн Абил-Мавлонинг ривоятидан биламиз. У мадиналик бир шайх бўлиб, сиқа (ишончли)дир. Суфён ундан ҳадис ривоят қилган. Шунингдек, бир қанча ҳадис имомлари ҳам Абдурраҳмондан ҳадис ривоят қилганлар.

350-БОБ. ТАСБИҲ НАМОЗИ

٤٨١ – **حَدَّثَنَا**[٢] أَحْمَدُ بْنُ مُحَمَّدِ بْنِ مُوسَى، أَخْبَرَنَا[٣] عَبْدُ اللَّهِ بْنُ الْمُبَارَكِ، أَخْبَرَنَا عِكْرِمَةُ بْنُ عَمَّارٍ، حَدَّثَنِي إِسْحَقُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي طَلْحَةَ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ، أَنَّ أُمَّ سُلَيْمٍ غَدَتْ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَتْ: عَلِّمْنِي كَلِمَاتٍ أَقُولُهُنَّ فِي صَلَاتِي، فَقَالَ: «كَبِّرِي اللَّهَ عَشْرًا، وَسَبِّحِي اللَّهَ عَشْرًا، وَاحْمَدِيهِ عَشْرًا[٤]، ثُمَّ سَلِي مَا شِئْتِ» يَقُولُ: نَعَمْ نَعَمْ[٥].

481. *Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Умму Сулайм Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бориб: «Менга намозларимда ўқиладиган калималардан ўргатсангиз», деди.** (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам) **айтдилар: «Ўн марта «Аллоҳу акбар», ўн марта «Субҳоналлоҳ», ўн марта «Алҳамдулиллаҳ» дегил. Кейин хоҳлаган нарсангни тилайвер.** (Аллоҳ таоло): **«Мақбул, мақбул» деб тургайдир».**

Бу бобда Ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Амр, Ал-Фазл ибн Аббос ва Абу Рофиъ (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Йисо деди(лар): Анаснинг ҳадиси ҳасан-ғариб.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан тасбиҳ намози борасида биттадан кўп ҳадис ривоят қилинган, (аммо) буларнинг кўпи саҳиҳ эмас. Ибн Муборак ва биттадан кўп илм аҳллари тасбиҳ намозини ривоят қилиб, бу намоздаги фазилатни зикр қиладилар.

(٤٨١) - وَقَدْ رَأَى ابْنُ الْمُبَارَكِ وَغَيْرُ وَاحِدٍ مِنْ أَهْلِ الْعِلْمِ صَلَاةَ التَّسْبِيحِ وَذَكَرُوا الْفَضْلَ فِيهِ.

حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ عَبْدَةَ[٣]، حَدَّثَنَا أَبُو وَهْبٍ[٤]، قَالَ: سَأَلْتُ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ الْمُبَارَكِ، عَنِ الصَّلَاةِ الَّتِي يُسَبَّحُ فِيهَا، فَقَالَ: يُكَبِّرُ[٥]، ثُمَّ يَقُولُ: سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ، وَتَبَارَكَ اسْمُكَ، وَتَعَالَى جَدُّكَ، وَلَا إِلَهَ غَيْرُكَ، ثُمَّ يَقُولُ: خَمْسَ عَشْرَةَ مَرَّةً سُبْحَانَ اللَّهِ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ، وَلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَاللَّهُ أَكْبَرُ، ثُمَّ يَتَعَوَّذُ وَيَقْرَأُ بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ وَفَاتِحَةَ الْكِتَابِ وَسُورَةً، ثُمَّ يَقُولُ عَشْرَ مَرَّاتٍ سُبْحَانَ اللَّهِ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ، وَلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَاللَّهُ أَكْبَرُ، ثُمَّ يَرْكَعُ فَيَقُولُهَا عَشْرًا، ثُمَّ يَرْفَعُ رَأْسَهُ [مِنَ الرُّكُوعِ[٦]] فَيَقُولُهَا عَشْرًا، ثُمَّ يَسْجُدُ فَيَقُولُهَا عَشْرًا، ثُمَّ يَرْفَعُ رَأْسَهُ فَيَقُولُهَا عَشْرًا، ثُمَّ يَسْجُدُ الثَّانِيَةَ فَيَقُولُهَا عَشْرًا، يُصَلِّي أَرْبَعَ رَكَعَاتٍ عَلَى هَذَا، فَذَلِكَ خَمْسٌ وَسَبْعُونَ تَسْبِيحَةً فِي كُلِّ رَكْعَةٍ، يَبْدَأُ فِي كُلِّ رَكْعَةٍ بِخَمْسَ عَشْرَةَ تَسْبِيحَةً[٧]، ثُمَّ يَقْرَأُ، ثُمَّ يُسَبِّحُ عَشْرًا، فَإِنْ صَلَّى[١] لَيْلًا؛ فَأَحَبُّ إِلَيَّ أَنْ يُسَلِّمَ فِي الرَّكْعَتَيْنِ[٢]، وَإِنْ صَلَّى[٣] نَهَارًا، فَإِنْ شَاءَ سَلَّمَ، وَإِنْ شَاءَ لَمْ يُسَلِّمْ[٤].

قَالَ أَبُو وَهْبٍ: وَأَخْبَرَنِي عَبْدُ الْعَزِيزِ بْنُ أَبِي رِزْمَةَ[٥]، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ[٦]، أَنَّهُ قَالَ: يَبْدَأُ فِي الرُّكُوعِ بِسُبْحَانَ رَبِّيَ الْعَظِيمِ، وَفِي السُّجُودِ بِسُبْحَانَ رَبِّيَ الْأَعْلَى ثَلَاثًا، ثُمَّ يُسَبِّحُ التَّسْبِيحَاتِ.

قَالَ أَحْمَدُ بْنُ عَبْدَةَ[٧] وَحَدَّثَنَا وَهْبُ بْنُ زَمْعَةَ[٨]، [قَالَ[٩]]: أَخْبَرَنِي عَبْدُ الْعَزِيزِ - وَهُوَ ابْنُ أَبِي رِزْمَةَ قَالَ: قلت لِعَبْدِ اللَّهِ بْنِ الْمُبَارَكِ: إِنْ سَهَا فِيهَا يُسَبِّحُ فِي سَجْدَتَيِ السَّهْوِ عَشْرًا عَشْرًا[١٠] ؟ قَالَ: لَا؛ إِنَّمَا هِيَ ثَلَاثُ مِائَةِ تَسْبِيحَةٍ.

(481) *Аҳмад ибн Абда Абу Ваҳбдан нақл этиб, бизга баён қилди;* Абу Ваҳб деди: **«Абдуллоҳ ибн Муборакдан орасида тасбиҳ айтиладиган намоз ҳақида сўрадим. Айтдики: «Такбир**(и) (таҳримани) **айтгандан кейин: «Суҳонакаллоҳумма ва биҳамдика ва таборокасмука ва таъало жаддука ва ло илоҳа ғойрук», дейди. Кейин ўн беш марта: «Субҳоналлоҳи вал ҳамду-лиллаҳи ва ло илоҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар», дейди; кейин «Аъузубиллаҳ»ни айтиб, «Бисмиллаҳир Роҳманир-Роҳийм» деб, «Фотиҳа» сурасини ва яна бир сурани ўқийди; кейин ўн марта: «Субҳоналлоҳи валҳамду-лиллаҳи ва ло илоҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар», дейди; кейин рукуъга боради ва** (рукуъда) **шуни ўн марта айтади; кейин бошини рукуъдан кўтариб, уни ўн марта айтади; кейин саждага боради ва** (саждада) **уни ўн марта айтади; кейин саждадан бошини кўтариб, ўн марта айтади; кейин иккинчи саждага**

бориб (саждада) **ўн марта айтади ва худди шу йўсинда тўрт ракъат ўқийди. Демак, ҳар бир ракъат етмиш беш тасбиҳдир. Ҳар бир ракъатини ўн беш тасбиҳ билан бошлайди, кейин қироат қилади ва** (қироатнинг изидан) **ўн тасбиҳ айтади. Бу намозни кечаси ўқиса, ҳар икки ракъатда салом бермоғи менга мақбулроқ. Агар кундузи ўқиса, хоҳласа** (икки ракъатда) **салом беради, хоҳласа салом бермайди».**

Абу Ваҳб айтадики: Абдулазиз ибн Абу Ризма Абдуллоҳдан нақл этиб, унинг бундай деганини менга маълум қилди: **«Рукуъда (аввал) уч марта «Субҳана Роббийал-ъазийим» ва саждада (аввал) уч марта «Субҳана Роббийал-ъало» билан бошлайди, кейин (юқоридаги) тасбиҳларни айтади».**

Аҳмад ибн Абда, Ваҳб ибн Замъа воситасида Абу Ризманинг ўғли Абдулазиздан нақлан бундай дейди: «Абдуллоҳ ибн Муборакка: **«Агар тасбиҳ намозида саҳв қилса, саждаи саҳвларида ўн мартадан тасбиҳ айтадими?»** – **дедим. «Йўқ! Булар фақат уч юз тасбиҳ», деди.**[84]

٤٨٢- حَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ [مُحَمَّدُ بْنُ الْعَلاَءِ(١١)]، حَدَّثَنَا زَيْدُ بْنُ حُبَابٍ الْعُكْلِيُّ(١٢)، حَدَّثَنَا مُوسَى بْنُ عُبَيْدَةَ(١٣)، حَدَّثَنِي سَعِيدُ بْنُ أَبِي سَعِيدٍ مَوْلَى أَبِي بَكْرِ بْنِ مُحَمَّدِ بْنِ عَمْرِو بْنِ حَزْمٍ(١)، عَنْ أَبِي رَافِعٍ(٢)، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِلْعَبَّاسِ:«يَا عَمِّ، أَلاَ أُصِلُكَ، أَلاَ أَحْبُوكَ، أَلاَ أَنْفَعُكَ ؟» قَالَ: بَلَى يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ:«يَا عَمِّ، صَلِّ أَرْبَعَ رَكَعَاتٍ تَقْرَأُ فِي كُلِّ رَكْعَةٍ بِفَاتِحَةِ الْكِتَابِ(٣) وَسُورَةٍ، فَإِذَا انْقَضَتِ الْقِرَاءَةُ فَقُلِ: اللَّهُ أَكْبَرُ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ وَسُبْحَانَ اللَّهِ، [وَلاَ إِلَهَ إِلاَّ اللَّهُ(٤)] خَمْسَ عَشْرَةَ مَرَّةً قَبْلَ أَنْ تَرْكَعَ، ثُمَّ ارْكَعْ(٥) فَقُلْهَا عَشْرًا، ثُمَّ ارْفَعْ رَأْسَكَ فَقُلْهَا عَشْرًا، ثُمَّ اسْجُدْ فَقُلْهَا عَشْرًا، ثُمَّ ارْفَعْ رَأْسَكَ فَقُلْهَا عَشْرًا، ثُمَّ اسْجُدْ [الثَّانِيَةَ(٦)] فَقُلْهَا عَشْرًا، ثُمَّ ارْفَعْ رَأْسَكَ فَقُلْهَا عَشْرًا قَبْلَ أَنْ تَقُومَ، فَتِلْكَ خَمْسٌ وَسَبْعُونَ(٧) فِي [كُلِّ] رَكْعَةٍ هِيَ ثَلاَثُ مِائَةٍ فِي أَرْبَعِ رَكَعَاتٍ، فَلَوْ كَانَتْ ذُنُوبُكَ مِثْلَ رَمْلِ عَالِجٍ(٨) لَغَفَرَهَا(٩) اللَّهُ لَكَ»، قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَمَنْ يَسْتَطِيعُ أَنْ يَقُولَهَا فِي [كُلِّ(١٠)] يَوْمٍ؟ قَالَ:«فَإِنْ(١١) لَمْ تَسْتَطِعْ أَنْ تَقُولَهَا فِي كُلِّ(١٠) يَوْمٍ، فَقُلْهَا فِي جُمُعَةٍ(١٢)، فَإِنْ لَمْ تَسْتَطِعْ أَنْ تَقُولَهَا فِي جُمُعَةٍ، فَقُلْهَا فِي شَهْرٍ» فَلَمْ يَزَلْ يَقُولُ لَهُ حَتَّى قَالَ: «فَقُلْهَا(١) فِي سَنَةٍ».

482. *Абу Рофиъ (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам** (амакилари) **Аббосга дедиларки: «Эй амаким! Сизга бир қариндошлик** (ҳаққини адо)

[84] Абдуллоҳ ибн Муборак раҳматуллоҳи алайҳдан сўраб билинган бу ҳадис саҳиҳ бўлиб, Ибн Можа китобида 1386-рақам билан ривоят қилинган.

қилайинми, сизга бир эҳсон этайинми? Сизга бир наф етказайинми?» (Аббос (розийаллоҳу анҳу): **«Ҳа** (айтинг), **ё Расулаллоҳ!» дедилар. Айтдилар: «Эй амаким! Тўрт ракъат намоз ўқинг, ҳар бир ракъатида «Фотиҳа» сураси билан бирга битта сура ўқинг. Қироат биттач, рукуъга бормасдан олдин ўн беш марта: «Аллоҳу акбару валҳамду лилла ҳи ва субҳоналлоҳ ва ло илоҳа иллаллоҳ» денг. Рукуъга бориб, уни рукуъда ўн марта айтинг. Рукудан бошингизни кўтариб, яна ўн марта айтинг. Сажда қилинг ва** (саждада) **ўшани ўн марта айтинг. Саждадан бошингизни кўтариб, яна ўн марта айтинг. Кейин** (иккинчи) **саждаги боринг ва** (саждада) **ўшани ўн марта айтинг. Иккинчи саждадан бошингизни кўтариб, қиёмга турмасдан олдин**[85] **ўшани яна ўн марта айтинг. Шундай қилиб, бу тасбиҳлар ҳар бир ракъатда етмиш бештадир. Тўрт ракъатда уч юзта тасбиҳ бўлади. Бас, агар гуноҳларингиз Олиж**[86] **қумларининг саноғича бўлса ҳам, Аллоҳ сизни мағфират қилгайдир!» Аббос** (розийаллоҳу анҳу): **«Ё Расулаллоҳ! Бу тасбиҳларни кунда ким ҳам айта олар эди!» дедилар.** (Расули Акрам) **айтдиларки: «Буларни ҳар куни айта олмасангиз, ҳафтада бир бор айтинг. Агар ҳафтада айта олмасангиз, ойда бир айтинг». У кишига** (шу тарзда) **уқтиришда давом этиб, ниҳоят: «Бир йилда бир марта айтинг» дедилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис Абу Рофиънинг ривояти сифатида ғариб.

ИЗОҲ. Тасбиҳ намози ҳақида (482) Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо) ривоят қилган ҳадисда бундай дейилади: **«Агар бажара олмасангиз, йилда бир дафъа бажаринг! Агар** (буни ҳам) **бажара олмасангиз, умрингизда бир марта адо этинг!..»**

351-БОБ. ПАЙҒАМБАР СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМГА САЛОВОТИ ШАРИФ КЕЛТИРМОҚНИНГ СИФАТИ (ШАКЛИ)

٤٨٣ – حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلَانَ، حَدَّثَنَا أَبُو أُسَامَةَ، عَنْ مِسْعَرٍ وَالأَجْلَحِ وَمَالِكِ بْنِ مِغْوَلٍ، عَنِ الْحَكَمِ بْنِ عُتَيْبَةَ، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي لَيْلَى، عَنْ كَعْبِ بْنِ عُجْرَةَ، قَالَ: قُلْنَا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، هَذَا السَّلاَمُ عَلَيْكَ قَدْ عَلِمْنَا[1]، فَكَيْفَ الصَّلاَةُ عَلَيْكَ ؟ قَالَ: «قُولُوا: اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ، كَمَا صَلَّيْتَ عَلَى إِبْرَاهِيمَ، إِنَّكَ حَمِيدٌ مَجِيدٌ، وَبَارِكْ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ، كَمَا بَارَكْتَ عَلَى إِبْرَاهِيمَ إِنَّكَ حَمِيدٌ مَجِيدٌ».

[85] Ҳадис Шофиъий мазҳабида иккинчи саждадан кейин ўтириш бор деб қабул қилинган истироҳат ўтириши учун далил қилиб олинган. Холбуки, бу фақат тасбиҳ намозига хосдир. Тасбиҳ намозида иккинчи саждадан кейин истироҳат ўтиришида ўн тасбиҳ айтилганидан кейин қиёмга турилади.

[86] Олиж – қумтепа дегани. Айни вақтда қуми кўп жойнинг номи ҳамдир.

483. *Каъб ибн Ужра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Ё Расулаллоҳ! Бу сизга – салом , буни** (ташаҳуддан) **билиб олдик. Энди сизга қандай саловат айтамиз?» Марҳамат қилдиларки: «**(Бундай деб) **айтдингизлар: «Аллоҳумма солли ъало Муҳаммадин ва ъало оли Муҳаммад, камо соллайта ъало Иброҳийма, иннака Ҳамийдум-Мажийд. Ва борик ъало Муҳаммадин ва ъало оли Муҳаммад, камо бораkта ъало Иброҳийма, иннака Ҳамийдум-Мажийд». («Аллоҳим! Муҳаммад** (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)**га ва у зотнинг оиласига раҳмат ёғдир, худди Иброҳим алайҳиссаломга раҳмат қилганингдек. Албатта, Сен Ҳамийд ва Мажийдсан – барча тилларда ҳар ҳолатда мадҳ этилгувчисан ва буюксан! Муҳаммад** (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)**ни ҳам муборак қил, худи Иброҳим алайҳиссаломни муборак қилганингдек. Албатта, Сен Ҳамид ва Мажийдсан – барча тилларда ҳар ҳолатда мадҳ этилгувчисан ва буюксан!»)**

Маҳмуд (Термизийнинг устози) Абу Усомадан нақл этиб, бундай деди: «Зоида – ал-Аъмашдан, Ал-Ҳакамдан, Абдурраҳмон Абу Лайлодан менга ушбундоқ ривоят қилди: «Абдурраҳмон ибн Абу Лайло: **«Ва биз: Ва аълайно маъаҳум** (Улар билан бирга бизга ҳам)**,** деймиз, деди».

Бу бобда Али, Абу Ҳумайд, Абу Масъуд, Талҳа, Абу Саъид, Бурайда, Хорижанинг ўғли Зайд – у Жориянинг ўғли деб ҳам айтилади – Абу Ҳурайра (розияллоҳау анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Каъб ибн Ужранинг ҳадиси ҳасан.

Абдурраҳмон ибн Абу Лайлонинг куняси – Абу Ийсо. Абу Лайлонинг исми эса – Ясор.

352-БОБ. ПАЙҒАМБАР СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМГА САЛОВОТИ ШАРИФ КЕЛТИРМОҚНИНГ ФАЗИЛАТИ

٤٨٤ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ [بُنْدَارٌ](١)، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ خَالِدِ بْنِ عَثْمَةَ(٢)، حَدَّثَنِي مُوسَى بْنُ يَعْقُوبَ الزَّمْعِيُّ(٣)، حَدَّثَنِي(٤) عَبْدُ اللَّهِ بْنُ كَيْسَانَ، أَنَّ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ شَدَّادٍ أَخْبَرَهُ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ، أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ(٥) صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَوْلَى النَّاسِ بِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ، أَكْثَرُهُمْ عَلَيَّ صَلَاةً(٦)».

484. *Абдуллоҳ ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Қиёмат кунида инсонларнинг менга энг авлоси** (энг яқини) **менга энг кўп саловот айтганидир».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бундай деб айтганлари ҳам ривоят қилинган: **«Менга бир саловат айтган кишига Аллоҳ ўн саловот ёзгайдир ва унга ўн ҳасана ёзилгайдир».**

٤٨٥- حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، أَخْبَرَنَا[1] إِسْمَعِيلُ بْنُ جَعْفَرٍ، عَنِ الْعَلاَءِ[2] بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ[3]، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ صَلَّى عَلَيَّ صَلاَةً، صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ [بِهَا[4]] عَشْرًا[5]».

485. *Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Кимки менга бир саловот айтса, у туфайли Аллоҳ унга ўн саловот ёзгайдир».**

Бу бобда Абдурраҳмон ибн Авф, Омир ибн Робиъ, Аммор, Абу Талҳа, Анас ибн Убай ибн Каъб (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Суфён Саврийдан ва биттадан кўп илм аҳлидан ривоят қилинган, айтдилар: «Раббингнинг салоти – раҳмат ва фаришталарнинг салоти истиғфордир».

٤٨٦- حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ سُلَيْمَانُ بْنُ سَلْمٍ[1] [الْمَصَاحِفِيُّ] [الْبَلْخِيُّ][2]، أَخْبَرَنَا النَّضْرُ بْنُ شُمَيْلٍ، عَنْ أَبِي قُرَّةَ الأَسَدِيِّ[3]، عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْمُسَيَّبِ، عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ قَالَ: إِنَّ الدُّعَاءَ مَوْقُوفٌ بَيْنَ السَّمَاءِ وَالأَرْضِ، لاَ يَصْعَدُ مِنْهُ[4] شَيْءٌ حَتَّى تُصَلِّيَ عَلَى نَبِيِّكَ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ[5].

486. *Ҳазрати Умар ибн Хаттоб (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Дуо осмон билан ер орасида тўхтатиб турилгайдир, токи Пайғамбаринг соллаллоҳу алайҳи ва салламга салот айтмагунингча бу дуодан бирор сўз** (осмонга) **чиқмас».**

٤٨٧- حَدَّثَنَا[6] عَبَّاسٌ الْعَنْبَرِيُّ[7]، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ، عَنْ مَالِكِ بْنِ أَنَسٍ، عَنِ الْعَلاَءِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ يَعْقُوبَ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ جَدِّهِ، قَالَ: قَالَ عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ: لاَ يَبِيعُ[8] فِي سُوقِنَا إِلاَّ مَنْ قَدْ[9] تَفَقَّهَ فِي الدِّينِ[10].

487. *Яъқубдан ривоят қилинди; айтди:* **«Ҳазрати Умар ибн Хаттоб** (розийаллоҳу анҳу) **бундай дедилар: «Бизнинг бозоримизда фақат динда фақиҳ бўлган киши савдо қилсин!»**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

Аббос у – Ибн Абдул-Азийм.

Ал-Ало – Абдурраҳмон ўғли,[87] у (Абдурраҳмон) эса ал-Ҳуроқанинг мавлоси бўлмиш Яъқубнинг ўғлидир. Ал-Ало тобиъийндандир, у Анас ибн Молик ва бошқалардан ҳадис эшитган.

Ал-Алонинг отаси Абдурраҳмон ибн Яъқуб ҳам тобиъийндандир; у Абу Ҳурайрадан ва Абу Саъид ал-Худрий (ва Ибн Умар розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис эшитган.

Яъқуб – ал-Алонинг бобоси бўлиб, тобиъийннинг улуғларидандир. У Умар ибн ал-Хаттоб (розийаллоҳу анҳу билан кўришган, у зот) дан ҳадис эшитган ва у зотдан ривоят ҳам қилган.

[87] Бу зотнинг исми Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган 485-рақамли ҳадисининг санадида ўтди.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ЖУМЪА КИТОБИ

Ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан (ривоят қилинади)

353-БОБ. ЖУМЪА КУНИНИНГ ФАЗИЛАТИ

٤٨٨- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا الْمُغِيرَةُ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ، عَنْ أَبِي الزِّنَادِ، عَنِ الأَعْرَجِ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «خَيْرُ يَوْمٍ طَلَعَتْ فِيهِ الشَّمْسُ يَوْمُ الْجُمُعَةِ، فِيهِ خُلِقَ آدَمُ[٤]، وَفِيهِ أُدْخِلَ الْجَنَّةَ، وَفِيهِ أُخْرِجَ مِنْهَا[٥]، وَلاَ تَقُومُ السَّاعَةُ إِلاَّ فِي يَوْمِ الْجُمُعَةِ[٦] ».

488. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «**Қуёш чиққан энг яхши кун жумъа кунидир. Одам** (алайҳиссалом) **ул кунда яратилди, ул кунда жаннатга киритилди ва ул кунда жаннатдан чиқарилди. Соат** (қиёмат) **ҳам фақат жумъа кунида қоим бўлур».**

Бу бобда Абу Лубоба, Салмон, Абу Зарр, Саъд ибн Убода ва Авс ибн Авс (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинди.

Абу Ийсо (ат-Термизий) деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

354-БОБ. ЖУМЪА КУНИДА (ДУО ИЖОБАТ БЎЛИШИ) УМИД ҚИЛИНАДИГАН СОАТ

٤٨٩- حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ الصَّبَّاحِ الْهَاشِمِيُّ الْبَصْرِيُّ [الْعَطَّارُ[١]]، حَدَّثَنَا عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الْمَجِيدِ الْحَنَفِيُّ، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ أَبِي حُمَيْدٍ، حَدَّثَنَا مُوسَى بْنُ وَرْدَانَ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ [أَنَّهُ[٣]] قَالَ[٤]: «الْتَمِسُوا السَّاعَةَ الَّتِي تُرْجَى[٥] فِي يَوْمِ الْجُمُعَةِ بَعْدَ الْعَصْرِ إِلَى غَيْبُوبَةِ الشَّمْسِ».

489. *Ҳазрати Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Жумъа куни** (дуо ижобат бўлиши) **умид қилинадиган соатни асрдан кейин то қуёш ботгунича қидирингизлар».**

Абу Ийсо (ат-Термизий) деди(лар): Бу ҳадис ушбу важҳдан ғариб.

Бу ҳадис Анас (розийаллоҳу анҳу)дан, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бошқа важҳдан ҳам ривоят қилинган.

Муҳаммад ибн Абу Ҳумайд заиф деб топилган. Баъзи муҳаддислар, хотираси жиҳатдан унинг заиф эканини қайд этганлар. Уни Хаммод ибн Абу Ҳумайд ҳам дейишади. Абу Иброҳим ал-Ансорий ўша экани айтилган. Унинг ҳадиси мункар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан баъзи илм аҳллари дуо ижобат бўлиши умид қилинадиган соатни асрдан кейин то қуёш ботгунича бўлган вақт орасида, деб ҳисоблайдилар. Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шу.

Аҳмад бундай деди: **«Ҳадисларнинг кўпи дуо мустажоб бўлиши умид қилинадиган соат аср намозидан кейин эканлиги ҳақидадир. Қуёш заволга кетгандан кейин ҳам умид қилинади».**

٤٩٠- حَدَّثَنَا زِيَادُ بْنُ أَيُّوبَ الْبَغْدَادِيُّ، حَدَّثَنَا أَبُو عَامِرٍ الْعَقَدِيُّ، حَدَّثَنَا كَثِيرُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ ابْنِ عَمْرِو بْنِ عَوْفٍ الْمُزَنِيُّ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ جَدِّهِ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ[٥]: «إِنَّ فِي الْجُمُعَةِ[٦] سَاعَةً لَا يَسْأَلُ اللَّهَ الْعَبْدُ فِيهَا[٧] شَيْئًا إِلَّا آتَاهُ اللَّهُ إِيَّاهُ»، قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَيَّةُ سَاعَةٍ[٨] هِيَ ؟ قَالَ: «حِينَ تُقَامُ الصَّلَاةُ إِلَى الِانْصِرَافِ[٩] مِنْهَا».

490. *Амр ибн Авф ал-Музаний (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Жумъа кунида бир соат борки, банда ўша соатда Аллоҳдан нимаики тиласа, Аллоҳ тилагини ато этгайдир». «Ё Расулаллоҳ! Ул қайси соат?» – дейишди. Айтдилар: «Намозга иқомат айтилганидан то намоздан тарқалиш вақтигача** (бўлган муддат)**дир».**[88]

Бу бобда яна Абу Мусо, Абу Зарр, Салмон, Абдуллоҳ ибн Салом, Абул Бобаҳ, Саъд ибн Убода ва Абу Умома (розийаллоҳу анҳум) дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Амр ибн Авфнинг ҳадиси ҳасан-ғариб.

ИЗОҲ. «Дуо ижобат бўлиши умид қилинадиган соат имом (минбарга чиқиб) ўтириши билан намоз ўқилиши орасидадир», дейилган.

---

[88] Бу ҳадисни Абу Мусо ривоят қилган ва Имом Муслим тахриж этганлар.

٤٩١- حَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ مُوسَى الأَنْصَارِيُّ، حَدَّثَنَا مَعْنٌ، حَدَّثَنَا مَالِكُ بْنُ أَنَسٍ[1]، عَنْ يَزِيدَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الْهَادِ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِبْرَاهِيمَ، عَنْ أَبِي سَلَمَةَ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**خَيْرُ يَوْمٍ طَلَعَتْ فِيهِ الشَّمْسُ يَوْمُ الْجُمُعَةِ؛ فِيهِ خُلِقَ آدَمُ[2]، وَفِيهِ أُدْخِلَ الْجَنَّةَ، وَفِيهِ أُهْبِطَ مِنْهَا، وَفِيهِ سَاعَةٌ لاَ يُوَافِقُهَا عَبْدٌ مُسْلِمٌ يُصَلِّي فَيَسْأَلُ[3] اللَّهَ فِيهَا شَيْئًا إِلاَّ أَعْطَاهُ إِيَّاهُ[4]**». قَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ: فَلَقِيتُ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ سَلاَمٍ، فَذَكَرْتُ لَهُ هَذَا الْحَدِيثَ، فَقَالَ: أَنَا أَعْلَمُ بِتِلْكَ السَّاعَةِ، فَقُلْتُ: أَخْبِرْنِي بِهَا، وَلاَ تَضْنُنْ[5] بِهَا عَلَيَّ، قَالَ: هِيَ بَعْدَ الْعَصْرِ إِلَى أَنْ تَغْرُبَ الشَّمْسُ، فَقُلْتُ: كَيْفَ[6] تَكُونُ بَعْدَ الْعَصْرِ وَقَدْ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لاَ يُوَافِقُهَا عَبْدٌ مُسْلِمٌ، وَهُوَ يُصَلِّي» وَتِلْكَ السَّاعَةُ لاَ يُصَلَّى فِيهَا؟ فَقَالَ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ سَلاَمٍ: أَلَيْسَ قَدْ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**مَنْ جَلَسَ مَجْلِسًا[7] يَنْتَظِرُ[8] الصَّلاَةَ فَهُوَ فِي صَلاَةٍ[9]**»؟ قُلْتُ: بَلَى، قَالَ: فَهُوَ ذَاكَ[10].

491. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Қуёши чиққан энг яхши кун жумъа кунидир. Одам** (алайҳиссалом) **ул кунда яратилди, ул кунда Жаннатга киритилди ва ул кунда Жаннатдан туширилди. Ул кунда бир соат борки, мусулмон банда намоз ўқиб ўшал соатга мувофиқ келтирса, унда Аллоҳдан нимаики тиласа, Аллоҳ тилагини ато қилгайдир». Абу Ҳурайра айтадилар: «Абдуллоҳ ибн Салом билан учрашдим-да, унга ушбу ҳадисни зикр қилдим. Шунда у: «Мен ўша соатни биламан» деб қолди. «Бас, ўша соатни менга билдир, уни мендан қизғанма», дедим. Айтди: «У соат асрдан кейин то қуёш ботгунчадир». «Асрдан кейин қандай бўлади? – дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мусулмон банда намоз ўқиб, ўшал соатга мувофиқ бўлса» дедилар. Ҳолбуки, у вақт** (асрдан кейин) **намоз ўқиладиган вақт эмас-ку?» дедим. Шунда Абдуллоҳ ибн Салом айтди: «Ахир, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки бир мажлисда ўтириб, намозни кутса, ул киши намоздадир» деб айтмаганмидилар!» «Ҳа, шундай!» дедим. «Бас, у** (соат) **ана шудир», деди».**

Бу ҳадисда узун бир қисса бор.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

«Бас, ўша соатни менга ҳам билдир, уни мендан қизғанма» деган сўзнинг маъноси: «Зонин» («зод» билан) – зиқна ва хасис

дегани. «Занин(а) («з») билан – муттаҳам (туҳматга қолган, гумон қилинган) киши дегани.

ШАРҲ. Изоҳларда: «Тиланадиган нарса Аллоҳдан тиланишга лойиқ нарса бўлиши керак», дейилган. Баъзи бошқа ривоятларда **«нимаики тиласа»** деган ибора ўрнига **«нимаики яхшилик тиласа»** дейилган.

Дуо ижобат бўлиши умид қилинадиган соат – жумъа куни аср билан шом орасидаги бир соатдир. Бу ўриндаги «соат»дан мурод олтмиш дақиқа эмас, умуман, муайян вақт бўлаги кўзда тутилган. Бинобарин, бир миқдордаги дуо ва ибодатни сиғдирадиган бир вақт эканига шубҳа йўқ. («Саҳиҳи Бухорий»да Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўша вақтнинг қисқалигини қўллари билан ишора қилганлари айтилган.)

Жумъа кунидаги бу соат борасида олимлар ихтилоф қилишди. Ҳофиз ибн Ҳажар «Фатҳул-борий»да уламонинг бу масаладаги қирқдан ортиқ қавлини зикр қилади ва сўнгида бундай дейди: «Зикр этилган қавллардан энг рожиҳ (мақбул) қавл Абу Мусонинг ривояти билан Абдуллоҳ ибн Саломнинг ривоятидир». Имом Муслим тахриж этган, Абу Мусо ривоят қилган ҳадисда у соат – имомнинг (минбарга чиқиб) ўтирмоғи билан намознинг тугамоғи ўртасида экани таъкидланган.

355-БОБ. ЖУМЪА КУНИ ҒУСЛ ҚИЛМОҚ

٤٩٢ – **حَدَّثَنَا** أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ سَالِمٍ، عَنْ أَبِيهِ، أَنَّهُ سَمِعَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «**مَنْ أَتَى الْجُمُعَةَ فَلْيَغْتَسِلْ**».

492. *Зуҳрий Солимдан, у Зот отаси (Абдуллоҳ ибн Умар)дан ривоят қилишича, у киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитган:* **«Кимки жумъага келса, ғусл қилиб келсин!»**

Бу бобда Умар, Абу Саъид, Жобир, Баро, Оиша ва Абуд-Дардо (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ййсо деди(лар): Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

٤٩٣ – **وَرُوِيَ** عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ، عَنْ أَبِيهِ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ [هَذَا الْحَدِيثُ أَيْضًا[1]] [حَدَّثَنَا بِذَلِكَ قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا اللَّيْثُ بْنُ سَعْدٍ[2]]، عَنِ ابْنِ شِهَابٍ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ، عَنْ أَبِيهِ[3]: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مِثْلَهُ[4]].

493. *Шунингдек, бу ҳадис (яна) Аз-Зуҳрийдан, Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Умардан, у кишининг оталари (Ҳазрати Умар розийаллоҳу анҳу) дан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган. Қутайба, Лайс ибн Саъддан, Ибн Шиҳобдан, Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ*

ибн Умардан, Абдуллоҳ ибн Умардан, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бизга баён этди: ўтган ҳадиснинг ўзи.

Муҳаммад (ал-Бухорий) айтди: «**Зуҳрийнинг Солимдан, Солимнинг отасидан ва Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳнинг ўз отаси** (Ибн Умар) **дан қилган ривоятлари – ҳар иккала ривоят ҳам саҳиҳдир».**

Зуҳрийнинг баъзи биродарлари Зуҳрий дан нақл этиб айтдилар: «Менга Абдуллоҳ ибн Умарнинг оиласидан Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилди».

Абу Ийсо деди(лар): (Абдуллоҳ) Ибн Умардан, ҳазрати Умардан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан «Жумъа куни ғусл қилиш» ҳақидаги ҳадис ривоят қилинади. Ва у ҳадис ҳасан-саҳиҳдир.

٤٩٤ – [وَ(١)] رَوَاهُ يُونُسُ وَمَعْمَرٌ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ سَالِمٍ، عَنْ أَبِيهِ(٢): بَيْنَمَا عُمَرُ [بْنُ الْخَطَّابِ(٣)] يَخْطُبُ يَوْمَ الْجُمُعَةِ؛ إِذْ دَخَلَ رَجُلٌ مِنْ أَصْحَابِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ(٤)، فَقَالَ: أَيَّةُ سَاعَةٍ هَذِهِ؟، فَقَالَ(٥): مَا هُوَ إِلاَّ أَنْ سَمِعْتُ النِّدَاءَ، وَمَا زِدْتُ عَلَى أَنْ تَوَضَّأْتُ، قَالَ: وَالْوُضُوءُ(٦) أَيْضًا؟، وَقَدْ عَلِمْتَ: أَنَّ رَسُولَ اللَّه صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَمَرَ بِالْغُسْلِ.

494. *Юнус ва Маъмар – Зуҳрийдан, у Солимдан, у отаси (Абдуллоҳ ибн Умар)дан ривоят қилди:* **«Умар ибн Хаттоб** (розийаллоҳу анҳу) **жумъа куни хутба айтаётган эдилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан бир киши масжидга кириб келди.**[89] **Шунда ҳазрати Умар** (хутбада туриб)**: «Бу соат қайси вақтдир** (яъни, нега кеч қолдингиз)**?» – дедилар. «Ногоҳ азонни эшитдиму таҳорат олиб улгурдим» -деди. Ҳазрати Умар айтдиларки: «Фақат таҳорат, холосми? Ахир, сиз биласиз-ку, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ғусл қилмоққа буюрганлар».**

Шунингдек, бизга (Абу Бакр) Муҳаммад ибн Абон, Абдурраззоқдан, Маъмардан, Зуҳрийдан нақл этиб, ҳадис баён қилди.

٤٩٥ – [قَالَ(٨)]: وحَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ(٩)، أَخْبَرَنَا [أَبُو صَالِحٍ(١)] عَبْدُ اللَّهِ بْنُ صَالِحٍ، حَدَّثَنَا اللَّيْثُ(١٠)، عَنْ يُونُسَ، عَنِ الزُّهْرِيِّ: بِهَذَا الْحَدِيثِ.

وَرَوَى مَالِكٌ هَذَا الْحَدِيثَ عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ سَالِمٍ قَالَ: بَيْنَمَا عُمَرُ [بْنُ الْخَطَّابِ(١١)] يَخْطُبُ يَوْمَ الْجُمُعَةِ: فَذَكَرَ هَذَا(١١) الْحَدِيثَ(١٢).

---

[89] Бир қанча ривоятларда бу зот ҳазрати Усмон (розийаллоҳу анҳу) эканликлари қайд этилган.

495. *Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон айни бу ҳадисни бизга (Абу Солиҳдан), Абдуллоҳ ибн Солиҳдан, Лайсдан, Юнусдан, аз-Зуҳрийдан баён қилди.*

Молик бу ҳадисни Зуҳрийдан, Солимдан (мунқотиъ тарзида) ривоят қилди. Солим: «Ҳазрати Умар (Ибн Хаттоб бизнинг ўртамизда) жумъа куни хутба ўқиётган эдилар», дейди ва бу ҳадисни зикр қилади.

Абу Ийсо деди(лар): Муҳаммад (ал-Бухорий)дан Моликнинг бу ҳадиси ҳақида сўраган эдим: «Саҳиҳ ривоят – Зуҳрийнинг Солимдан, Солимнинг отасидан қилган ривоятидир», деди.

Муҳаммад (ал-Бухорий) айтади: «Ўхшаш тарзда бу ҳадис Молик орқали ҳам Зуҳрийдан, Солимдан, Солимнинг отасидан ривоят қилинган».

356-БОБ. ЖУМЪА КУНИ ҒУСЛ ҚИЛМОҚНИНГ ФАЗИЛАТИ

٤٩٦ – حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلاَنَ، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ[٥] وَأَبُو جَنَابٍ[٦] يَحْيَى بْنُ أَبِي حَيَّةَ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عِيسَى[٧]، عَنْ يَحْيَى بْنِ الْحَارِثِ[٨]، عَنْ أَبِي الأَشْعَثِ الصَّنْعَانِيِّ، عَنْ أَوْسِ بْنِ أَوْسٍ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنِ اغْتَسَلَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ، وَغَسَّلَ، وَبَكَّرَ، وَابْتَكَرَ، وَدَنَا وَاسْتَمَعَ، وَأَنْصَتَ؛ كَانَ لَهُ بِكُلِّ خُطْوَةٍ يَخْطُوهَا أَجْرُ سَنَةٍ؛ صِيَامُهَا، وَقِيَامُهَا».

496. *Авс ибн Авс (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга бундай дедилар: **«Кимки жумъа куни ғусл қилса ва ғусл қилганда ҳам яхшилаб ғусл қилса,** (масжидга) **эрта келса, эрта келганда ҳам жуда эрта келса,** (имомга) **яқин ўлтирса, эътибор билан хутбани эшитиб, жим турса, ҳар бир босган қадами учун унга бир йиллик** (нафл) **рўзалар ва тунги** (нафл) **ибодатларнинг ажр-савоби бордир».**

Маҳмуд (Термизийнинг устози) бу ҳадисда Вакиънинг бундай деганини нақл этди: **«Ўзи ғусл қилса ва жуфти ҳалолини ҳам ғусл қилдирса».**

(Абдуллоҳ) Ибн Муборак ушбу ҳадис ҳақида бундай дегани ривоят қилинди: **«Кимки ювса ва ювинса, яъни бошини ювса ва** (яхшилаб) **ғусл қилса»,** дейди.

Бу бобда Абу Бакр, Имрон ибн Ҳусайн, Салмон, Абу Зарр, Абу Саъид, Ибн Умар ва Абу Айюб (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Авс ибн Авснинг ҳадиси ҳасан.
Абул-Ашъас ас-Санъонийнинг исми – Шараҳбил ибн Ода.
Абу Жаноб эса Йаҳйо ибн Ҳабиб ал-Қассоб ал-Куфийдир.

ШАРҲ. Бу ўринда «ғоссала» («ювса») сўзи «иғтасала» («ювинса») сўзининг таъкиди учундир, яъни яхшилаб ювинишни ифодалайди. Лекин Имом Термизий изоҳда бу сўзнинг бошқа маъносини, яъни **«жуфти ҳалолини ҳам ғусл қилдирса»** деган маънони келтирмоқдалар. Бу: **«Аёли билан мужомаъат қилса»** деган маънодадир. Абдуллоҳ ибн Муборак ҳам мужтаҳид зот бўлганлар ва: буни «иғтасала»нинг таъкиди учун» деганлар; яъни: «Ғусл қилса ва ғусл қилганда ҳам яхшилаб ғусл қилса» деган маънода таъвил қилганлар.

«Баккара» феъли эса луғавий жиҳатдан «субҳи содиқдан кейин бориш» маъносидадир. Бу ўринда жумъа куни масжидга жуда эрта бориш ифодаланган.

357-БОБ. ЖУМЪА КУНИ ТАҲОРАТ БИЛАН КИФОЯЛАНМОҚ

٤٩٧ – حَدَّثَنَا أَبُو مُوسَى مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى، حَدَّثَنَا سَعِيدُ بْنُ سُفْيَانَ الْجَحْدَرِيُّ، حَدَّثَنَا شُعْبَةُ، عَنْ قَتَادَةَ، عَنِ الْحَسَنِ، عَنْ سَمُرَةَ بْنِ جُنْدَبٍ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ تَوَضَّأَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ؛ فَبِهَا وَنِعْمَتْ، وَمَنِ اغْتَسَلَ؛ فَالْغُسْلُ أَفْضَلُ».

497. *Самура ибн Жундуб (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Кимки жумъа куни таҳорат олса, бу етарли ва жуда яхшидир. Кимки ғусл қилса, бас, ғусл афзалроқ».**

Бу бобда Абу Ҳурайра, Анас ва Оиша (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Самуранинг ҳадиси ҳасан.

Қатоданинг биродарларидан баъзиси бу ҳадисни Қатодадан, Ал-Ҳасандан, Самура (ибн Жундаб)дан ривоят қилди.

Баъзилар эса: «Қатодадан, Ҳасандан, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан» деб мурсал тарзида ривоят қилди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир. Жумъа куни ғусл қилмоқни ихтиёр этадилар ва шу билан бирга бу кунда ғусл ўрнига таҳорат билан кифояланмоқни жоиз деб ҳисоблайдилар.

Шофиъий айтади: **«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ғусл қилмоқ борасидаги амрлари вожиб даражасида бўлмасдан, ихтиёрийлик асосида эканига далолат қиладиган ҳадислардан бири ҳам ҳазрати Умарнинг ҳадисидир».** Қайсики, у киши ҳазрати Ус-

монга: «Фақат таҳорат холосми? Ахир, сиз биласиз-ку, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ғусл қилмоқни буюрганлар», деб айтганлар. Ҳазрати Умар (розийаллоҳу анҳу) Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амрлари ихтиёрийлик асосида эмас, балки вожиблик асосида, деб билсалар эди, (Ҳазрати) Умар (Ҳазрати) Усмонни орқага қайтармасдан қўймас эдилар, у зотга: «Қайтинг, ғусл қилинг!» дер эдилар. Ҳазрати Усмоннинг ўзларига ҳам бу масала махфий қолмасди. Бинобарин, бу ҳадисда, мусулмон киши қилиши зарур бўлган бир вожиб амал йўқлигига, балки жумъа куни ғусл қилмоқликда фазилат борлигига далолат мавжуддир».

ШАРҲ. Жумъа куни ғусл қилмоқ мустаҳаб эканига доир далил ана шу тарзда келтирилади. Баъзилар бу қарорга илова қилиб: «Масжидда бўлган саҳобалар (розийаллоҳу анҳум) ҳазрати Умар билан ҳазрати Усмоннинг бу ҳолатларига мувофақат этган бўлардилар. Демак, жумъа куни ғусл ихтиёрий эканлиги борасида иттифоқ қилганлар, деб айтиш мумкин». Бошқа томондан эса ҳазрати Умар ва ҳазрати Усмоннинг бу қиссасидан жумъа куни ғусл қилмоқ вожиб эмас, деган маънони эмас, аксинча, вожиб деган маънони чиқарганлар ҳам бор. Буларнинг фикрича, ҳазрати Умар хутбани бўлиб, ҳамманинг олдида ҳазрати Усмонни айблаб, у зотга танбиҳ бердилар, демак, жумъа куни ғусл қилиш мубоҳ бўлса эди, бундай қилмаган бўлардилар. Ҳазрати Усмон эса вақт танг бўлганидан ва жумъа намозини бой бериш хавфи бўлганидан орқага қайтмадилар. Чунончи, бир зарурият натижасида вақтни ўтказиб юборганларини ва фақат жумъа азонини эшитгач, ўзларига келганларини таъкидлаганлар. («Саҳиҳи Бухорий»да Ҳазрати Усмоннинг (розийаллоҳу анҳу): «Бир юмуш билан банд бўлиб қолдим» деб айтганлари келтирилган). Бу ҳолат ислом фиққи бой ва ранг-баранглигини, чиройли намуналардан биттаси шу эканлигини кўрсатади. Бас, жумъа куни ғусл қилмоқ вожиб эмас, фазилатдир.

٤٩٨ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، قَالَ: حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ، عَنِ الأَعْمَشِ، عَنْ أَبِي صَالِحٍ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ تَوَضَّأَ فَأَحْسَنَ الْوُضُوءَ، ثُمَّ أَتَى الْجُمُعَةَ، فَدَنَا، وَاسْتَمَعَ، وَأَنْصَتَ، غُفِرَ لَهُ مَا بَيْنَهُ وَبَيْنَ الْجُمُعَةِ وَزِيَادَةُ ثَلاثَةِ أَيَّامٍ، وَمَنْ مَسَّ الْحَصَى فَقَدْ لَغَا».

498. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинишича, у киши айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки чиройли таҳорат олса, кейин жумъа намозига келса, хутба ўқилганда эшитиб сукут қилиб ўтирса, у жумъа билан бу жумъа орасидаги гуноҳлари мағфират қилингайдир; бундан зиёда яна уч куни ҳам кечирилур. Ва кимки** (хутба маҳалида) **тош бўлакчаларини текисласа, ноўрин иш билан шуғулланган бўлур».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

358-БОБ. ЖУМЪАГА ЭРТАРОҚ ҲАРАКАТ ҚИЛМОҚ

٤٩٩ – حَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ مُوسَى [الأَنْصَارِيُّ[1]]، حَدَّثَنَا مَعْنٌ، حَدَّثَنَا مَالِكٌ[2]، عَنْ سُمَيٍّ، عَنْ أَبِي صَالِحٍ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنِ اغْتَسَلَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ غُسْلَ الْجَنَابَةِ، ثُمَّ رَاحَ[3]، فَكَأَنَّمَا قَرَّبَ بَدَنَةً، وَمَنْ رَاحَ فِي السَّاعَةِ الثَّانِيَةِ؛ فَكَأَنَّمَا قَرَّبَ بَقَرَةً، وَمَنْ رَاحَ فِي السَّاعَةِ الثَّالِثَةِ؛ فَكَأَنَّمَا قَرَّبَ كَبْشًا أَقْرَنَ[4]، وَمَنْ رَاحَ فِي السَّاعَةِ الرَّابِعَةِ؛ فَكَأَنَّمَا قَرَّبَ دَجَاجَةً، وَمَنْ رَاحَ فِي السَّاعَةِ الْخَامِسَةِ، فَكَأَنَّمَا قَرَّبَ بَيْضَةً، فَإِذَا خَرَجَ الإِمَامُ حَضَرَتِ الْمَلاَئِكَةُ يَسْتَمِعُونَ الذِّكْرَ».

499. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Кимки жумъа куни худди жунубликда ғусл қилгандек ғусл қилсаю биринчи соатда** (биринчи бўлиб) **масжидга борса, худди бир туя қурбонлик қилгандек бўлур. Кимки иккинчи соатда** (иккинчи бўлиб) **борса, худди бир сигир қурбонлик қилгандек бўлур. Кимки учинчи соатда** (учинчи бўлиб) **борса, худди бир каттакон қўчқор қурбонлик қилгандек бўлур. Кимки тўртинчи соатда** (тўртинчи бўлиб) **борса, худди бир товуқ сўйиб садақа қилгандек бўлур. Кимки бешинчи соатда** (бешинчи бўлиб) **борса, худди бир тухум садақа қилгандек бўлур. Имом** (минбарга) **чиққач, малоикалар хутбани тингламоқ учун ҳозир бўлурлар».**

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Амр ва Самура (розийаллоҳу анҳумо) дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

ИЗОҲ. Имоми Молик мазҳабига кўра, 499-ҳадисда айтилган «соат»лардан мурод – қуёшнинг завол вақтидан кейинги қисқа вақт бўлакларидир. Моликнинг биродарлари, қози Ҳусайн ва Имомул-ҳарамайн ҳам шу қавлга эга бўлганлар. (Бу ўринда якка-якка ҳолда биринчи ва иккинчи бўлиб бориш маъноси эмас, балки ўша «соатда», – яъни вақтнинг ўша муайян бўлагида ўн киши борса ҳам, ўша соатда ўша савобни топади). Уларнинг фикрича, «равоҳ» деб заволдан кейин бўладиган бориш айтилади. Бу сўзнинг луғавий маъноси шу деб айтмоқдалар. Жумҳур уламонинг фикрича, жумъага куннинг бошидан ҳаракат қилмоқ – мустаҳаб. «равоҳ» (бориш, равона бўлиш) – заволдан олдин ҳам, кейин ҳам бўлаверади. Ал-Азҳарий айтади: «Хоҳ кундузнинг аввалида, хоҳ охирида, хоҳ кечқурун бўлсин, «равоҳ» – араб тили луғатида – бормоқ (равона бўлмоқ) маъносидадир». Тўғри таъриф шудир, ҳадис ва маъно шуни тақозо қилмоқда. Чунки, агар фақат заволдан кейинги бориш «равоҳ» дейилса, унда заволдан кейинги келишининг бирор фазилати йўқ. Зеро, заволнинг изидан азон айтиладики, азондан кейин кечга қолмоқ, асосан, ҳаром.

359-БОБ. УЗРСИЗ ҲОЛДА ЖУМЪАНИ ТАРК ЭТМОҚ (ҲУКМИ)

٥٠٠- حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ خَشْرَمٍ، أَخْبَرَنَا عِيسَى بْنُ يُونُسَ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ عَمْرٍو، عَنْ عَبِيدَةَ ابْنِ سُفْيَانَ[٨]، عَنْ أَبِي الْجَعْدِ - [يَعْنِي[٩]] الضَّمْرِيَّ[١٠]، وَكَانَتْ لَهُ صُحْبَةٌ فِيمَا زَعَمَ مُحَمَّدُ ابْنُ عَمْرٍو، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ تَرَكَ الْجُمُعَةَ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ تَهَاوُنًا بِهَا؛ طَبَعَ اللَّهُ عَلَى قَلْبِهِ».

500. *Муҳаммад ибн Амр томонидан саҳоба деб уқдирилган Абул-Жаъд яъни, Зомрий (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Кимки бепарволик қилиб жумъа** (намози)**ни уч марта тарк этса, Аллоҳ унинг қалбини муҳрлаб қўйгайдир».**

Бу бобда Ибн Умар, Ибн Аббос ва Самура (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абул-Жаъднинг ҳадиси ҳасан.

Муҳаммад (ал-Бухорий)дан Абул-Жаъд Зомирийнинг исмини сўрадим, билмади ва бундай деди: **«Унинг Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қилган ривояти сифатида фақат шу ҳадисни биламан».**

Бу ҳадисни ҳам фақат Муҳаммад ибн Амрнинг ривоятидан биламиз.

ИЗОҲ. Ал-Ироқий: **«Кимки бепарволик қилиб жумъа** (намози) **ни уч марта тарк этса»** деган таъбирдан «узрсиз ҳолда тарк этса» деган маъно қасд этилганини айтади. Шайх Абдулҳақ эса «Ал-Ламаот» китобида «таҳовун»ни «такосул» деб тафсир қилган. Чунончи, жумъани иҳонат (таҳқир) ва истихфоф (камситиш) йўли билан тарк этмоқлик куфри мужибдир.

360-БОБ. ЖУМЪАГА ҚАНЧА МАСОФАДАН КЕЛИНАДИ?

٥٠١حَدَّثَنَا عَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ وَمُحَمَّدُ بْنُ مَدُّوَيْهِ[٢]، قَالَا: حَدَّثَنَا الْفَضْلُ بْنُ دُكَيْنٍ[٣]، حَدَّثَنَا

٥٠١حَدَّثَنَا عَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ وَمُحَمَّدُ بْنُ مَدُّوَيْهِ[٢]، قَالَا: حَدَّثَنَا الْفَضْلُ بْنُ دُكَيْنٍ[٣]، حَدَّثَنَا

إِسْرَائِيلُ[٤]، عَنْ ثُوَيْرٍ[٥]، عَنْ رَجُلٍ مِنْ أَهْلِ قُبَاءَ[٦]، عَنْ أَبِيهِ - وَكَانَ مِنْ أَصْحَابِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - قَالَ:أَمَرَنَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ نَشْهَدَ الْجُمُعَةَ مِنْ قُبَاءَ.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан эди – ривоят

қилинди; айтди: **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларга жумъага Кубодан қатнамоғимизни амр қилдилар».**[90]

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадисни ёлғиз шу важҳдан биламиз. Бу бобда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бирор саҳиҳ ҳадис ривоят қилинмаган.

Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганлари ривоят қилинди: **«Жумъа** (намози) **кеча оиласига қайтарган** (кеч тушмай уйига қайтиб кела оладиган) **кишига вожибдир».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадиснинг ҳам санади заиф. Чунки ёлғиз Муъорик ибн Аббоднинг – Абдуллоҳ ибн Саъид ал-Мақбурийдан қилган ривоятидан келаётир.

Яҳё ибн Саъид ал-Қаттон, Абдуллоҳ ибн Саъид ал-Мақбурийнинг ҳадисда заиф эканини қайд этган.

Илм аҳллари жумъа кимнинг зиммасида вожиб экани масаласида ихтилоф қилдилар. Баъзиси: «Кеч тушмасдан уйига қайта оладиган кишига вожиб « деди, баъзиси эса: «Жумъа фақатгина азонни эшита оладиган кишиларга вожиб бўлади», дейди. Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

٥٠٢ – سَمِعْتُ أَحْمَدَ بْنَ الْحَسَنِ[٦] يَقُولُ: كُنَّا عِنْدَ أَحْمَدَ بْنِ حَنْبَلٍ، فَذَكَرُوا عَلَى مَنْ تَجِبُ الْجُمُعَةُ، فَلَمْ يَذْكُرْ أَحْمَدُ فِيهِ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ شَيْئًا. قَالَ أَحْمَدُ بْنُ الْحَسَنِ: فَقُلْتُ لأَحْمَدَ بْنِ حَنْبَلٍ: فِيهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ؟، فَقَالَ أَحْمَدُ[٧]: عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ؟ قُلْتُ: نَعَمْ.

[قَالَ أَحْمَدُ بْنُ الْحَسَنِ[٨]]: حَدَّثَنَا حَجَّاجُ بْنُ نُصَيْرٍ[٩]، حَدَّثَنَا مُعَارِكُ بْنُ عَبَّادٍ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ سَعِيدٍ الْمَقْبُرِيِّ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: **«الْجُمُعَةُ عَلَى مَنْ آوَاهُ اللَّيْلُ إِلَى أَهْلِهِ»**.

[قَالَ[١]]: فَغَضِبَ عَلَيَّ أَحْمَدُ بْنُ حَنْبَلٍ، وَقَالَ لِي: اسْتَغْفِرْ رَبَّكَ اسْتَغْفِرْ رَبَّكَ.

502. *Аҳмад ибн ал-Ҳасандан шундай деганини эшитдим:* **«Бизлар Аҳмад ибн Ҳанбалнинг ёнида эдик. Жумъа кимга вожиб экани масаласи ўтди. Аҳмад ибн Ҳанбал бу масалада Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бирор нарса** (ҳадис) **зикр қилмади». Аҳмад ибн ал-Ҳасан айтади: «Шунда** (мен) **Аҳмад ибн Ҳанбалга: «Бу масалада Абу Ҳурайра** (розийаллоҳу анҳу) **орқали Пайғамбар соллаллоҳу**

[90] Мадинадан икки мил масофадаги бир манзил. Маккага боришда чап томонда қолади.

алайҳи ва салламдан ҳадис ривоят қилинган» дедим. Аҳмад ибн Ҳанбал: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламданми?» деди. (Аҳмад ибн ал-Ҳасан айтди:) **«Ҳа, – дедим. – Ал-Ҳажжож ибн Нусойр, Муъорик ибн Аббоддан, Абдуллоҳ ибн Саъид ал-Мақбурийдан, отасидан, Абу Ҳурайрадан, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бизга баён қилди; Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдиларки: «Жумъа** (намози) **кеча оиласига қайтарган** (кеч тушмасдан уйига қайтиб кела оладиган) **кишига вожибдир»... Шунда Аҳмад ибн Ҳанбал мендан ранжиди ва: «Раббингга тавба қил! Раббингга тавба қил!» – деди...**

Абу Ийсо деди(лар): Аҳмад ибн Ҳанбалнинг унга нисбатан бундай муомалада бўлганининг ягона сабаби шуки, Аҳмад бу ҳадисни муҳим ҳисобламайди ва иснодидаги аҳвол туфайли уни заиф деб билади.

361-БОБ. ЖУМЪА (НАМОЗИ)НИНГ ВАҚТИ

٥٠٣ – حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا سُرَيْجُ بْنُ النُّعْمَانِ[٤]، حَدَّثَنَا فُلَيْحُ بْنُ سُلَيْمَانَ، عَنْ عُثْمَانَ ابْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ التَّيْمِيِّ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يُصَلِّي الْجُمُعَةَ حِينَ تَمِيلُ الشَّمْسُ.

503. *Ҳазрати Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам жумъа намозини қуёш** (ғарбга) **мойил бўлганида** (қиёмдан оғган пайтда) **ўқир эдилар».**

٥٠٤ – حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ مُوسَى، حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ [الطَّيَالِسِيُّ][٥]، حَدَّثَنَا فُلَيْحُ بْنُ سُلَيْمَانَ، عَنْ عُثْمَانَ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ [التَّيْمِيِّ][٦]، عَنْ أَنَسٍ، [عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ][٧]: نَحْوَهُ

504. *Яҳё ибн Мусо, Абу Довуд ат-Тойалисийдан, Фулайҳ ибн Сулаймондан, Усмон ибн Абдурраҳмон ат-Таймийдан, Анасдан, (Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан) нақл этиб, бизга баён қилди...* Ўтган ҳадиснинг ўзи.

Бу бобда Салама ибн Аква, Жобир ва Зубайр ибн Авом (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинди. Анаснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Илм аҳлларининг кўпи шу ҳадис асосида иттифоқ қилганлар: Жумъа намозининг вақти, худди пешиннинг вақтидек, қуёш қиёмдан оғган пайтда киради. Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шу. Баъзиси жумъа намозини заволдан (қуёш қиёмдан оғишидан) олдин ҳам ўқиш жоиз деб ҳисоблайди.

Аҳмад: «Кимки жумъа намозини заволдан олдин ўқиса, у кишининг зиммасида иода қилиш (қайта ўқиш) лозим бўлмайди» деган фикрдадир.[91]

362-БОБ. МИНБАР УСТИДА ЎҚИЛАДИГАН ХУТБА

٥٠٥– حَدَّثَنَا أَبُو حَفْصٍ عَمْرُو بْنُ عَلِيٍّ الْفَلاَّسُ [الصَّيْرَفِيُّ(٤)]، حَدَّثَنَا عُثْمَانُ بْنُ عُمَرَ (*) وَيَحْيَى بْنُ كَثِيرٍ أَبُو غَسَّانَ الْعَنْبَرِيُّ، قَالاَ: حَدَّثَنَا مُعَاذُ بْنُ الْعَلاَءِ، عَنْ نَافِعٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَخْطُبُ إِلَى جِذْعٍ، فَلَمَّا اتَّخَذَ [النَّبِيُّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ(٦)] الْمِنْبَرَ؛ حَنَّ الْجِذْعُ حَتَّى أَتَاهُ فَالْتَزَمَهُ، فَسَكَنَ.

505. *Ҳазрати Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир хурмо ёғочи** (устуни)**га суяниб туриб хутба айтар эдилар. Минбар тутган** (кун)**ларида ўша устун** (аламидан) **ун чекиб йиғлади. Ҳатто Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни қучоқлаб турдилар, шундагина устун юпанди...»**

Бу бобда Анас, Жобир, Саҳл ибн Саъд, Убай ибн Каъб, Ибн Аббос ва Умму Салама (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-ғариб-саҳиҳ.

Муъоз ибн ал-Аъло Басралик бўлиб, Абу Амр ибн ал-Аълонинг биродаридир.

ИЗОҲ. «Мавоҳиб» номли китобда айтилади: «Аллоҳ таоло бу ёғочга жон бағишлаб, тиргизди. Бу устун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг фироқларида худди тирик одамдек товуш чиқариб йиғлади». Шундан сўнг бу устун «Ҳаннона» («Йиғловичи») деб ном олган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзлари зикр қилинади. «Қасам Аллоҳгаки, бунинг йиғисини ўзим келиб тўхтатмасам, то Қиёматгача шу аҳволда бўзлаб йиғлар эди».

363-БОБ. ИККИ ХУТБА ОРАСИДА ЎТИРМОҚ

٥٠٦– حَدَّثَنَا حُمَيْدُ بْنُ مَسْعَدَةَ الْبَصْرِيُّ، حَدَّثَنَا خَالِدُ بْنُ الْحَارِثِ، حَدَّثَنَا عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ عُمَرَ، عَنْ نَافِعٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَخْطُبُ يَوْمَ الْجُمُعَةِ، ثُمَّ يَجْلِسُ، ثُمَّ يَقُومُ فَيَخْطُبُ، قَالَ: مِثْلَ مَا تَفْعَلُونَ الْيَوْمَ.

[91] Ҳанбалийлар баъзан жумъа намозини заволдан олдин ўқийдилар. (Энг тўғриси ва яхшиси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўқиган вақтлари — қуёш қиёмдан оғган вақтдир.)

506. *Ҳазрати Ибн Умардан (розийаллоҳу анҳумо) ривоят қилинди,у киши айтдилар:* «**Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам жумъа куни** (тик туриб) **хутба айтар эдилар. Кейин** (бир оз) **ўтирар эдилар, кейин тик туриб хутба айтар эдилар, худди бу кун** (сиз имомлар) **қилганларингиздек...**»

Бу бобда Ибн Аббос, Жобир ибн Абдуллоҳ ва Жобир ибн Самура (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳллари икки хутбанинг орасини (бир оз) ўтириш билан айирмоқ фикридалар.

ИЗОҲ. Ҳанафий мазҳабида бу ўтириш суннатдир. «Имом икки хутба орасида уч оят ўқиш миқдори ўтириб олади. Агар ўтирмаса, суннатни тарк қилгани учун гуноҳкор бўлур» *(«Мухтасарул-Виқоя», 52-саҳифа).*

364-БОБ. ХУТБАНИНГ ҚИСҚА БЎЛМОҒИ

٥٠٧- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ وَهَنَّادٌ، قَالاَ: حَدَّثَنَا أَبُو الأَحْوَصِ، عَنْ سِمَاكٍ [بْنِ حَرْبٍ(١)]، عَنْ جَابِرِ بْنِ سَمُرَةَ، قَالَ: كُنْتُ أُصَلِّي مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَكَانَتْ صَلاَتُهُ قَصْدًا، وَخُطْبَتُهُ قَصْدًا.

507. *Жобир ибн Самура (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* «**Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга намоз ўқир эдим. У кишининг намозлари ҳам мўътадил, хутбалари ҳам мўътадил эди**».

Бу бобда Аммор ибн Ёсир ва Ибн Абу Авфа (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Жобир ибн Самуранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

365-БОБ. МИНБАРДА ҚУРЪОН ЎҚИМОҚ

٥٠٨- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ [بْنُ عُيَيْنَةَ(٦)]، عَنْ عَمْرِو بْنِ دِينَارٍ، عَنْ عَطَاءٍ، عَنْ صَفْوَانَ بْنِ يَعْلَى بْنِ أُمَيَّةَ(٧)، عَنْ أَبِيهِ، قَالَ: سَمِعْتُ النَّبِيَّ(٨) صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقْرَأُ عَلَى الْمِنْبَرِ: ﴿ وَنَادَوْا يَا مَالِكُ(٩) ﴾.

508. *Йаъло Ибн Умайя (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам минбарда: «Эй Малик!» деб нидо қилгайлар...»** (деган оят)**ни қироат қилганларини эшитдим».**

Бу бобда Абу Ҳурайра ва Жобир ибн Самура (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Йаъло ибн Умаййанинг ҳадиси ҳасан-ғариб-саҳиҳ. Бу ҳадис Ибн Уйайнанинг ривоятидир.

Илм аҳлларининг баъзилари, имомнинг хутбада Қуръон ўқимоғини ихтиёр қилганлар. Шофиъий айтади: «Имом хутба айтса-ю, хутбасида Қуръондан бирор оят ўқимаса, хутбани қайтадан ўқийди».

ИЗОҲ. Ҳадиси шарифдаги: **«Эй Малик!» деб нидо қилгайлар...»** (деган оят)ни қироат қилганларини эшитдим», деганда Зухруф сурасининг 77-оятини назарда тутганлар; оят маъноси: **«У** (динсиз)**лар** (дўзах соқчисига): **«Эй Малик! Раббинг**(дан сўра, азобдан кутулмоқ учун) **бизларни ҳалок айласин!..» деб нидо қилурлар...»**

366-БОБ. ХУТБА АЙТИЛАЁТГАНДА ИМОМГА ЮЗЛАНИБ ЎТИРМОҚ

٥٠٩- حَدَّثَنَا عَبَّادُ بْنُ يَعْقُوبَ الْكُوفِيُّ[٣]، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْفَضْلِ بْنِ عَطِيَّةَ، عَنْ مَنْصُورٍ، عَنْ إِبْرَاهِيمَ، عَنْ عَلْقَمَةَ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ [بْنِ مَسْعُودٍ[٤]] قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ[٥] صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا اسْتَوَى عَلَى الْمِنْبَرِ اسْتَقْبَلْنَاهُ بِوُجُوهِنَا.

509. *Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам минбар устида ўрнашганларида бизлар у кишига юзланиб олар эдик».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу бобда Ибн Умардан (розийаллоҳу анҳумо) ҳадис ривоят қилинган.

Бу ҳадисни Мансурдан ёлғиз Муҳаммад ибн Фазл ибн Атиййа ривоят қилганини биламиз. Муҳаммад ибн Фазл ибн Атиййа эса, биродарларимизнинг фикрича, заиф ва ҳадис ҳифзини (ёдда сақлаш иқтидорини) йўқотган.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир. Имом хутба айтаётганда унга рўбарў бўлиб ўтирмоқни мустаҳаб кўрадилар. Суфён Саврий, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

Бу бобда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бирор саҳиҳ ҳадис ривоят қилинмаган.

367-БОБ. ИМОМ ХУТБА АЙТАЁТГАНДА КЕЛГАН КИШИ ИККИ РАКЪАТ НАМОЗ ЎҚИМОҒИ

٥١٠- حَدَّثَنَا[٣] قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ، عَنْ عَمْرِو بْنِ دِينَارٍ، عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ: بَيْنَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَخْطُبُ يَوْمَ الْجُمُعَةِ إِذْ جَاءَ رَجُلٌ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَصَلَّيْتَ» قَالَ: لاَ، قَالَ: «قُمْ فَارْكَعْ».

510. *Жобир ибн Абдуллоҳ (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам жумъа куни хутба ўқиётган эдилар, бир киши келиб қолди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам у кишига: «Намоз ўқидингми?» дедилар. «Йўқ», деди. «Унда туриб намоз ўқиб ол!» дедилар.**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ (бу бобдаги асаҳҳ ривоят)дир.

ИЗОҲ. Бу саҳиҳ ҳадиси шарифга эҳтиром сақлаган ҳолда мужтаҳидлар бундай деб иттифоқ қилганлар: «Ҳар вақт имом минбарга хутба учун чиқса, намози нафл ўқимоқ ҳаром бўлгай». Лекин «Хулоса»да имом хутба ўқимоқ учун минбарга чиққанда намози нафл ўқимоқ ҳаром эмас, макруҳдир. Бу мужтаҳидларнинг иттифоқи билан дейилибдир. Чунончи, «Жомиъур-румуз»да мазкурдир. Ва агар имом минбарга чиқмасдан илгари намозни бошлаган бўлса, бир ракъат ўқигандан кейин имом минбарга чиқса, иккинчи ракъатни ўқиб, салом бергай. Агар учинчи ракъатни ўқиб турган бўлса, имом минбарга чиқса, тўрт ракъатни тамом қилгай. Чунончи, «Шарҳи Илёс»да мазкурдир» *(«Мухтасари Виқоя» шарҳидан, 196-саҳифа).*

٥١١- حَدَّثَنَا[٥] [مُحَمَّدٌ[٦]] بْنُ أَبِي عُمَرَ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ عَجْلاَنَ، عَنْ عِيَاضِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي سَرْحٍ، أَنَّ أَبَا سَعِيدٍ الْخُدْرِيَّ دَخَلَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ وَمَرْوَانُ يَخْطُبُ، فَقَامَ يُصَلِّي، فَجَاءَ الْحَرَسُ لِيُجْلِسُوهُ فَأَبَى حَتَّى صَلَّى، فَلَمَّا انْصَرَفَ أَتَيْنَاهُ فَقُلْنَا: رَحِمَكَ اللَّهُ[١] ؟! إِنْ كَادُوا لَيَقَعُوا بِكَ[٢]، فَقَالَ: مَا كُنْتُ لأَتْرُكَهُمَا بَعْدَ شَيْءٍ رَأَيْتُهُ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، ثُمَّ ذَكَرَ أَنَّ رَجُلاً جَاءَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ فِي هَيْئَةٍ بَذَّةٍ[٣] وَالنَّبِيُّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَخْطُبُ يَوْمَ الْجُمُعَةِ، فَأَمَرَهُ فَصَلَّى رَكْعَتَيْنِ وَالنَّبِيُّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَخْطُبُ.

511. *Абу Саъид ал-Худрий (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Жумъа куни Марвон хутба ўқиётган эди. Абу Саъид ал-Худрий масжидга кирди-да, намозга турди. Қўриқчилар уни ўтирғизмоқчи**

бўлиб келишди. У эса унамай намозини ўқиб олди. Тугагач, унинг ёнига бордик-да: «Аллоҳ сенга раҳм қилди, таъзирингни беришларига сал қолди», дедик. Шунда у бундай деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кўрган нарсамдан кейин бу икки ракъатни тарк этувчи эмасман». Кейин у, жумъа куни Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам хутба ўқиб турганларида хароб аҳволда бир киши кириб келганини, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга намоз ўқишни амр қилганлари ва жаноби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хутба айтаётган пайтларида у икки ракъат намоз ўқиб олганини зикр қилди».

Ибн Абу Умар айтади: «Суфён Ибн Уйайна, Имом хутба ўқиётган пайтда келса, икки ракъат намоз ўқирди ва шундай қилинмоғини амр этарди. (Қуръон муаллими) Абдурраҳмон ал-Муқрий ҳам шу фикрда эди».

Ибн Абу Умардан эшитдим, Ибн Уйайнадан нақл этиб айтдики: «Муҳаммад ибн Ажлон ҳадисда сиқа (ишончли) ва амин кишидир».

Бу бобда Жобир, Абу Ҳурайра ва Саҳл ибн Саъд (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Саъид ал-Худрийнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Айрим илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир. Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шудир. Баъзилари эса бундай дейди: Имом хутба айтаётган пайтда масжидга кирса, ўтиради, намоз ўқимайди». Суфён Саврий ва Куфа фақиҳларининг қавли шудир. Биринчи қавл асаҳҳдир.

Қутайба бизга Ал-Аъло ибн Холид ал-Қурашийдан баён қилди; айтди:

«**Ҳасан** (ҳазратлар)**ини кўрдим, жумъа куни имом хутба айтаётган маҳалда масжидга кирдилар-да, икки ракъат намоз ўқиб, кейин ўтирдилар».**

Ҳасан Басрий бу ишни фақат Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзларига иттибоъ қилмоқ (эргашмоқ) учун бажардилар. Бу ҳадисни Жобир воситасида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган киши ўша кишидир.

ИЗОҲ. Ҳадисда ва шарҳда номлари келган зотлар:

Марвон ибн ал-Ҳакам – Умавий халифалардан, 64-ҳижрий сананинг охирида халифа бўлганлар ва 65-йилнинг рамазон ойида вафот этганлар.

Абдурраҳмон ал-Муқрий – Қуръон муаллими, Имом Бухорийнинг улуғ устозларидан бўлиб, Басрадан ёки Аҳвоздандирлар. Ишончли ва фазилатли бир киши бўлиб, етмиш йилдан ортиқроқ Қуръонни таълим қилганлар *(«Ат-Тақриб»)*.

368-БОБ. ИМОМ ХУТБА ЎҚИЁТГАНДА СЎЗЛАШМОҚ МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

٥١٢- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا اللَّيْثُ، عَنْ عُقَيْلٍ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْمُسَيَّبِ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، أَنَّ النَّبِيَّ[٥] صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ قَالَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ وَالإِمَامُ يَخْطُبُ أَنْصِتْ فَقَدْ لَغَا[٦]».

512. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Кимки жумъа куни имом хутба ўқиётганда** (ёнидаги биродарига)**: «Жим ўтир» деса** (ҳам)**, ноўрин иш қилган бўлур».**

Бу бобда Ибн Абу Авфа ва Жобир ибн Абдуллоҳ (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир. Имом хутба айтаётганда кишининг гаплашмоғини макруҳ кўрадилар ва: «Агар биров гапирса, уни фақат ишорат билан тўхтатиши мумкин», дейдилар.

Саломга алик олмоқ ва аксирган кишига жавоб айтмоқ масалаларида уламолар ихтилоф қилдилар. Баъзи илм аҳллари имом хутба ўқиётганда саломга алик олинмоғига ва тасмит (аксирган кишига жавоб қилинмоғи)га рухсат берганлар.

Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир. Тобеъийнлар ва кейингилардан баъзи илм аҳллари эса буни макруҳ кўрганлар. Шофиъийнинг ҳам қавли шу.

369-БОБ. ЖУМЪА КУНИ САФЛАРДАН (ЕЛКАЛАРДАН) ОШИБ ЎТИШ МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

٥١٣- حَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ، حَدَّثَنَا رِشْدِينُ بْنُ سَعْدٍ، عَنْ زَبَّانَ بْنِ فَائِدٍ[٧]، عَنْ سَهْلِ بْنِ مُعَاذِ بْنِ أَنَسٍ الْجُهَنِيِّ، عَنْ أَبِيهِ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ تَخَطَّى رِقَابَ النَّاسِ يَوْمَ الْجُمُعَةِ، اتَّخَذَ جِسْرًا إِلَى جَهَنَّمَ».

513. *Муъоз ибн Анас ал-Жуҳаний (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Кимки жумъа куни одамларнинг елкаларидан ошиб ўтса,** (ўзига) **жаҳаннам сари бир кўприк қурган бўлур».**

Бу бобда Жобир (розийаллоҳу анҳу)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Муъоз ибн Анас ал-Жуҳанийнинг ҳадиси ғариб. Бу ҳадисни ёлғиз Ришдийн ибн Саъднинг ривоятидан биламиз.

Илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир. Жумъа куни мусулмонларнинг елкаларидан ошиб ўтмоқни макруҳ кўрганлар ва бу хусусда қаттиқ кетганлар.

Баъзи муҳаддислар Ришдийн ибн Саъд ҳақида (танқидий) сўз қилганлар ва хотираси жиҳатдан унинг заиф эканини қайд этганлар.

ИЗОҲ. Одамларнинг елкалари устидан ҳатлаб, сафларни ошиб ўтмоқ фақат жумъа куни эмас, бошқа кунларда ҳам, ҳатто илм, ваъз ва иршод мажлисларида ҳам макруҳдир. Чунки кароҳатнинг сабаби – мусулмонларга азият берилмоғидирки, бундай азиятни етказмоқ мазкур ҳолатларда ҳам мавжуддир. Фақат издиҳом ва жамоат жумъа куни бошқа кунлардагидан ортиқ бўлгани учун ҳадисда жумъа куни деб атайин зикр қилинган *(«Турфатул-алмаъий»)*.

370-БОБ. ИМОМ ХУТБА ЎҚИЁТГАНДА ИҲТИБО ҚИЛИБ (ТИЗЗАЛАРНИ ТИККА ҚИЛИБ ЁКИ ҚУЧОҚЛАБ ДУМБА УСТИГА)

٥١٤- حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ حُمَيْدٍ الرَّازِيُّ وَعَبَّاسٌ[1] [بْنُ مُحَمَّدٍ[2]] الدُّورِيُّ[3]، قَالاَ: حَدَّثَنَا أَبُو عَبْدِ الرَّحْمَنِ الْمُقْرِئُ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ أَبِي أَيُّوبَ، حَدَّثَنِي أَبُو مَرْحُومٍ، عَنْ سَهْلِ بْنِ مُعَاذٍ، عَنْ أَبِيهِ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى عَنِ الْحِبْوَةِ[4] يَوْمَ الْجُمُعَةِ وَالإِمَامُ يَخْطُبُ.

عَنْ أَبِيهِ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى عَنِ الْحِبْوَةِ[4] يَوْمَ الْجُمُعَةِ وَالإِمَامُ يَخْطُبُ.

514. *Муъоз ибн Анас (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* «**Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам жумъа куни имом хутба айтаётганда иҳтибо қилиб** (тиззаларни тикка қилиб ёки қучоқлаб) **ўтирмоқдан қайтардилар»**.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан.

Абу Марҳумнинг исми – Абдурраҳмон ибн Маймун.

Баъзи илм аҳллари, жумъа куни имом хутба ўқиётганида кишининг тиззаларни тикка қилиб кўтариб ёки қучоқлаб думба устига ўтирмоғини макруҳ кўрганлар. Баъзи илм аҳллари эса бунга рухсат берадилар. Абдуллоҳ ибн Умар ва яна бошқалар рухсат берганлар жумласидандир.

Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли ҳам шу: имом хутба ўқиётганда иҳтибо қилиб ўтирмоқликда зарар йўқ деб қарайдилар.

371-БОБ. МИНБАРДА ҚЎЛЛАРНИ КЎТАРМОҚ МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

٥١٥- حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا هُشَيْمٌ، أَخْبَرَنَا حُصَيْنٌ، قَالَ: سَمِعْتُ عُمَارَةَ بْنَ رُوَيْبَةَ[1] [الثَّقَفِيَّ[2]] وَبِشْرُ بْنُ مَرْوَانَ يَخْطُبُ، فَرَفَعَ يَدَيْهِ فِي الدُّعَاءِ، فَقَالَ عُمَارَةُ: قَبَّحَ اللَّهُ[3] هَاتَيْنِ الْيَدَيْنِ[4] الْقَصِيرَتَيْنِ؛ لَقَدْ رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَمَا يَزِيدُ عَلَى[5] أَنْ يَقُولَ هَكَذَا؛ وَأَشَارَ هُشَيْمٌ بِالسَّبَّابَةِ.

515. *Аҳмад ибн Манийъ, Ҳушайм орқали Ҳусайндан нақл этиб, бизга баён қилди:* «Умора ибн Рувайдадан эшитдим: «**Бишр ибн Марвон хутба айтаётиб дуода қўлларини кўтарган эди, Умора бундай деди: «Аллоҳ бу озғин қўлларни қуритсин! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрганман, шундоқ дуо қилмоқдан нарига ўтмас эдилар». Ҳушайм** (шундоқ деб) **шаҳодат бармоғи билан ишорат қилди».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

372-БОБ. ЖУМЪА НАМОЗИНИНГ АЗОНИ

٥١٦- حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ خَالِدٍ الْخَيَّاطُ، عَنِ ابْنِ أَبِي ذِئْبٍ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنِ السَّائِبِ بْنِ يَزِيدَ، قَالَ: كَانَ الأَذَانُ عَلَى عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَبِي بَكْرٍ وَعُمَرَ إِذَا خَرَجَ الإِمَامُ، [وَإِذَا[7]] أُقِيمَتِ الصَّلاَةُ، فَلَمَّا كَانَ عُثْمَانُ [رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ[8]]؛ زَادَ النِّدَاءَ الثَّالِثَ عَلَى الزَّوْرَاءِ[9].

516. *Ас-Соиб ибн Язид (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* «**Азон Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам,** (ҳазрати) **Абу Бакр ва** (ҳазрати) **Умар даврларида имом минбарга чиққанда ва намозга туриладиган вақтда айтилар эди.** (Ҳазрати) **Усмон даврларига келиб, Завро устида учинчи азон айтиш қўшимча қилинди».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

ИЗОҲ. Завро – буни Имом Бухорий Мадина шаҳридаги бир бозор жойининг номи деб айтадилар. Баъзилар эса Завро – масжид эшигидаги каттакон бир тошнинг номи эканини айтишганки, бу қавл изоҳга муҳтождир. Чунки баъзи ривоятларда чорсу (бозор) деб очиқ-равшан зикр қилинган.

373-БОБ. ИМОМ МИНБАРДАН ТУШГАНДАН КЕЙИН СЎЗЛАШМОҚ

٥١٧- حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ الطَّيَالِسِيُّ[٢]، حَدَّثَنَا جَرِيرُ بْنُ حَازِمٍ، عَنْ ثَابِتٍ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُكَلَّمُ[٣] بِالْحَاجَةِ إِذَا نَزَلَ عَنِ الْمِنْبَرِ[٤].

517. *Ҳазрати Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* «**Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам минбардан тушганларида, ҳожат** (зарурат) **бўлса, сўзлашар эдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадисни ёлғиз Жарир ибн Ҳозимнинг ривоятидан биламиз.

Муҳаммад (ал-Бухорий)дан эшитдим; айтдилар: «Жарир ибн Ҳозим бу ҳадисда ваҳмга тушган (янглишган). Саҳиҳ ривоят (тағин) Собит орқали Анасдан келган ривоятдирки, ўша ривоятда бундай дейилади: «Намозга иқомат айтилди ва шу аснода бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қўлларини тутиб, ҳатто қавмдан айримларини уйқу босгунича сўзлашиб турди». Муҳаммад (ал-Бухорий) «Ҳадис (аслида) ана шу!» деди.

Жарир ибн Ҳозим баъзан бирор нарса борасида ваҳмга тушади (янглишади), аммо ҳақиқатан тўғри киши.

Муҳаммад айтади: «Жарир ибн Ҳозим, Собитнинг Анас орқали Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган: «**Намозга иқомат айтилганида токи мени кўрмагунча (ўринларингиздан) турмангизлар**» деган ҳадисда ҳам ваҳмга тушган (янглишган)».

Муҳаммад Ҳаммод ибн Зайддан бундай деб ривоят қилинганини айтади: «Собит ал-Буноънинг олдида эдик, Ҳажжож ас-Совваф Яҳё ибн Абу Касирдан, Абдуллоҳ ибн Абу Қатодадан, унинг отасидан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: **«Намозга иқомат айтилганида токи мени кўрмагунча (ўринларингиздан) турмангизлар»** деган ҳадисни ривоят қилди; Жарир ваҳмга берилиб, бу ҳадисни Собит Анас орқали Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан уларга баён этди, деб гумон қилди».

٥١٨- حَدَّثَنَا الْحَسَنُ بْنُ عَلِيٍّ الْخَلَّالُ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ، أَخْبَرَنَا مَعْمَرٌ، عَنْ ثَابِتٍ، عَنْ أَنَسٍ قَالَ: لَقَدْ رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَعْدَ مَا تُقَامُ الصَّلَاةُ يُكَلِّمُهُ الرَّجُلُ يَقُومُ بَيْنَهُ وَبَيْنَ الْقِبْلَةِ، فَمَا يَزَالُ[١] يُكَلِّمُهُ، فَلَقَدْ[٢] رَأَيْتُ بَعْضَنَا يَنْعَسُ مِنْ طُولِ قِيَامِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ [لَهُ[٣]].

518. *Ҳазрати Анас (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Муҳаққақ, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрдим, намозга иқомат айтилганидан кейин бир киши у зот билан қибланинг орасида туриб олиб, у зотни гапга тутиб қолди. Унинг гапириши тугайвермаганидан Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тик туриб қолишлари узоқ чўзилгани боис биздан баъзи** (намозхон) **лар уйқусираб қолганларини кўрганман».**

Абу Йисо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

374-БОБ. ЖУМЪА НАМОЗИДАГИ ҚИРОАТ

٥١٩- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا حَاتِمُ بْنُ إِسْمَعِيلَ، عَنْ جَعْفَرِ بْنِ مُحَمَّدٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عُبَيْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي رَافِعٍ [مَوْلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ(٥)] قَالَ: اسْتَخْلَفَ مَرْوَانُ أَبَا هُرَيْرَةَ عَلَى الْمَدِينَةِ وَخَرَجَ إِلَى مَكَّةَ، فَصَلَّى بِنَا أَبُو هُرَيْرَةَ يَوْمَ(٦) الْجُمُعَةِ، فَقَرَأَ(٧) سُورَةَ الْجُمُعَةِ، وَفِي السَّجْدَةِ الثَّانِيَةِ إِذَا جَاءَكَ الْمُنَافِقُونَ، قَالَ عُبَيْدُ اللَّهِ: فَأَدْرَكْتُ أَبَا هُرَيْرَةَ، فَقُلْتُ لَهُ: تَقْرَأُ بِسُورَتَيْنِ كَانَ عَلِيٌّ يَقْرَأُ بِهِمَا(١) بِالْكُوفَةِ(٢) ؟ قَالَ(٣) أَبُو هُرَيْرَةَ: إِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقْرَأُ بِهِمَا.

519. *Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мавлоси (озод этган қуллари) Убайдуллоҳ ибн Абу Рофиъдан ривоят қилинди; айтди:* **«Марвон,[92] Абу Ҳурайрани Мадина** (шаҳри)**га ноиб қилиб қолдирдида, Макка томон йўлга чиқди. Абу Ҳурайра** (розийаллоҳу анҳу) **бизларга жумъа намозини ўқиб берди:** (биринчи ракъатда) **«Жумъа» сурасини, иккинчи ракъатда эса «Мунофиқун» сурасини қироат қилди». Убайдуллоҳ айтади: «Абу Ҳурайранинг орқасидан етиб олдимда, «**(Ҳазрати) **Али Куфада қироат қилган икки сурани ўқидингиза?» дедим. Шунда Абу Ҳурайра: «Албатта, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шу икки сурани қироат қилганларини эшитганман», деди.**

Бу бобда Ибн Аббос, Нуъмон ибн Башир ва Абу Инаба ал-Хавлоний (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Йисо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан Жумъа намозида «Саббиҳ-исма Роббикал-аъло» билан «Ҳал атака ҳадисул-ғошияҳ» сураларини ўқиганлари ҳам ривоят қилинган.

Убайдуллоҳ ибн Абу Рофиъ Али ибн Абу Толиб (розийаллоҳу анҳу)нинг котибидир.

[92] Умавий халифалардан.

375-БОБ. ЖУМЪА КУНИ БОМДОД НАМОЗИДАГИ ҚИРОАТ

٥٢٠- حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، أَخْبَرَنَا شَرِيكٌ، عَنْ مُخَوَّلِ بْنِ رَاشِدٍ[٣]، عَنْ مُسْلِمٍ الْبَطِينِ[٤]، عَنْ سَعِيدِ بْنِ جُبَيْرٍ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقْرَأُ يَوْمَ الْجُمُعَةِ فِي صَلاَةِ الْفَجْرِ[٥] : الم[٦] تَنْزِيلُ السَّجْدَةَ وَهَلْ أَتَى عَلَى الإِنْسَانِ.

520. *Ҳазрати Ибн Аббосдан (розийаллоҳу анҳумо) ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жумъа куни бомдод намозида «Алиф. Лом. Мийм. Танзийлул-Китоби»** («Сажда») **сураси билан «Ҳал ато ъалал-инсони»** («Инсон») **сураларини ўқир эдилар».**

Бу бобда Саъд ибн Абу Ваққос, Ибн Масъуд ва Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Аббоснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Суфён Саврий ва бир қанча кишилар бу ҳадисни Мухаввалдан ривоят қилганлар.

376-БОБ. ЖУМЪАДАН ОЛДИН ВА ЖУМЪАДАН КЕЙИН ЎҚИЛАДИГАН НАМОЗ

٥٢١- حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ، عَنْ عَمْرِو بْنِ دِينَارٍ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ سَالِمٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَنَّهُ كَانَ يُصَلِّي بَعْدَ الْجُمُعَةِ رَكْعَتَيْنِ.

521. *Ҳазрати Ибн Умар (розиаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам жумъа намозидан кейин икки ракъат намоз ўқир эдилар».**

Бу бобда Жобир (розийаллоҳу анҳу)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Бу ҳадис Ибн Умардан Нофиъ орқали ҳам ривоят қилинган. Баъзи илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир. Шофиъий ва Аҳмаднинг қавли шудир.

٥٢٢- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا اللَّيْثُ، عَنْ نَافِعٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ: أَنَّهُ كَانَ إِذَا صَلَّى الْجُمُعَةَ انْصَرَفَ فَصَلَّى سَجْدَتَيْنِ فِي بَيْتِهِ، ثُمَّ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَصْنَعُ ذَلِكَ.

522. *Ҳазрати Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* **У киши** (Ибн Умар) **жумъа намозини ўқиб бўлгач,** (масжиддан) **борди-да, уйида икки ракъат намоз ўқиди. Кейин «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай қилар эдилар», деди.**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

٥٢٣- حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ، عَنْ سُهَيْلِ بْنِ أَبِي صَالِحٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ كَانَ مِنْكُمْ مُصَلِّيًا بَعْدَ الْجُمُعَةِ فَلْيُصَلِّ أَرْبَعًا».

523. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Сизлардан кимки жумъа** (намози)**дан кейин намоз ўқийдиган бўлса, тўрт ракъат ўқисин!».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Ҳасан ибн Али, Али ибн ал-Мадиний орқали Суфён ибн Уйайнадан нақл этиб, бизга баён қилди; Суфён айтдики: «Суҳайл ибн Абу Солиҳни ҳадисда сабт (мустаҳкам) киши сифатида қабул қилар эдик». Бу ривоят ҳасан.

Баъзи илм аҳлларининг амали (Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу ривоят қилган) шу ҳадис асосидадир. Абдуллоҳ ибн Масъуддан, жумъа(нинг фарзи)дан олдин тўрт ракъат ва жумъадан кейин тўрт ракъат намоз ўқигани ривоят қилинган. Али ибн Абу Толиб, жумъа намозидан кейин икки ракъат ва изидан тўрт ракъат ўқимоқни амр қилганлари ривоят этилади.

Суфён Саврий ва Ибн Муборак Ибн Масъуднинг қавлига эга бўлганлар.

Исҳоқ: «Жумъа куни масжидда ўқиса, тўрт ракъат, уйида ўқиса, икки ракъат ўқийди» дейди ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам жумъадан кейин уйларида икки ракъат ўқиганларига доир ҳадис билан, **«Сизлардан кимки жумъа** (намози)**дан кейин намоз ўқийдиган бўлса, тўрт ракъат ўқисин!»** деган ҳадисни далил қилиб кўрсатади.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жумъа (намози)дан кейин икки ракъат ўқиганларини ривоят қилган киши Ибн Умарнинг ўзидир. Ва Ибн Умар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин, жумъанинг (фарзи) изидан икки ракъат ва бу икки ракъатнинг орқасидан тўрт ракъат ўқиган. Буни бизга Абу Умарнинг ўғли Суфёндан, Ибн Журайждан, Атодан нақл этиб, сўзлаб берди; Ато айтдики: «Ибн Умарни кўрдим; жумъадан кейин икки ракъат ва унинг изидан тўрт ракъат ўқиди».

Саъид ибн Абдурраҳмон ал-Маҳзурий, Суфён ибн Уйайна орқали Амр ибн Динордан нақл этиб, бизга баён қилди; Амр айтдики «Ҳадисда Зуҳрийдан кўра қаттиқ кишини кўрмадим. Пулни ундан кўра паст тутадиган кишини ҳам кўрмадим. Бинобарин, пул унинг наздида гўё ҳайвон тезагидек эди».

Ибн Абу Умардан эшитдим, Суфён ибн Уйайнанинг: «Амр ибн Динор Зуҳрийдан кўра ёши улуғроқ эди», деганини айтиб берди.

377-БОБ. ЖУМЪА НАМОЗИНИНГ БИР РАКЪАТИГА ЕТГАН КИШИ

٥٢٤- حَدَّثَنَا نَصْرُ بْنُ عَلِيٍّ وَسَعِيدُ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ وَغَيْرُ وَاحِدٍ، قَالُوا: حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ أَبِي سَلَمَةَ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ أَدْرَكَ مِنَ الصَّلَاةِ رَكْعَةً فَقَدْ أَدْرَكَ الصَّلَاةَ[٩]».

524. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «**Кимки намоздан бир ракъатига етса, у албатта намозга етибди».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан илм аҳллари кўпчилигининг амали шу ҳадис асосидадир. Айтадиларки: «Кимки жумъанинг бир ракъатига улгурса, унга қўшимча қилиб яна бир ракъат қўшиб ўқийди ва кимки ташаҳудда жамоатга етса, тўрт ракъат ўқийди». Суфён Саврий, Ибн Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

ИЗОҲ. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг ҳукмига кўра, жумъа намозининг бир қисмига, ҳатто ташаҳудда бўлса ҳам улгурса, улгурган қисмини имом билан бирга ўқийди ва қолган қисмини ўқиб тугатади. Бошқа имомлар эса, жумъанинг бир ракъатига улгурган тақдирда, тўрт ракъат ўқийди, деб айтишганки, бу ҳолатда жумъага етган деб ҳисобланмаган ва пешин намозини ўқиган бўлади.

378-БОБ. ЖУМЪА КУНИДАГИ ҚАЙЛУЛА (УХЛАБ ДАМ ОЛИШ)

٥٣٥- حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الْعَزِيزِ بْنُ أَبِي حَازِمٍ وَعَبْدُ اللَّهِ بْنُ جَعْفَرٍ، عَنْ أَبِي حَازِمٍ[٤]، عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ رَضِيَ اللَّه[٥] عَنْهُ قَالَ: مَا كُنَّا نَتَغَدَّى فِي عَهْدِ[٦] رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَلَا نَقِيلُ[٧] إِلَّا بَعْدَ الْجُمُعَةِ.

525. *Саҳл ибн Саъд (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида жумъа намозини ўқигандан кейингина нонушта ва қайлула қилар эдик».**

Бу бобда Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Саҳл ибн Саъднинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

379-БОБ. ЖУМЪА КУНИ КИМНИ УЙҚУ БОССА, ЎТИРГАН ЖОЙИНИ ЎЗГАРТИРСИН

٥٢٦- حَدَّثَنَا أَبُو سَعِيدٍ الأَشَجُّ، حَدَّثَنَا عَبْدَةُ بْنُ سُلَيْمَانَ وَأَبُو خَالِدٍ الأَحْمَرُ، عَنْ مُحَمَّدِ ابْنِ إِسْحَقَ، عَنْ نَافِعٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «**إِذَا نَعَسَ أَحَدُكُمْ يَوْمَ الْجُمُعَةِ، فَلْيَتَحَوَّلْ مِنْ [مَجْلِسِهِ] ذَلِكَ**[٣]».

526. *Ҳазрати Ибн Умардан (розийаллоҳу анҳумо) ривоят қилинди:* «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Жумъа куни бирортангизни уйқу босса, ўтирган жойидан бошқа жойга ўтсин!».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

380-БОБ. ЖУМЪА КУНИ САФАРГА ЧИҚМОҚ

٥٢٧- حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ، عَنِ الْحَجَّاجِ، عَنِ الْحَكَمِ، عَنْ مِقْسَمٍ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: بَعَثَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ رَوَاحَةَ فِي سَرِيَّةٍ، فَوَافَقَ ذَلِكَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ، فَغَدَا أَصْحَابُهُ[٥]، فَقَالَ[٦]: أَتَخَلَّفُ فَأُصَلِّي مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، ثُمَّ أَلْحَقُهُمْ[٧]، فَلَمَّا صَلَّى مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَآهُ، فَقَالَ: «**مَا مَنَعَكَ أَنْ تَغْدُوَ مَعَ أَصْحَابِكَ؟**» فَقَالَ[٨]: أَرَدْتُ أَنْ أُصَلِّيَ مَعَكَ، ثُمَّ أَلْحَقَهُمْ، قَالَ: «**لَوْ أَنْفَقْتَ مَا فِي الأَرْضِ جَمِيعًا**[٩] **مَا أَدْرَكْتَ فَضْلَ غَدْوَتِهِمْ**».

527. *Ҳазрати Ибн Аббосдан (розийаллоҳу анҳумо) ривоят қилинди:* **Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абдуллоҳ ибн Равоҳани бир сариййа** (кичик отлиқ лашкар)**га бошлиқ қилиб жўнатдилар, бу иш жумъа кунига тўғри келиб қолди. Унинг биродарлари эрта тонгдан жўнаб кетишди. Ўзи эса, орқада қолиб: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга** (жумъа) **намозни ўқийман-да, кейин уларга етиб оламан», деди.** (Шундай қилиб), **у Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга намозни ўқиди. Расули Акрам уни кўриб: «Эрталаб биродарларинг билан**

бирга йўлга чиқмоқдан сени нима тўсди?» дедилар. (Абдуллоҳ ибн Равоҳа): **«Сиз билан бирга намозни ўқигим келди. Кейин уларга етиб олмоқчи эдим»** – **деди. Шунда** (Расули Акрам): **«Агар ер юзидаги бор нарсаларни инфоқ қилсанг ҳам, уларнинг эрта кетишлари фазлига ета олмайсан!»** – **дедилар.**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадисни ёлғиз шу важҳдан биламиз.

Али ибн ал-Мадиний, Яҳё ибн Саъид орқали Шуъбадан нақл этиб, бундай деди: «Ал-Ҳакам Миқсамдан атиги бешта ҳадис эшитган». Шуъба ўша ҳадисларни санадики, бу ҳадис Шуъба санаган ҳадислар орасида йўқ эди. Ал-Ҳакам бу ҳадисни Шуъбадан эшитмагани англашилади.

Илм аҳллари жумъа куни сафарга чиқмоқ масаласида ихтилоф қилдилар. Баъзилари, жумъа намозининг вақти кирмасдан олдин сафарга чиқмоқ зарарсиз, деб қарайдилар. Баъзилари эса: «Тонгга кирса (тонгни оттирган бўлса), жумъани ўқимасдан олдин чиқмайди», дейди.

381-БОБ. ЖУМЪА КУНИ МИСВОК БИЛАН ТИШЛАРНИ ТОЗАЛАМОҚ ВА ХУШБЎЙЛИКЛАР СУРМОҚ

٥٢٨- حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ الْحَسَنِ الْكُوفِيُّ[٢]، حَدَّثَنَا أَبُو يَحْيَى إِسْمَعِيلُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ التَّيْمِيُّ[٣]، عَنْ يَزِيدَ ابْنِ أَبِي زِيَادٍ، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي لَيْلَى، عَنِ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «حَقٌّ[٤] عَلَى الْمُسْلِمِينَ أَنْ يَغْتَسِلُوا يَوْمَ الْجُمُعَةِ، وَلْيَمَسَّ أَحَدُهُمْ مِنْ طِيبِ أَهْلِهِ، فَإِنْ لَمْ يَجِدْ؛ فَالْمَاءُ لَهُ طِيبٌ».

528. *Баро ибн Озиб (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Жумъа куни ғусл қилмоқ мусулмонлар зиммасидаги ҳақдир** (лозимдир)**. Уларнинг ҳар бирлари аҳли оиласининг хушбўйликларидан сурсин. Агар топа олмаса, унинг учун хушбўйлик сувдир!»**

Бу бобда Абу Саъид ва Ансорийлардан бўлмиш бир шайх (розиаллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

ИЗОҲ. Жумъа куни ҳам ғусл қилади, ҳам хушбўйлик суради. Агар хушбўйлик топа олмаса, унда ғусл қилмоқ кифоя. Чунки мақсад покланмоқдир. Ҳадиснинг иккинчи бўлаги мусулмонларга осонлик учундир. **«Агар топа олмаса, унинг учун хушбўйлик сувдир!»,** яъни бошқа кишидан сўраб олиб, хушбўйлик суриши лозим эмас. **«Аҳли оиласининг хушбўйликларидан сурсин»** деганлари хотинининг хушбўйлигидан деганлари эмас, балки уйида блор бўлган хушбўйликдан сурсин, деганларидир» *(Шайх Болонпурий: «Туҳфатул-алмаъий»).*

٥٢٩ – حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا هُشَيْمٌ، عَنْ يَزِيدَ بْنِ أَبِي زِيَادٍ بِهَذَا الإِسْنَادِ نَحْوَهُ[1].

529. *Аҳмад ибн Маниъ, Ҳушаймдан, Язид ибн Абу Зиёддан шу иснод билан бизга баён қилди: ўтган ҳадис, айни шу маънода.*

Абу Ийсо деди(лар): Баронинг ҳадиси ҳасан. Ҳушаймнинг ривояти Исмъоийл ибн Иброҳим ат-Таймийнинг ривоятидан кўра ҳасанроқ. Исмъоийл ибн Иброҳим ат-Таймийнинг ҳадисда заиф экани қайд этилган.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ИККИ ИЙД БОБЛАРИ

Ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан (ривоят қилинади)

382-БОБ. ИЙД НАМОЗИГА ПИЁДА ЮРИБ БОРМОҚ

٥٣٠- حَدَّثَنَا إِسْمَعِيلُ بْنُ مُوسَى [الْفَزَارِيُّ(٩)]، حَدَّثَنَا شَرِيكٌ، عَنْ أَبِي إِسْحَقَ، عَنِ الْحَارِثِ، عَنْ عَلِيٍّ [بْنِ أَبِي طَالِبٍ(١٠)]، قَالَ: مِنَ السُّنَّةِ أَنْ تَخْرُجَ إِلَى الْعِيدِ مَاشِيًا، وَأَنْ تَأْكُلَ شَيْئًا قَبْلَ أَنْ تَخْرُجَ.

530. *(Ҳазрати) Али ибн Абу Толиб (каромаллоҳу важҳаҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Ийд** (намози)**га пиёда юриб чиқмоғинг ва чиқишдан олдин бирор нарса еб олмоғинг – суннатдандир».**

Абу Ийсо (ат-Термизий) деди(лар): Бу ҳадис ҳасан.

Илм аҳллари кўпчилигининг амали шу ҳадис асосидадир. Киши ийд намозига пиёда чиқмоғини ва (агар) узрли бўлмаса, уловга минмаслигини мустаҳаб кўрадилар.

383-БОБ. ИЙД НАМОЗИ ХУТБАДАН ОЛДИН ЎҚИЛМОҒИ

٥٣١- حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى، حَدَّثَنَا أَبُو أُسَامَةَ، عَنْ عُبَيْدِ اللَّهِ - هُوَ ابْنُ عُمَرَ بْنِ حَفْصِ بْنِ عَاصِمِ بْنِ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ(٤)، عَنْ نَافِعٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَبُو بَكْرٍ وَعُمَرُ يُصَلُّونَ فِي الْعِيدَيْنِ(٥) قَبْلَ الْخُطْبَةِ، ثُمَّ يَخْطُبُونَ.

531. *Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам,** (ҳазрати) **Абу Бакр ва** (ҳазрати) **Умар** (розийаллоҳу анҳумо) **икки ийдда ҳам намозни хутбадан олдин ўқир эдилар, кейин хутба ўқир эдилар».**

Бу бобда Жобир ва Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо (ат-Термизий) деди(лар): Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир. Яъни, ийд намозлари хутбадан олдиндир. Намоздан олдин илк бор хутба ўқиган киши Марвон ибн ал-Ҳакам экани айтилади.

ИЗОҲ. Ибн Мунзирий саҳиҳ иснод билан ҳазрати Ҳасан Басрийдан нақл этиб, бундай дейди: «Илк бор намоздан олдин хутба ўқиган зот ҳазрати Усмон розийаллоҳу анҳудирлар. У зот одат асосида намоз ўқилиб, кейин хутба ўқилганини ҳамда баъзи кишилар намозга улгурмаганларини кўрдилар ва шунда хутбани намоздан олдин ўқишни бошладилар».

384-БОБ. ИККИ ИЙД НАМОЗЛАРИ АЗОНСИЗ ВА ИҚОМАТСИЗ ЎҚИЛМОҒИ

٥٣٢- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا أَبُو الأَحْوَصِ، عَنْ سِمَاكٍ [بْنِ حَرْبٍ(٢)]، عَنْ جَابِرِ بْنِ سَمُرَةَ قَالَ: صَلَّيْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْعِيدَيْنِ غَيْرَ مَرَّةٍ، وَلاَ مَرَّتَيْنِ بِغَيْرِ أَذَانٍ وَلاَ إِقَامَةٍ.

532. *Жобир ибн Самура (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Ийд намозларини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга бир марта эмас, икки марта эмас,** (балки бир неча марта) **азонсиз ва иқоматсиз ҳолда ўқиганман».**

Бу бобда Жобир ибн Абдуллоҳ ва Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Жобир ибн Самуранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир: яъни ийд намозлари учун ҳамда нафл намозларининг ҳеч бири учун азон айтилмайди.

385-БОБ. ИККИ ИЙД НАМОЗЛАРИДАГИ ҚИРОАТ

٥٣٣- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا أَبُو عَوَانَةَ، عَنْ إِبْرَاهِيمَ بْنِ مُحَمَّدِ بْنِ الْمُنْتَشِرِ(٢)، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ حَبِيبِ بْنِ سَالِمٍ، عَنِ النُّعْمَانِ بْنِ بَشِيرٍ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقْرَأُ فِي الْعِيدَيْنِ وَ[فِي(٣)] الْجُمُعَةِ: بِسَبِّحِ اسْمَ رَبِّكَ الأَعْلَى، وَهَلْ أَتَاكَ حَدِيثُ الْغَاشِيَةِ، وَرُبَّمَا اجْتَمَعَا فِي يَوْمٍ وَاحِدٍ فَيَقْرَأُ بِهِمَا.

533. *Нуъмон ибн Башир (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки ийд** (Рамазон ва қурбон ийдлари) **намозларида ҳамда жумъа намозида «Саббиҳ-исма Роббикал-аъло» билан «Ҳал атака ҳадийсул-ғошияҳ» сураларини ўқир эдилар. Баъзан иккаласи** (ийд ва жумъа намози) **бир кунга тўғри келиб қолар ва шунда ҳам** (Жаноби Расулуллоҳ) **шу икки сурани ўқир эдилар».**

Бу бобда Абу Воқид, Самура ибн Жундуб ва Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Нуъмон ибн Баширнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Шунингдек, Суфён Саврий ва Мисъор Иброҳим ибн Муҳаммад ибн ал-Мунташирдан шу тарзда, Абу Авонанинг ривоятидек ривоят қилдилар. Ибн Уйайнанинг ривояти эса бошқача. Ибн Уйайна, Абу Авонадан, Иброҳим ибн Муҳаммад ибн ал-Мунташирдан, унинг отасидан, Ҳабиб ибн Солимдан, унинг отасидан, Нуъмон ибн Баширдан ривоят қилади. Чунончи, Ҳабиб ибн Солимнинг ўз отасидан ривоят қилгани маълум бўлмаётир.

Ҳабиб ибн Солим Нуъмон ибн Баширнинг мавлосидир. У Нуъмон ибн Баширдан бир қанча ҳадис ривоят қилган.

Ибн Уйайна орқали Иброҳим ибн Муҳаммад ибн ал-Мунташирдан (худди) уларнинг ривоятидек ҳам ривоят қилинди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ийд намозларида «Қоф» ҳамда «ал-Қамар» сураларини ўқиганлари ҳам ривоят қилинмоқда. Шофиъийнинг қавли шудир.

ИЗОҲ. «Уларнинг ривоятидек» деганда Абу Авона, Суфён Саврий ва Мисъорни кўзда тутганлар. Бу зотларнинг ривоятига кўра санадда Ҳабиб ибн Солим билан Нуъмон ибн Башир орасида «унинг отасидан» деган қайд йўқ. Яъни, Ҳабиб ибн Солим бу ҳадисни Нуъмондан, отаси орқали эмас, тўғридан-тўғри ривоят қилган. Ибн Уйайна эса, бир ривоятда ҳадиснинг исноди да «отасидан» деган қайдни зикр этиб ва иккинчи бир ривоятда исми кечган зотларга мувофақат қилиб, бу қайдни кўтарган.

٥٣٤ – حَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ مُوسَى الأَنْصَارِيُّ، حَدَّثَنَا مَعْنُ بْنُ عِيسَى، حَدَّثَنَا مَالِكٌ [بْنُ أَنَسٍ[٣]]، عَنْ ضَمْرَةَ بْنِ سَعِيدٍ الْمَازِنِيِّ، عَنْ عُبَيْدِ اللَّهِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُتْبَةَ: أَنَّ عُمَرَ بْنَ الْخَطَّابِ سَأَلَ أَبَا وَاقِدٍ اللَّيْثِيَّ: مَا كَانَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقْرَأُ [بِهِ[٤]] فِي الْفِطْرِ وَالأَضْحَى؟، قَالَ: كَانَ يَقْرَأُ بِ ﴿ق وَالْقُرْآنِ الْمَجِيدِ﴾ وَ﴿وَاقْتَرَبَتِ السَّاعَةُ وَانْشَقَّ الْقَمَرُ﴾.

534. *Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утбадан ривоят қилинди:* (Ҳазрати) **Умар ибн Хаттоб Абу Воқид Лайсийдан: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазон ва Қурбон ийдларида нимани** (қайси сураларни) **қироат қилар эдилар?» – деб сўрадилар. «Қоф. Вал-Қуръанил-мажийд» ҳамда «Иқтаробатис-соъату ван-шаққол-қамар»** («ал-Қамар») (суралари)**ни ўқир эдилар»,** деди.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

٥٣٥ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ، عَنْ ضَمْرَةَ بْنِ سَعِيدٍ بِهَذَا الإِسْنَادِ. نَحْوَهُ.

535. *Ҳаннод, Ибн Уйайна орқали Зомра ибн Саъиддан худди шу ҳадисни ўша иснод билан бизга баён қилди.*

Абу Воқид ал-Лайсийнинг исми – ал-Ҳорис ибн Авф.

386-БОБ. ИККИ ИЙД НАМОЗЛАРИНИНГ ТАКБИРЛАРИ

٥٣٦ – حَدَّثَنَا مُسْلِمُ بْنُ عَمْرٍو أَبُو عَمْرٍو (٢) الْحَذَّاءُ الْمَدِينِيُّ (٣)، حَدَّثَنَا (٤) عَبْدُ اللَّهِ بْنُ نَافِعٍ الصَّائِغُ، عَنْ كَثِيرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ جَدِّهِ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَبَّرَ فِي الْعِيدَيْنِ؛ فِي الأُولَى سَبْعًا قَبْلَ الْقِرَاءَةِ، وَفِي الآخِرَةِ خَمْسًا قَبْلَ الْقِرَاءَةِ.

536. *Амр ибн Авф ал-Музаний (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки ийд намозларида биринчи ракъатда қироатдан олдин етти такбир ва иккинчи ракъатда қироатдан олдин беш такбир айтар эдилар».**

Бу бобда Оиша, Ибн Умар ва Абдуллоҳ ибн Амр (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Касирнинг бобосининг ҳадиси ҳасан.

Бу ҳадис ушбу бобда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган ҳадисларнинг энг гўзалидир.

Касирнинг бобосининг исми Амр ибн Авф ал-Музанийдир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан баъзи илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир. Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан Мадинада шу тарзда намоз ўқигани ривоят қилинган. Мадина ахлининг қавли шу. Молик ибн Анас, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ шу қавлга эга бўлганлар.

Ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу)дан ҳайит такбирлари ҳақида бундай дегани ривоят қилинади: «Тўққиз такбир. Биринчи ракъатда қироатдан олдин беш такбир ва иккинчи ракъатда қироат билан бошлаб, кейин рукуъ такбири билан биргаликда тўрт такбир айта-

ди». Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан бир қанча кишилардан ҳам шундай деб ривоят қилинган. Куфа аҳлининг қавли шудир. Суфён Саврий ҳам шу қавлга эга бўлган.

ИЗОҲ. Бу беш такбирнинг биттаси – такбири таҳрима, учтаси – завоид ва биттаси рукуъ такбири бўлиб, булардан тўрттаси қироатдан олдин айтилган. Чунончи биринчи ракъатининг рукуъ такбири ҳам шулар билан қўшиб зикр қилинган.

387-БОБ. ИЙД НАМОЗЛАРИДАН ОЛДИН ҲАМ, КЕЙИН ҲАМ НАМОЗ ЙЎҚ

٥٣٧- حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلاَنَ، حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ الطَّيَالِسِيُّ[٦] قَالَ: أَنْبَأَنَا شُعْبَةُ، عَنْ عَدِيِّ ابْنِ ثَابِتٍ، قَالَ: سَمِعْتُ سَعِيدَ بْنَ جُبَيْرٍ يُحَدِّثُ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَرَجَ يَوْمَ الْفِطْرِ فَصَلَّى رَكْعَتَيْنِ، ثُمَّ لَمْ يُصَلِّ قَبْلَهُمَا، وَلاَ بَعْدَهُمَا[٧].

537. *Адий ибн Собитдан ривоят қилинди; айтди:* **«Саъид ибн Жубайрдан эшитдим, Ибн Аббосдан нақл этиб: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазон ийдида намозгоҳга чиқдилар-да, икки ракъат намоз ўқидилар. Бу намоздан на олдин, на кейин** (бошқа) **намоз ўқиганлари йўқ» деб ҳадис айтди».**

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Амр ва Абу Саъид (розийаллоҳу анҳумо) дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Аббоснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан баъзи илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир. Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ шу қавлга эга бўлганлар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан баъзи илм аҳллари эса ийд намозларидан олдин ва кейин намоз бор, деган фикрдалар. Аммо биринчи қавл асаҳҳдир.

٥٣٨- حَدَّثَنَا أَبُو عَمَّارٍ الْحُسَيْنُ بْنُ حُرَيْثٍ، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنْ أَبَانَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ الْبَجَلِيِّ، عَنْ أَبِي بَكْرِ بْنِ حَفْصٍ، وَهُوَ ابْنُ عُمَرَ بْنِ سَعْدِ بْنِ أَبِي وَقَّاصٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ: أَنَّهُ خَرَجَ فِي[١] يَوْمِ عِيدٍ فَلَمْ يُصَلِّ قَبْلَهَا، وَلاَ بَعْدَهَا، وَذَكَرَ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَعَلَهُ.

538. *Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* **«Ибн Умар ийд куни** (намозгоҳга) **чиқдилар, ийд намозидан олдин ҳам, кейин ҳам намоз ўқимадилар. Ва** (у Зот) **Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай қилганларини айтиб бердилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

388-БОБ. ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЙДЛАРГА ЧИҚМОҒИ

٥٣٩ – حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا هُشَيْمٌ، أَخْبَرَنَا مَنْصُورٌ – وَهُوَ ابْنُ زَاذَانَ – عَنِ ابْنِ سِيرِينَ، عَنْ أُمِّ عَطِيَّةَ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يُخْرِجُ الأَبْكَارَ وَالْعَوَاتِقَ[٥] وَذَوَاتِ الْخُدُورِ وَالْحُيَّضَ[٦] فِي الْعِيدَيْنِ، فَأَمَّا الْحُيَّضُ: فَيَعْتَزِلْنَ الْمُصَلَّى وَيَشْهَدْنَ دَعْوَةَ الْمُسْلِمِينَ، قَالَتْ[١] إِحْدَاهُنَّ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنْ لَمْ يَكُنْ لَهَا جِلْبَابٌ[٢]؟ قَالَ: «**فَلْتُعِرْهَا أُخْتُهَا مِنْ جَلاَبِيبِهَا**[٣]».

539. *Умму Атиййа (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бокира ва энди бўйига етган қизларни ҳам, паранжи ёпинган аёлларни ва ҳайз кўрган хотинларни ҳам икки ийдларга чиқарар эдилар. Аммо ҳайз кўрган аёллар намозгоҳдан узоқроқда туриб, мусулмонларнинг дуоларига қўшилиб туришар эди.** (Бир гал) **аёллардан биттаси: «Ё Расулаллоҳ!** (Аёлининг) **ёпинчиғи бўлмаса-чи?» деди. «Унда дугонаси ёпинчиқларидан бирини бериб турсин!» – дедилар...»**

٥٤٠ – حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا هُشَيْمٌ، عَنْ هِشَامِ بْنِ حَسَّانَ، عَنْ حَفْصَةَ بِنْتِ[٤] سِيرِينَ، عَنْ أُمِّ عَطِيَّةَ: بِنَحْوِهِ.

540. *Амад ибн Маниъ, Хушайм орқали Ҳишом ибн Ҳассондан, Сийрийн қизи Ҳафсадан, Умму Атиййадан бизга баён қилди: ўтган ҳадиснинг ўзи...*

Бу бобда Ибн Аббос ва Жобир (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ййсо деди(лар): Умму Атиййанинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Баъзи илм аҳллари шу ҳадисни эгаллаб, хотин-қизларнинг ийд намозларига чиқмоқлари учун рухсат берганлар. Баъзиси эса буни макруҳ кўради.

Ибн Муборакдан бундай дегани ривоят қилинди: **«Хотинларнинг бу кун ийд** (намозлари)**га чиқмоқларини макруҳ кўраман. Агар хотин чиқаман деб туриб олса, эри уни ясантирмасдан, кунда киядиган кийими билан чиқмоғига изн берсин! Агар бу ҳолатда чиқишни қабул қилмаса, уни чиқмоқдан манъ этиши мумкин».**

(٥٤٠) – وَيُرْوَى عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، قَالَتْ: لَوْ رَأَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَا أَحْدَثَ النِّسَاءُ لَمَنَعَهُنَّ الْمَسْجِدَ كَمَا مُنِعَتْ نِسَاءُ بَنِي إِسْرَائِيلَ.

(540) *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан бундай деганлари ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хотинларнинг нималарни уйлаб топганини кўрсалар эди, Бани Исроил аёллари манъ этилганидек, уларни масжиддан манъ этган бўлар эдилар».**[93]

Суфён Саврийдан бутунги кунда аёлларнинг ийдга чиқмоқларини макруҳ кўргани ривоят қилинди.

389-БОБ. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМНИНГ ИЙДГА БИР ЙЎЛДАН ЧИҚИБ, БОШҚА ЙЎЛДАН ҚАЙТГАНЛАРИ

٥٤١- حَدَّثَنَا عَبْدُ الأَعْلَى بْنُ وَاصِلٍ [بْنِ عَبْدِ الأَعْلَى][٢] الْكُوفِيُّ وَأَبُو زُرْعَةَ، قَالاَ: حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الصَّلْتِ، عَنْ فُلَيْحِ بْنِ سُلَيْمَانَ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْحَارِثِ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ[٣] صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا خَرَجَ يَوْمَ الْعِيدِ فِي طَرِيقٍ رَجَعَ فِي غَيْرِهِ.

541. *Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ийд куни** (намозгоҳга) **бир йўлдан чиқсалар, бошқа йўлдан қайтар эдилар».**

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Умяр ва Абу Рофиъ (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси ҳасан ғариб.

Абу Тумайла ва Юнус ибн Муҳаммад бу ҳадисни Фулайҳ ибн Исмъоийлдан, Саъид ибн ал-Ҳорисдан, Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилди.

Баъзи илм аҳллари бу ҳадисга эргашиб, имом учун бир йўлдан чиқса, бошқа йўлдан қайтмоғини мустаҳаб кўрганлар, Шофиъийнинг қавли ҳам шудир.

Жобирнинг ҳадиси асаҳҳ кўринади.

390-БОБ. РАМАЗОН ИЙДИДА НАМОЗГА ЧИҚИШДАН ОЛДИН БИРОР НАРСА ТОТМОҚ

٥٤٢- حَدَّثَنَا الْحَسَنُ بْنُ الصَّبَّاحِ الْبَزَّارُ [الْبَغْدَادِيُّ][٣]، حَدَّثَنَا عَبْدُ الصَّمَدِ بْنُ عَبْدِ الْوَارِثِ، عَنْ ثَوَابِ بْنِ عُتْبَةَ[٤]، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بُرَيْدَةَ، عَنْ أَبِيهِ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لاَ يَخْرُجُ يَوْمَ الْفِطْرِ حَتَّى يَطْعَمَ، وَلاَ يَطْعَمُ يَوْمَ الأَضْحَى حَتَّى يُصَلِّيَ.

542. *Бурайда (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазон ийди кунида бирор нарса**

[93] Оиша онамиз розийаллоҳу анҳонинг бу ҳадислари Имом Бухорий ва Имом Муслим томонларидан ҳам тахриж қилинган.

тотмай туриб, намозга чиқмас эдилар; Қурбон ийди кунида эса намоз ўқимай туриб, бирор нарса тотмас эдилар».

Бу бобда Али ва Анас (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Бурайда ибн Ҳусайб ал-Асламийнинг ҳадиси ғариб.

Муҳаммад (ал-Бухорий) айтади: **«Савоб ибн Утбанинг бундан бошқа ҳадисини билмаймиз».**

Баъзи илм аҳллари Рамазон ийдида бирор нарса тотиб намозга чиқмоқни мустаҳаб кўрганлар. Мустаҳаб бўлган нарса эса хурмо емоқликдир. Қурбон ийдида эса намоздан қайтгунича ҳеч нарса емайди.

٥٤٣ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا هُشَيْمٌ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِسْحَقَ، عَنْ حَفْصِ بْنِ عُبَيْدِ اللَّهِ بْنِ أَنَسٍ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يُفْطِرُ عَلَى تَمَرَاتٍ يَوْمَ الْفِطْرِ قَبْلَ أَنْ يَخْرُجَ إِلَى الْمُصَلَّى.

543. *Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазон ийди кунида намозгоҳга чиқмасдан олдин бир нечта хурмо тановул қилар эдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-ғариб-саҳиҳ.

ИЗОҲ. Имом Аъзам мазҳабида очиқ ҳаво намозгоҳига чиқиш ҳақида «зарурият бўлмагунича» дейилган жойи бор. Зарурият эса қор, ёмғир, бизнинг давримиздаги каби узрли сабаблар бўлиши мумкин. Аҳли суннат имомларидан баъзилари: «(Масжидул-Ҳаром ва Байтул-Мақдисдан) бошқа масжидларга келсак, агар намозга келувчиларнинг ҳаммаси сиғадиган даражада кенг бўлса, саҳрога чиқишни тарк этиш (яъни, далага чиқмаслик) авло бўлади. Чунки мақсад омманинг намозга ҳозир бўлишидир», деганлар *(Имом Забидий, «Саҳиҳи Бухорий: Мухтасари тажриди сариҳ»).*

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

САФАР БОБЛАРИ

391-БОБ. САФАРДА ҚАСРИ СОЛАТ
(Намознинг қисқартирилиши)

٥٤٤ – حَدَّثَنَا عَبْدُ الْوَهَّابِ [بْنُ عَبْدِ الْحَكَمِ(٤)] الْوَرَّاقُ الْبَغْدَادِيُّ، حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سُلَيْمٍ(٥)، عَنْ عُبَيْدِ اللَّهِ، عَنْ نَافِعٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ قَالَ: سَافَرْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَبِي بَكْرٍ وَعُمَرَ وَعُثْمَانَ؛ فَكَانُوا يُصَلُّونَ الظُّهْرَ وَالْعَصْرَ رَكْعَتَيْنِ رَكْعَتَيْنِ لاَ يُصَلُّونَ قَبْلَهَا وَلاَ بَعْدَهَا.

544. *Ибн Умардан (розийаллоҳу анҳумо) ривоят қилинди; айтдилар:* **«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан,** (ҳазрати) **Абу Бакр,** (ҳазрати) **Умар ва** (ҳазрати) **Усмон** (розийаллоҳу ан-ҳум) **билан сафар қилдим; бу зотлар пешин ва аср намозларини** (қаср қилиб) **икки ракъат-икки ракъатдан ўқир эдилар, фарздан олдин ҳам, кейин ҳам намоз ўқимас эдилар». Ва Абдуллоҳ айтди: «**(Сафарда) **фарздан олдин ёки кейин намоз ўқийдиган бўлсам, ҳеч йўқса, фарзни тўлиқ ўқиб қўя қолар эдим».**

Бу бобда (ҳазрати) Умар, (ҳазрати) Али, Ибн Аббос, Имрон ибн Ҳусайн ва Оиша (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо (ат-Термизий) деди(лар): Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-ғариб. Бу ҳадисни ёлғиз Яҳё ибн Сулаймнинг ривоятидан шу тарзда биламиз.

Муҳаммад ибн Исмъоийл (ал-Бухорий) айтади: «Бу ҳадис Убайдуллоҳ ибн Умардан, Суроқа оиласидан бўлмиш бир кишидан, Ибн Умардан ривоят қилинди».

Абу Ийсо (ат-Термизий) деди(лар): Атийя ал-Авфий орқали Ибн Умардан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарда фарздан олдин ва фарздан кейин татаввуъ (ихтиёрий суннат ва нафл намозлари) ўқиганлари ривоят қилинган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, (ҳазрати) Абу Бакр, (ҳазрати) Умар ва халифалигининг биринчи даврида (ҳазрати) Усмон (розийаллоҳу анҳум) сафарда намозни қаср ўқиганлари саҳиҳ тарзида собитдир.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир.

Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан сафарда намозни тўлиқ ўқиганлари ривоят қилинган.

Амал Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ва саҳобалардан келган ривоят асосидадир. Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир. Шу фарқ биланки, Шофиъий сафарда намозни қаср ўқимоқ рухсат деб айтади. Агар тўлиқ ўқиса, Шофиъийнинг фикрича, жоиз.

ШАРҲ. Ҳофиз Ибнул-Ҳажар «Фатҳул-борий»да бундай дейди: «Яъни, Ибн Умар фарзни тугал ўқимоқ билан суннатларни ўқимоқ орасида мухайяр (ихтиёрли) қилинса эди, фарзни тугал ўқимоқни таржиҳ этган бўлар эдилар. Ибн Умар, намознинг қисқартирилмоғидан енгиллатиш маъносини тушунаётирлар.

Имом Термизий қуйироқда таъкидлаганларидек, Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан бунинг зиддига бошқа ҳадис ривоят қилинган ва у зот Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сафарда фарзни қаср қилиб ўқиганларини ва татаввуъ намозларини ўқиганларини баён қилганлар. Бинобарин, сафарда суннатни ўқимоқ авлодир, шошилинч ҳоллар бундан мустасно.

Имом Бухорий томонидан тахриж этилган бир ҳадисда Оиша онамиз (розийаллоҳу анҳо) бундай дейдилар: **«Намоз дастлаб икки ракъат деб фарз қилинган эди. Кейин сафар намози шу икки ракъатлигича қолди. Лекин муқимликдаги намоз тўрт ракъат қилиб тўлдирилди». Зуҳрий: «Оиша (онамиз) «Тўлдирилди» деганда нимани назарда тутганлар?» – деб Урвадан сўради. Урва: «Усмон (розийаллоҳу анҳу) бу хусусда (яъни намозни тўрт ракъат ўқимоқ тўғрисида) не деган бўлсалар, ўшандоқ таъвил қилдилар (ўшани назарда тутдилар)», деди».**

Ҳофиз Ибнул-Ҳажар «Фатҳул-борий»да айтади: «Тўлдирилмоғининг сабаби Байҳақий Ҳишом ибн Урва орқали Урвадан тахриж қилган ҳадисда шарҳланган. Урва айтдики: «Оиша (онамиз) сафарда тўрт ракъат ўқир эдилар. Шунда унга: «Икки ракъат ўқинг» – дедим. Айтдиларки: «Эй эгачимнинг ўғли! Менга оғирлик қилаётгани йўқ-ку!»

Илова: сафарда тўрт ракъатлик фарзлар икки ракъат ўқилади, бу азийматдир. Мусофир киши муқим бир имомга эргашган тақдирда фарзларни тўлиқ ўқийди.

Қаср ўқиш вожибми ёки рухсатми деган масалада олимлар ихтилоф қилдилар. Ҳанафийлар биринчи қавлга эга бўлиб, қаср ўқиш вожиб деб айтдилар. Ҳазрати Али ва ҳазрати Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан қаср ўқиш вожиб, деб ривоят қилинган. Имом Нававий бир қанча илм аҳлларининг шу фикрда эканликларини қайд этадилар.

Хаттобий «Ал-Маолим»да бундай дейди: «Салаф уламолари ва фуқаҳои амсорнинг (катта шаҳарлар фақиҳларининг) кўпчилиги қаср ўқиш вожиб деб айтганлар. Ҳазрати Али, ҳазрати Умар, Ибн Умар ва Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳум)нинг қавли шудир. Умар ибн Абдулазиз, Қатода ва

Ал-Ҳасандан шу қавл ривоят қилинган. Ҳаммод ибн Сулаймон: «Сафарда тўрт ракъат ўқиса, намозни қайта ўқийди» дейди. Имом Молик: «Вақтнинг ичида бўлгунича қайта ўқийди, аммо вақти чиққандан кейин қайта ўқимайди», дейди.

Шофиъий, Молик ва Аҳмад иккинчи қавлга эга бўлиб, қаср ўқиш вожиб дейдилар. Имом ан-Нававий уламонинг кўпчилиги шу фикрда эканини айтади. Оиша, Усмон ва Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳум)дан шу қавл ривоят қилинган. Ибнул-Мунзир айтадики: **«Бомдод ва Шом намозларида қаср йўқлиги борасида уламо иттифоқ қилган».**

Ҳар икки гуруҳдан сафарда – қаср ўқиш вожиб деб айтганлари билан рухсат деб айтганлардан ҳар бири ўз йўлини қувватлайдиган далилларни зикр қилади. Аммо сафарда қаср ўқиш рухсат деган даъво заиф. Сафарда тўрт ракъатли фарз намозларини қаср қилиб икки ракъат ўқиш вожибдир. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам барча сафарларида икки ракъат ўқиганлар. Бас, у зот умр бўйи афзал нарсани қўйиб, афзал бўлмаган нарсага мулозамат қилишлари ақлга тўғри келадиган гап эмас.

٥٤٥- حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا هُشَيْمٌ، أَخْبَرَنَا عَلِيُّ بْنُ زَيْدِ بْنِ جُدْعَانَ [الْقُرَشِيُّ(٣)]، عَنْ أَبِي نَضْرَةَ، قَالَ: سُئِلَ عِمْرَانُ بْنُ حُصَيْنٍ عَنْ صَلاَةِ الْمُسَافِرِ، فَقَالَ: حَجَجْتُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَصَلَّى رَكْعَتَيْنِ، وَحَجَجْتُ مَعَ أَبِي بَكْرٍ، فَصَلَّى رَكْعَتَيْنِ، وَمَعَ عُمَرَ، فَصَلَّى رَكْعَتَيْنِ، وَمَعَ عُثْمَانَ سِتَّ سِنِينَ مِنْ خِلاَفَتِهِ(٤) - أَوْ ثَمَانِيَ(٥) فَصَلَّى رَكْعَتَيْنِ.

545. *Абу Назрадан ривоят қилинди; айтди:* **«Имрон ибн Ҳусайндан мусофир намози ҳақида савол қилинди. Шунда у: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга ҳаж қилдим,** (у зот) **икки ракъат ўқидилар. Абу Бакр** (розийаллоҳу анҳу) **билан ҳаж қилдим; икки ракъат ўқидилар. Умар** (розийаллоҳу анҳу) **билан ҳам** (ҳаж қилдим)**, икки ракъат ўқидилар. Усмон** (розийаллоҳу анҳу) **билан ҳам халифаликларининг олти йили ёки саккиз йили давомида ҳаж қилдим, икки ракъат ўқидилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

٥٤٦- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ الْمُنْكَدِرِ وَإِبْرَاهِيمَ بْنِ مَيْسَرَةَ سَمِعَا أَنَسَ بْنَ مَالِكٍ، قَالَ: صَلَّيْنَا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الظُّهْرَ بِالْمَدِينَةِ أَرْبَعًا، وَبِذِي الْحُلَيْفَةِ الْعَصْرَ رَكْعَتَيْنِ.

546. *Муҳаммад ибн Мункадир ва Иброҳим ибн Муайсарадан ривоят қилинди:* **«Анас ибн Молик** (розийаллоҳу анҳу) **бундай деб**

айтганини эшитдилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга пешин номозини Мадинада турт ракъат ўқидик, аср намозини эса Зул-ҳулайфада икки ракъат ўқидик».

Абу Ййсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

ИЗОҲ. Зул-ҳулайфа – Мадинадан уч мил масофадаги манзил номи, Мадина халқининг мийқотидир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ерда аср номозини икки ракъат ўқиганлари сафар масофасидаги йўлга чиққанлари сабаблидир.

٥٤٧- حَدَّثَنَا[٣] قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا هُشَيْمٌ، عَنْ مَنْصُورِ بْنِ زَاذَانَ، عَنِ ابْنِ سِيرِينَ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَرَجَ مِنَ الْمَدِينَةِ إِلَى مَكَّةَ لاَ يَخَافُ إِلاَّ [اللَّهَ[٤]] رَبَّ الْعَالَمِينَ، فَصَلَّى رَكْعَتَيْنِ.

547. *Ибн Аббосдан (розийаллоҳу анҳумо) ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинадан Макка сари** (йўлга) **чиқдилар ва фақатгина** (бутун) **оламларнинг Рабби бўлган Аллоҳдан қўрқиб,** (тўрт ракъатли фарзларни) **икки ракъат ўқидилар».**

Абу Ййсо деди(лар): Бу ҳадис (ҳасан-)саҳиҳ.

ИЗОҲ. Бу ҳадис сафарда қаср ўқишлик қўрқув туфайли бўлади, деб иддао қилувчиларга жавобдир. Чунончи, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳдан бошқа ҳеч кимсадан қўрқувлари бўлмаган ҳолда ўша сафарда намозни қаср ўқиганларига далолат этади.

392-БОБ. НАМОЗ ҚАНЧА МУДДАТ ҚАСР ЎҚИЛАДИ?

٥٤٨- حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا هُشَيْمٌ، أَخْبَرَنَا يَحْيَى بْنُ أَبِي إِسْحَقَ[٨] [الْحَضْرَمِيُّ[٩]]، حَدَّثَنَا[١٠] أَنَسُ بْنُ مَالِكٍ، قَالَ: خَرَجْنَا مَعَ النَّبِيِّ[١١] صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنَ الْمَدِينَةِ إِلَى مَكَّةَ، فَصَلَّى رَكْعَتَيْنِ. قَالَ: قلت لأَنَسٍ: كَمْ أَقَامَ رَسُولُ اللَّهِ[١٢] صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمَكَّةَ ؟ قَالَ: عَشْرًا.

548. *Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан биргаликда Мадинадан Макка сари** (йўлга) **чиқдик, шунда икки ракъат ўқидилар.** (Ровий) **Абу Исҳоқ ал-Ҳазрамий айтади: «Анасга: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккада қанча турдилар?» дедим. «Ўн** (кун)**», деди».**

Бу бобда яна Ибн Аббос ва Жобир (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Анаснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Ибн Аббос орқали Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан, сафарларининг айримларида (бир жойда) ўн тўққиз кун қолганлари ҳолда икки ракъат ўқиганлари ривоят қилинган. Ибн Аббос бундай деди: **«Бир ерда ўн тўққиз кун қолсак, икки ракъат ўқиймиз. Агар иқоматимиз** (яшаб қолиш муддатимиз) **бу муддатдан ўтса, унда намозни тўлиқ ўқиймиз».**

Али (розийаллоҳу анҳу)дан бундай деганлари ривоят қилинди: «Ўн кун бир жойда яшаб қолса, намозни тўлиқ ўқийди».

Ибн Умардан (розийаллоҳу анҳумо) бундай дегани ривоят қилинди: **«Ўн беш кун** (бир жойда) **яшаб қолса, намозни тўлиқ ўқийди»**. Ибн Умардан ўн икки кун деб ҳам ривоят қилинган.

Саъид ибн ал-Мусаййибнинг бундай дегани ривоят қилинди: «Тўрт кун (бир ерда) яшаб қолса, тўрт ракъат ўқийди». Буни Саъид ибн ал-Мусаййибдан Қатода ва Ато Хуросоний ривоят қилганлар. Довуд ибн Абу Ҳинд эса ундан бошқача тарзда ривоят қилади. Бас, илм аҳллари бу масалада ихтилоф қилдилар. **Суфён Саврий ва Куфа аҳли, қаср ўқиш муддатини ўн беш кун деб белгилаш жиҳатига соҳиб бўлдилар ва айтдиларки: «Ўн беш кун яшаб қолмоқни қатъий тарзда ният қилса, намозни тўлиқ ўқийди».**

Ал-Авзоий айтади: «Ўн икки кун яшаб қолмоқни қатъий ният қилса, намозни тўлиқ ўқийди».

Молик, Шофиъий ва Аҳмад бундай дейдилар: «Тўрт кун яшаб қолмоққа қатъий ният қилса, намозни тўлиқ ўқийди».

Исҳоққа келсак, бу масалада у Ибн Аббоснинг ҳадисини фикрларнинг энг қувватлиси деб қарайди ва бундай дейди: «Чунки Ибн Аббос бу ҳадисни Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ва Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин уни тааввул (таҳвил этиб амалга татбиқ) қилгандир: ўн тўққиз кун яшаб қолмоқни қатъий ният қилса, намозни тўлиқ ўқийди».

Кейин илм аҳллари яшаб қолишга ният қилмаган мусофир, бошидан (неча) йиллар ўтса ҳам, намозни қаср ўқимоғи борасида иттифоқ қилдилар.

٥٤٩- حَدَّثَنَا هَنَّادُ [بْنُ السَّرِيِّ](٧)، حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ، عَنْ عَاصِمٍ الأَحْوَلِ، عَنْ عِكْرِمَةَ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ، قَالَ: سَافَرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سَفَرًا، فَصَلَّى تِسْعَةَ عَشَرَ(٨) يَوْمًا رَكْعَتَيْنِ. رَكْعَتَيْنِ(٩) قَالَ ابْنُ عَبَّاسٍ: فَنَحْنُ نُصَلِّي فِيمَا بَيْنَنَا وَبَيْنَ تِسْعَ عَشْرَةَ رَكْعَتَيْنِ رَكْعَتَيْنِ، فَإِذَا أَقَمْنَا أَكْثَرَ مِنْ ذَلِكَ صَلَّيْنَا أَرْبَعًا.

549. *Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир гал сафар**

қилдилар ва шунда ўн тўққиз кун икки ракъат-икки ракъатдан намоз ўқидилар». Ибн Аббос айтадилар: «Бизлар ҳам (бир жойда ўн тўққиз кун яшаб қолсак) ўша ўн тўққиз кун орасида икки ракъат-икки ракъатдан намоз ўқиймиз. Агар бундан кўпроқ яшаб қолсак, тўрт ракъат ўқиймиз».

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ғариб-ҳасан-саҳиҳ.

ИЗОҲ. «Шарҳи Мухтасари Виқоя»дан: «Бас, бир киши юқорида зикр қилинганидек мусофир бўлса, ўз шаҳрига қайтиб келгунича ё бошқа шаҳарда ёки қишлоқда ярим ой туришни ният қилса, тўрт ракъатли фарз намозини икки ракъат этиб, қисқартириб ўқур. Шариатда мусофир деб турадиган (доим яшайдиган) еридан ўртача юриш билан уч кунлик йўлни қасд қилиб чиққан кишига айтилади». Кейинги уламолар сафар масофасини 140 км. деб тўхталганлар.

393-БОБ. САФАРДА ТАТАВВУЪ (ИХТИЁРИЙ СУННАТ, МУСТАҲАБ ВА НАФЛ) НАМОЗЛАРИ ЎҚИМОҚ

٥٥٠- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ [بْنُ سَعِيدٍ(١)]، حَدَّثَنَا اللَّيْثُ بْنُ سَعْدٍ، عَنْ صَفْوَانَ بْنِ سُلَيْمٍ، عَنْ أَبِي بُسْرَةَ الْغِفَارِيِّ(٢)، عَنِ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ، قَالَ: صَحِبْتُ رَسُولَ اللَّهِ(٣) صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ثَمَانِيَةَ عَشَرَ شَهْرًا(٤)، فَمَا رَأَيْتُهُ تَرَكَ الرَّكْعَتَيْنِ إِذَا زَاغَتِ الشَّمْسُ قَبْلَ الظُّهْرِ.

550. *Ал-Баро ибн Озиб (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан ўн саккиз-та сафарда йўлдош бўлдим: қуёш заволдан оғгандан сўнг пешиндан олдинги икки ракъатни тарк этганларини кўрмадим».**

Бу бобда Ибн Умардан (розийаллоҳу анҳумо) ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ал-Баронинг ҳадиси ғариб.

Бу ҳадисни Муҳаммад (ал-Бухорий)дан сўрадим, уни фақат Ал-Лайс ибн Саъднинг ривоятидан билади. Муҳаммад (ал-Бухорий) Ал-Бусра ал-Ғифорийнинг исмини билмади ва ҳадисини ҳасан кўрди.

Ибн Умардан бундай деб ривоят қилинган: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарда фарздан олдин ёки кейин нафл намози ўқимас эдилар».**

Яна Ибн Умардан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарда нафл намозлари ўқиганлари ривоят қилинган.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин илм аҳллари бу масалада ихтилоф қилдилар. **Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан баъзилари киши сафарда татаввуъ** (суннат ва нафл намозларини) **ўқийди, деган фикрдалар.** Аҳмад ва Исҳоқ шу

қавлга эга бўлишган. Илм аҳлларидан бир гуруҳи эса на фарздан олдин, на кейин ўқилмайди, деган фикрдадир.

Сафарда татаввуъ (суннат ва нафл) намози ўқимасликнинг маъноси **рухсатни** қабул қилмоқдир. **Аммо кимки ўқиса, шубҳасиз, бунда ўзи учун улуғ фазилат бор. Илм аҳлларидан кўпчилигининг қавли шу: сафарда татаввуъ** (суннат ва нафл) **намози ўқимоқни ихтиёр қилганлар.**

ИЗОҲ. Ҳадисда баён қилинган бу икки ракъат пешин намозининг суннатидир. Сафарда вақт суннатлари ўқилади деб айтганлар шу ҳадис билан истидлол (далил-исбот) қиладилар.

Имом Термизий сафарда суннат ва нафл намозлари ўқилиши лозимлиги таъкидлайдилар ва бу фикрни қуйида Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)нинг ҳасан ҳадислари билан қувватлайдилар.

٥٥١ – حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، حَدَّثَنَا حَفْصُ بْنُ غِيَاثٍ، عَنِ الْحَجَّاجِ، عَنْ عَطِيَّةَ[٣]، عَنِ ابْنِ عُمَرَ قَالَ: صَلَّيْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الظُّهْرَ فِي السَّفَرِ رَكْعَتَيْنِ، وَبَعْدَهَا رَكْعَتَيْنِ[٤].

551. *Ибн Умардан (розийаллоҳу анҳумо) ривоят қилинди; айтди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга сафарда пешин намозини икки ракъат ўқидим, ундан** (фарздан) **кейин ҳам икки ракъат ўқидим».**

٥٥١ – حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، حَدَّثَنَا حَفْصُ بْنُ غِيَاثٍ، عَنِ الْحَجَّاجِ، عَنْ عَطِيَّةَ[٣]، عَنِ ابْنِ عُمَرَ قَالَ: صَلَّيْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الظُّهْرَ فِي السَّفَرِ رَكْعَتَيْنِ، وَبَعْدَهَا رَكْعَتَيْنِ[٤].

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан.

Ибн Абу Лайло бу ҳадисни Аттиййа ва Нофиъ воситасида Ибн Умардан ривоят қилган.

٥٥٢ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عُبَيْدٍ الْمُحَارِبِيُّ [يَعْنِي الْكُوفِيَّ[٦]]، حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ هَاشِمٍ[٧]، عَنِ ابْنِ أَبِي لَيْلَى، عَنْ عَطِيَّةَ وَنَافِعٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ[٨] قَالَ: صَلَّيْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الْحَضَرِ وَالسَّفَرِ، فَصَلَّيْتُ مَعَهُ فِي الْحَضَرِ الظُّهْرَ أَرْبَعًا وَبَعْدَهَا رَكْعَتَيْنِ، وَصَلَّيْتُ مَعَهُ فِي السَّفَرِ الظُّهْرَ رَكْعَتَيْنِ وَبَعْدَهَا رَكْعَتَيْنِ، وَالْعَصْرَ رَكْعَتَيْنِ، وَلَمْ يُصَلِّ بَعْدَهَا شَيْئًا، وَالْمَغْرِبَ فِي الْحَضَرِ وَالسَّفَرِ سَوَاءً ثَلَاثَ رَكَعَاتٍ، لَا تَنْقُصُ فِي الْحَضَرِ، وَلَا فِي السَّفَرِ[١]، هِيَ وِتْرُ النَّهَارِ[٢]، وَبَعْدَهَا رَكْعَتَيْنِ.

552. *Ибн Умардан (розийаллоҳу анҳумо) ривоят қилинди; айтдилар:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга ҳазарда** (муқимликда) **ҳам, сафарда ҳам намоз ўқидим. Муқимликда ул зот билан бирга пешин намози**(нинг фарзи)**ни тўрт ракъат, фарздан кейин эса икки ракъат ўқидим. Сафарда у зот билан бирга пешин намозини икки ракъат, фарздан кейин ҳам икки ракъат ўқидим. Аср намозини ҳам икки ракъат ўқидим,** (аммо) **асрдан кейин ҳеч намоз ўқимадилар. Шом намозини муқимликда ҳам, сафарда ҳам бир хил – уч ракъат ўқидим. Наҳазарда** (муқимликда)**, на сафарда – шом намози қисқартирилмади. Чунки у кундузнинг витридир. Шомдан кейин икки ракъат ўқидилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан.

Муҳаммад (ал-Бухорий)дан эшитдим; айтди: «Ибн Абу Лайло мен учун бундан ҳам кўра севимлироқ бирор ҳадис ривоят қилган эмас».

ШАРҲ. Сафарда суннат намозлари ўқилади. Ўта шошилинч ва узрли ҳоллар бундан мустаснодир.

Сунани равотиб (фарз намозларидан олдин ва кейин ўқиладиган намозлар) фарз намозлар учун мукаммил (тўлдирувчи) ҳисобланади. Жаноб Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бу намозларни сафарда ҳам муқимликдагидек адо қилганлари ҳақида кўплаб ҳадислар ривоят қилинган. «Эълоу-с-сунан» номли китобда Абдуллоҳ ибни Умар разийаллоҳу анҳумодан ривоят қилинган юқоридаги 552-ҳадиси шариф келтирилади ва унинг шарҳида бундай дейилади: «Имоми Таҳовий ҳам мазкур ҳадисни ривоят қилиб: **«Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хуфтонни (сафарда) икки ракъат ўқиб, ундан сўнг яна икки ракат ўқидилар»** деб зиёда қилдилар». Яна ушбу ҳадиси шариф келтирилади:

عن ابى هريرة رضى الله عنه قال قال رسول الله صلى الله عليه وسلم لاتدعوا ركعتى الفجر ولو طردتكم الخيل

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинди; у зот айтдилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Бомдод намозининг суннатини тарк этманглар, гарчи сизларни отлиқлар қувиб келса ҳам»**, дедилар».

Сўнг Баро ибн Озиб разийаллоҳу анҳудан ривоят қилинган юқоридаги 550- ҳадиси шариф келтирилади, яъни, у киши айтдилар: **«Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан ўн саккиз бор сафарда бирга бўлдим. Ул зотнинг бирор марта қуёш заволга кетгандан сўнг пешиндан олдинги икки ракъатни тарк қилганларини кўрмадим»**. «Эълоу-с-сунан» мусаннифлари Имом Зафар Аҳмад ал-Исмоний айтадилар: «Мазкур ривоятлар пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сафардалик вақтларида ҳам суннатларни қолдирмай ўқиганларига равшан далилдир.

Аммо Имом Термизий Ибни Умар раозийаллоҳу анҳумодан ҳасан-ғариб деб ривоят қилган (юқоридаги 544-) ҳадис борки, Ибни Умар

разийаллоҳу анҳу айтдилар: **«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан, (ҳазрати) Абу Бакр, (ҳазрати) Умар ва (ҳазрати) Усмон (розийаллоҳу анҳум) билан сафар қилдим; бу зотлар пешин ва аср намозларини (қаср қилиб) икки ракъат-икки ракъатдан ўқир эдилар, фарздан олдин ҳам, кейин ҳам намоз ўқимас эдилар»,** дейилади. Бу ва бунга ўхшаш суннат намозини тарк қилинганлигига далолат қиладиган ҳадисларни вақт зиқ бўлган, шошилинч сафарга ҳамл қилинади. Сафарда суннат намозлари суннати муаккадалик даражасидан тушади. Лекин баъзилар гумон қилганларидек, нафли мутлақ (ўқиса савоб, ўқимаса гуноҳ бўлмайдиган) намозга айланмайди. Аммо Бомдод суннати ҳазарда (муқимликда) ҳам, сафарда ҳам муаккада суннатлигича қолади» *(«Эълоу-с-сунан», 3-жилд, 7-жуз, 314-саҳифа).*

Ушбу далиллар ҳадисларнинг зоҳирига қараб ҳукм қилиш жоиз эмаслигини яққол кўрсатади. Чунки ҳадислар баъзан зоҳир кўринишда бир-бирига зид бўлиб кўринади, шунинг учун бир мазҳабда маҳкам туриб, шу мазҳабнинг мужтаҳидларига эргашиб, уларнинг ҳукмларига амал қилиш зарурдир. Бу ўринда мазҳабимизда мўътабар бўлган китоблардаги далилларга қараймиз. «Мухтасарул виқоя» китобининг шарҳи «Жомиъу-р-румуз»да бундай келтирилади:

والكلام مشير الى ان لا قصر فى الثلاثى والثنانى وكذا فى السنن (جامع الرموز جزء اول صحفة - ٣١٨)

Яъни: «Мусаннифнинг «Тўрт ракъатлик фарзларни қаср қилади» деган иборалари уч ва икки раъкатли фарзларнинг, ва шунингдек, суннатларнинг қаср қилинмаслигини билдиради» *(1-жилд, 318-саҳифа).* Демак, бу сўз сафарда суннат намозларини тўлиқ ўқишга очиқ далилдир.

Мазкур китобнинг яна бир шарҳи «Шарҳун-Ниқоя»да Мулло Алий ал-Қорий бундай келтирадилар:

ثم لايقصر فى السنن لان القصر للتخفيف يحتاج اليه فى الفرائض لانها لازمة كذا فى المحيط (شرح النقاية جزء اول صحفة - ٢٨١)

Яъни: «Суннат намозлари қаср қилинмайди, чунки қаср қилиш ибодатни енгиллаштириш учун бўлиб, зиммага лозим бўлган фарз намозлардагина унга эҳтиёж бордир» *(1-жуз, 281-саҳифа).*

«Ал-маслакул-мутақассит фил-мансакил-мутавассит» китобининг Муздалифада шом ва хуфтонни жамлаб ўқиш баёнида бундай келтирилади:

(ولا يتطوع بينهما) اى بل يصلى سنة المغرب والعشاء والوتر بعدهما كنا صرح به مولانا عبدالرحمن الجامى قدس الله سره

Яъни: «Шом билан хуфтонни жамлаб ўқишда уларнинг орасида нафл намоз ўқимайди, балки шомнинг суннатини хуфтондан сўнг, ундан кейин эса хуфтоннинг суннатини ва витрни адо қилади».

«Раддул-муҳтор»да бундай келтирилади:

ويأتى المسافر بالسنن فى (حال) امن وقرار والا لا (بان كان فى خوف وفرار) والمراد بالامن والقرار النزول وبالخوف والفرار السير هو المختار(جزء اول صحفة-٥٥٥)

Яъни: «Мусофир хотиржамлик ва бемалоллик ҳолларида суннатларни ўқийди. Акс ҳолда, тарк қилишга рухсат берилади. Шуни ихтиёр қилинган» *(«Раддулмуҳтор» 1-жуз, 555-саҳифа).*

Буюк аждодларимиздан бўлган юртдошимиз Имом Бурҳониддин Али ибн Абубакр Ал-Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарлари мислсиз ҳисобланади. Бу китобга улуғ олимлар тарафидан кўп шарҳ ва ҳошиялар ёзилган. Жумладан, Имом Акмалуддин Муҳаммад ибни Маҳмуд Бобартий «Шарҳул-иноя ъалал-Ҳидоя» номли китобларида айтадилар:

قال المصنف (الاولى ان لا يتركها) السنن الرواتب (فى الاحوال كلها) يعنى سواء صلى بالجماعة او منفردا او مقيما او مسافرا هكذا فعل الخلفاءالراشدون وكبار الصحابة والتابعين

Яъни: «Мусанниф Имом ал-Марғиноний айтдилар: «Сунани равотиб (фарз намозларининг суннати) бирор ҳолатда ҳам тарк қилинмаслиги авлодур. Яъни, намозни хоҳ жамоат билан, хоҳ ёлғиз ҳолда, хоҳ муқимлик, хоҳ мусофирлик ҳолатида адо қилсин, суннатларни тарк қилмайди. Хулафои Рошидинлар, Саҳобаи киром ва тобиъийнларнинг улуғлари шундай қилганлар» *(«Фатҳул-қодийр», 481-саҳифа).*

Ҳазрати Имом Бухорий «Ал-жомиъ ас-саҳиҳ»нинг «Сафарда фарз намозларидан аввал ва кейин ўқиладиган суннат намозларидан ташқари нафл ҳам ўқиган киши» деган бобида айтадилар:

«Ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарда бомдод намозининг икки ракъат суннатини ўқидилар» *(300-саҳифа).*

Яна шу бобда ҳазрати Абу Лайло розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар:

«Ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг чошгоҳда намоз ўқиганларини бир киши кўриб, айтиб берди. Умму Ҳониъ эса айтдилар: «Ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Макка фатҳ бўлган куни менинг уйимга кириб ғусл қилдилар-да, саккиз ракъат нафл ўқидилар...» *(300-саҳифа).*

«Саҳиҳи Бухорий»нинг «Сафарда зуҳо намози ўқимоқ ҳақида»ги бобида ҳам мазкур ҳадиси шариф ривоят қилинган. Дамашқ ва Байрутда чоп этилган «Алфиққул-Ҳанафиййу фий савбиҳил-жадид» китобида **«Сафарда суннат намозлари ўқилади»** деган фатво баён этилиб, далил сифатида мазкур ҳадис келтирилган.

Юқорида келтирилган иборалардан маълум бўладики, суннат намозлари сафарда тарк қилинмайди, балки қаср ҳам қилинмайди. Лекин сафар шошилинч бўлганда ёки бирор хавф туғилса, суннатларни ўқимасликка рухсат берилади. Яъни, бу ўқимаса гуноҳкор бўлмайди, деган маънодадир. Аммо шу ҳолатда ҳам ўқиш афзал ва савоблидир. Сафарда суннатларни ўқишдан қайтариш ҳақида бирор ҳадис ворид бўлмаган. Шошилинч ёки

бирор хавф бўлган ҳолдаги сафар дейишимиз боиси шуки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарларининг аксари кофирларга қарши жанг учун бўлган. Маълумки, бу ҳолат шошилинч ва хавф ҳолатидир. Аммо сафар бемалол ва хавф-хатарсиз бўлса, бундай ҳолда суннатнинг таркига асло рухсат йўқ. Агар тарк қилса, гуноҳкор бўлади.

Юқорида айтилаётган сафарлардан мурод тижорат учун ёки бирор дунёвий мақсад учун қилинган сафарлардир. Аммо сафардан асл мақсад ибодат, Аллоҳ таъолога қурбат ҳосил қилиш бўлса, хусусан, ҳаж ибодатини адо этиш учун қилинган сафарларда суннатнинг таркига асло рухсат йўқ. Имкон қадар кўп ибодат қилинадиган муборак маконларда суннат намозларини тарк этиш хатодир. *(Далилларни танлашда Абдуллатиф қори Ҳошимжон қори ўғлининг «Ҳаж – покланиш сафари» китобидан истифода этилди.)*

394-БОБ. (САФАРДА) ИККИ НАМОЗНИ ЖАМЪЛАМОҚ

٥٥٣- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ [بْنُ سَعِيدٍ(٦)]، حَدَّثَنَا اللَّيْثُ بْنُ سَعْدٍ(٧)، عَنْ يَزِيدَ بْنِ أَبِي حَبِيبٍ، عَنْ أَبِي الطُّفَيْلِ [هُوَ عَامِرُ بْنُ وَاثِلَةَ(٨)]، عَنْ مُعَاذِ بْنِ جَبَلٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ فِي غَزْوَةِ تَبُوكَ إِذَا ارْتَحَلَ قَبْلَ زَيْغِ الشَّمْسِ؛ أَخَّرَ الظُّهْرَ إِلَى أَنْ يَجْمَعَهَا إِلَى الْعَصْرِ فَيُصَلِّيَهُمَا(٩) جَمِيعًا، وَإِذَا ارْتَحَلَ بَعْدَ زَيْغِ الشَّمْسِ؛ عَجَّلَ الْعَصْرَ إِلَى الظُّهْرِ وَصَلَّى الظُّهْرَ وَالْعَصْرَ جَمِيعًا، ثُمَّ سَارَ، وَكَانَ إِذَا ارْتَحَلَ قَبْلَ الْمَغْرِبِ؛ أَخَّرَ الْمَغْرِبَ حَتَّى يُصَلِّيَهَا مَعَ الْعِشَاءِ، وَإِذَا ارْتَحَلَ بَعْدَ الْمَغْرِبِ؛ عَجَّلَ الْعِشَاءَ فَصَلَّاهَا مَعَ الْمَغْرِبِ.

553. *Муъоз ибн Жабал (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Табук[94] ғазотида эканликларида кун оғишидан олдин қўзғалсалар, пешинни кейинга суриб асрга улаб, иккисини бирга қўшиб** (жамъ қилиб) **ўқир эдилар. Ва агар қуёш оғишидан кейин қўзғалсалар, асрни олдинроққа суриб, пешинга улаб, пешин билан асрни қўшиб** (жамъ қилиб) **ўқир эдилар, кейин юрар эдилар. Агар шомдан олдин қўзғалсалар, шомни кейинга суриб, хуфтон билан бирга қўшиб ўқир эдилар. Ва агар шомдан кейин қўзғалсалар, хуфтонни олдинга суриб, шом билан бирга қўшиб ўқир эдилар».**

Бу бобда яна Али, Ибн Умар, Анас, Абдуллоҳ нбн Амр, Оиша, Ибн Аббос, Усома ибн Зайд ва Жобир (ибн Абдуллоҳ) (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Йисо деди(лар): Усомадан ривоят қилингани саҳиҳдир.

Али ибн ал-Мадиний бу ҳадисни Аҳмад ибн Ҳанбал орқали Қутайбадан ривоят қилди.

[94] Табук – Шом яқинидаги бир манзил.

٥٥٤ – [حَدَّثَنَا عَبْدُ الصَّمَدِ بْنُ سُلَيْمَانَ[٥]، حَدَّثَنَا زَكَرِيَّا اللُّؤْلُؤِيُّ[٦]، حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرٍ الأَعْيَنُ[٧]، حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ الْمَدِينِيِّ، حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ حَنْبَلٍ، حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بِهَذَا[٨]] [الْحَدِيثِ[٩]] [يَعْنِي حَدِيثَ مُعَاذٍ[١٠]].

554. *Абдуссамад ибн Сулаймон, Закарийё ал-Луълуъий, Абу Бакр ал-Ъайн, Али ибн ал-Мадиний, Аҳмад ибн Ҳанбал, Қутайбадан шу ҳадисни (яъни, Муъознинг ҳадисини) баён қилди.*

Абу Ийсо деди(лар): Муъознинг ҳадиси ҳасан-ғариб.

Бу ҳадисни ёлғиз Қутайба ривоят қилган, ундан ташқари бу ҳадисни Ал-Лайсдан ривоят қилган бошқа кишини билмаймиз. Чунончи, Ал-Лайснинг Язид ибн Абу Ҳабибдан, Абу Туфайлдан, Муъоздан қилган ривояти ғариб. Чунки, илм аҳли наздида, маъруф бўлмиш ривоят – Абу Зубайрнинг Абу Туфайл воситасида Муъоздан қилган ушбу ҳадис ривоятидир: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Табук ғазотида пешин билан асрни ва шом билан хуфтонни бирга қўшиб** (жамъ қилиб) **ўқидилар».** Бу ҳадисни Курро ибн Холид, Суфён Саврий, Молик ва бошқалар Абу Зубайр ал-Маккийдан ривоят қилдилар.

Шофиъий бу ҳадисни қабул қилган. Аҳмад ва Исҳоқ бундай дейдилар: **«Сафарда икки намоздан биттасини** (олдинга олмоқ ёки кейинга сурмоқ тарзида) **бир вақтда – икки намозни бирга жам қилиб ўқишликда зарар йуқ»**.

٥٥٥– حَدَّثَنَا هَنَّادُ [بْنُ السَّرِيِّ[٦]]، حَدَّثَنَا عَبْدَةُ بْنُ سُلَيْمَانَ، عَنْ عُبَيْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ، عَنْ نَافِعٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ: أَنَّهُ اسْتُغِيثَ عَلَى بَعْضِ أَهْلِهِ[٧]، فَجَدَّ بِهِ السَّيْرُ، فَأَخَّرَ الْمَغْرِبَ حَتَّى غَابَ الشَّفَقُ، ثُمَّ نَزَلَ فَجَمَعَ بَيْنَهُمَا، ثُمَّ أَخْبَرَهُمْ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَفْعَلُ

555. *Ибн Умардан (розийаллоҳу анҳумо) ривоят қилинди:* **«Ибн Умар аҳли оиласидан бирига ёрдамга шошилмоқлари зарур бўлгач, тез юрмоқлари лозим бўлди ва** (шунда) **шомни то шафақ ботгунича таъхир қилдилар. Кейин тушиб, икки намозни** (шом билан хуфтонни) **жамъ қилиб ўқидилар. Сўнг уларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тез юрмоқлари зарур бўлганда ана шундай қилганларини сўзлаб бердилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

ШАРҲ. Ҳофиз Ибн Ҳажар «Фатҳул-борий»да **«икки намозни бирга жам қилиб ўқишликда зарар йуқ»,** деган сўз ҳақида бундай дейди: **«Бир тоифа**

(олимлар) эса Арофат ва Муздалифадан бошқа ҳеч бир жойда ва ҳеч бир ҳолда жамъ қилмоқ жоиз эмас, деб ҳисоблайдилар. Ҳасан, Нахаий, Абу Ҳанифа ва соҳибайн (икки биродари)нинг қавли шудир.

Ҳадисидаги: **«Ибн Умар аҳли оиласидан бирига ёрдамга шошилмоқлари зарур бўлгач, тез юрмоқлари лозим бўлди»** деган сўзнинг изоҳида бундай дейилади: «Ўшанда Ибн Умарга жуфти ҳалоли – Абу Убайданинг қизи Сафийя ҳолати назъ (жон узиш ҳолатида) эканлиги хабар берилган бўлиб, улгуриб бориш учун шошилмоқлари зарур бўлиб қолган эди».

Қуръони каримнинг «Нисо» сураси, 103-ояти билан намоз – вақтлари белгилаб қўйилган фарз эканлиги собитдир. Икки намозни жамлашнинг маъноси шуки, биринчи намоз охирги вақтига олиниб, иккинчи намоз аввалги вақтига олинади, ҳақиқатда эса ҳар бир намоз ўз вақтида ўқилган бўлади; яъни, феълан жамланади, вақт жиҳатидан жамланмайди.

Дарҳақиқат, бизнинг Имом Аъзам мазҳабимизда икки фарз намозини бир вақтда жамлаб ўқиш фақат арафа кунига хос бўлиб, Арафотда пешин билан аср, Муздалифада шом билан хуфтон жамланади.

Абдуллоҳ ибни Масъуд розийаллоҳу анҳу марҳамат қиладилар:

قال ابن مسعود رضى الله عنه والذى لا اله غيره ما صلى رسول الله صلى الله عليه وسلم صلوة قط الا وقتها الا صلاتين جمع بين الظهر والعصر بعرفة وبين المغرب والعشاء بجمع متفق عليه

Маъноси: «Ўзидан ўзга илоҳ бўлмаган Зотга қасамки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бирор намозни ўз вақтидан бошқа вақтда ўқимадилар, магар ўз вақтида ўқидилар. Фақатгина пешин ва асрни Арафотда, шом ва хуфтонни Муздалифада жамлаб ўқидилар».

«Саҳиҳи Муслим»нинг шарҳида келтирилади:

وفى شرح مسلم مذهب ابى حنيفة انه جمع بسبب النسك فيجوز لاهل مكة وغيرهم

Маъноси: «Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг мазҳаблари шуки, Арафот ва Муздалифада икки намозни бир вақтда жамлаш ҳаж ибодати сабаблидир (сафар сабабли эмас). Шу сабабдан Маккаликларга ҳам, бошқаларга ҳам жамлаш жоиз». Бундан маълум бўладики, ҳаж мавсумининг арафа кунидан бошқа вақтларда икки намозни жамлаб ўқиш жоиз эмас.

Абдуллоҳ ибни Маҳмуд ал-Мусилий ал-Ҳанафий раҳимаҳуллоҳ «Ал-Ихтиёр» номли китобларида айтадилар:

لايجمع بين صلوتين فى وقت واحد فى حضر ولا سفر لقوله تعالى ان الصلوة كانت على المؤمنين كتابا موقوتا اى موقتا وفى الجمع تغيير الوقت ويجوز الجمع فعلا لا وقتا وهو تاويل ما روى انه صلى الله عليه وسلم جمع بين صلوتين

Маъноси: «Икки фарз намозни сафарда ҳам, ҳазарда (муқимликда) ҳам жам қилмайди. Бу: **«Албатта, намоз мўъминларга вақтлари белгилан-**

ган бир фарздир» *(«Нисо», 103)* оятининг далили биландир. Чунки жамлаб ўқилганда намознинг вақти ўзгартирилади. Феълан жамлаш жоиз, лекин вақтан жамланмайди. Яъни, биринчи намозни охирги вақтига таъхир қилади ва иккинчи намозни аввалги вақтида ўқийди. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки намозни жамлаб ўқидилар» деб ривоят қилинган ҳадисларнинг таъвили ҳам ана шундай».

Шундай таъвил қилишимиз зарур эканлигига Имом Бухорий ва Имом Муслим раҳимаҳумуллоҳнинг Абдуллоҳ ибни Масъуд разийаллоҳу анҳудан ривоят қилган ушбу ҳадислари очиқ-равшан далил бўлади:

قال ابن مسعود رضى الله عنه ما رأيت رسول الله صلى الله عليه وسلم صلى صلوة لغير وقتها الا بجمع فانه جمع بين المغرب والعشاء وصلى صلوة الصبح من الغد قبل وقتها

Маъноси: «Абдуллоҳ ибни Масъуд разийаллоҳу анҳу айтдилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бирор намозни ўз вақтидан бошқа вақтда ўқиганларини кўрмадим, магар Муздалифада шом билан хуфтонни жамладилар ва тонгда бомдод намозини ҳар кунги вақтидан олдинроқ (тонгни ёриштирмай ғира-ширада) ўқидилар».

Ҳазрат Мулло Алий Ал-Қорий раҳматуллоҳи алайҳ «Шарҳун-Ниқоя»да айтадилар:

ولا يجمع عندنا بين ظهر وعصر ولا بين مغرب وعشاء بسفر او مطر فى زماننا الا فى عرفة ومزدلفة

Маъноси: «Бизнинг мазҳабимизда пешин ва аср намозини, шом ва хуфтон намозини сафар сабабли ёки ёмғир ёғиши сабабли жамлаб ўқилмайди, магар ҳаж мавсумининг арафа кунида Арафот ва Муздалифада жамланади».

Ушбу айтилган ҳукмлардан маълум бўладики, сафарга чиқилганда икки намозни жамлаб ўқиган киши фатвога хилоф йўл тутган бўлади. (*Далилларни танлашда «Ҳаж – покланиш сафари» китобидан истифода этилди.*)

395-БОБ. ИСТИСҚО (ЁМҒИР СЎРАШ) НАМОЗИ

٥٥٦- حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ مُوسَى[1]، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ، أَخْبَرَنَا مَعْمَرٌ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ عَبَّادِ بْنِ تَمِيمٍ، عَنْ عَمِّهِ[2] : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَرَجَ بِالنَّاسِ يَسْتَسْقِي، فَصَلَّى بِهِمْ رَكْعَتَيْنِ؛ جَهَرَ بِالْقِرَاءَةِ فِيهِمَا، وَحَوَّلَ رِدَاءَهُ، وَرَفَعَ يَدَيْهِ وَاسْتَسْقَى وَاسْتَقْبَلَ الْقِبْلَةَ.

556. *Абдуллоҳ ибн Зайд (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам** (Аллоҳу таолодан) **ёмғир**

сўрамоқ учун одамлар билан (намозгоҳга) **чиқдилар ва улар билан икки ракъат намоз ўқидилар. Бу икки ракъатда жаҳрий** (овоз чиқариб) **қироат қилдилар. Ридоларини тескари ўгириб олдилар, қўлларини** (дуога) **кўтардилар, ёмғир тилаб дуо қилдилар, қиблага юзланиб турдилар».**

Бу бобда Ибн Аббос, Абу Ҳурайра, Анас ва Абул-Лаҳм (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абдуллоҳ ибн Зайднинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир. Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шу.

Аббос ибн Тамимнинг амакисининг номи – Абдуллоҳ ибн Зайд ибн Осим ал-Мозиний.

ИЗОҲ. Ридони тескари ўгирмоқ ёки ўрамоқ бундай изоҳланади: Ридонинг остдан чап учини ўнг қўли билан ва ўнг учини чап қўли билан тутиб, қўлларини орқасидан ўраб, ўнг қўли ушлаган учини ўнг елкасига ва чап қўл ушлаган учини чап елкага ташлайди. Шундай қилиб, Ридонинг ости юқорига, юқориси пастга, ўнг томони чапга, чап томони ўнгга ўтган бўлади.

٥٥٧- حَدَّثَنَا[1] قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا اللَّيْثُ [بْنُ سَعْدٍ][2]، عَنْ خَالِدِ بْنِ يَزِيدَ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ أَبِي هِلَالٍ، عَنْ يَزِيدَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ[3]، عَنْ عُمَيْرٍ مَوْلَى آبِي اللَّحْمِ، عَنْ آبِي اللَّحْمِ[4] : أَنَّهُ رَأَى رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عِنْدَ أَحْجَارِ الزَّيْتِ[5] يَسْتَسْقِي وَهُوَ مُقْنِعٌ[6] بِكَفَّيْهِ يَدْعُو.

557. *Абу Лаҳм (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«У** (Абу Лаҳм) **Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни Аҳжаруз-зайтда кафтларини кўтарган ҳолда ёмғир тилаб, дуо қилаётганларини кўрди».**

Қутайба шу йўсин бу ҳадисда «Абул-Лаҳмдан» деди. Абу Лаҳмнинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қилган ривояти сифатида битта шу ҳадисни биламиз.

Абу Лаҳмнинг мавлоси Умайр Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бир қанча ҳадислар ривоят қилган бўлиб, ўзи саҳобадир.

ИЗОҲ. Аҳжаруз-зайт – Мадинанинг ал-Ҳарро туманидаги бир жойнинг номи. Тошлари қора ва ялтироқ бўлгани учун бу ерни Аҳжаруз-зайт (ёғли тошлоқ) деб атаганлар.

Абу Лаҳм – улуғ бир саҳоба, гўшт емагани учун уни Абу-Лаҳм (Гўшт отаси) деб аташган. Ҳунайн ғазотида шаҳид бўлган бу зотнинг исми – Абдуллоҳ ибн Абдулмалик.

٥٥٨- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا حَاتِمُ بْنُ إِسْمَعِيلَ، عَنْ هِشَامِ بْنِ إِسْحَقَ، [وَهُوَ ابْنُ عَبْدِ اللَّهِ ابْنِ كِنَانَةَ][1]، عَنْ أَبِيهِ قَالَ: أَرْسَلَنِي الْوَلِيدُ بْنُ عُقْبَةَ - وَهُوَ أَمِيرُ الْمَدِينَةِ - إِلَى ابْنِ عَبَّاسٍ أَسْأَلُهُ عَنِ اسْتِسْقَاءِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ[2]، فَأَتَيْتُهُ[3]، فَقَالَ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَرَجَ مُتَبَذِّلًا[4] مُتَوَاضِعًا مُتَضَرِّعًا حَتَّى أَتَى الْمُصَلَّى، فَلَمْ يَخْطُبْ خُطْبَتَكُمْ هَذِهِ؛ وَلَكِنْ لَمْ يَزَلْ فِي الدُّعَاءِ وَالتَّضَرُّعِ وَالتَّكْبِيرِ، وَصَلَّى رَكْعَتَيْنِ كَمَا كَانَ يُصَلِّي فِي الْعِيدِ.

558. *Исҳоқ ибн Абдуллоҳ ибн Кинонадан ривоят қилинди; айтди:* **«Мадинанинг амири** (волийси) **Валид ибн Уқба мени Ибн Аббосга жўнатди, у кишидан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёмғир дуоларини сўрашим керак эди. У кишининг ҳузурига етиб келдим, шунда бундай деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хоксор қиёфада, тавозуъ ва тазарруъ ҳолатида очиқ ҳаво намозгоҳига чиқдилар. Сизларнинг бу хутбаларингиздек хутба ўқимадилар. Ва лекин дуода, тазарруъ ва такбирда давом этдилар ва худди ийдда ўқиган намозларидек икки ракъат намоз ўқидилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

٥٥٩ - حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلَانَ، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنْ سُفْيَانَ، عَنْ هِشَامِ بْنِ إِسْحَقَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ كِنَانَةَ، عَنْ أَبِيهِ: فَذَكَرَ نَحْوَهُ وَزَادَ فِيهِ: مُتَخَشِّعًا.

559. *Маҳмуд ибн Ғайлон Вакиъ орқали Суфёндан, Ҳишом ибн Исҳоқ ибн Абдуллоҳ ибн Кинонадан бизга хабар қилиб, ўтган ҳадисни айнан зикр этди ва унда «мутахошшиъан» («хушуъ ҳолида») деган сўзни қўшимча қилди.*

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Шофиъийнинг қавли шу; айтадики: «Истисқо (ёмғир дуоси) намозини ийд намозидек ўқийди; биринчи ракъатда етти такбир ва иккинчи ракъатда беш такбир айтади». Шофиъий Ибн Аббоснинг ҳадиси билан истидлол қилаётир.

Молик ибн Анасдан бундай деб айтгани ривоят қилинди: «Истисқо намозида ҳайит намозидагидек (етти) такбир айтмайди».

ШАРҲ. Истисқо, яъни ёмғир ёғмай, экин ва чорваларга сув етмай қолганида, қиблага юзланиб, ёмғир ёғишини Аллоҳдан сўраб дуо қилиш, гуноҳларга истиғфор айтиб, тавба қилишдир. Қуръондан далили «Нуҳ» сурасининг 10-12-оятлари, «Бақара» сурасининг 60-оятидир.

Истисқо намози учун далага чиқилади. Хушуъ ва хузуъ – қўрқув ва зорилиғ билан, эски кийимларни кийиб, ўзини хор тутиб, аввал садақа бериб, гуноҳлардан тавба қилиб чиқиш тавсия этилган. Жамоат бўлиб

икки ракъат намоз ўқилади, имом қироатни жаҳрий қилади. Намоздан кейин имом ёки имомдан бошқа киши дуо қилиши мумкин. Бу намозни якка-якка ҳолда ҳам ўқиш жоиз.

396-БОБ. КУСУФ НАМОЗИ (ҚУЁШ ТУТИЛГАНДА ЁКИ ХУСУФ – ОЙ ТУТИЛГАНДА ЎҚИЛАДИГАН НАМОЗ)

٥٦٠- حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ، عَنْ سُفْيَانَ، عَنْ حَبِيبِ بْنِ أَبِي ثَابِتٍ، عَنْ طَاوُسٍ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَنَّهُ صَلَّى فِي كُسُوفٍ فَقَرَأَ(٧)، ثُمَّ رَكَعَ، ثُمَّ قَرَأَ، ثُمَّ رَكَعَ، [ثُمَّ قَرَأَ، ثُمَّ رَكَعَ](٨) [ثَلَاثَ مَرَّاتٍ](٩)، ثُمَّ سَجَدَ سَجْدَتَيْنِ وَالأُخْرَى مِثْلُهَا.

560. *Ибн Аббосдан (розийаллоҳу анҳумо) ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуёш тутилганда** (кусуф) **намоз**(и) **ўқидилар: қироат қилдилар, кейин рукуъга бордилар; кейин қироат қилдилар, кейин рукуъга бордилар; кейин қироат қилдилар, кейин рукуъга бордилар; кейин икки марта сажда қилдилар. Иккинчи ракъатини ҳам худди шундай ўқидилар»**.

Бу бобда Али, Оиша, Абдуллоҳ ибн Амр, Нуъмон ибн Башир, Муғийра ибн Шуъба, Абу Масъуд, Абу Бакр, Самура, Ибн Масъуд, Асмо бинти Абу Бакр, Ибн Умар, Қабиса ал-Ҳилолий, Жобир ибн Абдуллоҳ, Абу Мусо Ашъарий, Абдурраҳмон ибн Самура ва Убай ибн Каъб (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Аббоснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Ибн Аббос орқали Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламдан **«Кусуф намози ўқиганлари ва тўрт сажда муқобилида тўрт рукуъ қилганлари»** ривоят қилинган. Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

Илм аҳллари кусуф намозининг қироати масаласида ихтилоф қилдилар. Баъзилари кундузги ўқиладиган кусуф намозида қироат махфий (ичда) ўқилади, деган фикрга эга бўлдилар. Баъзилари эса ийд ва жумъа намозларида бўлганидек, қироат жаҳрий (овоз чиқариб) қилинади, деган фикрдалар. Имоми Шофиъий: «Кусуф намозида жаҳрий ўқилмайди», деди.

Ҳар икки ривоят ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан саҳиҳ тарзида собитдир: Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам тўрт сажда муқобилида тўрт рукуъ қилганлари саҳиҳ тарзида ривоят қилинган. Шунингдек, тўрт ракъат сажда муқобилида олти рукуъ қилганлари ҳам саҳиҳ тарзида ривоят қилинган. Илм аҳлларининг фикрига кўра, бу намозни кусуфнинг (қуёш ёки ой тутилишнинг) миқдорига қараб ўқимоқ жоиз. Агар кусуф (қуёш ёки ой тутилиши)

чўзилса, тўрт сажда муқобилида олти рукуъ қилади ва бу жоиздир. Агар (бу аҳволда) тўрт сажда муқобилида тўрт рукуъ қилса, (унда) қироатни чўзади ва бу (ҳам) жоиз.

Биродарларимиз (муҳаддислар) қуёш ёки ой тутилганда кусуф намози жамоат билан ўқилади, деган фикрдалар.

ИЗОҲ. Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кусуф намозини икки ракъат ўқиганларини ва ҳар ракъатида уч рукуъ ва икки сажда қилганларини маълум қилмоқда. Бу ҳадис Муслим томонидан ҳам тахриж этилган ва Муслимнинг ривоятида рукуълар саноғида ортиқлик бор. Фиққда: кусуф намози худди жумъа ва икки ийд намозлари каби икки ракъат ўқилади, лекин жумъага ўхшаш хутба қилинмайди, азон ва такбир айтиш шарт эмас, қироати эса узун ва махфий бўлади. Мустаҳаб вақтда ўқилади, макруҳ вақтда эмас. Хусуф намози эса уйларда нафл намозлари каби якка-якка ўқилади *(«Мухтасар», «Шарҳи мухтасари Виқоя»)*.

Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)нинг бу ҳадисини Имом Бухорий ва Муслим тахриж қилганлар. Нававий бу ҳадис шарҳида бундай дейди: «Бунинг сифати ҳақида ихтилоф қилинди. Машҳур бўлгани – Имом Аъзам мазҳабида – кусуф намози икки ракъатдир ва ҳар бир ракъатида икки қиём, икки қироат ва икки рукуъ бор. Агар имом ҳозир бўлмаса, одамлар ўз масжидларида икки ракъат ёки тўрт ракъат якка-якка ўқийдилар. Саждаларга келсак, саждалари бошқа намозларда бўлганидек, икки саждадир» *(«Шарҳи Мухтасари Виқоя»)*.

٥٦١- حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ الْمَلِكِ بْنِ أَبِي الشَّوَارِبِ، حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ زُرَيْعٍ، حَدَّثَنَا مَعْمَرٌ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ عُرْوَةَ، عَنْ عَائِشَةَ [أَنَّهَا[٩]]، قَالَتْ: خَسَفَتِ[١٠] الشَّمْسُ عَلَى عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَصَلَّى رَسُولُ اللَّهِ [صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ[١١]] بِالنَّاسِ فَأَطَالَ الْقِرَاءَةَ، ثُمَّ رَكَعَ فَأَطَالَ الرُّكُوعَ، ثُمَّ رَفَعَ رَأْسَهُ فَأَطَالَ الْقِرَاءَةَ؛ هِيَ دُونَ الأُولَى، ثُمَّ رَكَعَ فَأَطَالَ الرُّكُوعَ؛ وَهُوَ دُونَ الأَوَّلِ[١]، ثُمَّ رَفَعَ رَأْسَهُ فَسَجَدَ، ثُمَّ فَعَلَ [مِثْلَ[٢]] ذَلِكَ فِي الرَّكْعَةِ الثَّانِيَةِ.

561. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида қуёш тутилди ва шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамлар билан намоз ўқидилар. Қироатни узун қилдилар, кейин рукуъ қилдилар ва рукуъни узоқ қилдилар, кейин** (рукуъдан) **бошларини кўтардилар ва қироатни узун қилдилар, аммо олдингисидан кўра қисқароқ қилдилар. Кейин рукуъ қилдилар ва рукуъни узун қилдилар, аммо олдингисидан кўра қисқароқ қилдилар,** (рукуъдан) **бошларини кўтардилар ва** (изидан) **саждага бордилар. Кейин иккинчи ракъатда** (ҳам) **худди шундай қилдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ шу ҳадисни эгаллаб, кусуф намози (икки ракъатда) тўрт сажда муқобилида тўрт рукуъ тарзида ўқилади, деб қарайдилар.

Шофиъий айтади: «Биринчи ракъатда «Фотиҳа»ни ва «Бақара» сурасига яқин бир сурани, кундуз куни бўлса, ичида ўқийди, кейин худди қироатдек узоқ рукуъ қилади; кейин такбир айтиб (рукуъдан) бошини кўтаради, яна юқоридагидек тик турган ҳолда «Фотиҳа»ни ва «Оли Имрон»га яқин бир сурани ўқийди, кейин қироатдек узоқ рукуъ қилади, кейин (рукуъдан) бошини кўтаради ва «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ» дейди, кейин икки тўлиқ-тўкис сажда қилади ва саждада рукуъда қолган миқдорича қолади; кейин қиёмга туриб «Фотиҳа»ни ва «Ан-Нисо» сурасича бир сурани ўқийди, кейин қироатидек узоқ рукуъ қилади, кейин такбир айтиб бошини (рукуъдан) кўтаради ва тик туради, кейин «Моида» сурасича бир сурани ўқийди ва қироатидек узоқ рукуъ қилади, кейин «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ» деб тик туради, кейин икки сажда қилади, кейин ташаҳҳуд ўқийди ва салом беради».

397-БОБ. КУСУФ НАМОЗИДА ҚИРОАТНИНГ СИФАТИ

٥٦٢ حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلَانَ، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ، عَنِ الأَسْوَدِ بْنِ قَيْسٍ، عَنْ ثَعْلَبَةَ بْنِ عِبَادٍ(٢)، عَنْ سَمُرَةَ بْنِ جُنْدَبٍ قَالَ: صَلَّى بِنَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي كُسُوفٍ لاَ نَسْمَعُ(٣) لَهُ صَوْتًا.

562. *Самура ибн Жундуб (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларга кусуф** (қуёш тутилиши) **намозини ўқиб бердилар, биз у кишининг овозларини эшитмас эдик»**.

Бу бобда Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Самура ибн Жундубнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ-ғариб. Баъзи илм аҳллари шу қавлга эга бўлганлар: Шофиъийнинг қавли шу.

٥٦٣ – حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرٍ مُحَمَّدُ بْنُ أَبَانَ، حَدَّثَنَا إِبْرَاهِيمُ بْنُ صَدَقَةَ، عَنْ سُفْيَانَ بْنِ حُسَيْنٍ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ عُرْوَةَ، عَنْ عَائِشَةَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَّى صَلاَةَ الْكُسُوفِ وَجَهَرَ بِالْقِرَاءَةِ فِيهَا.

563. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам кусуф** (қуёш тутилиши) **намозини ўқидилар ва бу намозда жаҳрий** (овоз чиқариб) **қироат қилдилар»**.

Абу Йисо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Абу Исҳоқ ал-Фазорий Суфён ибн Ҳусайндан айни шу ҳадисни ўхшаш тарзда ривоят қилди. Молик, Аҳмад ва Исҳоқ шу ҳадисни қабул қилганлар.

398-БОБ. СОЛАТУЛ-ХАВФ (ХАВФ-ХАТАР ТУҒИЛГАНДА ЎҚИЛАДИГАН НАМОЗ)

٥٦٤- حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ الْمَلِكِ بْنِ أَبِي الشَّوَارِبِ، حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ زُرَيْعٍ، حَدَّثَنَا مَعْمَرٌ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ سَالِمٍ، عَنْ أَبِيهِ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَّى صَلاَةَ الْخَوْفِ بِإِحْدَى الطَّائِفَتَيْنِ رَكْعَةً وَالطَّائِفَةُ الأُخْرَى مُوَاجِهَةُ الْعَدُوِّ، ثُمَّ انْصَرَفُوا، فَقَامُوا فِي مَقَامِ أُولَئِكَ، وَجَاءَ أُولَئِكَ[٥] فَصَلَّى بِهِمْ رَكْعَةً أُخْرَى، ثُمَّ سَلَّمَ عَلَيْهِمْ، فَقَامَ هَؤُلاَءِ فَقَضَوْا[٦] رَكْعَتَهُمْ، وَقَامَ هَؤُلاَءِ فَقَضَوْا رَكْعَتَهُمْ[٧].

564. *Зуҳрий Солимдан, у отасидан ривоят қилади:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки гуруҳнинг бир гуруҳи билан** (имом бўлиб) **бир ракъат хавф намози ўқидилар, иккинчи гуруҳ душманни кузатиб турди. Кейин булар тисарилиб, у** (қўриқчи)**ларнинг ўрнини эгаллади, буларнинг ўрнига улар келди.** (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам) **улар билан қолган бир ракъатни ўқидилар ва ўшалар иштирокида салом бердилар. Кейин булар қиёмга туриб,** (имом билан ўқилмаган аввалги) **бир ракъатларини ўқиб олдилар; ановилар эса туриб** (имом билан ўқилмаган охирги) **бир ракъатларини ўқиб олдилар».**

Абу Йисо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Бу ҳадисни Мусо ибн Уқба, Нофиъдан, Ибн Умардан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўхшаш тарзда ривоят қилган.

Бу бобда Жобир, Ҳузайфа, Зайд ибн Собит, Ибн Аббос, Абу Ҳурайра, Ибн Масъуд, Саҳл ибн Абу Ҳасма, Абу Аййош аз-Зурақий (унинг исми Зайд ибн Сомит) Абу Бакра (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Молик ибн Анас «Солатул-хавф» (бораси)да Саҳл ибн Абу Ҳасманинг ҳадисини эгаллаган. Шофиъийнинг қавли ҳам шу.

Имоми Аҳмад айтади: «Солатул-хавф» борасида Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан мухталиф важҳлардан қилинган ривоятлар бор. Бу бобда фақат битта саҳиҳ ҳадисни биламан ва Саҳл ибн Абу Ҳасманинг ҳадисини ихтиёр этаман».

Исҳоқ ибн Иброҳим ҳам шундай дейди. Айтадики: «Салотул-хавф» борасида Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бир қанча ривоятлар собит бўлган». Исҳоқ ибн Иброҳим, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан «Солатул-хавф» борасида ривоят қилинган ҳар шакл(даги намоз) жоиз ва қўрқувнинг миқдорига қараб бу ривоятлар билан амал қилинади, деган фикрдадир. Исҳоқ бундай дейди: «Саҳл ибн Аби Ҳасманинг ҳадисини бошқа ривоятлардан таржиҳ қилмоқчи (устун қўймоқчи) эмасмиз».

ШАРҲ. Ҳадиснинг зоҳир маъноси – иккинчи тоифа имом билан ўқимаган биринчи ракъатни адо этганда иккинчи гуруҳ иккинчи ракъатни ўқиган. Аммо ҳар икки гуруҳ ўз намозларини кетма-кет тўлдириб ўқиганлари ҳам эҳтимолдир. Чунончи, Абу Довуднинг Ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу)дан тахриж қилган ҳадисида бундай дейилади: **«Кейин салом бердилар ва булар (яъни иккинчи гуруҳ) ўзлари мустақил равишда бир ракъат ўқидилар, кейин салом бериб кетдилар. Ва ановилар (намоз) жойларига қайтдилар, ўзлари мустақил равишда бир ракъат ўқидилар ва салом бердилар»**. Ҳар икки ривоятдан ҳам иккинчи гуруҳ икки ракъатни кетма-кет ўқигани ва фақатгина биринчи гуруҳ икки ракъатнинг орасини узгани англашилади. Ҳанафийлар, иккинчи гуруҳ имомга эргашиб иккинчи ракъатни ўқиганларидан кейин, туриб кетганларини ва биринчи гуруҳ қолган бир ракъатларини ўқиб олганларидан кейин, қайтиб намозларини тўлдириб ўқиб олганларини айтадилар.

Икки ракъат қилиб ўқишнинг ҳам зоҳир, ҳам мазбут (ўзгармас) иллати мусофир бўлмокдир. Қўрқув ва машаққат эса шахсга, замонга ва манзилга кўра ўзгаради. Жаноби Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам сафарда икки ракъат қилиб ўқиганлар *(Ибни Ҳумом, I, 392-393)*.

٥٦٥– حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ الْقَطَّانُ، حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ الأَنْصَارِيُّ، عَنِ الْقَاسِمِ بْنِ مُحَمَّدٍ، عَنْ صَالِحِ بْنِ خَوَّاتِ بْنِ جُبَيْرٍ، عَنْ سَهْلِ بْنِ أَبِي حَثْمَةَ أَنَّهُ قَالَ فِي صَلاَةِ الْخَوْفِ، قَالَ: يَقُومُ[1] الإِمَامُ مُسْتَقْبِلَ الْقِبْلَةِ وَتَقُومُ طَائِفَةٌ مِنْهُمْ مَعَهُ. وَطَائِفَةٌ مِنْ قِبَلِ الْعَدُوِّ وُجُوهُهُمْ إِلَى الْعَدُوِّ، فَيَرْكَعُ بِهِمْ رَكْعَةً، وَيَرْكَعُونَ لأَنْفُسِهِمْ[2]، وَيَسْجُدُونَ لأَنْفُسِهِمْ سَجْدَتَيْنِ فِي مَكَانِهِمْ، ثُمَّ يَذْهَبُونَ إِلَى مَقَامِ أُولَئِكَ وَيَجِيءُ أُولَئِكَ، فَيَرْكَعُ بِهِمْ رَكْعَةً رَكْعَةً وَيَسْجُدُ بِهِمْ سَجْدَتَيْنِ؛ فَهِيَ لَهُ ثِنْتَانِ وَلَهُمْ وَاحِدَةٌ، ثُمَّ يَرْكَعُونَ رَكْعَةً وَيَسْجُدُونَ سَجْدَتَيْنِ.

565. *Саҳл Ибн Абу Ҳасма (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; у «Солатул-хавф» борасида бундай дейди:* **«Имом қиблага юзланиб туради, улардан** (мусулмонлардан) **бир гуруҳи имом билан бирга туради, бир гуруҳи эса душманга қарама-қарши** – **душманга юзланиб туради. Имом улар билан бир рукуъ** (ва икки сажда) **қилади** (яъни, бир ракъат ўқийди)**. Ва булар турган жойларида ўзлари мустақил ра-**

вишда бир рукуъ ва икки сажда қиладилар-да, кейин нариги гуруҳнинг истеҳкомига борадилар, улар (эса бу ёққа) **келадилар. Имом булар билан** (ҳам) **бир рукуъ ва икки сажда қилади. Бас,** (намоз) **имом учун икки ракъат ва улар учун бир ракъат бўлади. Кейин улар** (ўзлари) **бир рукуъ ва икки сажда қилиб оладилар»**.

ШАРҲ. Саҳл ибн Абу Ҳасма Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўқиган салотул-хавфни бундай таърифлайди: Мусулмонлар икки гуруҳга бўлинади, бир гуруҳ душманга қарши истеҳкомда турган ҳолда, имом бир гуруҳга бир ракъат ўқиб беради. Имом иккинчи ракъатнинг қиёмига турганда иқтидо қилувчи гуруҳ иккинчи ракъатни ўзлари мустақил равишда ўқиб, салом беради-да, бориб нариги гуруҳнинг истеҳкомини эгаллайди. Имом қиёмда туриб иккинчи гуруҳни кутади ва иккинчи гуруҳ келиб, имомга иқтидо қилади. Шундай қилиб, булар билан ҳам бир ракъат ўқигандан кейин салом беради. Аммо улар қиёмга туриб, ўзлари мустақил бир ракъат ўқиб олиб, салом берадилар.

٥٦٦ – [قَالَ أبو عِيسَى[٣]]: قَالَ مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ: سَأَلْتُ يَحْيَى بْنَ سَعِيدٍ[٤]، عَنْ هَذَا الْحَدِيثِ فَحَدَّثَنِي عَنْ شُعْبَةَ، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ الْقَاسِمِ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ صَالِحِ بْنِ خَوَّاتٍ، عَنْ سَهْلِ بْنِ أَبِي حَثْمَةَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: بِمِثْلِ حَدِيثِ يَحْيَى بْنِ سَعِيدٍ الأَنْصَارِيِّ، وَقَالَ لِي يَحْيَى[٥] : اكْتُبْهُ إِلَى جَنْبِهِ، وَلَسْتُ أَحْفَظُ الْحَدِيثَ وَلَكِنَّهُ مِثْلُ حَدِيثِ يَحْيَى بْنِ سَعِيدٍ [الأَنْصَارِيِّ[٦]].

566. *Муҳаммад ибн Башшор айтади:* **«Яҳё ибн Саъид ал-Қаттондан бу ҳадис ҳақида сўрадим, у менга Шуъбадан, Абдурраҳмон ибн ал-Қосимдан, унинг отасидан, Солиҳ ибн Ховвотдан, Саҳл ибн Абу Ҳасмадан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан, Яҳё ибн Саъид ал-Ансорийнинг ҳадисига ўхшаш ҳадисни баён қилди ва айтдики: «Бу ҳадисни унинг ёнига ёз! Гарчи ҳадис ёдимда бўлмаса ҳам, аммо у Яҳё ибн Саъид ал-Ансорийнинг ҳадиси кабидир».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Яҳё ибн Саъид ал-Ансорий бу ҳадисни Ал-Қосим ибн Муҳаммаддан марфуъ тарзида ривоят қилгани йўқ. Яҳё ибн Саъид ал-Ансорийнинг биродарлари ҳам шу йўсин мавқуф тарзида ривоят қилдилар. Шуъба ҳам Абдурраҳмон ибн Қосим ибн Муҳаммаддан марфуъ тарзида ривоят қилди.

٥٦٧ – وَرَوَى مَالِكُ بْنُ أَنَسٍ، عَنْ يَزِيدَ بْنِ رُومَانَ، عَنْ صَالِحِ بْنِ خَوَّاتٍ، عَنْ مَنْ صَلَّى مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلاَةَ الْخَوْفِ: فَذَكَرَ نَحْوَهُ[١] .

567. *Молик ибн Анас Язид ибн Румондан, Солиҳ ибн Хаввотдан, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга хавф намозини ўқиган саҳобадан ривоят қилди. Ўхшаш тарзда ўтган ҳадиснинг ўзини зикр қилди.*

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Молик, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шу.

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки гуруҳнинг ҳар бирига бир ракъат ўқиб берганлари ва натижада Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намозлари икки ракъат ва уларники бир ракъатдан бўлгани» биттадан ортиқ кишидан ривоят қилинган.

399-БОБ. САЖДАИ ТИЛОВАТ

٥٦٨- حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ وَكِيعٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ وَهْبٍ، عَنْ عَمْرِو بْنِ الْحَارِثِ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ أَبِي هِلَالٍ، عَنْ عُمَرَ الدِّمَشْقِيِّ، عَنْ أُمِّ الدَّرْدَاءِ، عَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ، قَالَ: سَجَدْتُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِحْدَى عَشْرَةَ سَجْدَةً؛ مِنْهَا الَّتِي فِي النَّجْمِ.

568. *Абуд-Дардо (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга ўн битта сажда**(и) **тиловат қилдим. Шулардан биттаси «Ан-Нажм» сураси** (даги сажда)**дир».**

Бу бобда яна Али, Ибн Аббос, Абу Ҳурайра, Ибн Масъуд, Зайд ибн Собит ва Амр ибн Ос (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абуд-Дардонинг ҳадиси ғариб.

Бу ҳадисни ёлғиз Саъид ибн Абу Ҳилолнинг Умар ад-Дамашқийдан қилган ривоятидан биламиз.

٥٦٩ - حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ ابْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ[٤]، أَخْبَرَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ صَالِحٍ، حَدَّثَنَا اللَّيْثُ بْنُ سَعْدٍ، عَنْ خَالِدِ بْنِ يَزِيدَ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ أَبِي هِلَالٍ، عَنْ عُمَرَ - وَهُوَ ابْنُ حَيَّانَ[٥] الدِّمَشْقِيُّ- قَالَ: سَمِعْتُ مُخْبِرًا يُخْبِرُ[٦]، عَنْ أُمِّ الدَّرْدَاءِ، عَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: نَحْوَهُ [بِلَفْظِهِ[٧]].

569. *Умар ибн Ҳайён ад-Дамашқийдан ривоят қилинди; айтди:* «Бир мухбирдан (хабарчидан) эшитдим; Умму Дардо орқали Абуд-Дардодан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан хабар қилди:

«Сўзма-сўз ўтган ҳадис. (Яъни: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга ўн битта саждa**(и тиловат) **қилдим, шулардан биттаси «Ан-Нажм» сураси**(даги сажда)**дир»**).

Абу Ийсо деди(лар): Бу ривоят Суфён ибн Вакиънинг Абдуллоҳ ибн Ваҳбдан қилган ривоятидан кўра асаҳҳ (саҳиҳроқ)дир.

400-БОБ. АЁЛЛАРНИНГ МАСЖИДГА ЧИҚМОҚЛАРИ МАСАЛАСИ

٥٧٠- حَدَّثَنَا نَصْرُ بْنُ عَلِيٍّ، حَدَّثَنَا عِيسَى بْنُ يُونُسَ، عَنِ الأَعْمَشِ، عَنْ مُجَاهِدٍ، قَالَ: كُنَّا عِنْدَ ابْنِ عُمَرَ، فَقَالَ، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**ائْذَنُوا لِلنِّسَاءِ بِاللَّيْلِ إِلَى الْمَسَاجِدِ**»، فَقَالَ ابْنُهُ[٨]: وَاللَّهِ لاَ نَأْذَنُ لَهُنَّ؛ يَتَّخِذْنَهُ دَغَلاً[٩]، فَقَالَ[١٠]: فَعَلَ اللَّهُ بِكَ وَفَعَلَ، أَقُولُ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَتَقُولُ: لاَ نَأْذَنُ [لَهُنَّ[١١]] ؟!.

570. *Мужоҳиддан ривоят қилинди; айтди:* **«Ибн Умарнинг ҳузурларида эканимизда бундай дедилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аёлларга кечқурун масжидга чиқмоқлари учун изн берингизлар», дедилар. Шунда Ибн Умарнинг ўғли: «Аллоҳ ҳақи, изн бермаймиз! Буни ёмон ниятларига баҳона қилиб олишади», деди. Шунда Ибн Умар айтдики: «Аллоҳ сенга бас келсин, бас келсин! Мен: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар», деб турибман-у, сен: «Изн бермаймиз», дейсан-а!»**

Бу бобда Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Масъуднинг жуфти ҳалоли Зайнаб ва Зайд ибн Холид (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

ШАРҲ. Ҳазрати Умар розийаллоҳу анҳу даврларидан, баъзи фитналар сабабли, аёлларнинг масжидга чиқиши манъ этилган. Чунончи, «Сунан»нинг 388-бобида (540) Ҳазрати Оиша онамиз (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинади: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хотинларнинг нималарни ўйлаб топганини кўрсалар эди, Бани Исроил аёллари манъ этилганидек, уларни масжиддан манъ этган бўлар эдилар».**

Бу ҳадис Имом Бухорий ва Имом Муслим томонидан тахриж қилинган.

Ибн Умарнинг ўғли (Умар ибн Хаттобнинг невараси) ўша вақтда айрим хотинларнинг фасоди (бузуқчилиги)ни кўриб, мусулмонлик номини ва ирсини (номусини) муҳофаза қилмоқ учун **«Аллоҳ ҳақи, изн бермаймиз! Буни ёмон ниятларига баҳона қилиб олишади»,** деган сўзни айтганлар.

401-БОБ. МАСЖИДДА ТУПУРМОҚ КАРОҲАТ ЭКАНЛИГИ

٥٧١- حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ، عَنْ سُفْيَانَ، عَنْ مَنْصُورٍ[٦]، عَنْ رِبْعِيِّ بْنِ حِرَاشٍ[٧]، عَنْ طَارِقِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ الْمُحَارِبِيِّ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا كُنْتَ فِي الصَّلَاةِ فَلَا تَبْزُقْ عَنْ يَمِينِكَ؛ وَلَكِنْ خَلْفَكَ[٨]، أَوْ تِلْقَاءَ شِمَالِكَ، أَوْ تَحْتَ قَدَمِكَ الْيُسْرَى».

571. *Тариқ ибн Абдуллоҳ ал-Муҳорибий (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Намозда эканингда ўнг томонигга тупурма. Ва лекин** (намозхон бўлмаса) **орқангга ёки** (ҳеч ким бўлмаса) **чап томонингга ёхуд чап оёғинг остига тупургил!».**

Бу бобда Абу Саъид, Ибн Умар, Анас ва Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Тариқнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳллари шу ҳадисни қабул қилганлар. Ал-Жоруддан эшитдим, айтадики: «Вакиънинг бундай деганини эшитдим: «Рибъий ибн Ҳирош Ислом дини мавзуида ҳеч бир ёлғон сўзламаган». Абдурраҳмон ибн Маҳдий айтади: «Мансур ибн ал-Муътамир – Куфа аҳлининг энг ишончлироғидир».

ИЗОҲ. Илгари масжидлар ер бўлган, жойнамозлар тўшалмаган. Шунинг бу ҳадис қуйидагича шарҳланган: «Оғзига келган балғамни қайтара олмаса ва чиқариб ташлашга мажбур бўлиб қолса, ҳеч ким бўлмаслиги шарти билан, орқасига ёки чап томонига тупуради. Агар чап томонида ҳам, орқасида ҳам одам бўлса, унда ё чап оёғининг остига ёки этагининг бир учига тупуради. Бу ҳолат шолча, полос, гилам тўшалмаган ва ости қум ёки тупроқ бўлган масжидларга тегишлидир. Нарса тўшалган масжидларда фақат этагининг бир учига тупуради. Чунончи, кейинги ҳадис бу ҳадис маъносини таъкидлайди».

Айрим имомлар масжидда ерга тупуришни хато деганлар.

٥٧٢- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا أَبُو عَوَانَةَ، عَنْ قَتَادَةَ، عَنْ أَنَسٍ [بْنِ مَالِكٍ[٩]]، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «الْبُزَاقُ فِي الْمَسْجِدِ خَطِيئَةٌ، وَكَفَّارَتُهَا دَفْنُهَا».

572. *Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади; айтди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Масжидда** (ерга) **тупурмоқ хатодир ва бу хатонинг каффорати тупукни кўммоқликдир»**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

ИЗОҲ. Имом Нававий бу ҳадис шарҳида масжидда ерга тупурмоқ қатъиян хато эканини, ости тупроқ ёки қум бўлган масжидларда ерга тупирилганда ўша тупукни кўмиш кераклигини айтади.

402-БОБ. «ИНШИҚОҚ» ВА «АЛАҚ» СУРАЛАРИДАГИ САЖДАИ ТИЛОВАТ

٥٧٣- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ [بْنُ سَعِيدٍ(١)]، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ، عَنْ أَيُّوبَ بْنِ مُوسَى، عَنْ عَطَاءِ بْنِ مِينَاءَ(٣)، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ: سَجَدْنَا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي ﴿اقْرَأْ بِاسْمِ رَبِّكَ﴾، وَ﴿إِذَا السَّمَاءُ انْشَقَّتْ﴾(٤).

573. *Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга «Иқроъ бисми Роббик»** («Алақ») **ва «Изас-самоун-шаққат»** («Иншиқоқ») **сураларида сажда**(и тиловат) **қилдик».**

٥٧٤- قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ(٥)، عَنْ يَحْيَى بْنِ سَعِيدٍ(٦)، عَنْ أَبِي بَكْرِ بْنِ مُحَمَّدٍ - [هُوَ(٧)] ابْنُ عَمْرِو بْنِ حَزْمٍ - عَنْ عُمَرَ بْنِ عَبْدِ الْعَزِيزِ، عَنْ أَبِي بَكْرِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ ابْنِ الْحَارِثِ بْنِ هِشَامٍ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مِثْلَهُ.

574. *Қутайба Суфён ибн Уйайна орқали Яҳё ибн Саъиддан, Абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Амр ибн Ҳазмдан, Умар ибн Абдулазиздан, Абу Бакр ибн Абдурраҳмон ибн ал-Ҳорис ибн Ҳишомдан, Абу Ҳурайрадан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан баён қилди. Ўтган ҳадиснинг ўзи.*

Бу ҳадисда бир-бирларидан ривоят қилган тобиъийнлардан бўлмиш тўрт киши бор.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир: «Иншиқоқ» ва «Алақ» суралари да саждаи тиловат бор, деган тўхтамдалар.

ИЗОҲ. Бир-бирларидан ривоят қилган бу тўрт тобиъийн ушбу зотлардир: Яҳё ибн Саъид, Абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Амр, Умар ибн Абдулазиз ва Абу Бакр ибн Абдурраҳмон ибн ал-Ҳорис.

403-БОБ. «НАЖМ» СУРАСИДАГИ САЖДАИ ТИЛОВАТ

٥٧٥- حَدَّثَنَا هَارُونُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ الْبَزَّازُ [الْبَغْدَادِيُّ(٢)]، حَدَّثَنَا عَبْدُ الصَّمَدِ بْنُ عَبْدِ الْوَارِثِ، حَدَّثَنَا أَبِي، عَنْ أَيُّوبَ، عَنْ عِكْرِمَةَ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: سَجَدَ رَسُولُ اللَّهِ(٣) صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِيهَا(٤)؛ يَعْنِي النَّجْمَ(٥)، وَالْمُسْلِمُونَ وَالْمُشْرِكُونَ وَالْجِنُّ وَالْإِنْسُ(٦).

575. *Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ул сурада,** яъни **«Нажм» сурасида саждa**(и тиловат) **қилдилар.** (Ўша йиғинда бўлган) **мусулмонлар ҳам, мушриклар ҳам, жин ҳам, инс ҳам саждa қилдилар».**

Бу бобда Ибн Масъуд ва Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Аббоснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Баъзи илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир. «Нажм» сурасида саждаи тиловат бор, деган фикрдалар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан баъзи илм аҳллари муфассалда саждаи тиловат йўқ деб қарор қилганлар. Молик ибн Анаснинг қавли шу. Биринчи қавл саҳиҳроқ. Саврий, Ибн Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ биринчи қавлга эга бўлишган.

ШАРҲ. Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо) бу ҳодисага етган эмаслар. Бу ҳадис саҳобалар мурсал тарзида ривоят қилган ҳадислардандир, барча илм аҳллари саҳобаларнинг мурсал тарзида ривоят қилган ҳадисларни ҳужжат сифатида қабул қилганлар. Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Жаброил алайҳиссаломдан ушбу оятни эшитган заҳоти тўхтовсиз саждага кетганлар ва мусулмонлар ҳам саждa қилганлар. Бу сурани тингларкан, ундаги кучли сирлар жозибасига берилган мушриклар ҳам саждa қилган эдилар. Кейин ҳазрати Пайғамбаримиз ҳақларида: «У бизнинг бутларимиз номи ўтгани учун саждa қилди, биз ҳам саждa қилдик», дейишди. Ҳолбуки, Аллоҳнинг Расули кўз очиб-юмгунча ҳам зинҳор бутларга сиғинган эмаслар ва у зот шайтоннинг ҳар қандай таъсиридан буткул муҳофаза қилинганлар. Ҳодисанинг моҳияти шудир *(«Ҳаж» сурасининг 52-53-оятларига қаранг).* Имом Бухорий ва Имом Муслим худди шу ҳадисни Ибн Масъуднинг ривоятидан тахриж қилганлар. Ибн Масъуд ривоятида бундай дейилади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам «Ван-нажм»ни ўқидилар, бу сурада саждаи тиловат қилдилар ва (у кишининг) ёнидагилар ҳам саждa қилишди. Аммо битта чол бир ҳовуч қум ёки тупроқни олиб, пешонасига олиб борди-да: «Шу менга етади!» – деди. Ўша кишининг кейинчалик кофир сифатида ўлдирилганини кўрдим». Ўша киши Умайя ибн Халаф эди. У Бадр ғазотида мусулмонлар томонидан ўлдирилди.

Имом Нававий Муслимнинг китоби шарҳида айтади: «(У кишининг) ёнидагилар ҳам саждa қилишди» сўзининг маъноси шуки, бунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қироатини тинглаган мусулмонлар, мушриклар, жин ва инслар назарда тутилган.

Ибн Аббос ва бошқалар бу ҳадисни очиқ-равшан зикр қилганлар. Ҳатто бу ҳодиса туфайли Маккаликларнинг мусулмон бўлганликлари шодиёнаси атрофга ёйилади. Қози Иёз айтади: «Ибн Масъуд фикрича, саждa қилмоқларининг сабаби шуки, бу саждa нозил бўлган биринчи саждa эди».

404-БОБ. У СУРАДА («НАЖМ»ДА) САЖДАИ ТИЛОВАТ ЙЎҚ ЭКАНЛИГИ

٥٧٦– حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ مُوسَى، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنِ بْنِ أَبِي ذِئْبٍ، عَنْ يَزِيدَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ قُسَيْطٍ[٣]، عَنْ عَطَاءِ بْنِ يَسَارٍ، عَنْ زَيْدِ بْنِ ثَابِتٍ قَالَ: قَرَأْتُ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ النَّجْمَ؛ فَلَمْ يَسْجُدْ فِيهَا.

576. *Зайд ибн Собит (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга «Нажм» сурасини ўқиб бердим, бу сурада сажда қилмадилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Зайд ибн Собитнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Баъзи илм аҳллари бу ҳадисни таъвил этиб, бундай деган: **«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам** (бунда) **саждаи тиловатни тарк этмоқларининг бирдан бир сабаби шуки,** (уни) **ўқиб берган Зайд ибн Собит сажда қилмагач, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам сажда қилмаганлар»**.

Илм аҳллари: «Сажда уни эшитган кишига вожибдир», дейдилар ва тарк этмоққа рухсат бермайдилар. Айтадиларки: «Бир киши таҳоратсиз бўлгани ҳолда (сажда оятини) эшитса, таҳорат олган заҳоти сажда қилади». Суфён ва Куфа аҳлининг қавли шу. Исҳоқ ҳам шу қавлга эга бўлган.

Баъзи илм аҳллари эса бундай дейдилар: «Саждаи тиловат фақатгина бу саждани қилмоқчи ва унинг фазилатига эришмоқчи бўлганлар учундир. Булар саждаи тиловатни тарк этмоққа рухсат берадилар ва: «Хоҳласа, қилади» дейдилар.

Зайд ибн Собитнинг: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга «Ан-Нажм» сурасини ўқиб бердим, бу сурада сажда қилмадилар», деган ҳадисини, шунингдек, Ҳазрати Умарнинг ҳадисини далил сифатида кўрсатадилар. Чунончи, Умар (розийаллоҳу анҳу) минбарда сажда оятини ўқиганларида тушдилар ва сажда қилдилар. Сўнг кейинги жумъа кунида яна сажда оятини ўқидилар ва жамоат саждаи тиловат учун ҳозирланди. Шунда Ҳазрати Умар: «Саждаи тиловат бизга фарз қилинмаган; хоҳласак, қиламиз» дедилар. Ўзлари сажда қилмадилар, улар ҳам сажда қилишмади. Айрим илм аҳллари шу қавлга соҳиб бўлганлар. Шофиъий ва Аҳмаднинг қавли шудир.

ШАРҲ. Яъни, саждаи тиловат бобида ўқиган киши тинглаган кишининг имомидир. Ўқиган Зайд сажда қилмагач, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам сажда қилмадилар. Саждаи тиловатда ўқиган тинглаганнинг имоми эканлигининг далиллардан бири эса Абдуллоҳ ибн Масъуднинг Тамим ибн Ҳазламга: «Сажда қил! Саждаи тиловатда имомимиз сенсан!» – деган сўзидир. Тамим ибн Ҳазлам ёш бола эди ва Абдуллоҳ ибн

Масъудга сажда оятини ўқиган эди. Шунингдек, Зайд ибн Асламдан ривоят қилинди: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида сажда оятини ўқиди ва Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сажда қилмоқларини кутди. Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам сажда қилмагач: «Ё Расулаллоҳ! Бу сажда оятида саждаи тиловат йўқми?» деди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдиларки: «Албатта бор! Аммо саждаи тиловатда сен бизнинг имомимиз эдинг. Сен сажда қилсанг эдинг, биз ҳам қилар эдик».

Илова: Имом Аъзам мазҳабида қироат қилган киши сажда қилмаса ҳам, тинглаганлардан сажда соқит бўлмайди, саждаи тиловат вожибдир.

405-БОБ. «СОД» СУРАСИДА САЖДАИ ТИЛОВАТ

٥٧٧- حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ، عَنْ أَيُّوبَ، عَنْ عِكْرِمَةَ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَسْجُدُ فِي ﴿ص﴾ قَالَ ابْنُ عَبَّاسٍ: وَلَيْسَتْ مِنْ عَزَائِمِ السُّجُودِ[1].

577. *Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Сод» сурасида сажда қилганларини кўрдим». Ибн Аббос: «Ҳолбуки, бу азоим** (вожиб) **саждалардан эмас», деди.**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан илм аҳллари бу суранинг саждаи тиловати борасида ихтилоф қилдилар: баъзилари бу сурада сажда қилинади, деган фикрдалар. Суфён, Ибн Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

Баъзи бирлари эса бу Пайғамбарнинг тавбаси эканини уқтириб, бунда сажда йўқ, деган фикрга эга бўлаётир.

406-БОБ. «ҲАЖ» СУРАСИДА САЖДАИ ТИЛОВАТ

٥٧٨- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا ابْنُ لَهِيعَةَ[3]، عَنْ مِشْرَحِ بْنِ هَاعَانَ[4]، عَنْ عُقْبَةَ بْنِ عَامِرٍ قَالَ: قلت: يَا رَسُولَ اللَّهِ، فُضِّلَتْ سُورَةُ الْحَجِّ بِأَنَّ[5] فِيهَا سَجْدَتَيْنِ، قَالَ:«نَعَمْ، وَمَنْ لَمْ يَسْجُدْهُمَا فَلاَ يَقْرَأْهُمَا[6]».

578. *Уқба ибн Омир (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Дедимки, «Ё Расулаллоҳ! «Ҳаж» сураси унда икки сажда** (ояти)

борлиги учун афзал қилиндими?» Айтдиларки: «Ҳа, (шундоқ)! **Кимки бу икки саждани қилмайдиган бўлса, уларни** (икки сажда оятини) **ўқимасин!..»**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадиснинг санади унча қувватли эмас.[95]

Илм аҳллари бу масалада ихтилоф қилдилар. Умар ибн Хаттоб ва Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан бундай деганлари ривоят қилинди: «Ҳаж» сураси унда икки сажда борлиги учун афзал қилинди».

Баъзи зотлар эса бу сурада бир сажда бор деган фикрдалар. Суфён Саврий, Молик ва Куфа аҳлининг қавли шудир.

407-БОБ. САЖДАИ ТИЛОВАТДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

٥٧٩- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ يَزِيدَ بْنِ خُنَيْسٍ(٥)، حَدَّثَنَا الْحَسَنُ بْنُ مُحَمَّدِ بْنِ عُبَيْدِ اللَّهِ ابْنِ أَبِي يَزِيدَ(٦)، قَالَ: قَالَ لِي ابْنُ جُرَيْجٍ: يَا حَسَنُ(٧)، أَخْبَرَنِي عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ أَبِي يَزِيدَ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ، قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنِّي رَأَيْتُنِي اللَّيْلَةَ وَأَنَا نَائِمٌ كَأَنِّي أُصَلِّي خَلْفَ شَجَرَةٍ فَسَجَدْتُ، فَسَجَدَتِ الشَّجَرَةُ لِسُجُودِي، فَسَمِعْتُهَا، وَهِيَ تَقُولُ: اللَّهُمَّ اكْتُبْ لِي بِهَا عِنْدَكَ أَجْرًا، وَضَعْ عَنِّي بِهَا وِزْرًا، وَاجْعَلْهَا لِي(٨) عِنْدَكَ ذُخْرًا، وَتَقَبَّلْهَا مِنِّي كَمَا تَقَبَّلْتَهَا مِنْ عَبْدِكَ دَاوُدَ. قَالَ الْحَسَنُ: قَالَ [لِي(٩)] ابْنُ جُرَيْجٍ: قَالَ لِي جَدُّكَ: قَالَ ابْنُ عَبَّاسٍ: فَقَرَأَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سَجْدَةً، ثُمَّ سَجَدَ، [قَالَ(١)]: فَقَالَ ابْنُ عَبَّاسٍ: فَسَمِعْتُهُ(٢)، وَهُوَ يَقُولُ مِثْلَ مَا أَخْبَرَهُ الرَّجُلُ(٣) عَنْ قَوْلِ الشَّجَرَةِ.

579. *Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб, дедики: «Ё Расулаллоҳ! Кечаси ухлаб ётиб ўзимни туш кўрибман. Тушимда бир дарахтнинг орқасида намоз ўқиётган эканман. Шунда мен сажда қилдим, менинг саждамга ўша дарахт ҳам сажда қилди. Шу аснода дарахтнинг бундай деганини эшитдим: «Аллоҳум-мактуб лий биҳо ъиндака ажрон ва зоъ ъанний биҳо визрон ва жаъалҳо лий ъиндака зухрон. Ва тақоббалҳо минний, камо тақоббалтаҳо мин ъабдика Довуд» («Аллоҳим! Ушбу саждам боис менга ҳузурингда ажр ёз ва у боис гуноҳимни кетказ ва уни мен учун ўз ҳузурингда захира қил! Ва буни мендан қабул айла, худди банданг Довуд** (алайҳиссалом)**дан қабул айлаганингдек!»).** ***Ҳасан айтади: «Ибн Журайж менга бундай деди: «Сенинг бобонг (Убайдуллоҳ ибн***

[95] Аммо бу саҳиҳ ҳадисдир

Абу Язид) менга Ибн Аббоснинг бундай деганини нақл этди: **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир сажда оятини ўқидилар-да, кейин сажда қилдилар». Ибн Аббос айтадики:** «(Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг) **худди ўша киши хабар берган тарзда дарахт айтган** (дуо)**ни айтганларини эшитдим».**

Бу бобда Абу Саъид (розийаллоҳу анҳу)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ғариб.

Буни Ибн Аббоснинг ривояти сифатида битта шу важҳдан биламиз.

ИЗОҲ. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бу тушни хабар қилган киши Абу Саъид ал-Худрий розийаллоҳу анҳу эканлиги маълум қилинган. У бир фаришта эди, деб ҳам айтилган. Аммо бу узоқ бир эҳтимолдир.

٥٨٠ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الْوَهَّابِ الثَّقَفِيُّ، حَدَّثَنَا خَالِدٌ الْحَذَّاءُ، عَنْ أَبِي الْعَالِيَةِ، عَنْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللّٰه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ فِي سُجُودِ الْقُرْآنِ بِاللَّيْلِ: «سَجَدَ وَجْهِي لِلَّذِي خَلَقَهُ، وَشَقَّ سَمْعَهُ وَبَصَرَهُ بِحَوْلِهِ وَقُوَّتِهِ».

580. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тунги саждаи тиловатда бундай дер эдилар: «Сажада важҳийалил-лазий холақоҳу ва шаққо самъаҳу ва басороҳу биҳавлиҳи ва қувватиҳи» («Юзим ўзини яратган Зотга, Унинг кудрат-таъсири ва қуввати билан, қулоғига эшитмоқ ва кўзига кўрмоқ хусусиятини ато айлаган Зотга сажда қилди...»)**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

ШАРҲ. *(Саждаи тиловат бобларига оид.)* Қуръони каримда 14 та сажда ояти бор. Бу оятларнинг тўлиқ ҳар бирини ёки бир қисмини ёхуд фақат маъносини ўқигаи ёки эшитган киши саждаи тиловат қилмоғи лозимдир. Бу саждалар ҳанафий мазҳабига кўра вожиб, бошқа мазҳабларда суннатдир. Сажда оятлари қуйидагилардир:

1. «Аъроф» сураси, 206-оят.
2. «Раъд» сураси, 15-оят.
3. «Наҳл» сураси, 49-оят. «Сажда» сўзи гарчанд 49-оятда келган бўлсада, 50-оятни ўқигандан кейин сажда қилиш мувофиқ кўрилган.
4. «Исро» сураси, 109-оят. Баъзи олимлар сажданинг 107-оятда бўлишини қайд этган бўлсалар-да, кўпчилик уламолар 109-оятнинг охирида саждаи тиловат қилиш лозимлигини таъкидлаганлар *(Забидий, III, 352).*
5. «Марям» сураси, 58-оят.

6. «Ҳаж» сураси, 18-оят.

7. «Фурқон» сураси, 60-оят. Бу оят улуғ сажда оятларидандир. Ҳанафий мазҳабида ўқиган ҳам, эшитган ҳам дарҳол сажда қилиши вожибдир; бошқа имомлар фикрича, бунда сажда суннатдир.

8. «Намл» сураси, 25-оят.

9. «Сажда» сураси, 15-оят.

10. «Сод» сураси, 24-оят. Имом Шофиъий бу оятдаги саждани шукр саждаси ҳисоблаб, бунинг ўрнига «Ҳаж» сурасининг 77-оятини олганлар. Бошқа барча имомлар бу оятни сажда ояти деб қабул қилганлар.

11. «Фуссилат» сураси, 37-оят.

Гарчи сажда ояти 37-оятда ўтса-да, 38-оятнинг охирида сажда қилиш мувофиқ кўрилган. Фақат Имом Шофиъий 37-оятни асос қилиб олганлар.

12. «Нажм» сураси, 62-оят.

13. «Иншиқоқ» сураси, 21-оят.

14. «Алақ» сураси, 19-оят.

Саждаи тиловатда такбир вақти қўл кўтариш, ташаҳҳуд ва салом йўқ. Тик туриб, ният қилиб, «Аллоҳу акбар» деб саждага боради, саждада тасбиҳини (уч марта «Субҳона Роббийал-аъло»ни) айтади, «Аллоҳу акбар» деб саждадан қайтади. Ўтирган ҳолда дуосини ўқиши мумкин. Эшитувчилар ҳузурида сажда оятини махфий ўқиш яхши ва гўзал ишдир *(«Ҳидоя»и шариф, «Мухтасар» ва шарҳларида батафсил маълумот бор. Мутаржим).*

408-БОБ. КЕЧҚУРУНГИ ВИРДНИ КЕЧИКТИРИБ, КУНДУЗИ ҚАЗОСИНИ АДО ЭТГАН КИШИ

٥٨١- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا أَبُو صَفْوَانَ، عَنْ يُونُسَ [بْنِ يَزِيدَ(٢)]، عَنِ ابْنِ شِهَابٍ [الزُّهْرِيِّ(٣)]، أَنَّ السَّائِبَ بْنَ يَزِيدَ وَعُبَيْدَ اللَّهِ بْنَ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُتْبَةَ بْنِ مَسْعُودٍ أَخْبَرَاهُ، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ عَبْدٍ الْقَارِيِّ، قَالَ: سَمِعْتُ عُمَرَ بْنَ الْخَطَّابِ، يَقُولُ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ نَامَ، عَنْ حِزْبِهِ أَوْعَنْ شَيْءٍ مِنْهُ، فَقَرَأَهُ مَا بَيْنَ صَلَاةِ الْفَجْرِ وَصَلَاةِ الظُّهْرِ؛ كُتِبَ لَهُ كَأَنَّمَا(٤) قَرَأَهُ مِنَ اللَّيْلِ».

581. *Умар ибн Хаттоб (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Кимки** (кечқурунги) **вирдини ёки ундан бир қисмини ўқиёлмай ухлаб қолса, шунда** (эртаси) **бомдод намози билан пешин намози орасида уни ўқиб олса, бу вирд унга тунда ўқилган каби ёзилгайдир».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Абу Савфоннинг исми – Абдуллоҳ ибн Саъид ал-Маккий. Ал-Ҳумайдий ва улуғ муҳаддислар ундан (ҳадис) ривоят қилганлар.

409-БОБ. ИМОМДАН ОЛДИН БОШИНИ КЎТАРГАН КИШИ ҲАҚИДАГИ ҚАТТИҚ ҲУКМ

٥٨٢- حَدَّثَنَا[٢] قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ زِيَادٍ، [وَهُوَ أَبُو الْحَارِثِ الْبَصْرِيُّ ثِقَةٌ[٣]]، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: قَالَ مُحَمَّدٌ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَمَا يَخْشَى الَّذِي يَرْفَعُ رَأْسَهُ قَبْلَ الإِمَامِ أَنْ يُحَوِّلَ اللهُ رَأْسَهُ رَأْسَ حِمَارٍ ؟».

582. *Абу Хурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Имомдан олдин бошини кўтарган киши Аллоҳ унинг бошини эшакнинг бошига айлантириб қўймоғидан қўрқмайдими?»**

Қутайба Ҳаммоддан нақл этиб, айтадики: «Муҳаммад ибн Зиёд менга бундай деди: «(Абу Ҳурайра) «амо йахшо» деди.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Муҳаммад ибн Зиёд Басралик бўлиб, сиқа (ишончли)дир. Абу Ҳорис деган куняси билан аталади.

ИЗОҲ. Бу сўздан мақсад қуйидагича экани изоҳланган: Шуъба бу ҳадисни Муҳаммад ибн Зиёд орқали Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу) дан, «Саҳиҳи Бухорий»да келтирилганидек: «Амо йахшо ав ало йахшо аҳадукум» лафзи билан ривоят қилдилар. Мазкур Ҳаммод Муҳаммад ибн Зиёддан: «Абу Ҳурайра бу ҳадисни сенга «Амо йахшо» деб баён қилдими ёки «Ало йахшо» тарзидами?» – деб сўради. Шунда Муҳаммад ибн Зиёд: «Муҳаққақки, амо йахшо», деб жавоб берди.

410-БОБ. ФАРЗНИ ЎҚИГАНДАН КЕЙИН ОДАМЛАРГА ИМОМ БЎЛГАН КИШИ

٥٨٣- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ، عَنْ عَمْرِو بْنِ دِينَارٍ، عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللهِ: أَنَّ مُعَاذَ ابْنَ جَبَلٍ كَانَ يُصَلِّي مَعَ رَسُولِ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمَغْرِبَ، ثُمَّ يَرْجِعُ إِلَى قَوْمِهِ فَيَؤُمُّهُمْ.

583. *Жобир ибн Абдуллоҳ (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Муъоз ибн Жабал Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга шом намозини ўқир ва кейин ўз қавмига қайтиб, уларга имомлик қилар эди».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Биродарларимизнинг айтишича, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг амали шу ҳадис асосидадир: киши ўқиб бўлган фарз намозида бир жамоатга имом бўлса, унга иқтидо қилган кишиларнинг намози

жоиздир. (Бунга) Жобирнинг Муъоз қиссаси ҳақидаги ҳадисни далил сифатида кўрсатадилар.

Абу Ййсо деди(лар): Бу ҳадис саҳиҳ. Жобирдан бир қанча важҳлардан ривоят қилинган.

Абуд-Дардодан ривоят қилинган: «Жамоат аср намозини ўқиб турганда масжидга кирган ва бу намозни пешин намози деб гумон қилиб, имомга иқтидо қилган кишининг намози ҳақида Абуд-Дардодан сўрадилар. «Намози жоиздир», деди».

Куфа аҳлидан баъзилари бундай дейдилар: «Бир жамоат асрни ўқиётган бир имомга, пешинни ўқияпти деб гумон қилиб, иқтидо этса, имом уларга намозни ўқиб берса ва улар имомга эргашган бўлсалар, имом билан маъмумнинг (эргашувчининг) нияти мухталиф (бошқа-бошқа) бўлгани боис, муқтадийнинг (эргашувчининг) намози фосиддир».

ИЗОҲ. Ҳазрати Имом Термизий одатда ўз шарҳларида хилма-хил қавлларни келтирадилар. Бу 583-ҳадис шарҳида ҳам имомлардан ҳазрати Шофиъий, ҳазрати Аҳмад ва ҳазрати Исҳоқнинг: «Киши ўқиб бўлган фарз намозида бир жамоатга имом бўлса, унга иқтидо қилган кишиларнинг намози жоиздир» деган сўзларини келтирганлар. Бу фатво Имом Шофиъий мазҳабларига оид. Ҳанафий мазҳабларида эса хоҳ имом, хоҳ эргашувчи бўлиб бир вақтнинг фарзини адо қилган бўлсин, кейин яна бошқалар билан шу фарзни ўқиши мумкин, фақат имом бўлмаслик шарти билан. Аммо бу иккинчи намоз нафл намози бўлади.

411-БОБ. ИССИҚ ВА СОВУҚ (КУНЛАР)ДА КИЙИМ УСТИГА САЖДА ҚИЛМОҚҚА РУХСАТ БОРЛИГИ

٥٨٤- **حَدَّثَنَا** أَحْمَدُ بْنُ مُحَمَّدٍ(٣)، حَدَّثَنَا [عَبْدُ اللَّهِ(٤)] بْنُ الْمُبَارَكِ، أخبرنا خَالِدُ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ(٥)، [قَالَ(٦)]: حَدَّثَنِي(٧) غَالِبٌ الْقَطَّانُ(٨)، عَنْ بَكْرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ الْمُزَنِيِّ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ، قَالَ: كُنَّا إِذَا صَلَّيْنَا خَلْفَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالظَّهَائِرِ سَجَدْنَا عَلَى ثِيَابِنَا؛ اتِّقَاءَ الْحَرِّ.

584. *Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Пешин жазирамасида Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларида намоз ўқиган пайтларимизда иссиқдан сақланмоқ учун кийимларимиз устига сажда қилар эдик».**

Абу Ййсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Бу бобда Жобир ибн Абдуллоҳ ва Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Вакиъ бу ҳадисни Холид ибн Абдурраҳмондан ривоят қилди.

412-БОБ. БОМДОД НАМОЗИДАН КЕЙИН ТО ҚУЁШ ЧИҚҚУНИЧА МАСЖИДДА ЎТИРМОҚ МУСТАҲАБ ЭКАНЛИГИ

٥٨٥- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا أَبُو الأَحْوَصِ، عَنْ سِمَاكِ بْنِ حَرْبٍ[٦]، عَنْ جَابِرِ بْنِ سَمُرَةَ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا صَلَّى[٧] الْفَجْرَ قَعَدَ فِي مُصَلاَّهُ حَتَّى تَطْلُعَ الشَّمْسُ.

585. *Жобир ибн Самура (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Набиий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдод намозини ўқиб бўлгач, то қуёш** (порлаб) **чиққунича намоз ўқиган жойларида ўтирар эдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

٥٨٦- حَدَّثَنَا[٩] عَبْدُ اللَّهِ بْنُ مُعَاوِيَةَ الْجُمَحِيُّ الْبَصْرِيُّ[١٠]، حَدَّثَنَا عَبْدُ الْعَزِيزِ بْنُ مُسْلِمٍ[١١]، حَدَّثَنَا أَبُو ظِلاَلٍ[١٢]، عَنْ أَنَسٍ [بْنِ مَالِكٍ[١٣]]، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ صَلَّى الْغَدَاةَ[١] فِي جَمَاعَةٍ، ثُمَّ قَعَدَ يَذْكُرُ اللَّهَ حَتَّى تَطْلُعَ الشَّمْسُ، ثُمَّ صَلَّى رَكْعَتَيْنِ كَانَتْ لَهُ كَأَجْرِ حَجَّةٍ وَعُمْرَةٍ»، قَالَ[٢]: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «تَامَّةٍ، تَامَّةٍ، تَامَّةٍ».

586. *Анас (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Кимки бомдод намозини жамоат билан ўқиса, кейин то қуёш** (порлаб) **чиққунича ўтириб Аллоҳни зикр қилса, кейин** (туриб) **икки ракъат намоз ўқиса, унга бир ҳаж ва бир умранинг савобидек савоб берилгайдир!»** (Анас) **айтдилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам** (уч марта)**: «Тўлиқ-тўкис, тўлиқ-тўкис, тўлиқ-тўкис!» дедилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

Муҳаммад ибн Исмоъийл (ал-Бухорий)дан Абу Зилол ҳақида сўрадим.

«У ҳадисда ўрта даражалидир», деди. Муҳаммад (ал-Бухорий) унинг исми Ҳилол, дейди.

413-БОБ. НАМОЗДА ЮЗНИ ЎГИРИБ ҚАРАМОҚ

٥٨٧- حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلاَنَ وَغَيْرُ وَاحِدٍ، قَالُوا: حَدَّثَنَا الْفَضْلُ بْنُ مُوسَى، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ سَعِيدِ بْنِ أَبِي هِنْدٍ، عَنْ ثَوْرِ بْنِ زَيْدٍ[٨]، عَنْ عِكْرِمَةَ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَلْحَظُ فِي الصَّلاَةِ يَمِينًا وَشِمَالاً، وَلاَ يَلْوِي عُنُقَهُ خَلْفَ ظَهْرِهِ.

587. *Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда ўнг томонга ва чап томонга кўз қири билан боқар эдилар. Бўйинларини орқага қайирмас эдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ғариб.

Вакиъ бу ҳадис ривоятида Ал-Фазл ибн Мусога мухолафат қилган.

٥٨٨ – حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلاَنَ، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ سَعِيدِ بْنِ أَبِي هِنْدٍ، عَنْ بَعْضِ أَصْحَابِ عِكْرِمَةَ[٢] : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَلْحَظُ فِي الصَّلاَةِ: فَذَكَرَ نَحْوَهُ[٣].

588. *Икрима (розийаллоҳу анҳу)нинг баъзи биродарларидан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда кўз қири билан боқар эдилар».** Ва ўтган ҳадисни зикр қилди...

Бу бобда Анас ва Оиша (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

٥٨٩ – حَدَّثَنَا [أَبُو حَاتِمٍ[٥]] مُسْلِمُ بْنُ حَاتِمٍ الْبَصْرِيُّ، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ[٦] الأَنْصَارِيُّ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ[٧] عَلِيِّ بْنِ زَيْدٍ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْمُسَيَّبِ، قَالَ: قَالَ أَنَسُ بْنُ مَالِكٍ: قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ[١] : «**يَا بُنَيَّ، إِيَّاكَ وَالالْتِفَاتَ فِي الصَّلاَةِ؛ فَإِنَّ الالْتِفَاتَ فِي الصَّلاَةِ هَلَكَةٌ، فَإِنْ كَانَ لاَ بُدَّ؛ فَفِي التَّطَوُّعِ لاَ فِي الْفَرِيضَةِ**».

589. *Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга бундай дедилар: **«Эй ўғлим! Намозда асло юзингни ўгириб қарама! Чунки намозда юзни ўгириб қараш ҳалокатдир! Агар жуда зарур бўлса,** (бу ишни) **нафл намозларида қил, фарз намозларида қилма!»**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ғариб.

٥٩٠ – حَدَّثَنَا[٣] صَالِحُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ، حَدَّثَنَا أَبُو الأَحْوَصِ، عَنْ أَشْعَثَ بْنِ أَبِي الشَّعْثَاءِ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ مَسْرُوقٍ، عَنْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: سَأَلْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الالْتِفَاتِ فِي الصَّلاَةِ قَالَ: «**هُوَ اخْتِلاَسٌ يَخْتَلِسُهُ الشَّيْطَانُ مِنْ صَلاَةِ الرَّجُلِ**».

590. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан намозда юзни ўгириб қарамоқ ҳақида савол қилдим. Айтдиларки: «Бу бир ўғриликдирки, шайтон кишининг намозидан шундоқ** (чалғитиб) **ўғирлаб қолур».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

414-БОБ. САЖДАДА ИМОМГА ЕТГАН КИШИ НИМА ҚИЛАДИ?

٥٩١- حَدَّثَنَا هِشَامُ بْنُ يُونُسَ الْكُوفِيُّ[٧]، حَدَّثَنَا الْمُحَارِبِيُّ[٨]، عَنِ الْحَجَّاجِ بْنِ أَرْطَاةَ، عَنْ أَبِي إِسْحَقَ[٩]، عَنْ هُبَيْرَةَ [بْنِ يَرِيمَ[١٠]]، عَنْ عَلِيٍّ، وَعَنْ عَمْرِو بْنِ مُرَّةَ، عَنِ ابْنِ أَبِي لَيْلَى، عَنْ مُعَاذِ بْنِ جَبَلٍ قَالاَ: قَالَ النَّبِيُّ[١] صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا أَتَى أَحَدُكُمُ الصَّلاَةَ وَالإِمَامُ عَلَى حَالٍ؛ فَلْيَصْنَعْ كَمَا يَصْنَعُ الإِمَامُ».

591. *Али ва Муъоз ибн Жабал (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Сизлардан бирортангиз намозга келса ва имомни** (ҳар қандай) **бир ҳол устида учратса, имом қилаётган амални қилсин».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ғариб.

Унинг шу важҳдан ривоят қилинганидан бошқа бирор иснодини билмаймиз, (яъни, муснад тарзида фақатгина шу важҳдан ривоят қилинган).

Илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир. Айтдиларки: «Жамоатга келган киши имомни саждада топса, дарҳол сажда қилсин. Ҳолбуки, рукуъда имомга етиб улгурмаган пайтда бу ракъат ҳисобланмайди». Абдуллоҳ ибн Муборак саждада имомга иқтидо қилмоқ жиҳатини ихтиёр этди. Баъзи илм аҳлларидан бундай дегани ривоят қилинади: **«Балки ўша саждадан гуноҳлари авф этилган ҳолда бошини кўтарар».**

ИЗОҲ. Барча имомлар мазҳабига кўра, киши рукуъда имомга етса, ўша ракъатни топган ҳисобланади.

415-БОБ. НАМОЗ БОШЛАНАЁТГАНДА ЖАМОАТ ИМОМНИ ТИК ТУРИБ КУТМОҒИ МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

٥٩٢- حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مُحَمَّدٍ[٤]، أخبرنا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ الْمُبَارَكِ، أخبرنا مَعْمَرٌ، عَنْ يَحْيَى ابْنِ أَبِي كَثِيرٍ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي قَتَادَةَ، عَنْ أَبِيهِ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا أُقِيمَتِ الصَّلاَةُ؛ فَلاَ تَقُومُوا حَتَّى تَرَوْنِي خَرَجْتُ».

592. *Абу Қатода (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Намозга иқомат айтилганда, то менинг** (масжидга) **чиққанимни кўрмагунларингизча ўринларингиздан турмангизлар!»**

Бу бобда Анас (розийаллоҳу анҳу)дан ҳадис ривоят қилинган. Фақат Анаснинг ҳадиси маҳфуз эмас.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Қатоданинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва кейингилардан баъзи илм аҳллари, жамоат имомни тик туриб кутмоғи макруҳ деган фикрдалар. Баъзилари эса бундай дейдилар: «Имом масжидда бўлса, намоз учун иқомат айтилганида, муаззин фақат «қод-қоматис-солаҳ» деган пайтда ўринларидан турадилар». Ибн Муборакнинг қавли шудир.

416-БОБ. ДУОДАН ОЛДИН АЛЛОҲГА ҲАМДУ САНО ВА АЛЛОҲНИНГ РАСУЛИГА САЛОТУ САЛОМ АЙТМОҚ

٥٩٣– **حَدَّثَنَا** مَحْمُودُ بْنُ غَيْلَانَ، حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ آدَمَ، حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ عَيَّاشٍ، عَنْ عَاصِمٍ، عَنْ زِرٍّ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ، قَالَ: كُنْتُ أُصَلِّي وَالنَّبِيُّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَبُو بَكْرٍ وَعُمَرُ مَعَهُ، فَلَمَّا جَلَسْتُ بَدَأْتُ بِالثَّنَاءِ عَلَى اللَّهِ، ثُمَّ الصَّلَاةِ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، ثُمَّ دَعَوْتُ لِنَفْسِي، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**سَلْ تُعْطَهْ، سَلْ تُعْطَهْ**».

593. *Абдуллоҳ ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Намоз ўқиётган эдим. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам шу ерда эдилар. Абу Бакр ва Умар** (розийаллоҳу анҳумо) **ҳам у киши билан бирга эдилар. Ўтиргач, Аллоҳга сано** (айтиш) **билан бошладим, кейин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга саловот айтдим, кейин ўзим учун дуо қилдим. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Тила,** (тилаган нарсанг) **сенга берилгайдир! Тила,** (тилаган нарсанг) **сенга берилгайдир!», дедилар.**

Бу бобда Фазола ибн Убайд (розийаллоҳу анҳу)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абдуллоҳнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Аҳмад ибн Ҳанбал бу ҳадисни Яҳё ибн Аҳмаддан қисқа тарзда ривоят қилган.

417-БОБ. МАСЖИДЛАРДА ХУШБЎЙ ТУТАТҚИЛАР ТУТАТМОҚ

٥٩٤– **حَدَّثَنَا** مُحَمَّدُ بْنُ حَاتِمٍ [الْمُؤَدِّبُ(١)] [الْبَغْدَادِيُّ(٦)] [الْبَصْرِيُّ(٧)]، حَدَّثَنَا عَامِرُ بْنُ صَالِحٍ الزُّبَيْرِيُّ [هُوَ مِنْ وَلَدِ الزُّبَيْرِ(٨)]، حَدَّثَنَا هِشَامُ بْنُ عُرْوَةَ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: أَمَرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِبِنَاءِ الْمَسَاجِدِ فِي الدُّورِ، وَأَنْ تُنَظَّفَ وَتُطَيَّبَ.

594. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам маҳаллаларда масжидлар бино қилинмоғини, масжидлар тоза-озода ва хуш бўйли қилиб сақланмоғини буюрдилар».**

ИЗОҲ. Ҳар бир маҳалла халқи бир масжид бино қилсин, деб буюрмоқларининг ҳикмати, балки бир маҳалла аҳолиси намоз учун бошқа маҳаллага боришлари ё имконсиз, ёки машаққатли бўлиши мумкин ва масжидда жамоат билан намоз ўқимоқ фазилатидан маҳрум қолишлари мумкин.

٥٩٥ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا عَبْدَةُ وَوَكِيعٌ، عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ، عَنْ أَبِيهِ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ [أَمَرَ(٩)]: فَذَكَرَ نَحْوَهُ.

595. *Ҳаннод, Абда ва Вакиъ орқали Ҳишом ибн Урвадан бизга баён қилиб:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам буюрдилар»,** деди ва айнан ўтган ҳадисни зикр этди.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис биринчи ҳадисдан кўра асаҳҳдир.

٥٩٦ – حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ، عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ، عَنْ أَبِيهِ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَمَرَ: فَذَكَرَ نَحْوَهُ.

596. *Ибн Абу Умар, Суфён ибн Уйайна орқали Ҳишом ибн Урвадан, унинг отасидан бизга баён қилди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам буюрдилар»,** деди ва айнан ўтган ҳадисни зикр қилди.

Суфён «уйларда масжид қилинмоғи»дан қабилалар кўзда тутилганини сўзлади.

418-БОБ. КЕЧКИ ВА КУНДУЗГИ НАМОЗЛАР ИККИ РАКЪАТ-ИККИ РАКЪАТДАНДИР

٥٩٧ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ، حَدَّثَنَا شُعْبَةُ، عَنْ يَعْلَى ابْنِ عَطَاءٍ، عَنْ عَلِيٍّ الأَزْدِيِّ(٣)، عَنِ ابْنِ عُمَرَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «صَلَاةُ اللَّيْلِ وَالنَّهَارِ مَثْنَى مَثْنَى».

597. *Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* **Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Тунги ва кундузги намозлар икки ракъат-икки ракъатдир».**

Шуъбанинг биродарлари Ибн Умар ҳадисининг ривоятида ихтилоф қилдилар. Бирови бу ҳадисни марфуъ тарзида, бирови эса мавқуф тарзида ривоят қилди.

Абдуллоҳ ибн Умардан, Нофиъдан, Ибн Умардан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан айни шу ҳадис ўхшаш тарзида ривоят қилинган.

Саҳиҳ бўлган ривоят Ибн Умар воситасида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган ва Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Тунги ва кундузги намозлар икки ракъат-икки ракъатдир» деб айтган ҳадисдир. Сиқа (ишончли) кишилар Абдуллоҳ ибн Умар воситасида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бу ҳадисни ривоят қилганлар ва ҳадисда кундузги намозни зикр этмаганлар.

وَقَدْ رُوِيَ عَنْ عُبَيْدِ اللَّهِ، عَنْ نَافِعٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ: أَنَّهُ كَانَ يُصَلِّي بِاللَّيْلِ مَثْنَى مَثْنَى، وَبِالنَّهَارِ أَرْبَعًا[٣].

Убайдуллоҳдан, Нофиъдан, Ибн Умардан бундай деб ривоят қилинди: **«Ибн Умар кечаси икки ракъат-икки ракъат, кундузи тўрт ракъат ўқир эди».**

Илм аҳллари бу ҳадис ҳақида ихтилоф қилдилар: баъзиларининг фикрича, тунги ва кундузги намоз икки ракъат-икки ракъатдир. Шофиъий ва Аҳмаднинг қавли шу.

Баъзилари эса тунги намоз икки-икки ракъат эканини айтишади ва кундузги ўқиладиган нафл намози, пешиннинг аввалги суннати ва бошқа (тўрт ракъатли) суннат намозлари сингари тўрт ракъатдан ўқилади, деган фикрга эга бўлишади. Суфён Саврий, Ибн Муборак ва Исҳоқнинг қавли шудир.

ИЗОҲ. «Нафл намозини кундузи бир салом билан тўрт ракъатдан оширмоқ макруҳдир. Кечасида бир салом билан саккиз ракъатдан зиёда қилмоқ макруҳдир. Аммо кеча ва кундузда бир салом билан тўрт ракъат нафл намози ўқиш афзалдир, яъни савоби кўпроқдир» *(«Шарҳи Мутасари Виқоя», «Кифоя»).*

419-БОБ. ПАЙҒАМБАР СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМНИНГ КУНДУЗГИ ЎҚИГАН ТАТАВВУЪ (ИХТИЁРИЙ НАФЛ) НАМОЗЛАРИ ҚАНДАЙ ЭДИ?

٥٩٨– حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلَانَ، حَدَّثَنَا وَهْبُ بْنُ جَرِيرٍ، حَدَّثَنَا شُعْبَةُ، عَنْ أَبِي إِسْحَقَ، عَنْ عَاصِمِ بْنِ ضَمْرَةَ، قَالَ: سَأَلْنَا[٢] عَلِيًّا عَنْ صَلاَةِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنَ النَّهَارِ[٣]، فَقَالَ: إِنَّكُمْ لاَ تُطِيقُونَ ذَاكَ[٤]، فَقُلْنَا[٥]: مَنْ أَطَاقَ ذَاكَ[٤] مِنَّا[٦]، فَقَالَ: كَانَ النَّبِيُّ[٧] صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا كَانَتِ الشَّمْسُ مِنْ هَاهُنَا كَهَيْئَتِهَا مِنْ هَاهُنَا عِنْدَ الْعَصْرِ صَلَّى رَكْعَتَيْنِ[٨]، وَإِذَا كَانَتِ الشَّمْسُ مِنْ هَاهُنَا كَهَيْئَتِهَا مِنْ هَاهُنَا عِنْدَ الظُّهْرِ صَلَّى أَرْبَعًا[٩] وَصَلَّى أَرْبَعًا، قَبْلَ الظُّهْرِ[١٠] وَبَعْدَهَا رَكْعَتَيْنِ، وَقَبْلَ الْعَصْرِ أَرْبَعًا؛ يَفْصِلُ بَيْنَ كُلِّ رَكْعَتَيْنِ بِالتَّسْلِيمِ عَلَى الْمَلاَئِكَةِ الْمُقَرَّبِينَ وَالنَّبِيِّينَ وَالْمُرْسَلِينَ وَمَنْ تَبِعَهُمْ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُسْلِمِينَ.

598. *Осим ибн Зомрадан ривоят қилинди:* **«Ҳазрати Али** (розий-аллоҳу анҳу)**дан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кундузги намозлари ҳақида сўрадик. Шунда: «Сизларнинг бунга тоқатларингиз етмайди!» – дедилар.** («Балки) **бирортамизнинг тоқати етар» – дедик. Шунда айтдиларки: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуёш мана бу ёқдан** (шарқдан) **чиқиб кўтарилиб, аср вақтида ана у ёқдан** (ғарбдан) **юқорида** (бир хил юксакликда) **тургандек бўлганида икки ракъат намоз ўқир эдилар. Қуёш мана бу ёқдан кўтарилиб, пешин вақтида ана у ёқдан юқорида тургандек бўлганида тўрт ракъат ўқир эдилар. Пешиннинг фарзидан олдин тўрт ракъат ва фарзидан кейин икки ракъат ўқир эдилар. Асрнинг фарзидан олдин тўрт ракъат ўқир эдилар ва малоикаи муқарробийнга, анбиё ва мурсалийнга ва уларга эргашган мўъмин ва мусулмонларга салом бериш билан ҳар икки ракъат орасини ажратар эдилар».**

ИЗОҲ. Бу намоз ишроқ намози деб ҳам айтилган. Баъзилар эса бу намозни «Заҳваи суғро» (кичик зуҳо, чошгоҳ) деб ва ҳадисда келган иккинчи намозни эса «Заҳваи кубро» (катта зуҳо) деб номлайди.

٥٩٩ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ، حَدَّثَنَا شُعْبَةُ، عَنْ أَبِي إِسْحَقَ، عَنْ عَاصِمِ بْنِ ضَمْرَةَ، عَنْ عَلِيٍّ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: نَحْوَهُ.

599. *Муҳаммад ибн ал-Мусанна, Муҳаммад ибн Жаъфар воситасида Шуъбадан, Абу Исҳоқдан, Осим ибн Зомрадан, Ҳазрати Алидан, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бизга баён қилди... Ўтган ҳадиснинг ўзи...*

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан.

Исҳоқ ибн Иброҳим айтади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кундузги татаввуъ (ихтиёрий нафл ва суннат) намозлари ҳақида ривоят қилинган энг яхши ҳадис шудир». Ибн Муборакдан бу ҳадисни заиф кўргани ривоят қилинган. Бизнингча, бу ҳадис заиф эканининг ягона сабаби шуки, Аллоҳу аълам, чунки бу ҳадис шу тарзда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан битта шу важҳдан ривоят қилинган. Осим ибн Зомра баъзи муҳаддислар наздида сиқа. Али ибн ал-Мадиний, Яҳё Саъид ал-Қаттон воситасида Суфённинг бундай деганини маълум қилди: «Осим ибн Зомранинг ривояти Ал-Ҳориснинг ривоятидан устунлигини билар эдик».

420-БОБ. АЁЛЛАР КИЙИМИНИ КИЙИБ НАМОЗ ЎҚИШ МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

٦٠٠- حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ الأَعْلَى، حَدَّثَنَا خَالِدُ بْنُ الْحَارِثِ، عَنْ أَشْعَثَ، [وَ[1]] [هُوَ ابْنُ عَبْدِ الْمَلِكِ[2]]، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ سِيرِينَ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ شَقِيقٍ، عَنْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: كَانَ النبي صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لاَ يُصَلِّي فِي لُحُفِ نِسَائِهِ.

600. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **»Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёллар либосида намоз ўқимас эдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Бу хусусда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан рухсат ҳам ривоят қилинган.

421-БОБ. НАФЛ НАМОЗИДА ЮРМОҚ ВА БИРОР ИШ БАЖАРМОҚ

٦٠١- حَدَّثَنَا أَبُو سَلَمَةَ يَحْيَى بْنُ خَلَفٍ، حَدَّثَنَا بِشْرُ بْنُ الْمُفَضَّلِ، عَنْ بُرْدِ بْنِ سِنَانٍ[7]، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ عُرْوَةَ، عَنْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: جِئْتُ وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي فِي الْبَيْتِ وَالْبَابُ عَلَيْهِ مُغْلَقٌ[1]، فَمَشَى حَتَّى فَتَحَ لِي، ثُمَّ رَجَعَ إِلَى مَكَانِهِ، وَوَصَفَتِ الْبَابَ فِي الْقِبْلَةِ.

601. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Келсам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйда намоз ўқиётган эканлар, эшик ичкаридан ёпиқ эди. Шунда юриб келиб менга эшикни очдилар, кейин яна жойларига қайтдилар». Оиша (онамиз) бу эшик қибла томонда эди, деб сифатладилар.**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

ИЗОҲ. Ибн Раслон бу юришни бир қадам ёки икки қадамлик юриш деб ёки тўхтаб-тўхтаб юриш деб айтади. Шавконий эса бу қайдни ўринсиз деб билади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эшикни очганлариидан кейин жойларига қайтганлари орқага тисарилиб-тисарилиб юриш билан воқеъ бўлган. Абу Довуднинг ривоятида намоз жойларига қайтганлари таъкидланган.

422-БОБ. БИР РАКЪАТДА ИККИ (ЗАМ) СУРА ЎҚИМОҚ

٦٠٢- حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلَانَ، حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ[٤] قَالَ: أَنْبَأَنَا شُعْبَةُ، عَنِ الأَعْمَشِ، قَالَ: سَمِعْتُ أَبَا وَائِلٍ قَالَ: سَأَلَ رَجُلٌ عَبْدَ اللَّهِ[٥]، عَنْ هَذَا [الْحَرْفِ]: ﴿غَيْرِ آسِنٍ[٦]﴾، أَوْ: ﴿يَاسِنٍ[٧]﴾ قَالَ: كُلَّ الْقُرْآنِ قَرَأْتَ غَيْرَ هَذَا الْحَرْفِ[٨] ؟ قَالَ: نَعَمْ[٩] . قَالَ: إِنَّ قَوْمًا يَقْرَءُونَهُ يَنْثُرُونَهُ نَثْرَ الدَّقَلِ[١٠] لاَ يُجَاوِزُ تَرَاقِيَهُمْ[١١]؛ إِنِّي لأَعْرِفُ السُّوَرَ النَّظَائِرَ الَّتِي كَانَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقْرُنُ بَيْنَهُنَّ، قَالَ: فَأَمَرْنَا عَلْقَمَةَ فَسَأَلَهُ، فَقَالَ: عِشْرُونَ سُورَةً مِنَ الْمُفَصَّلِ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقْرُنُ بَيْنَ كُلِّ سُورَتَيْنِ فِي رَكْعَةٍ.

602. *Ал-Аъмашдан ривоят қилинди; айтди:* **«Абу Воилдан эшитдим, дедики: «Бир киши Абдуллоҳ** (ибн Масъуд)**дан** (Қуръоннинг «Муҳаммад» сурасидаги) **ушбу «Ғойри осинин» ёки «Йо синин» сўзлари қандай қироат қилинишини сўради.** (Абдуллоҳ) **айтди: «Шундан** (шу қироатдан) **бошқа бутун Қуръонни** (маъносини фаҳмлаб) **ўқидингми?» «Ҳа», деди. Абдуллоҳ айтди: «Шундайлар борки, Қуръонни ўқийди-ю, уни худди** (сифатсиз) **хурмо** (доналари)**дек сочади. Қуръон уларнинг ўмров суякларидан** (бўғизларидан) **нарига ўтмайди. Мен бир-бирига ўхшаш шундай сураларни биламанки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни қўшиб-бирлаштириб ўқир эдилар». Шунда биз Алқамага буюрдик, у** (Абдуллоҳ Ибн Масъуддан бир-бирига ўхшаш сураларни) **сўради.** (Абдуллоҳ ибн Масъуд) **айтди: «Муфассал** (зам қилиш учун белгиланган) **суралардан йигирмата борки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир ракъатда** (улардан) **ҳар икки сурани қўшиб ўқир эдилар».**

ИЗОҲ. «Ғойри осинин» ёки «Йо синин» сўзлари қандай қироат қилинишини сўради» дегандаги бу савол «Муҳаммад» сурасидаги 15-оятнинг қироати ҳақидадир. Унинг изоҳида, жумладан, бундай дейилади: «Бу қироат машҳур етти хил қироатдан эмас ва ўн хил қироатга ҳам дохил эмас...»

423-БОБ. МАСЖИД САРИ ЮРМОҚ ФАЗИЛАТИ ВА ҲАР ҚАДАМГА ЁЗИЛАДИГАН САВОБ

٦٠٣- حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلاَنَ، حَدَّثَنَا[٢] أَبُو دَاوُدَ[٣] قَالَ: أَنْبَأَنَا شُعْبَةُ، عَنِ الأَعْمَشِ سَمِعَ ذَكْوَانَ[٤]، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «**إِذَا تَوَضَّأَ الرَّجُلُ فَأَحْسَنَ الْوُضُوءَ، ثُمَّ خَرَجَ إِلَى الصَّلاَةِ لاَ يُخْرِجُهُ**» - أَوْ [قَالَ[٥]]: «**لاَ يَنْهَزُهُ[٦]** - **إِلاَّ إِيَّاهَا، لَمْ يَخْطُ خُطْوَةً إِلاَّ رَفَعَهُ اللَّهُ بِهَا دَرَجَةً، أَوْ حَطَّ[٧] عَنْهُ بِهَا خَطِيئَةً**».

603. *Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Бир киши таҳорат олса, таҳоратини чиройли қилса, кейин намозга чиқса, уни** (уйидан) **фақатгина намоз чиқарса** – ёки **«қўзғотса» дедилар – босган ҳар бир қадами учун Аллоҳ унинг даражасини юксалтиргайдир ёки ҳар бир қадами учун унинг бир хатосини кетказгайдир».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

424-БОБ. ШОМДАН КЕЙИН УЙДА (НАФЛ) НАМОЗ ЎҚИШ ФАЗИЛАТЛИРОҚ ЭКАНЛИГИ

٦٠٤ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا إِبْرَاهِيمُ بْنُ أَبِي الْوَزِيرِ [الْبَصْرِيُّ ثِقَةٌ[٢]]، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ مُوسَى[٣]، عَنْ سَعْدِ[٤] بْنِ إِسْحَقَ بْنِ كَعْبِ بْنِ عُجْرَةَ، عَنْ أَبِيهِ[٥]، عَنْ جَدِّهِ قَالَ: صَلَّى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي مَسْجِدِ بَنِي عَبْدِ الأَشْهَلِ الْمَغْرِبَ، فَقَامَ نَاسٌ يَتَنَفَّلُونَ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**عَلَيْكُمْ بِهَذِهِ الصَّلَاةِ فِي الْبُيُوتِ**».

604. *Каъб ибн Ужра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Бани Абдил-Ашҳал масжидида шом намозини ўқидилар.** (Сўнг) **одамлар нафл намозини ўқишга туришди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу намозни уйларда ўқингизлар», дедилар.**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис Каъб ибн Ужранинг ривояти сифатида ғариб.

Уни фақатгина шу важҳдан биламиз. Саҳиҳ бўлгани – Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинган ҳадисдирки, (унда) Ибн Умар бундай дейди: **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам шомдан кейинги икки ракъат намозни уйларида ўқир эдилар».**

Ҳузайфа (розийаллоҳу анҳу)дан эса бундай ривоят қилинган: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шом намозини ўқидилар ва кейин то хуфтон намозини ўқигунларича масжидда намоз ўқиб турдилар».**

Бу ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам шомнинг фарзидан кейинги икки ракъатни уйда ўқиганларига доир далолат бор.

425-БОБ. КИШИ МУСУЛМОН БЎЛГАНИДА ҒУСЛ ҚИЛМОҒИ

٦٠٥ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ[٤]، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ، عَنِ الأَغَرِّ بْنِ الصَّبَّاحِ[٥]، عَنْ خَلِيفَةَ بْنِ حُصَيْنٍ[٦]، عَنْ قَيْسِ بْنِ عَاصِمٍ: أَنَّهُ أَسْلَمَ، فَأَمَرَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يَغْتَسِلَ بِمَاءٍ وَسِدْرٍ.

605. *Қайс ибн Осим (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«У** (Қайс) **Исломга кирди ва шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга сув ва сидра билан ғусл қилмоқни буюрдилар.**

Бу бобда Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Йисо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан. Уни битта шу важҳдан биламиз.

Илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир: Исломни қабул қилган кишининг ғусл қилмоғини ва кийимларини ҳам ювмоғини мустаҳаб кўрадилар.

ИЗОҲ. Сидра – ёввойи гилос дейилган бир дарахт. Унинг япроқларини қуритиб, ўша билан ғусл қиладилар.

426-БОБ. ХАЛО ЖОЙГА КИРАЁТГАНДА «БИСМИЛЛОҲ» ДЕМОҚ

٦٠٦– حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ حُمَيْدٍ الرَّازِيُّ[٢]، حَدَّثَنَا الْحَكَمُ بْنُ بَشِيرِ بْنِ سَلْمَانَ[٣]، حَدَّثَنَا خَلَّادٌ الصَّفَّارُ[٤]، عَنِ الْحَكَمِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ النَّصْرِيِّ[٥]، عَنْ أَبِي إِسْحَقَ[٦]، عَنْ أَبِي جُحَيْفَةَ[٧]، عَنْ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ [رَضِيَ اللَّه عَنْه[٨]]، أَنَّ رَسُولَ اللَّه صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «سَتْرُ مَا بَيْنَ أَعْيُنِ الْجِنِّ وَعَوْرَاتِ بَنِي آدَمَ؛ إِذَا دَخَلَ أَحَدُهُمُ الْخَلَاءَ أَنْ يَقُولَ: بِسْمِ اللَّهِ».

606. *Али ибн Абу Толиб (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Жиннинг кўзлари билан Одам фарзандларининг аврат** (жойлар)**и орасида пардатўсиқ бўладиган нарса – Одам фарзандларидан бирортаси хало жойга кираётганида «Бисмиллоҳ» демоғидир».**

Абу Йисо деди(лар): Бу ҳадис ғариб.

Уни фақатгина шу важҳдан биламиз ва исноди унча (қувватли) эмас. Анас (розийаллоҳу анҳу) орқали Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бу мавзуда (шунга ўхшаш) бир ҳадис ривоят қилинган.

ИЗОҲ. Ҳожатхонага киришда ўқиладиган дуо сўзлари «Таҳорат боблари»нинг 4-бобида баён этилган.

427-БОБ. САЖДА ВА ТАҲОРАТ АСАРЛАРИ ҚИЁМАТ КУНИДА БУ УММАТНИНГ СИЙМОСИДА КЎРИНМОҒИ

٦٠٧– حَدَّثَنَا أَبُو الْوَلِيدِ أَحْمَدُ بْنُ بَكَّارٍ الدِّمَشْقِيُّ[٥]، حَدَّثَنَا الْوَلِيدُ بْنُ مُسْلِمٍ، قَالَ: قَالَ صَفْوَانُ ابْنُ عَمْرٍو، أَخْبَرَنِي يَزِيدُ بْنُ خُمَيْرٍ[٦]، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بُسْرٍ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أُمَّتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ غُرٌّ مِنَ السُّجُودِ، مُحَجَّلُونَ مِنَ الْوُضُوءِ».

607. *Абдуллоҳ ибн Буср (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Қиёмат кунида енинг умматим**(нинг сиймоси) **сажда асаридан оппоқ-ярқироқ ва таҳорат таъсиридан порлоқ-ялтироқдур!»**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ушбу важҳдан Абдуллоҳ ибн Буср ривояти сифатида ҳасан саҳиҳ-ғариб.

428-БОБ. ТАҲОРАТНИ ЎНГ АЪЗОЛАРДАН БОШЛАМОҚ МУСТАҲАБ ЭКАНЛИГИ

٦٠٨- **حَدَّثَنَا** هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا أَبُو الأَحْوَصِ، عَنْ أَشْعَثَ بْنِ أَبِي الشَّعْثَاءِ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ مَسْرُوقٍ، عَنْ عَائِشَةَ[٣] : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يُحِبُّ التَّيَمُّنَ فِي طُهُورِهِ إِذَا تَطَهَّرَ، وَفِي تَرَجُّلِهِ إِذَا تَرَجَّلَ، وَفِي انْتِعَالِهِ إِذَا انْتَعَلَ.

608. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳорат олсалар,** – **таҳоратда,** (соч-соқол) **тарасалар,** – **тарамоқликда ва** (пойабзал) **кийсалар, киймоқликда ўнгдан бошлашни севар эдилар».**

Абу Шаъсаънинг исми – Сулаймон ибн Асвад ал-Муҳорибий.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

429-БОБ. ТАҲОРАТГА ЕТГУЛИК СУВНИНГ МИҚДОРИ

٦٠٩- **حَدَّثَنَا** هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنْ شَرِيكٍ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عِيسَى، عَنِ ابْنِ جَبْرٍ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «**يُجْزِئُ فِي الْوُضُوءِ رِطْلَانِ مِنْ مَاءٍ**[٧]».

609. *Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Таҳоратда икки ратл** (салкам икки литр) **сув етарлидир».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ғариб.

Уни фақатгина Шарикнинг ривоятидан ва шу лафз ҳолида биламиз.

Шуъба, Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Жабр орқали Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилган: **«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир маккук сув билан таҳорат олар эдилар ва беш маккук** (сув) **билан ғусл қилар эдилар».**

ИЗОҲ. Маккук – сув ўлчагич бир идиш. Нававий: «Маккук»дан мудд кўзда тутилган бўлиши мумкин» дейди. «Мажмаъул-биҳор» муаллифи эса

бундай дейди: «Маккук»дан мудд кўзда тутилган. Соъ қасд этилгани ҳам айтилган. Аммо биринчи қавл мувофиқроқ». Бир мумдд тақрибан бир литр сув. *(«Мудд» учун 56-ҳадис изоҳига қаранг).*

430-БОБ. ЭМИЗИКЛИ ЎҒИЛ БОЛАНИНГ СИЙДИГИ УСТИДАН СУВ ҚУЙИБ ТОЗАЛАМОҚ

٦١٠ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ[1]، حَدَّثَنَا مُعَاذُ بْنُ هِشَامٍ، حَدَّثَنِي أَبِي، عَنْ قَتَادَةَ، عَنْ أَبِي حَرْبِ بْنِ أَبِي الأَسْوَدِ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ [رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ[2]]: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ[3] قَالَ فِي بَوْلِ الْغُلَامِ الرَّضِيعِ: «يُنْضَحُ بَوْلُ الْغُلَامِ، وَيُغْسَلُ بَوْلُ الْجَارِيَةِ».

610. *Али ибн Абу Толиб (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эмизикли ўғил боланинг сийдиги борасида бундай дедилар: «Ўғил боланинг сийдиги устига сув қуйилади, қиз боланинг сийдиги ювиб ташланади».**

Қатода айтади: «Бу (ҳол) овқат ея бошлашидан олдиндир. Овқат ея бошлаганда ҳар икковининг сийдиги ювиб ташланади».

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан.

Ҳишом ад-Дастувоий бу ҳадисни Қатодадан марфуъ тарзида ривоят қилди. Саъид ибн Абу Аруба эса мавқуф тарзида ривоят қилади ва ҳадисни рафъ этмайди (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга(ча) юксалтирмайди).

ИЗОҲ. Имом Термизий «Поклик китоби»ида бу масала учун махсус боб ажратганларки, бу ҳадисни ушбу ўринда зикр қилишларининг сабаби маълум бўлмаётир. *(Балки ушбу боблар сўнгида аввалини қайта эслаш учундир. 54-боб, 71-ҳадисга қаранг.)*

431-БОБ. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМНИНГ «МОИДА» СУРАСИ НОЗИЛ БЎЛГАНИДАН КЕЙИН МАҲСИЛАРИ УСТИГА МАСҲ ТОРТГАНЛАРИ БАЁНИ

٦١١ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا خَالِدُ بْنُ زِيَادٍ، عَنْ مُقَاتِلِ بْنِ حَيَّانَ، عَنْ شَهْرِ بْنِ حَوْشَبٍ قَالَ: رَأَيْتُ جَرِيرَ بْنَ عَبْدِ اللَّهِ تَوَضَّأَ وَمَسَحَ عَلَى خُفَّيْهِ. قَالَ: فَقُلْتُ: لَهُ فِي ذَلِكَ، فَقَالَ: رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَوَضَّأَ فَمَسَحَ عَلَى خُفَّيْهِ، فَقُلْتُ لَهُ: أَقَبْلَ الْمَائِدَةِ أَمْ بَعْدَ الْمَائِدَةِ ؟ قَالَ: مَا أَسْلَمْتُ إِلاَّ بَعْدَ الْمَائِدَةِ[2] .

611. *Қутайба Холид ибн Зиёд орқали Муқотил ибн Ҳаййондан, Шаҳр ибн Ҳавшабдан баён қилди; айтики:* **«Жарир ибн Абдуллоҳни кўрдим, таҳорат олганда этик** (маҳси)**лари устига масҳ тортди.** (Ровий) **айтади: Унга бу ҳақда савол бердим. Шунда айтдики: «Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрдим, таҳорат олдилар ва шунда этик** (маҳси)**лари устига масҳ тортдилар». Ундан: «**(Бу ҳол) **«Моида» сураси** (тушиши)**дан олдин бўлганмиди ёки ундан кейинми?» деб сўрадим. Айтдики: «Мен фақат «Моида» сураси** (тушиши) **дан кейин мусулмон бўлганман».**

٦١٢ – [حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ حُمَيْدٍ الرَّازِيُّ، قَالَ: حَدَّثَنَا نُعَيْمُ بْنُ مَيْسَرَةَ النَّحْوِيُّ، عَنْ خَالِدِ ابْنِ زِيَادٍ: نَحْوَهُ[٣]].

612. *Муҳаммад ибн Ҳумайд ар-Розий Нуъайм ибн Майсара ан-Наҳвий орқали Холид ибн Зиёддан баён қилди: айнан ўтган ҳадис.*

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ғариб.

Уни шунга ўхшаш ҳолда фақатгина Муқотил ибн Ҳаййоннинг Шаҳр ибн Ҳавшабдан қилган Ривоятидан биламиз.

432-БОБ. ЖУНУБ КИШИГА ТАҲОРАТ ОЛГАН ВАҚТИДА ОВҚАТ ЕЙИШ ВА УХЛАШГА РУХСАТ БОРЛИГИ

٦١٣– حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا قَبِيصَةُ، عَنْ حَمَّادِ بْنِ سَلَمَةَ، عَنْ عَطَاءٍ الْخُرَاسَانِيِّ، عَنْ يَحْيَى ابْنِ يَعْمَرَ[٥]، عَنْ عَمَّارٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَخَّصَ لِلْجُنُبِ إِذَا أَرَادَ أَنْ يَأْكُلَ، أَوْ يَشْرَبَ، أَوْ يَنَامَ؛ أَنْ يَتَوَضَّأَ وُضُوءَهُ لِلصَّلَاةِ.

613. *Аммор (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жунуб бўлган кишига, овқат емоқчи ёки** (ичимлик: чой, сув, сут) **ичмоқчи ёки ухламоқчи бўлса, худди намозга таҳорат олгандек таҳорат олсин, деб рухсат бердилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

433-БОБ. НАМОЗНИНГ ФАЗИЛАТИ

٦١٤– حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ أَبِي زِيَادٍ [الْقَطَوَانِيُّ[٣]] [الْكُوفِيُّ[٤]]، حَدَّثَنَا عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ مُوسَى، حَدَّثَنَا غَالِبٌ أَبُو بِشْرٍ[٥]، عَنْ أَيُّوبَ بْنِ عَائِذٍ الطَّائِيِّ، عَنْ قَيْسِ بْنِ مُسْلِمٍ، عَنْ طَارِقِ ابْنِ شِهَابٍ، عَنْ كَعْبِ ابْنِ عُجْرَةَ[٦]، قَالَ: قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أُعِيذُكَ بِاللَّهِ يَا كَعْبَ بْنَ عُجْرَةَ مِنْ أُمَرَاءَ يَكُونُونَ مِنْ[٧] بَعْدِي، فَمَنْ غَشِيَ أَبْوَابَهُمْ فَصَدَّقَهُمْ فِي

كَذِبِهِمْ[٨]، وَأَعَانَهُمْ عَلَى ظُلْمِهِمْ؛ فَلَيْسَ مِنِّي وَلَسْتُ مِنْهُ، وَلاَ يَرِدُ عَلَيَّ الْحَوْضَ، وَمَنْ غَشِيَ أَبْوَابَهُمْ، أَو لَمْ يَغْشَ؛ فَلَمْ يُصَدِّقْهُمْ فِي كَذِبِهِمْ، وَلَمْ يُعِنْهُمْ عَلَى ظُلْمِهِمْ؛ فَهُوَ مِنِّي وَأَنَا مِنْهُ، وَسَيَرِدُ عَلَيَّ الْحَوْضَ. يَا كَعْبَ بْنَ عُجْرَةَ، الصَّلاَةُ بُرْهَانٌ، وَالصَّوْمُ جُنَّةٌ حَصِينَةٌ، وَالصَّدَقَةُ تُطْفِئُ الْخَطِيئَةَ كَمَا يُطْفِئُ الْمَاءُ النَّارَ. يَا كَعْبَ بْنَ عُجْرَةَ، إِنَّهُ لاَ يَرْبُو لَحْمٌ نَبَتَ مِنْ سُحْتٍ؛ إِلاَّ كَانَتِ النَّارُ أَوْلَى بِهِ».

614. *Каъб ибн Ужра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга бундай дедилар: **«Эй Ужранинг ўғли Каъб! Мендан кейин келадиган амирлардан сен учун Аллоҳдан паноҳ тилайман! Кимки уларнинг эшикларидан ичкари кирса, уларнинг ёлғонларини тасдиқ этса ва зулмларида ёрдамчи бўлса, у мендан эмасдир ва мен ҳам ундан эмасдирман.**[96] (Эртага у) **менга, Ҳавз**(и Кавсарим)**га яқин йўлай олмас!.. Ва кимки, хоҳ уларнинг эшикларидан ичкари кирсин, хоҳ кирмасин, уларнинг ёлғонларини тасдиқ этмаса ва зулмларида ёрдамчи бўлмаса, ана у мендандир ва мен ҳам ундандирман.**[97] (Эртага у) **менга, Ҳавз**(и Кавсарим)**га келгайдир. Эй Ужранинг ўғли Каъб! Намоз бурҳондир** (иймоннинг далил-ҳужжатидир)**. Рўза мустаҳкам қалқондир! Садақа гуноҳни ўчиргайдир, худди сув оловни ўчирганидек! Эй Ужранинг ўғли Каъб! Билгинки, ҳаромдан озиқланиб ўсган гўшт учун** (жасад учун) **фақатгина олов авлодир!..»**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

Уни биттта шу важҳдан биламиз. Муҳаммад (ал-Бухорий)дан бу ҳадис ҳақида сўрадим, уни танҳо Убайдуллоҳ ибн Мусонинг ривояти тарзида билишини айтди ва чиндан ғариб деб топди.

٦١٥ – وَقَالَ [مُحَمَّدٌ[٥]]، حَدَّثَنَا ابْنُ نُمَيْرٍ، عَنْ عُبَيْدِ اللَّهِ بْنِ مُوسَى، عَنْ غَالِبٍ بِهَذَا[٦].

615. *Муҳаммад (ал-Бухорий) айтди: Ибн Нумайр, Убайдуллоҳ ибн Мусо орқали Ғолибдан нақл этиб, буни (ўтган ҳадисни) бизга баён қилди.*[98]

---

[96] Яъни: «У мен билан бирга эмасдир ва мен ҳам у билан бирга эмасдирман».

[97] Яъни: «У мен билан биргадир ва мен ҳам у билан биргадирман».

[98] Бу олдинги ҳадиснинг иккинчи санадидир. Термизий, ўз одатларига кўра, санади ўзгарган бир ҳадиснинг фақат санадинигина зикр қиладилар. Кейинчалик, тартиб тақозоси билан бу тур ҳадисларга ҳам янги рақам қўйилган.

434-БОБ. ЎТГАН МАВЗУ
(*Намознинг фазилати*)

٦١٦- حَدَّثَنَا مُوسَى بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ [الْكِنْدِيُّ(١)] الْكُوفِيُّ، حَدَّثَنَا زَيْدُ بْنُ الْحُبَابِ، أخبرنا مُعَاوِيَةُ بْنُ صَالِحٍ، حَدَّثَنِي سُلَيْمُ بْنُ عَامِرٍ(٢)، قَالَ: سَمِعْتُ أَبَا أُمَامَةَ، يَقُولُ: سَمِعْتَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَخْطُبُ فِي حَجَّةِ الْوَدَاعِ، فَقَالَ: «**اتَّقُوا اللَّهَ** [رَبَّكُمْ(٣)]، **وَصَلُّوا خَمْسَكُمْ، وَصُومُوا شَهْرَكُمْ، وَأَدُّوا زَكَاةَ أَمْوَالِكُمْ، وَأَطِيعُوا ذَا أَمْرِكُمْ(٤)؛ تَدْخُلُوا جَنَّةَ رَبِّكُمْ**». قَالَ: فَقُلْتُ(٥) لأَبِي أُمَامَةَ: مُنْذُ كَمْ سَمِعْتَ [مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ(٦)] هَذَا الْحَدِيثِ ؟ قَالَ(٧) : سَمِعْتُهُ(٨) وَأَنَا ابْنُ ثَلاَثِينَ سَنَةً.

616. *Абу Умома (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитдим, Видо ҳажларида хутба ўқиётиб, айтдилар: «Раббингиз Аллоҳдан қўрқингизлар ва беш вақт намозингизни ўқингизлар!** (Рамазон) **ойингиз рўзасини тутингизлар! Молларингиз закотини берингизлар! Бошлиқларингизга итоат этингизлар!** (Ана шу тақдирда) **Роббингизнинг Жаннатига кирингизлар!..»** Сулайм ибн Омир айтади: «Абу Умомага: **«Неча ёшингда бу ҳадисни эшитдинг?» дедим. «Ўттиз ёшнинг боласи эканимда** (яъни, ўттиз ёшимда) **эшитдим»,** деди».

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

ИЗОҲ. «Зо-амрикум» бирикмасининг айнан муқобили «Ишларингизнинг эгаси» бўлади. Яъни давлат ва жамият ишларингизни юритадиган ва идора этадиган кишилар дегани. Мулла Ал-Қорий ҳазратлари бунинг тафсирида бундай дейдилар: «Яъни, халифа, ҳукмдор ва бошқа давлат кишилари. Ёки (ҳар соҳадаги) олимлар. Ёки, янада кенгроқ маънода мусулмонларга тегишли ишнинг бошига қўйилган ҳар қандай бир шахс». Аммо мақом ва рутбасидан қатъи назар, гуноҳ ишларда бандага итоат этиш йўқдир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳга нисбатан осийлик – гуноҳ-маъсият бўлган сўз, иш ва ҳаракатларда бандага итоат этишни манъ қилганлар. (Зеро ҳеч қайси бир ақлли йўлбошчи ўз халқини гуноҳ ишларга буюрмайди).

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ЗАКОТ КИТОБИ

Ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан (ривоят қилинади)

1-БОБ. ЗАКОТ БЕРМАГАНЛИК БОРАСИДА ПАЙҒАМБАР СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМНИНГ БИЛДИРГАН ҚАТТИҚ ҲУКМЛАРИ

٦١٧ - حَدَّثَنَا هَنَّادُ بْنُ السَّرِيِّ التَّمِيمِيُّ الْكُوفِيُّ، حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ، عَنِ الأَعْمَشِ، عَنِ الْمَعْرُورِ بْنِ سُوَيْدٍ، عَنْ أَبِي ذَرٍّ، قَالَ: جِئْتُ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَهُوَ جَالِسٌ فِي ظِلِّ الْكَعْبَةِ قَالَ: فَرَآنِي مُقْبِلاً، فَقَالَ: «هُمُ الأَخْسَرُونَ وَرَبِّ الْكَعْبَةِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ» قَالَ: فَقُلْتُ: مَا لِي؟! لَعَلَّهُ أُنْزِلَ فِيَّ شَيْءٌ، قَالَ: قُلْتُ: مَنْ هُمْ، فِدَاكَ أَبِي وَأُمِّي؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «هُمُ الأَكْثَرُونَ إِلاَّ مَنْ قَالَ هَكَذَا، وَهَكَذَا، وَهَكَذَا» فَحَثَا بَيْنَ يَدَيْهِ، وَعَنْ يَمِينِهِ، وَعَنْ شِمَالِهِ، ثُمَّ قَالَ: «وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لاَ يَمُوتُ رَجُلٌ فَيَدَعُ إِبِلاً، أَوِ بَقَرًا لَمْ يُؤَدِّ زَكَاتَهَا إِلاَّ جَاءَتْهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ أَعْظَمَ مَا كَانَتْ وَأَسْمَنَهُ تَطَؤُهُ بِأَخْفَافِهَا وَتَنْطَحُهُ بِقُرُونِهَا، كُلَّمَا نَفِدَتْ أُخْرَاهَا عَادَتْ عَلَيْهِ أُولاَهَا حَتَّى يُقْضَى بَيْنَ النَّاسِ».

617. *Абу Зарр (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келдим, у зот Каъбанинг соясида ўтирган эканлар. Менинг яқинлашаётганимни кўриб, бундай дедилар: «Каъбанинг Раббига қасам! Қиёмат кунида энг кўп зиён кўрувчилар ўшалардир!». Абу Зарр айтади: «Мендан нима ўтди экан? Мен ҳақимда бирор нарса нозил бўлдимикин?» – деб ўйладим. Айтдимки: «Ота-онам сизга фидо бўлсин** (Ё Расулаллоҳ!) **Улар кимлар?» Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Улар мол-давлати кўп бўлган кишилардир. Илло мана бундай, мана бундай, мана бундай қилган киши бундан мустаснодир!» – дея олд томонларига, ўнг томонларига ва чап томонларига сочдилар**

(яъни, сочишга ишорат қилдилар). **Кейин бундай дедилар: «Жоним қудрати қўлида бўлган Зотга қасамки, бир киши закотини бермасдан туя ёки сигир қолдириб, ўлса, қиёмат кунида у мол ўз аслидан каттакон ва семиз ҳолда эгасининг олдига келгайдир. Уни туёқлари билан тепкилаб, шохлари билан сузгайдир. Молларининг охиргиси** (ишини) **битириши билан, биринчиси унинг устига қайтгайдир. То инсонлар орасида ҳукм қилингунича** (бу ҳол давом этур!)...»

ШАРҲ. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам юқоридаги ишоралари билан: «Молини яхши, хайрли ишларга сарфлаган молдор киши зиён кўрувчилар зумрасидан эмас, қолган бойлар энг кўп зиён кўрувчилардир», демоқчи бўлдилар.

(Абу Ийсо дедилар:) Бу бобда Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу) дан шунга ўхшаш ҳадис ривоят қилинди. Али ибн Абу Толиб (каррамаллоҳу важҳаҳу) бундай деганлари ривоят қилинди: **«Закот бермаган киши лаънатланди!»**

(Шуниндек, бу бобда) Кабиса ибн Ҳулб воситасида унинг отаси Ҳулбдан, Жобир ибн Абдуллоҳ ва Абдуллоҳ ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳум)дан биттадан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо (ат-Термизий) деди(лар): Абу Заррнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Абу Заррнинг исми – Жундуб ибн ас-Сакан. У Жуноданинг ўғли деб ҳам айтилади.

Абдуллоҳ ибн Мунир бизга Убайдуллоҳ ибн Мусодан, Суфён Саврийдан,Ҳаким ибн ад-Дайламдан нақл этиб, Заҳҳок ибн Музоҳимнинг бундай деганини баён қилди: **«Мол-давлати кўп бўлган кишилар – ўн минги бўлган кишилардир» – деди.**

ИЗОҲ. Термизий тобеъийндан бўлмиш Заҳҳок ибн Музоҳимнинг 612-рақамли ҳадиси борасидаги тафсирини бу ўринда иршод этмоқдалар. Қози Абу Бакр Ибнул-Арабий, «ўн минг» деганда дирҳам кўзда тутилганини баён қилади. Дирҳам эса ўн тўрт қийротдан иборат кумуш тангадир. Шаръий қийрот – ўртача беш дона арпа оғирлигида экани таъкидланади.

2-БОБ. ЗАКОТНИ БЕРСАНГ, ЎЗ ЗИММАНГДАГИ (ҲАҚ)НИ АДО ҚИЛГАН БЎЛУРСАН

٦١٨ - حَدَّثَنَا عُمَرُ بْنُ حَفْصٍ الشَّيْبَانِيُّ الْبَصْرِيُّ، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ وَهْبٍ، أَخْبَرَنَا عَمْرُو ابْنُ الْحَارِثِ، عَنْ دَرَّاجٍ، عَنِ ابْنِ حُجَيْرَةَ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا أَدَّيْتَ زَكَاةَ مَالِكَ فَقَدْ قَضَيْتَ مَا عَلَيْكَ».

618. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Молингнинг закотини берсанг, албатта, ўз зиммангдаги** (иш)**ни адо қилган бўлурсан!»**

Абу Ийсо (ат-Термизий) деди(лар): Бу ҳадис ҳасан ғариб.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бир қанча важҳлардан ривоят қилиндики, «У зот закотни зикр қилдилар, шунда бир киши: **«Ё Расулаллоҳ! Закотдан бошқа зиммамга юкланган бирор нарса борми?» деди. «Йўқ. Фақат ихтиёрий ҳолда!..»** дедилар.

Ибн Хужайра Абдурраҳмон ибн Хужайра ал-Мисрийдир.

٦١٩ - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ إِسْمَعِيلَ، حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ عَبْدِ الْحَمِيدِ الْكُوفِيُّ، حَدَّثَنَا سُلَيْمَانُ بْنُ الْمُغِيرَةِ، عَنْ ثَابِتٍ، عَنْ أَنَسٍ، قَالَ: كُنَّا نَتَمَنَّى أَنْ يَأْتِيَ الأَعْرَابِيُّ الْعَاقِلُ، فَيَسْأَلَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَنَحْنُ عِنْدَهُ، فَبَيْنَا نَحْنُ كَذَلِكَ إِذْ أَتَاهُ أَعْرَابِيٌّ فَجَثَا بَيْنَ يَدَيِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: يَا مُحَمَّدُ إِنَّ رَسُولَكَ أَتَانَا فَزَعَمَ لَنَا أَنَّكَ تَزْعُمُ أَنَّ اللَّهَ أَرْسَلَكَ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**نَعَمْ**». قَالَ: فَبِالَّذِي رَفَعَ السَّمَاءَ وَبَسَطَ الأَرْضَ وَنَصَبَ الْجِبَالَ آللَّهُ أَرْسَلَكَ؟ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**نَعَمْ**». قَالَ: فَإِنَّ رَسُولَكَ زَعَمَ لَنَا أَنَّكَ تَزْعُمُ أَنَّ عَلَيْنَا خَمْسَ صَلَوَاتٍ فِي الْيَوْمِ وَاللَّيْلَةِ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**نَعَمْ**». قَالَ: فَبِالَّذِي أَرْسَلَكَ آللَّهُ أَمَرَكَ بِهَذَا؟ قَالَ: «**نَعَمْ**». قَالَ: فَإِنَّ رَسُولَكَ زَعَمَ لَنَا أَنَّكَ تَزْعُمُ أَنَّ عَلَيْنَا صَوْمَ شَهْرٍ فِي السَّنَةِ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**صَدَقَ**» قَالَ: فَبِالَّذِي أَرْسَلَكَ آللَّهُ أَمَرَكَ بِهَذَا؟ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**نَعَمْ**». قَالَ: فَإِنَّ رَسُولَكَ زَعَمَ لَنَا أَنَّكَ تَزْعُمُ أَنَّ عَلَيْنَا فِي أَمْوَالِنَا الزَّكَاةَ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**صَدَقَ**» قَالَ: فَبِالَّذِي أَرْسَلَكَ آللَّهُ أَمَرَكَ بِهَذَا؟ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**نَعَمْ**». قَالَ: فَإِنَّ رَسُولَكَ زَعَمَ لَنَا أَنَّكَ تَزْعُمُ أَنَّ عَلَيْنَا الْحَجَّ إِلَى الْبَيْتِ مَنِ اسْتَطَاعَ إِلَيْهِ سَبِيلاً، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**نَعَمْ**». قَالَ: فَبِالَّذِي أَرْسَلَكَ آللَّهُ أَمَرَكَ بِهَذَا؟ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**نَعَمْ**» فَقَالَ: وَالَّذِي بَعَثَكَ بِالْحَقِّ لاَ أَدَعُ مِنْهُنَّ شَيْئًا، وَلاَ أُجَاوِزُهُنَّ، ثُمَّ وَثَبَ. فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**إِنْ صَدَقَ الأَعْرَابِيُّ دَخَلَ الْجَنَّةَ**».

619. *Ҳазрати Анас (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Бизлар Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида бўла туриб, кошки бир ақлли аъробий** (бадавий) **келсаю** (сўз) **бошлаб, у зотдан** (бирор) **савол сўраса, деб орзу қилар эдик. Шундай ҳолатда турган пайтимизда бир аъробий келдию ҳузурларида тиз чўкиб ўтирди.** (Сўнг) **дедики: «Ё Муҳаммад! Сизнинг жўнатган элчингиз бизларга келиб айтдики, сиз Аллоҳ томонидан юборилдим, деб айтар экансиз?..»**[99] **Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Шундоқ» дедилар. Аъробий айтди: «Осмонларни юксак кўтариб қўйган, ерни текис ёйиб қўйган, тоғларни тиклаб қўйган Зот ҳақи,** (айтинг) **сизни Аллоҳ юбордими?» Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Шундоқ» дедилар. Аъробий айтди: «Сизнинг элчингиз бизларга айтдики, сиз зиммамизга бир кеча-кундузда беш вақт намоз фарз қилинди, деб айтар экансиз». Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Шундоқ» дедилар. Дедики: «Сизни юборган Зот ҳақи,** (айтинг) **буни сизга Аллоҳ буюрдими?»** (Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:) **«Шундоқ», дедилар. Аъробий айтди: «Сизнинг элчингиз бизларга айтдики, сиз, зиммамизга йилда бир ой рўза тутмоқлик фарз қилинди, деб айтар экансиз?» Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Рост айтибди» дедилар. Дедики: «Сизни юборган Зот ҳақи,** (айтинг), **буни сизга Аллоҳ буюрдими?» Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Шундоқ» дедилар. Аъробий айтди: «Сизнинг элчингиз бизларга айтдики, сиз, молларимиздан закот бермоқлик зиммамизга қўйилди, деб айтар экансиз?» Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Рост айтибди», дедилар. Дедики: «Сизни юборган Зот ҳақи,** (айтинг), **буни сизга Аллоҳ буюрдими?» Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Шундоқ» дедилар. Аъробий айтди: «Сизнинг элчингиз бизларга айтдики, сиз, йўлга кучи етганлар зиммасига Байтуллоҳни ҳаж қилмоқлик фарз қилинди, дер экансиз?» Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Шундоқ» дедилар. Дедики: «Сизни юборган Зот ҳақи, айтинг, буни сизга Аллоҳ буюрдими?» «Шундоқ» дедилар. Шунда Аъробий айтди: «Сизни ҳақ билан юборган Зотга қасамки, булардан бирор нарсани кам ҳам қилмайман, бирор нарсани ортиқ ҳам қилмайман!..» Кейин сакраб турди...** (Сўнг) **Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аъробий ўз сўзида турса, албатта Жаннатга киради!..» деб айтдилар.**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ушбу жиҳатдан ҳасан-ғариб.

---

[99] Абу Амр аз-Зоҳидий, Саълабдан нақл этиб, бундай дейди: «аззаъам» деган сўз араб тилида ишонилмаган сўзга итлоқ қилинади, шунингдек, ишонилган ва рост сўзга ҳам итлоқ қилинади. (Шу сабаб ўзбекча таржимада ҳам «айтди» ва «деб айтар экансиз» тарзида қўлланди).

Анас орқали Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бундан бошқа важҳдан ҳам ривоят қилинган.

Муҳаммад ибн Исмоъийл (ал-Бухорий)дан бундай деганини эшитдим: «Бу ҳадиснинг фиққи (шуки), баъзи илм аҳллари: муҳаддислар, (маълумотни) олим кишига ўқиб бериб арз этмоғини худди (ундан) эшитмоғи каби жоиздир, деб айтдилар». Аъробийнинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга қилган арзини ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг арзини иқрор қилганларини (бунга) далил қилиб кўрсатадилар.

3-БОБ. ОЛТИН ВА КУМУШНИНГ ЗАКОТИ

٦٢٠- حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ الْمَلِكِ بْنِ أَبِي الشَّوَارِبِ، حَدَّثَنَا أَبُو عَوَانَةَ، عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ، عَنْ عَاصِمِ بْنِ ضَمْرَةَ، عَنْ عَلِيٍّ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «قَدْ عَفَوْتُ عَنْ صَدَقَةِ الْخَيْلِ وَالرَّقِيقِ فَهَاتُوا صَدَقَةَ الرِّقَةِ مِنْ كُلِّ أَرْبَعِينَ دِرْهَمًا دِرْهَمًا، وَلَيْسَ فِي تِسْعِينَ وَمِائَةِ شَيْءٌ، فَإِذَا بَلَغَتْ مِائَتَيْنِ فَفِيهَا خَمْسَةُ دَرَاهِمَ».

620. *Ҳазрати Али (карромаллоҳу важҳаҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «(Тижорат учун бўлмаган) **йилқи ва қулнинг закотидан** (сизларни) **афв** (озод) **этдим. Бас, кумушнинг закотини келтиринглар! Қирқ дирҳамдан бир дирҳам** (берилур)**. Тўқсонда ва юзда менга берадиган ҳеч нарсангиз йўқ. Тўлиқ икки юзга етганда эса, унда беш дирҳам бордир».**

Бу бобда Абу Бакр Сиддиқ ва Амр ибн Ҳазм (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадисни Ал-Аъмаш, Абу Авона ва яна бошқалар Абу Исҳоқдан, Осим ибн Замрадан, Али (розийаллоҳу анҳум)дан ривоят қилдилар.

Суфён Саврий, Ибн Уйайна ва биттадан кўп киши эса шу ҳадисни Абу Исҳоқдан, Ал-Ҳорисдан, Али (розийаллоҳу анҳум) дан ривоят қиладилар.

(Абу Ийсо) деди(лар): Бу ҳадисни Муҳаммад ибн Исмоъийл (ал-Бухорий)дан сўрадим, шунда бундай дейди: **«Абу Исҳоқдан келган ҳар икки ривоят ҳам, м енимча, саҳиҳ. Абу Исҳоқ, эҳтимол, уларнинг (Осим ибн Замра билан Ал-Ҳориснинг) ҳар иккаловидан ривоят қилгандир».**

4-БОБ. ТУЯ ВА ҚЎЙНИНГ ЗАКОТИ

٦٢١ - حَدَّثَنَا زِيَادُ بْنُ أَيُّوبَ الْبَغْدَادِيُّ وَإِبْرَاهِيمُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ الْهَرَوِيُّ وَمُحَمَّدُ بْنُ كَامِلٍ الْمَرْوَزِيُّ - الْمَعْنَى وَاحِدٌ - قَالُوا: حَدَّثَنَا عَبَّادُ بْنُ الْعَوَّامِ، عَنْ سُفْيَانَ بْنِ حُسَيْنٍ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عِشْرِينَ أَرْبَعُ شِيَاهٍ، وَفِي خَمْسٍ وَعِشْرِينَ بِنْتُ مَخَاضٍ إِلَى خَمْسٍ وَثَلَاثِينَ، فَإِذَا زَادَتْ فَفِيهَا ابْنَةُ لَبُونٍ إِلَى خَمْسٍ وَأَرْبَعِينَ، فَإِذَا زَادَتْ فَفِيهَا حِقَّةٌ إِلَى سِتِّينَ، فَإِذَا زَادَتْ فَجَذَعَةٌ إِلَى خَمْسٍ وَسَبْعِينَ، فَإِذَا زَادَتْ فَفِيهَا ابْنَتَا لَبُونٍ إِلَى تِسْعِينَ، فَإِذَا زَادَتْ فَفِيهَا حِقَّتَانِ إِلَى عِشْرِينَ وَمِائَةٍ، فَإِذَا زَادَتْ عَلَى عِشْرِينَ وَمِائَةٍ فَفِي كُلِّ خَمْسِينَ حِقَّةٌ، وَفِي كُلِّ أَرْبَعِينَ ابْنَةُ لَبُونٍ، وَفِي الشَّاءِ فِي كُلِّ أَرْبَعِينَ شَاةٌ شَاةٌ إِلَى عِشْرِينَ وَمِائَةٍ، فَإِذَا زَادَتْ فَشَاتَانِ إِلَى مِائَتَيْنِ، فَإِذَا زَادَتْ فَثَلَاثُ شِيَاهٍ إِلَى ثَلَاثِ مِائَةِ شَاةٍ، فَإِذَا زَادَتْ عَلَى ثَلَاثِ مِائَةِ شَاةٍ فَفِي كُلِّ مِائَةِ شَاةٍ شَاةٌ، ثُمَّ لَيْسَ فِيهَا شَيْءٌ حَتَّى تَبْلُغَ أَرْبَعَ مِائَةٍ، وَلَا يُجْمَعُ بَيْنَ مُتَفَرِّقٍ، وَلَا يُفَرَّقُ بَيْنَ مُجْتَمِعٍ مَخَافَةَ الصَّدَقَةِ، وَمَا كَانَ مِنْ خَلِيطَيْنِ فَإِنَّهُمَا يَتَرَاجَعَانِ بِالسَّوِيَّةِ، وَلَا يُؤْخَذُ فِي الصَّدَقَةِ هَرِمَةٌ، وَلَا ذَاتُ عَيْبٍ.

وَقَالَ الزُّهْرِيُّ: إِذَا جَاءَ الْمُصَدِّقُ قَسَّمَ الشَّاءَ أَثْلَاثًا: ثُلُثٌ خِيَارٌ، وَثُلُثٌ أَوْسَاطٌ، وَثُلُثٌ شِرَارٌ، وَأَخَذَ الْمُصَدِّقُ مِنَ الْوَسَطِ. وَلَمْ يَذْكُرِ الزُّهْرِيُّ الْبَقَرَ.

621. *Солимнинг отаси – Ҳазрати ибн Умар (розияллоҳу анҳумо) дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам закотнома ёздилар ва қиличларига боғланган бу закотномани иш кўрувчи волийларига чиқармай туриб вафот этдилар. У зот қазо қилгач, Ҳазрати Абу Бакр** (розийаллоҳу анҳу) **то вафотларига қадар ўша билан амал қилдилар. Ва** (Ҳазрати) **Умар** (розийаллоҳу анҳу) **то вафотларига қадар ўша билан амал қилдилар. Ўша закотномада** (ушбулар) **битилган эди: «Беш туяда – бир қўй. Ва ўн туяда – икки қўй. Ва ўн беш туяда – уч қўй. Ва йигирма туяда – тўрт қўй. Йигирма беш туядан то ўттиз беш туягача – икки яшар бир урғочи бўталоқ. Ўттиз бештадан ошиб, қирқ бештага қадар етса – уч яшар бир урғочи бўталоқ. Қирқ бештадан ошгач, олтмиштага қадар етса – тўрт яшар бир бўта. Олтмиштадан ошгач, етмиш бештага қадар – беш яшар бир урғочи туя. Етмиш бештадан ошгач, тўқсонтага қадар етса – уч яшар икки урғочи бўта. Тўқсонтадан ошгач, юз йигирматага қадар етса – тўрт яшар икки урғочи бўта. Юз йигирматадан ошгач, ҳар элликта** (туя) **учун – тўрт яшар бир урғочи бўта ва ҳар қирқта** (туя) **учун – икки ёшга тўлиб, уч ёшга ўтган бир урғочи бўта. Қўйларда эса ҳар қирқта қўйда юз йигирматага қадар бўлса – бир қўй. Юз йигир-**

матадан ошгач, икки юзтага қадар бўлса – икки қўй. Икки юзтадан ошгач, уч юзтага қадар – уч қўй. Уч юзтадан ошгач, ҳар юз қўйдан – бир қўй. Кейин уч юзтадан ошиб, тўрт юзтага етгунича ҳеч нарса (закот) **йўқ. Закот** (бериш)**дан қўрқиб, айри-айри** (сурув)**лар бир-бирига қўшиб юборилмайди ва жамланган** (сурув)**лар бир-биридан ажратилмайди. Сурув қўшилгач, эгалари бир-бирларига тенгма-тенг савияда қарайдилар. Қариган ва нуқсони бўлган жониворлар закот сифатида олинмайди».**

Аз-Зуҳрий: «Закот маъмури келганда, учдан бири яхши, учдан бири – ўрта, учдан бири – ёмон тарзида уч қисмга ажратади ва (закотни) **нг ўрта қисмидан олади», дейди;** (аммо) **Зуҳрий сигирларни зикр қилмайди.**

Бу бобда Абу Бакр Сиддиқ, Баҳз ибн Ҳакимдан, унинг отасидан, бобосидан, Абу Зарр ва Анас (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Умарнинг ҳадиси – ҳасан.

Барча фақиҳларнинг амали шу ҳадис асосидадир. Юнус ибн Язид ва биттадан ортиқ киши бу ҳадисни Аз-Зуҳрийдан, Солимдан ривоят қилиб, уни рафъ этмаганлар (Расулуллоҳгача юксалтирмаганлар). Бу ҳадисни ёлғиз Суфён ибн Ҳусайн марфуъ тарзида ривоят қилган.

ШАРҲ. Муборакфурий «Туҳфатул-аҳвазий» асарида **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам закотнома ёздилар ва қиличларига боғланган бу закотномани иш кўрувчи волийларига чиқармай туриб вафот этдилар»** деган таъбирдаги тақдим ва таъхирга ишорат қилади. Абут-Тойиб Ас-Синдий айтади: «Закотноманинг қиличга боғланишида закот бермаганларга қарши жанг қилишга доир ишорат бор. Чунончи, Абу Бакр Сиддиқ (розийаллоҳу анҳу)нинг халифалиги даврида закот бермаган кишилар бўлган ва уларга қарши жанг қилинган».

«Закот (бериш)дан қўрқиб, айри-айри (сурув)лар бир-бирига қўшиб юборилмайди ва жамланган (сурув)лар бир-биридан ажратилмайди» сўзи бундай изоҳланади: «Уч киши бўладики, ҳар биттасининг қирқтадан қўйи бор ва закот бермоқлари вожиб. Булар уччаласининг молидан, битта қўй бериш вожиб бўлмоғи учун сурувларини бир-бирига қўшиб юборишади. Ёки икки кишининг икки юз иккита қўйи бўлиб, булардан закот сифатида учта қўй бермоғи вожиб. Шунда ҳар бири биттадан қўй бериш учун, келишиб, сурувни ажратишади».

«Сурув қўшилгач, эгалари бир-бирларига тенгма-тенг савияда қарайдилар» деган жумла бундай изоҳланади: масалан, қўшилган бир сурувда ҳар бирининг йигирматадан қўйи бўлади ва закот маъмури шулардан биттасининг молидан битта қўй олса, иккинчи киши молидан битта қўй олинган кишига ярим қўйнинг бадалини пул сифатида тўлайди.

Баъзи имомлар айтадилар: «Бу бир томондан мол эгасига, иккинчи томондан закот маъмурига хитобдир. Закот беришдан қўрқиб, булардан ҳеч бири ажратиш ёки қўшиш ҳаракатига тушмаслиги керак. Мол эгаси закот кўпаймоғидан қўрқиб, қўшиш ёки ажратиш пайига тушади. Закот маъмури эса закот озаймоғидан қўрқиб, қўшишга ёки ажратишга уринади. **«Закот (бериш)дан қўрқиб»**нинг маъноси закотнинг кўпаймоғидан ёки озаймоғидан қўрқишдир. Бу маъно хоҳ мол эгасига, хоҳ закот маъмурига тегишли эҳтимоли бўлганидан ва уни битталарига қаратмоқ иккинчиларига қаратмоқдан авло эмаслиги учун, икковига бирдан қаратилади. Шуниси борки, маънони мол эгасига қаратмоқ мувофиқроқдир».

5-БОБ. СИГИРНИНГ ЗАКОТИ

٦٢٢ - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عُبَيْدٍ الْمُحَارِبِيُّ وَأَبُو سَعِيدٍ الأَشَجُّ، قَالاَ: حَدَّثَنَا عَبْدُ السَّلاَمِ بْنُ حَرْبٍ، عَنْ خُصَيْفٍ، عَنْ أَبِي عُبَيْدَةَ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنُ مَسْعُودٍ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «فِي ثَلاَثِينَ مِنَ الْبَقَرِ تَبِيعٌ، أَوِ تَبِيعَةٌ، وَفِي كُلِّ أَرْبَعِينَ مُسِنَّةٌ».

622. *Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Ўттиз-та сигирда – икки ёшга етмаган битта эркак бузоқ ёки ғунажин ва қирқтада – уч ёшга етган битта ғунажин** (закот қилиб берилади)».

Бу бобда Муъоз ибн Жабал (розийаллоҳу анҳу)дан ҳадис ривоят қилинган.

Шунингдек, Абдус-Салом ибн Ҳарб Хусайфдан шу тарзда ривоят қилди.

Абдус-Салом сиқа (ишончли) ва ҳофиз (киши)дир.

Шарик бу ҳадисни Хусайфдан, Абу Убайдадан, унинг отасидан ривоят қилади.[100]

Абдуллоҳнинг ўғли Абу Убайда отасидан ҳадис эшитмаган.

٦٢٣ - حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلاَنَ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ، أَخْبَرَنَا سُفْيَانُ، عَنِ الأَعْمَشِ، عَنْ أَبِي وَائِلٍ، عَنْ مَسْرُوقٍ، عَنْ مُعَاذِ بْنِ جَبَلٍ قَالَ: بَعَثَنِي النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَى الْيَمَنِ فَأَمَرَنِي أَنْ آخُذَ مِنْ كُلِّ ثَلاَثِينَ بَقَرَةً تَبِيعًا، أَوِ تَبِيعَةً، وَمِنْ كُلِّ أَرْبَعِينَ مُسِنَّةً، وَمِنْ كُلِّ حَالِمٍ دِينَارًا، أَوْ عِدْلَهُ مَعَافِرَ.

[100] Яъни, Шарик санадда Абу Убайда билан Абдуллоҳ орасида «отасидан» деган лафзни қўшаётир. Абдуллоҳнинг ўғли Куфаликдир.

623. *Муъоз ибн Жабал (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мени Яманга юбордилар ва менга ҳар ўттиз сигирдан икки ёшга етган эркак ёки урғочи бир бузоқни, ҳар қирқтадан уч ёшга кирган битта ғунажинни ва ҳар бир рошид** (болиғ ва оқил) **кишидан бир динор ёки шунга тенг кийимлик матоҳ олмоғимни буюрдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан.

Баъзилар бу ҳадисни Суфёндан, Ал-Аъмашдан, Абу Воилдан, Масруқдан ривоят қиладилар: «**Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Муъозни Яманга юбордилар ва унга** (закот) **олмоқни буюрдилар».** Бу ривоят асаҳҳ (саҳиҳ)роқ.

٦٢٤ - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ، حَدَّثَنَا شُعْبَةُ، عَنْ عَمْرِو بْنِ مُرَّةَ، قَالَ: سَأَلْتُ أَبَا عُبَيْدَةَ بْنَ عَبْدِ اللَّهِ هَلْ يَذْكُرُ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ شَيْئًا؟ قَالَ: لاَ.

624. *Муҳаммад ибн Башшор Муҳаммад ибн Жаъфар орқали Шуъбадан ривоят қилиб, Амр ибн Мурронинг бундай деганини бизга баён қилди; «Абу Убайдадан:* **«Абдуллоҳдан бирор нарса** (ҳадис) **хотирлайсанми?» деб сўрадим. «Йўқ» деди.**

ИЗОҲ. Абдуллоҳ ибн Масъуднинг ўғли Абу Убайда уз отасидан ҳадис эшитмаган. 622-рақамли ҳадис изоҳида бу гап айтилди. Термизий бунинг исботи учун мазкур сўзни бу ўринда қўллаганлар. Абдурраҳмон Муҳаммад Усмон таҳқиқ ва таҳсис этган Термизий (китоби) нусхасига таяниб, бу сўзга ҳадис рақами қўйилган. Ҳолбуки, бу ҳадиснинг жойи 622-ҳадис изоҳида келган «Абдуллоҳнинг ўғли Абу Убайда отасидан ҳадис эшитмаган» деган жумладан кейиндир. Балки Термизий китобининг бошқа нусхаларида бундай тузатиш бордир.

6-БОБ. ЗАКОТДА МОЛНИНГ ЯХШИСИНИ ОЛМОҚ МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

٦٢٥- حَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، حَدَّثَنَا زَكَرِيَّا بْنُ إِسْحَاقَ الْمَكِّيُّ، حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ صَيْفِيٍّ، عَنْ أَبِي مَعْبَدٍ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَعَثَ مُعَاذًا إِلَى الْيَمَنِ، فَقَالَ لَهُ: «إِنَّكَ تَأْتِي قَوْمًا أَهْلَ كِتَابٍ فَادْعُهُمْ إِلَى شَهَادَةِ أَنْ لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللَّهُ وَأَنِّي رَسُولُ اللَّهِ، فَإِنْ هُمْ أَطَاعُوا لِذَلِكَ فَأَعْلِمْهُمْ أَنَّ اللَّهَ افْتَرَضَ عَلَيْهِمْ خَمْسَ صَلَوَاتٍ فِي الْيَوْمِ وَاللَّيْلَةِ، فَإِنْ هُمْ أَطَاعُوا لِذَلِكَ فَأَعْلِمْهُمْ أَنَّ اللَّهَ افْتَرَضَ عَلَيْهِمْ صَدَقَةً فِي أَمْوَالِهِمْ تُؤْخَذُ مِنْ أَغْنِيَائِهِمْ وَتُرَدُّ عَلَى فُقَرَائِهِمْ، فَإِنْ هُمْ أَطَاعُوا لِذَلِكَ فَإِيَّاكَ وَكَرَائِمَ أَمْوَالِهِمْ، وَاتَّقِ دَعْوَةَ الْمَظْلُومِ؛ فَإِنَّهَا لَيْسَ بَيْنَهَا وَبَيْنَ اللَّهِ حِجَابٌ».

625. *Ҳазрати Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Муъоз** (розийаллоҳу анҳу) **ни Яманга юбора туриб, бундай дедилар: «Сен Аҳли китоб бўлмиш бир қавмга бораётирсан. Уларни «Ло илоҳа иллаллоҳ»** («Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ») **деб ва мени Аллоҳнинг Расули деб шоҳидлик бермоққа даъват қил! Агар бунга итоат этсалар, унда Аллоҳ таъоло уларга ҳар кеча-кундузда беш вақт намоз** (ўқимоқ)**ни фарз қилганини билдиргин. Агар бунга итоат этсалар, унда Аллоҳ таъоло уларга молларининг закотини** (бермоқликни) **фарз қилганини билдиргин: бойларидан олиб, камбағалларига қайтарилгайдир. Агар бунга итоат қилсалар, сен молларнинг энг яхшиси учун талашма! Мазлумнинг қарғишидан қўрқгилки, мазлум билан Аллоҳнинг ўртасида парда йўқдир!..»**

Бу бобда Ас-Сунобиҳий (розийаллоҳу анҳу)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Аббоснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Ибн Аббоснинг мавлоси (озод этилган қули) Абу Маъбаднинг исми – Нофиз.

ИЗОҲ. Яъни, бир кишига зулм қилсанг, зулм ўтган киши сени қарғамоғидан қўрқгил ва ҳеч кимга зулм қилма. Суютий айтади: «Мазлум аслида дуоси қабул бўлмайдиган киши бўлса ҳам, ҳатто баъзи ривоятларга кўра, кофир киши бўлса ҳам, Аллоҳ билан мазлумнинг қарғиши ўртасида парда йўқ».

7-БОБ. МЕВА, ПОЛИЗ ВА ҒАЛЛА ЭКИНЛАРИНИНГ ЗАКОТИ

٦٢٦- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الْعَزِيزِ بْنُ مُحَمَّدٍ، عَنْ عَمْرِو بْنِ يَحْيَى الْمَازِنِيِّ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَيْسَ فِيمَا دُونَ خَمْسِ ذَوْدٍ صَدَقَةٌ، وَلَيْسَ فِيمَا دُونَ خَمْسِ أَوَاقٍ صَدَقَةٌ، وَلَيْسَ فِيمَا دُونَ خَمْسَةِ أَوْسُقٍ صَدَقَةٌ».

626. *Абу Саъид ал-Ҳудрий (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Бештадан оз туялар** (подаси)**да закот йўқ»; беш увқиядан оз** (кумуш)**да закот йўқ; беш васақдан оз** (мева сабзавот ва ғалла)**да закот йўқ»**.

Бу бобда яна Абу Ҳурайра, Ибн Умар, Жобир ва Абдуллоҳ ибн Амр (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинди.

ИЗОҲ. Увқия – 1283 граммлик қадимий оғирлик ўлчови. Аммо ҳадисда билиттифоқ қирқ дирҳамнинг муқобили тарзида қўлланган.

Бир **васақ** – олтмиш соъ. (**Соъ** – дон маҳсулотлари ўлчови бўлиб, килограмм деганидир. Бир соъ дирҳами шаръий эътибори билан 2,917кг,

дирҳами урфий эътибори билан 3,333 кг.) Чунончи, Термизий бу сўз тафсирини ҳадиснинг изоҳида берганлар.

٦٢٧ - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ وَشُعْبَةُ وَمَالِكُ بْنُ أَنَسٍ، عَنْ عَمْرِو بْنِ يَحْيَى، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَحْوَ حَدِيثِ عَبْدِ الْعَزِيزِ، عَنْ عَمْرِو بْنِ يَحْيَى.

627. *Муҳаммад ибн Башшор бизга Абдурраҳмон ибн Маҳдий орқали баён этдики, Суфён, Шуъба ва Молик ибн Анас, Амр ибн Яҳёдан, унинг отасидан, Абу Саъид ал-Худрийдан, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилдилар: Абдулазизнинг Амр ибн Яҳёдан ривоят қилган ҳадисининг айни ўзи...*

Абу Ийсо деди(лар): Абу Саъиднинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Бу ҳадис Абу Саъиддан биттадан кўп важҳдан ривоят қилинган.

Илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир. Яъни беш васақдан оз (нарсалар)да закот йўқ. Бир васақ – олтмиш соъ. Беш васақ – уч юз соъ бўлади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг соълари – бешдан ва учдан бир ратлдир. Куфа аҳлининг соъи эса – саккиз ратл. Беш увқиядан озида закот йўқ. Бир увқия – қирқ дирҳам. Беш увқия икки юз дирҳам бўлади. Туянинг бештадан озида закот йўқ, яъни саноғи бештага етмаган туяда закот йўқ. Туянинг саноғи йигирма бештага етганда уларда икки ёшга кирган бир урғочи туя боласи бор. Йигирма бештадан оз туяларда ҳар беш туяда (закот сифатида) битта қўй бор.

8-БОБ. (ТИЖОРАТ УЧУН БЎЛМАГАН) ОТ ВА ҚУЛ УЧУН ЗАКОТ ЙЎҚ

٦٢٨ - حَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ مُحَمَّدُ بْنُ الْعَلاَءِ وَمَحْمُودُ بْنُ غَيْلاَنَ، قَالاَ: حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنْ سُفْيَانَ وَشُعْبَةَ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ دِينَارٍ، عَنْ سُلَيْمَانَ بْنِ يَسَارٍ، عَنْ عِرَاكِ بْنِ مَالِكٍ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**لَيْسَ عَلَى الْمُسْلِمِ فِي فَرَسِهِ وَلاَ فِي عَبْدِهِ صَدَقَةٌ**».

628. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Мусулмон киши зиммасида** (тижорат учун бўлмаган) **оти ва қули учун закот йўқ».**

Бу бобда яна Абдуллоҳ ибн Амр ва Али (розийаллоҳу анҳумо) дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир. Чунончи, (миниб юриладиган ва яйловга қўйиб юборилган) отлар учун ва хизматдаги қул учун закот йўқ. Фақатгина тижорат учун бўлса, бир ёшдан ошганида уларнинг саминлари (қийматлари) учун закот бор.

9-БОБ. АСАЛНИНГ ЗАКОТИ

٦٢٩ - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ يَحْيَى النَّيْسَابُورِيُّ، حَدَّثَنَا عَمْرُو بْنُ أَبِي سَلَمَةَ التِّنِّيسِيُّ، عَنْ صَدَقَةَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ، عَنْ مُوسَى بْنِ يَسَارٍ، عَنْ نَافِعٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الْعَسَلِ: «**فِي كُلِّ عَشَرَةِ أَزْقٍّ زِقٌّ**».

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Ҳар ўн зиққ** (меш, саноч) **асал учун бир зиққ** (закот) **бор».**

Бу бобда яна Абу Ҳурайра, Абу Сайёра, Ал-Мутаий ва Абдуллоҳ ибн Амр (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Умар ҳадисининг исноди ҳақида сўз (танқид) бор.

Бу бобда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан саҳиҳ тарзида ортиқ бирор нарса ривоят қилинмаган.

Илм аҳллари кўпчилигининг амали шу ҳадис асосидадир. Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шу.

Баъзи илм аҳллари асал учун ҳеч нарса (ушр) йўқ деб қарор қилганлар.[101]

٦٣٠ - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الْوَهَّابِ الثَّقَفِيُّ، حَدَّثَنَا عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ عُمَرَ، عَنْ نَافِعٍ قَالَ: سَأَلَنِي عُمَرُ بْنُ عَبْدِ الْعَزِيزِ عَنْ صَدَقَةِ الْعَسَلِ، قَالَ: قُلْتُ: مَا عِنْدَنَا عَسَلٌ نَتَصَدَّقُ مِنْهُ، وَلَكِنْ أَخْبَرَنَا الْمُغِيرَةُ بْنُ حَكِيمٍ أَنَّهُ قَالَ: لَيْسَ فِي الْعَسَلِ صَدَقَةٌ، فَقَالَ عُمَرُ: عَدْلٌ مَرْضِيٌّ، فَكَتَبَ إِلَى النَّاسِ أَنْ تُوضَعَ - يَعْنِي: عَنْهُمْ.

630. *Муҳаммад ибн Башшор бизга Абдулваҳҳоб ас-Сақафий орқали Убайдуллоҳ ибн Умардан, Нофиъдан (розияллоҳу анҳум) баён қилди; айтдилар:* **«Умар ибн Абдулазиз мендан асалнинг закоти ҳақида сўради.** (Нофиъ) **айтади: «Бизда** (у миқдорда) **асал йўққи, ундан закот берсак.**

[101] «Саҳиҳи Бухорий»нинг закот ҳақидаги бобларидан бирида ҳам: «Умар ибн Абдул Азиз асалга солиқ солмоқни лозим кўрмаганлар», дейилади (1-жилд, 409-бет).

Лекин Муғийра ибн Ҳаким бизга хабар бериб: «Асалда закот йўқ», деди. Шунда Умар (ибн Абдулазиз) **айтди: «Адолат, розилик. Бас, у инсонларга соқит қилишни ёзди; яъни, улардан** (соқит қилишни)**».**

ИЗОҲ. «Саҳиҳи Бухорий»нинг закот ҳақидаги бобларидан бирида ҳам: «Умар ибн Абдул-Азиз асалга солиқ солмоқни лозим кўрмаганлар», дейилади *(1-жилд, 409-бет)*. Бироқ асалдан ушр бериш вожибдир. Чунончи, «Ҳидоя»и шарифда ёзилган: «Ушр (ўндан бир олинадиган) ери(да боқилган асалари)нинг асалида ушр берилади. Имом Шофиъий (раҳимаҳуллоҳ): «Асалдан ушр олинмайди, чунки асал ипакка ўхшаш жонивордан (яъни, асаларидан) олинадиган маҳсулот бўлиб, булардан ушр олинмайди», дейдилар. Биз ҳанафийларнинг далилимиз ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Асалда ушр бордир» деган ҳадиси шарифларидир. Шунингдек, асалари гуллар ва мевалардан озиқланади, бу гуллар ва мевалардан ҳамда улардан пайдо бўладиган нарсалардан эса ушр олинади. Ипак қуртининг ҳукми бунинг аксичадир, чунки у баргдан озуқаланади. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг фикрларича, асалнинг миқдори озми, кўпми – фарқи йўқ, ундан ушр берилади, чунки асалда нисобнинг эътибори йўқ» («Экин ва мевалардан закот бериш» боби).

«Мухтасар»дан: «Ушрий ернинг асалидан ва тоғ асалидан, тоғ ҳосилидан, гарчи оз бўлса-да, боринининг ўндан бирини бериш вожибдир».

«Мухтасари Виқоя»нинг туркий шарҳидан: «Ва ушрий ернинг асалидан ёки ушрий тоғлар асалидан... агарчи оз бўлиб, уч юз соъга етмаса ҳам, ушр бермоқ вожибдир».

10-БОБ. (ЙИЛ ДАВОМИДА) ФОЙДА КЕЛТИРАДИГАН МОЛ УЧУН УСТИДАН ТЎЛИҚ БИР ЙИЛ ЎТМАГУНИЧА ЗАКОТ ЙЎҚ

٦٣١ - حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ مُوسَى، حَدَّثَنَا هَارُونُ بْنُ صَالِحٍ الطَّلْحِيُّ الْمَدَنِيُّ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ زَيْدِ بْنِ أَسْلَمَ، عَنْ أَبِيهِ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنِ اسْتَفَادَ مَالاً فَلاَ زَكَاةَ عَلَيْهِ حَتَّى يَحُولَ عَلَيْهِ الْحَوْلُ عِنْدَ رَبِّهِ».

631. *Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «**Кимки бир молдан истифода этса** (фойда кўрса)**, то бир йил ўтмагунича мол эгаси зиммасида ўша мол учун закот йўқ».**

Бу бобда яна Сарро бинти Набҳон ал-Ғанавийя (розийаллоҳу анҳо)дан ҳадис ривоят қилинган.

٦٣٢ - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الْوَهَّابِ الثَّقَفِيُّ، حَدَّثَنَا أَيُّوبُ، عَنْ نَافِعٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ قَالَ: مَنِ اسْتَفَادَ مَالاً فَلاَ زَكَاةَ فِيهِ حَتَّى يَحُولَ عَلَيْهِ الْحَوْلُ عِنْدَ رَبِّهِ.

632. *Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Кимки бир молдан истифода этса** (фойда кўрса)**, Раббиси наздида мол эгаси зиммасида молидан токи бир йил ўтмагунича закот йўқ».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис Абдурраҳмон ибн Зайд ибн Асламнинг ҳадисидан кўра асаҳҳ (саҳиҳроқ).[102]

Бу ҳадисни Аййуб ва Убайдуллоҳ ибн Умар ва биттадан ортиқ киши, Нофиъ воситасида, Ибн Умардан мавқуф тарзида ривоят қилдилар.

Абдурраҳмон ибн Зайд ибн Аслам ҳадис (боби)да заифдир. Муҳаддислардан Аҳмад ибн Ҳанбал, Али ибн ал-Мадиний ва тағин бошқалар, унинг заиф эканини қайд этганлар. Ўзи кўп ўринда янглишган.

(Бир йил давомида) фойда кўрилган мол учун токи бир йил ўтмагунича закот йўқ экани Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан биттадан ортиқ кишидан ривоят қилинган. Молик ибн Анас, Шофиъий, Аҳмад ибн Ҳанбал ва Исҳоқнинг қавли шудир.

Баъзи илм аҳллари бундай дейдилар: «Мулкида (қўл остида) закот вожиб бўлган мол бор эса, унда (фойда, хайр-эҳсон ва мерос олиш йўли билан қўлга киритилган молда) закот бор. Агар мулкида (қўл остида) фойда келтирган молдан бошқа, закот вожиб бўлган мол йўқ эса, фойда келтирган молидан токи бир йил ўтмагунича, бу мол учун закот (бермоғи) вожиб эмас. «Ҳаволони ҳавл»дан олдин бирор молни фойда қилса, закоти вожиб бўлган моли билан биргаликда фойда келтирган бу молнинг закотини беради».

Суфён Саврий ва Куфа аҳлининг қавли шудир.

ИЗОҲ. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) шу қавлга эга бўлганлар. Чунончи, йил бошида нисобга эга бўлиб, йил давомида фойда-даромад, ҳиба (хайр-эҳсон) ва мерос (олиш) каби бирор сабаб билан, янгитдан фойда кўрса, қўлига янгитдан мол тушса, бу молни эски молига қўшиб, закотини беради. Аммо йил бошида нисобга эга бўлмай, фақат кейинчалик қўлга киритган моли билан нисобга эга бўлса, «ҳаволони ҳавл»дан (молидан тўлиқ бир йил ўтмасидан) олдин закот вожиб бўлмайди...

11-БОБ. МУСУЛМОН БЎЛГАН (ИСЛОМ ДИНИГА КИРГАН) КИШИЛАРДАН ЖИЗЙА СОҚИТ ҚИЛИНАДИ

٦٣٣ - حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ أَكْثَمَ، حَدَّثَنَا جَرِيرٌ، عَنْ قَابُوسَ بْنِ أَبِي ظَبْيَانَ، عَنْ أَبِيهِ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا تَصْلُحُ قِبْلَتَانِ فِي أَرْضٍ وَاحِدَةٍ، وَلَيْسَ عَلَى الْمُسْلِمِينَ جِزْيَةٌ».

[102] Яъни, Абдурраҳмон ибн Зайд ибн Аслам марфуъ тарзида ривоят қилган ҳадис – заиф. Мавқуф тарзида ривоят қилинган бу ҳадис – саҳиҳ.

633. *Ҳазрати Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинди; айтдилар:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Битта ер устида икки қибла дуруст бўлмагай ва мусулмон бўлган кишилар учун жизйа йўқдир.**[103]

٦٣٤ - حَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ، حَدَّثَنَا جَرِيرٌ، عَنْ قَابُوسَ بِهَذَا الإِسْنَادِ نَحْوَهُ.

634. *Абу Курайб бизга Жарир орқали Қобусдан баён қилди: шу иснод билан айни ўтган ҳадис...*

Бу бобда яна Саъид ибн Зайд ва Ҳарб ибн Убайдуллоҳ ас-Сақафийнинг бобоси (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Аббоснинг ҳадиси, Қобус ибн Абу Зобйандан, унинг отасидан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан мурсал тарзида ривоят қилинган.

Бутун илм аҳлларининг наздида амал шу ҳадис асосидадир: насоро (христиан) киши мусулмон бўлганида ундан жизйа бекор қилинади. Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳ ва салламнинг сўзлари борки: **«Мусулмонлар учун ушрлар (жизйа) йўқдир».** Чунончи, бу ҳукм ҳадисда тафсир этилиб, бундай дейилган: «Ушр – яҳудий ва насоролар (христианлар) учундир; мусулмонлар зиммасида ушр йўқ».

ИЗОҲ. Ибнул-Арабий «Оридатул-аҳвазий» номли Термизий китоби шарҳида бундай дейди: Термизий Абу Умайя ушр борасида отасидан ривоят қилган ҳадиснинг маъноси жизйага оид деб ҳисобладилар. Ҳолбуки, ундоқ эмас». Али Ал-Қорий ҳазратлари «Ал-Мирқот» китобида бу ҳадис шарҳида бундай дейди: «Ҳадисда ворид бўлган «ушр»дан мурод – тижорат молидан олинадиган ушрдир, йўқса ер-дала ҳосилларидан олинадиган закот ушри эмас».

12-БОБ. ЗЕБ-ЗИЙНАТ ЗАКОТИ

٦٣٥ - حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ، عَنِ الأَعْمَشِ، عَنْ أَبِي وَائِلٍ، عَنْ عَمْرِو بْنِ الْحَارِثِ بْنِ الْمُصْطَلِقِ، عَنِ ابْنِ أَخِي زَيْنَبَ امْرَأَةِ عَبْدِ اللَّهِ، عَنْ زَيْنَبَ امْرَأَةِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ، قَالَتْ: خَطَبَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: «**يَا مَعْشَرَ النِّسَاءِ تَصَدَّقْنَ، وَلَوْ مِنْ حُلِيِّكُنَّ؛ فَإِنَّكُنَّ أَكْثَرُ أَهْلِ جَهَنَّمَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ**».

---

[103] **Жизйа** – мусулмон мамлакатида яшовчи бошқа диндаги кишилардан жон бошига олинадиган солиқ. Қонлари ва жонлари ҳимоя этилмоғи эвазига Ислом давлатига тўлов тўлайдилар. Ал-Ироқий Термизий китоби шарҳида ушбу ҳадисни бундай изоҳлайди: «Йил давомида мусулмон бўлса, ундан шу йилнинг жизйаси олинмайди... Мусаннифлар жизйани жиҳод бобидан кейин зикр қилишади. Термизий Имом Молик сингари буни закот бобида зикр қилганлар». Жизйани илк бор закот бобида зикр қилган киши Имом Моликдир. Кейинги муаллифлардан баъзиси у кишига эргашган, баъзиси олдинги усулни қўллаган. Закот бобида зикр этилмоғининг сабаби шуки, закот – мусулмонлар адо этадиган молиявий тўловдир, жизйа эса – кофирлар адо этадиган молиявий тўлов.

635. *Абдуллоҳ (Ибн Масъуд)нинг хотини Зайнаб (розийаллоҳу анҳо) дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларга** (аёллар жамоасига) **ваъз қилиб, айтдилар: «Эй аёллар жамоаси! Агарчи** (тақиб турган) **зеб-зийнатларингиздан бўлса ҳам, садақа** (закот) **беринглар! Чунки қиёмат кунида жаҳаннам аҳлининг кўпчилиги сиз** (хотин)**лардирсиз!..»**

٦٣٦ - حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلَانَ، حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ، عَنْ شُعْبَةَ، عَنِ الأَعْمَشِ، قَالَ: سَمِعْتُ أَبَا وَائِلٍ يُحَدِّثُ عَنْ عَمْرِو بْنِ الْحَارِثِ ابْنِ أَخِي زَيْنَبَ امْرَأَةِ عَبْدِ اللَّهِ، عَنْ زَيْنَبَ امْرَأَةِ عَبْدِ اللَّهِ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: نَحْوَهُ.

636. *Маҳмуд ибн Ғайлон бизга Абу Довуд орқали Шуъбадан нақл этиб, Ал-Аъмашнинг бундай деганини баён қилди:* **Абу Воилдан эшитдим, Абдуллоҳнинг хотини бўлмиш Зайнабнинг жияни** (биродарзодаси) – **Амр ибн Ҳорисдан, Абдуллоҳнинг хотини Зайнабдан, ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан баён қилади: ўтган ҳадиснинг ўзи.**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ривоят Абу Муъовиянинг ривоятидан кўра асаҳҳ (саҳиҳроқ).

Абу Муъовия ўз ривоятида ваҳмга берилиб: «Амр ибн Ҳорисдан, Зайнабнинг жиянидан» деди. Саҳиҳ бўлгани – Зайнабнинг жияни – Амр ибн Ҳорисдан» (дейилгани)дир.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг зеб-зийнат ашёсида закот бор қарашлари Амр ибн Шуъайбдан, унинг отасидан, бобосидан, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган.

Бу ҳадиснинг исноди да гумон бор.[104]

Илм аҳллари бу масалада ихтилоф қилдилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан ва тобеъийнлардан баъзи илм аҳллари олтин ва кумуш бўлган зийнат ашёсида закот бор деган фикрдалар. Суфён Саврий ва Абдуллоҳ ибн Муборакнинг қавли шудир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, ораларида Ибн Умар, Оиша (онамиз), Жобир ибн Абдуллоҳ ва Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳум) бор бўлган баъзи илм аҳллари: «Зеб-зийнат ашёсида закот йўқ» дейдилар.

Тобеъийнларнинг айрим фақиҳларидан шундай деб ривоят қилинган. Молик ибн Анас, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир.

---

[104] Термизий Амр ибн Шуъайбнинг ҳадисини бу бобда таржиҳ этадилар ва бу ҳадиснинг исноди ҳақидаги гумонни шарҳлайдилар. Кейинги ҳадис шудир.

٦٣٧ - حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا ابْنُ لَهِيعَةَ، عَنْ عَمْرِو بْنِ شُعَيْبٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ جَدِّهِ: أَنَّ امْرَأَتَيْنِ أَتَتَا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَفِي أَيْدِيهِمَا سُوَارَانِ مِنْ ذَهَبٍ، فَقَالَ لَهُمَا: «أَتُؤَدِّيَانِ زَكَاتَهُ؟» قَالَتَا: لَا، قَالَ: فَقَالَ لَهُمَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَيُحِبَّانِ أَنْ يُسَوِّرَكُمَا اللَّهُ بِسُوَارَيْنِ مِنْ نَارٍ؟» قَالَتَا: لَا، قَالَ: «فَأَدِّيَا زَكَاتَهُ».

637. *Амр ибн Шуъайбнинг бобосидан ривоят қилинди:* **«Икки хотин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келди, қўлларида олтин билагузук бор эди. Шунда** (Расули Акрам) **уларга: «Бунинг закотини берасизларми?» дедилар. «Йўқ» дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга айтдилар: «Аллоҳ таоло иккалангизга оловдан иккита билакузук тақдирмоғини хуш кўрасизларми?» «Йўқ!» дейишди.** (Расулуллоҳ)**: «Унда закотини беринглар!» дедилар.**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадисни Ал-Мусанна ибн ас-Саббоҳ, Амр ибн Шуъайбдан шу тарзда ривоят қилди. Ал-Мусанна ибн ас-Саббоҳ ва Ибн Лаъия ҳадис (боби)да заиф эканликлари қайд этилган.

Бу мавзуда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан саҳиҳ тарзида бирор нарса (ҳадис) ривоят қилинмаган.

13-БОБ. КЎКАТ-САБЗАВОТ ЗАКОТИ

٦٣٨ - حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ خَشْرَمٍ، أَخْبَرَنَا عِيسَى بْنُ يُونُسَ، عَنِ الْحَسَنِ بْنِ عُمَارَةَ، عَنْ مُحَمَّدِ ابْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ عُبَيْدٍ، عَنْ عِيسَى بْنِ طَلْحَةَ، عَنْ مُعَاذٍ أَنَّهُ كَتَبَ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَسْأَلُهُ عَنِ الْخَضْرَاوَاتِ، وَهِيَ الْبُقُولُ، فَقَالَ: «لَيْسَ فِيهَا شَيْءٌ».

638. *Муъоз (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«У** (Муъоз) **Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга** (мактуб) **ёзиб, кўкат** (закоти) **ҳақида сўрадилар, бу эса сабзавотдир. Шунда** (Расули Акрам) **айтдилар: «Кўкат-сабзавотда ҳеч нарса** (закот) **йўқ!».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадиснинг исноди саҳиҳ эмас. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бу бобда саҳиҳ тарзида асосан ҳеч нарса (ҳадис) ривоят қилинмаган. Бу ҳадис эса Мусо ибн Талҳа

орқали Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан мурсал тарзида ривоят қилинади.

Илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир. Яъни кўкат-сабзавотда закот йўқ деган асосдадир.

Ҳасан Уморанинг ўғли бўлиб, муҳаддислар наздида заифдир. Шуъба ва тағин бошқалар унинг заиф эканини қайд этганлар. Абдуллоҳ ибн Муборак уни(нг ҳадисини) тарк этган.

14-БОБ. НАҲР (ДАРЁ, АРИҚ) ВА БОШҚА (ТАБИИЙ) ВОСИТАЛАР БИЛАН СУҒОРИЛАДИГАН ЭКИНЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ҲОСИЛЛАР ЗАКОТИ

٦٣٩ - حَدَّثَنَا أَبُو مُوسَى الأَنْصَارِيُّ، حَدَّثَنَا عَاصِمُ بْنُ عَبْدِ الْعَزِيزِ الْمَدَنِيُّ، حَدَّثَنَا الْحَارِثُ ابْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي ذُبَابٍ، عَنْ سُلَيْمَانَ بْنِ يَسَارٍ وَبُسْرِ بْنِ سَعِيدٍ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**فِيمَا سَقَتِ السَّمَاءُ وَالْعُيُونُ الْعُشْرُ، وَفِيمَا سُقِيَ بِالنَّضْحِ نِصْفُ الْعُشْرِ**».

639. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Осмон** (ёмғир) **ва булоқ сувлари** (оқар сувлар ва ер ости сизот сувлари) билан суғориладиган экинларда ушр (ҳосилнинг ўндан бирини бериш) **бор, чиғир билан суғориладиган экинларда эса ярим** (йигирмадан бир ҳисса) **ушр** (закот) **бор».**

Бу бобда Анас ибн Молик, Умар ва Жобир (розийаллоҳу анҳум) дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис Букайр ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ашажж, Сулаймон ибн Ясор ва Буср ибн Саъид воситасида Пайғамбар алайҳиссаломдан мурсал тарзида ривоят қилинди. Бу айтилган ривоят янада саҳиҳроқ.

Ибн Умар ушбу бобда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадис саҳиҳ. Бутун фақиҳларнинг амали шу ҳадис асосидадир.

٦٤٠ - حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ الْحَسَنِ، حَدَّثَنَا سَعِيدُ بْنُ أَبِي مَرْيَمَ، حَدَّثَنَا ابْنُ وَهْبٍ، حَدَّثَنِي يُونُسُ، عَنِ ابْنِ شِهَابٍ، عَنْ سَالِمٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَنَّهُ سَنَّ فِيمَا سَقَتِ السَّمَاءُ وَالْعُيُونُ أَوْ كَانَ عَثَرِيًّا الْعُشْرَ، وَفِيمَا سُقِيَ بِالنَّضْحِ نِصْفَ الْعُشْرِ.

640. *Ибн Шиҳоб Солимнинг отаси ҳазрати Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳумо) орқали Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам-дан ривоят қилади:* **«Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам осмон** (ёмғир) **ва булоқлар** (оқар сувлар) **ёки ер ости сизот сувлари билан суғорилган экинга бир ушр** (ҳосилнинг ўндан бири)**, чиғир орқали суғориладиган экинларга эса ярим ушр** (закот) **белгилади-лар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

ИЗОҲ. Сув ҳавзалари, чиғирлар (чархпалак) ёки тўпланган сувлар ва пуллик сувлар билан суғорилган экинлардан ҳам ярим ушр (ҳосилнинг йигирмадан бири) олинади. Ҳанафий мазҳабига кўра бу тур суғориш йил бўйи ёки ярим йилдан ортиқ давом этиши керак.

Бутун уламо ва тўрт имом мазҳабига кўра, буғдой, арпа, мош, нўхат, шоли (гуруч) ва шу каби барча донли-дуккакли экин ҳосилларидан ушр бермоқ вожибдир. Имоми Молик «Ал-Муваттоъ» китобида бун-дай дейди: «Закотда табиий бўлган ғалла ушбулардир: буғдой, арпа, жавдар, маккажўхори, тариқ, шоли, мош, сули, ловия, жулжулон ва шунга ўхшаш ош-таъом қилинадиган донлар. Пишиб, дон бўлганидан кейин буларнинг ҳаммасидан закот олинади». Бу мазҳабнинг йўлбош-чиси ушр вожиб бўлишига далолат қиладиган ҳадис ва оятлар маъноси билан амал қилаётир. Ҳасан Басрий, Ҳасан ибн Солиҳ, Саврий ва Ибн Сийрийн арпа, буғдой майиз ва хурмолардан бошқа нарсада закот йўқ деган фикрга эга бўлганлар. Буларнинг фикрича, ушр фақат шу тўрт нарсада вожиб. Табороний, Ҳоким ва Доруқутнийнинг Абу Мусо Ашъарий ва Муъоз (розийаллоҳу анҳумо)дан тахриж қилган ҳадислари билан истидлол қиладилар. Бу ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу икки саҳобага бундай деб айтганлари ривоят қилинади: «Закотни фақатгина ушбу тўрт синф (нарса)дан олингизлар: арпа, буғдой, майиз ва хурмодан». «Субулус-Салом» муаллифи Байҳақийнинг бу ҳадис ҳақида бундай деганини ёзади: «Бу ҳадиснинг ровийлари сиқа (ишончли) кишилардир ва санади муттасилдир». Шавконий ҳам «Ан-Наҳий» китобида шу усулни таржиҳ этади. Муборакфурий: «Абу Мусо ва Муъознинг мазкур ҳадиси санадида Талҳа ибн Яҳё борки, бу зот борасида ихтилоф қилинган» дейди ва бундай давом этади: «Бу ўриндаги чеклаш ҳақиқий эмас. Ҳақиқий бўлса эди, бу тўрт синфдан бошқа нарсада закот вожиб эмаслиги лозим бўларди. Лозим ботил бўлганидек, малзум (лозим қилувчи) ҳам айнан ботилдир. Бу ўриндаги чегара фақат нисбийдир».

Илова: «Ушрий ерда экилган экинларнинг ҳар хилларида ва бошқа меваларнинг ҳар хилларида, шакарқамиш ва дориворларда ва жамиъи ерда экилиб униб чиққан нарсаларда, агарчи оз бўлса-да, ушр бермоқ вожибдур. Магар ўтин ва ёғочдек нарсаларда ва қамишларда ушр вожиб бўлмагай» *(«Шарҳи Мухтасари Виқоя»).*

15-БОБ. ЕТИМ МОЛИНИНГ ЗАКОТИ

٦٤١ - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ إِسْمَعِيلَ، حَدَّثَنَا إِبْرَاهِيمُ بْنُ مُوسَى، حَدَّثَنَا الْوَلِيدُ بْنُ مُسْلِمٍ، عَنِ الْمُثَنَّى بْنِ الصَّبَّاحِ، عَنْ عَمْرِو بْنِ شُعَيْبٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ جَدِّهِ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَطَبَ النَّاسَ، فَقَالَ: «أَلاَ مَنْ وَلِيَ يَتِيمًا لَهُ مَالٌ فَلْيَتَّجِرْ فِيهِ، وَلاَ يَتْرُكْهُ حَتَّى تَأْكُلَهُ الصَّدَقَةُ».

641. *Амр ибн Шуъайбнинг бобосидан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам инсонларга** (мусулмонларга) **хитоб қилиб, айтдилар: «Кимки молдор бир етимнинг валийси бўлса, ўша мол билан тижорат қилсин ва токи садақа** (закот) **уни еб тугатгунига қадар тарк этиб қўймасин!».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис фақатгина шу важҳдан ривоят қилинган.

Унинг исноди ҳақида сўз қилинган. Чунки Ал-Мусанна ибн ас-Саббоҳ ҳадисда заиф экани қайд этилган. Баъзилар эса бу ҳадисни Амр ибн Шуъайбдан: «Умар ибн Хаттоб» деб ривоят қилиб, айни шу ҳадисни зикр этди.

Илм аҳллари бу бобда ихтилоф қилдилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан, ораларида (Ҳазрати) Умар, (Ҳазрати) Али, Оиша ва Ибн Умар (розийаллоҳу анҳум) ҳам бор бўлган бир қанча кишилар, етимнинг молида закот бор, деган фикрдалар. Молик, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ шу қавлга эга бўлганлар. Илм аҳлларидан бир гуруҳи эса, етимнинг молида закот йўқ, деб айтганлар. Суфён Саврий ва Абдуллоҳ ибн Муборакнинг қавли шу.

Амр ибн Шуъайб – Ос ўғли бўлмиш Абдуллоҳ ўғли Муҳаммаднинг ўғлидир. Шуъайб бобоси Абдуллоҳ ибн Амрдан (ҳадис) эшитган. Яҳё ибн Саъид, Амр ибн Шуъайбнинг ривояти ҳақида (танқидий) сўз қилади ва: «У бизнинг наздимизда заифдир» дейди. Амр ибн Шуъайбнинг заиф эканини қайд этганлар, отаси Абдуллоҳ ибн Амрнинг саҳифасидан ҳадис ривоят қилгани учун уни заиф деб айтаётирлар. Аммо муҳаддисларнинг кўпчилиги Амр ибн Шуъайбнинг ҳадисини ҳужжат қилиб оладилар ва шу билан исбот этадилар. Аҳмад, Исҳоқ ва тағин бошқалар шулар жумласидандир.

16-БОБ. ҲАЙВОН ЕТКАЗГАН ЗАРАР СОҚИТДИР, РИКОЗ (ХАЗИНА) УЧУН ЭСА ХУМС (БЕШДАН БИР ҚИСМ ЗАКОТ) БОР

٦٤٢ - حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا اللَّيْثُ بْنُ سَعْدٍ، عَنِ ابْنِ شِهَابٍ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْمُسَيَّبِ وَأَبِي سَلَمَةَ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الْعَجْمَاءُ جَرْحُهَا جُبَارٌ، وَالْمَعْدِنُ جُبَارٌ، وَالْبِئْرُ جُبَارٌ، وَفِي الرِّكَازِ الْخُمُسُ».

642. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: Ёввойи** (эгасиз) **ҳайвонлар етказган жароҳати** (зарари) – **соқит, маъдан – соқит;**[105] **қудуқ – соқит.** (булар учун тўлов йўқ, чунки даромад келтирмайди); **Хазина** (дафина) **учун эса – хумс** (молнинг бешдан бири ҳисобида тўлов) **бор».**

Бу бобда Анас ибн Молик, Абдуллоҳ ибн Амр, Убода ибн ас-Сомит, Амр ибн Авф ал-Музаний ва Жобир (розийаллоҳу анҳум) дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

ИЗОҲ. Яъни ҳайвон, бошда сурув эгаси ва чўпони бўлмасдан, кундузи бирор талофат етказса, жарима тўланмайди. Бошида бирор киши бўлса, ўша киши зарарини тўлайди, чунки зарар унинг айби билан содир бўлди. Шунингдек, кечаси бўлса, зарарини тўлайди, чунки кечқурун ҳайвонлар боғланмоғи одатдирки, ҳайвон эгаси бу жиҳатдан айбдордир.

Қудуқ қазимоқ ёки маъдан қазиб чиқармоқ учун кира қилган қазувчи қудуқ ёки маъдан ўрасининг чўкиши(нураши) натижасида ўлса, тазминот тўламайди. Шунингдек, ковлаган қудуғига одам тушиб кетиб ўлса, агар ўша қудуқни тажовуз мақсади билан қазмаган бўлса, тўлов лозим бўлмайди. Агар тажовуз мақсади билан очган бўлса, бу масалада ихтилоф қилинган. *(Муборакфурий).*

Рикоз, яъни кўмилган хазина (дафина) «ракиз»нинг кўплик шакли бўлиб, ер ости бойликлари деганидир. Молик, Шофиъий ва барча уламо рикоз (хазина)ни жоҳилият даврида ерга кўмилган дафиналар сирасига қўшадилар ва бундай дейдилар: «Маъданлар учун бешдан бир бўлмай, агар нисобга етса, улар учун закот бор». Ҳофиз ибн Ҳажар: «Фатҳул-Борий»да барчанинг фикрини умумлаштириб, бундай дейди: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам маъдан билан рикоз орасини атиф «вов»и билан ажратганларки, бир-биридан бошқа-бошқа нарса эканлиги тўғридир» *(«Мухтасарул-виқоя» шарҳининг «Закот» китобига қаранг.)*

[105] Яъни олтин, кумуш, мис маъданлари ва бошқа маъданлар учун, топилган ва кашф этилган пайтида ҳеч қандай бир тўлов йўқ.

17-БОБ. ТАХМИН (БИЛАН ЗАКОТ МИҚДОРИНИ БЕЛГИЛАШ) ҲАҚИДА

٦٤٣ - حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلَانَ، حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ الطَّيَالِسِيُّ، أَخْبَرَنَا شُعْبَةُ، أَخْبَرَنِي خُبَيْبُ ابْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ، قَالَ: سَمِعْتُ عَبْدَ الرَّحْمَنِ بْنَ مَسْعُودِ بْنِ نِيَارٍ يَقُولُ: جَاءَ سَهْلُ بْنُ أَبِي حَثْمَةَ إِلَى مَجْلِسِنَا فَحَدَّثَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَقُولُ: «إِذَا خَرَصْتُمْ فَخُذُوا وَدَعُوا الثُّلُثَ، فَإِنْ لَمْ تَدَعُوا الثُّلُثَ فَدَعُوا الرُّبُعَ».

643. *Абдурраҳмон ибн Масъуд ибн Нийордан ривоят қилинди; айтадики:* **«Саҳл ибн Абу Ҳасма бизларнинг мажлисимизга келди ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганларини бизга баён қилди: «Агар чамалаб ўлчаган вақтингизда,** (чамаланган молнинг закотини) **олинглар ва** (лекин) **учдан бирини** (эгасига) **қолдиринглар! Агар учдан бирини қолдирмасангизлар, унда тўртдан бирини қолдиринглар».**

ИЗОҲ. Мевалар чамаланганда закот миқдори аниқланади ва охирида бу (ажратилган) миқдорнинг учдан икки қисми олиниб, учдан бир қисми мева эгаларига қолдирилади. Улар бу миқдорни хоҳлаганларидек садақа қилишлари мумкин.

٦٤٤ - حَدَّثَنَا أَبُو عَمْرٍو مُسْلِمُ بْنُ عَمْرٍو الْحَذَّاءُ الْمَدَنِيُّ، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ نَافِعٍ الصَّائِغُ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ صَالِحٍ التَّمَّارِ، عَنِ ابْنِ شِهَابٍ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْمُسَيَّبِ، عَنْ عَتَّابِ بْنِ أَسِيدٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَبْعَثُ عَلَى النَّاسِ مَنْ يَخْرُصُ عَلَيْهِمْ كُرُومَهُمْ وَثِمَارَهُمْ.

وَبِهَذَا الإِسْنَادِ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ فِي زَكَاةِ الْكُرُومِ: إِنَّهَا تُخْرَصُ كَمَا يُخْرَصُ النَّخْلُ، ثُمَّ تُؤَدَّى زَكَاتُهُ زَبِيبًا كَمَا تُؤَدَّى زَكَاةُ النَّخْلِ تَمْرًا.

644. *Аттоб ибн Асийд (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга боғларини ва меваларини чамалаб берадиган кишини жўнатар эдилар».** *Ва шу исноди билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам боғлар закоти ҳақида бундай деб айтганлари ривоят қилинди:* **«Боғларга ҳам, худди хурмолар чамаланмоғи каби чама қилинади ва кейин хурмонинг закоти хурмо майизи сифатида тўлангани сингари, унинг** (узумнинг) **закоти ҳам майиз сифатида тўланади».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

Ибн Журайж бу ҳадисни Ибн Шиҳобдан, Урвадан, Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилаётир. Буни Муҳаммад (ал-Бухорий)дан сўрадим, айтдики: «Ибн Журайжнинг ривояти маҳфуз эмас.

Саъид ибн ал-Мусаййабнинг Аттоб ибн Асийддан қилган ривояти асаҳҳ (саҳиҳроқ)».

18-БОБ. ҲАҚҚОНИЙЛИК БИЛАН ИШ КЎРУВЧИ ЗАКОТ МАЪМУРИ ҲАҚИДА

٦٤٥ - حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ هَارُونَ، أَخْبَرَنَا يَزِيدُ بْنُ عِيَاضٍ، عَنْ عَاصِمِ ابْنِ عُمَرَ بْنِ قَتَادَةَ ح وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ إِسْمَعِيلَ، قَالَ: حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ خَالِدٍ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِسْحَاقَ، عَنْ عَاصِمِ بْنِ عُمَرَ بْنِ قَتَادَةَ، عَنْ مَحْمُودِ بْنِ لَبِيدٍ، عَنْ رَافِعِ بْنِ خَدِيجٍ، قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «**الْعَامِلُ عَلَى الصَّدَقَةِ بِالْحَقِّ كَالْغَازِي فِي سَبِيلِ اللَّهِ حَتَّى يَرْجِعَ إِلَى بَيْتِهِ**».

645. *Рофиъ ибн Ходиж (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Ҳақ билан иш кўрувчи закот маъмури, токи уйига қайтгунича, бамисоли Аллоҳ йўлида** (жанг қилган) **ғозий кабидир», – деганларини эшитдим.**

Абу Ийсо деди(лар): Рофиъ ибн Ходижнинг ҳадиси ҳасан.

Язид ибн Иёз муҳаддислар наздида заиф. Муҳаммад ибн Исҳоқнинг ривояти асаҳҳ (янада саҳиҳроқ).

19-БОБ. ЗАКОТ БОРАСИДА ҲАДДАН ОШГАН КИШИ ҲАҚИДА

٦٤٦ - حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا اللَّيْثُ، عَنْ يَزِيدَ بْنِ أَبِي حَبِيبٍ، عَنْ سَعْدِ بْنِ سِنَانٍ، عَنْ أَنَسِ ابْنِ مَالِكٍ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**الْمُعْتَدِي فِي الصَّدَقَةِ كَمَانِعِهَا**».

قَالَ: وَفِي الْبَاب عَنِ ابْنِ عُمَرَ وَأُمِّ سَلَمَةَ وَأَبِي هُرَيْرَةَ.

646. *Ҳазрати Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;(у киши) айтдилар:* Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Садақа** (закот) **борасида ҳаддан ошган киши закот бермаган кабидир».**

Бу бобда яна Ибн Умар, Умму Салама ва Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Анаснинг ҳадиси бу важҳдан ғариб.

Аҳмад ибн Ҳанбал, Саъд ибн Синон ҳақида (танқидий) сўз қилган.

Лайс ибн Саъд, шу тарзда: «Язид ибн Абу Ҳабибдан, Саъд ибн Синондан, Анас ибн Моликдан», дейди. Муҳаммад (ал-Бухорий)дан эшитдим, бундай деди: «Саҳиҳ бўлгани «Синон ибн Саъд»дир.

Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: **«Садақа** (закот) **борасида ҳаддан ошган киши закот бермаган кабидир»** деган сўзлари(нинг маъноси): «Ҳаддан ошган кишининг гуноҳи закот бермаган кишининг гуноҳичаликдир», демоқчилар.

ИЗОҲ. Аз-Заҳабий «Мезон» китобида Саъд ибн Синоннинг таржимаи ҳоли ҳақида бундай дейди: «Имом Аҳмад Саъд ибн Синон борасида: «У ривоят қилган ҳадисларни ёзмайман, чунки муҳаддислар унинг шахси ва ривояти ҳақида зиддиятга борганлар» дейди. Бир томондан, ровийлар унинг исми борасида ихтилоф қилганлар. Баъзиси: «Саъд ибн Синон» деса, баъзилари «Синон ибн Саъд» эканлигини таъкидлаган. Термизий унинг исми «Синон ибн Саъд» деб Имом Бухорийдан нақл этадилар; аммо нариги ривоятни устун кўриб, «Саъд ибн Синон» дейдилар.

20-БОБ. ЗАКОТЧИНИНГ РИЗОЛИГИ ҲАҚИДА

٦٤٧ - **حَدَّثَنَا** عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، أَخْبَرَنَا مُحَمَّدُ بْنُ يَزِيدَ، عَنْ مُجَالِدٍ، عَنِ الشَّعْبِيِّ، عَنْ جَرِيرٍ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا أَتَاكُمُ الْمُصَدِّقُ فَلاَ يُفَارِقُكُمْ إِلاَّ عَنْ رِضًا».

647. *Жарир (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Закотчи сизларга келганида сизлардан албатта рози бўлган ҳолда кетсин!...»**

٦٤٨ - **حَدَّثَنَا** أَبُو عَمَّارٍ الْحُسَيْنُ بْنُ حُرَيْثٍ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ، عَنْ دَاوُدَ عَنِ الشَّعْبِيِّ، عَنْ جَرِيرٍ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِنَحْوِهِ.

648. *Абу Аммор бизга Суфён орқали Довуддан, Аш-Шаъбийдан, Жарирдан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан баён қилди: ўтган ҳадиснинг ўзи.*

Абу Ийсо деди(лар): Довуднинг Аш-Шаъбийдан қилган ривояти Мужолиднинг ривоятидан кўра асаҳҳ (саҳиҳроқ)дир. Баъзи илм аҳллари Мужолиднинг заиф эканини қайд қилганлар, у кўп ўринда янглишган.

21-БОБ. ЗАКОТ БОЙЛАРДАН ОЛИБ, КАМБАҒАЛЛАРГА ҚАЙТАРИЛАДИ

٦٤٩- حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ سَعِيدٍ الْكِنْدِيُّ الْكُوفِيُّ، حَدَّثَنَا حَفْصُ بْنُ غِيَاثٍ، عَنْ أَشْعَثَ، عَنْ عَوْنِ بْنِ أَبِي جُحَيْفَةَ، عَنْ أَبِيهِ قَالَ: قَدِمَ عَلَيْنَا مُصَدِّقُ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَأَخَذَ الصَّدَقَةَ مِنْ أَغْنِيَائِنَا، فَجَعَلَهَا فِي فُقَرَائِنَا، وَكُنْتُ غُلَامًا يَتِيمًا فَأَعْطَانِي مِنْهَا قَلُوصًا.

649. *Абу Жуҳайфа (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг закотчиси бизларга келди ва садақани (закотни) бойларимиздан олиб, фақирларимизга тарқатди. Мен бир етим бола эдим, менга оёқлари узун ёш бир уруғочи туя берди».

Бу бобда Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Жуҳайфанинг ҳадиси ҳасан-ғариб.

22-БОБ. САДАҚА ОЛИШИ ҲАЛОЛ (ЖОИЗ) БЎЛГАН КИШИЛАР

٦٥٠- حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ وَعَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ قَالَ قُتَيْبَةُ: حَدَّثَنَا شَرِيكٌ، وَقَالَ عَلِيٌّ: أَخْبَرَنَا شَرِيكٌ- وَالْمَعْنَى وَاحِدٌ - عَنْ حَكِيمِ بْنِ جُبَيْرٍ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ يَزِيدَ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**مَنْ سَأَلَ النَّاسَ وَلَهُ مَا يُغْنِيهِ جَاءَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَمَسْأَلَتُهُ فِي وَجْهِهِ خُمُوشٌ، أَوْ خُدُوشٌ، أَوْ كُدُوحٌ**» قِيلَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَمَا يُغْنِيهِ؟ قَالَ: «**خَمْسُونَ دِرْهَمًا، أَوْ قِيمَتُهَا مِنَ الذَّهَبِ**».

650. *Абдуллоҳ ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Кимки муҳтож бўлмаган ҳолда инсонлардан тиланса, қиёмат кунида тиланчилиги унинг қиёфасида тирналган ёки шилинган ёки эзилган бир ҳолатда келгайдир». Сўралдики: «Ё Расулаллоҳ! Нима нарса уни беҳожат қилади?» Айтдилар: «Эллик дирҳам ёки эллик дирҳам қийматидаги олтин».**

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Масъуднинг ҳадиси ҳасан.

Ҳаким ибн Жубайрнинг ушбу ўриндаги ривояти туфайли Шуъба унинг ҳақида (танқидий) сўз қилган.

٦٥١ - حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلاَنَ، حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ آدَمَ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ، عَنْ حَكِيمِ بْنِ جُبَيْرٍ بِهَذَا الْحَدِيثِ، فَقَالَ لَهُ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عُثْمَانَ صَاحِبُ شُعْبَةَ: لَوْ غَيْرُ حَكِيمٍ حَدَّثَ بِهَذَا الْحَدِيثَ! فَقَالَ لَهُ سُفْيَانُ: وَمَا لِحَكِيمٍ لاَ يُحَدِّثُ عَنْهُ شُعْبَةُ؟ قَالَ: نَعَمْ. قَالَ سُفْيَانُ: سَمِعْتُ زُبَيْدًا يُحَدِّثُ بِهَذَا عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ يَزِيدَ.

651. *Маҳмуд ибн Ғайлон бизга Яҳё ибн Одамдан нақл этиб, баён қилдики:* **Суфён, Ҳаким ибн Жубайр орқали ушбу ҳадисни ривоят қилди. Шунда Шуъбанинг биродари Абдуллоҳ ибн Усмон Суфёнга бундай деди. «Қанийди, бу ҳадисни Ҳакимдан бошқа киши ривоят қилса эди!» Суфён унга айтдики: «Ҳакимнинг нима айби бор, Шуъба ундан ҳадис ривоят қилмайдими?» Абдуллоҳ ибн Усмон: «Ҳа,** (ривоят қилмайди)**» деди. Суфён дедики: «Зубайддан ушбу ҳадисни Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ибн Язиддан ривоят қилганини эшитдим».**

Баъзи биродарларимизнинг амали шу ҳадис асосидадир. Саврий, Абдуллоҳ ибн Муборак, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир. Айтдиларки: «Кишининг ёнида эллик дирҳами бор бўлса, садақа олмоғи жоиз бўлмайди».

Баъзи илм аҳллари эса Ҳаким ибн Жубайрнинг ҳадисини эгалламай, бу масалада кенглик намоён қилганлар ва бундай деганлар: «Ёнида эллик дирҳами ёки элликдан ортироқ дирҳами бор бўлса, у киши муҳтождир ва у закот олмоғи жоиздир».

ИЗОҲ. (*21,22-бобларга)* Закот, ушр, фитр, назр каби вожиб садақалар бериладиган кишилар етти тоифа: 1.Фақир, яъни ҳожати аслиясидан ортиқ нисобга етмаслик қадар моли бўлган киши. 2.Мискин, яъни ҳеч нарсаси бўлмай, фақат бир кунлик озиғи бўлиб, кундан-кунга хизмат қилиб нафақаланадиган киши. 3.Омили закот, яъни подшоҳ тарафидан вожиб садақаларни халқдан йиғиш учун қўйилган киши. 4.Мукотаб, хўжайинидан ўзини озод қилиш учун хат олган қул. 5.Қарздор. 6.Аллоҳ йўлида қолган киши. Уни Имом Абу Юсуф: «Моли тугаб, урушга бора олмай қолган киши» дейдилар; Имом Муҳаммад эса: «Ҳаж йўлида моли тугаб, фақир бўлиб қолган киши» дейдилар. 7.Ибни сабил, яъни ўз мамлакатидан йироқ бўлиб, фақир бўлиб қолган киши *(«Мухтасар», 66-саҳифа).*

23-БОБ. САДАҚА ОЛМОҒИ ҲАЛОЛ (ЖОИЗ) БЎЛМАГАН КИШИЛАР

٦٥٢- حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرٍ مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ الطَّيَالِسِيُّ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ سَعِيدٍ ح وَحَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلَانَ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ، أَخْبَرَنَا سُفْيَانُ، عَنْ سَعْدِ بْنِ إِبْرَاهِيمَ، عَنْ رَيْحَانَ بْنِ يَزِيدَ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «**لاَ تَحِلُّ الصَّدَقَةُ لِغَنِيٍّ، وَلاَ لِذِي مِرَّةٍ سَوِيٍّ**».

652. *Абдуллоҳ ибн Амр (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;* Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Бой ва бақувват,** (соғлом)**, ўртаҳол, закот олмайдиган киши учун садақа олмоқ жоиз эмас».**

Бу бобда яна Абу Ҳурайра, Ҳубший ибн Жунода ва Кабиса ибн ал-Муҳориқ (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абдуллоҳ ибн Амрнинг ҳадиси ҳасан.

Шуъба бу ҳадисни Саъд ибн Иброҳимдан айни шу иснод билан ривоят қилган ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга(ча) юксалтирмаган.

«Бой, бақувват ва ўртаҳол (ногирон бўлмаган) киши учун садақа олмоқ жоиз эмас»лиги Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан, бошқа ҳадисларда ҳам ривоят қилинган. Киши бақувват бўлгани ҳолда муҳтож бўлса ва ҳеч бир нарсага эга бўлмаса, шу ҳолатда унга закот берилганида, илм аҳлларининг ҳукмига кўра, закот берган кишидан фарз соқит бўлади. Баъзи илм аҳллари эса бу ҳадисни тиланмоққа оид деб ҳисоблайдилар.

٦٥٣- حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ سَعِيدٍ الْكِنْدِيُّ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحِيمِ بْنُ سُلَيْمَانَ، عَنْ مُجَالِدٍ، عَنْ عَامِرٍ الشَّعْبِيِّ، عَنْ حُبْشِيِّ بْنِ جُنَادَةَ السَّلُولِيِّ، قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ فِي حَجَّةِ الْوَدَاعِ، وَهُوَ وَاقِفٌ بِعَرَفَةَ أَتَاهُ أَعْرَابِيٌّ، فَأَخَذَ بِطَرَفِ رِدَائِهِ، فَسَأَلَهُ إِيَّاهُ، فَأَعْطَاهُ وَذَهَبَ، فَعِنْدَ ذَلِكَ حَرُمَتِ الْمَسْأَلَةُ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**إِنَّ الْمَسْأَلَةَ لاَ تَحِلُّ لِغَنِيٍّ، وَلاَ لِذِي مِرَّةٍ سَوِيٍّ إِلاَّ لِذِي فَقْرٍ مُدْقِعٍ، أَوْ غُرْمٍ مُفْظِعٍ، وَمَنْ سَأَلَ النَّاسَ لِيُثْرِيَ بِهِ مَالَهُ كَانَ خُمُوشًا فِي وَجْهِهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، وَرَضْفًا يَأْكُلُهُ مِنْ جَهَنَّمَ، وَمَنْ شَاءَ فَلْيُقِلَّ، وَمَنْ شَاءَ فَلْيُكْثِرْ**».

653. *Хубший ибн Жунода ас-Салулий (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитдим: **Видо ҳажида, Арофатда эканликларида ҳузурларига бир аъробий** (бадавий) **келди-да, ридоларининг бир учидан ушлаб, уни** («Менга беринг» деб) **жаноби Пайғамбардан сўради. Расули Акрам** (ридоларини) **унга бериб юбордилар, у** (олиб) **кетди. Анна шу воқеа устида тиланчилик ҳаром қилинди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Тиланмоқ бой ва бақувват ўртаҳол киши учун жоиз эмас. Илло ўта қашшоқ ва беҳад оғир қарз остида қолган кишига жоиздир. Кимки мол-давлатини кўпайтирмоқ учун инсонлардан тиланса, бу тиланчилик қиёмат кунида унинг қиёфасида бир тирналган** (шилинган)**лик аломати бўлур ва у жаҳаннамдан олиб ейдиган қизиган бир тош бўлур. Бас, хоҳлаган киши камайтирсин, хоҳлаган киши кўпайтирсин!».**

٦٥٤- **حَدَّثَنَا** مَحْمُودُ بْنُ غَيْلَانَ، حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ آدَمَ، عَنْ عَبْدِ الرَّحِيمِ بْنِ سُلَيْمَانَ: نَحْوَهُ.

654. *Маҳмуд ибн Ғайлон бизга Яҳё ибн Одам орқали Абдурраҳмон ибн Сулаймондан баён қилди: ўтган ҳадиснинг ўзи...*

Абу Ийсо деди(лар): Ушбу ҳадис бу важҳдан ғариб.

ИЗОҲ. *(22,23-бобларга)* Закот берилиши жоиз бўлмаган кишилар: 1. Ота, она. 2. Бобо 3. Бола ё боланинг боласи. 4. Қул. 5. Бой. 6. Бойнинг мукотаб бўлмаган қули. 7. Бойнинг ёш боласи. 8. Бани Ҳошим, гарчи фақир бўлса-да. 9. Бани Ҳошимдан озод бўлган қул. 10. Зиммий кофир. Бу ўн қавмга закот берса, закот ҳисобланмайди, зиммасидан фарз соқит бўлмайди *(«Мухтасар», 66-67-саҳифа).*

24-БОБ. ҚАРЗДОР ВА ШУНГА ЎХШАШ КИШИЛАР ОРАСИДА САДАҚА ОЛИШИ ЖОИЗ БЎЛГАНЛАР

٦٥٥- **حَدَّثَنَا** قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا اللَّيْثُ، عَنْ بُكَيْرِ بْنِ عَبْدِ اللهِ بْنِ الأَشَجِّ، عَنْ عِيَاضِ بْنِ عَبْدِ اللهِ، عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ قَالَ: أُصِيبَ رَجُلٌ فِي عَهْدِ رَسُولِ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي ثِمَارٍ ابْتَاعَهَا فَكَثُرَ دَيْنُهُ، فَقَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**تَصَدَّقُوا عَلَيْهِ**» فَتَصَدَّقَ النَّاسُ عَلَيْهِ فَلَمْ يَبْلُغْ ذَلِكَ وَفَاءَ دَيْنِهِ، فَقَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِغُرَمَائِهِ: «**خُذُوا مَا وَجَدْتُمْ، وَلَيْسَ لَكُمْ إِلاَّ ذَلِكَ**».

655. *Абу Саъид ал-Худрий (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида бир киши[106] сотиб олган меваларидан зарар кўриб, қарзи кўпайди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Унга садақа қилингизлар!» дедилар. Одамлар унга садақа қилишди, лекин йиғилган садақа унинг қарзини тўламоққа етмади. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг товончиларига: «**(Ундан) **нимаки топсангиз, олингизлар, илло сизларга шу топганларингиздан бошқа нарса йўқ», дедилар.**

Бу бобда Оиша, Жувайрий ва Анас (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинди.

Абу Ййсо деди(лар): Абу Саъиднинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

25-БОБ. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ, У ЗОТНИНГ АҲЛИ БАЙТИ ВА АВЛОДЛАРИ УЧУН САДАҚА (ВА ЗАКОТ) ОЛМОҚ МАКРУҲ ЭКАНЛИГИ

٦٥٦ - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا مَكِّيُّ بْنُ إِبْرَاهِيمَ وَيُوسُفُ بْنُ يَعْقُوبَ الضُّبَعِيُّ السَّدُوسِيُّ، قَالاَ: حَدَّثَنَا بَهْزُ بْنُ حَكِيمٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ جَدِّهِ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا أُتِيَ بِشَيْءٍ سَأَلَ أَصَدَقَةٌ هِيَ أَمْ هَدِيَّةٌ؟ فَإِنْ قَالُوا صَدَقَةٌ لَمْ يَأْكُلْ، وَإِنْ قَالُوا هَدِيَّةٌ أَكَلَ.

656. *Баҳз ибн Ҳакимнинг бобоси (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бирор нарса келтирилса: «Бу садақами ёки ҳадями?» – деб сўрар эдилар. Агар: «Садақа» десалар, емас эдилар, «Ҳадя» десалар, ер эдилар».**

Бу бобда яна Салмон, Абу Ҳурайра, Анас, Ҳасан ибн Али, Муарраф ибн Восилнинг бобоси – Абу Омира, унинг исми Рушайд ибн Молик, Маймун ёки Миҳрон, Ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Амр, Абу Рофиъ ва Абдурра ҳмон ибн Алқама (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Бу ҳадис айни вақтда Абдурраҳмон ибн Алқамадан, Абдурраҳмон ибн Абу Ақийлдан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган.

Абу Ййсо деди(лар): Баҳз ибн Ҳакимнинг бобосининг исми – Муъовия ибн Ҳайда ал-Қушайрий. Баҳз ибн Ҳакимнинг ҳадиси ҳасан-ғариб.

[106] Бу зот Муъоз ибн Жабал (розийаллоҳу анҳу) эканлиги айтилди.

٦٥٧ - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى، قَالَ: حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ، حَدَّثَنَا شُعْبَةُ، عَنِ الْحَكَمِ، عَنِ ابْنِ أَبِي رَافِعٍ، عَنْ أَبِي رَافِعٍ: رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَعَثَ رَجُلاً مِنْ بَنِي مَخْزُومٍ عَلَى الصَّدَقَةِ، فَقَالَ لأَبِي رَافِعٍ: اصْحَبْنِي كَيْمَا تُصِيبَ مِنْهَا، فَقَالَ: لاَ حَتَّى آتِيَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَسْأَلَهُ، فَانْطَلَقَ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَسَأَلَهُ، فَقَالَ: «إِنَّ الصَّدَقَةَ لاَ تَحِلُّ لَنَا، وَإِنَّ مَوَالِيَ الْقَوْمِ مِنْ أَنْفُسِهِمْ».

657. *Абу Рофиъ (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Бани Махзум** (қавми)**дан бўлмиш бир кишини**[107] **садақа** (закот) **йиғиш учун жўнатдилар. Бу киши Абу Рофиъга: «Менга йўлдош бўлгин, закотдан улуш ололгайсан» деди.** (Абу Рофиъ) **айтдики: «Токи Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам-нинг ҳузурларига бориб сўрамагунимча, бу ишни қилмайман», деди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга учраб, у кишидан** (буни) **сўради. Шунда** (Расули Акрам) **бундай дедилар: «Садақа бизларга ҳалол эмас, бир қавмнинг мавлолари** (озод этилган қуллари) **ҳам уларнинг ўзларидан ҳисобланади».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мавлолари (озод этган қуллари) Абу Рофиънинг исми – Аслам. Абу Рофиънинг ўғли Али ибн Абу Толиб (карромаллоҳу важҳаҳу)нинг котиби Убайдуллоҳ ибн Абу Рофиъдир.

ИЗОҲ. Ҳадис садақа ва закот Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга, у кишининг хонадонлари аҳлига ва Бани Ҳошим оиласининг мавлоларига (озод этилган қулларига) ҳаром эканлигига далолат қилади. Ҳофиз Ибн Ҳажар «Фатҳ ул-борий»да Аҳмад, Абу Ханифа ва Моликий-лардан баъзилари шу қавлга эга бўлганликларини қайд этади.

26-БОБ. ҚАРИНДОШЛАРГА САДАҚА БЕРИШ ҲАҚИДА

٦٥٨ - حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ، عَنْ عَاصِمٍ الأَحْوَلِ، عَنْ حَفْصَةَ بِنْتِ سِيرِينَ، عَنِ الرَّبَابِ، عَنْ عَمِّهَا سَلْمَانَ بْنِ عَامِرٍ يَبْلُغُ بِهِ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا أَفْطَرَ أَحَدُكُمْ فَلْيُفْطِرْ عَلَى تَمْرٍ؛ فَإِنَّهُ بَرَكَةٌ، فَإِنْ لَمْ يَجِدْ تَمْرًا فَالْمَاءُ؛ فَإِنَّهُ طَهُورٌ» وَقَالَ: «الصَّدَقَةُ عَلَى الْمِسْكِينِ صَدَقَةٌ، وَهِيَ عَلَى ذِي الرَّحِمِ ثِنْتَانِ: صَدَقَةٌ، وَصِلَةٌ».

[107] Ас-Суютий бу зот Ал-Арқом ибн Абил Арқом эканлигини айтади.

658. *Салмон ибн Омир (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Сизлардан бирортангиз қачон ифтор қилмоқчи бўлса, хурмо билан оғиз очсин, чунки хурмо барокатдир. Агар хурмо топа олмаса, сув билан оғиз очсин, чунки сув покизадир!..» Сўнг бундай дедилар: «Мискин кишига берилган садақа битта садақадир, қариндошга берилса, иккитадир: бири – садақа, бири – силаи раҳм».**

Бу бобда Абдуллоҳ ибн Масъуднинг хотини Зайнаб, Жобир ва Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Салмон ибн Омирнинг ҳадиси ҳасан.

Ар-Рабоб – Сулаймнинг қизи Уммур-Роиҳдир. Суфён Саврий шу тарзда Осимдан, Ҳафса бинти Сийрийндан, Ар-Рабобдан, унинг амакиси Салмон ибн Омирдан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан айни шу ҳадисни ривоят қилади.

Шуъба бу ҳадисни Осимдан, Ҳафса бинти Сийриндан, Салмон ибн Омирдан ривоят қилди ва ҳадиснинг санадида Ар-Рабобни зикр этмади. Суфён Саврий ва Ибн Уйайнанинг ривоятлари асаҳҳ (саҳиҳроқ).

Ибн Авн ва Ҳишом ибн Ҳассон ҳам шу тарзда ҳадисни: «Ҳафса бинти Сийрийндан, Ар-Рабобдан, Салмон ибн Омирдан» деб ривоят қилдилар.

27-БОБ. МОЛДА ЗАКОТДАН БОШҚА ҲАМ ҲАҚ БОР

٦٥٩ - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ أَحْمَدَ بْنِ مَدُّوَيْهِ، حَدَّثَنَا الأَسْوَدُ بْنُ عَامِرٍ، عَنْ شَرِيكٍ، عَنْ أَبِي حَمْزَةَ، عَنِ الشَّعْبِيِّ، عَنْ فَاطِمَةَ بِنْتِ قَيْسٍ، قَالَتْ: سَأَلْتُ، أَوْ سُئِلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الزَّكَاةِ، فَقَالَ: «إِنَّ فِي الْمَالِ لَحَقًّا سِوَى الزَّكَاةِ» ثُمَّ تَلاَ هَذِهِ الآيَةَ الَّتِي فِي الْبَقَرَةِ: ﴿لَيْسَ الْبِرَّ أَنْ تُوَلُّوا وُجُوهَكُمْ﴾ الآيَةَ [البقرة: ١٧٧].

659. *Фотима бинти Қайс (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан закот ҳақида сўрадим ёки сўралди. Шунда: «Албатта, молда закотдан бошқа ҳам ҳақ бор», дедилар. Кейин «Бақара» сурасидаги ушбу оятни ўқидилар:** «(Эй ибодат қилгувчилар!) **Яхши ва фазилатли бўлмоқ** (фақатгина) **юзингизни машриқ ва мағриб тарафига буравермоғингиз эмасдир».**

ШАРҲ. *Ояти карианинг давоми маъноси:* **«(Эй ибодат қилгувчилар!) Яхши ва фазилатли бўлмоқ (фақатгина) юзингизни машриқ ва мағриб тарафига буравермоғингиз эмасдир. Ва лекин яхши ва фазилатли (муттақий)**

киши Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, Китобга (Қуръонга) ва пайғамбарларга иймон келтириб, мол(и)ни яхши кўришига қарамай (ёки Аллоҳ муҳаббати билан, Аллоҳ ризоси учун), қариндошларга, етимларга, мискинларга ва йўлда – кўчада қолганларга (мусофир-ғарибларга), тиланчиларга ва бўйинтуруқ остида қолган (қул)ларга (озод бўлишлари учун) берадиган, намозни тўлиқ-тўғри адо этадиган, закотни берадиган, аҳдлашган вақтида аҳдларига вафо қиладиган, қийинчиликда, беморликда ва шиддатли уруш онида сабр қиладиган кишидир. (Иймонларида, яхшилик ва тоатда) ростгўй-содиқ бўлганлар ана ўшалардир. Ва тақвога эришганлар ҳам ана ўшалардир» (*«Бақара» сураси, 177-оят).*

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ояти каримани, молда закотдан ташқари ҳам ҳақ борлигига далил қилиб кўрсатдилар. Чунки Аллоҳу таоло молнинг хайр-ҳасанот жойларига берилишини таъкидлагандан кейин, закотга ўтган ва «закотни бергайдир» деб марҳамат қилган. Бу эса молда закотдан ташқари ҳам ҳақ борлигига далолат қилади.

٦٦٠ - حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ، أَخْبَرَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الطُّفَيْلِ، عَنْ شَرِيكٍ، عَنْ أَبِي حَمْزَةَ، عَنْ عَامِرٍ الشَّعْبِيِّ، عَنْ فَاطِمَةَ بِنْتِ قَيْسٍ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ فِي الْمَالِ حَقًّا سِوَى الزَّكَاةِ».

660. *Фотима бинти Қайс (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди:* «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «**Албатта, молда закотдан бошқа ҳам ҳақ бор.**[108]

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадиснинг исноди унча (саҳиҳ) эмас.

Абу Ҳамза Маймун ал-Аъварнинг ҳадис (боби)да заиф экани қайд этилган. Байон ва Исмъоийл ибн Солим, бу ҳадисни Шуъбадан унинг ўз сўзи тарзида ривоят қилдилар. Бу ривоят асаҳҳ (саҳиҳроқ)дир.

28-БОБ. САДАҚА БЕРИШНИНГ ФАЗИЛАТИ

٦٦١ - حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا اللَّيْثُ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ أَبِي سَعِيدٍ الْمَقْبُرِيِّ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ يَسَارٍ أَنَّهُ سَمِعَ أَبَا هُرَيْرَةَ، يَقُولُ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَا تَصَدَّقَ أَحَدٌ بِصَدَقَةٍ مِنْ طَيِّبٍ، وَلاَ يَقْبَلُ اللَّهُ إِلاَّ الطَّيِّبَ إِلاَّ أَخَذَهَا الرَّحْمَنُ بِيَمِينِهِ، وَإِنْ كَانَتْ تَمْرَةً تَرْبُو فِي كَفِّ الرَّحْمَنِ حَتَّى تَكُونَ أَعْظَمَ مِنَ الْجَبَلِ كَمَا يُرَبِّي أَحَدُكُمْ فَلُوَّهُ، أَوْ فَصِيلَهُ».

[108] Бу ҳадис ўтган ҳадиснинг айни ўзи бўлиши билан бирга, санади ўзгарган. Шу сабабдан Термизий буни алоҳида таҳриж қилганлар.

661. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтадиларки:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Кимки пок** (ҳалол) **нарсадан бир садақа қилса,** – (зотан) **Аллоҳ фақат покни қабул этгайдир – Раҳмон** (жалла жалалуҳу) **уни албатта «ўнг қўли» билан олгайдир. Агар ўша садақа хурмо бўлса, у Раҳмоннинг кафтида катталашиб, ҳатто тоғдан ҳам улкан бўлур. Худди сизлардан бирортангиз тойчоғини ёки бўталоғини боқиб улғайтиргани каби** (бўлур)**».**

Бу бобда яна Оиша (онамиз), Адий ибн Ҳотим, Анас, Абдуллоҳ ибн Абу Авфо, Ҳориса ибн Ваҳб, Абдурраҳмон ибн Авф ва Бурайда (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

٦٦٢ - حَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ مُحَمَّدُ بْنُ الْعَلَاءِ، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، حَدَّثَنَا عَبَّادُ بْنُ مَنْصُورٍ، حَدَّثَنَا الْقَاسِمُ بْنُ مُحَمَّدٍ، قَالَ: سَمِعْتُ أَبَا هُرَيْرَةَ، يَقُولُ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ اللَّهَ يَقْبَلُ الصَّدَقَةَ وَيَأْخُذُهَا بِيَمِينِهِ فَيُرَبِّيهَا لأَحَدِكُمْ كَمَا يُرَبِّي أَحَدُكُمْ مُهْرَهُ حَتَّى إِنَّ اللُّقْمَةَ لَتَصِيرُ مِثْلَ أُحُدٍ، وَتَصْدِيقُ ذَلِكَ فِي كِتَابِ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ: ﴿أَلَمْ يَعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ هُوَ يَقْبَلُ التَّوْبَةَ عَنْ عِبَادِهِ وَيَأْخُذُ الصَّدَقَاتِ﴾ [التوبة: ١٠٤] وَ ﴿يَمْحَقُ اللَّهُ الرِّبَا وَيُرْبِي الصَّدَقَاتِ﴾. [البقرة: ٢٧٦]».

662. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади; айтдилар:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Аллоҳ садақани қабул этиб, уни «ўнг қўли билан» олгайдир. Сўнг худди ҳар битталарингиз ўз тойчоғини боқиб улғайтиргани каби уни улғайтиргайдир! Ҳатто бир луқма, шубҳасиз, бамисоли Уҳуд** (тоғи) **дек бўлур. Ва бунинг тасдиқи Аллоҳ азза ва жалланинг китобида ушбудир: «Улар** (ҳали) **бандаларидан тавбани ва садақаларни ёлғиз Аллоҳ қабул қилишини билмадиларми?..»** («Тавба»; (ва яна:) **«Аллоҳ рибо**(дан келган бойлик)**ни барбод** (ва баракасиз) **қилур, садақа**(си берилган мол)**ларни эса кўпайтирур»** *(«Бақара», 276).*

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис саҳиҳ.

Оиша (розийаллоҳу анҳо) воситасида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шунга ўхшаш бир ҳадис ривоят қилинган. Биттадан ортиқ илм аҳллари ушбу ҳадис, шунга ўхшаш ривоят ва сифатлар ҳақида ҳамда Аллоҳ таборак ва таълонинг ҳар кеча дунё осмонига (биринчи осмонга) тушмоғи ҳақида бундай дейдилар: **«Бу хил ривоятлар собит бўлиши мумкин. Уларга иймон келтирмоқ керак, ваҳмга** (тафсилот ва таъвилга) **берилмаслик**

керак ва «қандай?» деб айтмаслик керак». Молик ибн Анас, Суфён ибн Уйайна ва Абдуллоҳ ибн ал-Муборакдан шу тарзда ривоят қилинган. Бу хил ҳадислар ҳақида айтадиларки: «Уларни «қандай»сиз ҳолда қабул қилинг (ва юритинг)!..» Аҳли суннат вал-жамоат мазҳабидаги илм аҳлларининг қавли ана шундай. Жаҳмия (фирқаси) эса бу ривоятларни рад этиб: «Бу ташбиҳдир (ўхшатишдир)» дейди. Аллоҳ таоло ўз Китобининг биттадан кўп жойида «йад» (қўл), «самъ» (қулоқ) ва «басар» (кўз) таъбирларини зикр қилади. Жаҳмия (тоифаси) бу оятларни таъвил этиб, илм аҳлларининг тафсирига мухолиф тарзда тафсир қилишади. Айтадиларки: «Аллоҳ таоло Одамни қўли билан яратмаган. «Қўл»нинг маъноси фақатгина қувват ва қудратдир».

Исҳоқ ибн Иброҳим бундай дейди: «Қўлга ўхшаган қўл» ёки «Қўл сингари қўл» ёхуд «қулоққа ўхшаган қулоқ» ёки «қулоқ сингари қулоқ» деган вақтда фақат ташбиҳ (ўхшатиш) бўлади. «Қулоқ сингари» ёки «қулоққа ўхшаш» деса, ташбиҳ ана шудир. Аммо Аллоҳ таоло марҳамат қилганидек, «йад» (қўл), «самъ» (қулоқ) ва «басар» (кўз) деса-ю, кайфиятидан (қандайлигидан) сўзламаса, «қулоқ сингари» ёки «қулоққа ўхшаш» демаса, бу ташбиҳ бўлмайди. Бу сўз Аллоҳ таолонинг китобида келган қавли шарифига ўхшайди: **«Ҳеч бир нарса Унинг ўхшаши эмасдир. У ҳаққоний эшитгувчидир, кўргувчидир»**.

ИЗОҲ. Ал-Ироқий айтадики: «Бу ояти карима баъзи ровийлар томонидан бошқача талқин қилинган. Оятнинг асли матни (маъноси) ушбудир: **«Улар (гуноҳкорлар) Аллоҳнинг Ўзи бандалари томонидан бўлган тавбани қабул этишини, садақаларни ҳам Ўз даргоҳида қабул қилишини ва ҳақиқий тавбаларни қабул эттувчи ва меҳрибон зот Аллоҳнинг Ўзи эканлигини билмадиларми?»** *(«Табва» сураси, 104-оят).*

٦٦٣ - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ إِسْمَعِيلَ، حَدَّثَنَا مُوسَى بْنُ إِسْمَعِيلَ، حَدَّثَنَا صَدَقَةُ بْنُ مُوسَى، عَنْ ثَابِتٍ، عَنْ أَنَسٍ قَالَ: سُئِلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَيُّ الصَّوْمِ أَفْضَلُ بَعْدَ رَمَضَانَ؟ فَقَالَ: «شَعْبَانُ لِتَعْظِيمِ رَمَضَانَ» قِيلَ: فَأَيُّ الصَّدَقَةِ أَفْضَلُ؟ قَالَ: «صَدَقَةٌ فِي رَمَضَانَ».

663. *Ҳазрати Анас (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди;* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: **«Рамазон** (ойи рўзаси)**дан кейин қайси рўза афзалроқ?» деб сўралди. Айтдилар: «Рамазон таъзими учун Шаъбон рўзаси афзалроқ». Кейин: «Қайси садақа афзалроқ?» дейилди: «Рамазондаги** (берилган) **садақа», дедилар.**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ғариб.

Садақа ибн Мусо муҳаддислар наздида унча қувватли эмас.

٦٦٤ - حَدَّثَنَا عُقْبَةُ بْنُ مُكْرَمٍ الْعَمِّيُّ الْبَصْرِيُّ، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عِيسَى الْخَزَّازُ الْبَصْرِيُّ، عَنْ يُونُسَ بْنِ عُبَيْدٍ، عَنِ الْحَسَنِ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ الصَّدَقَةَ لَتُطْفِئُ غَضَبَ الرَّبِّ، وَتَدْفَعُ عَنْهُ مِيتَةَ السُّوءِ».

664. *Ҳазрати Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Садақа Раббнинг** (унга осийлик қилувчи кимсага бўлган) **ғазабини сўндиргайдир ва ёмон ўлимни дафъ этгайдир!»**

Абу Ийсо деди(лар): Ушбу ҳадис бу важҳдан ғариб.

ИЗОҲ. Ёмон ўлим – вайрона остида қолмоқ, баланд жойдан йиқилмоқ, чўкмоқ ёки ёнмоқ каби фожиали ҳолларда ўлмоқдир; айни вақтда ёмон ўлим шайтон тузоғида (шайтоний бир иш устида) ва ҳарбдан қочиш натижасида ўлдирилмоқдир. Баъзилар эса хунук ўлимни – кутилмаган оний ўлим тарзида тафсир қилганлар. Баъзиларнинг фикрича эса чормих қилиб ўлдирилмоқ ва шаръий ҳукм асосида ошкор – ҳаммага билдириб ўлдирилмоқдир.

29-БОБ. ТИЛАНЧИ ҲАҚИДА

٦٦٥ - حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا اللَّيْثُ بْنُ سَعْدٍ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ أَبِي سَعِيدٍ، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ بُجَيْدٍ، عَنْ جَدَّتِهِ أُمِّ بُجَيْدٍ - وَكَانَتْ مِمَّنْ بَايَعَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - أَنَّهَا قَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ الْمِسْكِينَ لَيَقُومُ عَلَى بَابِي، فَمَا أَجِدُ لَهُ شَيْئًا أُعْطِيهِ إِيَّاهُ، فَقَالَ لَهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنْ لَمْ تَجِدِي شَيْئًا تُعْطِينَهُ إِيَّاهُ إِلَّا ظِلْفًا مُحْرَقًا فَادْفَعِيهِ إِلَيْهِ فِي يَدِهِ».

665. *Умму Бужайд (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди:* У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга байъат қилган аёллардан эди. **Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга айтдики: «Агар мискин киши келиб эшигимда туриб олса-ю, мен унга берадиган бирор нарса топа олмасам, нима қиламан?» Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўша аёлга бундай дедилар: «Агар берадиган бирор нарса топа олмасанг, ҳеч йўқса, бир қўйнинг куйдирилган туёғини топиб бўлса ҳам, унга бер, уни тиланчининг қўлига тиқиб-жойлаб қўй!»**

Бу бобда яна Али, Ҳусайн ибн Али, Абу Ҳурайра ва Абу Умома (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Умми Бужайднинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

ИЗОҲ. Қўйнинг куйдирилган туёғидан мурод тиланчини эшикдан қуруқ қайтармасликдир. Оз ёки арзимас бўлса ҳам, мумкин бўлган нарсани бермоқ маъносини ифода этади.

30-БОБ. ҚАЛБЛАРИ МОЙИЛ (УЛФАТ) ҚИЛИНАДИГАН КИШИЛАРГА (НАРСАЛАР) БЕРМОҚ ҲАҚИДА

٦٦٦ - حَدَّثَنَا الْحَسَنُ بْنُ عَلِيٍّ الْخَلَّالُ، حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ آدَمَ، عَنِ ابْنِ الْمُبَارَكِ، عَنْ يُونُسَ ابْنِ يَزِيدَ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْمُسَيَّبِ، عَنْ صَفْوَانَ بْنِ أُمَيَّةَ قَالَ: أَعْطَانِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمَ حُنَيْنٍ، وَإِنَّهُ لَأَبْغَضُ الْخَلْقِ إِلَيَّ، فَمَا زَالَ يُعْطِينِي حَتَّى إِنَّهُ لَأَحَبُّ الْخَلْقِ إِلَيَّ.

666. *Сафвон ибн Умайя (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам халқ (ораси)да менинг энг ёмон кўрган кишим бўла туриб, Ҳунайн[109] (ғазоти) кунида менга (ўлжалардан) бердилар ва беришда давом этдиларки, ниҳоят, у зот халқ орасида менинг энг яхши кўрган кишимга айландилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Ҳасан ибн Али шуни ёки шунга ўхшаш бир ҳадисни менга баён қилди.

Бу бобда Абу Саъид (розийаллоҳу анҳу)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Сафвоннинг ҳадисини Маъмар ва тағин бошқалар Аз-Зуҳрийдан, Саъид ибн Мусаййабдан ривоят қиладилар: Сафвон ибн Умайя айтди: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга бердилар»**. Шу ривоят асаҳҳ (янада саҳиҳроқ) ва янада мақбулроқ бўлиб кўринади. Ҳадис (санади) эса бундай: *«Саъид ибн Мусаййабдан, Сафвон ибн Умайя айтди».*[110]

Илм аҳллари муъаллафатул-қулубга (моллардан) берилмоғи борасида ихтилоф қилдилар. Илм аҳлларининг кўпи бермаслик керак, деган фикрдадир. Айтдиларки: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида (улар) бир жамоатдан иборат эди. Расули Акрам уларни Исломга мойил қилишга уринар эдилар ва натижада (улар) мусулмон бўлдилар».

Бу кун бу маънода уларга закот берилмаслиги керак деган фикрга эга бўлаётирлар. Суфён Саврий, Куфа аҳли ва яна бошқаларнинг қавли шудир. Аҳмад ва Исҳоқ ҳам шу қавлга эга бўлганлар.

Баъзи илм аҳллари эса бундай дейдилар: «Бу кун ўшаларнинг ҳолатида бўлганлар топилса, имом (давлат бошлиғи) уларни Ис-

[109] Ҳунайн — Тоиф ва Макка шаҳри орасидаги бир жой номи. «Ҳунайн» ғазоти шу ерда ўтган.

[110] Термизий санадда келган «ъан» ва «анна» сўзлари ривоятларига ишорат қилиб, «анна» ривоятини устун қўймоқдалар. Шунга қарамай, ҳадисни «ъан» ривояти билан тахриж қилганлар.

ломга мойил қилиш учун (пул ёки мол) берса, бу жоиздир». Шофиъийнинг қавли шу.

ШАРҲ. Сарлавҳада зикр қилинган бундай кишилар Исломда «Муъаллафатул-қулуб» номи билан машҳур. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётларида уларнинг қалбини Исломга мойил қилиш учун закот ва ўлжа молларидан уларга улуш берар эдилар. Ибн Арабий «Туҳфатул-аҳвазий» номли Термизий китоби изоҳларига оид асарида бундай дейди: «Муъаллафатул-қулуб» кимлар экани борасида ихтилоф қилинди. Баъзилари, улар мусулмон эканликларини, аммо диний эътиқодлари заиф бўлганидан мусулмонликларини собит ва қувватли қилиш учун уларга пуллар ва моллар берилган, деб айтади. Баъзилари эса, улар кофир бўлиб, фақат ёмонликларидан сақланиш учун ҳамда мусулмонларга ёрдам ва музоҳараларини (қўллаб-қувватлашларини) таъминлаш учун уларга моллар ва пуллар берилган, дейди. Саҳиҳроғи шу қавлдир ва барча ривоятлар шуни кўрсатмоқда».

Ҳазрати Умар (розийаллу анҳу) муъаллафатул-қулубга закот беришни тўхтатганлар. Лекин Қуръони каримнинг бу ҳақдаги ояти мансух бўлган эмас.

Шайх Болонпурий «Сунани Термизий» шарҳида айтадилар: «Қуръони каримда барча моддаси билан мансух бўлган бирорта оят йўқ. Ҳа, шундай оятлар борки, уларга баъзи ҳолатларда амал қилиниб, баъзи ҳолатларда мансух бўлгандир. Масалан, Қуръони каримда **«муъаллафатул-қулубларга** (қалблари исломга мойил қилинадиган, кўнгиллари улфат қилинадиган кишиларга) **закот берилиши керак»** деган оят мавжуд, ҳазрат Умар розийаллоҳу анҳу унга амал қилишни тўхтатиб қўйганлар, лекин мансух қилмаганлар. Чунончи, Аллоҳ сақласин, ҳолатлар хароб бўлса, аввалги даврга ўхшаган ҳолат-лар пайдо бўлса, замонанинг амирул-мўъминини уни қайтадан жорий қила олади» *(«Туҳфатул-алмаъий»)*.

31-БОБ. САДАҚА БЕРГАН КИШИ ЎЗ САДАҚАСИГА ВОРИС БЎЛМОҒИ

٦٦٧ - حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ مُسْهِرٍ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَطَاءٍ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ ابْنِ بُرَيْدَةَ، عَنْ أَبِيهِ، قَالَ: كُنْتُ جَالِسًا عِنْدَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذْ أَتَتْهُ امْرَأَةٌ، فَقَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنِّي كُنْتُ تَصَدَّقْتُ عَلَى أُمِّي بِجَارِيَةٍ وَإِنَّهَا مَاتَتْ. قَالَ: «**وَجَبَ أَجْرُكِ وَرَدَّهَا عَلَيْكِ الْمِيرَاثُ**». قَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّهَا كَانَ عَلَيْهَا صَوْمُ شَهْرٍ، أَفَأَصُومُ عَنْهَا؟ قَالَ: «**صُومِي عَنْهَا**». قَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّهَا لَمْ تَحُجَّ قَطُّ، أَفَأَحُجُّ عَنْهَا؟ قَالَ: «**نَعَمْ حُجِّي عَنْهَا**».

667. *Бурайда (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида ўтирган эдим. Бир хотин келди-да: «Ё Расулаллоҳ! Мен онамга садақа қилиб бир жория берган эдим, онам вафот қилди», деди.** (Расули Акрам): **«Ажринг вожиб бўлди** (савобинг ёзилди) **ва мерос уни** (жорияни) **сенга қайтарди!» дедилар.** ***Хотин айтди:*** **«Ё Расулаллоҳ! Онамнинг бир ойлик рўза қарзи** (қазоси) **бор эди, унинг ўрнига рўза тутсам бўладими?» «Унинг ўрнига рўза тут!» дедилар. Хотин: «Ё Расулаллоҳ! Онам умрида ҳаж қила олмади, унинг ўрнига ҳаж қилсам бўладими?» деди.** (Расули Акрам): **«Ҳа! Унинг ўрнига ҳаж қилгин!» дедилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ. Ва бу Бурайданинг ривоятидан эканлиги битта шу важҳдан маълум бўлаётир. Абдуллоҳ ибн Ато муҳаддислар наздида сиқа (ишончли)дир.

Илм аҳллари кўпчилигининг амали шу ҳадис асосидадир. Киши садақаси мерос сифатида ўзига интиқол этса (кўчса), ўша садақа унга ҳалолдир. Баъзи илм аҳллари эса бундай дейдилар: «Садақа Аллоҳ учун қилинган бир нарсадир. Мерос сифатида ўзига қайтганида уни шунга ўхшаш жойга сарф этмоғи вожибдир».

Суфён Саврий ва Зуҳайр ибн Муъовия бу ҳадисни Абдуллоҳ ибн Атодан ривоят қиладилар.

ШАРҲ. Ўлган кишининг ўрнига рўза тутиш Имом Шофиъий мазҳабида жоиз. Имом Аъзам, Имом Молик ҳазратларининг фикрича, яна ҳазрати Оиша розийаллоҳу анҳо, ҳазрати Ибн Аббос розийаллоҳу анҳумонинг фатволари ҳамда Мадина аҳлининг татбиқотларига биноан, бу маънодаги ҳадиси шарифларнинг ҳукми бекор бўлган. Шунинг учун бошқа киши номидан рўза тутилмайди, баданий ибодатлар қилинмайди. Фақат қилинган (баданий) ибодатларнинг савоби ўликларнинг руҳига ҳадя қилиниши жоиз). *(«Умар Зиёуддин Доғистоний, «Зубдатул-Бухорий», 210-саҳифа).*

32-БОБ. САДАҚАСИДАН ҚАЙТМОҚ КАРОҲАТ ЭКАНЛИГИ

٦٦٨ - **حَدَّثَنَا** هَارُونُ بْنُ إِسْحَاقَ الْهَمْدَانِيُّ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ، عَنْ مَعْمَرٍ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ سَالِمٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ، عَنْ عُمَرَ أَنَّهُ حَمَلَ عَلَى فَرَسٍ فِي سَبِيلِ اللَّهِ، ثُمَّ رَآهَا تُبَاعُ فَأَرَادَ أَنْ يَشْتَرِيَهَا، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «**لاَ تَعُدْ فِي صَدَقَتِكَ**».

668. *Ҳазрати Умар (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* (Ҳазрати) **Умар Аллоҳ йўлида** (бир ғозийни ўз мулклари бўлмиш) **бир отга миндирдилар. Кейин отнинг сотилаётганини кўриб, уни сотиб олмоқчи бўлдилар. Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Садақангдан қайтма!» дедилар.**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Илм аҳллари кўпчилигининг амали шу ҳадис асосидадир.

ШАРҲ. Баъзи илм аҳлларининг фикрича, ҳадиснинг зоҳирига кўра садақа берган киши садақасини сотиб олмоғи ҳаром. Аммо илм аҳлларининг кўпчилиги бу ўриндаги қубҳ (қабоҳат, ёмонлик) ли-зотиҳи бўлмасдан, ли-ғайриҳи бўлгани учун кароҳати танзиҳия билан макруҳ эканини айтганлар. Чунончи, садақани олган киши, собиқ (аввалги) яхшилиги боис садақани берган кишига нархини тушириброқ сотиш эҳтимоли бор. Демак, нархи пасайтирилган миқдор садақадан қайтмоқ каби бир ҳолатни юзага келтиради. Ҳазрати Умар (розийаллоҳу анҳу) Аллоҳ йўлида ғазотга кетаётган бир мужоҳидга тамлик йўли билан (буткул эгалик қилиши учун) бир от берганлар. Бунинг тамлик (эгалик қилиши) йўли билан бўлганини, ўша мужоҳид кейинчалик отни сотишга чоғланганидан англаймиз. Баъзилари бу сотиш ҳаракатини бундай изоҳлайди: «От заифлашган ва заифлик боис бошқа отларга етолмайдиган ва фойдаланиб бўлмайдиган ҳолатга етган эди»... Шавконий, фарз садақа, яъни закот бўлса, уни сотиб олмоқ зарарсиз, дейди. Чунки ихтиёрий тарзда берилган садақа масаласи бу ўринда ворид эмас.

«Закот ва садақа туридан бўлган нарсанинг қўлдан чиққандан кейин сотиб олиниши ҳаром эмас, аммо танзиҳан макруҳ. Баъзи олимлар фикрича, таҳриман макруҳ» *(Умар Зиёуддин Доғистоний, «Зубдатул-Бухорий», 158-саҳифа).*

33-БОБ. ЎЛИКНИНГ РУҲИ УЧУН САДАҚА БЕРМОҚ

٦٦٩ - **حَدَّثَنَا** أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا رَوْحُ بْنُ عُبَادَةَ، حَدَّثَنَا زَكَرِيَّا بْنُ إِسْحَاقَ، حَدَّثَنِي عَمْرُو بْنُ دِينَارٍ، عَنْ عِكْرِمَةَ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ، أَنَّ رَجُلاً قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ أُمِّي تُوُفِّيَتْ أَفَيَنْفَعُهَا إِنْ تَصَدَّقْتُ عَنْهَا؟ قَالَ: «**نَعَمْ**». قَالَ: فَإِنَّ لِي مَخْرَفًا فَأُشْهِدُكَ أَنِّي قَدْ تَصَدَّقْتُ بِهِ عَنْهَا.

669. *Ҳазрати Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* **«Одамлардан бири айтдики: «Ё Расулаллоҳ! Менинг онам вафот қилди. Унинг** (руҳи) **учун садақа қилсам, унга фойдаси тегадими?». (Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ҳа», дедилар. Киши айтди: «Менинг бир мевазор боғим бор. Сизни шоҳид қилгайманки, уни онам** (руҳи) **учун садақа қилиб бердим!».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан.

Илм аҳллари шунга тўхталганлар. Айтадиларки: «Ўликка фақатгина садақа ва дуолар етиб боргайдир!»

Баъзилар бу ҳадисни Амр ибн Динордан, Икримадан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан мурсал тарзида ривоят қиладилар. «Менинг бир махрафим (мевазор боғим) бор» деган сўздан экинзор полиз кўзда тутилган.

ШАРҲ. Дуо ва садақанинг фойдаси ўликка етиб бормоғи ҳақида мутобақат қилинган. Аҳли суннат вал-жамоат уламоси орасида бу хусусда ихтилоф йўқ. Фақат намоз, рўза ва Қуръон ўқимоқ каби баданий ибодатлар масаласида ихтилоф қилинган. Али Ал-Қорий ҳазратлари «Ал-фиққул-акбар»нинг шарҳида бундай дейдилар: «Абу Ҳанифа, Аҳмад ва салаф (олимлари)нинг барчаси, баданий ибодатлар савоби ҳам ўликка етиб боради, деган фикрга эга бўлганлар. Шофиъий ва Молик мазҳабларида, машҳур бўлган қавл етиб бормайди, деган фикрдир». Суютий «Шарҳус-судур»да айтади: «Хатм савоби ўликка етиш-етмаслиги ҳақида ихтилоф қилинди. Бутун салаф (олимлари) ва уч имом етиб боради, деб қарор қилганлар. Имом Шофиъий: **«Дарҳақиқат, инсон учун ўз саъй-ҳаракатидан бошқа нарса йўқдир»** *(«Нажм», 39)* оятига таяниб, бу қавлга мухолафат қилди. Олдингилар бу оятни турли жиҳатдан жавоблантиради. Қуйида шу жавоблардан баъзиларини зикр қиламиз.

1) Мазкур оят ушбу: **«Ўзлари иймон келтирганлар (Аллоҳга таслимият кўрсатганлар) ва авлодлари ҳам иймон билан уларга (Аллоҳ йўлида) эргашган зотлар (борки), Биз уларни (жаннатга киритар эканмиз) авлодларини ҳам ўзларига қўшурмиз»** *(«Тур», 21)* ояти билан мансухдир (ҳукми бекор қилинган). Чунончи, оталар фарзандларининг тақво ва яхшилиги сабабидан жаннатга киритилади, деб баён қилинган.

2) Бу оят *(«Нажм», 39)* Иброҳим ва Мусо (алайҳиссаломлар)нинг қавмига хосдир. Уммат учун эса ҳам ўз саъй-ҳаракатидан, ҳам унинг учун қилинган саъй-ҳаракатдан фойда етади. Бу Икриманинг сўзидир.

3) Бу оятдаги «Инсон учун» дейишдан мурод кофир инсондир. Мўъмин инсон эса ҳам ўз саъй-ҳаракатидан, ҳам унинг учун қилинган саъй-ҳаракатдан фойда топади. Бу сўзни Робиъ ибн Анас айтади.

4) Инсон учун саъй-ҳаракатининг самарасидан бошқа бирор нарса бўлмаслиги адлий тарийқдан(адолат юзасидан)дир. Аммо эҳсон бобидан Аллоҳ таоло Ўзи хоҳлаганича бериши мумкин. Буни Ҳусайн ибн Фазл айтади.

5) «Лил-инсон» бирикмасидаги «Лом», «ъала» маъносидадир. Яъни инсонга гуноҳ сифатида фақат қилган гуноҳи ёзилади ва инсон фақат содир қилган гуноҳларидан сўроқ қилинади, деганидир.

Шунингдек, ўқилган Қуръон ва туширилган хатмнинг савоби ўликларга етиб боради, деб айтган олимлар баъзи ҳадислар билан истидлол қиладилар (далил-ҳужжат келтирадилар). Суютий: «Бу ҳадислар

заиф бўлиши билан бирга, мажмуъи эътибори билан, ўликлар руҳига Қуръон ўқимоқнинг бир асл-манбаи борлигига далолат қилади» дейди ва мусулмонлар ўша пайтдан бери шу тартиб-қоида асосида давом этиб келаётганларини ва бунинг бир ижмоъ эканини таъкидлайди...

34-БОБ. ХОТИН ЭРИНИНГ УЙИДАН ИНФОҚ ҚИЛМОҒИ

٦٧٠ - حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا إِسْمَعِيلُ بْنُ عَيَّاشٍ، حَدَّثَنَا شُرَحْبِيلُ بْنُ مُسْلِمٍ الْخَوْلاَنِيُّ، عَنْ أَبِي أُمَامَةَ الْبَاهِلِيِّ، قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي خُطْبَتِهِ عَامَ حَجَّةِ الْوَدَاعِ يَقُولُ: «لاَ تُنْفِقُ امْرَأَةٌ شَيْئًا مِنْ بَيْتِ زَوْجِهَا إِلاَّ بِإِذْنِ زَوْجِهَا» قِيلَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَلاَ الطَّعَامُ؟ قَالَ: «ذَاكَ أَفْضَلُ أَمْوَالِنَا».

670. *Абу Умома ал-Боҳилий (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитдим, Видо ҳажлари йилидаги хутбаларида бундай дедилар: «Хотин киши эрининг уйидан эрининг изнисиз зинҳор бирор нарса инфоқ қилмасин!.. « Айтдики: «Ё Расулаллоҳ! Таъом ҳам бермасинми?» Айтдилар: «Молларимизнинг афзали ана шудир!».**

Бу бобда Саъид ибн Абу Ваққос, Асмо бинти Абу Бакр, Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Амр ва Оиша (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Умоманинг ҳадиси ҳасан.

٦٧١ - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ، حَدَّثَنَا شُعْبَةُ، عَنْ عَمْرِو بْنِ مُرَّةَ، قَالَ: سَمِعْتُ أَبَا وَائِلٍ يُحَدِّثُ عَنْ عَائِشَةَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ: «إِذَا تَصَدَّقَتِ الْمَرْأَةُ مِنْ بَيْتِ زَوْجِهَا كَانَ لَهَا بِهِ أَجْرٌ، وَلِلزَّوْجِ مِثْلُ ذَلِكَ، وَلِلْخَازِنِ مِثْلُ ذَلِكَ، وَلاَ يَنْقُصُ كُلُّ وَاحِدٍ مِنْهُمْ مِنْ أَجْرِ صَاحِبِهِ شَيْئًا، لَهُ بِمَا كَسَبَ، وَلَهَا بِمَا أَنْفَقَتْ».

671. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди:* Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Аёл эрининг уйидан** (эзгу ниятда) **садақа берган вақтда, унга бундан ажр-савоб теккай ва эрига ҳам шунча, хазинабонга ҳам шунча савоб берилгай. Улардан ҳеч биттасининг ажри шеригининг ажр-савобидан бир зарра камайтирилмас: киши ишлаб топгани учун, аёл инфоқ қилгани учун** (савоб олур)**».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан.

٦٧٢ - حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلَانَ، حَدَّثَنَا الْمُؤَمَّلُ، عَنْ سُفْيَانَ، عَنْ مَنْصُورٍ، عَنْ أَبِي وَائِلٍ، عَنْ مَسْرُوقٍ، عَنْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا أَعْطَتِ الْمَرْأَةُ مِنْ بَيْتِ زَوْجِهَا بِطِيبِ نَفْسٍ غَيْرَ مُفْسِدَةٍ كَانَ لَهَا مِثْلُ أَجْرِهِ، لَهَا مَا نَوَتْ حَسَنًا، وَلِلْخَازِنِ مِثْلُ ذَلِكَ».

672. *Ҳазрати Оиша (розийаллоҳу анҳо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Аёл эрининг уйидан холис ниятда ва сочиб-совурмасдан** (садақа) **берса, унга эрининг ажр-савобича савоб берилгай. Аёл эзгу ниятда бўлгани учун** (ажр берилур)**; хазинабонга ҳам шунча ажр-савоб теккай».**

Абу Йисо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Бу Амр ибн Мурранинг Абу Воилдан ривоят қилган ҳадисидан кўра асаҳҳ (саҳиҳроқ). Амр ибн Мурра ўз ривоятида «Масруқдан» демайди.

35-БОБ. САДАҚАИ ФИТР ҲАҚИДА

٦٧٣ - حَدَّثَنَا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلَانَ، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنْ سُفْيَانَ، عَنْ زَيْدِ بْنِ أَسْلَمَ، عَنْ عِيَاضِ ابْنِ عَبْدِ اللَّهِ، عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ: كُنَّا نُخْرِجُ زَكَاةَ الْفِطْرِ إِذْ كَانَ فِينَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَاعًا مِنْ طَعَامٍ، أَوْ صَاعًا مِنْ شَعِيرٍ، أَوْ صَاعًا مِنْ تَمْرٍ، أَوْ صَاعًا مِنْ زَبِيبٍ، أَوْ صَاعًا مِنْ أَقِطٍ، فَلَمْ نَزَلْ نُخْرِجُهُ حَتَّى قَدِمَ مُعَاوِيَةُ الْمَدِينَةَ فَتَكَلَّمَ فَكَانَ فِيمَا كَلَّمَ بِهِ النَّاسَ: إِنِّي لَأَرَى مُدَّيْنِ مِنْ سَمْرَاءِ الشَّامِ تَعْدِلُ صَاعًا مِنْ تَمْرٍ. قَالَ: فَأَخَذَ النَّاسُ بِذَلِكَ. قَالَ أَبُو سَعِيدٍ: فَلَا أَزَالُ أُخْرِجُهُ كَمَا كُنْتُ أُخْرِجُهُ.

673. *Абу Саъид ал-Худрий (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида фитр закотига таъомдан** (буғдойдан) **бир соъ, арпадан бир соъ, хурмодан бир соъ, майиздан бир соъ, қурутдан бир соъ чиқарар эдик. То Муъовия Мадинага келгунича** (шунча) **чиқариб турганмиз. Муъовия** (Мадинага келгач) **нутқ сўзлади, халққа айтган гапларида ушбу** (сўз) **бор эди: «Мен, Шом буғдойидан икки мудди бир соъ хурмога тўғри келаётганини кўряпман». Шунда халқ бунга кўнди». Абу Саъид айтдики: «Мен аввал қандай чиқарган бўлсам, ҳануз худди ўшандай чиқараман».**

Абу Йисо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Баъзи илм аҳлларининг амали шу ҳадис асосидадир. Ҳамма нарсадан бир соъ берилади, деган фикрдалар. Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқнинг қавли шудир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам-нинг саҳобаларидан ва кейингилардан баъзи илм аҳллари, буғдойдан ташқари ҳамма нарсадан бир соъ берилади ва фақатгина буғдойдан ярим соъ етарли бўлади, деб хулоса қилганлар. Суфён Саврий, Ибнул-Муборак ва Куфа аҳлининг қавли шудир. Буғдойдан ярим соъ берилади деган фикрдалар.

ИЗОҲ. Соъ – дон маҳсулотлари ўлчови бўлиб, килограмм деганидир. Соъ–Ҳижоз ва Ироқ соъи тарзида иккига бўлинади. Ироқ соъи – саккиз ратл бўлиб, ҳар ратл 130 дирҳамдир. Бу 130ни 8га кўпайтирилса, бир соъ 1040 дирҳам бўлади. 1040 дирҳам – дирҳами шаръий эътибори билан 2,917кг, дирҳами урфий эътибори билан 3,333 кг бўлади. Ҳижоз соъи эса беш бутун, учдан бир ратлдир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида шу соъ қўлланган.

٦٧٤ - حَدَّثَنَا عُقْبَةُ بْنُ مُكْرَمٍ الْبَصْرِيُّ، حَدَّثَنَا سَالِمُ بْنُ نُوحٍ، عَنِ ابْنِ جُرَيْجٍ، عَنْ عَمْرِو ابْنِ شُعَيْبٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ جَدِّهِ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَعَثَ مُنَادِيًا فِي فِجَاجِ مَكَّةَ أَلَا إِنَّ صَدَقَةَ الْفِطْرِ وَاجِبَةٌ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ ذَكَرٍ أَوْ أُنْثَى، حُرٍّ أَوْ عَبْدٍ، صَغِيرٍ أَوْ كَبِيرٍ، مُدَّانِ مِنْ قَمْحٍ أَوْ سِوَاهُ؛ صَاعٌ مِنْ طَعَامٍ.

674. *Амр ибн Шуъайбнинг бобосидан ривоят қилинди:* **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Макка** (шаҳри) **кўчаларига бир жарчи юбордилар: «Диққат! Фитр садақаси, хоҳ эркак, хоҳ аёл, хоҳ озод, хоҳ қул, хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин – ҳар бир мусулмон учун во-жибдир! Буғдойдан икки мудд, бошқа таъомлар** (масаллиқлар)**дан бир соъ** (берилгайдир)**».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ғариб-ҳасан.

ИЗОҲ. Бир мудд соънинг тўртдан бири бўлиб, икки мудд ярим соъ бўлади. Бир соъ дирҳами шаръий эътибори билан 2,917 кг ва дирҳами урфий эътибори билан 3,339 кг бўлади, шунга кўра ярим соъ биринчи эътиборда – 1,458 кг ва иккинчи эътиборда 1,667 кг га тўғри келади.

٦٧٥ - حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ، عَنْ أَيُّوبَ، عَنْ نَافِعٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ قَالَ: فَرَضَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَدَقَةَ الْفِطْرِ عَلَى الذَّكَرِ وَالْأُنْثَى، وَالْحُرِّ وَالْمَمْلُوكِ؛ صَاعًا مِنْ تَمْرٍ، أَوْ صَاعًا مِنْ شَعِيرٍ. قَالَ: فَعَدَلَ النَّاسُ إِلَى نِصْفِ صَاعٍ مِنْ بُرٍّ.

675. *Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди; айтдилар:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам фитр садақасини эркаку аёл, озод ва мамлук** (қул) **– ҳар бир мусулмон кишига, хурмодан бир соъ ёки арпадан бир соъ тарзида** (бермоқликни) **фарз қилдилар».** (Ровий) **айтадики: «Кейинчалик одамлар буғдойдан ярим соъ бермоқни одат қилишди».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Бу бобда яна Абу Саъид, Ибн Аббос, Ал-Ҳорис ибн Абдурраҳмон ибн Зубобнинг бобоси, Саълаба ибн Абу Суйор ва Абдуллоҳ ибн Амр (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

٦٧٦ - حَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ مُوسَى الأَنْصَارِيُّ، حَدَّثَنَا مَعْنٌ، حَدَّثَنَا مَالِكٌ، عَنْ نَافِعٍ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَرَضَ زَكَاةَ الْفِطْرِ مِنْ رَمَضَانَ صَاعًا مِنْ تَمْرٍ، أَوْ صَاعًا مِنْ شَعِيرٍ عَلَى كُلِّ حُرٍّ أَوْ عَبْدٍ ذَكَرٍ أَوْ أُنْثَى مِنَ الْمُسْلِمِينَ.

676. *Абдуллоҳ ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди:* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, фитр закотини** (фитри Рамазонни) **мусулмонлардан ҳар биттасига – хоҳ озод, хоҳ қул, хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин – хурмодан бир соъ ёки арпадан бир соъ тарзида** (бермоқни) **фарз қилдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Ибн Умарнинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ.

Молик бу ҳадисни Нофиъдан, Ибн Умардан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан, Аййубнинг ривоятидек «минал муслимийн» («мусулмонлардан») деган илова билан ривоят қилган. Биттадан кўп киши айни шу ҳадисни Нофиъдан ривоят қилганлар; аммо ҳадисда «минал муслимийн» иловасини зикр қилмаганлар. Илм аҳллари бу масалада ихтилоф қилдилар. Баъзилари: «Кишининг мусулмон бўлмаган қуллари бўлса, улар учун закоти фитр бермайди» дейишади. Молик, Шофиъий ва Аҳмаднинг қавли шудир. Баъзи илм аҳллари эса бундай дейдилар: «Мусулмон бўлмасалар ҳам, улар учун беради». Саврий, Ибн Муборак ва Исҳоқ шу қавлга эга бўлишган.

36-БОБ. ФИТР САДАҚАСИ (ИЙД) НАМОЗ(И)ДАН ОЛДИН БЕРИЛМОҒИ

٦٧٧ - حَدَّثَنَا مُسْلِمُ بْنُ عَمْرِو بْنِ مُسْلِمٍ أَبُو عَمْرٍو الْحَذَّاءُ الْمَدَنِيُّ، حَدَّثَنِي عَبْدُ اللَّهِ بْنُ نَافِعٍ الصَّائِغُ، عَنِ ابْنِ أَبِي الزِّنَادِ، عَنْ مُوسَى بْنِ عُقْبَةَ، عَنْ نَافِعٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَأْمُرُ بِإِخْرَاجِ الزَّكَاةِ قَبْلَ الْغُدُوِّ لِلصَّلَاةِ يَوْمَ الْفِطْرِ.

677. *Ибн Умар (розийаллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинди;* **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: фитр садақаси Рамазон ийди куни намозга боришдан олдин чиқарилсин, деб амр қилар эдилар».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-ғариб.

Илм аҳллари киши фитр садақасини намозга юришдан олдин чиқармоғини мустаҳаб кўрганлар.

37-БОБ. ЗАКОТНИНГ ВАҚТИДАН ОЛДИН БЕРИЛМОҒИ

٦٧٨ - **حَدَّثَنَا** عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ، أَخْبَرَنَا سَعِيدُ بْنُ مَنْصُورٍ، حَدَّثَنَا إِسْمَعِيلُ بْنُ زَكَرِيَّا، عَنِ الْحَجَّاجِ بْنِ دِينَارٍ، عَنِ الْحَكَمِ بْنِ عُتَيْبَةَ، عَنْ حُجَيَّةَ بْنِ عَدِيٍّ، عَنْ عَلِيٍّ: أَنَّ الْعَبَّاسَ سَأَلَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي تَعْجِيلِ صَدَقَتِهِ قَبْلَ أَنْ تَحِلَّ، فَرَخَّصَ لَهُ فِي ذَلِكَ.

678. *Ҳазрати Али (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **«Аббос** (розийаллоҳу анҳу) **ўз садақаларини вақти кирмасидан эртароқ бермоқ борасида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам**дан **сўрадилар. Расули Акрам бу хусусда у кишига рухсат бердилар».**

٦٧٩ - **حَدَّثَنَا** الْقَاسِمُ بْنُ دِينَارٍ الْكُوفِيُّ، حَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ مَنْصُورٍ، عَنْ إِسْرَائِيلَ، عَنِ الْحَجَّاجِ بْنِ دِينَارٍ، عَنِ الْحَكَمِ بْنِ جَحْلٍ، عَنْ حُجْرٍ الْعَدَوِيِّ، عَنْ عَلِيٍّ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لِعُمَرَ: «إِنَّا قَدْ أَخَذْنَا زَكَاةَ الْعَبَّاسِ عَامَ الأَوَّلِ لِلْعَامِ».

679. *Ҳазрати Али (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди:* **Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Умар** (розийаллоҳу анҳу)**га айтдилар: «Биз Аббоснинг бу йилги закотини аввалги** (ўтган) **йили олганмиз».**

Бу бобда Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Закотнинг вақтидан олдин берилмоғи ҳақидаги ҳадис Исроилнинг Ал-Ҳажжож ибн Динордан қилган ривояти эканлигини битта шу важҳдан биламан.

Исмоъийл ибн Закариёнинг Ал-Ҳажжождан қилган ривояти, менимча, Исроилнинг Ал-Ҳажжож ибн Динордан қилган ривоятидан кўра саҳиҳдир.

Бу ҳадис Ал-Ҳакам ибн Утайбадан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан мурсал тарзда ривоят қилинди.

Илм аҳллари, вақти кирмасдан олдин закот берилмоғи масаласида ихтилоф қилдилар. Илм аҳлларидан бир гуруҳи, закот вақтидан олдин берилади, деган фикрга эга бўлганлар. Суфён Саврийнинг қавли шудир. Айтадики: «Менимча, вақтидан олдин берилмоғи янада мақбулроқ».

Илм аҳлларининг кўпчилиги бундай дейди: «Вақти кирмасдан олдин берилса, закот берганга ўтади». Шофиъий ва Исҳоқ шу қавлга эга бўлганлар.

38-БОБ. ТИЛАНЧИЛИКДАН ҚАЙТАРУВ

٦٨٠ ـ حدثنا هَنَّادٌ . حَدَّثَنَا أَبُو الأَحْوَصِ عَنْ بَيَانِ بْنِ بِشْرٍ ، عَنْ قَيْسِ بْنِ أَبِي حَازِمٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ : سَمِعْتُ رَسُولَ اللهِ صلى الله عليه وسلم يَقُولُ: لَأَنْ يَغْدُوَ أَحَدُكُمْ فَيَحْتَطِبَ عَلَى ظَهْرِهِ فَيَتَصَدَّقَ مِنْهُ فَيَسْتَغْنِيَ بِهِ عَنِ النَّاسِ ، خَيْرٌ لَهُ مِنْ أَنْ يَسْأَلَ رَجُلاً ، أَعْطَاهُ أَوْ مَنَعَهُ ذٰلِكَ. فَإِنَّ الْيَدَ الْعُلْيَا أَفْضَلُ مِنَ الْيَدِ السُّفْلَى، وَابْدَأْ بِمَنْ تَعُولُ»

680. *Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитдим: **«Сизлардан бирортангиз эрта тонгда бориб ўтин термоғи, уни орқасига кўтариб ташимоғи, ундан садақа қилмоғи ва шу билан одамлардан беҳожат бўлмоғи, сўраса ё берадиган, ё бермайдиган кишидан тиланиб юрмоғидан кўра, албатта, ўзи учун яхшироқдир! Юқори қўл паст қўлдан яхшидир!..** (Аввал) **ўзингизга қарашли бўлганлардан бошланг!»**

Бу бобда яна Ҳаким ибн Ҳизом, Абу Саъид ал-Худрий, Зубайр ибн Аввом, Атиййа ас-Саъдий, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Масъуд ибн Амр, Ибн Аббос, Савбон, Зиёд ибн ал-Ҳорис ас-Судоий, Анас, Хубший ибн Жунода, Кабиса ибн Муҳориқ, Самура ва Ибн Умар (розийаллоҳу анҳум)дан ҳадис ривоят қилинган.

Абу Ийсо деди(лар): Абу Ҳурайранинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ-ғариб.

Бу ҳадиснинг ғариб экани баённинг Қайсдан ривоят қилингани туфайлидир.

ИЗОҲ. «Юқори қўл паст қўлдан яхшидир!» – Яъни, юқори қўл – берувчи қўл, паст қўл – олувчи қўлдир. **«Ўзингизга қарашли бўлганлардан**

бошланг!» – Яъни, аввало зиммасида нафақаси вожиб бўлган кишилардан бошлайди, кейин ортганини бошқаларга беради.

٦٨١ - حدثنا مَحْمُودُ بْنُ غَيْلَانَ حَدَّثَنَا وَكِيعٌ . حَدَّثَنَا سُفْيَانُ عَنْ عَبْدِ الْمَلِكِ بْنِ عُمَيْرٍ عَنْ زَيْدِ بْنِ عُقْبَةَ عَنْ سَمُرَةَ بْنِ جُنْدَبٍ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللهِ صلى اللهُ عليه وسلم : « إِنَّ الْمَسْأَلَةَ كَدٌّ يَكُدُّ بِهَا الرَّجُلُ وَجْهَهُ . إِلَّا أَنْ يَسْأَلَ الرَّجُلُ سُلْطَانًا، أَوْ فِي أَمْرٍ لَابُدَّ مِنْهُ » .

681. *Самура ибн Жундуб (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди; айтди:* «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Тиланчилик бир** (уқубатли) **тирналмоқдирки, киши у билан ўз юзини тирнагайдир. Илло киши ҳукмдордан сўраса ёки ўта зарур иш борасида бўлса** (мумкин)**».**

Абу Ийсо деди(лар): Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ.

Закот боблари охирига етди.

Биринчи жилд таржимасининг янги таҳрири 1433 йил,
Жумодул аввал ойининг 30-куни ниҳоясига етди.
Алҳамдуллиллаҳи Роббил-ъоламийн!
Ас-салоту вас-салому ъало саййидино
Муҳаммадин ва ъало олиҳи ва асҳобиҳи ажмаъийн!

Ушбу муборак китобни ўқиб, баҳраманд бўлиб, унга амал қилганларни Аллоҳ таъоло икки жаҳонда бахтиёр айласин!

Шайхул-Ҳадис – ҳазрати Саъийд Аҳмад Болонпурийнинг
Имом Аъзам мазҳаби асосидаги «Сунани Термизий»га ёзган
шарҳларини урдучадан таржима қилувчи:
Ёркинжон қори ФОЗИЛОВ

«Сунани Термизий» нашрига ёрдам берган барча азиз инсонларга сидқидилдан миннатдорлик билдирамиз. Аллоҳ таъоло барчаларининг хайрли ишларида ёр ва мададкор бўлсин! Мутаржим.

«СУНАНИ ТЕРМИЗИЙ» – ИНСОН ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИНГ РАНГ-БАРАНГ НАМУНАСИ

Сўнгсўз ўрнида

Дарҳақиқат, Шарқ маънавий меросига, жумладан исломий манбаъларга ҳар бир олим ўз ихтисоси нуқтаи назаридан ёндошиб, ўз соҳаси илмларига доир аниқ намуналарни топа олади.

Бу жиҳатдан, Имом Ал-Бухорий, Имом Ат-Термизий тўплаган ҳадислардаги инсон ҳақ-ҳуқуқларига оид қимматли намуналар, уларнинг шарҳи, таъвили ва талқинлари фақат Ўзбекистон Республикасида, Шарқ оламида эмас, балки бутун дунё миқёсида замон аҳли учун янгиликдир. Юридик (ҳуқуқий) илмлар бу манбаълардан баҳра олиб, нур олиб, янги чўққиларга кўтарилишига шубҳа йўқ.

Ҳуқуқий меросимиз хазинасидан нашр этилаётган «Сунани Термизий» («Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» ёки «Саҳиҳи Термизий» номлари билан ҳам машҳур) китоби атоқли ватандошимиз Абу Ийсо Муҳаммад Ат-Термизийнинг шоҳ асари бўлиб, «Фиққий мерос» таърифига жуда мувофиқ ва муносибдир. Бу асарда мазҳаб жиҳатларининг ҳисобга олиниши бир дарёдан чиққан тўрт «Ҳуқуқий ирмоқ»нинг ўзига хос хусусиятларини, уларнинг далил ва ҳужжатларини, айниқса, Имом Аъзам мазҳабларининг ўта пишиқ, мустаҳкам ва мукаммаллигини намоён этади. Баъзан бир мавзуда хилма-хил, ранг-баранг ёки ҳатто қарама-қарши ҳадислар келтирилади, Имом Ат-Термизий эса бу ҳадисларни фараҳ билан, мамнуният билан шарҳлайдилар, хулосани эса зукко китобхоннинг ўзига ҳавола этадилар. Бу ҳақ-ҳуқуқ эҳтиромининг чиройли намунасидир.

Ҳозирги замон ҳуқуқ илмлари, қонуншунослик соҳалари ҳар томонлама ривож топаётган бир даврда маънавий меросимиз хазиналарига ҳам эътиборни қаратмоқ кишини янги кашфиётлар сари рағбатлантиради, ҳуқуқий маданиятнинг камол топишига хизмат қилади. Хоҳ фиққий (ҳуқуқий-юридик) соҳада бўлсин, хоҳ эътиқодий соҳада бўлсин, «Сунани Термизий», ҳақиқатан, қимматли асардир. Бу китоб миллатимизнинг комил иймон-эътиқод билан яшашида муҳим ўрин тутади, деб ўйлайман. Чунки эътиқод, Имом Аъзам таъбирлари билан айтганда, улуғ фиққдир – «фиққи акбар»дир!

Таржимон биродаримиз Мирзо Кенжабек бугунги тарихий давримизда «Сунани Термизий»дек муҳташам асар таржимаси орқали

она тилимизнинг бой ва ранг-баранг имкониятларини намоён этишга муваффақ бўлиб турганидан беҳад мамнунман.

Она Ўзбекистонимиз истиқлолининг энг ажойиб самараси шуки, юртбошимиз И.А.Каримов рахбарлигида, халқимиз миллий-жаҳоншумул қадриятларни тиклашга киришди, Имом Ал-Бухорий, Имом Ат-Термизийдек улуғ муҳаддислар меросига эгалик қила бошлади. Бу асарлар ҳуқуқ олимлари учун ҳам кашфиётлар майдони бўлаётир. Азиз китобхонни чин қалбдан муборакбод этиб, ушбу нашрга ҳисса қўшганимдан бахтиёр эканлигимни изҳор этаман.

Акмал САИДОВ,
юридик фанлари доктори, профессор,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон
Республикаси Миллий маркази директори.

МУНДАРИЖА

Усмонхон Алимов. Имом ат-Термизий баракоти 5
Шайх Абдулазиз Мансур. Тақдим 12
М.Кенжабек. Абу Ийсо Муҳаммад Термизийнинг таржимаи ҳоллари 13

ҲАДИС ИЛМИНИНГ ИСТИЛОҲЛАРИ

Ҳадис ва суннат 24
Хабар ва асар 25
Ҳадиси қудсий 25
Муснид, муҳаддис, ҳофиз 26
Ҳадисларнинг қабул қилиниши ва рад этилиши жиҳатидан турларга бўлиниши 27
1.Саҳиҳ.Саҳиҳ ҳадиснинг турлари 28
2.Ҳасан ҳадис 29
3.Заиф ҳадис 30
Саҳиҳ, ҳасан ва заиф ҳадислар орасидаги муштарак истилоҳлар ... 32

ПОКЛИК КИТОБИ

1-боб. Покликсиз ҳеч бир намоз қабул қилинмайди 36
2-боб. Таҳоратнинг фазилати 38
3-боб. Намознинг калити таҳоратдир 39
4-боб. Ҳожатхонага киришда ўқиладиган дуо 40
5-боб. Ҳожатхонадан чиққанда ўқиладиган дуо 41
6-боб. Катта ёки кичик қазои ҳожат қилганда қиблага қараб ўтиришдан қайтарув 42
7-боб. Қиблага қараб ўтиришга рухсат борлиги 43
8-боб. Тик туриб пешоб қилишдан қайтарув 45
9-боб. Тик туриб пешоб қилиш рухсати 46
10-боб. Қазои ҳожат вақтида авратни тўсиш 47
11-боб. Ўнг қўл билан истинжо қилиш (покланиш) макруҳ эканлиги 48
12-боб. Тош билан истинжо қилиш 48
13-боб. Иккита тош билан истинжо қилиш 49
14-боб. Истинжода фойдаланиш макруҳ бўлган нарсалар 51
15-боб. Сув билан истинжо қилиш 52
16-боб. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қазои ҳожат қилмоқчи бўлсалар, узоққа борар эдилар 52
17-боб. Ювинадиган жойда пешоб қилиш макруҳ эканлиги 53
18-боб. Мисвок 54

19-боб. Уйқудан турган киши қўлини ювмасдан туриб идишга ботирмасин 56
20-боб. Таҳоратни «Бисмиллоҳ» билан бошламоқ 57
21-боб. Оғиз чайқаш ва бурунга сув олиб ювиш 58
22-боб. Оғиз ва бурунни бир ҳовуч сув билан чайқаш 59
23-боб. Соқолни хилол қилиш (ораларига сув етказиш) 61
24-боб. Бошга олдидан (пешонадан) бошлаб орқага қараб (энсасигача) масҳ тортмоқ 62
25-боб. Бошга масҳ тортишни орқадан (энсадан) бошламоқ 63
26-боб. Бошга бир марта масҳ тортмоқ 63
27-боб. Бошга масҳ тортиш учун янги сув олмоқ 64
28-боб. Қулоқларнинг ичига ва сиртига масҳ тортмоқ 65
29-боб. Қулоқлар бош жумласидандир 65
30-боб. Бармоқларни хилол қилмоқ (ораларига сув етказмоқ) 66
31-боб. Дўзах оловидан товонларнинг ҳолига вой! 68
32-боб. Таҳорат аъзоларини бир мартадан ювмоқ 69
33-боб. Таҳорат аъзоларини икки мартадан ювмоқ 69
34-боб. Таҳорат аъзоларини уч мартадан ювмоқ 70
35-боб. Таҳорат аъзоларини бир, икки ва уч мартадан ювиш ҳақида 70
36-боб. Таҳорат олганда аъзолардан бирини икки марта ва бирини уч марта ювмоқ 71
37-боб. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қандай таҳорат олганлар? 72
38-боб. Таҳоратдан кейин этакка (ич кийимга) сув сепмоқ 73
39-боб. Таҳоратни мукаммал олмоқ 74
40-боб. Таҳоратдан кейин сочиқ ишлатмоқ 75
41-боб. Таҳоратдан кейин ўқиладиган дуо 76
42-боб. Бир мудд (тақрибан бир литр) сув билан таҳорат олмоқ 77
43-боб. Таҳоратда сувни исроф қилиш макруҳ эканлиги 77
44-боб. Ҳар бир намоз учун алоҳида таҳорат олмоқ 78
45-боб. Намозларни бир таҳорат билан ўқимоқ 80
46-боб. Эр билан хотиннинг бир идишдан ювинмоқлари 81
47-боб. Аёл кишининг таҳоратидан ортган сув макруҳ эканлиги 81
48-боб. Аёл кишининг таҳоратидан ортган сувга таҳорат олишга рухсат борлиги 82
49-боб. (Кўп) сувни ҳеч нарса булғай олмайди 83
50-боб. Ўтган мавзу 85
51-боб. Турғун сувга пешоб қилиш макруҳ эканлиги 86
52-боб. Денгиз суви покдир 87
53-боб. Сийдик ҳақида ворид бўлган қаттиқ ҳукм 88

54-боб. Эмизикли боланинг сийдиги устига сув тўкиб тозаламоқ ... 89
55-боб. Гўшти ейиладиган ҳайвон сийдиги ... 90
56-боб. Ел чиқарганда ҳиди сезилса, таҳорат олиш лозим бўлади ... 92
57-боб. Уйқудан сўнг таҳорат олмоқ ... 94
58-боб. Оловда пишган таъом (ейиш) туфайли таҳорат лозимлиги ... 95
59-боб. Оловда пишган таъом (ейиш) туфайли таҳорат лозим эмаслиги ... 96
60-боб. Туя гўшти (ейиш) туфайли таҳорат лозим бўлиши ... 97
61-боб. Закарига қўл теккизганда таҳорат лозим бўлиши ... 99
62-боб. Закарга қўл теккизиш туфайли таҳорат лозим эмаслиги ... 100
63-боб. Ўпиш туфайли таҳорат лозим эмаслиги ... 101
64-боб. Қусганда ва бурун қонаганда таҳорат лозим бўлиши ... 102
65-боб. Набиз (хурмо шарбати) билан таҳорат олмоқ ... 103
66-боб. Сут ичгандан кейин оғиз чайқамоқ ... 104
67-боб. Таҳорат ушатаётганда саломга алик олиш макруҳ эканлиги ... 105
68-боб. Итнинг сарқити ... 105
69-боб. Мушукнинг сарқити ... 106
70-боб. Маҳсилар устига масҳ тортмоқ ... 107
71-боб. Мусофир ва муқим кишиларнинг маҳси устига масҳ тортмоқлари ... 109
72-боб. Маҳсиларнинг устига ва остига масҳ тортмоқ ... 110
73-боб. Маҳсиларнинг юзига масҳ тортмоқ ... 111
74-боб. Жавроб ва наъл (пойабзал) устига масҳ тортмоқ ... 111
75-боб. Амома (салла) устига масҳ тортмоқ ... 114
76-боб. Жунубликдан покланмоқ (чўмилмоқ) ... 115
77-боб. Аёл киши ғусл қилганда сочининг ўримини ёядими? ... 117
78-боб. Ҳар битта соч толаси остида жунублик бор ... 117
79-боб. Ғуслдан кейин таҳорат олмоқ масаласи ... 118
80-боб. Икки хатна (шармгоҳ) учрашганда ғусл вожиб бўлади ... 118
81-боб. «Сув» боис сув лозим бўлур ... 119
82-боб. Уйқудан уйғониб, (кийимида) нам кўрмоқ ва иҳтилом бўлганини эслай олмаслик ... 121
83-боб. Маний ва мазий (манийдан олдин келадиган оқимтир сув) ... 122
84-боб. Кийимга теккан мазий ... 122
85-боб. Кийимга теккан маний ... 123
86-боб. Кийимга теккан манийни ювиб ташламоқ ... 124

87-боб. Жунуб кишининг ғусл қилмасдан олдин ухлаши 124
88-боб. Ухламоқчи бўлган жунуб кишининг таҳорат олиб ётмоғи 125
89-боб. Жунуб кишининг мусофаҳаси (одамлар билан қўл бериб кўришмоғи) 125
90-боб. Хотин кишининг эркак кишидек уйқусида иҳтилом бўлмоғи 126
91-боб. Ғуслдан кейин аёли билан исинган киши ҳақида 126
92-боб. Сув тополмаган жунуб кишининг таяммум қилмоғи 127
93-боб. Истиҳоза 128
94-боб. Истиҳоза кўрган аёл ҳар бир вақт намози учун таҳорат олади 129
95-боб. Истиҳоза кўрган аёл бир ғусл билан икки вақт намозни жамъ қилиб ўқимоғи 129
96-боб. Истиҳоза кўрган аёл ҳар вақт намози учун ғусл қилади 132
97-боб. Ҳайз кўрган аёл намозининг қазосини ўқимайди 133
98-боб. Жунублик ва ҳайз ҳолатида Қуръон ўқилмайди 134
99-боб. Ҳайз кўрган хотин билан бирга ётмоқ 135
100-боб. Ҳайз кўрган хотини билан биргаовқатланмоқ ва ҳайзли аёл (таҳорати)дан ортиб қолган сув 137
101-боб. Ҳайз кўрган аёлнинг масжиддан бирор нарса олиб бермоғи 137
102-боб. Ҳайз кўрган хотинга яқинлик қилиш кароҳат эканлиги 138
103-боб. Ҳайз кўрган хотинга яқинлик қилганда каффорат бериш 139
104-боб. Кийимга теккан ҳайз қонини ювмоқ 139
105-боб. Нифос (туғишдан кейинги қон келиши)нинг муддати 140
106-боб. Кишининг бир неча жинсий алоқадан кейин бир марта ғусл қилмоғи 141
107-боб. Жунуб киши (яна жинсий муомалага) қайтмоқчи бўлса, таҳорат олади 142
108-боб. Намозга иқомат айтилса-ю, бирортангиз ҳожатхонага бориш эҳтиёжини сезса, аввал ҳожатга борсин 142
109-боб. Ифлос жойни босганда покланиш лозимлиги 143
110-боб. Таяммум 144
111-боб. Жунубликдан ташқари ҳар қандай ҳолатда Қуръон ўқилиши ҳақида 146
112-боб. Сийдик ерга сингмоғи ҳақида 147

НАМОЗ КИТОБИ

113-боб. Намоз вақтлари 148
114-боб. Ўтган мавзу (Намоз вақтлари) 150
115-боб. Ўтган мавзу (Намоз вақтлари) 151
116-боб. Бомдод намозини тонг ғира-ширасида ўқимоқ 152
117-боб. Бомдод намозини тонг оқарганда ўқимоқ 153
118-боб. Пешин намозини вақти кирган заҳоти ўқимоқ 153
119-боб. Пешин намозини жазирама кунларда кечиктириб (салқин тушмоғини кутиб) ўқимоқ 154
120-боб. Аср намозини вақтли ўқимоқ 156
121-боб. Аср намозини таъхир қилмоқ 158
122-боб. Шом намозининг вақти 159
123-боб. Хуфтон намозининг вақти 159
124-боб. Хуфтон намозини таъхир қилмоқ (кеч ўқимоқ) 161
125-боб. Хуфтондан олдин ухламоқ ва хуфтондан кейин гаплашиб ўтирмоқ макруҳ эканлиги 161
126-боб. Хуфтондан кейин гаплашиб ўтиришга рухсат борлиги 162
127-боб. Намозни вақтининг аввалида (вақти кирган заҳоти) ўқишнинг фазилати 162
128-боб. Паришонхотирлик билан аср намозининг вақтини ўтказиб (қазо қилиб) қўймоқ 166
129-боб. Имом таъхир этган тақдирда намозни вақтли ўқиб олмоқ 166
130-боб. Ухлаб қолиб намозни ўтказиб юбормоқ 167
131-боб. Намозни унутиб ўтказиб юборган киши ҳақида 168
132-боб. Бир нечта намозни ўтказиб юборган киши (қазосини ўқишни) қайси намоздан бошлайди? 168
133-боб. (Қуръонда айтилган) «Солатул-вусто» («ўрта намоз») аср намози эканлиги, у пешин намози, деб ҳам (фикр) айтилгани 170
134-боб. Аср ва бомдод намозидан кейин (нафл) намоз ўқиш макруҳ эканлиги 171
135-боб. Аср намозидан кейин намоз ўқиш ҳақида 173
136-боб. Шом намозининг фарзидан олдинги намоз 174
137-боб. Қуёш ботишидан олдин аср намозининг бир ракъатига улгурган киши 176
138-боб. Ҳазарда (муқимликда) икки вақт намозини жам қилмоқ 176
139-боб. Азоннинг бошланиши 179
140-боб. Азонда таржиъ (икки шаҳодат калимасини аввал паст овозда, кейин баланд овозда айтмоқ масаласи) 180

141-боб. Иқомат калималарини бир мартадан айтмоқ....182
142-боб. Иқомат калималари жуфт-жуфтдир....182
143-боб. Азонни чўзиб айтмоқ....183
144-боб. Азон айтганда бармоқни қулоққа тиқмоқ....183
145-боб. Бомдод намозида тасвиб қилмоқ....184
146-боб. Азон айтган киши иқомат келтиради....185
147-боб. Таҳоратсиз азон айтиш макруҳ эканлиги....186
148-боб. Иқомат (вақтини тайинлаш) кўпроқ имомнинг ҳаққидир....187
149-боб. Кечаси айтилган азон....188
150-боб. Азондан кейин масжиддан чиқиш макруҳ эканлиги....189
151-боб. Сафарда азон айтмоқ....190
152-боб. Азоннинг фазилати....190
153-боб. Имом – зомин (зиммадор), муаззин – омонат эгасидир....191
154-боб. Азон айтилаётганда айтиб туриладиган сўзлар....192
155-боб. Муаззиннинг азон учун ҳақ олмоғи макруҳ эканлиги....192
156-боб. Муаззин азон айтганда (эшитган) киши ўқийдиган дуо....193
157-боб. Ўтган мавзу (Азон дуоси)....194
158-боб. Азон билан иқомат орасидаги дуо рад этилмас....194
159-боб. Аллоҳ бандаларига неча вақт намозни фарз қилган?....195
160-боб. Беш вақт намознинг фазилати....195
161-боб. Жамоат билан ўқилган намознинг фазилати....195
162-боб. Азонни эшитиб, унга ижобат қилмаган киши ҳақида....196
163-боб. Якка ҳолда намозини ўқигандан кейин жамоатга келган киши....199
164-боб. Бир марта намоз ўқилган масжидда иккинчи жамоат намози....200
165-боб. Хуфтон ва бомдод намозларини жамоат билан ўқишнинг фазилати....201
166-боб. Биринчи сафнинг фазилати....202
167-боб. Сафларни тўғриламоқ....203
168-боб. «Етук ва аҳли дониш кишилар орқамда (биринчи сафда) турсинлар...»....204
169-боб. Икки устун орасида саф тортиш макруҳ эканлиги....204
170-боб. Сафнинг орқасида якка ҳолда намоз ўқимоқ....205
171-боб. Бир кишига имом бўлган одам масаласи....207
172-боб. Икки кишига имом бўлган одам масаласи....207
173-боб. Эркаклар билан аёлларга имом бўлган киши масаласи....208
174-боб. Имомлик қилмоққа кўпроқ ким ҳақли?....209
175-боб. «Сизлардан бирор киши одамларга имом бўлса, намозни енгил ўқиб берсин»....210

176-боб. Намознинг таҳрими ва таҳлили 211
177-боб. Такбир айтганда бармоқларни очиқ тутмоқ 212
178-боб. Биринчи такбирнинг фазилати 213
179-боб. Ифтитоҳ такбиридан кейин ўқиладиган нарса 214
180-боб. «Бисмиллаҳир-роҳманир-роҳийм»ни махфий айтмоқ 215
181-боб. «Бисмиллоҳ» ошкор айтилади, деб қабул қилган кишилар 216
182-боб. Қироатни «Алҳамдулиллаҳи Роббил-ъоламийн» билан бошламоқ 217
183-боб. «Фотиҳа»сиз намоз йўқ 217
184-боб. «Фотиҳа»дан кейин «омин» демоқ 218
185-боб. «Фотиҳа»дан кейин «омин» демоқнинг фазилати 220
186-боб. Намоздаги икки сакта 221
187-боб. Намозда (қиёмда) ўнг қўлни чап қўлнинг устига қўймоқ 222
188-боб. Рукуъга ва саждага бораётиб такбир айтмоқ 222
189-боб. Ўша мавзу 223
190-боб. Рукуъга бораётиб қўлларни кўтармоқ 223
191-боб. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам фақатгина биринчи такбирда (намознинг бошланишида) қўлларини кўтарар эдилар 225
192-боб. Рукуъда қўлларни тиззалар кўзига қўймоқ 225
193-боб. Рукуъда қўллар қўлтиқдан ажралмоғи 226
194-боб. Рукуъ ва сажда тасбиҳлари ҳақида 227
195-боб. Рукуъда ва саждада Қуръон қироат қилинмаслиги 228
196-боб. Рукуъда ва саждада белини тўкис букмаган киши 229
197-боб. Намозхон рукуъдан бош кўтарганда нима дейди? 230
198-боб. Ўтган мавзу 231
199-боб. Саждага бораётиб тиззаларни қўллардан олдин ерга қўйиш ҳақида 232
200-боб. Ўтган мавзу 232
201-боб. Пешона ва бурун билан сажда қилмоқ 233
202-боб. Киши саждага борганда юзини қаерга қўяди? 233
203-боб. Етти аъзо билан сажда қилмоқ 234
204-боб. Саждада қўлларнинг қўлтиқлардан ажралмоғи 235
205-боб. Саждаларда эътидол 236
206-боб. Саждада қўлларни ерга қўймоқ ва оёқларни тик тутмоқ 236
207-боб. Саждадан ва рукуъдан бош кўтарганда белни (қоматни) тик тутмоқ 237
208-боб. Рукуъда ва саждада имомдан олдин ҳаракат қилмоқ макруҳ эканлиги 238

209-боб. Икки сажда ўртасида товонларни тиклаб (икки товон устига) ўтирмоқ макруҳ эканлиги 239
210-боб. Товонларни тиклаб ўтиришга рухсат борлиги 239
211-боб. Икки сажда ўртасида ўқиладиган дуо 240
212-боб. Саждада таянмоқ 241
213-боб. Саждадан қиёмга қандай турилиши 241
214-боб. Ўтган мавзу 242
215-боб. Намозда ташаҳҳуд 242
216-боб. Ўтган мавзу 244
217-боб. Ташаҳҳудни махфий ўқимоқ 244
218-боб. Ташаҳҳуд учун қандай ўтирилиши 245
219-боб. Ўтган мавзу 245
220-боб. Ташаҳҳудда бармоқлар билан ишорат қилмоқ 246
221-боб. Намозда салом бериш 247
222-боб. Ўтган мавзу 247
223-боб. Саломни чўзмаслик - суннат 248
224-боб. Саломдан кейин ўқиладиган дуо 249
225-боб. Ўнг томон билан ва чап томон билан қайрилмоқ 250
226-боб. Намознинг сифати 251
227-боб. Ўтган мавзу 254
228-боб. Бомдод намозидаги қироат 256
229-боб. Пешин ва аср намозларидаги қироат 256
230-боб. Шом намозидаги қироат 257
231-боб. Хуфтон намозидаги қироат 258
232-боб. Имомнинг орқасида қироат қилмоқ 259
233-боб. Имом жаҳр (овоз чиқариб) ўқиганда унинг орқасидагилар қироат қилмаслиги 260
234-боб. Масжидга кираётганда ўқиладиган дуо 262
235-боб. «Сизлардан бирортангиз масжидга кирганда икки ракъат намоз ўқиб олсин» 264
236-боб. Қабристон ва ҳаммомдан ташқари бутун ер юзи намозгоҳдир 264
237-боб. Масжид қурдирмоқнинг фазилати 265
238-боб. Қабр устида масжид қурмоқ макруҳ эканлиги 266
239-боб. Масжидда ухламоқ 267
240-боб. Масжидда олди-сотди қилмоқ, йўқолган нарсани сўрамоқ ва шеър айтишмоқ макруҳ эканлиги 267
241-боб. Тақво асосида қурилган масжид 268
242-боб. Қубо масжидидаги намоз 269
243-боб. Масжидларнинг қайси бири афзалроқ? 270
244-боб. Масжидга оҳиста юриб келмоқ 271
245-боб. Масжидда ўтириб, намозни кутмоқнинг фазилати 272

246-боб. Хумра (яъни, жойнамоз) устида намоз ўқимоқ 273
247-боб. Ҳасийр (хурмо бўйраси) устида 273
248-боб. Шолчалар устида намоз ўқимоқ 274
249-боб. Боғ-бўстонларда намоз ўқимоқ 274
250-боб. Намозхон рўпарасига сутра (тўсиқ) қўймоғи 275
251-боб. Намоз ўқиётган одамнинг олдидан кесиб ўтиш макруҳ эканлиги 275
252-боб. Намозхон олдидан ҳар қандай нарса ўтса ҳам, намози бузилмайди 276
253-боб. Намозни фақат ит, эшак ва аёл киши кесмоғи 277
254-боб. Бир қават кийимда намоз ўқимоқ 277
255-боб. Қибланинг каъбага қараб ўзгариши 278
256-боб. Машриқ билан мағриб ораси қибладир 279
257-боб. Булутли ҳавода қибладан бошқа томонга қараб намоз ўқимоқ 282
258-боб. Қаерда, нимага қараб намоз ўқимоқ макруҳ эканлиги 282
259-боб. Қўйхона ва туяхоналарда намоз ўқимоқ 283
260-боб. Улов устида, улов кетаётган томонга қараб намоз ўқимоқ 284
261-боб. Туяга қараб (туяни тўсиқ қилиб) намоз ўқимоқ 285
262-боб. «Кечки таъом билан хуфтон намози бир вақтга тўғри келиб қолганида кечки таъомдан бошлангизлар...» 285
263-боб. Уйқусираб намоз ўқимоқ 286
264-боб. Бир қавмни зиёрат қилган киши уларга имом бўлмасин 287
265-боб. Имомнинг ёлғиз ўзи учун дуо қилиши макруҳ эканлиги 288
266-боб. Қавм хоҳламаган кишининг қавмга имом бўлмоғи 288
267-боб. Имом ўтириб намоз ўқиса, сизлар ҳам ўтириб ўқингизлар 290
268-боб. Ўтган мавзу 291
269-боб. Имомнинг унутган ҳолда иккинчи ракъатда (қиёмга) туриб кетмоғи 292
270-боб. Биринчи ташаҳудда ўтирмоқ миқдори 293
271-боб. Намозда ишорат қилмоқ 294
272-боб. (Намоз пайти) тасбиҳ айтиш эркаклар учун, чапак чалиш аёллар учундир 295
273-боб. Намозда эснамоқ макруҳ эканлиги 295
274-боб. Ўтириб ўқилган намоз тик туриб ўқилган намознинг ярмига тенг 296
275-боб. Ўтирган жойида нафл намоз ўқиган киши 297

276-боб. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Мен намозда боланинг йиғисини эшитиб, қироатни қисқа қиламан», деганлари 299
277-боб. Ҳайз кўра бошлаган (балоғатга етган) қизнинг намози ёпинчиқсиз қабул бўлмаслиги 299
278-боб. Намозда кийимини осилтириб олиш макруҳ эканлиги....300
279-боб. Намозда майда тошларни текисламоқ макруҳ эканлиги....300
280-боб. Намозда пуфламоқ макруҳ эканлиги 301
281-боб. Намозда қўлни белга тирамоқдан қайтарув 302
282-боб. Намозда сочни энсага (бошнинг орқасига) тўпламоқ макруҳ эканлиги....303
283-боб. Намозда хушуъ 304
284-боб. Намозда бармоқларни бир-бирига чалиштириш макруҳ эканлиги....305
285-боб. Намозда қиёмни узун қилмоқ 305
286-боб. Рукуъ ва сужудни кўпайтирмоқ ва бунинг фазилати....306
287-боб. Намоз пайтида илон ва чаённи ўлдирмоқ....307

САЖДАИ САҲВ БОБЛАРИ

288-боб. Саломдан олдин саждаи саҳв қилмоқ....308
289-боб. Саломдан ва каломдан кейинги саждаи саҳв 310
290-боб. Саждаи саҳвда ташаҳҳуд....311
291-боб. Ортиқ ёки кам ўқиганига шубҳа қилган киши 312
292-боб. Пешин ва аср намозларида икки ракъатда салом бериб қўйган киши 314
293-боб. Пойабзал билан намоз ўқимоқ....315
294-боб. Бомдод намозида қунут ўқимоқ 315
295-боб. (бомдодда) қунут ўқимаслик....316
296-боб. Намозда аксирган киши....317
297-боб. Намозда гаплашишнинг манъ этилиши 318
298-боб. Тавбадан олдин намоз ўқимоқ....319
299-боб. Ёш болага қачондан ибодат буюрилади?....320
300-боб. Ташаҳҳуддан кейин таҳорат бузилса... 322
301-боб. Ёмғирли кунда намозни уйларида ўқимоқлари 323
302-боб. Намозлар ортидан тасбиҳ айтмоқ....324
303-боб. Лойгарчиликда ва ёмғирда улов устида намоз ўқимоқ....325
304-боб. Намоз учун вужудни уринтирмоқ 326
305-боб. Қиёмат кунида банданинг берадиган биринчи ҳисоби намоздандир 326

306-боб. Бир кеча-кундузда ўн икки ракъат суннат намози ўқимоқнинг фазилати 328
307-боб. Бомдоднинг икки ракъатининг фазилати 329
308-боб. Бомдод намозининг икки ракъат (суннат)и енгил ўқилмоғи ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бу икки ракъатдаги қироатлари 329
309-боб. Бомдод намозининг икки ракъат (суннат)идан кейин гаплашмоқ 330
310-боб. Тонг отганидан кейин фақатгина икки ракъат (суннат) намоз бор 330
311-боб. Бомдод намозининг суннатидан кейин ёнбошламоқ 331
312-боб. Намоз учун иқомат айтилганда фарздан бошқа намоз йўқ эканлиги 332
313-боб. Бомдод намозининг суннатини ўтказиб, фарздан кейин ўқимоқ 334
314-боб. Қуёш чиққандан кейин бомдод намозининг суннатини ўқимоқ 335
315-боб. Пешин намозининг тўрт ракъатлик аввалги суннати 336
316-боб. Пешин намозининг (фарздан) кейинги икки ракъат суннати 336
317-боб. Ўтган мавзу 337
318-боб. Асрнинг фарзидан аввалги тўрт ракъат намоз 338
319-боб. Шомнинг фарзидан кейинги икки ракъат намоз ва бу икки ракъатдаги қироат 339
320-боб. Шомнинг фарзидан кейинги икки ракъатлик суннати уйда ўқилмоғи 340
321-боб. Шомнинг фарзидан кейин олти ракъат нафл намози ўқишнинг фазилати 341
322-боб. Хуфтон(нинг фарзи)дан кейин икки ракъат намоз 341
323-боб. Тунги (таҳажжуд) намоз(и) икки ракъат-икки ракъатдан эканлиги 342
324-боб. Тунги (таҳажжуд) намознинг фазилати 344
325-боб. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тунги (таҳажжуд) намозлари тавсифи 344
326-боб. Ўтган мавзу 345
327-боб. Яна ўтган мавзу 345
328-боб. Уйқу ғолиб келиб тунги (таҳажжуд) намозини ўқий олмай қолса, уни кундузи ўқиб олмоқ ҳақида 346
329-боб. Исми улуғ ва шони юксак Аллоҳ таъолонинг ҳар кеча дунё осмонига «тушмоғи» 347
330-боб. Кечаси қироат қилмоқ 348
331-боб. Уйда нафл намози ўқимоқнинг фазилати 350

ВИТР БОБЛАРИ

332-боб. Витр намозининг фазилати....351
333-боб. Витр намози фарз ҳукмида эмас....351
334-боб. Витр(ни ўқимас)дан олдин ухлаш макруҳ эканлиги....352
335-боб. Витр намози кечанинг аввалида ҳам, охирида ҳам ўқилмоғи баёни....353
336-боб. Етти ракъат витр намози....354
337-боб. Беш ракъат витр намози....355
338-боб. Уч ракъат витр намози....355
339-боб. Бир ракъат витр намози....356
340-боб. Витр (намози)даги қироат....358
341-боб. Витр намозида қунут дуоси....359
342-боб. Витр намозини ухлаб қолиб ёки унутиб қазо қилган киши (нима қилади?)....361
343-боб. Витр намози тонг отмасдан олдин ўқилмоғи баёни....362
344-боб. Бир кечада икки витр йўқ....362
345-боб. Витр намозини туя (улов) устида ўқимоқ....364

НАФЛ НАМОЗЛАР

346-боб. Зуҳо намози....364
347-боб. Завол намози....367
348-боб. Ҳожат намози....368
349-боб. Истихора намози....369
350-боб. Тасбиҳ намози....370
351-боб. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга саловоти шариф келтирмоқнинг сифати (шакли)....373
352-боб. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга саловоти шариф келтирмоқнинг фазилати....374

ЖУМЪА КИТОБИ

353-боб. Жумъа кунининг фазилати....377
354-боб. Жумъа кунида (дуо ижобат бўлиши) умид қилинадиган соат....377
355-боб. Жумъа куни ғусл қилмоқ....380
356-боб. Жумъа куни ғусл қилмоқнинг фазилати....382
357-боб. Жумъа куни таҳорат билан кифояланмоқ....383
358-боб. Жумъага эртароқ ҳаракат қилмоқ....385
359-боб. Узрсиз ҳолда жумъани тарк этмоқ (ҳукми)....386
360-боб. Жумъага қанча масофадан келинади?....386
361-боб. Жумъа (намози)нинг вақти....388
362-боб. Минбар устида ўқиладиган хутба....389

363-боб. Икки хутба орасида ўтирмоқ 389
364-боб. Хутбанинг қисқа бўлмоғи 390
365-боб. Минбарда Қуръон ўқимоқ 390
366-боб. Хутба айтилаётганда имомга юзланиб ўтирмоқ 391
367-боб. Имом хутба айтаётганда келган киши икки ракъат намоз ўқимоғи 392
368-боб. Имом хутба ўқиётганда сўзлашмоқ макруҳ эканлиги 394
369-боб. Жумъа куни сафлардан (елкалардан) ошиб ўтиш макруҳ эканлиги 394
370-боб. Имом хутба ўқиётганда иҳтибо қилиб (тиззаларни тикка қилиб ёки қучоқлаб думба устига) ўтирмоқ макруҳ эканлиги 395
371-боб. Минбарда қўлларни кўтармоқ макруҳ эканлиги 396
372-боб. Жумъа намозининг азони 396
373-боб. Имом минбардан тушгандан кейин сўзлашмоқ 397
374-боб. Жумъа намозидаги қироат 398
375-боб. Жумъа куни бомдод намозидаги қироат 399
376-боб. Жумъадан олдин ва жумъадан кейин ўқиладиган намоз 399
377-боб. Жумъа намозининг бир ракъатига етган киши 401
378-боб. Жумъа кунидаги қайлула (ухлаб дам олиш) 401
379-боб. Жумъа куни кимни уйқу босса, ўтирган жойини ўзгартирсин 402
380-боб. Жумъа куни сафарга чиқмоқ 402
381-боб. Жумъа куни мисвок билан тишларни тозаламоқ ва хушбўйликлар сурмоқ 403

ИККИ ИЙД БОБЛАРИ

382-боб. Ийд намозига пиёда юриб бормоқ 405
383-боб. Ийд намози хутбадан олдин ўқилмоғи 405
384-боб. Икки ийд намозлари азонсиз ва иқоматсиз ўқилмоғи 406
385-боб. Икки ийд намозларидаги қироат 406
386-боб. Икки ийд намозларининг такбирлари 408
387-боб. Ийд намозларидан олдин ҳам, кейин ҳам намоз йўқ 409
388-боб. Хотин-қизларнинг ийдларга чиқмоғи 410
389-боб. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ийдга бир йўлдан чиқиб, бошқа йўлдан қайтганлари 411
390-боб. Рамазон ийдида намозга чиқишдан олдин бирор нарса тотмоқ 411

САФАР БОБЛАРИ

391-боб. Сафарда қасри солат 413
392-боб. Намоз қанча муддат қаср ўқилади? 416
393-боб. Сафарда татаввуъ (ихтиёрий суннат, мустаҳаб ва нафл) намозлари ўқимоқ 418
394-боб. (Сафарда) икки намозни жамъламоқ 423
395-боб. Истисқо (ёмғир сўраш) намози 426
396-боб. Кусуф намози (қуёш тутилганда ёки хусуф – ой тутилганда ўқиладиган намоз) 429
397-боб. Кусуф намозида қироатнинг сифати 431
398-боб. Солатул-хавф (хавф-хатар туғилганда ўқиладиган намоз) 432

САЖДАИ ТИЛОВАТ

399-боб. Саждаи тиловат 435
400-боб. Аёлларнинг масжидга чиқмоқлари масаласи 436
401-боб. Масжидда тупурмоқ кароҳат эканлиги 437
402-боб. «Иншиқоқ» ва «Алақ» сураларидаги саждаи тиловат 438
403-боб. «Нажм» сурасидаги саждаи тиловат 438
404-боб. У сурада («Нажм»да) саждаи тиловат йўқ эканлиги 440
405-боб. «Сод» сурасида саждаи тиловат 441
406-боб. «Ҳаж» сурасида саждаи тиловат 441
407-боб. Саждаи тиловатда ўқиладиган дуо 442
408-боб. Кечқурунги вирдни кечиктириб, кундузи қазосини адо этган киши 444
409-боб. Имомдан олдин бошини кўтарган киши ҳақидаги қаттиқ ҳукм 445
410-боб. Фарзни ўқигандан кейин одамларга имом бўлган киши 445
411-боб. Иссиқ ва совуқ (кунлар)да кийим устига сажда қилмоққа рухсат борлиги 446
412-боб. Бомдод намозидан кейин то қуёш чиққунича масжидда ўтирмоқ мустаҳаб эканлиги 447
413-боб. Намозда юзни ўгириб қарамоқ 447
414-боб. Саждада имомга етган киши нима қилади? 449
415-боб. Намоз бошланаётганда жамоат имомни тик туриб кутмоғи макруҳ эканлиги 449
416-боб. Дуодан олдин Аллоҳга ҳамду сано ва Аллоҳнинг Расулига салоту салом айтмоқ 450
417-боб. Масжидларда хушбўй тутатқилар тутатмоқ 450
418-боб. Кечки ва кундузги намозлар икки ракъат-икки ракъатдандир 451

419-боб. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кундузги ўқиган татаввуъ (ихтиёрий нафл) намозлари қандай эди?....452
420-боб. Аёллар кийимини кийиб намоз ўқиш макруҳ эканлиги....454
421-боб. Нафл намозида юрмоқ ва бирор иш бажармоқ ўқимоқ....454
422-боб. Бир ракъатда икки (зам) сура ўқимоқ....455
423-боб. Масжид сари юрмоқ фазилати ва ҳар қадамга ёзиладиган савоб....455
424-боб. Шомдан кейин уйда (нафл) намоз ўқиш фазилатлироқ эканлиги....456
425-боб. Киши мусулмон бўлганида ғусл қилмоғи....456
426-боб. Хало жойга кираётганда «Бисмиллоҳ» демоқ....457
427-боб. Сажда ва таҳорат асарлари қиёмат кунида бу умматнинг сиймосида кўринмоғи....457
428-боб. Таҳоратни ўнг аъзолардан бошламоқ мустаҳаб эканлиги....458
429-боб. Таҳоратга етгулик сувнинг миқдори....458
430-боб. Эмизикли ўғил боланинг сийдиги устидан сув қуйиб тозаламоқ....459
431-боб. Расулуллоҳ соллаллоҳ алайҳи ва салламнинг «Моида» сураси нозил бўлганидан кейин маҳсилари устига масҳ тортганлари баёни....459
432-боб. Жунуб кишига таҳорат олган вақтида овқат ейиш ва ухлашга рухсат борлиги....460
433-боб. Намознинг фазилати....460
434-боб. Ўтган мавзу....462

ЗАКОТ КИТОБИ

1-боб. Закот бермаганлик борасида пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг билдирган қаттиқ ҳукмлари....463
2-боб. Закотни берсанг, ўз зиммангдаги (ҳақ)ни адо қилган бўлурсан....464
3-боб. Олтин ва кумушнинг закоти....467
4-боб. Туя ва қўйнинг закоти....468
5-боб. Сигирнинг закоти....470
6-боб. Закотда молнинг яхшисини олмоқ макруҳ эканлиги....471
7-боб. Мева, полиз ва ғалла экинларининг закоти....472
8-боб. (Тижорат учун бўлмаган) от ва қул учун закот йўқ....473
9-боб. Асалнинг закоти....474
10-боб. (Йил давомида) фойда келтирадиган мол учун устидан тўлиқ бир йил ўтмагунича закот йўқ....475

11-боб. Мусулмон бўлган (ислом динига кирган) кишилардан жизйа соқит қилинади....476
12-боб. Зеб-зийнат закоти....477
13-боб. Кўкат-сабзавот закоти....479
14-боб. Наҳр (дарё, ариқ) ва бошқа (табиий) воситалар билан суғориладиган экинлардан олинадиган ҳосиллар закоти....480
15-боб. Етим молининг закоти....482
16-боб. Ҳайвон етказган зарар соқитдир, рикоз (хазина) учун эса хумс (бешдан бир қисм закот) бор....483
17-боб. Тахмин (билан закот миқдорини белгилаш) ҳақида....484
18-боб. Ҳаққонийлик билан иш кўрувчи закот маъмури ҳақида....485
19-боб. Закот борасида ҳаддан ошган киши ҳақида....485
20-боб. Закотчининг ризолиги ҳақида....486
21-боб. Закот бойлардан олиб, камбағалларга қайтарилади....487
22-боб. Садақа олиши ҳалол (жоиз) бўлган кишилар....487
23-боб. Садақа олмоғи ҳалол (жоиз) бўлмаган кишилар....489
24-боб. Қарздор ва шунга ўхшаш кишилар орасида садақа олиши жоиз бўлганлар....490
25-боб. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, у зотнинг аҳли байти ва авлодлари учун садақа (ва закот) олмоқ макруҳ эканлиги....491
26-боб. Қариндошларга садақа бериш ҳақида....492
27-боб. Молда закотдан бошқа ҳам ҳақ бор....493
28-боб. Садақа беришнинг фазилати....494
29-боб. Тиланчи ҳақида....497
30-боб. Қалблари мойил (улфат) қилинадиган кишиларга (нарсалар) бермоқ ҳақида....498
31-боб. Садақа берган киши ўз садақасига ворис бўлмоғи....499
32-боб. Садақасидан қайтмоқ кароҳат эканлиги....500
33-боб. Ўликнинг руҳи учун садақа бермоқ....501
34-боб. Хотин эрининг уйидан инфоқ қилмоғи....503
35-боб. Садақаи фитр ҳақида....504
36-боб. Фитр садақаси (ийд) намоз(и)дан олдин берилмоғи....506
37-боб. Закотнинг вақтидан олдин берилмоғи....507
38-боб. Тиланчиликдан қайтарув....508

Акмал Саидов. «Сунан-Термизий» – инсон ҳақ-ҳуқуқининг ранг-баранг намунаси. Сўнгсўз ўрнида....510

АБУ ИЙСО МУҲАММАД АТ-ТЕРМИЗИЙ



АЛ-ЖОМИЪ АС-САҲИҲ

СУНАНИ ТЕРМИЗИЙ

Ҳадислар тўплами таржимаси

I
ЖИЛД

Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи:
Мирзо Кенжабек
(Кенжабоев Мирза Тўйчиевич)

«SHARQ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2012

Нашр учун масъул:
Эркин Малик

Мусаҳҳиҳа:
Шарофат Хуррамова

Нашриёт лицензияси: AI № 201, 28.08.2011 йил.

Босишга рухсат этилди: 16.05.2012. Қоғоз бичими 70x100 1/16.
Virtec Times Uz гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 42,56.
Нашриёт ҳисоб табоғи 33,0. Адади 5000 нусха.
Буюртма №2300. Баҳоси келишилган нархда.

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.